

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИЙ
ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ

Академия

ЖАҲОН КОНСТИТУЦИЯЛАРИ

I ЖИЛД

(Жаҳон давлатлари конституциялари тўплами)

Тузувчилар, муқаддиманинг ҳамда конституцияларга
доир кириш сўзларининг муаллифлари;
юридик фанлари докторлари, профессорлар
У. ТОЖИХОНОВ ва А. Х. САИДОВ

Ж39
ББҚ 67.400.1.

Жаҳон конституциялари (Жаҳон давлатлари конституциялари тўплами, I-жилд). Тузувчилар, муқаддима ҳамда кириш сўзларнинг муаллифлари **У. ТОҶИХОННОВ** ва **А. Х. САИДОВ**. — Тошкент.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2001 й.

Жаҳон давлатлари конституциялари тўпламининг биринчи жилдига Австрия, Озарбайжон, Жазоир, Арманистон, Беларусь, Болгария, Буюк Британия, Германия конситуцияларининг расмий матнлари киритилган.

Тўплам умумий муқаддима билан очилади; бундан ташқари, ҳар бир конституция учун кириш сўзи ҳам берилган.

Китоб депутатлар, давлат органлари ходимлари, олий юридик ва бошқа ўқув юртлари ўқитувчилари, аспирантлари, талабалари, тингловчилари, шунингдек кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

Ушбу тўплам ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни ва навбатдаги китобларга доир таклифларингизни қуидаги манзилда миннатдорлик билан қабул қиласиз:

700197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси.

Таржимон **М. АҲМЕДОВ**

Ж 1203000000 — 023
— 2001
(04) — 2001

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1997

© «Адолат», таржима, 2001.

ЖАҲОН КОНСТИТУЦИЯЛАРИГА УМУМИЙ ТАЪРИФ

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси ўзимизнинг кўп асрлик ҳуқуқий тарихимиз ва маданийатимиз маҳсули бўлиб, ички ва халқларо тараққиёт субъекти сифатида миллий давлатчилигимизнинг мустақиллиги ва ўзига хос томонларига мувофиқ келади.

Ўзбекистон Республикасининг асосий қонуни — мустақил Конституцион тараққиётнинг муҳим босқичидир. Конституциянинг қабул қилиниши, мамлакатда демократик конституцион ҳуқуқий тузумнинг, Ўзбекистон фуқаролари ҳаётининг маънавиятли, соғлом ва оқилона негизларининг мустаҳкамланиши, Конституцияга, ҳуқуқ ва қонунга, дўстпарварлик ва ижтимоий бирдамликка ҳурмат-эҳтиромни тарбиялаш, моддий фаровонлик ва маънавий тикланиш — булар янгиланаётган Ўзкистонда бошланган конституцион жараённинг таркибий қисмларидир.

Ҳозирги вақтда икки масала муҳим аҳамият касб этмоқда.

Биринчи масала — конституционализмни тушуниш масаласидир. Мазкур масалага мурожаат қилган барча кишиларнинг асосий фикрига қараганда, конституционализм қўйидагича тушунилиши лозим:

- Назарий билим сифатида;
- ғоявий-сиёсий ҳаракат сифатида;
- давлатнинг ҳуқуқий тажрибаси сифатида.

Сиёсий-ҳуқуқий тажриба сифатидаги конституционализм учун конституция мавжудлиги фактининг ўзи ва унинг мамлакат давлат-ҳуқуқий ҳаётига фаол, таъсир кўрсатиш фактининг ўзи, амалдаги қонунчилик тузумида конституциянинг ҳақиқий фаолият кўрсатиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Конституционализм, бундан ташқари, давлат тузуми ва сиёсий режимнинг конституцион-ҳуқуқий тартибга солиб турилишини, шахснинг давлат билан ўзаро муносабатларида унинг ҳуқуқлари ва эркинликларининг конституцион ҳимоя қилинишини назарда тутади.

Сиёсий ҳокимиятнинг тузилиши ва амалга оширилишининг ўзига хос усули бўлган конституционализм давлат органлари ва фаолиятининг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиб турилишини қамраб олади.

Иккинчи масала, конституционазизмни жаҳон тажри-

басида ўрганиш билан боғлиқдир. Биз конституционализмни қандай таърифлашииздан қатъи назар, унинг мақсади, — жаҳон конституцион харитасини, яъни ҳозирги замоннинг асосий конституцияларини ўрганишдан иборатдирки, бу ўз Конституциямизни ривожлантиришга, муайян давлатнинг конституцион — ҳуқуқий муаммоларини ҳал этишга қаратилган бўлиб, ўзининг хусусий илмий (назарий — англаш) натижалари билан, шунингдек амалий — татбиқий натижалари билан таъминлаши лозим ва бунга қодирдир.

Ҳозирги шаронтда конституционализмнинг амалий-татбиқий вазифалари биринчи ўринга чиққан. Конституционализмнинг энг муҳим амалий-татбиқий жиҳати — бу конституцион жараёнда жаҳон конституцион тажрибаларидан фойдаланишдир, яъни:

биринчидан, конституцион сиёсатнинг айрим муҳим муаммоларини ҳал қилишда;

иккинчидан, айрим конституцион институтларнинг муаммоларини ҳал этишда;

учинчидан, конституцион-қонунчилик техникасини такомиллаштириш мақсадида.

КОНСТИТУЦИЯ: ТУШУНЧА ВА ЭВОЛЮЦИЯ

Constituțio — лотинча сўздир. У айнан — «тузиш», «тузук», «низом», «тузилиш», «яратиш» деган маъноларни англатади.

«Конституция» атамаси ўзининг узоқ тарихига эгадир. Масалан, қадим замонларда «Конституция» сўзи, сиёсий тузум маъносини билдирган. XVII асрда Францияда бу сўз билан рентани, рента шартномасини ифодалашган. Сўнг яна унинг қадимги юононча маъносига қайтишган ва бу атама билан ҳуқуқ томонидан белгилаб бериладиган давлат тузилишини ифодалай бошлаганлар. Буюк француз инқилоби арафасида «конституция» атамаси билан «давлатнинг ҳолати»ни акс эттира бошлаганлар.

Шу маънода айтиш мумкинки, Чингизхоннинг «Ясоси ва Амир Темурнинг «Гузуклар»и Шарқ ва Осиё мамлакатлари цивилизацияларига хос бўлган алоҳида шаклдаги конституцион ҳужжат хусусиятига эга бўлган. Улар XIII—XIX асарларда шариат қонунлари билан бир қаторда Ўрта Осиё ҳалқларида давлатнинг аҳволини ифодаловчи таъсир ўтказган.

Тарихий эволюция жараёнида Европа цивилизацияси ҳозирги кунда амалда бўлган конституцияларнинг икки гуруҳини вужудга келтириди.

Биринчи гуруҳ — булар ҳозирги замон шароитларидан кескин фарқ қилувчи шароитларда қабул қилинган эски конституциялардир. Бу хилдаги конституцияларга 1787 йилги АҚШ Конституцияси, шунингдек, 1831 йилги Бельгия Конституцияси, 1874 йилги Швейцария Конституцияси энг яққол намуна бўлади.

Иккинчи гуруҳга — XX асрнинг иккинчи ярмида қабул қилинган «Янги авлод» конституциялари киради. «Янги авлод» конституциялари дастлабки конституциялардан ҳуқуқ ва эркинликлар институтининг, конституциянинг ҳимоя қилиш механизмлари ва ижтимоий муаммоларга мурожаат қилиш механизмларининг кенгайиши натижасида конституциявий бошқарув ҳажмининг кўпайиши билан фарқ қиласди.

Урушдан кейинги даврдаги конституцияларнинг ижодкорлари фақат ўз мамлакатларининг конституцион ривожланиш тажрибасидан фойдаланибгина колмасдан, шу блан бирга конституциянинг барқарорлигини сақлаш соҳасидаги Америка тажрибасига ҳам мурожаат қилдилар. Америка Конституциясининг дастлабки матни бирмунча эскирган бўлишига қарамай, ўзининг юқори даражада пухталиги, тегишли равишда, самардорлиги билан ажralиб турадики, бу унинг эскириб қолганлиги ҳақидаги мавжуд фикрга қўшилиш имконини бермайди.

Британия Конституционализми тўғрисидаги масала алоҳида ажralиб туради. Аслини олганда, Буюк Британияда на фақат ёзилған конституция, балки конституцион ҳужжатларни ажратиб кўрсатадиган бирон-бир расмий мезон ҳам йўқ. Шу билан бирга, Британия ҳуқуқининг муайян амалий тадбирлари ва ақидавий ёндашувлари конституцион қурилиш учун илмий-амалий қизиқиш уйғотади.

20-йиллардинг бошларида Шарқ мамлакатлари (Туркия, Эрон, Миср, Афғонистон)да давлат мустақиллигининг шаклланиш жараёни конституцион қурилишнинг шундай типини вужудга келтирдики, у Европадаги конституцион шаклларни, умум томонидан эътироф этилган ҳуқуқий қадриятларни (шахс ҳуқуқларининг даҳлсизлиги, фуқаролик давлати ва шу кабиларни), ривожланган фуқаролик-ҳуқуқий нормалар мажмуига

эга бўлган аиъанавий мусулмонлар ҳуқуқини бирга қўшиб олиб боришга уринди. Шу билан бирга Европа Конституцияларидан ўзлаштириб олинган бир қатор нормалар, чамаси, Шарқ мамлакатларининг «ғарбий демократиқ тугуни»га алоқадорлигини тасдиқлаши лозим эди. Лекин улар мамлакат ичкарисида фойдаланиш учун ўша даврда ҳаммадан кўра камроқ мўлжалланган эди.

Осиёда мустақил давлатлар вужудга келишининг иккинчи тўлқини (40—50 йиллар) конституцион қурилишга аралаш — британча-французча ёндашувни татбиқ этишга мисол бўла олади. Конституциянинг французча (шунингдек, италянча) типидаги фуқаролик йўналишида бўлиши Британия мустамлакачилик нормалирини яратишга хос бўлган деталлаштириш билан қўшилиб кетган эди. Бунга мисол Ҳиндистон Конституциясидир. Унда ҳам АҚШ Конституциясида биринчи марта етарли даражада тўлиқ мустаҳкамланган федерализм тамойилининг таъсири сезилиб туради. Лекин Осиёдаги кўпчилик мамлакатлар ҳали мустақилликка эришмасдан олдин нормалар яратишиниг тарихий ёки мустамлакачилик тажрибасига эга эдилар. Ғарбнинг таъсири анча қучли бўлишига қарамасдан, Осиёдаги кўпчилик мамлакатларнинг конституциялари ўз ватандаги миллй хусусиятларни ҳисобга олади.

Мустақил давлатлар қарор топишининг учинчи тўлқини аввало Африка қитъасининг Саҳрон Қабирдан жануброқдаги мамлакатларига тўғри келади (60 йиллар), Европача моделлар ҳукмрон бўлганлиги сабабли, бу ерларда мавжуд бўлган хусусий давлатчилик тажрибалари батамом ривожланмаган ёки барҳам топган. Одатда собиқ метрополиялар янги давлатларнинг конституцион қурилишига маълум даражада ўз таъсирини кўрсатгап.

Айрим давлат тузумлари (Саудия Арабистони, Уммон, Ливия) Исломга нотаниш бўлган, аммо юридик жиҳатдан муҳим институт ҳисобланган конституциянинг зарур эквалигини инкор қиласидилар ёки унинг аҳамиятини ҳарёклама камситишга урунадилар. 1968 йилда инглиз конституциялари томонидан бичилган Свазиленд Конституцияси халқнинг «демократик анъаналарига ба тўрмуш тарзига мувофиқ келмаганлиги» сабабли бекор қилинди: мустамлака бўлмасдан олдинги пайтда бўлган ҳокимият тизими қайта тикланган.

Ниҳоят, мустақил давлатлар ташкил топишининг тўртинчи тўлқуни Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида социалистик тизимнинг барбод бўлиши, шунингдек, Собиқ СССРнинг қулаши билан боғлиқдир. 80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг биринчи ярми барча собиқ социалистик ҳудудда конституцион ислотхолларнинг шиддатли даври бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳозирги замон конституцион қурилишидаги умум эътироф қилган ёндашувларни халқнинг тарихий, ҳуқуқий, маънавий тажрибаси ва анъаналари билан аниқ ва ўзига хос тарзда узвий равишда бирлаштиради.

КОНСТИТУЦИЯ: ЮРИДИК ТАЪРИФИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

Конституциянинг юридик хоссалари ва функциялари таърифи муҳим аҳамиятга эгадир. Асосий қонуннинг аввалги сифати давлат тузилиши негизларини белгиловчи хужжат билан мустаҳкамланардики, бу аслида, муҳим юридик оқибатларни келтириб чиқармасди. Ўзбекистоннинг 1978 йилги Конституцияси, чет элда эса, Италия Қироллик конституцияси (1848 йил — Альбертин низоми) ана шундай Конституциялар хилидан эди. Муаллифлари мафкуравий ақидаларга асосланган бу конституцияларнинг ҳаммаси мафкуравий баённомалар ва қондалар билан тўлиб-тошган эди. Ҳозирги вақтда уларни таҳрир қилиш жараёни кетаётганлиги бежиз эмас (Миср, Сурія, Ангола ва ҳоказо мамлакатларда).

АҚШ Конституцияси ва «иккинчи авлод» конституцияларини сиёсий-декларатив нормаларнинг нисбатан кичик ҳажми ва муайян ҳуқуқийлаштириш даражаси бирлаштириб туради. Конституцияга барча белгиларга эга бўлган юридик хужжат сифатида қараш ҳозирги замон конституционализмининг муҳим хусусиятидир. Шу билан бирга, Мексика Конституцияси сайлов ҳуқуқини ва сайлаб қўйилган давлат шахслари фаолиятини амалга ошириш механизмини деталлаштириш билан ажralиб туради.

Шуниси эътиборга лойиқки, конституцияларнинг преамбуласи ҳам фаоллик билан ҳуқуқийлаштирила бошланди. Ундан воз кечиш ҳоллари ҳам (Италия), ёки энг кўп даражада қисқартириш ва аниқ юридик мазмун билан тўлдириш ҳоллари ҳам (ГФР, Франция, Испания) кўзга ташланмоқда.

Конституциянинг асосий мазмуни ҳам декларатив ва баҳо берувчи қоидаларни энг кам миқдорга келтириши (асосан кириш бўлимларидағи «Умумий қоидалар»да) билан ажралиб туради.

Асосий қонуннинг бир-бири билан чатишиб кетган бир неча функцияларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Конституциянинг сиёсий функцияси жамиятнинг ижтимоӣ тузилишини тартибга солиш билан бирга сиёсий ҳаёт ва курашни муайян ҳуқуқий доираларда талқии этишини мақсад қилиб қўяди. Ташкилий функциянинг моҳияти давлатнинг конституцион тузилишини ташкил этиш ва унинг фаолиятига доир асосий мезонларни тартибга солишдан иборатdir. Агар конституциянинг шакллантирувчи (амалий) функцияси жамиятнинг муайян қадрятларини қарор топтириш мақсадида маънавий соҳага таъсир кўрсатишга мўлжалланган бўлса, юридик функцияси унинг вазифасини амалдаги ҳуқуқий тизимнинг асоси сифатида акс эттиради.

Шу муносабат билан, конституциянинг юридик функциялари орасида қўйидаги функциялар энг муҳимлари ҳисобланади.

Биринчидан, конституцион нормалар амалдаги ҳуқуқнинг юқори моддий мезони ҳисобланади; бу ҳуқуқда мавжуд бўлган ва унда пайдо бўладиган барча нарсалар конституцион нормаларга мос келиши лозим.

Иккинчидан, конституция матнида ҳуқуқнинг асосий тамойилларига доир кўрсатмаларнинг мавжудлиги.

Учинчидан, амалдаги ҳуқуқ мансаблари тизимининг конституцион таърифи.

Тўртинчидан, конституцион нормаларнинг ўзи асосан бевосита амалдаги ҳуқуқ ҳисобланади, яъни судлар ва бошقا юридик органлар томонидан татбиқ этилиши лозим. Конституциянинг юридик табииати ва функциялари норматив ҳужжатлар тизимида устун мавқеда туриши билан ҳам жуда яққол намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлатизмнинг Асосий қонуни ҳисобланади. У бевосита амал қиласиган, маъно жиҳатидан йириклаштирилган юридик нормаларни ва энг кам декларатив қоидаларни ўз ичига олади.

КОНСТИТУЦИЯНИНГ УСТУНЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИ

Конституциянинг юридик жиҳатдан устунлиги та-мойили АҚШнинг Европадаги урушдан кейинги доктрина ва амалиёт билан бирмунча кенгайтирилган консти-туцион ривожланиши тажрибасига бориб тақалади. Мазкур тамойил, биринчидан, конституцияга зил қе-левчи ҳар қандай фаолиятни, шу жумладан, қонун чи-кариш фаолиятини тақиқлашни билдиради.

Иккинчидан, конституцион нормалар анъанавий ме-зонларга нисбатан энг асосий мезон бўлиб, у қонуний тушунтириш ва татбиқ этиш воситасидир.

Учинчидан, норма ишлаб чиқувчи барча органлар конституцион қондаларни ривожлантиришга ҳаракат қилишлари шарт.

Тўртинчидан, конституцияни қабул қилишнинг ало-ҳида хусусияти ва уни қайта кўриб чиқишнинг мурак-каб тартиби Асосий қонунни етарли даражада барқа-рор қиласди.

Бешинчидан, конституциянинг алоҳида муҳофаза қилиниши, бошқача айтганда, конституцион назорат-нинг мавжудлиги.

АҚШда конституция устунлигининг алоҳида қарор топишида, бу конституцияда муфассал тадқиқнинг қис-ман бўлса-да йўқлиги ва матнларнинг лўндалиги ҳам катта омил бўлди. АҚШда 200 йилдан кўпроқ вақт мо-байнода юз берган жуда катта хилма-хил ўзгаришлар конституция матнига деярли дахл қилмади. Бундай барқарорликка конституциянинг талқин қилиниш им-конияти ҳам муҳим сабаб бўлади. Бироқ бунга АҚШ Конституциясининг V моддасида АҚШ конституциясига тузатишлар киритиш ҳақидаги алоҳида мураккаб ме-ханизмнинг мустаҳкамлаб қўйилганлиги асосий омил бўлди. Конгресс ўзининг ҳар бир палатаси аъзоларидан 2/3 қисмининг розилиги билан тузатишлар тўғрисида таклиф киритади ёки штатдаги 2/3 аъзоларнинг легист-ратуралари (қонун чиқарувчи мажлислари) талабига кўра у конвент (фуқаролар вакилларининг умумий маж-лиси) чақиради ҳамда унинг қараб чиқиши учун туз-тишлар тўғрисидаги таклифни киритади.

Конституциянинг устунлиги, унинг мамлакат Асосий қонуни эканлиги уни қабул қилишининг алоҳида хусу-сиятини ҳам шарт қилиб қўяди — бунинг учун алоҳида конституцион конвентлардан кенг фойдаланилади, ва-

колатли орган томонидан қабул қилингган конституция умуммиллий референдум томонидан тасдиқланади, шунингдек бундан кейинги қайта кўриб чиқиш ва ўзгаришлар киритиш ҳам тасдиқланади.

Конституцияниң барқарорлигини, шунингдек, сиёсий маданият ва маънавиятнинг алоҳида тури ҳам тақозо қилади, бунда давлат ва қонунинг фуқаролар ва жамият ҳаётига аралашуви бозор иқтисодиётининг ўз-ўзини тартибга солувчи механизмлари ва бошқа қудратли кучлари билан чекланган бўлади. Бу АҚШга хос ҳусусиятдир.

Франция эса мазкур 200 йил мобайнида ўзининг бошқача қонуниятлари билан яшади: шу сабабли конституция ҳам нисбатан тез-тез алмаштирилиб, унга туб тузатишлар киритилиб турилди. Бундай вазият фақат Францияниң ўзида содир бўлиб қолгани йўқ. Масалан, 1950 йилдан бери Ҳиндистон Конституциясининг дастлабки матнидан 2/3 қисми ўзгартирилди.

Францияда алоҳида мураккаб тартибда чақирилган конституцион мажлис аъзоларининг бешдан уч қисми матини ўзгартириш учун овоз берса, референдум утказиши талаб қилинмайди. (Бу ҳам конвенцияни ўзи). Италия ва Франция конституцияларига ҳозирги кунгача фақат олтидан ўзгариш киритилган.

Испания конституцияси ҳозиргача ўзгаришлар киритилишидан ҳоли бўлиб туриди, бунга қисман унинг «ёшлиғи» сабаб бўлса, қисман сабаби шуки, мазкур мамлакатда қонун лойиҳасини киритишнинг мураккаб шароитида конституцияга ўзгаришлар киритиш албатта референдум томонидан маъқулланиши шартлиги кўзда тутилган.

ГФРнинг Асосий қонунини юқоридагилардан камроқ барқарор деб бўлмайди: унга ўзгаришлар киритиш учун бундестаг ва бундесрат депутатларининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги овоз бериши кифоя қилади. Шунга кўра, ғарбий Германия конституцияси бошқа конституцияларга қараганда тез-тез ўзгариб туради (35 марта). Бироқ бу мамлакатдаги вазият барча жабхаларда энг барқарор вазиятлардан бири ҳисобланади.

Буюк Британияда конституцияниң устунлиги муаммоси (у ерда ёзилган конституцияни ўйқилиги туфайли) ҳуқуқнинг ҳукмронлиги ва парламентнинг устунлиги тамоийларида бамисоли мавжуд эмасдай туюклиди.

Шу сабабли парламент ўз истаги бўйича бекор қила олмайдиган нормаларнинг ўзи йўқ, деган қоида мутлақлаштирилган. Парламентнинг устунлигига тамойилини танқид қилувчилар унга конституциянинг устунлиги тўғрисидаги аниқ ифодаланган қоидани муносиб кўрадилар. Хусусан, бунга сабаб шуки, акс ҳолда инсон ҳуқуқлари институтини юқори поғонага кўтариб бўлмайди. Бироқ инглиз парламентаризми салкам 800 ёшга тўлган, шунинг учун ҳам у ўзининг юқори натижадорлиги ва самараадорлигини исботлади.

Бир қатор давлатлар конституцияларнинг ўзгартирилмайдиган моддаларини белгилаб берганлар. Булар бошқарув шаклига, Ислом маданияти ҳукмрон бўлган мамлакатларда эса, давлат дини тўғрисидаги моддаларга тааллуқлидир.

Умуман олганда, ҳорижий давлатлар тажрибаси анча «қаттиқроқ» конституцияни ёқлаб фикр билдиради. Барқарорлик, ўз навбатида, жамиятнинг юксак нормалари ва қадриятларининг ифодачиси бўлмиш конституциянинг ахлоқий нуфузини оширади. Нормаларни батафсиллаштириш, конституцияга қуруқ муҳокамалар билан асосланган, ўткинчи қоидаларнинг киритилиши ҳам уни дамбадам қайта кўриб чиқиш зарурлигига олиб келади.

Шуниси қизиқарлики, Туркманистоннинг 1992 йилги Конституциясида ҳам, Афғонистоннинг 1989 йилги Конституциясида ҳам умумхалқ конституцияси анжуманлари ўtkазилиши кўзда тутилган бўлиб, улар парламент депутатлари, ижроя ва суд ҳокимиятининг юқори мансабдор шахсларидан ташқари, халқнинг бошқа вакилларини ҳам ўз ичига олади. Шу нарса диққатга сазоворки, АҚШ ёки Франция конституцияларида кўзда тутилган Конвент ҳам худди шундай моҳиятга эгадир. Бундай шакл референдумга нисбатан бирмунча мослашувчан ва самаралидир, референдум эса оқилона муроса-мадораларни излаш ва нуқтаи назарларни аниқлаштириш имкониятига эга эмас. Шарқ мамлакатларида у «умма»нинг бир тури ёки анъанавий халқ конституциясининг кўриниши сифатида тушунилиши мумкин.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ НАЗОРАТ

Конституционализмнинг тарихий ривожланиши ва амалиёти шуни кўрсатадики, конституциянинг устунли-

ги тамойилини амалга ошириш учун бу тамойилни ва ҳатто уни эълон қилувчи конституцион қоидаларнинг ўзини ҳам ақидапаастларча асослаб беришнинг ўзи етарли эмас. Суд (ва квазисуд¹ ҳам) конституциявий назоратнинг аср бошида Европада бўлмаган, аммо эндиликда жаҳоннинг деярли барча қонституциялари томонидан эътироф этилган институтнинг кенг тарқалганилигига сабаб ҳам шу. Бу ўринда Америка тажрибаси ҳам ҳисобга олинган. Бу мамлакатда конституциянинг устунлиги нафақат ва наинки унинг VI-моддасида Конституциянинг устунлиги эълон этилганлиги билан балки конституциявий суд назорати билаи ҳам таъминланганидир.

ГФР, Италия, Австрия, Испания ва ҳоказо мамлакатларда мазкур судларнинг вазифасига конституциявий назоратни амалга оширишдан ташқари, давлат органлари ўртасидаги ваколатлар тўғрисидаги низоларни, федератив давлат тузилмаси билан боблиқ низоларни, сайловлар ўтказишнинг тўғрилиги ҳақидаги ва шу каби низоларни ҳал қилиш ҳам киради. ГФРда федерал конституциявий суд сиёсий партияларнинг ғайри-конституциявийлиги тўғрисида қарор чиқаришга ваколатлидир. Конституциявий адлиянинг ташкил этилиши фақат суд ҳокимияти ҳуқуқини бир қадар кучайтиради, у шак-шубҳасиз, қонун чиқарувчи ҳокимият ҳуқуқини чеклайди.

Ўзбекистон Конституяси ҳам жаҳон судлари тажрибасини ҳисобга олган ҳолда конституциявий назорат соҳасида катта ваколатларга эга бўлган Конституциявий судни назарда тутади.

ГФРнинг Асосий қонунида суд ҳокимиятининг ўзбошимчалиги олдини олиш учун Конституциявий суд аъзоларини сайловчи парламент тадбири назарда тутилган. Италия конституциясининг ижодкорлари конституциявий адлия тузилишини, унинг органини шакллантиришда ҳокимиятни тақсимлаш тузилмасидан фойдаланиши билан «оқлаш»га уриндилар: Конституциявий суд қонун чиқарувчи ҳокимият (парламент), ижроия ҳокимият (Президент) ва суд ҳокимияти (умумий ва маъмурий адлиянинг юқори ташкилотлари) томонидан тенг қисмларда ташкил этилади.

Бундай меҳанизм тийилиш ва қарама-қаршиликлар

¹ Сохта суд маъносини билдиради.

тизими сифатида Ўзбекистон Республикаси учун ҳам қизиқиш уйғотади.

Франциянинг 1958 йилги Конституцияси ҳам конституциявий назорат тизимини назарда тутади. Бу назорат Конституциявий кенгаши фаолиятида ўз ифодасини топган. Бу орган гарчи Франция сиёсий тизимида анча муҳим роль ўйнаса ҳам, лекин бошқа Европа мамлакатларидаги конституциявий суд назорати органларига писбатан ўз имкониятларида анча чекланган. Францияда Конституциявий кенгашининг ташкил этилишини суд назорати тарафдорлари билан парламентнинг устунлиги тамоили ҳимоячилари ўртасидаги муайян муросага келиш деб ҳисоблаш мумкин.

Қонунларни шундан кейинги конституциявий назорат қилишни кенг табиқ этадиган ва бу қонунларни бекор қилишга ваколатли бўлган конституциявий судлардан фарқли ўлароқ Франция Конституциявий кенгаши фақат парламент қабул қилган, лекин ҳали Президент тасдиқламаган (имзоламаган) қонунларни дастлабки тарзда назорат қилишни амалга оширади. Бироқ, кучга кирган қонунни ғайриконституциявий деб эътироф қилиш билан парламент томонидан қабул қилинган, лекин президент имзоламаган қонунни тақиқлаш ўртасидаги амалий тафовут унчалик муҳим эмас, лекин бу президентнинг хатога йўл қўйиши мумкинлигини камайтиради.

Бироқ, конституцион тузумнинг руҳонийлар томонидан юқори даражада назорат қилиниши ғоясига (Эрон Ислом Республикаси Конституциясида ана шу нарса белгилаб қўйилган) асло қўшилиб бўлмайди. Юқори конституциявий назоратни умрбод олий ҳакамга — умумий овоз бериш йўли билан сайланадиган ҳакамга юклаб қўйиш тўғрисидаги таклиф фойда келтириши даргумон. Бундай чора давлат бошлигини ва қонун чиқарувчи ҳокимиятни жиддий равишда чеклаб қўяди, ҳуқуқий ўзбошимчалик учун имконият яратади.

Қонунларнинг конституциявий табиийлиги устидан суд назорати мавжуд бўлган жойларда Конституциянинг устунлиги анча тўлиқ қабул қилинади. Италия, ГФР, Испанияда конституциялар юқори даражадаги ҳуқуқ бўлиб, тегишли мамлакат қонунчилигига у ёки бу ҳужжатнинг мавжудлиги (бундай ҳужжат қачон ва ким томонидан қабул қилинганлигидан ва конституционлик тўғрисидаги дастлабки қарорларнинг мавжудли-

гидан қатъи назар) мезони бўлиб хизмат қилади. Бунинг устига, конституциявий суд назорати йўли билан қонун ҳужжати мазмунини ўзгартиришга йўл қўйилади. Лекин булар мазкур мамлакатлардаги конституцион қурилишнинг бошланғич қадамлари эмас, балки бамисоли навбатдаги қадамлари ҳисобланади.

Айтилганларга якун ясаб, шундай холоса чиқариш мумкинки, конституциявий суд назорати мавжуд бўлган мамлакатларда конституцион устунлик — бу айнан Конституциянинг устунлигидир. Францияда аҳвол бошқачадир, бу ерда қонун устунлиги мавжуд, қонун кучи туфайли муайян «имтиёзларга» эга бўлган конституция эса тенг қонуилар ичида биринчи қонун ҳисобланади.

Узбекистон Республикаси Конституцияси конституциянинг устунлигини амалга ошириш устидан конституциявий суд назоратини олиб бориш механизмини ўз ичига олган. Бунга аввало ҳуқуқий фуқаролик давлати барпо этиш эҳтиёжлари, давлат барқарорлиги тажрибасининг тўпланиши ва таркиб топиб бораётган сиёсий-ҳуқуқий маданиятнинг ҳисобга олинishi сабаб бўлди. Конституцион тузумнинг ҳаддан ташқари ўзгарувчалиги кўпгина хавфли жиҳатларни келтириб чиқариши мумкин.

Франция, Мексика, Сурдия ва Миср конституциялари конституцион тузумнинг мұхим кафолати сифатида Республика Президентининг роли ва ваколатларини қайд қилади. Бундай ёндашувдан янги ўзбек давлати конституциясида ҳам фойдаланилган.

КОНСТИТУЦИЯ – БЕВОСИТА АМАЛ ҚИЛУВЧИ ҲУҚУҚ

ГФРнинг асосий қонунида бевосита ҳуқуқ сифатидаги конституцион нормалар ҳақидаги foят мұхим қоида мустаҳкамланган. Бу асосий қоида жаҳонда амалда ҳамма жойда қабул қилинган (ёки қабул қилинмоқда). Шундай қилиб, конституциялар матнларига ҳозирги шароитда бамисоли расмий ҳуқуқий қоидаларнинг киритилиши амалда катта юридик аҳамиятга эгадир.

Масалан, Италия Конституцияси меҳнат қилиш ҳуқуқини мустаҳкамлар экан, давлат зиммасига ё иш беришни, ёхуд иш бермаганлиги учун уни моддий томондан таъминлаш вазифасини юклайди. Етмишинчи йилларда Италия судлари конституциянинг, чамаси, энг умумий талабларига (бир хил ижтимоний қадр-қиммат-

га эга бўлиш ҳуқуқи, билан ҳимоя қилиш ва шу кабиларга асосланиб, уйсиз оиласларга, яъни давлат секторидаги бўшаб қолган квартиralарни ўзбошимчалик билан эгаллаб олаётган оиласларга нисбатан қонуний, яъни тўғридан-тўғри қонундан келиб чиқадиган) санкцияларни қабул қилишдан воз кеча бошладилар.

Ўзбекистон Конституциясида халқ ва фуқаронинг конституция томонидан кафолатланадиган асосий ҳуқуқлари мажмун сиқиқ ва муҳтасар тарзда баён қилиб берилган. Бунинг учун асосий негиз бўлиб Инсон ҳуқуқлари умумий декларациясининг қоидалари хизмат қилган.

Конституциянинг бевосита тўғри амал қилиши тушунчаси кўп маъноли тушунчадир. Бунда унинг икки жиҳати: қонун яратувчилик ва ҳуқуқни татбиқ этувчилик жиҳатлари белгиловчи аҳамиятга эгадир. Биринчи маънода конституциянинг бевосита амал қилиши шуни билдирадики, конституцион нормани бошқача маънени англатмайдиган йўл билан ифодаланган тарзда ижро этиш учун янги норматив ҳужжат чиқарилади. Агар конституция ижтимоий ҳаётни тартибга солиб турадиган демократик тамойилларни ўз ичига олса, жорий қонунчилик тўла-тўқис унга таянса, у ҳолда бу нарса, маълумки, бутун ҳуқуқий тизимга ижобий таъсир кўрсатади.

Бу ўринда конституциянинг айниқса, Ўзбекистондаги қонунчилик учун хос бўлган тор маънода тартибга солиб турувчи бевосита амал қилиши яққол намоён бўлади.

Конституциянинг бевосита амал қилишининг бошқа маъноси — бу ҳуқуқни татбиқ этиш органлари — судлар, турли давлат муассасалари, жамоат ташкилотлари, шунингдек, фуқаролар томонидан конституцион нормаларни тадбиқ этилишидир. Бунда суд (ёки бошқа орган) ўз ҳаракатларини асослашда орада бирон-бир қонун чиқармайди, тўғридан-тўғри конституцион нормага таянади.

Конституциянинг бевосита амал қилиши бир неча шаклларда намоён бўлади. **Биринчидан**, у шу нарсада ифодаланадики, кўп ҳолларда конституциянинг ўзи бир қатор юқори давлат органларининг ваколатини белгилаб беради. Конституциянинг бундай нормаларини татбиқ этган ҳолда юқори қонун чиқарувчи, ижроия ва суд органлари ташкил топади ва бевосита фаолият кўрсатади. Кўрсатиб ўтилган ҳолларда ҳеч қандай воситачи-

лик қилувчи қарорлар (ҳужжатлар) талаб қилинмайди.

Иккинчидан, кўп ҳолларда муайян масалаларни ҳал қилаётган судлар ва бошқа давлат органлари конституцион нормаларга бевосита таяниб иш кўрадилар. Судларнинг конституцион нормаларга мурожаат қилиши қўйидаги ҳолларда рўй бериши мумкин:

а) конституцияларнинг бевосита фармойишларидан фойдаланиш вақтида;

б) оддий қонунларнинг конституцияга асосланганилигига суд шубҳа билан қараганда;

в) судлар ҳуқуқий материалнинг бутун массасидан зарур нормани қидириб ўтирасдан конституцион қоидаларга «сўнгги восита» сифатида мурожаат қилган вақтда.

Умуман айтганда, мустақил суд биринчи навбатда конституция моддаларига таяниб иш кўриши асосий қонда бўлиб қолиши лозим.

Конституцияга риоя қилувчи ва ўз ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш учун мурожаат қилувчи фуқароларнинг конституцион нормалардан фойдаланишлари фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини юридик жиҳатдан кафолатлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Бунда шундай савол туғилади: агар мазкур масала юзасидан тегишли оддий қонунлар (бунинг устига, конституцион нормалардан четга чиқмайдиган қонунлар) мавжуд бўлган тақдирда фуқаро конституцион нормаларга мурожаат қилишга ҳақлими? Бизнинг на заримизда, конституциянинг юксак юридик кучга эга эканлигини назарда тутганда, фуқаро конституцион нормаларга мурожаат қилишга ҳақлидир. Аслан, Конституция қоидалари ҳуқуқни татбиқ этишга доир барча ҳолларда бевосита амал қилиши мумкин (агар тегишли нормалар одатдаги қонунларда ҳам мавжуд бўлса).

Ҳуқуқий тизимнинг асосий тамойиллари, унинг вазифаси айнан конституцияда очиб берилади. Конституцияларда мавжуд бўлган мақсадлар ва тамойиллар одамлар томонидан бевосита идрок этилади ва уларнинг хулқ-авторига таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам конституцияларнинг мақсадлари ва тамойилларни ижтимоий-психологик жиҳатдан бевосита таъсир кўрсатади, деб айтиш мумкин. Юридик жиҳатига келганда эса, конституциянинг бевосита амал қилиши тушунчаси конституцион нормаларга амалдаги қонунчилик

мурожаат қилишга бевосита йўл қўйиладиган
лар билангина чекланади.

Агар тармоқ қонунлари ҳуқуқнинг умумий тамойилларига ёки унинг мақсадларига қаратилган ҳаволаларни ўз ичига олмаса, у ҳолда айтиш мумкинки, ана шу мақсадлар ва тамойилларни ўз ичига олган конституцион нормаларнинг амал қилишини бевосита амал қилиш деб ҳисоблаш керак. Эҳтимол, суд талқинини ҳам шу ҳолатга киритиш мумкинdir.

Конституцион назорат органларининг фаолияти — конституциянинг бевосита амал қилишида алоҳида қисм (жиҳат) ҳисобланади.

Конституцион нормаларнинг бевосита амал қилиши тўғрисидаги қоиданинг мустаҳкамланиши уларнинг кичик қонун томонидан қандай тушунтириб вა аниқлаштириб берилганидан қатъи назар, уларни тадбиқ этиш лозимлиги билдирилади. Конституцияга унинг нормаларидағи бевосита амал қилиш тамойилининг киритилиши Асосий қонуннинг юридик самараదорлигини кучайтириш, уни янада «ишловчи» қонунга айлантириш имкониятини беради.

Бир қанча мамлакатларнинг конституциялари кўпина ҳавола қилинувчи нормаларни ўз ичига олади. Бу ҳол конституциянинг ҳуқуқни белгилаб берувчилик функциясини пасайтиради.

КОНСТИТУЦИЯНИНГ ҲАЖМИ ВА ТУЗИЛИШИ

Конституциялар ташқи ва ички тузилишга эгадир. Конституциянинг ташқи (мантиқий-маънавий) тузилиши унинг бошқа қонунлар, ҳуқуқ манбалари билан муносабатлари, алоқалари мажмуини, унинг ҳуқуқий тизимда тутган ўрни ва ролини ҳамда аҳамиятини, жамиятнинг ижтимоий-норматив тартибга солиб турувчи тизимида тасвирлаб беради. Ички (мантиқий-ташқи-лий) тузилиши конституциянинг таркибий қисмлари (кичик тизимлари, элементлари) — бўлимлари, боблари, моддалари ўртасидаги ўзаро боғланишлар, ўзаро алоқаларнинг мажмуини кўрсатиб беради.

Конституциянинг оқилона тузилиши тартибга солиниши лозим бўлган ижтимоий муносабатларнинг тўлиқ, зиддиятсиз норматив тартибга солинишига мувофиқ келади. У ёки бу таркибий қисмнинг (бўлими, боби, моддаси, модда қисмининг) маъноси ва аҳамияти фақат

унинг сўз билан ифодаланишига эмас, шу билаң конституцион тузилишда ёгаллаган ўрнига ҳам бордир.

Конституциянинг тузилиши зиддиятли хусусиятлари — ворисийлiği ва ривожланганилиги, барқарорлиги ва ўзгарувчанлиги билан ажралиб туради. Ҳозирги замоннинг иккинчи авлод конституциялари одатда, анча кенг тузилишга ва биринчи авлоднинг эски конституцияларига қараганда каттароқ ҳажмга эга эканлиги билан ажралиб туради.

АҚШнинг 1787 йилги Конституцияси 7 та модда ва 26 та амалдаги тузатишдан иборатdir. Италиянинг 1947 йилги Конституциясида 139 та модда бор. ГФРнинг 1949 йилги Асосий қонуни 146 та моддага, Франциянинг 1958 йилги конституцияси 92 та моддага, Испаниянинг 1978 йилги конституцияси 169 та моддага эгадир.

Ривожланётган мамлакатларда федератив давлатларнинг конституциялари айниқса катта ҳажмлиди. Масалан, Ҳиндистоннинг 1950 йилги Конституцияси 400 дан ортиқ модда ва 10 та иловадан, Нигериянинг 1969 йилги Конституцияси 331 та модда ва 7 та иловадан ташкил топган.

Бир қатор мамлакатларнинг (асосан, аҳолиси инглиз тилида сўзлашадиган мамлакатларнинг) конституциялари кўпинча ўз хусусиятига кўра, жорий қонунчилик билан бошқариб бориладиган муносабатларни ҳам батафсил тартибга солади.

Конституцион тартибга солиш предметини кенгайтиришга интилиш ҳам кўзга ташланади. Буларнинг ҳаммаси хилма-хил ижодий ечимларга йўл қўйилишидан, ҳам ўз ватанидаги, ҳам чет эллардаги тўпланган тажрибадан фойдаланиш мумкинлигидан далолат беради.

Ҳозирги замон Конституцияларининг қўпчилиги қисқача преамбула (кириш қисми) билан очилади, у ҳам юридик жиҳатдан, ҳам сиёсий жиҳатдан ниҳоятда муҳим бўлган қоидаларни ўз ичига олиши мумкин. Италиянинг 1947 йилги Конституцияси бундан мустасно бўлиб, унда преамбула йўқ.

Ўзбекистон Республикасининг мустақил маҳоми муҳим ҳуқуқий аҳамиятга эга эканлигини назарда тутиб, унинг конституциясига преамбула киритилган.

Конституциядаги моддалар одатда айтиб ўтилган бўлимларга бирлаштирилиши, улар ҳажм жиҳатидан

кичик бўлиши ҳам (Франциянинг ҳажман кичкина бўлган Конституцияси — 15 бўлимдан иборат), шунингдек, моддаларининг сони жиҳатидан катта бўлиши ҳам (ҳажм жиҳатидан деярли икки баравар катта Испания Конституциясида фақат 10 та бўлим бор) мумкин. Агар Франция Конституцияси учун бўлим — бирдан бир бўлинма (моддалардан ташқари) ҳисобланса, Испания конституцияси учун бўлим асосий бўлинма ҳисобланади.. Чунки бўлимлар яна бобларга бўлинади. Аксинча, Италияда Конституциянинг марказий бўлинмаси боблардир, шу билан бирга, бўлим — унинг ички, лекин мажбурий бўлмаган элементидир. Италия Конституциясининг 10 та боби икки қисмга бирлаштирилган (кириш қисми бобларга бўлинмаган). АҚШ Конституциясида бўлимлар бор, лекин улар моддаларнинг қисмларидир (конституциянинг жами 7 та модда, 21 та бўлимдан иборатдир). Бир қатор конституцияларнинг моддаларига ном қўйилган бўлса ҳам (Португалия, Ангола), лекин аксар конституциялардаги (Туркия, Швеция ва ҳоказо) моддалар номсиздир.

Таркибий тушунчалар ва анъаналарни тилишунослик жиҳатидан талқин қилишдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бўлимлардан (хуқуқий жиҳатдан тартибга солишининг йирик йўналишиларидан), бобларни бирлаштирувчи бўлимлардан (Конституцион институтларнинг муомала блокларидан) иборат боблар, моддалардан (хуқуқий сюжетлар, етарли даражада йирик конкретлаштирилган, конституцион тартибга солиниши лозим бўлган типик юридик нормалардан) ташкил топган.

Мазмун жиҳатидан Америка конституцияси (тузаштишлар билан биргаликда) нормаларнинг қўйидаги тўрт гурухини қамраб олади:

- Федерал ҳокимият тўғрисида;
- Федерация ва штатларга муносабатлар тўғрисида;
- шахс ва давлат муносабатлари, фуқароларнинг хуқуқлари ва эркинликлари тўғрисида;
- конституцияни ўзgartариш тартиби тўғрисида.

Бундан ташқари, конституция ва тузатишларда шундай қондалар мавжудки, улардан АҚШ давлат ҳуқукининг тамойиллари, яъни республикачилик, федерализм, тийилишлар ва қарама-қаршиликлар, очиқ жамият, ҳуқуқ ҳукмронлиги, конституциявий суд назорати,

тамойиллари келтириб чиқарилади. Айрим писандалар билан шуни эътироф этиш керакки, ижтимоий ҳуқуқлар мавзуларига мурожаат қилишини истисно этгандা, ҳозирги замон конституциялари конституцион тартибга солиш предмети жиҳатидан фарқларга эга эмас.

Фарқ — тегишли нормалар (бўлимлар) гуруҳлари, уларнинг турли даражада деталлаштирилиши, муайян давлат институтларининг турган жойидадир. Агар Америка ва Британиянинг ёзилмаган конституцияларида конституцион тамойиллар одатда «келтириб чиқарилса» (мазкур ҳолда ким томонидан: қонун чиқарувчи, суд ёки доктрина томониданми келтириб чиқарилиши аҳамиятли эмас), ҳозирги замон ҳорижий конституциялари одатда уларни қайд қиласидар, бу эса амалда конституцион нормалар билан тамойиллар ўртасидаги тафовутни йўққа чиқаради.

Италия конституцион доктринасида қайд этилишича, 1947 йилги конституцияда кириш қисм — «Асосий тамойиллар»нинг мавжудлиги тегишли тамойилларнинг босқичли равища имтиёзли эканлигидан асло далолат бермайди: уларнинг жойи нормаларга нисбатан умумий бўлган, навбатдаги икки қисмда мустаҳкамланган хусусияти билан имзоланади. Буни Испания конституциясига нисбатан ҳам татбиқ этиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг биринчи бўлимида конституцион тамойиллар акс эттирилган бўлиб, бу ҳол қолган барча матнга нисбатан маънони тартибга солувчи аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги замон конституциялари ўз тузилишининг турли-туманлигига қарамай, улар анъанавий равища ҳокимиятларнинг: қонун чиқарувчи, ижроий (ҳукумат) ва суд ҳокимиятларининг бўлиниш схемасига мувофиқ равища қурилган. Лекин уларнинг ҳаммасини ҳам шундай қурилган деб бўлмайди. Франция Конституциясида ҳокимиятнинг турли шаҳобчалари бўлиниши бошқача тартибга эгадир: Республика Президенти; Ҳукумат; Парламент; ва фақат VIII, IX бўлимларгина суд ҳокимиятига бағишилангандир. Бу ўринда унитар (қўшма) президент республикаси мантиқи амал қиласиди (АҚШ — федератив Президент республикаси). Шуниси характерлики, Туркманистоннинг янги конституциясида ҳам худди шундай юридик мантиқ амал қиласиди. Бироқ Туркманистон Халқ маслаҳати тўғрисидаги боб Президент ҳақидаги бобдан олдин келади. Мисрнинг амалда-

ги конституциясида «Давлат тузилиши» деган 5-қисмда «Давлат бошлиғи» деган боб биринчи ўринга чиқарилган.

Айнан шу нарса, яъни Президент — фақат ижроия ҳокимият бошлиғи эмас, балки давлат бошлиғи, халқ бирлигининг рамзи эканлиги Ўзбекистон Конституциясида республика президентлик шаклининг ҳам моҳият жиҳатидан, ҳам тузилиш жиҳатидан устувор ўзак мақомини асослаб беради.

Кўпчилик конституцияларнинг тузилишидаги мустақил блок — фуқаро билан давлатнинг ўзаро муносабатлари тўғрисидадир (фуқаро ҳуқуқлари). ГФР Конституциясида — бу «Ҳуқуқ» деб номланувчи биринчи бўлимдир. Италия Конституциясида — «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва вазифалари» деган биринчи қисмидир. Осиё халқлари тафаккур тарзига Япония Конституциясидаги «Халқ ҳуқуқлари ва вазифалари» («Император» ва «Урушлардан воз кечиш» номли боблардан кейинги учинчи боб) формуласи анча тўлиқ мос келади. АҚШ Конституциясида бу ҳуқуқий мазмун ҳуқуқлар тўғрисидаги Билл (яъни қонун лойиҳаси)да (дастлабки 10 та тузатиш тарзида) очиб берилган.

Ҳозирги замон конституциялари преамбула ёки кириш қисмларидан кейин инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари муаммосини тақдим этадилар, бу муаммо одатда анчагина ҳажмни (масалан, Испания Конституциясининг учдан бир қисмигача) эгаллайди. Шу билан бирга, вазифалар, айрим моддаларда ифодалаб берилган бўлиб, улар ҳуқуқлардан фойдаланишини асло шарт қилиб қўймайди. Италия конституциясида ҳуқуқ ва эркинликларни тартибга солиш тегиши равишда тўртта боб бўйича: фуқаролик, ахлоқий-ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муносабатлар боблари бўйича анча аниқ тақдим этилади. Бироқ бугунги кунда «учинчи авлод» ҳуқуқлари дегац ҳуқуқларни ҳам қамраб олган Испания конституциясининг рўйхати анча тўлиқ ҳисобланади. Бундан ташқари, Испания конституцияси фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини суд тартибида, шу жумладан Конституциявий судда ҳам ҳимоя қилишини тартибга солади. Фуқароларнинг спёсий партияларга бирлашиш ҳуқуқларини ҳозирги замон доктринаси фақат ҳуқуқ ва эркинликлар тарзида эмас, балки умуман, ҳозирги замон демократиясининг асосий тамоилиларида бирни сифатида олиб қарайди.

Үрта Осиё халқлари учун анъанавий ўз ҳуқуқини таниш имом Мұхаммад ал-Бухорий каби қонуншунос фақиҳлардан бошланған бўлиб, у ҳам жамоа (халқ)нинг, ҳам унинг оддий аъзоси ҳуқуқ ва мажбуриятлари бирлигини ажратиб кўрсатади. Республика аҳолиси ягона халқ бўлиб бирлашувининг муҳимлиги ҳам ҳуқуқларга амал қилишни назарда тутади. Оиланинг тутган барқарор ижобий роли, унинг ҳуқуқий тартибга солиш субъекти сифатида аҳамияти амалдаги асосий ҳуқуқ субъектларини тўлдиради. Ҳозирги замон европа-америка ҳуқуқидан шахс ва фуқаронинг мустақил фаоллиги тамойилини жалб қилиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу тамойил ҳуқуқлар ва фуқаролик мажбуриятларининг амал қилинишини таъминлайди.

Ҳуқуқларнинг идеал тарзда тўлиқ санаб чиқилишига интилиш унчалик мақсадга мувофиқ бўлмаса керак. Масалан, ҳозирги замон конституцион доктринаси нуқтаси назаридан ГФРнинг Асосий қонунида ҳуқуқлар ва эркинликларнинг санаб ўтилиши (дастлабки 19 та модда) унчалик тўлиқ бўлиб туюлмайди. Масалан, унда меҳнат қилиш ҳуқуқи, ижтимоий таъминот ҳуқуқи, иш ташлаш ҳуқуқи мустаҳкамланмаган; масалан, Италия ва айниқса Испания конституцияларнда бошқа бир қатор муҳим ижтимоий кафолатлар акс этмаган. Лекин ҳеч ким айнан Италия ва Испанияда тегишли соҳалардаги аҳвол яхшироқдир, деб айтишга журъат қила олмаса керак. ГФРда кундалик қонунчилик ва сиёсий амалиётдан зарур ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар ижтимоий давлатчиликнинг конституцион тамойилидан келтириб чиқарилади.

Ҳорижий мамлакатларнинг конституциялари одатда фуқаролик ҳамжамияти ишларига, айниқса унинг иқтисодий ва ижтимоий тузилмаларига ўз аралашувида анча мўътадиллар. Шундай конституциялар ҳам борки (Франция, Австрия, АҚШ), уларда мазкур муаммолар умуман чиқариб ташланган. Бизда, аксинча, жамият хаётини батафсил тартибга солиш, ижтимоий муносабатларни ривожлантириши олдиндан белгилаб қўйилган конституцион формулаларга гўёки бўйсундиришга интилиш анъанаси вужудга келган.

Ўзбекистоннинг янги Конституцияси у ёки бу ижтимоий андозани ва ўзини саёз тартибга солишни эълон қилишдан тўла-тўқис халос этилган, чунки бу — конституциянинг вазифаси эмас.

Маълумки, конституция ижтимоий тузумнинг асосий тамоийиллари рўйхатини бериши лозим, лекин бу нарса (мафкуравий шаклларда эмас), қисқа ва лўнда юридик шаклларда амалга оширилиши лозим. Ижтимоий, иқтисодий тузилмаларга тегишли бўлган ҳамма нарсанни батафсил тартибга солиш айниқса мураккаб бўлган ўтиш даврларида мақсадга мувофиқ эмас, бундай вақтда жамиятга, бир томондан, ўз-ўзини тартибга солиш имконини бериш лозим, иккинчи томондан, қонун чиқарувчини тез ўзгариб бораётган вазиятга (умумий тамоийиллар доирасида) мослашувчан тарзда жавоб бериш билан чеклаб қўймаслик керак.

Ўзбекистон Конституциясида бутун давлат ҳокимиятини қараб чиқиш орқали молиявий ва солиқ тизимларини, ташқи сиёsatни, мудофаа ва хавфсизликни (шу жумладан экологик хавфсизликни) конституцион йўл билан тартибга солиш кўзда тутилган (мустақил боблар).

Конституциялар учун якунловчи ва мустақил сюжетлар — бу конституцияни қайта кўриб чиқиш ҳақидаги (Франция), уни ратификация қилиш ҳақидаги (АҚШ) конституциявий кафолатлар (Италия) ва шу хилдаги бошқа кафолатлардир. Бу ўринда асосий нарса нима? Конституциянинг барқарорлигини таъминлаш, уни қабул қилиш ва ўзгартириш механизмларидир.

Фарbdаги мамлакатларнинг урушдан кейинги конституциялари ўтиш хусусиятига эга бўлган, одатда, узоқ конституцион истиқболга эга бўлмаган, лекин уларни қабул қилиш пайтида конституцион аҳамиятга эга бўлган чора-тадбирлар мажмую билан якунланган. Бу хилдаги нормалар, биринчи навбатда, янги конституцион шароитларда давлат организмишинг тўхтовсиз ишланини таъминлаши зарур. Фарбий Германия ва Франция Конституцияларида бу қоидалар асосий матнга киради (Франция конституциясининг охирги 3 та моддаси ва Фарбий Германия конституциясининг 30 та моддаси). Италия ва Испанияда тегишли бўлимлар конституциянинг каттагина алоҳида қисмини ташкил этади, қоидалар (қарорлар)га мустақил рақамлар қўйилади. Италия конституциясида бундай қарорлар 18 та, немис конституциясида — 17 тадир. Россия Конституцияси (1993 йил) ҳам ўтиш даврида янги ижтимоий тузумни жорий этишиннинг босқичлилиги ва механизmlарини тартибга солувчи кенгайтирилган бўлимни таклиф этади.

Конституция — конституцион ҳуқуқнинг бирдан-бир манбай эмас. Европа мамлакатларининг кўпчилиги учун бундай манбалар конституцион қонунлар ҳам бўлиб, улар одатда конституцияга киритиладиган ўзгаришлар тартибида қабул қилинади. Бу қонунлар асосий конституцион мавзуларни ривожлантириш учун қабул қилинади (масалан, Италия ва Испанияда Конституциявий суд мақоми айнан конституцион қонунлар билан тартиба солинган) ёки конституция матнининг ўзида мавжуд бўлган бевосита кўрсатмага мувофиқ (Францияда булар конституцион кенгаш, иқтисодий ва ижтимоий кенгашлар ва шу кабилар тўғрисидаги узвий қарорлардир) қабул қилинади. Конституция ёки узвий қонунлардан фойдаланиш конституция матнига дахл қилмаган ҳолда унинг ривожланишига ёрдамлашиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасининг конституцион қурилиши «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида» деган биринчи конституцион қонун намунасига эгадир. Франция Конституцияси тажрибаси асосида конституцион қонунларга ҳам амал қилиш мумкин.

АҚШда конституция ривожланишининг бошқача йўли амал қиласди. АҚШнинг конституцион ҳуқуқини аслида қонунан ташқарида турувчи Олий суднинг қарорларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Европа мамлакатлари конституциявий судларининг қарорлари ҳам конституцион жиҳатдан аҳамиятлидир, чунки улар бевосита ёки бавосита конституцияни талқин қиласди, ҳуқуқий ва сиёсий режимнинг ўзгаришларини расмийлаштиради ёки рафбатлантиради.

Конституцион битимлар деб аталувчи битимлар — конституцион ҳуқуқнинг ўзига хос манбай бўлиб, давлат органларига нисбатан қарор топган сиёсий анъаналарни ифодалайди. Хусусан, парламент ичидаги муносабатлар, парламент билан ҳукумат ўртасидаги муносабатлар конституцион битимлар билан белгиланади.

КОНСТИТУЦИЯ ВА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР

Конституциялар фуқароларнинг сиёсий партияларга бирлашув ҳуқуқини аниқлашга нисбатан анча эҳтиёткорлиқ билан қарайдилар. Масалан, ГФР Конституциясининг 21-моддаси сиёсий партияларнинг аҳволини жуда умумий тартиба солган ва унинг З-бандида пар-

тияларнинг ҳуқуқий мақомини батафсил тартибга со- лиш федерал қонун билан белгиланишини айтиб қўйган.

Агар Италия конституциясини яратувчилар унда партиянинг демократик тузилиши ва мақсадлари тўғрисидаги талабни мустаҳкамлаш ҳақидаги таклифни рад қилган бўлсалар, ГФРнинг Асосий қонуни демократик тузум негизларига қарши кураш олиб борадиган файриконституциявий партияларни тақиқлаш тўғрисидаги қоидани (29-модда) киритган.

Сиёсий партияларнинг фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга келганда, бу ерда конституцион нормалар орқали эмас, балки жорий қонунчилик нормалари орқали иш кўриш керак. 1967 йилда ГФРда партиялар тўғрисида қонун қабул қилинган бўлиб, уларнинг ички тузилишини кўп жиҳатдан тартибга солган устав қоидалари мазмунини олдиндан белгилаб берган эди. Хусусан, ёзилган устав ва дастурнинг мавжудлиги, партиянинг ҳудудий бирлашмаларга бўлиниши талаб қилинган; партияларнинг асосий органлари белгилаб берилган эди. Мазкур қонун Испания ва Португалиядаги ёш демократик режимлар томонидан кўп жиҳатдан қабул қилинди.

1974 йилда АҚШ ва Италия сиёсий партияларни давлат йўли билан молиялаш ҳақида қонунлар қабул қилинди. АҚШда асосан сайлов компанияларини маблағ билан таъминлаш ҳақида гап боради. Италияда сайловлар тамом бўлгандан кейин уларга сарфланган харажатларнинг бир қисми қопланади. Бундан ташқари, партияларга парламент гуруҳлари орқали ҳар йили парламентнинг таркибига мутаносиб равишда давлат дотациялари берилади. Яна бир қатор мамлакатларда партияларни маблағ билан таъминлаш тўғрисида қабул қилинган қарорлар асосан яширин иқтисодиётни ва хорижий сармояни чеклашга қаратилган. Шунинг учун ҳам қонунларда партияларнинг ваколатли органлари томонидан кирим-чиқим дафтарлари юритиш ва ҳар йили кўпчилик олдида ҳисобот бериш назарда тутилади. Айнқса, Туркия Республкасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуни бу соҳада қаттиқ талаб қўяди. Бу нарсага Франция Конституцион ҳуқуқининг ёндашуви муқобил ёндашув ҳисобланади. Франциянинг афкор оммаси партиялар тўғрисида қандайдир, қонунлар чиқарилишига қарши қатъиян норозилик билдирган, чунки бу қонун үларни давлат назорати остига қўяр

эди. Ҳатто Миллат мажлиснинг регламенти, маълумки, партия негизида тузиладиган фракцияларга бир боб бағишилагани ҳолда партиялар тушунчасидан ўзини четлаб ўтишга уринади. Аксинча, Италия парламентининг регламенти кўпроқ даражада партия гуруҳларининг у ёки бу муносабатларига бағишиланган, бу гуруҳларга, шу жумладан, кичик гуруҳларга парламентда муваффақиятли иш олиб бориш учун анча кенг имкониятлар яратиб берилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқароларнинг сиёсий бирлашмаларга уюшиш, вакиллик қилиш ва Конституция доирасида ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. 1996 йил деқабрда Ўзбекистоннинг сиёсий партиялари тўғрисида Қонун қабул қилинган.

Маълумки, Буюк Британияда бошқа парламент партиялари ҳам мавжуд бўлгани ҳолда икки партияли тизим амал қиласди. Мажоритар (кўпчиликнинг овоз бериши билан ўтказилган) сайлов тизими иккита етакчи партиянинг бошқа партиялардан ажralишини таъминлайди, шу билан бирга, ҳукumat янги сайловгача одатда кўпчиликни ташкил этади. Бироқ мамлакат партиявий тизимининг асосий хусусияти парламентда эгаллаган жойи миқдори бўйича иккинчи ўринда бўлган партияга расмий муҳолифлик мақоми берилишидан иборатdir. Бу мақом Конституцион битимларга асосланган, лекин муҳолифат етакчиси лавозими Мудофаа министри тўғрисидаги 1937 йилги қонунда қонун ўйли билан мустаҳкамланган, ўшанда унга ойлик ҳам тайинланган эди. Муҳолифат кўпчиликни ташкил этувчи ҳукumatдан ҳокимиятни қабул қилиб олишга тайёрлик хусусиятига эгадир. Муҳолифат етакчиси фракциянинг раҳбар аъзоларидан «яширин кабинет» ташкил этади. ва «яширин ишлар министрлари»ни тайинлайди, уларга парламентда давлат сиёсатининг муайян масалалари юзасидан сўзга чиқиши вазифаси юкланади.

Британия парламентидаги партияларнинг муносабатлари айrim ёзилмаган кодексга ёки «соф ўйин» қоидаларига бўйсундирилган. Кўпчилик раҳбарлигидаги ҳукumat қабул қилинган масъулиятли бошқарув тамойилига мувофиқ ҳаракат қилиши лозим. Муҳолифат масъулиятли ва амалий бўлиши лозим. Расмий муҳолифат мазкур муҳолифатга парламентдаги зиддиятларни бартараф қилишга ёрдам бериш, парламентнинг янада са-

маралироқ назорат ўрнатишига құмаклашиш вазифаси-
ни юклайди. У мамлакатнинг потенциал етакчиларини
давлат бошқаруви йўлига олиб киради, бу эса муайян
ворисийликни таъминлайди, қарор қабул қилишни тез-
лаштиради, чунки парламент тадбирларига доимо риоя
қилиб борилганда қўпгина қарорлар ҳақиқатда яширин;
кабинет ҳукумати даражасида, яъни парламентдан
ташиқаридан ҳал этилади.

Бу тизим турли мамлакатларда, айниқса дунёнинг
ривожланётган мамлакатларида мухолифатни ўзига
жалб қиласди, бироқ у ҳатто Британия ҳамдўстлигининг
инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларидан биронта-
сида ҳам амалда татбиқ этилмайди. Гап шундаки, Бри-
тания «дуэт»ининг — ҳукмрон партия, мухолиф партия-
нинг қарийб 300 йиллик тажрибасини бегона заминга
кўр-кўронга қўчириб бўлмайди. Чунки бу «дуэт»да но-
расмий ўзаро масъулият ва «табу» (тақиқлар)нинг мус-
таҳкам маданияти қарор топган эди.

Партиявий давлатчилик концепцияси маълум дара-
жада Ёвропа қитъасида ҳам тарқалган. Институтлар
сингари бир вақтнинг ўзида давлат соҳасига ва фуқа-
ролик жамияти соҳасига мансуб бўлган партиялар
уларни боғловчи бўғин бўлиб хизмат қиласди ва шу та-
риқа ҳуқуқ-тартиботга («консерватив» давлат асоси)
ва тараққиётга (демократик асос) ёрдам беришлари
лозим. Лекин шуни ҳам унутмаслик керакки, бу мам-
лакатларнинг ҳаммаси қудратли партияларни ўз ичига
олган ривожланган кўп партиявийлик тажрибасига
эгадир. Масалан, ГФРдаги мухолиф Германия Социал-
демократик партниси 900 мингдан ортиқ аъзога эгадир,
у ўтмишда узоқ йиллар мобайнида, ҳукуматни ва ми-
нистрликларни бошқарган.

Германия Конституциясида, унинг ҳарбий диктату-
рага қарши кураш тажрибасини ҳисобга олган ҳолда,
сиёсий партиялар тўғрисидаги масала ажратиб кўрса-
тилган (29-модда), уларнинг ёшлар секцияларини ту-
зиши мумкинлиги назарда тутилган. Бу ерда яна шу
нарса айтилган (29-модда, З-банд): «Намойишлар сиё-
сий партияларни қўллаб-қувватлаш учун қандай шакл-
да ўтказилмасин, улар барча судьялар, ҳарбий хизматчи-
лар, давлат хавфсизлиги органларининг хизматчила-
ри, шунингдек давлат хизматчилари учун мутлақо та-
қиқланган». Лекин уларнинг партияларга аъзо бўлиш-
лари бевосита тақиқланмаган. Конституция «Хизмат

қилувчи органларнинг, халқ ҳуқуқи юридик шахслари-нинг» сиёсий партиялар фойдаси учун ҳар қандай фаолият олиб боришини тақиқлайди.

Конституцион тузум учун жуда кўп даражада партиявийлаштиришпинг (СССРнинг 1977 йилги Конституциясидан ҳам кўпроқ даражада) аянчли мисоли Жазоир Республикасининг асосий қонунидир (1976 йилги конституция 1979, 1980 йиллардаги қўшимчалар билан), лекин бу ерда қизиқ бир механизм мавжуд: бу Ҳисобот суди (190-модда) бўлиб, унга хусусан, Миллий озодлик фронти партиясининг молиявий ахволини назорат қилиш вазифаси юкланади.

КОНСТИТУЦИЯ ВА КАМ СОНЛИ МИЛЛАТЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ

Жаҳондаги мамлакатларнинг анчагина қисмида асосий миллатга нисбатан миллий озчиликни (гурӯҳни) ташкил этувчи фуқаролар ҳам истиқомат қиласидилар. Индонезия Конституцияси уларнинг юқори қонун чиқарувчи органдаги вакиллигини анча аниқ кафолотлади, бу конституциянинг вакилликка бағишиланган бўлимида «кам сонли миллатлар» деган модда бор (бу конституцияда моддаларга рақам қўйилмаган). Унда бундай дейилган: «...кам сонли миллатлар (Индонезия фуқаролари) — хитойликлар, европаликлар, араблар учун (парламентда — тузувчилар изоҳи) муайян миқдорда ўрин ажратилган, яъни ўринилар тегишли равишда 9, 6 ва 3 тадан кам эмас (Муваққат Конституция 58-моддасининг 1-банди)... Агар умумий сайловлар натижасида... олингани овозлар сони кам сонли миллатларга улар учун ажратилган ўрин олиш имконини бермаса, у ҳолда ҳукумат бу миллатларнинг истагига мувофиқ кўрсатиб ўтилган кам сонли миллатлардан қўшимча вакиллар тайинлаш ҳуқуқига эгадир».

КОНСТИТУЦИЯ ВА ҲОҚИМИЯТЛАРНИНГ БУЛИНИШИ

Франциянинг 1789 йилги Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларациясининг 16-моддаси, инсон ҳуқуқларининг кафолатланиши таъминланмаган ва ҳокимиятларнинг бўлинишини амалга оширгмаган жамиятлар конституцияга эга бўлмайди, деб эълон қилган эди... Ҳокимиятларнинг бўлиниши тамоили барча хорижий конститу-

циялар томонидан (уларда бундай тамойилга ҳавола қилиш бор ё йўқлигидан қатъи назар) қабул қилинган. У ҳокимиятнинг турли тармоқларидағи тенгликни билдиради, лекин у ёки бу ҳокимиятнинг тегишли соҳадаги фавқулодда ҳокимиятини ҳам белгилаб беради. Ҳокимиятларнинг анъанавий тақсимланиш схемаси парламент устуворлиги тамойилини инкор қилмайди, чунки парламент ижроя ҳокимиятии назорат қилиш ва суд сиёсатини қонун асосида белгилаш билан чекланади. Бироқ урушдан кейинчи йилларда (айнан шу соҳага) ҳам юридик, ҳам амалий эътиборни кучайтириш содир бўлди.

Ривожланаётган мамлакатларнинг конституцияларида (аввало, Африкада) ижтимоий тенглик ҳолатларидан ва давлатнинг тарқалиб кетиш хавфидан келиб чиқиб, Франция — Америка типи бўйича парламентга қарама-қарши ўлароқ Президентнинг ролини оширган конституцияларга тузатишлар киритилди. Бунга, шунингдек, трайбализм (ёш мамлакатнинг вақтинча ва минтақавий бўлиниб кетиши) хавфи ҳам сабаб бўлди.

АҚШда ҳокимиятларнинг тақсимланиши тамойили «тийилиб туришлар ва қарама-қаршиликлар» деган амалдаги механизм билан кучайтирилади. Бу механизмининг моҳияти шундан иборатки, АҚШнинг конституцион ҳуқуқида муайян тадбирлар назарда тутилган бўлиб, улар воситасида конституция бўйича муайян ҳажмдаги ваколатлар бериб қўйилган ҳар бир ҳокимият тармоғи айни вақтда бошқа ҳокимиятнинг ҳаракатини тўхтатиб туриши ёки унинг ҳокимлик қилиши тўхтатиб турилиши мумкин. Бу механизм шунга қаратилганки, унинг ёрдамида конституцион тизим мувозанатни йўқотмасин ва ҳокимиятнинг бирор тармоғидаги шошма-шошарлик билан қилинадиган бир томонлама ва ҳамиша ҳам ўйлаб кўрилмаган ҳаракатни чекласин.

Масалан, қонун чиқарувчи ҳокимият розилиги билан ижроя ҳокимият томонидан таркиб топтирилган суд ҳокимияти муайян шарт-шароитлар мавжуд бўлганда Конгресс ҳужжатларини бекор қилишга (конститувиy назорат тарзида) ва президентни алмаштиришга (импичмент тартибида) ваколатлидир. Президент конгресс томонидан қабул қилинган қонун лойиҳалариiga нисбатан кечикирувчи вето қўйиш ҳуқуқига эга бўлади, бу ҳуқуқ малакали кўпчилик томонидан ҳолис қолдирилиши мумкин ва ҳоказо. Шу билан бирга «тўхта-

тиб туриш ва қарама-қаршиликлар» тизими ҳам президентнинг ҳақиқий ваколатларини анча-мунча кенгайтиришдан сақлаб қололмади (конгресснинг Вьетнамдаги урушдан кейин бу ваколатларни чеклашга қаратилган саъй-ҳаракатларига қарамасдан).

Гарчи АҚШ президенти анъанавий равишда, ташқи сиёсат соҳасида катта конституцион ваколатларга эга бўлса ҳам конституцияга Конгресс ва президентнинг ташқи сиёсатга раҳбарлик қилиш имтиёзига эга бўлиш учун «курашга таклиф» сифатида қаралади. Ички сиёсат соҳасида ҳам, гарчи бу ерда Конгресснинг таъсири ташқи сиёсат соҳасидагига нисбатан салмоқлироқ бўлса-да, президентлик ҳокимияти ролини кучайтиришга интилиш кўзга ташланади.

АҚШ учун ўзига хос бўлган вазият шунан иборатки, президентлик ҳокимиятининг ортиши асосан бошқа ҳокимият тармоқларининг заинфлашуви билан боғлиқ эмас. Бунга сабаб Конгресс аъзолари ваколатининг ортиб бораётгандиги бўлиб, уларга лоббистлар¹ ва сайловчилар, қолаверса президент ҳам катта тазиик ўтказдилар. Америка қонун чиқарувчилари жўшқин хатти-ҳаракат кишилари эмас, балки прагматик ҳисобкитоб кишиларидир.

Конгресс, Конституция бўйича, «ҳамён ҳуқуқи»га эгадир, яъни у бюджет маблағлари соҳасидан фойдаланиб, президентга таъсир кўрсата олади.

Президент ижроия ҳокимиятидан фойдаланиш чоғида ҳаддан ошиб кетган ҳолларда, Конгресс, Уотергейт иши кўрсатганидек, ҳатто импличмент тартибида таъсир кўрсатишгача кўпгина самарали тадбирларни кўриши мумкин. Олий суднинг роли ҳам асло заинфлашмайди. Уша Уотергейт иши муносабати билан Олий суд ижроия (президентлик) ҳокимиятининг имтиёзларини чеклаш юзасидан муҳим қарор қабул қилди: президент бундан буёғига маҳфийлик баҳонаси билан тергов органларига биронта ҳам ахборотнинг тақдим қилинишини рад этишга ҳақли эмас.

¹ Лоббистлар — АҚШда катта ҳақ эвазига хуфия иш кўрадиган ишбилармонлар; улар Конгресс (парламент)нинг ички хоналарида конгресс аъзоларига катта-катта пора бериш билан тазиик ўтказиб, Конгрессда янги қонунлар, давлат буюртмалари тасдиқланадиган пайтда, шунингдек, «ёғлироқ» лавозимларга номзод тайинлаш чоғида, ўз одамларини тавсия қилувчи ва бу билан ўз ҳўжайнларни — монополистларнинг буйругини бажарувчи карчалонлар («Словарь иностранных слов», 1964 г., 370-бет.).

Юқорида айтилганларга қарамасдан, президент Конституциянинг 11-моддасига мувофиқ ҳарбий соҳада Қўшма штатларнинг армияси, флоти ва полициясининг бош қўмондони сифатида ўзига берилган кенг ваколатлар асосида сиёсий жараёнда муҳим фигура бўлиб қолишида давом этмоқда. Халқаро шартномалар тузиш соҳасида, қонун чиқарувчилик сиёсатини ўтказишида — Конгрессга мактублар юбориши қонун чиқариш ташаббусини кўрсатиш, фавқулодда сессиялар чақириш йўли билан Конгрессни йиғинида муҳим шахс бўлиб қолмоқда. Федерал мансабдор шахсларни, шу жумладан, министр ва судларни (уларнинг конгресс томонидан тасдиқланишида), ижроия ҳокимият тизимида ишлаётганларни лавозимдан бўшатишда кенг ваколатларга эга бўлиб қолмоқда. У қонунларни татбиқ этиш соҳасида муҳим ваколатларга эгадир, яъни: ижро этишига доир буйруқлар, қоидалар, хитобномалар, ҳарбий буйруқлар, директивалар чиқаради. У ҳукмни ижро этиш муддатини чўзиш ва авф этиш ҳуқуқига эгадир. Суд буйруқларининг ижро этилишини таъминлаш учун президент қуролли кучларни қўллаш тўғрисида буйруқ чиқариши мумкин.

Юқорида Франция Конституцияси бўйича президент эга бўлган юқори мақом тўғрисида гап борган эди. Президент қонун чиқарувчи тадбирларни ўтказади, фавқулодда ҳолат жорий қиласди, парламентни тарқатиб юборади. Унинг ўзи (парламентнинг иштирокисиз) ҳукуматни тайинлайди, унинг аъзоларини ишдан бўшатади ва бошқа ваколатларни амалга оширади.

Франциянинг 1958 йилги конституцияси парламентнинг устуворлиги ҳақидаги классик назариядан воз кечади ва 34-моддада ўзи қонун қабул қилиши мумкин бўлган соҳаларни чекланган ҳолда санаб ўтади. Бошқа барча масалалар юзасидан президент ва ҳукумат биргаликда қонунлар чиқаради.

Франция президенти давлат ҳаётининг барча соҳаларида жуда кенг ҳуқуқларга эгадир. Парламент президентни, нафақат сайлаш ҳуқуқидан маҳрум, эта, шунингдек ишдан бўшата олмайди ҳам. Президент парламент билан мактублар воситасида алоқа қиласди, бу мактублар палаталарда ўқиб берилади ва асло муҳокама қилинмайди. Агар парламент мажлис қилмаётган бўлса-ю, президент мактуб юборган бўлса, палаталар уни эшитиш учун маҳсус чақирилади. Парламент қабул

қилган барча қонунларни ўн беш кун муддат ичида президент кўриб чиқади. Бу муддат ўтишидан олдин у бутун қонунни ёки айрим моддаларни янгидан муҳокама қилишни палаталардан талаб қилиш ҳуқуқига эгадир. Президент ҳар қандай қонунни ўзи кўриб чиқишидан олдин унинг конституцияга мувофиқ келишини текшириш учун Конституцион кенгашга топшириши мумкин.

Президент давлат ҳокимиятларини ташкил этишга тааллуқли бўлган қонун лойиҳасини референдумга қўйишга ҳақлидир, бу лойиҳа фракция ҳамжамиятининг бирор-бир битимини маъқуллашни ўз ичига олиши ёки халқаро шартномани ратификация қилишни мақсад қилиб қўйган бўлиши мумкин. Референдумда маъқуллангандан кейин президент бу ҳужжатни имзолайди, шундай қилиб, бу ҳужжат парламентни четлаб ўтиб қонунга айланади.

Давлат бошлиғи бош министр ва парламентларнинг раислари билан маслаҳатлашиб олгандан кейин (уларнинг фикри эътиборга олиниши шарт эмас) Миллат мажлисини тарқатиб юбориши мумкин.

Франция Президентининг ваколатларини таърифлаш вақтида унинг Конституцияда белгиланган алоҳида ҳуқуқларини юридик жиҳатдан таҳлил қилиш билан чекланиб бўлмайди. Урф-одатлар ва амалиёт жуда катта роль ўйнайди. Масалан, Конституциянинг 20-моддасида белгиланишича, «Ҳукумат миллат сиёсатини белгилайди ва юритади» ҳамда у парламент олдида жавобгардир. Республика президентига келганда, у 5-моддага мувофиқ, «Конституцияга риоя этилишини кузатиб боради. У узининг арбитражи билан халқ ҳокимиятининг тўғри фаолият кўрсатишини ва давлат ворислигини таъминлайди». Анъанавий тарзда тушунилганда бу шуни англатадики, арбитражни амалга оширувчи одам ҳукуматдан ташқарида туради ва уни бошқармайди. Ҳақиқатда эса, давлат бошлиғи ижроия ҳокимиятнинг якка ўзи иш олиб борадиган бошлиғига айланган ва қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг рақобат қилишидан халос бўлгандир. Шундай таомил қарор топганки, бунда бош министр ўзини президентга сўзсиз бўйсунувчи шахс деб билади. (Бу қонда фақат 1986—1988 йилларда ва 1993—1995 йилларда амал қилгани йўқ, чунки бу даврда президентга мухолиф турган партияниң етакчиси бош министр бўлган эди).

Франция бундай конституцион нормаларга азоб-уқубатли изланиш натижасида етиб келди, бу вақтда парламентаризм, мамлакатдаги ўзига хос хусусиятларга кўра, мамлакатни тарихнинг боши берк кўчаларидан олиб чиқа олмаган эди. Мазкур тизим ижтимоий портлашни ва ҳокимият учун курашда партиялараро келишмовчиликларни барҳам топтириш механизми ҳисобланади, чунки парламент аъзоларининг имкониятлари 30 ва 40-йиллардаги каби катта эмас.

Конституцияда (16-модда) «Республиканинг давлат институтлари, миллат мустақиллиги, унинг ҳудудининг яхлитлиги ёки халқаро мажбуриятларининг бажарилиши жиддий ва бевосита таҳдид остида қолган ҳолларда» президентининг мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий қилиш ҳуқуқи маҳсус назарда тутилган. Бу ўринда, шунингдек, фавқулодда чора-тадбирлар жорий қилиш тартиби бундай ҳолатда бошқа юқори давлат органлари амалга оширадиган вазифаларни ҳам белгилаб берган.

Франция Конституциясига мувофиқ сабиқ давлат бошлиги ана шу лавозимдан кетгандан кейин умрбод Конституцион кенгашнинг аъзоси бўлиб қолади, бу эса унинг юксак обрў-эътиборини ва моддий аҳволини сақлаб қолишига имкон беради ҳамда ўриндиқча ёпишиб олиш заруратидан халос қиласи. Шу билан бирга, конституцион кенгашнинг иш хусусияти бошқа ҳар қандай фаолиятдан воз қечишни талаб қиласи. Шунинг учун ҳам одатда ишдан кетган президентлар бундай имтиёздан фойдаланмайдилар. Францияда бу соҳада Италия тажрибасига амал қилиш масаласи бўйича баҳс юритилади. Италияда ишдан кетган президент умрбод сенатор бўлиб қолади.

КОНСТИТУЦИЯ ВА ДЕПУТАТЛАР

Баъзи бир хорижий конституциялар депутатларнинг парламентдаги ҳуқуқларини анча кенг суратда белгилаб берганлар. Хусусан, шундай қонда тарқалганки, унга кўра депутатни фақат парламентнинг ўзи дахлизлик ҳуқуқидан маҳрум этиши мумкин. Уругвай конституцияси бўйича (112—115-моддалар) қонун чиқарувчи палаталарнинг аъзоларидан бирортаси ҳам ваколатлари тамом бўлмагунча қамоққа олинниши мумкин эмас, фақат жиноят жойида қўлга олинниш ҳоллари бундан

мустасно бўлиб, бу ҳақда дарҳол тегишли палатага рўй берган аҳвол ҳақидаги ҳисобот билан маълум қилиниши лозим. Бирорта ҳам сенаторга ёки вакиллар палатасининг аъзосига тегишли палатадан ташқари умумжиноий тарзда содир этилган жиноят ҳақида айб кўйинлиши мумкин эмас, бу палата ўз таркибининг учдан икки қисемидан иборат кўпчилик билан жавобгарликка тортиш учун асослар бор-йўқлигини ҳал қиласди. Қуйилган айб тасдиқланган тақдирда депутатнинг ваколатлари тўхтатилгани ҳисобланади ва бу иш ваколатли судга тоширилади.

Кўпгина конституцияларда депутатнинг дахлсизлигини кафолатлаш тартибида депутат ўзининг парламентидаги чиқишлари ёки овоз бериши учун бирон-бир таъқибларга дучор қилиниши мумкин эмас, деб маҳсус айтиб қўйилади.

Бир қатор конституцияларда лавозимдан кетган (хусусан, вафот этган) депутатнинг ўрнига бошқа одамни қўйиш муддатлари белгилаб берилган. Мексика конституциясида кўзда тутилишича, депутат (сенатор) билан биргаликда унинг ўринбосари ҳам сайланади, депутат (сенатор) лавозимидан кетгандан кейин шу муовин ўз вазифасига киришади. Бу ҳол ваколатларнинг бутун муддати давомида сайловчилар манфаатларининг ворицийлигини таъминлашга ва аввалги депутатнинг кутилмаганда лавозимидан кетиши туфайли тасодифий танловга барҳам беришга имкон туғдиради, қонун чиқарувчиларнинг тайёргарлик сифатини яхшилайди ва асосий сайланувчига сиёсий ёрдамчи берилшини таъминлайди.

Мексика конституцияси депутат қилиб сайланадиганлар учун чекланишларга эга бўлган шахслар доирасини синчилаб белгилаб беради. Булар шундай шахсларки, уларнинг давлат ҳокимияти ёки ижтимоий таъсири фуқароларининг депутатларни эркни сайлашида беихтиёр ва ихтиёрни тарзда реал халақит берини мумкин. Масалан, губернаторлар ўз лавозимларини қолдирганларидан кейин, то орадан 90 кун ўтгунча сайланышлари мумкин эмас, шундай ҳам ўзлари бошқармаган ҳудудда сайланышлари мумкин. Руҳонийларнинг сайланышлари мумкин эмас, бу нарса ҳам ахлоқий, ҳам фуқаролик нуқтаи назаридан тушунарлидир. Шунга ўхшаш норма Греция Конституциясида ҳам мавжуд (56-модда).

Кўпчилик конституцияларда сайланган депутат воз кечиши лозим бўлган машғулотларнинг батафсил рўйхати берилмаган. Миср Конституциясида булар аввало тижорат-тадбиркорлик фаолиятининг ҳар хил турлари, давлат органлари билан олди-сотди битишувлари дидир. Лекин Бразилия Конституциясида бунга қўшимча равишда яна муҳим қонда ҳам бор (48-модда, II-қисм): (депутат) ўз ваколатларини қабул қылган найтдан бошлаб, судда оммавий ҳуқуққа эга бўлган юридик шахсга қарши чиқиш ҳуқуқига эга эмас. Конституцияларнинг қонун чиқарувчи олий ҳокимият депутатларига юклайдиган чеклашлари уларнинг дахлсизлигини ва фуқаролик обрў-эътиборини мустаҳкамлайди.

КОНСТИТУЦИЯНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Жаҳон конституцияларининг ривожланиш тамойилларини таҳлил қилиш асосида, конституциялар самарадорлигининг қўйидаги мезонларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Биринчидан, Конституциянинг мамлакатдаги демократик ҳуқуқий давлатни ривожлантириш эҳтиёжлари ва истиқболларига мувофиқ келиши. Бу ўринда ўтиш даври эҳтиёжлари билан миллий давлатчиликнинг мустақил тажрибасини авж олдириш истиқболлари бирлиги муҳимдир.

Иккинчидан, халқаро конституцион тажриба ва унинг муайян бир мамлакатнинг конституцион қурилишида мустақил ижодий татбиқ этилиши бирдиги. Бу ўринда бошқа мамлакатларнинг конституцион ривожланишида ўзини оқлаган барча илфор нарсалар орқали ҳуқуқий онг, маданият, маънавият ва кўп миллатли ўзбек давлати анъаналарининг бутун бойлигини ҳисобга олиш муҳимдир.

Учинчидан, конституциянинг бевосита ҳуқуқни татбиқ этишдан иборат юксак потенциали, унинг нормалари шундай баён этилиши керакки, бу нормалар давлатнинг ҳуқуқий ҳаётида уларни асосли равишида татбиқ этишини рағбатлантириб, жамиятнинг ҳуқуқий маданиятига, фуқароларнинг қонуниларга қулоқ солишига ва ҳуқуқий жиҳатдан мустақиллигига таъсир эта олсин.

Тўртинчидан, конституциянинг ҳуқуқий манба сифатидаги етакчилик роли. Қонун чиқарувчилар конституция туфайли конституцион ва жорий қонунчилик юза-

сидан маълум мўлжалларга эга бўлишлари лозим, бу эса тасодифий эмас, балки аниқ мақсадга қаратилган қонунлар яратилишини, изчил қонунчилик ислоҳоти ўтказилишини кафолатлади.

Бешинчидан, давлат ва жамиятда барқарорликка эришишда конституциянинг аҳамияти, яъни фикр эркинлиги, консенсус имкониятлари.

Олтинчидан, Конституциянинг маънавий яхлитлиги ва тизимлилиги; у конституциянинг мазмунан зиддиятсиз бўлишини кафолатлади. Бу ўринда алоҳида муракаблар келиб чиқади. Масалан, айрим муаллифлар президентлик бошқаруви шаклини яққол маъқуллаб, президентнинг ҳуқуматни ташкил этиши ва унни бевосита назорат қилишини рад этадилар. Ёки минтақаларда ҳокимларни сайлаб қўйиш ғоясини илгари сурадилар, ҳолбуки ҳокимлар халқ сайлагани сабабли мухтор бошқарувчилар бўлмайдилар, балки давлат бошлиғининг вакиллари ҳисобланадилар. Ҳар қандай ҳолатда (улар кенгашларда ва бошқа йўллар билан сайлаб қўйилганда) ҳам Президент бу мантиққа биноан кадрларга вето қўйиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим.

Еттинчидан, конституциянинг умумхалқ ҳуқуқий онги ва давлат ҳуқуқий маданияти манбани сифатида потенциалга эга бўлиши. Конституция фуқароларнинг тушуниши учун содда бўлиши ва уларнинг асосий фуқаролик нуқтаи назарларига яқин бўлиши лозим. Узининг оригинал бўлишига қарамасдан, давлат ва жамиятда таваккалчилик қилиш омиллари бўлиши мумкин бўлган конституцион ғоялар тараққиётнинг нисбий барқарорлигини бузишга қодир бўлиб, улар маълум вақт мобайнида ва жорий қонунчилик томонидан синааб кўрилиши лозим.

Саккизинчидан, конституцион нормаларнинг ҳуқуқий жиҳатдан технологик бўлиши, яъни уларнинг ҳуқуқий механизмлар ва ҳаракатларга айланиши учун тушунарли бўлиши лозимлиги. Бунинг устига, конституция энг муҳим масалалар юзасидан аниқ ҳаракат механизмларига эга бўлиб, ўзининг фазилатларини ошириб боради.

Тўққизинчидан, конституция асосий атамаларнинг халқаро-ҳуқуқий тезарууси (тушунишинг муштараклиги), бу эса унинг умумжаҳон ҳуқуқий маконига киришини осонлаштиради.

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ: УМУМИНСОНИИ ВА МИЛЛИЙ ЖИҲАТЛАРНИНГ БИРЛИГИ

Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш йиллари мобайнида мустақил миллий давлатчилик таркиб топди. Эркин ва суверен давлатнинг ҳуқуқий негизлари яратилди. Демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг мақсадлари ҳамда вазифаларини белгилаб берувчи конституция ва бир бутун қонунлар тизими қабул қилинди.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси, халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъектига айланди.

Маънавий ҳаёт тикланмоқда, у буюк аждодларимизнинг улуғ маънавий меросига, минг йиллик тарихимиз ва маданиятимизга асосланган. Хуллас, барча ҳуқуқий аиъаналаримиз қайтиб келмоқдаки, улар жаҳон ҳуқуқий цивилизациясига алоқадордир.

Энг муҳими, кишиларнинг ҳуқуқий дунёқараси, меҳнатга, ҳаётга муносабати ўзгармоқда. Улар демократик ҳуқуқий давлат қадриятларидан фаоллик билан баҳраманд бўлмоқдалар, бозор иқтисодиёти билан танишмоқдалар.

Мана шундай чуқур ўзгаришларда суверен Ўзбекистоннинг Асосий қонуни — Конституцияси муҳим аҳамиятга эгадир. «Конституция — жамият ҳаётининг пойдевори, мамлакатдаги тинчлик, хотиржамлик ва миллий тотувликнинг негизи, унинг фуқаролари эркинликларининг ҳуқуқий кафолатидир»¹.

Ўзбекистон Конституцияси жаҳоннинг конституцион харитасидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.

Ўзбекистон Конституцияси Ўзбекистон ҳудудида яшаётган халқ иродаси, руҳи, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Аввало конституция умуминсоний қадриятлар ва халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги тарафоридир. Унда бир сиёсий мағкуранинг чеклаб қўйилиши, синфларни қарама-қарши қўйиш, партияларнинг ўзбошимчалиги йўқ. Шунингдек, давлатнинг фуқаролар устидан босиб турувчи ҳукмронлиги ҳам йўқ. Конституция Инсон ҳуқуқлари умумий декларациясининг деярли барча муҳим қоидаларини: инсон ҳаётининг,

¹ И. А. Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.— Тошкент, 1995.— 124-бет.

шахсі ва эркинлигининг дахлсизлигини ўзига қамраб олган. Конституцияда бизнинг кўп миллатли мамлакатимиздаги мустаҳкам маънавий ва ҳуқуқий маконнинг умумий ғояси мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўз изланишларимиз натижасидир. У ҳақиқатан ҳам умумхалқнинг мустақиллик ва эркинликка интилиши билан қўлга киритилган. Бизнинг қонуни чиқарувчимиз ўзининг конституцион биносини барпо этар экан, Ватанимизнинг кўп асрлик давлатчилик тажрибасига таянган. Конституция миллий манбаатларимиз ва интилишларимиздан келиб чиқиб, Шарқ ва Фарбнинг турли мамлакатлари тўплаган илгор конституцион тажрибани қабул қилди.

Конституция комиссияси жаҳон конституцион тажрибасига мурожаат қилиб, бу Қонунинг ролини яхлит тушунишга асосланди. Конституция ҳуқуқнинг амалий натижалари мезони айниқса муҳим эди.

Жаҳон конституцион тажрибаси конституцияга қўйидағилар орқали сингдирилди:

биринчидан, конституцион тартибга солиш тамойиллари — ҳокимиятлар тақсимоти, инсон ҳуқуқлари, халқаро ҳуқуқ нормаларига содиқлик, конституциянинг барқарорлиги;

иккинчидан, Преамбулада ва бўлимлар, боблар ва моддалар бўйича матннинг тартибга солиниши, шунингдек, уларни жойлаштириш мантиқи; мазмуннинг қисқалиги — бундан мақсад ҳақиқий давлат ва жамоат ҳаётини чеклаб қўядиган ортиқча регламентлар белгилашга йўл қўймаслиkdir; бўлажақ қонуиларга «ҳавола қилинадиган нормалар»нинг йўқлиги ҳам шу вазифага бўйсундирилган;

учинчидан, мафкурачиликдан, яъни битта мафкуранинг якка ҳукмронлигидан воз кечиш;

тўртинчидан, фикрлар, сўз, виждон ва эътиқодлар эркинлиги, ватанпарварлик;

бешинчидан, конституцион кафолатлар — конституциянинг устуворлиги, конституциявий суднинг ташкил этилиши, конституцияга ўзгаришлар киритишнинг алоҳида тартиби;

олтинчидан, Президентлик республикасининг бевосита халқ ҳокимиятининг шаклларидан бири эканлиги, чунки конституция давлат ва ижроя ҳокимият бошлиғи бўлган Президентнинг ҳуқуқий мавқенини белгилаб беради.

Олдинги, «социалистик» конституциялардан фарқли ўлароқ, мустақил Ўзбекистон конституциясида евроцентристик конституцион тартибга солиш зўравонлиги йўқ. Лекин фуқаролик жамияти нормаларини, ҳокимиятларнинг тақсимланиши, ғарб мамлакатларининг демократик конституцияларига хос бўлган ҳокимиятни тўхтатиб туриш ва унинг қарама-қаршиликларини оқилюна ҳисобга олиш мавжуд. Худди шу ўринда исломнинг, умманинг маънавий анъаналари таъсири катта оила сифатидаги давлатни конституцион тушуниш (бу оиласда осойишталик, инсон қадр-қиммати ва фаровонлиги учун етакчининг жавобгарлиги) яққол кўзга ташланади.

Ўзбекистон Конституцияси — бу ватанимиздаги тараққиётга бўлган давлат, жамоат маънавий-маданий эҳтиёжларининг ва барқарор конституцияга асосланган мустақил ривожланиш жаҳон тажрибасининг ижодий бирлигидир. Конституция «шахс — жамият — давлат» қадриятлари устуворлигини белгилаб беради.

Шахс — эркин, онгли, мустақил шахс — фуқаролик жамиятиясининг таркиби қисмидир. Фуқаролик жамияти — ҳар қандай ҳокимиятнинг чинакам манбани ва эгаси бўлган мустақил уюшган халқ демакдир. Суверен, демократик, ҳуқуқий давлат — шахс ва жамият манфатлари ҳамда ҳуқуқларининг ҳимоячисидир. Бундай маънода конституция фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги ўзига хос ижтимоий шартнома сифатида намоён бўлади.

Мустақил Ўзбекистон ўзининг бутун тараққиётининг конституцион негизи ҳисобланмиш инсоннинг ҳуқуқларини қайта вужудга келтиради. Халқимизнинг маънавий потенциали, унга тегишли бўлган катта табиий ва техникавий ресурслар, мустаҳкамланиб бораётган халқаро алоқалар демократик тараққиёт ва инсон ҳуқуқларига риоя қилиш учун барча шарт-шароитларни босқичма-босқич яратишга ишонч туғдиради.

Ўзбекистон Конституцияси «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги Конституцион қонунда асос қилиб олинган конституцион анъанани давом эттиради, унда халқаро ҳуқуқ бизнинг давлат қурилишимизнинг муҳим манбани сифатида таърифланади. Бу билан Ўзбекистон бутун жаҳон ҳамжамияти олдида умум томонидан қабул қилинган халқаро ҳуқуқ нормаларига ўзининг содиқлигини конституцион дара-

жада мустаҳкамлади. Бу ҳол бизнинг мустақил давлатимизга энг нуфузли халқаро ташкилотларга тўла ҳуқуқли аъзо бўлиб кириш имконини берди ва ҳақикатда умумий дипломатик тарзда тан олинишишимизга ва халқаро иқтисодий алоқаларга қўшилишишимизга йўл очиб берди.

Ўзбекистон Конституцияси халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлигини эътироф қиласди. Бу қўйидагиларни англатади:

биринчидан, конституцияда ёзиб қўйилганидек, инсон ҳуқуқларига содиқлик;

иккинчидан, демократик идеалларга содиқлик;

учинчидан, фуқаролар тинчлигини, миллий ва халқаро totuvlikни таъминлаш;

тўртинчидан, барча давлатлар суверенитетини, уларпинг чегаралари бузилмаслигини сўзсиз эътироф қилиш;

бешинчидан, куч ишлатмаслик ва зўрлик билан таҳдид қилмаслик;

олтинчидан, давлатлар ўртасидаги низоларни тинч йўл билан ҳал этиш;

еттингчидан, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик.

Мазкур масалага фақат халқаро мажбуриятлар муносабати билангиша шу қадар қатта аҳамият берилётганий йўқ. Халқаро ҳуқуқнинг олий нормаларига содиқликни ўзимизнинг миллий манфаатларимиз тақозо этади.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзоси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилотининг, шунингдек, 20 дан ортиқ халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг қатнашчиси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасини 140 дан ортиқ давлат тан олган. Халқаро ҳуқуқ ва умуминсоний қадриялар мамлакатимизда конституцион даражада устувор мақомга эга бўлди. Фуқаролар демократик жамиятининг ҳуқуқий негизи фаол таркиб топмоқда. Жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда виждои эркинлиги, жамоат ташкилотлари, фуқаролик тўғрисидаги қонунлар, халқимизни маърифатли тадбиркорликка тайёрлашга қаратилган иқтисодий қонунлар мажмуи қабул қилинди. Бошланган демократик жараёнларнинг фавқулодда янгилиги ва кенг миёслилиги СССРдан аянчли мерос бўлиб қолган мураккаб иқтисодий аҳвол шароитида содир бўлмоқда. Жамиятимизнинг барча қатламлари

жаракатга келди, хилма-хил ғоялар ва ривожланиш вариантылари илгари суримоқда.

Демократик, инсоннинг ривожланиши ва ҳуқуқлари сингари кенг қамровли ҳодисаларни қандай тушунишимизни таърифлашга биз ёндашаётган асосий конституцион тамойиллар — бу миллый-давлат манфаатлари га, халқимизнинг ўзига хослигига, унинг анъаналарига мувофиқликдан, унинг суверинитетини чуқур ҳурмат қилишдан иборатдир. Демократия ва инсон ҳуқуқлари жамиятимизда фақат қонуилар билангина эмас, балки халқнинг ўзлигини англаши, унинг яхшилик, меҳмондўстлик каби ахлоқий тажрибаси билан ҳам мустаҳкамланмоқда. Ўзбекистондаги энг муҳим инсоний қадриятлардан бири бутун Шарқ маърифатига хос бўлган оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Инсон ҳуқуқларини тўлақонли идрок этиш ва шахсни ҳурмат қилиш миллий маданиятимиз ва ёш давлатчилигимизни бойитади.

Халқнинг ватанпарварлик ҳис-туйфулари, унинг эркака, баҳт-саодатга интилиши янги давлатлар тимсоллари бўлган Ўзбекистон мадҳиясида, байроғида, гербида ўз ифодасини топмоқда, улар ҳар бир Ўзбекистонлик учун муқаддас маъно касб этмоқда.

Ўзбекистон Конституциясида республикада қарор топган ва халқимизнинг теран анъаналарига жавоб берадиган виждан эркинлигига катта ва самимий ҳурмат-эҳтиром акс эттирилган. Давлатнинг фуқаролар шахсий эътиқоди ва диний қарашларига ҳамда иймонига аралашмасликдан иборат умуминсоний тамойил давлатга диний тус бериш йўлини тутишимизга имкон бермайди. Динни давлат тасарруфига олиш, унинг ўз муқаддас негизларига зид бўлиб, бу билан давлатнинг диннинг маънавий моҳиятига аралашув хавфи вужудга келади, ҳолбуки дин ҳар бир кимсанинг фақат хусусий иши ҳисобланади. Бунииг устига, диний қарашларни инсон онигига мажбурий равишда сингдиришга йўл қўйиб бўлмайди ва Қуръони шариф ҳам бу ишни қоралайди. Тақводорлар ва даҳрийларнинг ҳуқуқларини кафолатлашга келганда, конституция уларнинг ахборот ва ташкилотлар эркинлигини кафолатлади, фуқароларнинг Ўзбекистон халқларининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаш бурчини, давлат таълим тизимининг илмий хусусиятини кафолатлади.

Ўзбекистон Конституцияси халқимизнинг умумий ақл-заковати меваси ҳисобланади, чунки у халқининг орзу-умиларини, фикр-ўйларини, муддаоларини акс эттиради. У суверен республиканинг тобора ривожланишида конституциянинг юксак ролига тўла маънода мувофиқ келади. Конституция халқ манфаатлари йўлида жамиятимизнинг ҳуқуқий негизларини вужудга келтирди, у инсон ҳуқуқларини, ҳар бир оиласининг барқарорлиги ва муносаб ҳаётини кафолатлайди, Ўзбекистонда яшовчи барча фуқароларнинг ишончли келажагини таъминлайди. Халқимиз шундай конституцияга муносабидир, у шу конституция асосида яшайди ва ўзи танлаган янгиланиш ва тараққиёт йўлида меҳнат қилади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Конституцияси жаҳон конституцион фондига таркибий қисм сифатида киради. Ў жаҳоншумул-тариҳий конституцион жараённинг бирлигини, халқлар ва маданиятларнинг тариҳий ўтмишида уларнинг ўзаро бирдамлигини ва бу билан мамлакат ривожида ўзига хос хусусият мавжудлигини ҳамда инсониятнинг умумий конституцион-ҳуқуқий маданиятига унинг алоҳида ҳисса бўлиб қўшилишини тасдиқлади.

Ўзбекистонда ҳозирги замон конституцион тузумнинг ривожланиши, бугунги кунда жаҳондаги хорижий мамлакатларда конституциялар, конституцион тизимлар қандай, деган савол берилишини тақозо қилади. Китобхонлар эътиборига ҳавола этилаётган асар жаҳондаги турли мамлакатлар конституциялари тўплами бўлиб, у конституциялар тўғрисида, алоҳида конституцион назария яратишга ҳаракат қилинмаган ҳолда, жаҳоннинг конституцион харитаси ҳақида умумий тасаввур беради.

Тўплам жаҳон мамлакатлари конституцион тузуми тўғрисидаги қисқача очерклардан ва конституцияларнинг расмий матнидан ташкил топган. Ҳар бир очеркда мамлакатнинг номи, ҳудуди, аҳолиси, диний эътиқоди, давлат тузилиши ва сиёсий партиялари тўғрисида қисқача маълумотлар келтирилган.

Тўплами тайёрлашда Тошкент шаҳрининг кутубхоналаринда мавжуд бўлган хорижий мамлакатлар конституциялари ва қонунлари ҳақидаги ҳужжатлар тўпламларидан, монографиялар, юридик журналларда эълон қилинган мақолалардан, хорижий ҳуқуқшунос олимлар асарлари таржималаридан ва турли давлатларнинг конституцион тузуми тўғрисидаги маълумотларни ўз

иチига олган маълумотнома тарзидаги нашрлардан фойдаланилди.

Афсус, бу китоб устида ишлаш чоғида конституцион ҳуқуқ бўйича қилган тадқиқотларидан маълум дараҷада фойдаланилган ёхуд асарлари муқояса қилинган барча муаллифларни номма-ном санаб ўтишининг имкони йўқ.

Муаллифлар ва тузувчилар китобхонлар эътиборига ҳавола этилаётган ушбу тўпламни тайёрлаш ва нашр этишда ўз мулоҳазалари ва маслаҳатлари билан ёрдам кўрсатган барча кишиларга миннатдорчилик билдирадилар. Шу хилдаги нашр соҳасида биринчи тажриба ҳисобланган ушбу тўпламнинг таркиби, мазмуни ва беатилиши юзасидан билдириладиган барча истакларни бажонидил қабул қиласиз.

У. ТОЖИХОНОВ,

юридик фанлар доктори,
профессор

А. Х. САИДОВ,

юридик фанлар доктори,
профессор

ЖАҲОН КОНСТИТУЦИЯЛАРИ

**АВСТРИЯ
ОЗАРБАЙЖОН
ЖАЗОИР
АРМАНИСТОН
БЕЛАРУСЬ
БОЛГАРИЯ
БҮЮК БРИТАНИЯ
ГЕРМАНИЯ**

АВСТРИЯ

АВСТРИЯ РЕСПУБЛИКАСИ

Австрия Марказий Европадаги давлат. Ҳудуди 84 минг кв. км. Аҳолиси — 7,8 млн киши (1992 йил). Пойтахти — Вена, маъмурий бўлиниши — тўққизта федерал ўлкадан иборат бўлиб, улар округларга, округлар жамоаларга бўлинади. Расмий тил — немис тили. Дин: тақводорларнинг 84% — католиклар, 6% — протестантлар (асосан, лютеранлар). Пул бирлиги — австрия шиллинги. Миллий байрами — 26 октябрь — парламент доимий бетарафлик тўғрисида Қонун қабул қилган кун (1955 йил).

Австрия — демократик федератив ва парламент республикасидир. 1920 йил 10 ноябрдаги конституция (Федерал конституциявий қонун) амал қиласди, унга 1929 йилда таҳрир ва шундан кейинги ўзгаришлар киритилган. Австрия 1918 йил 1 ноябрда республика деб эълон қилинган. 1938 йилнинг марта месецида нацистлар Германиясига қўшиб олинган. 1955 йил 15 майда суверен мустақил давлат сифатида қайта тикланган.

Австрия тўққизта федерал ўлка: Бургенланд, Вена шаҳри, Юқори Австрия, Зальцбург, Каринтия, Қуий Австрия, Тироль, Форарльберг, Штириялардан ташкил топган.

Давлат бошлиғи — федерал президент бўлиб, у яширип овоз бериш йўли билан умумий тенг сайлов ҳуқуқи асосида олти йилга сайланади. Ҳақиқий деб топилган барча овозларнинг ярмидан кўпроғини олган шахс сайланган ҳисобланади. Агар бундай кўпроғи овоз йиғилмаган бўлса, сайловнинг иккинчи тури ўтказилади. Бунда биринчи турда энг кўп овоз олган икки номзоддан бирига берилган овозларгина ҳақиқий ҳисобланади. Навбатдаги муддат учун тақороран сайланишга фақат бир марта йўл қўйилади. Агар Президент ўз вазифаларини бажаришга қодир бўлмаса, бу вазифалар федерал канцлер зиммасига ўтади.

Қонун чиқарувчи ҳокимият парламент томонидан амалга оширилади, парламент икки палатадан: миллий ва Федерал кенгашлардан ташкил топади. Миллий кенгаш 183 депутатдан ташкил топади, депутатлар яширип овоз бериш асосида тўппа-тўғри ва тенг сайловлар йўли билан мутаносиб тизим бўйича тўрт йилга сайланади,

Федерал кенгаш (63 депутат) ландтаглар (парламент ўлкалари) томонидан айрим ўлкаларнинг аҳолиси сонига мувофиқ мутаносиб тизим бўйича легислатуралар¹ муддатига сайланади. Миллий ва Федерал кенгашларнинг қўшма мажлислари Федерал мажлисни ташкил этади, унинг уруш эълон қилиш, Федерал президентнинг қасамёд қилиши каби масалаларни ҳал қилишдан иборат фавқулодда ҳуқуқи сақланиб қолади.

Ижро этувчи ҳокимият Федерал президент ва Федерал ҳукумат томонидан амалга оширилади. Федерал президент федерал канцлерни (хукумат бошлигини) ва унинг тавсиясига кўра министрларни тайинлайди.

Маҳаллий ҳокимият органлари ўлкаларнинг ландтаглари (қонун чиқарувчи ҳокимияти)дир. Венада ландтаг вазифаларини жамоа кенгashi, ҳукумат вазифаларини сенат бажаради. Жамоаларда ўзини ўзи бошқариш органлари жамоа кенгашлари ҳисобланади.

Сиёсий партиялар: Австрия халқ партияси; Австрия эркинлик партияси; «Яшил муқобил»; Австрия социал-демократик партиясидир.

Касаба уюшмалари: Австрия касаба уюшмалари бирлашмаси — унга 15 та тармоқ касаба уюшмаси киради ва уларда 1,4 млн. аъзо (ёлланма меҳнат кишиларининг қарийб 60%) бор.

¹ Легислатура муддати — сайланган қонун чиқарувчи мажлиснинг қонуний ваколат муддати, шунингдек, амалий фаолият даври.

АВСТРИЯНИНГ КОНСТИТУЦИЯИИ ХУЖЖАТЛАРИ ФЕДЕРАЛ КОНСТИТУЦИЯИЙ ҚОНУН

1920 йил 10 ноябрь¹

БИРИНЧИ БҮЛИМ УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Австрия демократик республикадир. Унинг ҳуқуқи ижодкори халқдир.

2-модда. 1. Австрия федератив давлатдир.

2. Федератив давлат мустақил ўлкалар: Бургенланд, Каринтия, Қўйи Австрия, Юқори Австрия, Зальцбург, Штирия, Тироль, Форарльберг ва Венадан ташкил топади.

3-модда. 1. Федерация худуди Федерация ўлкалари худудларини қамраб олади.

2. Федерация худудининг ўзгариши (бу, шунингдек, ўлкалардан бирининг худуди ўзгариши ҳамдир), шунингдек, Федерация худуди ичидаги ўлкалардан бирининг чегаралари ўзгариши, тинчлик шартномаларини тузиш ҳолларидан ташқари, фақат федерациянинг ва худуди ўзгарадиган ўлканинг худди шунга ўхшаш конституцияиий қонунлари асосидагина амалга оширилиши мумкин.

4-модда. 1. Федерация худуди валюта, ҳўжалик ва божхона муносабатлари соҳасида ягонадир.

2. Федерация ичida божхона ёки бошқа транспорт чеклашлари ўрнатилиши мумкин эмас.

5-модда. 1. Федерация пойтахти ва Федерациянинг юқори органлари Венада жойлашган.

2. Фавқулодда ҳолатлар даврида Федерал президент Федерал ҳукуматнинг тавсиясига мувофиқ Федерациянинг олий органлари турадиган жойни Федерация худудидаги бошқа жойга кўчириши мумкин.

¹ Федерал конституциявий қонун 1929 йил 7 декабрда таҳрир қилинган, унга шундан кейин ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилган.

3. Республиканынг раңглари ва герби, шунингдек, үхрини мұхофаза қыладиган батафсилроқ йұл-йүриқтар федерал қонун томонидан белгилаб берилади.

9-модда. 1. Умум томонидан эътироф қилингандай халқаро ҳуқуқ нормалари Федерал ҳуқуқнинг таркибий кисми сифатида амал қиласы.

2. 50-модданинг 1-абзацияга мувофиқ маъқулланған қонун ёки давлат шартномаси асосида, Федерациянынг айрым суверен ҳуқуқлари давлатлараро муассасаларга ва уларнинг органларына бериліши, хорижий давлатлар органларининг мамлакат ичкарисидаги фаолияти, шунингдек, Австрия органларининг чет эллардаги фаолияти, халқаро ҳуқуқ донралари билан тартибга солиниши мүмкін.

9а-модда. 1. Австрия мамлакатының ҳар томонлама мудофааси учун ўз масъулиятини эътироф қиласы. Мудофаа ташқи мустақиллик, Федерация ҳудудининг дахлсизлеги ва яхлитлігінин таъминлашга, хусусан, доимий бетарафликни күллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишта қаратылған.

Ана шундан көлиб чиқпіб, конституцион мудофаасалар ва уларниннан фаолияттары, шунингдек, фуқароларнинг демократик әрқиулигінин ташқаридан бўладиган зўравонлик ҳамлаларидан мұхофаза ва ҳимоя қилиш таъминланиши лозим.

2. Мамлакатни ҳар томонлама мудофаа қилиш, уни ҳарбий, мағкуравий, фуқаролик ва ҳўжалик жиҳатларидан мудофаа қилишини ўз ичига олади.

3. Австриялик ҳар бир әрқак фуқаро ҳарбий хизматта мажбур ҳисобланади. Диний сабабларга кўра ҳарбий бурчини бажаришдан бош тортувчи ва ундан озод қилингандай ҳар бир киши ҳарбий хизмат ўринини қопладиган хизматни бажариши лозим. Янада батафсилроқ йұл-йүриқлар қонунлар билан белгилаб берилади.

10-модда¹. 1. Федерация иктиёрига қойындағи масалалар соҳасидаги қонун ҳужжатлары ва ижро этиш фаолияти киради:

¹ 1983 йыл 2 мартдаги 175-сонли Федерал Конституцияның қонун тақририда.

7-модда. 1. Федерациянинг барча фуқаролари қонун олдида тенгдирлар. Фуқароларга келиб чиқиши, жинси, мавқеи, қайси синфга мансублиги ва диний эътиқодига қараб имтиёзлар берилмайди.

2. Оммавий муассасаларнинг хизматчилари, шу жумладан, федерал қўшин ҳарбий хизматчиларининг сиёсий ҳуқуқларини bemalol амалга оширишлари кафолатланади.

8-модда. Немис тили Республика давлат тили ҳисобланади, бу ҳол бошқа тилларда сўзлашувчи кам сонли фуқароларга федерал қонун томонидан берилган ҳуқуқларни камситмаслиги лозим.

8а-модда. 1. Австрия Республикасининг ранглари — қизил, оқ, қизил. Байроқ бир хил кенглиқдаги учта горизонтал тасмадан иборат бўлиб, улардан ўртадагиси — оқ, юқори ва пасткилари — қизилdir.

2. Австрия Республикасининг герби (федерал герб) ёркин парвоз қилаётган бир бошли, қизил тилли қора бургутдан иборат бўлиб, у ўзидан олтин атрибуллар чиқариб туради, унинг кўкраги қизил қалқон билан қопланган бўлиб, уни қўндаланг кумуш планка кесиб ўтган. Бургутнинг бошида учта тўғри бурчакли данданали олтин тож бор. Бургутнинг ҳар иккала панжасини узилган темир занжир қоплаб олган. У ўнг панжасида тифи ички томонга қаратилган олтин ўроқни, сўл панжасида олтин болғани ушлаб турибди.

1) Федерал Конституция, хусусан Федерал Конституцияга мувофиқ миллий кенгашга бўладиган сайловлар ва овоз беришларни ўтказиш; конституцион масалалар юзасидан юрисдикция;

2) ташқи алоқалар, шу жумладан чет эллардаги сиёсий ва ҳўжалик вакиллiği, хусусан барча давлат шартномаларини тузиш; чегараларни белгилаш; хорижий мамлакатлар билан мол айирбошлиш ва чорва моллар билан савдо-сотиқ қилиш; божхона иши;

3) Федерация ҳудудига кириш ва ундан чиқишини тартибга солиш ва назорат қилиш; бошқа мамлакатлардан кўчиб келиш чет элга кўчиб кетиш; паспорт иши; фуқароларни сургун қилиш, мамлакатга келиш ҳуқуқларидан маҳрум этиш, мажбуран кўчириш ва тутиб бериш, шунингдек, тутиб топшириш;

4) Федерал маблағлар, хусусан, фақат Федерация фойдасига ёки қисман ундириладиган давлат солиқлари, монополиялар;

5) пул муомаласи, кредит, биржа ва банк ишлари; ўлчовлар ва тарозилар, стандартлар ва намуналар;

6) фуқаролик ҳуқуқи, шу жумладан, ҳўжалик бирлашмаларининг ҳуқуқи (ер участкаларини олди-сотдига нисбатан ажнабийлар учун маъмурий чеклашлар ўрнатилишини тартибга солиш бундан мустаснодир); жинон-ий-ҳуқуқий тартибга солиш (ерларга бўлган мулкчилик ваколатига тааллуқли маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишлар бўйича маъмурий жавобгарликни ва ишлаб чиқаришни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш бундан мустаснодир); адлия; жамиятни жиноят содир қилган шахслардан, қаровсиз ва бошқа хавфли шахслардан ҳимоя қилиш бўйича муассасалар, чунончи меҳнат-тузатиш ва уларга ўхшаш муассасалар; маъмурий юрисдикция; муаллифлик ҳуқуқи; матбуот; санитария мақсадидаги тутгатиш ва тортиб олишлар ҳамда бошқа тортиб олиш турлари (агар улар ерларга бўлган мулкчилик ваколати соҳасига тааллуқли масалаларга дахлдор бўлмаса); нотариуслар, адвокатлар ва уларга яқин касблардаги шахсларнинг фаолиятига доир масалалар;

7) ижтимоий тинчликни, тартиб ва хавфсизликни сақлаш (маҳаллий хавфсизлик полициясининг фаолиятидан ташқари); бирлашмалар ва йиғилишларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш; фуқаролик ҳолати дадолатномалари (шу жумладан туғилишни ва фамилияларни ўзгартиришни рўйхатдан ўтказиш); хорижликлар

иши билан шуғулланувчи ва уларни рўйхатдан ўтказувчи полиция; қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва ўқ отиш иши;

8) ҳунарлар ва саноат; Дунай пароходчилик компаниясининг давлат агентлиги ва хусусий воситачилик идоралари; ноҳалол рақобатга қарши кураш; патент иши, шунингдек, товар намуналари, маркалари ва бошқа товар белгиларини муҳофаза қилиш; патентлар бўйича ишончли кишиларнинг фаолияти; муҳандислик ишлари ва фуқаролик техникаси соҳасидаги мутахассисларга тааллуқли масалалар; савдо, ҳунармандчилик ва саноат палаталари; бутун Федерация ҳудудида иш олиб бораётган касбий вакиллик муассасаси (қишлоқ ва ўрмон ҳўжалиги соҳасига тааллуқли ҳудудлар бундан мустаснодир);

9) темир йўл транспорти, ҳавода ва сувда сузиш (агар у 11-моддага тўғри келмаса); автомобиль иши; транзит алоқа учун муҳимлиги туфайли федерал қонун томонидан федерал аҳамиятга эга бўлган йўллар, деб эълон қилинган йўлларга (йўл полициясининг фаолиятидан ташқари) доир масалалар, сув ва кема полицияси (агар у 11-моддага тўғри келмаса); почта-телефон ва телефон;

10) кончилик иши; ўрмон ҳўжалиги, шу жумладан яйловлар; сувга доир ҳуқуқ; сув тошқини шаронтида хавсизликини таъминлаш мақсадида шунингдек, кемачилик ва ёғоч оқизиш учун, сув омборлари аҳволини ва сув сақланишини тартибга салиш; тўғонлар қурилиши; сув йўлларини барпо этиши ва тартибли сақлаш; электр энергетика қурилмалари ва иншоотларни стандартлаш ҳамда бир хиллаштириш, бу соҳадаги хавфсизлик чора-тадбирлари, иккита ёки ундан ортиқ ўлка ҳудудидан ўтган юқори вольтли электр узатиш линияларини ҳуқуқни жиҳатдан тартибга солиш; энергетика машинасозлигини тартибга солиш; геодезия;

11) меҳнат ҳуқуқи (агар унга 12-модда татбиқ этилмаса); ижтимоний ва шартномавий суғурта; ишчи ва хизматчиларнинг касбий палаталари (қишлоқ ва ўрмон ҳўжалигидаги касбий палаталар бундан мустаснодир);

12) соғлиқни сақлаш (дағи этиш ва қабристоилар ишлари, шунингдек, жамоалардаги санитария хизмати ва тез ёрдам ташкилоти бундан мустаснодир); бироқ даволаш муассасалари ва сиҳатгоҳлар, курортлар ва шифобоҳаш манбаларга нисбатан — фақат санитария

назоратини амалга ошириш; заарли аралашмаларниң сақлашда йўл қўйиладиган нормаларни ошириш туфайли атроф муҳитга етказиладиган хавфли таъсиринг олдини олиш чора-тадбирлари; ветеринария иши; озиқовқат иши, шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини назорат қилиш;

13) илмий ва маҳсус-техникавий архив ҳамда кутубхона хизмати; Федерациянинг бадиий ва илмий коллекциялар ҳамда муассасаларига тааллуқли масалалар; Федерация театрларига тааллуқли барча масалалар, лекин биноларнинг ташқи томони ва баландлигини бе-затиш, шунингдек, театр биноларининг ташқи кўринишига доир таъмирлаш ишларини қурилиш жиҳатидан таъминлаш масалалари бундан мустаснодир; ёдгорликларни муҳофаза қилиш; диний маросимларни амалга оширишга доир масалалар; аҳолини рўйхатга олиш, шунингдек — ўлка ичидаги ҳар қандай зарур статистика-ни юритиш учун ўлка ҳуқуқини таъминлашда, агар у нафақат битта ўлканинг манфаатларига дахлдор бўлса, — бошқа статистика юритилади; омонатлар ва жамғармалар, — агар уларнинг мақсадлари айrim ўлка манфаатлари чегарасидан ташқарига чиқадиган бўлса ва улар илгари ўлкаларнинг автоном бошқарувида бўлмаган бўлсалар;

14) Федерал полиция ва Федерал жандармерияни ташкил этиш ва уларга раҳбарлик қилиш; бошқа муҳофаза бўлинмаларини ташкил этиш ва йўлга қўйишини тартибга солиш, шу жумладан, уларни қуроллантириш ва қурол ишлатиш ҳуқуқи;

15) ҳарбий иш; уруш етказган заарни бартараф этиш билан боғлиқ масалалар, шунингдек, уруш қатнашчиларини ва уларнинг яқинларини ҳимоя қилиш; ҳалоқ бўлган жангчиларнинг қабрларига қараб туриш; уруш ёки унинг оқибатлари билан боғлиқ бўлган чораларни, иқтисодиётга ягона раҳбарликни таъминлаш учун, хусусан, аҳолини энг зарур буюмлар билан таъминлаш учун ҳам керакли чораларни амалга ошириш;

16) Федерал органлар ва бошқа Федерал идораларни ташкил этиш; федерал хизматчиларнинг хизмат ҳуқуқи¹ ва уларнинг лавозимларни эгаллашларини тартибга солувчи ҳуқуқ;

¹ Хизмат ҳуқуқи (*Dienstrecht*) — оммавий муассасалардаги хизматчилар муносабатларини тартибга солади. (Тузувчилар изоҳи).

17) болаларга нафақа бериш ва оила манбаатлари йўлида компенсациялар тўлашга тааллуқли соҳадаги демографик сиёсат.

2. Деҳқон хонадонида ягона мерос тўғрисидаги қоңуналар, шунингдек, 10-банднинг 1-абзацида санаб ўтилган масалалар юзасидан чиқариладиган федерал қонунлар ўлкаларнинг қонун чиқарувчилик ваколатига аниқ кўрсатиб ўтилган айрим қоидалар юзасидан муайян тушунтириш берадиган қарорлар чиқаришни топшириши мумкин. Ўлкаларнинг бу қонунларига тегишли равишда 15-модданинг 6-абзацидаги қоидалар татбиқ этилади. Бундай ҳолларда чиқариладиган аниқлаштирувчи қоңуналарни бажариш Федерацияга юкланди, бироқ ўлкалар қонунларини аниқлаштирувчи қоидаларни бажариш тўғрисидаги қарорлар тегишли ўлка ҳуқумати билан олдиндан келишиб олишни талаб қиласди.

3. Давлат шартномаларини тузиш олдидан, агар бу шартномамаларнинг бажарилиши бўйича 16-моддада кўзда тутилган чораларни амалга оширишни талаб қиласа ёки ўлкаларнинг мустақил ваколати соҳасига бошқача тарзда тааллуқли бўлса, Федерация ўлкаларга бу хусусда ўз нуқтан назарини ифодалаш имконини берishi лозим.

11-модда. 1. Қонун чиқариш Федерация ихтиёрида, ҳуйидаги масалалар юзасидан эса, ижрочилик фаолияти ўлкалар ихтиёридадидир:

- 1) фуқаролик ва жамоага аъзо бўлиш ҳуқуқи;
- 2) касбий ваколатлар (агар улар 10-модданинг амалига дахлдор бўлмаса, бироқ қишлоқ ва ўрмон ҳўжалиги соҳасидаги бундай ваколатлар бундан мустасно дидир;
- 3) ҳалқнинг уй-жой билан таъминланиши;
- 4) йўл полицияси;
- 5) санитария-гигиена тадбирлари;
- 6) кемалар қатнови концессиялари (шартномалари)-га, кема қатнови иншоотларига ва шундай иншоотларга нисбатан қаратилган маъмурий ҳуқуқларга эга бўлган ички сувлардаги кемалар қатнови (агар улар Дунайдар, Боден кўлида, Нойзидлер кўлида, шунингдек, бошқа чегара сув йўлларининг чегара худудларида бўлмасалар); ички сув йўлларида сув ва кема қатнови полицияси (Дунай, Боден кўли, Нойзидлер кўли ва бошқа

чегара сув йўлларининг чегара ҳудудлари бундан мустасиодир).

2. Ягона йўл-йўриқлар чиқариш зарур бўлиб қолганда, федерал қонун маъмурӣ ишларни кўриб чиқишини, маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги умумий қоидаларни ва шунингдек, қонун чиқариш ваколати, хусусан, солиқ ишлари бўйича қонун чиқариш ваколати ўлкаларга берилган ҳолларда маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги қарорларнинг ижросини тартибга солади; федерал қонунлар ёки ўлкаларнинг қонунилари асосида, агар буни бошқариш предмети талаб қиласа, бошқаришнинг айрим соҳаларида турлича тартибга солиш жорий этилиши мумкин.

3. 1 ва 2-абзацга мувофиқ федерал қонунларга тегишли ижро этиш тўғрисидаги қарорлар, агар кўрсатиб ўтилган қонунларда бошқа нарсалар белгилаб берилмаган бўлса, Федерация томонидан чиқарилиши лозим. 4 ва 6-бандларнинг 1-абзацида кўрсатиб ўтилган масалалар юзасидан ижро этиш тўғрисидаги қарорлар бўйича (уларни чиқаришга федерал қонун асосида ўлкалар вакил қилинган) уларни эълон қилиш усулини федерал қонун билан тартибга солиш мумкин.

4. 2-абзацга мувофиқ қабул қилинган қонунларни ва уларга тааллуқли бўлган ижро этиш тўғрисидаги қарорларни татбиқ этиш Федерацияга ёки ўлкаларга юкланди, бунда масаланинг Федерация ёки ўлканинг ижро этиш фаолиятига тааллуқли эканлиги ҳисобга олинади.

5. Маъмурӣ ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар юзасидан маъмурӣ юрисдикция органлари томонидан амалга ошириладиган суд жараёнида юқори инстанция маъмурӣ жазолашлар тўғрисидаги ишлар бўйича масъул сенатлар ҳисобланади, улар ваколатли органлар ҳузурида ташкил этилиши лозим. Сенатларнинг аъзолари ўз вазифаларини амалга ошириш чоғида дахлсиз ҳисобланадилар ва ҳеч қандай кўрсатмалар билан боғланмаган бўладилар. Орган бошлиғи ёки у тайинлаган вакил раислик қилади, бу вакил ҳуқуқий билимларга эга бўлиши лозим.

Сенатлар федерал органлар ҳузурида ташкил этилмаган ҳолларда Федерация сенатларнинг иккита аъзосини тайинлайди. Маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги бевосита федерал бошқарувга тааллуқли ишлар юзасидан қонунида кўзда тутилган авф этишини қўлланиш маъ-

мурий жазолар тўғрисидаги ишларни қараб чиқувчи сенатларнинг тақдими асосида ўлка губернатори¹ томонидан амалга оширилади, ўлкаларнинг ўз ваколати соҳасига кирадиган ишлар бўйича эса ана шу ўлкаларнинг ҳукуматлари томонидан амалга оширилади. Маъмурий жазолар тўғрисидаги ишлар юзасидан сенатларни ташкил этиш ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги ҳоидалар федерал қонун томонидан батафсилдоқ тартибга солинади.

12-модда². 1. Қонунларнинг умумий тамойилалрини белгилаш Федерация бошқарувинга, қуидаги масалалар юзасидан аниқлаштирувчи қонунлар чиқариш ва ижро этиш фаолияти ўлка бошқарувига тааллуқли бўлади:

1) камбағалларни боқиш; 10-модданинг амал қилишига тўғри келмайдиган демографик сиёсат; халққа ҳомийлик қилиш муассасалари; оналик, болалик ва ёшларни ижтимоий таъминлаш, соғлиқни сақлаш эҳтиёжлари нуқтаи назаридан курортларга, курорт идоралари ва муассасаларига қўйиладиган талабларни белгилаш; табиий чашмалар;

2) низолар рўй берганда суддан ташқари восита-чиллик билан шуғулланувчи оммавий муассасалар;

3) ер ислоҳоти, хусусан, аграр ўзгаришлар ва кўчириш;

4) ўсимликларни касаллилар ва зааркурандалардан ҳимоя қилиш;

5) электр энергетикаси, агар у 10-модданинг амал қилишига тўғри келмаса;

6) меҳнат ҳуқуқи, шунингдек, қишлоқ ва ўрмон ҳўжалигига банд бўлган ишчилар ва хизматчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

2. Ер ислоҳоти масалалари юзасидан қарорлар қабул қилишда юқори инстанция ва ўлкалар инстанцияси сенатлар ҳисобланади, улар раис ва судлардан, маъмурият амалдорларидан ва аъзолик ҳуқуқига эга бўлган эксперталардан ташкил топади; юқори инстанция сифа-

¹ «Landeshauptmann» деган немисча атаманинг энг мақбул эквиваленти, бизнинг назаримизда, «ўлка губернатори» атамасидир, у ўлка ҳукуматига ва бутун маъмуриятга раҳбарликни амалга оширувчи ҳамда ўлка билан Федерация манфаатлари боғлиқлигини таъминловчи шахсни билдиради. (Тузувчилар изоҳи).

² 1983 йилги 175-сонли Ўонун таҳририда.

тида қарорлар чиқарадиган сепат ваколатли федерал министрлик ҳузурда ташкил этилади. Сенатларни ташкил этиш, уларнинг вазифалари ва сенатлардаги ишлар, шунингдек, ер ислоҳотларини ўтказниш билан боғлиқ бўлган бошқа органларни ташкил этиш тамойиллари федерал қонун билан тартибга солинади. Бу қонунда сенатларнинг қарорлари бекор қилинмаслиги ҳам, бошқарув тариқасида ўзгартирилмаслиги ҳам кўрсатиб ўтилиши лозим; биринчи инстанция органлари устидан ўлка инстанциясига шикоят қилишнинг одатдаги ҳуқуқий воситаларини чеклашга йўл қўйилмайди.

3. Агар ва модомики, ўлка органлари қабул қилгани электр энергетикаси масалаларига доир қарорлар бир-бiriغا зид бўлса ёки агар ўлка ҳукумати ўлканинг бирдан-бир ваколатли инстанцияси бўлса, бундай масалаларни кўриб чиқиш ваколатли федерал министрликка топширилади (башарти томонлардан бири буни талаб қилса, федерал қонун белгилаши лозим бўлган муддат доирасида кўриб чиқилади). Федерал министрлик қарор чиқарини билан ўлка органларининг бундан олдинги қарорлари ўз кучини йўқотади.

13-модда. Федерация ва ўлкаларнинг солиқлар соҳасидаги ваколати маҳсус федерал конституциявий қонун («Молия тўғрисидаги конституциявий қонун») билан тартибга солинади.

14-модда. 1. Федерация ихтиёрига мактаб иши соҳасидаги, шунингдек, мактаб-интернатларда ва талабалар ётоқхоналарида тарбиялаш соҳасидаги қонун чиқарувчи ва ижро этувчи фаблият киради (агар навбатдаги абзацларда бошқа нарсалар белгиланмаган бўлса). Мазкур модда татбиқ этиладиган мактаб иши ва тарбия масалаларига 14а-моддада тартибга солинадиган масалалар кирмайди.

2. Федерация ихтиёрига қонун чиқариш, ўлка ихтиёрига эса хизмат ҳуқуқи ва оммавий мажбурий мактаблар ўқитувчилари лавозимларини эгаллашни тартибга солувчи ҳуқуққа доир ижро этиш фаолияти киради. (агар 4-абзацининг «а» бандида бошқа нарсалар белгиланмаган бўлса). Федерал қонулар ўлкаларнинг қонун чиқарувчилик ваколати учун аниқ кўрсатилган айрим қоидаларга доир аниқлаштирувчи қарорлар чиқаришни топшириши мумкин; бунда тегишли равишда 15-модда-

нинг 6-абзацидаги қондалар татбиқ этилади. Бундай федерал қонунларни бажариш тұғрисидаги қарорларни, агар бу қонунларда бошқа нарасалар белгиланмаган бўлса, Федерация чиқариши лозим.

3. Қонунчиликнинг умумий тамойилларини белгилаш федерация ихтиёрида, қуйидаги масалалар юзасидан аниқлаштирувчи қонунлар чиқариш ва ижро этиш фаолияти эса — ўлка ихтиёридадир:

а) федерал мактаб органлари доирасидаги ҳайъатлар таркиби ва тузилиши, уларнинг ўлкалар ва маъмурӣ районларда ташкил этилиши, шу жумладан бу ҳайъатларга аъзолар тайинланиши ва улар рағбатлантирилиши;

б) оммавий мажбурий мактабларни ташкил этиш (қуриш, ташкилий шакллар, яратиш, сақлаш, ёпиш, жойлашган манзили, синфлардаги ўқувчилар сони ва машғулотлар вақти);

в) фақат ёки асосан мажбурий мактаб ўқувчилари учун мӯлжалланган оммавий мактаб-интернатлар ташкил этиш;

г) болалар боғчалари мураббияларини ва болалар уйлари мураббийларини фақат ёки асосан мажбурий мактаб ўқувчилари учун мӯлжалланган мактаб-интернатлар тарбиячилари лавозимига ишга олиш вақтида уларга ўлкалар жамоалари ёки жамоа иттилоқларида қўйиладиган касбий талаблар.

4. Қуйидаги масалалар юзасидан қонун чиқариш ва ижро этиш фаолияти ўлкалар ихтиёридадир:

а) оммавий мажбурий мактаблар ўқитувчиларининг хизмат фаолиятига доир юқори инстанция ҳисобланувчи органларнинг ваколати — У 2-абзацга мувофиқ чиқарилган қонунлар билан тартибга солинади; бундай ҳолда ўлкаларнинг қонунларида ўлкалардаги ва маъмурӣ районлардаги федерал мактаб органлари хизмат лавозимларига тайинлашларни амалга оширишда, бошқа хизмат лавозимларини бажаришда, рағбатлантиришларни ташкил этишда, шунингдек, унвонлар берилишида ва нитизом ишларида иштирок этишлари лозим, деб белгилаб қўйилиши керак. Хизмат лавозимларига тайинлашни амалга оширишда ва бошқа хизмат вазифаларини бажаришда, шунингдек, рағбатлантиришни ташкил этишда қатнашиш ҳар қандай ҳолатда бу масалалар юзасидан таклифлар киритиш ҳуқуқи қўйи федерал мак-

таб органларига тааллуқлы бўлиши лозимлигии назарда тутади;

б) болалар боғчалари ва болалар уйларини ташкил этиш.

5. 2—4-абзацларда белгиланган қоидалардан мустасно тариқасида қўйидаги масалалар юзасидан қонун чиқариши ва ижро этиш фаолияти федерация ихтиёрида бўлади:

а) оммавий мактаблар, болалар боғчалари, болалар уйлари ва маҳсус йўналишга эга бўлган мактаб-интернатлар; улар халқ мактабининг таркибий қисми бўлиб; ўқув режаларида кўзда тутилган машғулотларнинг ўтказилишини таъминлайди;

б) фақат ёки кўпроқ «а» бандида кўрсатиб ўтилган маҳсус йўналишдаги мактаблар ўқувчилари учун мўлжалланган оммавий мактаб-интернатлар;

в) хизмат ҳуқуқи ҳамда «а» ва «б» бандларида саб ўтилган оммавий муассасаларда банд бўлган ўқитувчилар, тарбиячилар ва болалар боғчалари тарбиячилари лавозимларини вақтинча бажариб туришни тартибга солувчи ҳуқуқ.

6. Оммавий мактаблар шундай мактабларки, улар мактаб ишига раҳбарлик қилиш бўйича қонунда белгиланган инстанция томонидан ташкил этилади ва таъминланади. Бундай инстанциялар федерация органларидир, чунки оммавий мактабларни ташкил этиш, таъминлаш ва ёпиш билан боғлиқ масалалар юзасидан қонун чиқариш ва ижро этиш фаолияти Федерация ихтиёридадир. Мактаб ишига раҳбарлик қилиш бўйича қонунда белгиланган инстанция ўлка органлари, шунингдек, ўлка қонунлари кўрсатмаларига мувофиқ жамоа ёхуд жамоалар иттифоқидир, чунки оммавий мактабларни ташкил этиш, таъминлаш ва ёпиш билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан қонун чиқариш ёки аниқлаштирувчи қонунлар қоидаларини қабул қилиш ва ижро этиш фаолияти ўлкалар ихтиёридадир. Оммавий мактаблар келиб чиқиши, жинси, ирқи, мавқеи, синфий мансублиги, тили ва диний эътиқодидан қатъи назар барча кишилар учун қулайдир, қолган соҳаларда бу мактабларнинг қулайлиги қонунда белгиланган шартшаронтларга боғлиқ равишда белгиланади. Бу қонда тенг равишда болалар боғчалари учун ҳам, болалар уйлари ва мактаб-интернатлар учун ҳам тегишли суръатда амал қиласди.

7. Оммавий мактабларга тегишли бўлмаган мактаблар хусусий мактаблар ҳисобланади; қонун талаблари га мувофиқ ҳалқ ҳуқуқи қондалари уларга ҳам татбиқ этилади.

8. 2 ва 3-абзацларга мувофиқ ўлкаларнинг ижро этиш фаолиятига доир ва мазкур абзацларда мустаҳкамланган қоидалар асосида ўлкалар томонидан қабул қилинган қонуилар ва қарорларга риоя қилинишига доир маълумотлар тўплаш соҳасидаги ваколатлар Федерация зиммасига юкланди. Ана шу мақсадда Федерация ўз инспекцияларини мактаблар ва мактаб-интернатларга юбориши ҳам мумкин. Камчиликлар аниқланган тақдирда ўлка губернаторига муайян муддат ичида камчиликларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар (20-модданинг 1-абзаци) берилishi мумкин. Қонунда баён қилинган йўл-йўриқларга мувофиқ ўлка губернатори бундай кўрсатмаларни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўриши, шунингдек, ўлканинг ўз ваколати соҳасида иш олиб борадиган орган сифатида ўзи эга бўлган барча воситалардан фойдаланиши лозим.

9. Ўқитувчилар, тарбиячилар, болалар боғчалари мураббияларининг хизмат ҳуқуқи соҳасида Федерация, ўлкалар, жамоалар ва жамоа иттифоқлари ўртасида мазкур шахсларнинг хизмат муносабатларига тааллуқли қонун чиқариш ва ижро этиш ваколатларини тақсимлаш мақсадида 40 ва 21-моддаларда мустаҳкамланган умумий қоидалар амал қиласди (агар олдинги абзацларда бошқа нарсалар белгилаб берилмаган бўлса). Худди шундай қонда ўқитувчилар, тарбиячилар ва болалар боғчаларининг мураббиялари лавозимларини вақтинча бажариб туришини тартибиға солувчи ҳуқуққа нисбатан ҳам амал қиласди.

10. Ўлкалар ва маъмурӣ районларда иш олиб борадиган федерал мактаб органларига доир, мажбурий мактаблар ва хусусий мактаблар ташкил этиш ҳамда мактаб билан черковлар (диний жамиятлар) ўртасидағи муносабатлар, шу жумладан мактабда динни ўқитиши масалалари юзасидан,— агар бу масалалар олий ўқув юртларига ва санъат академияларига тааллуқли бўлмаса,— федерал қонуиларни Миллий кенгаш қабул қилиши мумкин, бунда фақат аъзоларининг ярмидан кам бўлмаган қисми иштирок этиши ва учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овоз бериши керак. Бу шарт баравар равишда мазкур масалалар юзасидан ўз мазмуни-

га күра 50-модда қоидаларига мос келадиган давлат шартномалари тузишин маъқуллашга нисбатан ҳам амал қилади.

14-а-модда. 1. Қасбий мактаб таълими, шунингдек, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳасида қасбий тарбия бўйича мактаб-интернатларга доир масалалар юзасидан ва бундан ташқари, хизмат ҳуқуқига ва мактаблар ҳамда мактаб-интернатларнинг мазкур молдада кўрсатиб ўтилган ўқитувчилари ва тарбиячилари лавозимларини вақтинча бажариб туришин тартибга солувчи ҳуқуққа доир масалалар юзасидан, — агар кейинги абзацларда бошқа нарсалар белгилаб берилмаган бўлса, — қонун чиқариш ва ижро этиш фаолияти ўлкалар ихтиёрига берилади. Олий ўқув юртларида таълим бериш масалалари қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳасида қасбий мактаб таълиминга тааллуқли бўлмайди.

2. Қўйидаги масалалар юзасидан қонун чиқариш ва ижро этиш фаолияти Федерация ихтиёридадир:

а) олий қишлоқ хўжалик ўқув юртлари, ўрмон хўжалиги соҳасидаги олий ўқув юртлари, шунингдек қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги қасб-хунар мактаблари ўқитувчиларини тайёрлаш ва малакасини ошириш учун ўқув юртлари;

б) ўрмончилик иши бўйича мутахассисларни ўқитадиган махсус мактаблар;

в) қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги оммавий мактаблар; улар ўқув режаларида кўзда тутилган машғулотларни таъминлаш мақсадида ташкилий жиҳатдан «а» ва «б» бандларида кўрсатиб ўтилган оммавий мактаблар билан ёхуд қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги бирон-бир федерал гажриба ўқув юрти билан боғланган бўлади;

г) фақат ёки кўнроқ «а» — «в» бандларида санаб ўтилган мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган мактаб-интернатлар;

д) хизмат ҳуқуқи ва «а» — «г» бандларида санаб ўтилган муассасаларнинг ўқитувчилари ва тарбиячилари лавозимларини вақтинча бажариб туришни тартибга солувчи ҳуқуқ;

е) қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги черков мактаблари ходимларига ҳақ тўлаш учун дотациялар ажратиш;

ж) қишлоқ ва ўрмон хўжалигига тааллуқли федерал тажриба муассасалари, улар ўқув режаларида кўзда

түтилган машғулотларни таъминлаш мақсадида ташкилий жиҳатдан қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳасида Федерация ташкил этган бирон-бир мактаб билан боғланган бўладилар.

3. Агар бу 2-абзацда санаб ўтилган масалаларга таалуқли бўлмаса, у ҳолда Федерация ихтиёрида, қуйидаги масалалар юзасидан ижро этиш фаолияти ўлкалар ихтиёрида бўлади:

а) динни ўқитиш;

б) хизмат ҳуқуқи ва қишлоқ ҳамда ўрмон хўжалиги соҳасидаги оммавий касб-ҳунар ва маҳсус мактаблар ўқитувчилари лавозимларини, фақат ёки кўпроқ кўрсатиб ўтилган мактаблар ўқувчилари учун мўлжалланган оммавий мактаб-интернатлар тарбиячилари лавозимларини вақтинча бажариб туришни тартибга солувчи ҳуқуқлар; бироқ ўқитувчилар ва тарбиячиларнинг хизмат фаолиятига нисбатан юқори инстанция ҳисобланган органларнинг ваколатига доир масалалар бундан мустаснодир.

«б» бандининг йўл-йўриқларига мувофиқ чиқариладиган федерал қонунлар ўлкаларнинг қонун чиқариши ваколати учун аниқ кўрсатиб ўтилган айрим қоидаларга доир аниқлаштирувчи қарорлар чиқаришни топшириши мумкин; бунда тегишли равишда 15-модданинг 6-абзаци татбиқ этилади. Бундай федерал қонунларни ижро этиш тўғрисидаги қарорларни, — агар бу қонунларда бошқа нарсалар белгиланмаган бўлса, — Федерация чиқариши лозим.

4. Қонунларнинг умумий тамойилларини белгилаш Федерация ихтиёрида, қуйидаги масалалар юзасидан аниқлаштирувчи қонунлар чиқариш ва ижро этиш фаолияти эса ўлка ихтиёридадир:

а) қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги касб-ҳунар мактаблари тўғрисида: таълим масалаларини ҳам, мажбурий фанларни ҳам белгилаш масалалари юзасидан, бепул таълим, шунингдек, таълимнинг мажбурийлиги ва бир ўлка мактабидан бошқа ўлка мактабига ўтиш масалалари юзасидан;

б) қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги маҳсус мактаблар тўғрисида: қабул қилиш шартларини, таълим мақсадларини, уларнинг ташкилий шаклларини, машғулотлар ҳажми ва мажбурий фанларни аниқлаш, бепул таълим олиш ва бир ўлка мактабидан бошқа ўлка мактабига ўтиш масалалари юзасидан;

в) қишлоқ ва ўрмон ҳўжалиги соҳасидаги хусусий қасб-ҳунар ва маҳсус мактабларга ҳалқ ҳуқуқи қоидаларини татбиқ этиши масалалари юзасидан; 2-абзацинг «б» бандида кўрсатиб ўтилган мактаблар бундан мустаснодир;

г) 1-абзацда санаб ўтилган масалалар юзасидан ўлкаларга юкланган ижро этиш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ва кенгашларнинг ваколати тўғрисида.

5. Қишлоқ ва ўрмон ҳўжалиги соҳасида 2-абзацинг «в» ва «ж» бандларида санаб ўтилган маҳсус мактаблар ва тажриба ўқув юртларини ташкил этишга, агар маҳсус мактаб ёки тажриба ўқув юрти жойлашмоғи лозим бўлган ўлка ҳукумати уларни ташкил этишга розилик билдирган тақдирдагина йўл қўйилади. Агар қишлоқ ва ўрмон ҳўжалиги соҳасидаги маҳсус мактаб ўқув режаларида кўзда тутилган машғулотларни таъминлаш мақсадида қишлоқ ва ўрмон ҳўжалиги соҳасидаги мактаблар учун ўқитувчилар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун қандайдир бир идора билан ташкилий жиҳатдан боғланган бўлса, бундай маҳсус мактабларни ташкил этиш тўғрисида гап боргандга, бу хилдаги розилик талаб қилинмайди.

6. Федерация 3 ва 4-абзацларга мувофиқ ўлкаларнинг ижро этиш фаолиятига киритиладиган масалалар юзасидан ўзи қабул қиласан ўл-йўриқларга риоя қилинишини назорат этиш учун вакил қилинган.

7. 14-модданинг, 6, 7 ва 9-абзацларидағи йўл-йўриқлар 1-абзацинг биринчи ганида санаб ўтилган масалаларга нисбатан ҳам амал қиласади.

8. 4-абзацда кўрсатиб ўтилган масалалар юзасидан федерал қонунлар Миллий кенгаш томонидан аъзоларнинг ярмидан кўпроғи иштирокида ва берилган овозларнинг учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги билангина қабул қилинади.

15-модда¹. 1. Агар бирон-бир масала Федерал Конституцияга мувофиқ Федерациянинг қонун чиқарувчи ёки ижро этувчи фаолияти соҳасидаги ваколатига музайян тарзда киритилмаган бўлса, у ҳолда бу масала ўлкаларнинг ўз ваколати соҳасига киритилади.

2. Маҳаллий хавфсизлик полицияси ишлари юзаси-

¹ 1983 йил 175-сонли Қонун таҳририда.

дан, яъни жамоага кирувчи аҳоли бирлигининг мутлақ ёки кўпроқ маҳаллий манфаатларига тааллуқли бўлган ва маҳалий жамоа доирасидаги вазифалари мазкур жамоа кучлари билан таъмин этилиши мумкин бўлган хавфсизлик полицияси қисмнинг фаолияти юзасидан Федерацияга жамоалар ишининг юритилишини кузатиш ваколати юкланди ва камчиликлар аниқланган тақдирда Федерация ўлка губернаторига бу камчиликларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар беришга ҳақлидир (103-модда). Ана шу мақсадда Федерация жамоага инспекциялар юбориши мумкин; ўлка губернатори ҳар бир конкрет ҳолатда бундан хабардор қилиб қўйилиши лозим.

3. Театр ва кино масалалари, шунингдек, оммавий кўргазмалар, томошалар масалалари юзасидан ўлкалар чиқарадиган қонун тариқасидаги қондалар, agar улар ишлаб чиқариш-техникавий, қурилиш ва ёнғинга қарши масалаларга тааллуқли бўлмаса, федерал полиция органларига уларнинг маҳаллий ҳуқуқ доирасини ҳисобга олган ҳолда ҳеч бўлмаганда уларни ташкил этишини кузатиш юзасидан ваколатлар бериши, шунингдек ана шу қонунларда кўзда тутилган ваколатларни амалга оширишда биринчи инстанция ҳуқуқини бериши лозим.

4. Ижро этувчи фаолият федерал полиция органларига уларнинг йўл полициясига тааллуқли расмий ҳуқуқ доиралари соҳасида қай даражада топширилиши Федерация ва тегишли ўлканинг келишилган қонунлари билан тартибга солинади. Маҳаллий йўл полицияси (118-модданинг 3-абзаци, 4-банд) ва Дунай, Боден кўли, Ноизидлер кўли ҳамда бошқа чегара сув йўлларининг чегара ҳудудларидан ташқари ички сув йўлларидаги сув ва кема қатнови полицияси бундан мустасно-дир.

5. Федерацияга тегишли бўлган ва оммавий мақсаларга, чунончи, Федерация идоралари ва органларини ҳамда оммавий муассосларни — шу жумладан мактаблар ва касалхоналарни ҳам жойлаштириш — ёки ҳарбий хизматчиларни казармаларга жойлаштириш ёки Федерациянинг бошқа хизматчиларини жойлаштириш мақсадларига хизмат қиладиган бинолар қурилиши соҳасидаги ижро этиш ҳаракатлари бевосита федерал бошқарувга тааллуқли бўлмайди, бунда мазкур масалаларни ҳал қилишнинг охирги инстанцияси ўлка губернатори ҳисобланади. Бироқ бундай ҳолларда бино-

нинг беткай томони ва баландлигининг ташқи безатилишини аниқлаш ўлканинг ижро этувчи фаолияти соҳасига киради.

6. Федерация ихтиёрида фақат Федерал қонунда кўзда тутилган доира учун қонунчиликнинг умумий тамоийилларини белгилаш вазифасигина сақланиб қолиши муносабати билан уларни аниқлаштириш ўлка қонунчилиги томонидан амалга оширилади. Федерал қонун аниқлаштирувчи қонунларни чиқариш муддатини белгилаши мумкин, бу муддат Федерал кенгашнинг розилигисиз олти ойдан камроқ ва бир йилдан кўпроқ бўлиши мумкин эмас. Агар ўлка бу муддатга риоя қиласа, аниқлаштирувчи қонун чиқариш ваколати бу ўлкадан Федерацияга ўтади. Ўлка аниқлаштирувчи қонун қабул қилғандан кейин Федерациянинг аниқлаштирувчи қонуни ўз кучини йўқотади. Қонун чиқарувчи ҳокимият субъекти сифатидаги Федерация умумий тамоийилларини белгилаб бермаган ҳолларда ўлка қонунчилиги мазкур масалаларни бемалол тартибга солиши мумкин. Федерация умумий тамоийилларини белгилаб бергандан кейин ўлка қонунчилигининг қоидалари федерал қонун асосида белгиланган муддат ичидаги умумий тамоийилларни белгилаб берган қонунга мувофикаштирилмоғи лозим.

7. Агар ўлканинг ижро этувчи фаолияти жараёнида 11, 12-моддаларда ва 14-модданинг 2 ва 3-абзацларида, 14а-модданинг 3 ва 4-абзацларида кўрсатилган масалалар юзасидан қабул қилиниши лозим бўлган ҳужжат бир неча ўлкалар учун аҳамиятли бўлса, у ҳолда манфаатдор ўлкалар дастлаб ўз ҳаракатларини келишиб олишлари лозим. Агар масала пайдо бўлгандан кейин олти ой ичидаги келишувга эришилмаган бўлса, у ҳолда бундай ҳужжатни чиқариш ваколати ўлкалардан бирининг ёки бирон-бир манфаатдор томонининг таклифи билан ваколатли федерал министрлигига ўтади. Анча батасифилроқ қоидалар 11, 12-моддаларга, 14-модданинг 2 ва 3-абзацларига, 14а-модданинг 3 ва 4-абзацларига мувофиқ, федерал қонунлар билан тартибга солиниши мумкин.

8. 11 ва 12-моддаларга мувофиқ Федерация қонунларига тааллуқли масалалар юзасидан Федерация ўзи чиқарган фармойишларга риоя этилишини назорат қилиши амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

9. Ўлкалар қонун чиқариш фаолиятини амалга оши-

риш соҳасига тегишли масалаларни тартибга солиш учун зарур қондалар ҳам қабул қилишга ҳақлидирлар.

10. Ўлкалар ичида мавжуд бўлган умумдавлат бошқаруви органлари тузилишига ўзгаришлар киритадиган ёки унга доир янги тартибларни ўз ичига оладиган ўлкалар қонунлари фақат Федерал ҳукумат розилиги билан эълон қилиниши мумкин.

15а-модда. 1. Федерация ва ўлкалар ўз ваколати масалаларига доир ўзаро битимлар тузилишлари мумкин. Бундай битимлар тузиш Федерация номидан уларнинг мавзуига қараб, Федерал ҳукуматга ёки федерал министрларга юкланади. Федерал қонун чиқарувчи ҳокимият органлари учун мажбурий бўлган битимлар фақат Федерал ҳукумат томонидан тузилиши мумкин ва бунда Миллӣ кенгашининг розилиги бўлиши керак, шу билан бирга Миллӣ кенгашининг бундай қарорларнига тегишли равишда 50-модданинг 3-абзацидаги йўл-йўриклир татбиқ этилади; улар Федерал қонунлар Бюллетенида эълон қилиниши, лозим.

2. Ўлкаларнинг ўзаро битимлари фақат уларнинг ўз ваколатига тааллуқли масалаларга тегишли бўлиши ва зудлик билан Федерал ҳукуматга маълум қилиниши лозим.

3. 1-абзацда назарда тутилган битимларга шартномавий ҳуқуқнинг халқаро-ҳуқуқий тамойиллари татбиқ этилади. Бу қоида 2-абзацда кўрсатилган битимларга ҳам тааллуқlidir, чунки манфаатдор ўлкаларнинг шунга ўхшашиб конституцион қонунларида бошқа нарсалар кўзда тутилмаган.

16-модда. 1. Ўлкалар ўз ваколатлари доирасига кирадиган давлат шартномаларини бажариш учун зарур бўладиган чора-тадбирлар кўришлари шарт; агар ўлкалар бу вазифани ўз вақтида бажармасалар, бунрай чора-тадбирлар белгилаш ваколати, хусусан зарур қонунлар чиқариш ҳам Федерация зинмасига ўтади. Ўлкалар томонидан зарур чора-тадбирлар белгилангандан кейин мазкур қондага мувофик, Федерация томонидан кўрилган чора-тадбирлар, хусусан шу муносабат билан чиқарилган қонун ёки қарор ўз кучини йўқотади.

2. Шунингдек, хорижий давлатлар билан тузилган шартномаларни бажаришда Федерация ўлкаларнинг ўз ваколати доирасига кирадиган масалалар юзасидан

ҳам назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Бу билан бирга Федерация тўғридан-тўғри федерал бошқарувга доир масалалар юзасидан қандай ҳуқуқларга эга бўлса, ўлкаларга нисбатан ҳам шундай ҳуқуқларга эга бўлади (102-модда).

17-модда. Конун чиқариш ва ижро этиши фаолияти соҳасидаги ваколатлар ҳақида 10—15-моддаларда мавжуд бўлган қондалар хусусий ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатидаги Федерация қондаларига асло тааллуқли эмас.

18-модда. 1. Бутун давлат бошқаруви фақат қонулар асосида амалга оширилиши мумкин.

2. Ҳар бир бошқарув органи қонунлар асосида ва ўз ваколати соҳаси доирасида қарорлар қабул қила олади.

3. Агар жамият учун очиқдан-очиқ ва тузатиб бўлмайдиган зарарнинг олдини олиш мақсадида Конституцияга мувофиқ Миллий кенгашнинг шошилинч қарор қабул қилиши — кенгаш мажлис ўtkазётган, ўз вақтида тўплана олмайдиган ёки унинг фаолиятини амалга оширишга енгиб бўлмайдиган бир куч тўскенилик қилаётган даврда, — зарур бўлиб қолса, у ҳолда Федерал Президент Федерал ҳукуматнинг таклифи бўйича бу чораларни кўришни ўзининг ва Федерал ҳукуматнинг жавобгарлигига олиши, бунинг учун қонунни ўзгартирувчи муваққат қарорлар қабул қилиши мумкин. Федерал ҳукумат Миллий кенгашнинг Бош қўмитаси ташкил этадиган доимий кичик қўмита билан келишган ҳолда ўз таклифини киритади (55-модданинг 2-абзаци). Бундай қарорнинг Федерал ҳукумат томонидан тасдиқланishi талаб этилади.

4. 3-абзацга мувофиқ қабул қилинган ҳар бир қарор Федерал ҳукумат томонидан дарҳол Миллий кенгашга тақдим этилиши лозим, Миллий кенгашни, агар бу нарса сессиядан ташқари вақтда рўй бераётган бўлса, Федерал президент чиқариши, сессия вақтида эса — тақдим этилгандан кейинги саккиз кундан бирида Миллий кенгаш Президенти томонидан чиқарилиши лозим¹. Қарор тақдим этилгандан кейин тўрт ҳафта давомида Миллий кенгаш қарор ўрнига тегишли федерал қонун қабул қи-

¹ Мазкур ҳолда қабул қилинган фармойишлар тўғрисида Федерал ҳукумат амалга оширган тақдимот назарда тутилади. (Тузувчилик изоҳи).

лиши ёки ўз қарори билан Федерал ҳукуматтннг қарорини деярли бекор қилишни талаб этиши шарт. Үшбу сүнгги ҳолда Федерал ҳукумат бу талабни дархол ба-жариши зарур. Миллий кенгашннг ўз вақтида қарор қабул қилиши учун унинг Президенти кўрсатиб ўтилган тўрт ҳафтаиниг охиридан бир кун олингни кундан кечикмай тақдимин овоз беришга қўйинши лозим, анча ба-тафсилоқ қондаларни регламент белгилайди. Агар қарор Федерал ҳукумат томонидан юқорида назарда ту-тилган тартибда бекор қилинадиган бўлса, у ҳолда уни бекор қилиш ҳақидаги қарор кучга кирган куни ўша қарор билан қарор қилинган қонунчилик қондалари яна кучга киради.

5. 3-абзацда кўрсатиб ўтилган қарорлар Федерал конституцион қонунларга ўзгаришлар киритиши ёки Фе-дерация, ўлкалар, районлар ва жамоалар учун қандай-дир доимий молиявий солиқ ёки Федерация фуқаролари учун молиявий мажбуриятлар белгилаши, шунингдек, давлат мулкининг бегоналаштирилишини, 10-модданинг 11-бандида кўрсатиб ўтилган чора-тадбирларни амалга оширишини назарда тутиши, коалицио ҳуқуқ ёки квар-тирани ижарага олувчилар манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларини қўзғаши мумкин эмас.

19-модда. 1. Ижро этувчи ҳокимияттннг юқори ор-гани Федерал президент, федерал министр ва давлат котиблари, шунингдек ўлкалар ҳукуматлариниг аъзо-ларидир.

2. 1-абзацда санаб ўтилган шахсларннг ва хусусий хўжаликдаги ҳалқ муассасалариниг бошқа мансабдор шахслариниг фаолияти Федерал қонун билан чеклани-ши мумкин.

20-модда. 1. Бошқарув Федерация ва ўлкаларннг юқори органлари раҳбарлигидаги муайян муддатга сай-ланган қонунчилик қондаларига мувофиқ ёки тайин-ланган ваколатли органлар томонидан амалга ошири-лади. Бу органлар агар конституцион қонунда бошқа нарсалар кўрсатилмаган бўлса, юқори органларннг кўрсатмалари билан боғлиқ бўлиб, ўзларининг хизмат фаолиятлари учун улар олдида жавобгардирлар. Агар кўрсатмани ваколатсиз орган берган бўлса ёки уни ба-жариш жиноий қонунлар кўрсатмаларига зид келса, у ҳолда бўйсунувчи орган бу кўрсатмани бажаришдан бош тортиши мумкин.

2. Агар масалаларни ҳал қилиш учун федерал қонун ёки үлка қонуни асосида юқори инстанция сифатида коллегиал орган тузилиб, унинг қарорлари бекор қилинмайдиган ёки бошқарув тарзида ўзгартирilmайдиган бўлса ва унинг таркибига кам деганда битта судъя кирса, у ҳолда мазкур органнинг қолган барча аъзолари ҳам ўз мажбуриятларини бажариш чоғида ҳеч қандай кўрсатмалар билан боғланмаган бўладилар.

3. Федерал, үлка ва жамоа бошқаруви вазифалари юклangan барча органлар, агар қонунда бошқа нарсалар белгиланмаган бўлса, улар фақат хизмат фаолияти билан боғлиқ бўлган, ҳудудий бирликлар ёки партиялар манфаатлари йўлида сир сақлаш зарур бўлган барча далилларни сир сақлашлари шарт (хизмат сири). Хизмат сирини сақлаш мансабдор шахслар учун уларни тайинлаган умумий вакиллик органига иисбатан, агар бу орган шундай маълумотларни талаб қилгудек бўлса, мажбурий деб эътироф этилмайди.

21-модда¹. 1. Хизмат ҳуқуқи ва үлкалар, жамоалар иттифоқлари хизмат органларидағи мансабдор хизматчилар вазифасини вақтинча бажариб туришни тартибга солувчи ҳуқуқ масалаларига доир қонунчилик ва ижро этувчи фаолият, агар бу барча масалалар юзасидан 2-абзацда ва 14-модданинг 2 ва 3-абзацлари, 2-бандида бошқа нарсалар белгиланмаган бўлса, үлкалар ихтиёрига тааллуқли бўлади. Хизмат ҳуқуқи масалалари юзасидан үлкалар қабул қиласидиган қонунлар ва қарорлар хизмат ҳуқуқини тартибга соладиган Федерация қонунлари ва қарорларидан 4-абзацда назарда тутилган хизмат жойини алмаштириш жиддий халақит берадиган даражада фарқ қилиши мумкин эмас.

2. Хизматчиларниң шартномавий муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш соҳасида 1-абзацга мувофиқ қабул қилинадиган үлка қонунлари фақат хизмат муносабатларининг вужудга келиши ва тўхталишига, шунингдек, улардан келиб чиқадиган ҳуқуқлар ва мажбуриятларгагина тааллуқли бўлиши мумкин. Ёлланиб ишлайдиган хизматчиларниң ҳуқуқларини ҳимоя қилиши соҳасидаги қонун чиқариш ва ижро этиш ҳокимияти ҳамда корхоналарнинг ходимлари ҳисобланмайдиган үлка хизматчилари лавозимларини вақтинча ба-

¹ 1981 йилда чиқарилган 350-сон Буйруқ таҳририда.

жарип туриш соҳасидаги ижро этиш ҳокимияти ўлкаларга тааллуқлидир. Агар ана шу абзацга мувофиқ ўлка-каларнинг ваколати кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда кўрсатиб ўтилган масалалар Федерация ваколатига тааллуқли бўлади.

3. Федерация хизматчиларига нисбатан юқори инстанция — ўлкаларнинг юқори органлариdir. Ҳисоб палатасининг хизматчилариға нисбатан юқори федерал инстанция ҳисоб палатасининг раиси ҳисобланади.

4. Халқ муассасаларининг хизматчилари Федерация, ўлкалар, жамоалар ва жамоа иттифоқлари органларидаги хизмат жойини исталган вақтда ўзгартириш имконияти билан таъминланадилар. Хизмат жойини ўзгартиши тегишли органлардаги хизмат фаолиятига юқори раҳбарлик амалга оширувчи инстанциянинг розилиги билан ўтказнлади. Федерал қонун асосида хизматчилар учун иш жойини ўзгартиши осонлаштирувчи маҳсус муассасалар ташкил этилиши мумкин.

5. Хизмат унвонлари Федерация, ўлкалар, жамоалар ва жамоа иттифоқлари органларининг хизматчилари учун федерал қонун билан бир хилда белгиланади. Хизмат унвонлари қонун билан муҳофаза қилинади.

22-модда. Федерация, ўлкалар ва жамоаларнинг барча органлари ўзлари учун қонунда белгиланган ваколат соҳаси доирасида бир-бирларига ёрдам кўрсатишлари шарт.

23-модда. 1. Федерация, ўлкалар, районлар, жамоалар ва бошқа бирлашмалар, шунингдек, халқ ҳуқуқи муассасалари қонунларни бажариш вақтида уларнинг вакиллари сифатида ҳаракат қилган ва ҳуқуққа зид хулқ-атворда бўлган шахслар томонидан етказилган зарар учун жавобгар бўладилар.

2. 1-абзацда санаб ўтилган ҳуқуқ субъектларидан бирининг вакиллари сифатида ҳаракат қилувчи шахслар, агар уларга ғаразгўйлик ёки қўпол эҳтиётсизлик қилганингда айб қўйилса, ҳуқуқ субъекти томонидан келтирилган зарарлар учун у жабрланган кишининг зарари ўринини қонлани учун жавобгар бўлади.

3. 1-абзацда санаб ўтилган ҳуқуқ субъектларидан бирининг вакиллари сифатида ҳаракат қилувчи шахслар қонунларни бажариш вақтида ўзларининг ҳуқуққа зид хулқ-атвори натижасида бевосита унинг томонидан ҳу-

қүқ субъектига етказылған заарар учун жавобгар бұла-
дилар.

4. 1—3-абзацлардаги йўл-йўриқлар тааллуқли бўлган
янада батафсилоқ қоидалар федерал қонун билан бел-
гиланади.

5. Федерал қонун 1—3-абзацларда кўрсатиб ўтилган
тамойиллардан четга чиқиб, почта, телеграф ва теле-
фон алоқаси соҳасида амал қилувчи маҳсус қоидалар-
ни ҳам белгилаши мумкин.

И К К И Н Ч И Б Ұ Л И М

ФЕДЕРАЦИЯНИНГ ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ҲОКИМИЯТИ

А. МИЛЛИЙ КЕНГАШ

24-модда. Федерациянинг қонун чиқарувчи ҳокими-
яти Федерал кенгаш билан биргаликда амалга ошири-
лади.

25-модда. 1. Миллий кенгашнинг турадиган жойи-
Федерация пойтахти — Вена ҳисобланади.

2. Фавқулодда ҳолатлар даврида федерал президент
федерал ҳукумат тақдимига мувофиқ Миллий кенгаш-
ни Федерация ҳудудидаги бошқа жойда чақириши мум-
кин.

26-модда¹. 1. Миллий кенгаш Федерация халқи то-
монидан пропорционал вакиллик тамойилларига муво-
фиқ рawiшда, тенг ва тўғридан-тўғри бажариладиган
сайлов ҳуқуқи асосида, сайлов компанияси бошланиши
вақтига келиб 19 ёшга тўлган эркак ва аёл жинсига
мансуб бўлган шахслар томонидан яширин овоз беринш
йўли билан шахсан сайланади. Сайловларда қатнашиш
мажбурияти Федерациянинг ўлка қонунларида кўрса-
тилган ўлкаларида мавжуд бўлади. Федерал қонун сай-
ловларни ўтказиш тартиби хусусидаги батафсилоқ қо-
идаларни ва сайловларда қатнашишнинг умумий маж-
буриятини белгилаб беради. Мазкур федерал қонунда,
хусусан, сайловларда қатнашиш мажбуриятидан ташқа-

¹ 1979 йилнинг 22 февралида чиқарилган 134-сонли Федерал
конституциявий қонун таҳририда.

ри уларда қатнашмасликни оқловчи асослар ҳам белгиланиши лозим.

2. Федерациянинг худуди алоҳида-алоҳида сайлов округларига бўлинади, уларнинг чегаралари ўлка доирасидан ташқарига чиқиши мумкин эмас. Сайлов округи (сайлов бирлиги) сайловчиларидан сайланадиган, депутатлар сони сайлов округлари фуқароларининг сонига, яъни Федерациянинг охирги аҳоли рўйхати якунлари бўйича мазкур сайлов округларида доимий равишда истиқомат қиласидиган фуқаролар сонига мутаносиб равишда тақсимланиши лозим. Сайловчиларни бошқа сайлов бирликлари бўйича тақсимлашга йўл қўйилмайди.

3. Сайлов куни якшанба кунига ёки бошқа умумий дам олиш қўйига тўғри келиши лозим.

4. Сайлов ҳуқуқига эга бўлган ва сайлов кампанияси бошланиши вақтига келиб 21 ёшга тўладиган ҳар бир киши сайланиши мумкин.

5. Фақат суд ҳукми ёки фармойиши асосидагина сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниш мумкин.

6. Миллий кенгашни, Федерал президентни, сайлов раҳбариятини сайлашни ва 46-моддага мувофиқ халқнинг овоз беришини ўтказиш учун, шунингдек, халқнинг ташаббуси тарзида илгари сурилган таклифларни амалга ошириш учун сайлов комиссиялари таъсис этилиши лозим, уларга тўла ҳуқуқли аъзолар сифатида сайлов кампаниясида иштирок эттаётган партияларниг вакиллари кириши, Марказий сайлов комиссиясига эса, бундан ташқари, судьялар корпуси мансуб ёки илгари мансуб бўлган аъзолар ҳам кириши лозим. Сайловлар тўғрисидаги низомда белгиланган мазкур комиссиялар аъзоларининг сони, ҳакамлар корпуси аъзоларини ҳисобламаганда, сайлов кампаниясида иштирок эттаётган партиялар ўртасида улар Миллий кенгашга бўлган охирги сайловларда олинган мандатлар миқдорига мувофиқ тақсимланиши лозим.

7. Сайловчиларниг рўйхатлари жамоалар томонидан уларга берилган ваколат доирасида тузилади.

27-модда. 1. Миллий кенгаш ваколатлари муддати уининг биринчи чақирилиш кунидан бошлаб тўрт йилни ташкил этади, бироқ ҳар қандай ҳолатда янги Миллий кенгашни чақириш кунигача давом этади.

2. Янги сайланган Миллий кенгаш Федерал президент томонидан кечи билан сайловдан кейин 30 кун ичиде чақирилиши лозим, федерал ҳукумат сайловни шундай ташкил этиши керакки, токи янги сайланган Миллий кенгаш олдинги чақириқ Миллий кенгашнинг тўрт йиллик ваколати муддати тамом бўлган куннинг эртасига тўплана олсин.

28-модда¹. 1. Федерал Президент Миллий кенгашни ҳар йили битта навбатдаги сессияга чақиради, сессия 15 сентябрдан олдин бошланмаслиги ва кейинги йилнинг кечи билан 15 июляда тугаши лозим.

2. Федерал президент миллий кенгашни, шунинdek, навбатдан ташқари сессияга ҳам чақириши мумкин. Федерал ҳукуматнинг ёки Миллий кенгаш ёхуд Федерал кенгаш аъзоларининг қамида учдан бирининг талаби билан Федерал президент Миллий кенгашни Федерал президентга келиб тушган талаблардан кейин кечи билан икки ҳафта ичиде навбатдан ташқари сессиясига чақириши шарт; бу чақириш бирон-бир ижозат беришни талаб қилмайди. Миллий кенгаш аъзоларининг ёки Федерал кенгашнинг таклифи билан навбатдан ташқари сессияни чақириш учун Федерал ҳукуматнинг таклифи бўлиши талаб қилинмайди.

3. Федерал Президент Миллий кенгаш чиқарган қарор асосида Миллий кенгаш сессиясининг ёпилганлигини эълон қиласди.

4. Миллий кенгашнинг янги сессиясини айни ўша ваколатлар муддати мобайнида очища унинг иши олдинги сессиянинг иши тамом бўлган босқичдан бошланди. Сессия ёпилгандан сўнг Миллий кенгаш айрим қўмиталарга иши давом эттиришини топшириши мумкин.

5. Сессиянинг бориши жараёнида Миллий кенгашнинг мажлислари Президент томонидан чақирилади. Агар сессиянинг боришида Миллий кенгаш аъзоларининг энг кам дегаңда чорак қисми ёки Федерал ҳукумат мажлис чақиришни талаб қиласидиган бўлса, у ҳолда Миллий кенгаш Президенти мажлисни чақириш тўғрисида Миллий Кенгаш Президентига ариза берилгандан сўнг беш кун муддатдан кечиктирмай уни чақириши шарт.

¹ 1982 йил 29 июндаги 354-сонли Федерал Конституцион қонун таҳтирида.

6. Миллый кенгашнинг регламенти тўғрисидаги Федерал қонун Миллый Кенгашнинг сайланган Президентларига уларнинг вазифаларни бажаришда ҳалақит берадиган шарт-шароитлар мавжуд бўлганда ёки президентлар лавозимлари бўш бўлган вақтда Миллый кенгашни чақириш хусусида маҳсус нормалар белгилаб бериши лозим.

29-модда. 1. Федерал президент Миллый кенгашни тарқатиб юбориши мумкин, бироқ айни сабабга кўра бу хақда фақат бир марта фармойиш бериши мумкин. Бундай ҳолда янги сайловлар Федерал ҳукумат томонидан шундай тарзда ташкил этилиши лозимки, токи янги сайланган Миллый кенгаш аввалгиси тарқатиб юборилгандан кейин юзинчи кундан кечиктирамай тўплана олсин.

2. Миллый кенгаш одатдаги қонун асосида ваколатлари муддати тамом бўлишига қадар ўзининг тарқатиб юборилгани ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

3. Миллый кенгаш 2-абзацга мувофиқ тарқатиб юборилгач, шунингдек, ўзи сайланган муддат тамом бўлгандан кейин ҳам унинг ваколатлари муддати янги сайланган Миллый кенгаш чақириладиган кунга қадар давом этаверади.

30-модда. 1. Миллый кенгаш ўз аъзолари ичидан Президентни, иикинчи ва учинчи Президентларни сайлайди.

2. Миллый кенгашнинг иши маҳсус Федерал қонун асосида олиб борилади. Миллый кенгашнинг регламенти ҳақидаги Федерал қонун кенгаш аъзоларининг камидаги ярми иштирок этган ва уларнинг учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги овоз берган ҳолдагина қабул қилиниши мумкин.

3. Ёрдамчи парламент хизматини ташкил этиш ва Федерациянинг қонун чиқарувчи органлари фаолияти соҳасидаги ишларни бошқариш учун Миллый кенгаш Президентига бўйсунувчи Парламент дирекцияси ташкил этилади, Парламент дирекциясининг Федерал кенгашга нисбатан ички тузилиши Федерал кенгаш Раиси билан келишилган ҳолда тартибга солиниши лозимки, у ушбу Қонунга кўра Федерал кенгашга юклangan вазифаларни бажариш билан бир қаторда, кўрсатмалар бериш ҳуқуқига ҳам эгадир.

4. Миллий кенгаш Президенти, хусусан, Парламент дирекциясининг хизматчиларини ҳам тайинлайди ва мазкур персоналнинг хизматни ўташига доир бошқа барча ваколатларни ҳам амалга оширади.

5. Миллий кенгаш Президенти парламент вазифаларини бажариш мақсадида парламент клублари ихтиёрига улар учун зарур хизмат ёрдами кўрсатиш мақсадида парламент дирекцияси хизматчиларидан ажратиши мумкин.

6. Мазкур қоидага кўра Миллий кенгаш Президентига тааллуқли бўлган ташкилий вазифаларни бажариш вақтида миллий кенгаш фармойиш берувчи юқори орган ҳисобланади ва бу ваколатларни бир ўзи амалга оширади. Миллий кенгаш Президенти мазкур модда билан тартибга солинадиган фавқулодда ташкилий масалаларга доир қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эгадир.

31-модда. Миллий кенгашнинг қарор қабул қилиши учун, агар ушбу қонунида ёки айрим масалалар хусусида Федерал қонун томонидан Миллий Кенгашнинг регламенти тўғрисида бошқа масалалар белгиланмаган бўлса, кенгаш аъзоларининг камидаги учдан бир қисми иштирок этиши ва берилган овозларнинг оддий кўпчилиги талаб қилинади.

32-модда. 1. Миллий кенгаш мажлислари очиқ ўтказилади.

2. Агар раислик қилувчи ёки кенгашда иштирок этаётганларнинг бешдан бир қисми бегоналарни чиқариб юбориш талабини илгари сурган бўлса ва Миллий кенгаш бу ҳақда қарор қабул қилса, ошкоралик истисна қилинади.

33-модда. Миллий кенгаш ва унинг қўмиталари олиб борган очиқ мажлисларда кўрилган мұҳокамалар ҳақидаги хабарларнинг ҳақиқатга қанчалик яқинлиги учун ҳеч ким ҳеч қандай жавобгарликка тортилмайди.

Б. ФЕДАРАЛ КЕНГАШ

34-модда. 1. Ўлкалар ўз фуқароларининг сонига мутаносиб равишида Федерал кенгашда қуйидаги қоидаларга мувофиқ ўз вакилларига эга бўладилар.

2. Фуқаролари сони энг кўп бўлган ўлкалар ўн ик

кита аъзо таклиф қиласилар, бошқа ҳар бир ўлка — бу сондан шундай қисмини таклиф қиласиди, у мазкур ўлканинг фуқаролари сонига ва фуқароларнинг кўрсашиб ўтилган сонига мутаносиб нисбатда бўлиши керак, бунда норманинг ярмидан кўпроғини ташкил этувчи қолдиқ миқдор бутун норма деб ҳисобланади. Бироқ, ҳар бир ўлка уч нафардан кам бўлмаган вакилларини тавсия қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундай аъзонинг ҳар бири учун захири вакил тайинланади.

3. Қайд этилган ҳисобга кўра ҳар бир ўлкадан кўрсатиладиган аъзолар сопи ялни аҳоли рўйхати ўтказилгандан кейин Федерал президент томонидан белгиланади.

35-модда. 1. Федерал кенгаш аъзолари ва уларнинг ўринbosарлари Ландтаглар томонидан мутаносиб вакиллик тамоили асосида ўз ваколатлари муддатига сайланади, бироқ камида битта мандат Ландтагдаги депутатлари сони бўйича иккинчи ўринда турган партияга берилиши лозим, башарти бир неча партиялар бир хил миқордаги депутатларга эга бўлса, у ҳолда мандат охирги марта Ландтагга бўлган сайловда сайловчилар берган овозлар бўйича иккинчи ўринга эга бўлган партияга берилиши керак. Бир неча партия бир хил мавқеда бўлиб қолган тақдирда эса, масала қуръа ташлаш йўли билан ҳал этилади.

2. Федерал кенгаш аъзолари ўзларини вакил қилиб юборган Ландтаг таркибига кирмасликлари лозим, лекин улар мазкур Ландтагга сайланиш ҳуқуқига эга бўлишлари керак.

3. Ландтагнинг ваколатлари муддати ўтиб бўлгандан кейин ёки у тарқатиб юборилгандан сўнг уни вакил қилиб юборган Федерал кенгаш аъзолари то янги Ландтаг Федерал кенгашга сайлов ўтказмагунча ўз бурчларини сақлаб қоладилар.

4. 34 ва 35-моддаларнинг қондалари фақат қўйидағи ҳолда ўзгартирилиши мумкин: агар бу ўзгариш Федерал кенгашда камида тўртта ўлка вакилларининг кўпчилиги томонидан қабул қилинган бўлса; бундан ташқари, Федерал кенгаш қарорларини қабул қилиш учун, одатда талаб этилдиган овозларнинг кўпчилиги ҳам мавжуд бўлиши лозим.

36-модда. 1. Федерал кенгаида раислик қилувчи-

унинг ўрнини турли ўлкалариниг вакиллари навбат билан эгалладилар, улар ўлкалар номининг алифбо тартибига кўра ҳар ярим йилда алмашиниб турадилар.

2. Ҳар бир ўлкадан кенгашга биринчи бўлиб сайланган унинг вакили раислик қилади; ўринбосарларини тайинлаш тартиби федерал кенгаш регламенти билан тартибига солинади.

3. Федерал кенгаш ўз Раиси томонидан Миллий кенгаш турган жойда ўтказиладиган мажлисга чақирилади. Федерал кенгаш чақиришини унинг аъзоларидан камида чорак қисми ёки Федерал ҳукумат талаб қилган тақдирда Раис Федерал кенгаш чақириши шарт.

37-модда. 1. Федерал кенгашининг қарор қабул қилиши учун, агар ушбу Қонунда бошқа нарсалар белгиланмаган бўлса, овоз беришда аъзоларининг камида учдан бир қисми иштирок этиши ва берилган овозлар оддий кўпчиликни ташкил қилиши талаб этилади.

2. Федерал кенгаш ўз қарори билан регламентни тасдиқлайди. Мазкур қарор кенгаш аъзоларининг ярми иштирок этган тақдирдагина ва берилган овозлар умумий миқдорнинг учдан икки қисмидан кам бўлмагандагина қабул қилиниши мумкин.

3. Федерал кенгаш мажлислари очиқ равишда ўтказилади. Бироқ регламент қоидаларига мувофиқ равишда қабул қилинган қарор асосида ошкоралик истиносо қилиниши мумкин. З-модданинг қоидалари Федерал кенгаш ва унинг қўмиталари олиб борадиган очиқ мажлисларига нисбатан ҳам амал қилинади.

В. ФЕДАРАЛ МАЖЛИС.

38-модда. Федерал мажлисни ташкил этувчи Миллий кенгаш ва Федерал кенгаш томонидан Федерал президентни қасамёд қилишга олиб келиши учун, шунингдек, уруш эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун Миллий кенгаш турган жойда очиқ қўшма мажлис чақирилади.

39-модда. 1. Федерал мажлис 60-модданинг 6-абзацида, 63-модданинг 2-абзацида, 64-модданинг 4-абзацида ва 68-модданинг 2-абзацида назарда тутилган ҳоллардан ташқари вазиятларда Федерал Президент томонидан чақирилади. Миллий кенгаш Президенти ва

Федерал кенгаш Раңси навбат билан раислик қиладилар, раислик қилиш Федерал кенгаш Раисидан бошланади.

2. Федерал мажлисда Миллий кенгашнинг тегишли регламенти татбиқ этилади.

3. 33-модданинг қоидалари Федерал мажлис йиғилишларига нисбатан ҳам амал қилади.

40-модда. 1. Федерал мажлис қарорлари унинг Раңси томонидан тасдиқланади ва Федерал канцлер имзо-си билан мустаҳкамланади.

2. Федерал мажлиснинг уруш эълон қилиш ҳақида-ги қарорлари Федерал канцлер томонидан расмий ра-вишда овоза қилиниши лозим.

Г. ФЕДЕРАЛ ҚОНУН ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИ

41-модда¹. 1. Қонун лойиҳалари Миллий кенгашга унинг аъзолари таклифлари бўйича ёки Федерал ҳуку-матнинг тақдим қилиши асосида киритилади. Федерал кенгаш қонунлар чиқаришга доир таклифларни Феде-рал ҳукумат орқали Миллий кенгашга киритади.

2. Овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 100.000 фуқаро-дан тушган ҳар бир таклиф ёки учта ўлканинг овоз бе-риш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларининг олтидан бир қисмидан тушган таклиф (халқ ташаббуси) Марказий сайлов комиссияси томонидан Миллий кенгаш муҳока-масига қўйилиши лозим. Халқ ташаббуси сифатида ил-гари суриладиган таклиф қонун лойиҳаси сифатида тақ-дим этилиши лозим.

42-модда. 1. Миллий кенгашнинг қонун чиқаришга доир ҳар бир қарори унинг Президенти томонидан Фе-дерал кенгашга дарҳол топширилиши лозим.

2. Қонун чиқаришга доир қарор, конституциявий қо-нуни томонидан бошқа нарса белгиланмаганлиги сабаб-ли, Федерал кенгаш бу қарорга қарши ҳеч қандай асос-ли эътиroz билдиrmagan тақdirдагина тасдиқланиши ва эълон қилиниши мумкин.

3. Бу эътиrozни Федерал кенгаш Раңси Федерал кенгашнинг қонун чиқаришга доир қарорини олгандан кейин саккиз ҳафта ичida ёзма равишда Миллий Кен-гашга топшириши лозим; бу эътиroz Федерал канцлер-га маълум қилиниши керак.

¹ 1981 йилги 350-сонли қонун таҳририда.

4. Агар миллий кенгаш ўзининг дастлабки қарорини камида аъзоларининг ярми иштирокида тасдиқласа, у ҳолда мазкур қарор тасдиқланиши ва эълон қилиниши лозим. Агар Федерал кенгаш қаршилик билдирилгаса ёки З-абзацда назарда тутилган муддат мобайнида асосли эътиroz тақдим этимаса, у ҳолда қонун чиқариш ҳақидаги қарор тасдиқланиши ва эълон қилиниши зарур.

5. Федерал кенгаш Миллий кенгашнинг регламенти тўғрисидаги Миллий кенгашни тарқатиб юбориш ҳақидаги, федерал смета лойиҳасини тасдиқлаш тўғрисидаги¹ бюджетнинг бажарилиш якуиларини маъқуллаш тўғрисидаги, Федерация қарзларининг якуни ёки уни конверсиялаш ҳақидаги ёхуд Федерациянинг мол-мулкни тасарруф этиш тўғрисидаги қонунларга таалуқли Миллий кенгаш қарорларига қарши эътиroz билдира олмайди. Миллий кенгашнинг қонун чиқаришга доир бу қарорлари дарҳол тасдиқланиши ва эълон қилиниши лозим.

43-модда. Миллий кенгаш қарорига кўра ёки унинг кўпчилик аъзолари талаби билан 42-моддада назарда тутилган жараён тамом бўлгандан кейин Миллий кенгашнинг қонун чиқаришга доир ҳар бир қарорига нисбатан, лекин уни Федерал Президент тасдиқлашидан олдин, халқнинг овоз бериши ўтказилиши мумкин.

44-модда. 1. Конституциявий қонунлар ёки одатдаги қонунларда мавжуд бўлган конституциявий қондалар Миллий кенгаш томонидан камида аъзоларининг ярми иштирок этган ва уларнинг учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги маъқуллаб овоз бергандагина қабул қилиниши мумкин; улар қонунлар ёки қондалар сифатида шундай аниқ белгиланиши («конституциявий қонун», «конституциявий қонда») лозим.

2. Бутун Федерал Конституцияни қайта кўриб чиқиши, агар буни Миллий кенгаш ёки федерал кенгаш аъзоларининг учдан бир қисми талаб қиласа, 42-моддада назарда тутилган жараён тамом бўлгандан кейин, лекин Федерал Президент томонидан тасдиқлангунга қадар, унга киритиладиган ҳар бир жузъий ўзгариш ҳам бутун Федерация халқиниң овоз беришига қўйилиши лозим.

¹ Федерал бюджет лойиҳасининг расмий номи. (Тузувчилар изоҳи).

45-модда. 1. Халқнинг овоз бериши ўтказилганда берилған ҳақиқий овозларнинг оддий күпчилиги билан қарор қабул қилинади.

2. Халқнинг овоз бериши якунлари расман эълон қилиниши лозим.

46-модда. 1. Халқ ташаббусини амалга ошириш ва халқнинг овоз беришини ўтказиш федерал қонун билан тартибга солинади.

2. Федерациянинг Миллий кенгаш сайловида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқароси овоз бериш ҳуқуқига эгадир.

3. Халқнинг овоз беришини ўтказиш тўғрисида Федерал президент фармойиш беради.

47-модда¹. 1. Федерал қонунлар Федерал президент томонидан тасдиқлангандан кейин ўзининг конституциявий мақомига эга бўлади.

2. Қонунни тасдиқлаш учун тақдим этиш Федерал канцлер томонидан амалга оширилади.

3. Тасдиқлаш далолатномаси Федерал канцлер имзоси билан мустаҳкамланиши лозим.

48-модда. Федерал қонунлар ва 50-моддада кўрсатилган давлат шартномалари Миллий кенгаш қарорига таянган ҳолда, халқнинг овоз бериши асосида қабул қилинган федерал қонунлар эса — халқнинг овоз бериши натижаларига таянган ҳолда эълон қилинади.

49- модда. 1. Федерал қонунлар ва 50-моддада кўрсатилган давлат шартномалари Федерал канцлер томонидан Федерал қонунлар бюллетенида эълон қилиниши лозим. Улар, агар бошқа нарса аниқ белгиланмаган бўлса, нашр этилган кун ўтгандан кейин ва уларни ўз ичига олган Федерал қонунлар бюллетени сони тарқатилгач, мажбурий кучга киради ва, агар бошқа нарса аниқ белгиланмаган бўлса, Федерациянинг бутун ҳудудида амал қиласи; бироқ бу қоида қонунларни нашр этиш асосида ижро этилиши лозим бўлган давлат шартномаларига татбиқ этилмайди (50-модданинг 2-абзаци).

2. Давлат шартномаларининг маъқулланиши муносабати билан 50-моддага мувофиқ Миллий кенгаш дав-

¹ 1981 йилги 350-сонли Қонун таҳририда,

лат шартномаси ёки давлат шартномасининг аниқ кўрсатиб ўтилган айрим қисмларининг Федерал қонунлар бюллетенида эмас, балки бошқача усулда эълон қилиниши кераклиги ҳақида қарор қабул қилиши мумкин. Миллий кенгашнинг мазкур қарорида давлат шартномаси амал қиласидиган бутун муддат давомида қулайлигини таъминловчи эълон қилиш шакли кўрсатилиши ва бу қарор Федерал канцлер томонидан Федерал қонунлар бюллетенида эълон қилиниши лозим. Бундай давлат шартномалари, агар бониқа нарсалар аниқ белгиланмаган бўлса, нашр этилган кун ўтгандан ва Миллий кенгаш қарорини ўз ичига олган Федерал қонунлар бюллетени сони тарқатилгандан кейин кучга киради, агар бошқа нарсалар аниқ белгиланмаган бўлса, у Федерациининг бутун ҳудудида амал қиласиди.

3. Федерал қонунлар Бюллетени хусусида маҳсус ⁴ федерал қонун чиқарилади.

49а-модда¹. 1. Федерал канцлер ваколатли Федерал министрлар билан биргаликда Федерал қонунларни Федерал қонунлар бюллетенида мажбурий кучга эга бўлган амалдаги таҳрирда қайта эълон қилишни йўлга қўйишга ҳақлидир.

2. Қайта эълон қилиш муносабати билан қўйидагилар амалга оширилиши мумкин:

1) эскириб қолган атамаларни тузатиш ва эски имло ёзувини янги имло ёзуви билан алмаштириш;

2) агар бошқа ҳуқуқий кўрсатмаларни далил қилиш қонунчилик ҳолатига энди тўғри келмай қолган бўлса, бу далилларни аниқлаш, шунингдек, бошқа ноаниқликларни бартараф этиш;

3) кейинроқ қабул қилинган ҳуқуқий кўрсатмалар билан алмаштирилганлиги сабабли энди амал қилмай қўйган қоидаларни ёки бошқа сабабларга кўра асоссиз бўлиб қолганлиги муносабати билан уларниг энди амал қилмай қўйганлигини кўрсатиш;

4) қисқартирилган номларни ва номларнинг ҳарфий қисқаришларини кўрсатиш;

5) айрим қоидаларнинг бекор қилиниши ёки янгилирининг киритилиши муносабати билан моддалар, параграфлар, абзацлар ва ўзга рақамларнинг тегишли равиша ўзгариши, шунингдек, ана шу қоидалардан

¹ 1981 йилги 350-сонли қонун билан киритилган.

келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳужжат матнида мавжуд бўлган далилларга аниқликлар киритиш;

6) ўтиш қоидаларининг, шунингдек, тегишли федерал қонунинг татбиқ этилиши лозим бўлган аввалги таҳрирлари йиғма рўйхатини тузиш ва уларнинг амал қилиш соҳасини кўрсатиш, бунда мазкур маълумотларни қайта эълон қилиш билан бир вақтда, уларни махсус тарзда босиб чиқарилишини шарт қилиб қўйиш.

3. Барча судлар ва бошқарув органлари қонун қайта эълон қилинган куннинг эртасидан бошлаб, шундан кейин вужудга келадиган барча ҳолларда қайта эълон қилинган федерал қонуни матнига амал қилишлари лозим.

Д. ФЕДЕРАЦИЯ ТОМОНИДАН ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШДА МИЛЛИЙ КЕНГАШ ВА ФЕДЕРАЛ КЕНГАШНИНГ ИШТИРОКИ

50-модда. 1. Давлатнинг Сиёсий шартномалари, шунингдек, бошқа шартномалар, агар улар қонуиларни ўзгартирса ёки тўлдирса, фақат Миллий кенгашнинг маъқуллаши билангина тузилиши мумкин.

2. 1-абзацнинг амал қилишига мос келадиган давлат шартномаси маъқулланган тақдирда Миллий кенгаш мазкур давлат шартномаси ижро этилиши кераклиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин — қонунлар чиқариш асоси га биноан.

3. 1-абзацга мувофиқ қабул қилинадиган Миллий кенгашнинг қарорларига нисбатаң, тегишли равишда, 42-модданинг 1—4-абзаzlари қоидаларини қўллаши керак бўлади, агар давлат шартномаси конституциявий ҳуқуқни ўзгартирса ёхуд уни тўлдирса, у ҳолда 44-модданинг 1-абзаци қоидалари 1-абзацга мувофиқ қабул қилинган маъқуллаш ҳақидаги қарорда, бундай давлат шартномалари ёки давлат шартномаларида мавжуд бўлган бундай қоидалар «Конституцияни ўзгаришувчи» қоидалар сифатида аниқ белгиланиши керак.

51-модда. 1. Молия йили тугамасидан ўн ҳафта бурун Федерал ҳукумат Миллий Кенгашга Федерациининг келгуси молиявий йилига мўлжалланган даромадлар ва ҳаражатлар сметаси лойиҳасини тақдим этиши лозим. Ўнинг мазмуни Миллий кенгашда муҳокама қилинмасдан олдин эълон қилиниши мумкин эмас.

2. Молия тұғрисидаги Федерал қонунда ёки бошқа бирон-бир махсус қонунда күзда тутилмаган Федерал харажатлар мазкур харажатлар амалга оширилмасдан олдин конституциявий қоидаларда күзда тутилған тарзда Миллий Кенгашнинг маъқуллашни талаб қиласдики, буни Федерал молия министри илтимос қилиб олиши лозим. Бундай Федерал ҳаракатнинг секинлашув хавфи мавжуд бўлган тақдирда, агар бу ҳаражат 1.000000 шиллингдан ошмаса, Миллий кенгашнинг Бош қўмитаси розилиги билан амалга оширилиши мумкин; кейинчалик Миллий кенгашнинг розилигини олиш лозим бўлади.

3. Федерал ҳукумат томонидан Миллий кенгашга ўз вақтида тақдим этилган федерал смета лойиҳаси, конституциявий қоидаларда пазарда тутилганидек, молиявий йил тамом бўлишига қадар Миллий кенгаш томонидан маъқулланмаса ва бу вақтгача Федерал қонун томонидан бирон-бир вақтинчали чора-тадбир жорий этилмаса, у ҳолда кейинги молия йилининг дастлабки икки ойи мобайнида солиқлар, йиғимлар ва даромадлар амалдаги кўрсатмаларга мувофиқ ундирилиши лозим, федерал ҳаражатлар эса қонун билан белгиланган кредитлар ҳисобидан қопланиши керак; ўз моҳиятига кўра, молия тұғрисидаги охирги Федерал қонунда махсус күзда тутилмаган харажатлар бундан мустасно. Федерал харажатларнинг йўл қўйиладиган энг катта чегараси Миллий кенгашга тақдим этилган федерал смета лойиҳасида күзда тутилган харажатларда мўлжалланган кредитлар билан белгиланади, бунда ҳар бир ой учун мўлжалланган харажатларни аниқлашда мазкур кредитларнинг ўн иккidan бир қисми асос бўлиб хизмат қилиши лозим. Юридик мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган харажатларни уларни тўлаш муддатлари яқинлашган сари қоплаб бориш керак. Штатдаги лавозимлар ўрнини тўлдириш ҳам Миллий кенгашга тақдим этилган молия тұғрисидаги Федерал қонун лойиҳаси асосида амалга оширилади. Қолган ҳолларда, Федерал қонуннинг молия тұғрисидаги энг кейинги қоидалари, агар улар молиявий фаолият юритиш ҳақидаги маълумотларга тааллуқли бўлмаса, юқорида эслатиб ўтилган икки ой мобайнида тегишли равишда ўз кучида қолади.

52-модда. 1. Миллий кенгаш ва Федерал кенгаш Фе-

дерал ҳукумат томонидан юритиладиган ишларни төкширишга, унинг аъзолариiga ижро этувчи фаолиятнинг барча жиҳатлари бўйича сўровлар билан мурожаат қилишга ва барча зарур маълумотларнинг тақдим этилишини талаб қилишга, шунингдек, ўзларининг қарорларида ижро этувчи фаолиятни амалга оширишга доир тавсияларни ифодалаб беришга ҳақлидирлар.

2. Миллий кенгаш ва Федерал кенгашнинг ҳар бир аъзоси Миллий кенгаш ёки Федерал кенгаш мажлисларида федерал ҳукумат аъзолариiga қисқача оғзаки сўровлар билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

3. Сўров ҳуқуқини янада батафсилоқ тартибга солиш Миллий кенгаш регламентига доир федерал қонун билан, шунингдек, Федерал кенгаш регламенти билан белгиланади.

53-модда. 1. Миллий кенгаш ўз қарори билан тергов қўмиталари ташкил этиши мумкин.

2. Тергов қўмиталарини ташкил этиш ва уларда иш юритиш тартибини янада мукаммалроқ йўлга қўйиш Миллий кенгаш регламенти тўғрисидаги Федерал қонун билан белгиланади.

3. Судлар ва бошқа барча органлар бу қўмиталарнинг далиллар тақдим этиш тўғрисидаги талабларини қондиришлари шарт; барча халқ муассасалари уларнинг талаби бўйича ўз ҳужжатларини тақдим этишлари лозим.

54-модда. Темир йўл тарифлари, почта, телеграф, ва телефон йиғимлари ҳамда давлат монополияси буюмларига доир нархлар, шунингдек Федерация корхоналарида доимий равишда банд бўлган шахсларнинг иш ҳақи Миллий кенгаш иштирокида белгилаб чиқлади. Бу фаолият Федерал конституциявий қонун билан тартибга солинади.

55-модда. 1. Миллий кенгаш ўз аъзоларида, мутносиб вакиллик тамоили асосида, Бош қўмита сайлайди; Федерал қонун билан шу нарса белгилаб қўйилиши мумкин; Федерал ҳукумат ёки федерал министр томонидан чиқариладиган муайян қарорлар Бош қўмитанинг розилик билдиришини талаб қиласди, шунингдек, Бош қўмита ўз томонидан Федерал ҳукуматга ёки федерал министрга маълумотлар тақдим этиши лозим. За-

рурат туғылған тақдирда Бөш құмита Миллий кенгаш сессияси үтказилмаётган даврда ҳам чақирилиши мүмкін (28-модда).

2. Бөш құмита үз а෇золаридан зымасига ушбу Қонун билан назарда тутилған ваколаттар юкланған кичик құмита сайлайды. Сайлов мутаносиб вакиллік тамойили асосида үтказилади; бироқ мазкур тамойилга риоя қылғанда, Бөш құмитага вакил бўлған ҳар бир партиядан битта а෇зо кичик құмитага кириши лозим. Миллий кенгашнинг регламенти тұғрисидаги Федерал қонун доимий кичик құмитанинг исталған вақтда чақирилиши ва тұлланишини таъминлаши лозим. Агар миллий кенгаш 29-модданинг 1-абзацияга асосан, федерал президент томонидан тарқатиб юбориладиган бўлса, у ҳолда доимий кичик құмита зымасига ижроия ҳокимият амалга ошираётган ишларда иштирок этиш вазифаси юкланади. Бундай ҳокимият ушбу қонунга мувофиқ, одатда Миллий кенгашга (Бөш құмитага) тегишли бўлади.

Е. МИЛЛИЙ КЕНГАШ ВА ФЕДЕРАЛ КЕНГАШ А෇ЗОЛАРИНИНГ МАҚОМИ

56-модда. Миллий кенгаш а෇золари ва Федерал кенгаш а෇золари үз вазифаларини бажариш вақтида ҳеч қандай талаблар билан боғлиқ эмаслар.

57-модда¹. 1. Миллий кенгаш а෇золари үз вазифаларини амалга ошириш вақтида овоз берганликлари учун ҳеч қачон жавобгарликка тортилишлари мүмкін эмас ва үз вазифаларини ижро этиш вақтида ўзларининг оғзаки ёки ёзма равишда ифодаланған фикрлари учун фақат Миллий кенгаш олдида жавоб бернишлари мүмкін.

2. Миллий кенгаш а෇золари жиной жазоланадиган хатти-ҳаракат содир этганликлари учун фақат Миллий кенгаш розилиги билангина ҳибсга олинишлари мүмкін, жиноят содир қылинған жойда жиноят устида қўлга тушган ҳол бундан мустасно. Худди шунингдек, Миллий кенгаш а෇золарининг уйида тинтув үтказиш учун ҳам Миллий кенгашнинг розилиги талаб қилинади.

¹ 1979 йилги 134-сонли Қонун таҳририда.

3. Бундан ташқари, Миллый кенгаш аъзолари жиңиңий жавобгарликка тортувчи хатти-ҳаракатлари учун (агар бу хатти-ҳаракат мазкур депутатнинг сиёсий фолияти билан боғлиқ бўлмаса) Миллый Кенгашнинг розилигисиз расмий равишда таъқиб этилишлари мумкин. Бироқ, ваколатли органлар Миллый кенгашнинг бундай алоқа мавжудлиги ҳақидаги қарорини талаб қилишлари лозим (агар буни мазкур депутат ёки бундай ишлар топширилган доимий қўмитанинг аъзоларидан учдан бир қисми талаб қилса). Бундай талаб мавжуд бўлган тақдирда ҳар қандай расмий таъқиб қилиш дарҳол тўхтатилиши ёки бекор қилиниши лозим.

4. Бундай ҳолларнинг барчасида, агар Миллый кенгаш саккиз ҳафта ичидан таъқиб қилишни амалга оширишга ваколат олган органнинг илтимосига кўра тегишли қарор қабул қилмаса, Миллый Кенгашнинг бундай розилиги олинган ҳисобланади; қарорлар Миллый кенгаш томонидан ўз вақтида қабул қилиниши учун унинг Президенти энг кечи билан мазкур муддатнинг охиридан бир кун олдин бундай масалани овозга қўйиши лозим. Сессиялар оралиғидаги вақт бу муддатга қўшилмайди.

5. Депутат жиноят жойида жиноят устида қўлга туширилган тақдирда, ваколатли орган ҳибсга олиш амалга оширилгани ҳақида Миллый кенгаш Президенти ни дарҳол хабардор қилиши лозим. Миллый кенгаш талаби билан, сессиялар оралиғидаги даврда эса бундай ишларни бажаришга ваколат олган доимий қўмита талаби билан ҳибсга олиш бекор қилиниши ёки таъқиб қилиш умуман тўхтатилиши лозим.

6. Депутатларнинг дахлсизлик ҳуқуқи янги сайланган Миллый кенгаш чақирилган кундан, шундан кейинн ҳам ўз вазифаларни амалга оширувчи Миллый кенгаш органларида эса, мазкур вазифалар тугаган пайтдан эътиборан тўхтатилади.

7. Яиада мукаммалроқ қоидаларни Миллый кенгаш регламенти тўғрисидаги Федерал қонун белгилайди.

58-модда. Федерал кенгаш аъзолари ўз ваколатларининг бутун муддати давомида ўзларини сайлаган Ландтаг аъзолари эга бўлган дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадилар.

59-мөддә¹. Ҳеп ким айни бир вақтда ҳам Миллий кенгаш, ҳам Федерал кенгаш таркибиغا кириши мумкин әмас.

59а-мөддә². 1. Халқ муассасалари хизматчилари агар Миллий кенгашга сайловда ўз номзодини овозга қўйган бўлсалар ёки улар Миллий кенгаш ёхуд Федерал кенгаш аъзолари этиб сайланган бўлсалар, уларга ўз номзодларини қийишда қатнашиш учун ёки депутатлик ваколатларини амалга ошириш учун зарур бўлган бўш вақт берилиши лозим. Халқ муассасаларида ишловчи бундай хизматчиларни депутатлик ваколатларини бажариш вақтида хизмат ҳақи 25 фоизга камайтирилади.

2. Бундай хизматчилардан уларнинг авалги иш жойида фойдаланиб бўлмаган тақдирда, хизмат юзасидан йўл-йўриқ кўрсатувчи орган уларга мақбул келадиган бир хил қадрдаги иш тақдим этиш зарурлигини белгилаб бериши зарур.

3. Агар миллий кенгаш ёки Федерал кенгаш аъзолари бўлган халқ муассасалари хизматчилари алоҳида сабабларга кўра, ўз касбий фаолиятларини давом эттира олмасалар, у ҳолда улар хизматдан бўшатилиши лозим; кўрсатилган сабаблар хизмат йўл-йўриқлари билан белгиланиши керак. Халқ муассасаларининг мазкур хизматчилари оладиган иш ҳақи, ҳар қандай ҳолатда ҳам, 1-абзаца назарда тутилган ҳақдан юқори бўлиши мумкин әмас.

4. Хизмат йўл-йўриқлари шуни назарда тутиши лозимки, хизмат тавсия қилган орган билан ҳалқ муассасаларининг тегишли хизматчилари ўртасида тавсия этилган ишнинг мақбуллиги ва бир хил қадрда эканлиги хусусида келишмовчиликлар пайдо бўлган тақдирда ёки хизматдан бўшатиш сабабларининг мавжудлиги хусусида Миллий кенгаш Президенти ёки Федерал кенгаш Раисининг фикрини эшитиш зарур.

¹ 1982 йилги 354-сонли Конун таҳририда.

² 1983 йил 29 ноябрдаги 611-сонли Федерал конституциявий Конун таҳририда.

УЧИНЧИ БҮЛИМ
ФЕДЕРАЦИЯНИНГ ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОҚИМИЯТИ
А. БОШҚАРУВ

1. Федерал Президент

60-модда¹. 1. Федерал Президент Федерации халқи томонидан тенг, тұғридан-тұғри сайлов ҳуқуқи асосида шахсан амалға ошириладиган яширин овоз бериш йўли билан сайланади; агар сайловда фақат битта номзод овозга қўйилаётган бўлса, у ҳолда сайлов номзодни «ёқ-лаб» ёки унга «қарши» овоз бериш шаклида ўтказилиши лозим. Миллий кенгашга сайловда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро овоз бериш ҳуқуқини олади. Сайловда қатнашиш вазифаси Федерацииning ўлкалар қонунида назарда тутилған ўлкаларида мавжуддир. Сайлов ўтказиш тартиби ва унда иштирок этиш вазифалари тўғрисидаги янада батафсилоқ қондалар Федерал қонун билан белгиланади. Хусусан, кўрсатиб ўтилган Федерал қонунда сайловчининг сайловда қатнашиш бурчи бўлишига қарамай, унда қатнашмаслиги ни оқлайдиган асослар белгилаб берилган бўлиши лозим.

2. Ҳақиқий деб топилган овозларнинг ярмидан кўпроғини олган шахс сайланган ҳисобланади. Агар бундай кўпчилик овоз йиғилмаган бўлса, у ҳолда сайловнинг иккинчи давраси ўтказилади. Ундан сайловнинг биринчи даврасида энг кўп овоз олган икки номзоддан бири учун берилган овозларгина ҳақиқий деб ҳисобланади; лекин бу икки номзодни таклиф қилган сайловчиларнинг икки гуруҳидан ҳар бирни сайловнинг иккинчи даврасида илгари кўрсатган номзоди ўрнига бошқа шахсни кўрсатиши ҳам мумкин.

3. Миллий кенгашга сайловда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган ва сайлов ўтказиладиган йилнинг 1 январида 35 ёшга тўлган шахс Федерал президент этиб сайланиши мумкин. Император хонадонининг аъзолари ёки бир вақтлар ана шундайлардан бўлган оилаларнинг аъзолари сайланиш ҳуқуқидан маҳрумдирлар.

4. Федерал президент сайлови якунлари Федерал

¹ 1982 йилги 354-сонли Қонун таҳририда.

канцлер томонидан расмий равишда эълон қилиниши лозим.

5. Федерал президент ваколатлари муддати олти йилдан иборат. Олдинги сайланишдан кейинги навбатдаги муддатга тақоран кетма-кет сайланишга фақат бир марта йўл қўйилади.

6. Федерал президент ўз ваколатлари муддати та мом бўлмасдан олдин халқнинг овоз бериши асосида, лавозимидан четлаштирилиши мумкин. Агар Федерал мажлис халқпнинг овоз беришини талаб қиласа, бундай овоз бериш ўтказилиши лозим. Бу мақсадда, агар Миллий кенгаш шундай қарор қабул қиласа, Федерал канцлер томонидан Федерал мажлис чақирилади. Миллий кенгаш томонидан қарор қабул қилиниши учун аъзоларнинг камида ярми иштирок этиши ва берилган овозларнинг учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги ижобий бўлиши зарур. Миллий кенгашнинг буидай қарори Федерал президентнинг навбатдаги ўз вазифаларини амалга оширишнга халақит беради. Халқнинг овоз бериши асосида Федерал президентни ўз лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги таклифнинг рад қилиниши унинг янгидан сайланиши ҳисобланади ва Миллий кенгашнинг тарқатиб юборилишига сабаб бўлади (29-модданинг 1-абзаци). Бундай ҳолда Федерал президент ваколатлари давомининг умумий муддати ўн икки йилдан ошмаслиги керак.

61-модда. 1. Федерал президент ўзиning хизмат фолиият давомида бирон-бир умумий вакиллик органи таркибида кириши ва қандайдир бошқа касб фоалияти билан шуғулланиши мумкин эмас.

2. «Федерал президент» унвонидан, шунингдек бу номга ҳар қандай тўлдириш киритилганида ҳам ёки у ўзгача номланганда ҳам бошқа ҳеч ким фойдалана олмайди. Бу ном қонун билан муҳофаза қилинади.

62-модда. 1. Федерал президент ўз лавозимига киришаётганида Федерал мажлис олдида қасамёд қиласи:

«Мен Республика Конституцияси ва барча қонуларига риоя қилишга ҳамда бутун билимндан фойдаланган ва пок виждонимга амал қилган ҳолда, ўз вазифаларимни бажаришга қасамёд қиласман».

2. Бунига илова тарқасида диний мазмунда ҳам қасамёд қилишга йўл қўйилади.

63-модда. 1. Федерал мажлис рози бўлган тақдирдаргина федерал президентга қарши таъқиб қилишни расмий равишда қўзғатишга йўл қўйилади.

2. Федерал президентга қарши таъқиб қилишни қўзғатиш тўғрисидаги илтимоснома ваколатли орган томонидан Миллий мажлисга тақдим этилиши лозим, бу тақлифни Федерал мажлис ҳал қилиш-қўлмаслиги ма-саласини мажлис ҳал этади. Агар Миллий кенгаш буни ёқлаб чиқса, Федерал канцлер дарҳол Федерал мажлис чақириши шарт.

64-модда. 1. Агар Федерал президентнинг ўз вазифаларини амалга оширишига тўсқинлик қилувчи бирон-бир ҳолат мавжуд бўлса, у ҳолда унинг барча вазифаларини бажариш дастлаб Федерал канцлерга ўтади. Бироқ агар бу ҳолатлар 20 кундан кўпроқ вақт мобайнида давом этса ёки федерал президент 60-модданинг 6-абзацияга мувофиқ ўз вазифаларини бундан бўёғига бажара олмаса, у ҳолда Федерал президентнинг вазифалари Миллий кенгашнинг ҳайъат Президенти, иккичи президенти ва учинчи Президенти томонидан амалга оширилади. Агар Федерал президентнинг ўрни узоқ мuddат мобайнида бўш бўлиб турган бўлса ҳам, шу ҳол амал қилади.

2. 1-абзацга мувофиқ, Федерал президент вазифаларини амалга оширишига вакил қилинган ҳайъат кўпчилик овоз билан қарор қабул қилади. Ҳайъатда Раис вазифаси Миллий кенгаш Президенти зиммасига юкландади. Ба у ҳам ҳайъатнинг расмий вакили ҳисобланади.

3. Агар Миллий кенгашнинг битта ёки иккита Президентига уларнинг ўз вазифаларини амалга оширишида тўсқинлик қилувчи қандайдир ҳолатлар мавжуд бўлса ёки уларнинг лавозимлари узоқ муддат бўш турган бўлса, у ҳолда ҳайъат уларнинг иштирокисиз қарорлар қабул қилишга ваколатли бўлади; бундай ҳолда агар овозлар тенг бўлса, даражаси бўйича юқорироқ турган Президентнинг овози ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

4. Федерал президент лавозими узоқ вақт мобайнида бўш турган тақдирда Федерал ҳукумат дарҳол янги президент сайловини белгилаши лозим; сайлов ўтказилгандан кейин ҳайъат Федерал президентни қасамёд қилишга олиб келиш учун зудлик билан Федерал мажлис чақириши керак.

. . . 65-модда. 1. Федерал президент ташқи алоқаларда Республика вакили бўлиб қатнашади, элчиларни қабул қиласди ва тайинлади, хорижий қонсулларни тайинлашга розилик беради, Республиканинг хориждаги консуллик вакилларини тайинлади ва давлат шартномаларини тузади. 50-моддада келтирилган амалга тўғри келмайдиган давлат шартномаси қабул қилинган тақдирда у мазкур давлат шартномасининг қарорлар қабул қилиш асосида бажарилиши тўғрисида фармойиш бериш мумкин.

2. Ундан кейин ушбу Конституциянинг бошқа қоидаларига мувофиқ берилган ваколатлардан ташқари, унга қуйидаги ҳуқуқлар ҳам берилган:

а) федерал хизматчиларни, шу жумладан офицерларни ва федерациянинг бошқа мансабдор шахсларини тайинлаш, уларга хизмат унвонлари бериш;

б) қасбий унвонлар таъсис этиш ва бериш;

в) айрим ҳолларда: қонуний кучга кирган суд ҳуқими билан ҳукм қилинган шахсларни авф этиш, судлар тайинлаган жазоларни юмшатиш ва алмаштириш, судланувнинг ҳуқуқий оқибатларини юмшатиш ва авф этиш тарзида бекор қилиш, ниҳоят, жиноий жазога тортиладиган хатти-ҳаракат учун расмий тартибда таъқиб қилинаётган шахсларга нисбатан жиноий судлов ишини тұхтатиш;

г) никоҳсиз туғилган болаларни, уларнинг ота-оналары қаримосларига кўра никоҳдан туғилган болалар, деб эътироф қилиши.

3. Махсус қонунлар Федерал президентга кўрсатиб ўтилган ваколатлардан ташқари яна қандай доирада фахрий ҳуқуқлар бериш, мутлақ имтиёзлар, устамалар ва пенсиялар, лавозимга тайинлаш ва лавозимга тасдиқлани билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлар бериш ваколатлари ва, шунингдек, шахсий ишларга доир бошқа ваколатлар мансублигини белгилаб беради.

66-модда. 1. Федерал президент Федерал ҳукуматнинг ваколатли аъзоларига Федерал хизматчиларнинг муайян тонфаларини тайинлашга доир ўзинга тегишли бўлган ҳуқуқни топшириши мумкин.

2. Федерал президент Федерал ҳукуматни ёки Федерал ҳукуматнинг ваколатли аъзоларини 50-моддада келтирилган амалга тўғри келмайдиган давлат шартномаларининг муайян турларини тузишга вакил қилиши

мумкин; бундай ваколат, шунингдек, 65-модданинг 1-абзасидаги йиккинчи гапида назарда тутилган фармойишларга ҳам татбиқ этилади.

67-модда. 1. Федерал президент вакил қилинган барча ҳаракатлар, агар конституциявий қонунчиликда бошқа ҳолатлар белгиланмаган бўлса, Федерал ҳукуматнинг таклифлари асосида ёки ҳукумат вакил қилган федерал министр таклифлари асосида амалга оширилади. Қонун Федерал ҳукуматнинг ўзи ёки ваколатли федерал министрнинг ўзи бундай ҳолларда бошқа органларнинг таклифлари билан қай даражада боғлиқ эканлигини белгилаб беради.

2. Федерал Президентнинг барча қарорлари, агар конституциявий қонунчиликда бошқа нарсалар белгиланмаган бўлса, уларнинг ҳақиқийлигини таъминлаш учун Федерал канцлернинг ёки ваколатли федерал министрнинг имзоси билан тасдиқланиши лозим.

68-модда. 1. Федерал президент ўз вазифаларини амалга ошириш учун Федерал мажлис олдида жавобгардир ва бу жавобгарлик 142-моддада назарда тутилган.

2. Бу жавобгарлик амалга ошиши учун Федерал канцлер Миллий кенгашнинг ёки Федерал кенгашнинг қарори билан Федерал мажлис чақиради.

3. 142-моддада назарда тутилган айб қўйиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш учун ҳар иккала вакиллик органи аъзоларининг ярмидан кўпчилигида иштирок этиши ва берилган овозларнинг учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги билан тасдиқланиши зарур.

2. Федерал ҳукумат.

69-модда. 1. Федерация ишларини олий даражада бошқарув, агар у Федерал президентга топширилмаган бўлса, Федерал канцлерга, вице-канцлерга ва бошқа Федерал министрларга топширилади. Улар Федерал канцлер бошчилигига биргаликда Федерал ҳукумат ташкил этидилар.

2. Вице-канцлер Федерал канцлернинг барча соҳалардаги ваколатларини бажариб туради. Бир вақтнинг ўзида Федерал канцлерга ва вице-канцлерга уларнинг ўз вазифаларини амалга оширишларида тўсқинлик қи-

ладиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, Федерал Президент Федерал ҳукумат аъзоларидан бирига Федерал канцлер вазифаларини бажариб туришини топширади.

70-модда. 1. Федерал канцлер ҳам, унинг таклифи билан Федерал ҳукуматнинг қолган аъзолари ҳам Федерал президент томонидан тайинланади. Федерал канцлернинг ёки федерал ҳукуматнинг бутун таркиби билан истеъфога чиқиши учун тегишли таклиф талаб қилинмайди¹; Федерал ҳукумат айрим аъзоларининг истеъфога чиқиши Федерал канцлернинг таклифи билан амалга оширилади. Федерал канцлерни ёки Федерал ҳукуматнинг бутун таркибини тайинлаш тўғрисидаги қарор янги тайинланган Федерал канцлер имзоси билан тасдиқланади; истеъфога чиқиши имзо билаи тасдиқлаш талаб қилинмайди.

2. Миллӣ кенгашга сайланиш ҳуқуқига эга бўлган шахсгина Федерал канцлер, вице-канцлер ёки Федерал министр этиб тайинланниш мумкин; Федерал ҳукумат аъзозлари Миллӣ кенгаш таркибига кирмасликлари керак.

3. Агар Федерал президент янги Федерал ҳукуматни Миллӣ кенгаш мажлис ўтказмаётган даврда тайинласа, у ҳолда Федерал президент янги Федерал ҳукуматни тавсия этиш учун бир ҳафта ичida Миллӣ кенгашни навбатдан ташқари сессияга чақириши (28-модданинг 2-абзаци) лозим.

71-модда. Агар федерал ҳукумат истеъфога чиққан бўлса, Федерал президент янги Федерал ҳукумат ташкил топгунга қадар бошқарувни амалга ошириб туриш вазифасини истеъфога кетган ҳукуматнинг аъзоларига ёки федерал идораларнинг юқори амалдорларига юклиши ва улардан бирига Федерал ҳукуматга вақтинча бошчилик қилиб туришини тошириши лозим. Бу қоида тегишли равишда, Федерал ҳукумат таркибидан бир неча аъзо чиққан тақдирда ҳам татбиқ этилади.

72-модда. 1. Федерал ҳукумат аъзолари лавозимга киришган вақтда Федерал президентга қасамёд қиласидар. Илова тариқасида диний мазмунда қасамёд қилишга ҳам йўл қўйилади.

¹ 67-модданинг 1-абзацига қаранг. (Тузувчилар изоҳи).

2. Федерал қанилерни, вице-канцлерни ва қолған Федерал министрларни тайинлаш тұғрисидаги ҳужжаттар Федерал президент томонидан қасамёд қилинган кунда тушиб чиқылади ва янги тайинланған Федерал канцлер имзоси билан тасдиқланади.

3. Бу қоңдалар 71-моддада күрсатыб үтилған ҳолларда ҳам тегишли равишида татбиқ этилиши керак.

73-модда. Федерал министрнинг ўз вазифаларини амалга оширишига вақтінча тұсқынлик қилувчи ҳолаттар мавжуд бўлған тақдирда Федерал президент унинг вазифасини вақтінча бажариб туришини Федерал министрлардан бирига ёки бирон-бир Федерал идоранинг юқори амалдорларидан бирига топширади. Бу ўринbosар Федерал министр ўз иши учун қандай масъулиятли бўлса, у ҳам шундай масъулиятли бўлади (76-модда).

74-модда. 1. Агар Миллий кенгаш Федерал ҳукуматга ёки унинг айрим аъзоларига ишончсизлик вотумини ифодалаш тұғрисида қарор қабул қиласа, у ҳолда Федерал ҳукумат ёки тегишли федерал министрлар ўз вазифаларини бажаришдан четлаштирилиши лозим.

2. Миллий кенгаш ишончсизлик вотуми тұғрисида қарор қабул қилиши учун Миллий кенгашнинг аъзоларидан ярми иштирок этиши зарур. Бироқ агар буни иштирок этаётган аъзоларнинг бешдан бир қисми талаб қиласа, овоз бериш Миллий кенгаш ишининг иккинчи кунига қолдирилиши лозим. Овоз беришни яна орқага суриш фақат Миллий кенгаш қарори билангина амалга сширилиши мумкин.

3. Федерал президенттә 70-модданинг 4-абзацияга мувофиқ берилған ваколатлардан ташқари, Федерал Президент Федерал ҳукуматни ёки унинг айрим аъзоларини қонунда белгиланған ҳолларда ёки уларнинг истагига кўра вазифасини бажаришдан четлаштириши мумкин.

75-модда. Федерал ҳукумат аъзолари, шунингдек, давлат котиблари Миллий кенгаш, Федерал кенгаш ва Федерал мажлиснинг барча йиғилишларида, шунингдек, бу ваколатли органларнинг қўмиталари (кичик қўмиталари) мажлисларида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар, бироқ Баш қўмитанинг доимий кичик қўмитаси мажлисларида ва Миллий кенгаш тергов қўмиталарининг мажлисларида — фақат алоҳида таклиф билан

қатнашадилар. Федерал қонунинг Миллий кенгаш регламенти, шунингдек, Федерал кенгаш регламенти ҳақидаги батафсилоқ қоидалари билан Федерал ҳукумат аъзолари ва давлат котиблари ўз талабларига мувофиқ ҳар қандай ҳолатда ўз фикрларини айтишлари лозим. Миллий кенгаш, Федерал кенгаш ва Федерал мажлис, шунингдек уларнинг қўмиталари (кичик қўмиталари) ўз мажлисларида Федерал ҳукумат аъзоларининг иштирок этишини талаб қилишлари ва ўзларига зарур тадбирлар ўтказнишни топширишларини илтимос қилишлар йумкин.

76-модда. 1. Федерал ҳукумат аъзолари (69 ва 71-моддалар) Миллий кенгаш олдида 142-моддада кўзда тутилганидек жавобгардир.

2. Уларга 142-моддада кўзда тутилган айблар қўйилиши тўғрисида қарор қабул қилиниши учун Миллий кенгаш аъзоларининг ярмидан кўпроғи иштирок этиши зарур.

77-модда. 1. Федерал бошқарувни амалга ошириш Федерал министрларга ва уларга бўйсунувчи органларга юкланган.

2. Федерал министрликлар сони, уларнинг вақолатлари доираси ва уларнинг тузилиши федерал қонун билан белгиланади.

3. Федерал канцлер Маҳкамасига раҳбарлик қилиш федерал министрларга топширилган. Федерал президент тегишли федерал министрларга Федерал канцлер Маҳкамаси ваколатига кирадиган муайян ишларга аниқ раҳбарлик қилишни, хусусан персонални бошқариш вазифаларини ва ишни ташкил этишини топшириши мумкин, бу ҳол мазкур вазифаларининг Федерал канцлер Маҳкамаси томонидан бундан кейин ҳам бажарилишини истисно қилмайди; тегишли федерал министрлар бундай масалалар юзасидан ваколатли федерал министр сифатида майдонга чиқадилар.

4. Федерал канцлерга ва бошқа федерал министрларга раҳбарлик қилиш ҳам топширилиши мумкин.

78-модда. 1. Махсус ҳолларда министрлар айни вақтда уларга федерал министрликка раҳбарлик қилиш вазифаси топширилмаган ҳолда ҳам тайинланади.

2. Федерал министрларга ишларни юритишда ёрдам кўрсатиш ва уларнинг Парламентдаги ваколатини таъ-

минлаш мақсадыда құшимча рөвишіда давлат котибра тайинланиши мүмкін, улар федерал министрлар сингари лавозимга тайинланади ва бўшатилади.

3. Давлат котиби федерал министрга бўйсунади ва унинг кўрсатмалари билан боғлиқдир.

3. Федерал қўшин

79-модда. 1. Федерал қўшинга мамлакатни қуролли мудофаа қилиш вазифаси юкланди.

2. Агар қонуний фуқаролик ҳокимиютига федерал қўшиннинг ёрдами талаб қилинса, унга бундан ташқари кўйидагилар юкланди:

1) мамлакатни қуролли мудофаа қилишдан ташқари;

а) конституцион муассасаларни ҳимоя қилиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш шароитларини, шунингдек, фуқароларнинг демократик эркинликларини таъминлаш;

б) мамлакат ичкарисида тартиб ва хавфсизликни умумий тарзда сақлаб туриш;

2) Ўз миёси жиҳатидан катта бўлган табиий оғатлар ва ҳалокатларга ёрдам кўрсатиш.

3. Федерал қўшиннинг бошқа вазифалари федерал конституциявий қонун билан тартибга солинади.

4. Қуролли кучлар тўғрисидаги қонун қандай органлар ва муассасалар 2-абзацда кўрсатиб ўтилган мақсадларда федерал қўшинга ёрдам сўраб бевосита мурожаат қилишлари мумкинлигини белгилаб беради.

5. Қўшиннинг 2-абзацда кўрсатиб ўтилган мақсадларда мустақил аралашувига, агар ваколатли ҳокимият органлари енгиг бўлмайдиган куч таъсири натижасида бундай ёрдам кўрсатишни сўраб мурожаат қилиш имкониятидан маҳрум қолганда, бундан кейинги кечиктириш эса бутун жамият учун тузатиб бўлмайдиган зарар етказиши мумкин бўлганда, ёки реал ҳужумни қайтариш ҳақида ёки зўравонлик ҳаракатлари билан боғлиқ бўлган, федерал қўшиннинг қандайдир қисмига қарши қаратилган қаршиликни бостириш ҳақида гап борган ҳолларда йўл қўйилади.

80-модда. 1. Федерал қўшиннинг олий қўмондонлигини федерал президент амалга оширади.

2. Қуролли кучлар ҳақидаги Қонун бўйича уларга Федерал президент фармойиш беришга ваколатли бўлмаган ҳолларда, бундай ваколатлар ваколатли федерал

министр зиммасига Федерал ҳукумат томонидан берилган ҳуқуқлар доирасида юкланди.

3. Федерал қўшинга қўмандонлик қилишни ваколатли федерал министр амалга оширади (76-модданинг 1-абзаци).

81-модда. Қуролли кучларни тўлдиришда, сақлашда ва жойлаштиришда ҳамда уларнинг одатдаги эҳтиёжларини таъминлашда ўлкаларнинг қандай доирада иштирок этиши Федерал қонун билан тартибга солинади.

4. Федерал мактаб органлари

81а-модда. 1. Мактаб иши соҳасидаги ва мактаб-интернатлардаги тарбия соҳасидаги федерал бошқарув тегишли федерал министр ваколатига ва олий ўқув юртларига ҳамда санъет академияларига тааллуқли бўлмаган соҳада, шунингдек, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги касбий мактаб таълими ҳамда қишлоқ ва ўрмон хўжалиги мактаб-интернатларидаги мактаб тарбиясига тааллуқли бўлмаган соҳада — тегишли федерал министрға бўйсунувчи федерал мактаб органлари ваколатларига киради. Мактабга қатнаши шарт бўлган болалар рўйхатларини тузиб чиқаришда жамоалар ўзларига Федерация томонидан берилган ваколат доирасида жалб этилиши мумкин.

2. Ҳар бир ўлканинг ваколати доирасида мактаб органи — ўлка мактаб кенгashi, ҳар бир маъмурӣ районнинг ваколати доирасида район мактаб кенгashi таъсис этилиши лозим. Вена ўлкасида ўлка мактаб кенгashi район мактаб кенгашининг вазифаларини ҳам баҷаради ва Вена шаҳар мактаб кенгashi деб аталади. Ўлка ва район мактаб кенгашлари ваколатининг мавзу соҳаси Федерал қонун билан тартибга солиниши лозим.

3. Қонун асосида тартибга солиниши керак бўлган Федерал мактаб органларининг тузилиши хусусида қўйидаги асосий қондалар амал қиласди:

а) Федерал мактаб органлари доирасида ҳайъатлар ташкил этилиши лозим. Овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган ўлка мактаб кенгашларининг ҳайъат аъзолари партияларининг Ландтагда олган мандатлари сонига мувофиқ тайинланиши, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган район мактаб кенгашлари ҳайъат аъзолари Ландтагга бўлган охирги сайловда Ландтаг вакиллари бўлган пар-

тиялар учун районда берилган овозлар сонига қараб тайинланиши лозим. Ҳайъатларнинг барча аъзоларини ёки уларнинг бир қисмини Ландтаг томонидан тайинланишига йўл қўйилади;

б) ўлка мактаб кенгашининг президенти ўлка губернатори, район мактаб кенгашининг раиси — район бошқарув органининг раҳбари ҳисобланади. Агар қонунда ўлка мактаб кенгаси президенти ламозимини эгаллайдиган шахснинг тайинланиши кўзда тутилса, у ҳолда бу шахс президент ўз ихтиёрида қолдирмаган барча пшларни бажаришда унинг ўрнини эгаллайди. Агар қонунда вице-президент тайинланиши назарда тутилган бўлса, у ҳолда бу вице-президент ҳужжатлар билан танишиб чиқиш ва уларни муҳокама қилиш ҳуқуқига эга бўлади; бундай вице-президент Федерал Конституциянинг ушбу қоидалари кучга кирмасдан олдин ўтказилган сўнгги расмий аҳоли рўйхати якунлари бўйича энг кўп аҳоли сонига эга бўлган камидан бешта ўлка томонидан тайинланиши лозим;

в) ўлка ва район мактаб кенгашлари ҳайъатлари ва президентлари (раислари)нинг вазифалари қонун билан белгиланади. Ҳайъатлар қарорлар қабул қиласида умумий кўрсатмалар беради, мансабдор шахсларни тайинлайди ва лавозимларга тайинлаш тўғрисида таклифлар киритади, шунингдек қонунлар ва фармойишлар лойиҳалари бўйича хulosалар чиқаради;

г) ҳайъатнинг яқин орада бўладиган мажлисига қадар ҳам кечиктириб бўлмайдиган зарурий ҳолларда президент (раис)нинг ўзи ҳайъат ваколати доирасига киритилган вазифаларни амалга оширади ва бундан ҳайъатни дарҳол хабардор қиласи;

д) агар ҳайъат икки ойдан кўпроқ вақт мобайнида қарорлар қабул қилиш имкониятига эга бўлмаса, у ҳолда ҳайъатнинг мазкур вақтдан кейинги муддатга мўлжалланган вазифаларини бажариш, ҳайъатнинг қарорлар қабул қилиш имконияти йўқ бўлгани учун, президент (ранс)га ўтади. Бундай ҳолларда президент (раис) ҳаъатнинг ўрнини босади.

4. Ҳайъатларга уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан кўрсатмалар бериб бўлмайди (20-модданинг 1-абзаци). Бу қоида ҳайъатнинг қонунга зид келувчи қарорларини бажаришни тақиқлайдиган кўрсатмаларга нисбатан амал қилмайди ёки ҳайъат қабул қилган қарорларнинг бекор қилинишини талаб этади.

Бундай кўрсатмалар асосланган бўлиши лозим. Кўрсатма қайси мактаб органига қаратилган бўлса, ўша орган ҳайъат қарори асосида 129 ва навбатдаги моддаларга мувофиқ мазкур кўрсатма ҳақида бевосита маъмурий судга шикоят аризаси бериши мумкин.

5. Ваколатли федерал министр шахсан ўзи ёки ўзи бошчилик қиласётган министрлик органлари орқали Федерал министрликка ўлка мактаб кенгашлари орқали итоат этувчи мактаблар ва мактаб-интернатлардаги ишлар аҳволи билан танишиб чиқиши мумкин. Аниқланган камчиликлар (улар 14-модданинг 8-абзацида келтирилган камчиликлар бўлмагани учун) бартараф этиш мақсадида ўлка мактаб кенгашига етказилиши лозим.

816-модда. 1. Ўлкаларнинг мактаб кенгашлари қуидагилар хусусида учта номзод тўғрисида таклифлар киритишлари мумкин:

а) Федерация номенклатурасига қарашли бўлган мактаб директорларининг, шунингдек, ўлкаларнинг мактаб кенгашларига бўйсунувчи мактаблар ва мактаб-интернатлардаги ўқитувчилар ва тарбиячиларнинг штат ўринларини эгаллаш;

б) федерация номенклатурасига қарашли бўлган ўлкалар ва районларнинг мактаб кенгашлари ҳузурида иш олиб борувчи мактаб назорати органлари хизматчиларининг штат ўринларини эгаллаш, шунингдек, ўқитувчиларга мактаб таълими устидан назорат қилиш вазифасини амалга оширишни топшириш;

в) умумтаълим мактабларида ва ихтисослаштирилган мактаблarda ўқитувчи лавозимига дъявогарлар учун текширув комиссиялари раислари ва аъзоларини тайинлаш.

2. 1-абзацда санаб ўтилган таклифларни 66-модданинг 1-абзацига ёки 67-модданинг 1-абзацига мувофиқ, ёхуд бошқа йўл-йўриқлар асосида ваколатли ҳисобланган министрга тақдим этиш лозим бўлади. Таклиф этилган шахслардан таилаб олиш федерал министр зиммасига юкланиди.

3. Ўлканинг ҳар бир мактаб кенгashi ҳузурида мактаб директорлари ва ўқитувчилари учун, шунингдек, тарбиячилар учун биринчи босқич сифатидаги малака ва интизом комиссиялари ташкил этилиши лозим, улардан Федерация билан оммавий-хуқуқий хизмат муносабатларида бўладиган ва ўлканинг мактаб кенгашига

бўйсунадиган мактабда (мактаб-интернатда) ишлаш учун фойдаланилади. Бу нарса Федерал қонунда анча батафсил тартибга солиниши лозим.

Б. СУД ҲОКИМИЯТИ

82-модда. 1. Суд ҳокимияти Федерациядан келиб чиқади.

2. Ҳукмлар ва суд қарорлари Республика номидан чиқарилади ва эълон қилинади.

83-модда. 1. Судларни ташкил этиш ва уларнинг ваколати федерал қонун билан белгиланади.

2. Ҳеч ким ўзининг қонуний судьясидан маҳрум этилиши мумкин эмас.

84-модда. Ҳарбий судлар бекор қилинган; уруш вақти даврида иш олиб борадиган судлар бундан мустасно.

85-модда. Ўлим жазоси бекор қилинган.

86-модда. 1. Судьялар, агар ушбу қонунда бошка нарсалар белгиланмаган бўлса, Федерал ҳукуматнинг тақдимига кўра Федерал президент томонидан ёки у вакил қилган ваколатли Федерал министр томонидан тайинланади; Федерал ҳукумат ёки Федерал министр номзодлар ҳақида сенатлардан таклифлар олишлари лозим, сенатлар бунга суд тузилиши ҳақидаги Қонун билан вакил қилингандир.

2. Ваколатли федерал министрга тақдим этиладиган ва унинг томонидан Федерал ҳукуматга юбориладиган номзодлар рўйхатида даъвогарлар сони етарли даражада бўлиши, яъни камидан учта шахсдан иборат бўлиши лозим, агар биттадан ортиқ ўринни эгаллаш зарур бўлса, у ҳолда рўйхатдаги номзодлар сони судья томонидан тайинланиши лозим бўлган шахслардан кам деганда икки баравар кўп бўлиши керак.

87-модда. 1. Судьялар ўзларининг судьялик вазифаларини амалга ошириш вақтида мустақилдирлар.

2. Судья ўзининг судьялик вазифаларини амалга ошираркан, қонунга мувофиқ ва ишларни кўриб чиқиши бўйича судьялар ўртасида тақсимланган ваколатга мувофиқ ўзига тегишли бўлган суд ишларини кўриб чиқа-

ди; адлия соҳасидаги бошқарувга тааллуқли бўлган ишлар бундан мустасно, улар қонун кўрсатмасига мувофиқ сенатлар ёки комиссиялар томонидан ҳал этилмайди.

3. Ишларни кўриб чиқиш ваколати битта суднинг судьялари ўртасида олдиндан суд тузилиши тўғрисидағи Қонунда белгиланган муддатга тақсимланиши лозим. Бу тақсимотга мувофиқ судьянинг ваколатига киритилган иш, унинг ўз вазифаларини амалга ошириши учун тўсиқлар мавжуд бўлгандагина адлия бошқарув органдарни фармойиши билан үндан олиб қўйилиши мумкин.

87а-модда.1. Федерал қонунга мувофиқ биринчи инстанция судларида кўриладиган фуқаролик ишларининг айрим аниқ кўрсатиб ўтилган турларини қараб чиқиш судья бўлмаган маҳсус тайёрланган мансабдор шахсларга топширилиши мумкин.

2. Бироқ ваколат тақсимотига мувофиқ, бу иш ўзининг юрисдикциясига киритилган судья мазкур ишларни истаган вақтида ўзи қараб чиқиши ёки уларни қараб чиқиш учун талаб қилиб олиши мумкин.

3. 1-абзацда кўрсатиб ўтилган ишларни кўриб чиқиш вақтида судья бўлмаган федерал мансабдор шахслар, ваколат тақсимотига мувофиқ, бу ишлар ўз юрисдикциясига киритилгани ваколатли судьянинг кўрсатмалари билангина боғлиқ бўладилар. 20-модданинг 1-абзацидаги учинчى гапни татбиқ этиш керак бўлади.

88-модда. 1. Суд тузилиши ҳақидаги қонунда ёш чегараси белгиланган бўлиб, судьялар бу ёшга етгандан кейин истеъфога чиқарилишлари лозим.

2. Бундан ташқари, судьялар фақат қонунда назаруда тутилган ҳолларда белгиланган шаклга риоя қилинган ҳолда ва расмий суд қарорига асосан лавозимидан четлаштирилишлари ёки ўз хоҳишларига қарши бошқа ўринга ўтказилишлари ёхуд истеъфога чиқишлари мумкин. Лекин агар бу нарса судларнинг тузилишидаги ўзгаришлар билан боғлиқ зарурат бўлса, бошқа ишга ўтказиш ва истеъфога чиқиши вақтида кўрсатиб ўтилгани шартлар татбиқ этилмайди. Бундай ҳолларда қонун судьяларнинг қанча вақт мобайнида бошқа ишга ўтказилиши ва одатда назарда тутилган шартларсиз истеъфога чиқиши мумкинлигини белгилаб беради.

3. Судьяни вақтинча лавозимидан бўшатиш Суд ра-

исининг ёки юқори суд органининг фармойнши билан амалга оширилиши ва айни вақтда иш ваколатли судга берилни мумкин.

89-модда. 1. Судлар, агар мазкур моддада бошқа нарсалар белгиланмаган бўлса, тегишли тарзда эълон қилинган қонунлар, қарорлар ва давлат шартномаларининг қонуний кучга эга ёки эгамаслигини текширишга ҳақли эмаслар.

2. Агар суд қарорнинг ғайриқонуний бўлиши мумкинлиги муносабати билан унинг татбиқ этилишига шубҳа билан қараса, у ҳолда мазкур қарорни бекор қилини тўғрисида Конституциявий судга тақдимнома киритиши лозим. Агар Олий суд ёки иш юзасидан иккинчи инстанция судининг иш сифати юзасидан қарор чиқаришга ваколатли бўлган суд қонуннинг ғайриқонуний бўлиши мумкинлиги муносабати билан унинг татбиқ этилишига шубҳа билан қараса, у ҳолда суд мазкур қонунни бекор қилиш тўғрисида Конституциявий судга тақдимнома киритиши лозим.

3. Агар суд томонидан татбиқ этилиши керак бўлган ҳуқуқий йўл-йўриқлар ўз кучни йўқотган бўлса, у ҳолда суднинг тақдимномасига кўра Конституциявий суд бу ҳуқуқий йўл-йўриқни ғайриқонуний ёки ғайриконституциявий бўлган, деб қарор чиқариши лозим.

4. Мазкур модданинг 2-абзаци ва 3-абзаци давлат шартномаларига нисбатан 140-моддага кўра тегишли равишда амал қиласди.

5. Федерал қонун 2-абзацга, 3-абзацга ёки 4-абзацга мувофиқ киритилган тақдимноманинг суд томонидан бошланган жараёни учун қандай оқибатларга эга бўлишини белгилаб чиқиши лозим.

90-модда. 1. Фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича қарор чиқарадиган судларда бу ишларни қараб чиқиши оғзаки ва ошкора равишида амалга оширилади.

2. Жиноий суд ишида айлов жараёни тамоийллари амал қиласди.

91-модда. 1. Халқ одил судловни амалга оширишда иштирок этиши лозим.

2. Қонунда санаб ўтилган, қаттиқ жазо белгиланиши мумкин бўлган жиноятлар ҳақидаги ишлар юзасидан, шунингдек, барча сиёсий жиноятлар ва хатти-ҳа-

ракатлар тўғрисидаги ишлар юзасидан айбланувчининг айбордорлиги ҳақидаги масалани суд маслаҳатчилари ҳал қиласидилар.

3. Жиноий жазоланадиган бошқа хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги ишлар бўйича жиноий суд жараёнида одил судловни амалга оширишда суд маслаҳатчилари иштирок этадилар (агар тайинланиши керак бўлган, кўзда тутилган жазо чораси қонунда белгиланган чегарадан ошиб кетса)¹.

92-модда. 1. Фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича энг юқори инстанция Олий суд ҳисобланади.

2. Олий суд таркибиға Федерал ҳукумат, ўлка ҳукумати ёки бирон бир умумий вакиллик органи аъзолари киришлари мумкин эмас; ваколатлик муддатига ёки фаолиятнинг муайян муддатига сайланган умумий вакиллик органлари аъзоларининг суд аъзоси бўлишига йўл қўйиб бўлмаслиги уларнинг ваколатлик муддати ёки фаолият муддати тамом бўлмай туриб, муддатидан илгари мандатдан воз кечганда ҳам сақланиб қолади. Кейинги тўрт йил мобайнида юқорида санаб ўтилган вазифалардан бирини бажариб келган шахс Олий суд Раиси ёки Раис ўринbosари қилиб тайинланиши мумкин эмас.

93-модда. Суд тартибида жазоланадиган жиноий хатти-ҳаракатларга нисбатан амнистиялар федерал қонун асосида амалга оширилади.

94-модда. Адлия барча даражалардаги бошқарувдан холидир.

ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ УЛКАЛАРНИНГ ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ВА ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТИ

A. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

95-модда. 1. Улкаларнинг қонун чиқарувчи ҳокимия-

¹ Австрия ЖПКнинг § 13 га мувофиқ суд маслаҳатчилари шундай жиноий ишларни қараб чиқишида иштироқ этадиларки, бу ишлар бўйича 3 йилдан ортиқ, лекин 10 йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазо чораси белгиланиши мумкин. Маслаҳатчилар суди 5 йилдан бошлаб 10 йилдан кўпроқ озодликдан маҳрум этиш белгиланиши мумкин бўлган жиноий ишларни кўриб чиқади.

ти Ландтаглар томонидан амалга оширилади. Уларнинг аъзолари тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида шахсан амалга ошириладиган яширин овоз бериш йўли билан федерациянинг эркак ва аёл жинсидаги барча фуқаролари томонидан мутаносиб тизим бўйича сайланади; бу сайловчилар Ландтагга сайлов тўғрисидаги низомларга мувофиқ овоз бериш ҳуқуқига эга бўлишлари ва тегишли ўлка худудида доимий равишда истикомат қилаётган бўлишлари керак. Бунга тегишли равишида 26-модданинг 1-абзацидаги охирги жумла татбиқ этилади; сайловда қатнашмаганлик учун жавобгарликни истисно қиласидаги асослар Миллий кенгашга сайлов тўғрисидаги Низомда кўзда тутилган асослардан кеңроқ бўлиши мумкин эмас.

2. Ландтагларга сайлов тўғрисидаги низомлар Миллий кенгашга сайлов тўғрисидаги Низомга нисбатан фалол ва пассив сайлов ҳуқуқининг анча чекланган шартларини ўз ичига олиши мумкин эмас.

3. Сайловчилар ўз сайлов ҳуқуқларини ҳар бири ўзича худудий жиҳатдан алоҳида ҳисобланган сайлов округларида амалга оширадилар. Депутатлар сони фуқароларнинг сонига қараб сайлов округлари бўйича тақсимланади. Сайловчиларни бошқача сайлов бирликларига бўлишга йўл қўйилмайди.

4. Оммавий муассасалар хизматчиларига, агар номзодларни Ландтаг сайловида овозга қўйилган ёки унинг депутати этиб сайланган бўлсалар, улар ўз номзодларини овозга қўйишлари ёки депутатлик ваколатларини амалга оширишлари учун зарур бўладиган бўш вақт билан таъминланишлари лозим. Ўлканинг конституциявий қонунида оммавий муассасаларнинг бундай хизматчилари учун қолган бошқа соҳаларда ҳам 59а-моддага мувофиқ келувчи тартиб белгиланиши мумкин.

96-модда. 1. Ландтаг аъзолари Миллий кенгаш аъзолари сингари дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадилар; тегишли равишида, 57-модданинг қоидалари татбиқ этилади.

2. 32 ва 33-моддаларнинг қоидалари Ландтаглар ва уларнинг қўмиталарининг мажлисларига нисбатан ҳам амал қиласиди.

97-модда. 1. Ўлка қонунини қабул қилиш учун Ландтаг қарори бўлиши, қарор тасдиқланиши ва ўлка Кон-

ституцияси қоидаларига мувофиқ тимзо билан тасдиқ қилиниши ва қонун ўлка губернатори томонидан ўлка қонунлари Бюллетенида эълон қилиниши лозим.

2. Агар ўлка қонуни, унинг бажарилishi учун Федерал органларнинг ёрдам кўрсатиши зарурлигини назарда тутса, у ҳолда Федерал ҳукуматнинг бу ёрдамга розилиги сўралиши лозим. Агар Федерал ҳукумат қонун чиқарувчи қарор ваколатли Федерал министриликка топширилган кундан бошлаб саккиз ҳафта ичидаги ўлка губернаторига Федерал органлар томонидан ёрдам кўрсатиш ҳақида рад жавобини маълум қилмаса, розилик олинган деб ҳисобланади, Федерал ҳукумат қонун чиқарувчи қарорга ўзининг рози эканлигини яққол ифодалаган тақдирдагина бу қарорнинг мазкур муддат таомом бўлмасдан олдин эълон қилинишига йўл қўйилади.

98-модда¹. 1. Ландтагнинг барча қонун чиқарувчи қарорлари қабул қилинган ҳамоно ва эълон қилинмасдан олдин ўлка губернатори томонидан Федерал канцлер маҳкамасига маълум қилиниши лозим.

2. Агар Ландтагнинг қонун чиқарувчи қарори натижасида Федерация манфаатларига зарар етказилиши мумкин бўлса, Федерал ҳукумат бундай қарор Федерал канцлер Маҳкамасига тақдим этилган кундан эътиборан саккиз ҳафта ичидаги унга қарши асосли эътиroz билдириши мумкин. Агар қонун чиқарувчи қарор ҳақида қонун чиқариш жараёни бошлангунга қадар, Федерацияга мазкур қарор лойиҳаси тўғрисида ўз фикрини айтиш имконияти берилган бўлса, у ҳолда эътиroz билдириш фақат Федерация ваколатларига аралашиш тўғрисидаги фикрга асосланиши мумкин. Эътиroz мавжуд бўлган тақдирда, қонун чиқариш ҳақидаги қарор агар у тақорорий равишда Ландтаг томонидан камида аъзоларнинг ярми иштирок этиб тасдиқлангандагина эълон қилиниши мумкин.

3. Эътиroz билдириш учун белгиланган муддат ўтиб бўлишига қадар қонун чиқариш ҳақидаги қарорни эълон қилишга фақат Федерал ҳукуматнинг яққол ифодаланган розилиги мавжуд бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.

4. Ландтагларнинг солиқларга доир масалаларни тартибига соловччи қонун чиқарувчи қарорларига нисба-

¹ 1983 йилги 175-сонли Қонун таҳририда.

тан молия тұғрисидаги Конституциявий қонун қоидала-
ри амал қиласы.

99-модда. 1. Үлканинг конституциявий қонуни шак-
лида қабул қилиниши лозим бўлган ўлка Конституция-
си, шунингдек, ўлканинг конституциявий қонуни билан
ҳам ўзгартирилади (агар бу билан Федерал Конститу-
цияга дахл қилинмаса).

2. Үлканинг конституциявий қонуни фақат Ландтаг
аъзоларининг ярмиси иштирок этган ва берилган овоз-
ларнинг учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томо-
нидан қабул қилинган бўлиши мумкин.

100-модда. 1. Ҳар бир Ландтаг Федерал ҳукумат-
нинг тавсияси ва Федерал кенгашнинг розилиги билан
Федерал президент томонидан тарқатиб юборилиши
мумкин. Федерал кенгашнинг розилиги аъзоларнинг
ярми иштирокида ва берилган овозларнинг учдан икки
қисмидан иборат кўпчилик билан берилиши лозим. Овоз
беришда Ландтаги тарқатиб юборилиши лозим бўлган
ўлка вакиллари иштирок этишлари мумкин эмас.

2. Ландтаг тарқатиб юборилган тақдирда уч ҳафта
ичида ўлка Конституцияси қоидаларига мувофиқ янги
сайлов тайинланиши лозим; янги сайланган Ландтаг
сайловдан кейин тўрт ҳафта мобайнида чақирилиши
лозим.

101-модда. 1. Ҳар бир ўлканинг ижроия ҳокимияти
Ландтаг сайлаган ўлка ҳукумати томонидан амалга
иширилади.

2. Ўлка ҳукуматининг аъзолари Ландтаг таркиби
киришлари мумкин эмас. Аммо ўлка ҳукумати тарки-
биға фақат Ландтагга сайланиш ҳуқуқига эга бўлган
шахсларгина сайланishi мумкин.

3. Ўлка ҳукумати ўлка губернатори, зарур миқдор-
даги ўринбосарлар ва бошқа аъзолардан таркиб топади.

4. Ўлка губернатори лавозимга киришишдан олдин
Федерал президент олдида, ўлка ҳукуматининг бошқа
аъзозлари эса — ўлка губернатори олдида Федерал Кон-
ституцияга садоқати тұғрисида қасамёд қиладилар. Қў-
шимча равишда диний мазмундаги қасамёд қилишга ҳам
йўл қўйилади.

102-модда. 1. Федерация ўлкаларда, унинг ўз феде-
рал органлари (бевосита федерал бошқарув) бўлмаган

ўлкаларда ўлка губернатори ва унга бўйсунган ўлка органлари (бевосита федерал бошқарув) орқали ўзининг ижроия ҳокимиятини амалга оширади. Агар Федерал бошқарувга бевосита мансуб бўлган вазифаларни бажариш Федерал органларга, хусусан Федерал полиция органларига топширилган бўлса, у ҳолда федерал органлар мазкур вазифаларни бажариш чофида ўлка губернаторига бўйсунадилар ва унинг кўрсатмалари билан боғланган бўладилар (20-модданинг 1-абзаци); бундай федерал органларга ижро этиш ҳаракатларини амалга ошириш топширилганлиги ёки қай даражада топширилганлиги Федерал қонунлар билан белгиланади; улар манфаатдор ўлкалар розилиги билан эълон қилиниши мумкин (агар бу 2-абзацда кўрсатиб ўтилган масалаларга нисбатан ижро этишни топшириш ҳолларига тааллуқли бўлмаса).

2. Конституцияда белгиланган ваколатлар доирасида федерал органлар бевосита қўйидаги масалалар юзасидан ижро этиш билан шуғулланишлари мумкин:

чегараларни белгилаш, хорижий мамлакатлар билан товар айрбошлиш ва чорва молларини сотиш, божхона иши, Федерация худудига кириш ва ундан чиқишини тартибга солиш ва назорат қилиш, федерал молия, монополиялар, ўлчовлар, тош-тарози, стандартлар ва наомуналар, техник синаб кўриш, адлия, паспорт иши, фуқароларни прописка қилиш, қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар, шунингдек отиш иши, патент иши, наомуналар, маркалар ва бошқа товар белгиларини муҳофаза қилиш, транспорт, сув ва кема полицияси, почта, телеграф ва телефон, кончилик иши, Дунайни тартибга солиш ва тартибда сақлаш, туғонлар қурилиши, сув йўлларини барпо этиш ва тартибда сақлаш, геодезия, меҳнат ҳуқуқи, ижтимоий сугурта, ёдгорликларни муҳофаза қилиш, Федерал полиция ва федерал жандармерияни ташкил этиш ва уларга раҳбарлик қилиш, ниҳоят, — фавқуллодда ҳолатлар мавжуд бўлганда ва ушбу федерал конституциявий қонун кучга кирган кунда федерал полиция органларининг маҳаллий ваколат соҳаси Федерациянинг қандайдир ҳудуди билан мос келмай қолган жойларда — ижтимоий осойишталикни, тартиб ва хавфсизликни сақлаш (маҳаллий хавфсизлик полициянинг фаолияти бундан мустасно), матбуот, бирлашмалар, йиғилишлар ҳамда хорижликлар ишлари билан шуғулланувчи полиция вазифаларига тааллуқли масалалар;

жарбий иш, уруш қатнашчилари ва уларнинг яқин кишиларига ғамхўрлик қилиш; болаларга нафақалар ва оила манфаатлари йўлида компенсациялар тўлашга доир соҳадаги демографик сиёсат, мактаб иши, шунингдек мактаб-интернатларда ва талабалар ётоқҳоналарида тарбия (қишлоқ ва ўрмон хўжалиги мактаб-интернатларидаги касбий мактаб таълими ва тарбия бундан мустасно).

3. Федерация ижро этувчи ҳокимиятини, шунингдек, 2-абзацда санаб ўтилган масалаларга тааллуқли ишларни амалга оширишни ўлка губернаторига топшириш ҳукуқи Федерацияда сақланиб қолади.

4. 2-абзацда санаб ўтилганлардан ташқари масалаларни қараб чиқиш учун ўз хусусий федерал органларини ташкил этишга фақат манфаатдор ўлкаларнинг розилиги билан йўл қўйилади.

5. Федерация хавфсизлигини муҳофаза қилишни таъминлайдиган Федерал полициянинг бирон-бир организнинг маҳаллий ваколати соҳасига тааллуқли худудга бошқа бир худудий бирликка тегишли бўлган хавфсизликни муҳофаза қилувчи бўлинмаларнинг киритилиши мумкин эмас ва улар у ерда турмаслиги лозим. Муҳофазани таъминлайдиган, Ташкил этилиши ва яшами мазкур қоидага зид бўлган бўлинмаларни тарқатиб юбориш Федерациянинг ижро этувчи ҳокимиятига тегишилдидир.

6. Федерал полиция органларини ташкил этиш, уларнинг ҳудудий ваколатларини белгилаш, 10-моддага мувофиқ чиқарилган Федерал қонунлар асосида ижро этувчи фаолияти федерал полиция органлари томонидан амалга ошириладиган бошқарув соҳаларини белгилаш, шунингдек, уларнинг предметли ваколатини аниқлаш ҳамда уларнинг органлари учун маҳсус хизмат йўл-йўриқларини нашр этиш Федерал ҳукумат қарори асосида амалга оширилади. Агар бундай органга ўлканнинг ўз ижро этиш ҳокимияти соҳасига кирадиган вазифаларни бажарни топшириладиган бўлса, у ҳолда кўрсатиб ўтилган қарор мазкур вазифаларни федерал полиция органларига топшириш тегишли ўлка қонунида кўзда тутилган бўлсагина чиқарилиши мумкин.

7. Агар айрим жамоаларда ижтимоий осойишталика ва тартибга таҳдид туғилиши туфайли маҳсус чора-тадбирлар кўрилиши зарур бўлса, ваколатли федерал министр хавф мавжуд бўлиб турган вақтда мазкур

чора-тадбирларни амалга оширишни ўзининг федерал органларига топшириши мумкин.

103-модда. 1. Бевосита федерал бошқарувга тегишли бўлмаган масалалар юзасидан ўлка губернатори Федерал ҳукуматнинг, шунингдек, айрим федерал министрларнинг кўрсатмалари билан (20-модда) боғлиқ бўлиб, мазкур кўрсатмаларнинг амалга оширилишини таъминлаши шартдир, бунинг учун у ўлканинг ўз ваколати сифатида иш олиб берадиган органи сифатида ўзи эга бўлган воситаларни ҳам татбиқ этади.

2. Ўлка ҳукумати ўз режаларини бевосита федерал бошқарувга тегишли бўлмаган (ҳақиқатда ўлканинг ўз ваколати доирасига кирадиган масалалар билан боғлиқ бўлганлиги учун) айрим бир гуруҳ масала ўлка губернатори номидан унинг ҳукумати аъзолари томонидан ҳал этилиши ҳақида қарор қабул қилиши мумкин. Ўлка ҳукуматининг тегишли аъзолари бу масалалар юзасидан ўлка губернаторининг кўрсатмалари билан (20-модда) боғлиқдирлар, губернатор ҳам Федерал ҳукуматнинг ёки айрим федерал министрларнинг кўрсатмалари билан худди шундай даражада боғлиқдир.

3. 1-абзацда кўзда тутилган Федерал ҳукуматнинг ёки айрим Федерал министрларнинг кўрсатмалари 2-абзацда кўзда тутилган ҳолларда ҳам ўлка губернаторига юборилиши лозим. Ўлка губернатори, агар у бевосита федерал бошқарувга тегишли бўлмаган ваколатларни мустақил равишда амалга оширмаса, ўз масъулияти остида (142-модданинг 2-абзаци, «г» банди) ўлка ҳукуматининг тегишли аъзосига дарҳол ёзма равишда ҳеч бир ўзгаришсиз кўрсатма бериши ва бу кўрсатманинг амалга оширилишини кузатиб бориши шарт. Агар ўлка губернаторининг зарур чоралар кўришига қарамай, кўрсатма бажарилмаса, ўлка ҳукуматининг тегишли аъзоси ҳам Федерал ҳукумат олдида 142-моддада кўзда тутилганидек жавобгар бўлади.

4. Бевосита федерал бошқарувга тегишли бўлмаган масалалар маъмурий инстанцияларда кўриб чиқилиши вақтида ўлка губернатори томонидан узил-кесил ҳал этилади, чунки у илгари чиқарилган қарорлари устидан шикоят қилинадиган орган сифатида қарайди бу масалага (агар федерал қонун, истисно тартибасида, масаланинг аҳамиятида қелиб чиқиб, бошқа нарсанни аниқ белгиламаган бўлса); бевосита федерал бошқарув-

га тегишли бўлмаган масалалар юзасидан биринчи инстанция сифатида ўлка губернатори қарор қабул қиласиган бўлса, бу масалалар, агар федерал қонунда бошқа нарса белгиланмаган бўлса, ваколатли федерал министргача бўлган барча инстанцияларда қараб чиқилиши мумкин.

104-модда. 1. Федерация ваколатига тааллуқли бўлган ва 17-моддада санаб ўтилган масалалар бўйича ижро этиш вазифаси юкланган муассасаларга 102-модданинг қоидалари қўлланилмайди.

2. Бироқ федерал мол-мulkни бошқарни вазифаси топширилган федерал министрлар бундай ишларни бажариши губернаторга ва унга бўйсунадиган ўлка орғанларига топширишлари мумкин. Бундай топшириш ҳар қандай пайтда тўлиқ ёки қисман бекор қилиниши мумкин. Бундай масалалар юзасидан ижро этиш билан боғлиқ бўлган харажатлар айrim фавқулодда ҳолларда Федерация томонидан қай даражада копланиши федерал қонун билан белгиланади.

105-модда. 1. Ўлка губернатори ўлка вакили ҳисобланади. Бевосита федерал бошқарувга тегишли бўлмаган масалалар юзасидан у Федерал ҳукумат олдида 142-моддада кўзда тутилганидек жавобгар бўлади. Ўлка губернатори вазифасини ўлка ҳукумати томонидан тайинланган ҳукумат аъзоси (ўлка губернаторининг ўринбосари) вақтинча бажаради. Бундай вазифаларга тайинлаш тўғрисидаги хабар Федерал канцлерга маълум қилиниши лозим. Бу хилдаги вазифани бажариб турган, бунинг учун бевосита Федерал бошқарувга тегишли бўлмаган масалалар юзасидан тайинланган ўлка ҳукуматининг аъзоси ҳам Федерал ҳукумат олдида 142-моддада кўзда тутилганидек жавобгар бўлади. Даҳлсизлик ҳуқуқи ўлка губернаторини ёки унинг вазифасини бажариб турган ўлка ҳукумати аъзосини бундай жавобгарликка тортишга тўсқинлик қилмайди. Шунингдек, даҳлсизлик ҳуқуқи 103-модданинг З-абзацида назарда тутилган ўлка ҳукумати аъзосини ҳам жавобгарликка тортишга тўсқинлик қилмайди.

2. Ўлка ҳукумати аъзолари Ландтаг олдида 142-моддада кўзда тутилган тарзда жавобгар бўладилар.

3. 142-моддада кўзда тутилган айловни билдириш

тўғрисида қарор қабул қилиш учун Ландтаг аъзоларининг ярми иштирок этиши зарур.

106-модда. Ўлка ҳукумати аппарати ички хизматига раҳбарлик қилиш учун ҳуқуқуй билимларга эга бўлган бошқарув амалдорлари орасидан ўлка бошқарув хизматининг директори тайинланади. У бевосита федерал бошқарувга тегишли бўлмаган масалалар юзасдан ўлка губернатори худудидаги ёрдамчи орган ҳам ҳисобланади.

107-модда. Бекор қилинганд¹.

Б. ФЕДЕРАЦИЯ ПОЙТАХТИ — ВЕНА

108-модда. Ўз мавқеи жиҳатидан ўлка мавқеига тенглаштирилган Федерация пойтахти — Венада жамоа кенгашига Ландтаг вазифаси ҳам юкланган, шаҳар сенатига — шунингдек, ўлка ҳукумати вазифаси, бургомистга — шунингдек, ўлка губернатори вазифаси, магистратга — шунингдек, ўлка ҳукуматини бошқариш хизмати вазифаси, магистрат директорига — шунингдек, ўлка бошқаруви хизмати директорининг вазифаси ҳам юкланган.

109-модда. Вена ўлкаси бевосита федерал бошқарувига тегишли бўлмаган соҳада маъмурий инстанцияларда масалаларни қараб чиқиш, агар бу нарса Федерал қонунда истисно қилинмаган бўлса, район бошқаруви органи ҳисобланган магистрат томонидан бошланади ёки биринчи инстанция сифатида ижро этиш федерал органларга (102-модданинг 1-абзаци, иккинчи гап) топширилган ҳолларда ана шу органлар томонидан бошланади ва сўнгра ўлка губернатори сифатидаги бургомистр томонидан амалга оширилади; қолган ҳолларда 103-модданинг 4-абзаци қоидалари амал қилади.

110-модда. Федерация пойтахти — Вена магистрати ҳузуридаги ўлка ҳукумати органи сифатида 11-модданинг 5-абзацига мувофиқ ташкил этиладиган маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд ишларини кўриб чиқиша юқори инстанция ҳисобланган ва ўлка-

¹ Федерал Конституциянинг 15а-моддаси, 2-абзаци билан алмаштирилган. (Тузувчилар изоҳи).

нинг ўз ваколати соҳасига тегишли бўлган маъмурий жазолар тўғрисидаги ишлар бўйича сенат бевосита федерал бошқарувга тегишли бўлмаган маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишлар бўйича юқори инстанция сифатида суд ишларини кўриб чиқиши лозим; бундай ҳолларда айни вақтда ўлка губернатори ҳам ҳисобланувчи бургомистр маъмурий жазолар тўғрисидаги ишлар бўйича сенаторларнинг тақдимларига асосан қонунда кўзда тутилган авф этишини амалга оширишга вакил қилинган бўлади.

111-модда. Қурилиш ва солиқларга доир масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишда маҳсус коллегиал органлар энг юқори инстанция ҳисобланади. Мазкур коллегиал органларни тайинлаш таркиби ва тартиби ўлкаларнинг қонунлари билан тартибга солинади.

112-модда. Федерация пойтахти — Венага нисбатан 108—111-моддаларнинг қонунларини ҳисобга олган ҳолда, қолган ҳолларда мазкур бўлимнинг «в» боби қоидалари амал қиласди. 119-модданинг 4-абзаци ва 119а-модда бундан истиснодир. Федерация пойтахти — Венага берилган ваколатни амалга оширишда 142-модданинг 2-абзаци, «г» банди ҳам қўлланилиши керак.

113-модда. Бекор қилинган¹.

114-модда. Бекор қилнган.²

В. ЖАМОАЛАР

115-модда. 1. Қуйидаги моддаларнинг мазмунига мувофиқ, жамоалар деганда маҳаллий жамоаларни тушуниш керак.

2. Муайян тарзда Федерация ваколатига ажратилмаган масалаларга нисбатан ўлка қонунчилиги мазкур бобнинг кейинги моддалари тамойилларига мувофиқ жамоаларнинг ҳуқуқини тартибга солиши лозим. 118 ва 119-моддаларга мувофиқ жамоалар юритадиган масалаларга доир ваколат ушбу Федерал Конституциянинг умумий йўл-йўриқларига мувофиқ белгиланади.

¹ 1925 йил 30 июлдаги 268-сонли Конституцион қонуи билан.

² 1925 йил 30 июлдаги 268-сонли Федерал Конституцион қонуи билан.

в) бургомистр.

2. Жамоа кенгашига сайлов тенг, түнпә-түғри сайлов ҳуқықи асосида жамоа худудида доимий яшаш жойига та бўлган Федерация фуқаролари шахсан амалга оширадиган яширин овоз бериш йўли билан пропорционал гизим асосида ўтказилади. Сайлов түғрисидаги Низом Тандтагга сайлов түғрисидаги Низомдан ҳам фаолроқ за пассивроқ сайлов ҳуқуқининг янада чекланган шарттарини ўз ичига олиши мумкин эмас. Бироқ шу нарса белгиланиши мумкинни, жамоа худудида бир йилдан камроқ вақт яшаётган шахсларга, агар уларнинг жамоада бўлиши фақат вақтинча эканлиги маълум бўлса, жамоа кенгашига сайловда уларга фаол ва пассив сайлов ҳуқықи берилмайди. Ландтагга сайлов ўтказишда сайловда қатнашиш бурчи ҳақидаги йўл-йўриқлар (95-модданинг 1-абзацидаги охирги гап) тегишли равища жамоа кенгашини сайлашда ҳам татбиқ этилиши керак. Сайлов түғрисидаги Низом қўйидагиларни белгилаши мумкин: сайловчилар ўз сайлов ҳуқуқларини сайлов округлари бўйича амалга оширадилар, сайлов округларининг ҳар бирни алоҳидадир. Сайловчиларни бошқа сайлов бўлинмаларига бўлишга йўл қўйилмайди.

3. Жамоа кенгашининг қарор қабул қилиши учун унинг аъзолари овозининг оддий кўпчилиги зарур, аъзолар кенгашни қонуний ҳуқуқда эга деб эътироф қилиш учун талаб қилинадиган миқдорда қатнашилари керак; бироқ муайян масалалар юзасидан қарор қабул қилиш учун бошқа шартлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

4. Жамоа кенгашининг мажлислари очиқ бўлади, бироқ истиснолар ҳам назарда тутилиши мумкин. Жамоа сметаси лойиҳасини ёки якуний балансини муҳокама қилишда ошкоралик мустасно бўлиши мумкин эмас.

5. Жамоа кенгашида олинган мандатлар сонига қараб вакил бўлиб қатнашा�ётган партиялар жамоа бошқарувида ҳам ўз вакилларига эга бўлишлари лозим.

6. Жамоаларда ишларни юритиши жамоа бошқаруви хизмати (шаҳар бошқаруви хизмати) томонидан, мустақил мақомга эга бўлган шаҳарларда эса, — магистрат томонидан амалга оширилади. Магистраттининг ички хизматига раҳбарлик қилиш учун бошқарувнинг ҳуқуқий билимларга эга бўлган амалдорлари орасидан магистрат директори тайинланади.

116-модда. 1. Ҳар бир ўлка жамоаларга бўлни Жамоа мустақил ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқига бўлган ҳудудий бирлик ва айни вақтда маъмурий бирлик ҳисобланади. Ҳудуднинг ҳар бир участкаси бир бир жамоага тегишли бўлиши лозим.

2. Жамоа мустақил хўжалик бирлиги ҳисобланади. У Федерация ва ўлканинг умумий қонунлари билан бе-гиланган доирада ҳар қандай мол-мулкка эга бўли уни сотиб олиш ва тасарруф қилиш, хўжалик тадби-корлиги билан шуғулланиш, шунингдек, молиявий ти-зим доирасида ўз бюджетини мустақил белгилаш в-солиқлар олиш ҳуқуқига эгадир.

3. Аҳолиси камида 20000 бўлган жамоа учун, агар бу ўлка манфаатларини камситмаса, жамоа тавсиясига мувофиқ ўлка қонуни асосида мустақил мақом (шаҳар ҳуқуқий мақоми) белгиланиши лозим. Қонун тарзидаги бундай қарор фақат Федерал ҳукумат розилиги билан-гина эълон қилиниши мумкин. Агар қонун тарзидаги қа-рор ваколатли федерал министрлик томондан олинган кундан бошлаб саккиз ҳафта ичida Федерал ҳукумат ўлка губернаторига ўз эътироzinи маълум қилмаса, ро-зилик берилган деб ҳисобланади. Мустақил мақомга эга бўлган шаҳар жамоа бошқаруви вазифаларидан таш-қари, район бошқаруви вазифаларини ҳам амалга оши-риши лозим.

4. Тегишли қонунлар билан (10—15-моддалар) му-айян мақсадларда жамоа иттифоқлари ташкил этилиши кўзда тутилиши мумкин. Бундай жамоа иттифоқлари ўз жамоалари ваколати соҳасига кирадиган вазифаларни бажариш лозим бўлган ҳолларда бу хилдаги итти-фоққа кирадиган жамоалар ўзларига юкланган вазифа-ларни бажариш чоғида иттифоқнинг зарур таъсир ўтка-зишига йўл қўйилиши лозим. Ижро этувчи фоалиятни амалга ошириш тартибида жамоалар иттифоқларини тузиш вақтида манфаатдор жамоаларнинг фикрини ол-диндан эшитиш лозим.

117-модда. 1. Жамоа органлари сифатида ҳар қандай ҳолатда ҳам қўйидагилар иш олиб бориши лозим:

а) Жамоа кенгashi, у жамоага кирадиган, сайлов ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар томонидан сайланиши керак бўлган умумий вакиллик органидир;

б) жамоа бошқаруви (шаҳар кенгashi), мустақил мақомга эга бўлган шаҳарларда эса, — шаҳар сенати;

118-модда. 1. Жамоанинг ҳуқуқ доирасини унинг ўз ваколатлари ва унга Федерация ёки ўлка томонидан берилган ваколатлар ташкил этади.

2. Жамоанинг ўз ҳуқуқ доираси, 116-модданинг 2-абзацида кўрсатилган ваколатлардан ташқари, жамоага кирувчи фуқароларнинг мутлақ ёки кўпроқ маҳаллий манбаатларигагина тааллуқли масалалар юзасидан зарур чора-тадбирлар жамоа томонидан унинг худудий чегаралари доирасида қабул қилиниши мумкин. Қонунларда жамоанинг ўз ҳуқуқлари доирасига кирадиган ваколатлар аниқ санаб ўтилиши лозим.

3. Жамоа, хусусан, ўзининг ҳуқуқ доирасида қўйидаги масалалар юзасидан ҳалқ бошқарувига доир вазифаларнинг бажарилиши учун жавобгардир;

1) Жамоа органларини ўзидан юқорида турувчи сайлов органларининг ваколатини чекланмайдиган доирада тайинлаш; жамоа олдида турган вазифаларни бажариш мақсадида ички тузилишни тартибга солиш;

2) Юқори интизом, малака ва инспекция комиссияларининг ҳуқуқ доирасини чекламайдиган доирада жамоа хизматчиларини тайинлаш ва хизмат фаолиятига раҳбарликни амалга ошириш;

3) Маҳаллий хавфсизлик полицияси (15-модданинг 2-абзаци); оммавий тадбирларни ўtkазиша тартибини таъминлайдиган маҳаллий полиция;

4) жамоа ичида транспорт йўлларини бошқариш, маҳаллий йўл полицияси;

5) маҳаллий экинзорларни муҳофаза қилувчи полиция;

6) маҳаллий бозорлар полицияси;

7) соғлиқни сақлаш бўйича маҳаллий полиция хизмати, хусусан тез ёрдамни ва қутқарув хизматини ташкил этиш хизмати, шунингдек, дафн этишини ташкил қилиш ва қабристонлар иши хизмати;

8) расм-русумлар полицияси;

9) маҳаллий қурилиш полицияси, агар бу Федерацияга ва оммавий мақсадларга хизмат қилувчи биноларга тааллуқли бўлмаса (15-модданинг 5-абзаци), маҳаллий ўт ўчириш полицияси, маҳаллий ҳудудларни режалаشتариш;

10) изоларни ҳал қилишда суддан ташқари воситачилик бўйича оммавий муассасалар;

11) кўчар мулкни кимошди савдосида ихтиёрий равишда сотиш.

4. Жамоа ўзининг ваколатларини ўз ҳуқуқлари доирасида Федерация ва ўлка қонунлари ҳамда қарорлари чегарасида ўз жавобгарлиги остида, кўрсатмалар билан боғлиқ бўлмаган ва 119а-модданинг 5-абзаци қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, амалга ошириши лозим, тики жамоа чегарасидан ташқари бошқарув органларига шикоят қилишга ўрин қолмасин. Федерация ва ўлкалар жамоанинг ўз ҳуқуқ доирасига кирадиган вазифаларни бажаришни назорат қилиш (119а-модда) ҳуқуқига эгадирлар. Бу билан 12-модданинг 2-абзаци қоидаларига дахл қилинмайди.

5. Бургомистр, жамоа бошқаруви (шаҳар кенгаши, шаҳар сенати) аъзолари ва жамоанинг тайинланадиган бошқа ҳар қандай органлари жамоанинг ўз ҳуқуқ доирасига кирадиган вазифаларни бажариш учун жамоа кенгаши олдида жавобгардирлар.

6. Жамоа ўзининг ҳуқуқ доирасига кирадиган масалалар юзасидан ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда, маҳалий полиция фармойишларини нашр этиши мумкин, бундан мақсад жамоанинг ижтимоий ҳаётига халақит берувчи тартиббузарликларнинг олдини олиш ёки уларни бартараф этиш шунингдек, бу фармойишларга риоя қилинмаслигини маъмурий хатти-ҳаракат деб эътироф қилишдир. Бундай фармойишлар Федерация ва ўлканинг амалдаги қонунлари ҳамда қарорларига зид келмаслиги лозим.

7. Жамоанинг илтимоси билан ўз ҳуқуқ доирасига кирадиган айрим ваколатларни 119а-модданинг 3-абзацига мувофиқ, ўлка ҳукуматининг ёки ўлка губернаторининг қарорига биноан бирон-бир давлат органига топшириш мумкин. Агар ана шундай қарор асосида ваколат Федерал органга топшириладиган бўлса, у ҳолда бунинг учун Федерал ҳукуматнинг розилиги талаб қилинади. Агар ўлка губернаторининг фармойишига асосан ваколат ўлка органига топшириладиган бўлса, бунинг учун ўлка ҳукуматининг розилиги талаб қилинади. Бундай қарорнинг қабул қилинишини келтириб чиқарадиган сабаб йўқ бўлиши ҳамоно қарор бекор қилиниши лозим. Кўрсатиб ўтилган ваколатларни топшириш 6-абзатга мувофиқ фармойилшар чиқариш ҳуқуқига татбиқ этилмайди.

119-модда. 1. Жамоага топшириладиган ваколат жамоанинг Федерал қонунларга ёки Федерация топшири-

ғига мувофиқ ёхуд унинг кўрсатмалари асосида амалга ошириши лозим бўлган ваколатларни ёки ўлка қонунларига мувофиқ ёхуд ўлка топшириғи ёки унинг кўрсатмалари асосида жамоа амалга ошириши лозим бўлган ваколатларни ўз ичига олади.

2. Жамоага топширилган ваколатларни бургомистр амалга оширади. Лекин Федерал ижроия ҳокимиятнинг ҳуқуқ доирасига қирадиган масалалар юзасидан у (бургомистр) Федерациянинг ваколатли органлари кўрсатмалари билан ўлканнинг ижроия ҳокимияти ҳуқуқ доирасига кирадиган масалалар юзасидан эса, — ўлка ваколатли органларининг кўрсатмалари билан боғланган бўлади ва мазкур масалалар учун 4-абзацнинг қоидаларига мувофиқ масъул ҳисобланади.

3. Бургомистр ўзидан масъулиятни соқит қилмаган ҳолда жамоа бошқаруви (шаҳар кенгаши, шаҳар сенати) аъзоларига, шунингдек, 117-модданинг 1-абзацига мувофиқ тузилган бошқа органларга ёки коллегиал органларнинг аъзоларига айrim масалаларга доир ваколатларни ўз номидан топшириши мумкинки, бу масалалар, аслида, жамоанинг ўз ҳуқуқ доирасига кирувчи ваколатлар билан боғлиқлиги туфайли жамоага берилган ҳуқуқ доирасига тегишли бўлади. Топширилган ваколатларни амалга ошириш вақтида тегишли органлар ёки уларнинг аъзолари бургомистрнинг кўрсатмалари билан боғланган бўладилар ва 4-абзацнинг қоидаларига мувофиқ масъул ҳисобланадилар.

4. Қонуннинг бузилиши, шунингдек, қарор ёки кўрсатманинг бажарилмаслиги муносабати билан 2 ва 3-абзацларда айтиб ўтилган шахслар, уларга атайлаб қонунни бузганлиги ёки қўпполлик билан эҳтиётсизлик қилгани айб қилиб қўйилган тақдирда, агар улар Федерал ижроия ҳокимият соҳасидаги ваколатларни амалга оширган бўлсалар, ўз лавозимларидан ўлка губернатори томонидан четлаштириладилар, агар ўлка ижроия ҳокимияти соҳасидаги ваколатларни амалга ошириб келган бўлсалар, ўлка ҳукумати томонидан четлаштириладилар. Бу ҳар қандай ҳолда ҳам мазкур шахснинг жамоа кенгашига аъзолигига дахлдор бўлмайди.

119а-модда. 1. Федерация ва ўлкалар жамоанинг ўз ҳуқуқ доирасига қирадиган ижроия ҳокимият жараёнидаги қонунлар ва қарорларни бузәётган ёки бузмаётганлигини, хусусан ўз ҳуқуқий доирасидан четга чиқа-

ётган ёки чиқмаётгандыктын ва зымасыга қонун томонидан юкландын вазифаларни бажараётган ёки бажармайдыгандыктын назорат қилишни амалга оширадылар.

2. Бундан ташқари, ўлка жамоанинг молиявий фаолигини унинг тежамкорлиги, рентабеллиги ва мақсадга мувофиқлиги нүктан назаридан текширишга ҳақлидир. Текшириш натижалари жамоа кенгашига тақдим этиш учун бургомистрға топширилиши лозим. Бургомистр уч ой ичида назорат органларига текшириш натижалари юзасидан күрилган чоралар ҳақида маълум қилиши керак.

3. Федерал ижроия ҳокимият таркибидаги жамоанинг ўз ҳуқуқ доирасига кирадыган ваколатларни назорат қилиш ва бу назоратнинг қонун билан тартибга солинишини амалга ошириш ҳуқуқи Федерацияга, қолган ҳолларда эса — ўлкаларга тааллуқлидир; назоратни умумий давлат бошқаруви органлари амалга оширишлари лозим.

4. Назорат органлари жамоанинг ҳар қандай ишларни түғрисида маълумотлар олишга ҳақлидирлар. Жамоа муайян ҳолатда назорат органлари талаб қилган ҳар қандай маълумотни тақдим этиши ва жойларда текшириш ишларини ўтказишга имкон яратиши шарт.

5. Бирон-бир жамоа органининг қарори билан жамоанинг ўз ҳуқуқ доирасига кирадыган масалалар юзасидан, менинг ҳуқуқим бузилди, деб ҳисобловчи шахс, мазкур масала барча олдинги инстанцияларда қараб чиқилғандан кейин (118-модданинг 4-абзаци) қарор қабул қилингач, иккى ҳафта ичида қарорга эътиroz билдириб назорат органига мурожаат қилиши мумкин. Назорат органи, агар қарор ариза берувчининг ҳуқуқларини бузган бўлса, уни бекор қилиши ва ишни янги қарор қабул қилиш учун жамоага юбориши лозим. Тегишли қонунчилик (3-абзац), мустақил мақомга эга бўлган шаҳарларнинг назорат органларига мурожаат этиш истисно қилинади, деб белгилаши мумкин.

6. Жамоа ўз ҳуқуқ доирасида чиқарилган қарорларни назорат органига дарҳол маълум қилиши керак. Назорат органи жамоанинг фикрини эшитиб, ўзининг қарори билан ғайриқонуний қарорларни бекор қилиши ва жамоага бекор қилиш сабабларини ўз вақтида маълум қилиши зарур.

7. Агар тегишли қонунлар (3-абзац) назорат органлари томонидан күриладиган чора сифатида жамоа

кенгашини тарқатиб юборишни назарда тутса, у ҳолда ўлка назорат органлари назоратни амалга ошираётганда бу чора ўлка ҳукумати томонидан татбиқ этилади, назорат Федерация органлари томонидан ўтказилаетганда эса — ўлка губернатори томонидан татбиқ этилади. Назорат органлари фойдаланадиган чора сифатидаги компенсацияга йўл қўйилиши албатта зарурият ҳоллари билан чекланини лозим.

Назорат органлари фойдаланадиган чоралар шундай қўлланилиши керакки, бунда учинчи шахслар томонидан қўлга киритилган ҳуқуқлар инҳоят даражада муҳофаза қилинган бўлсин.

8. Жамоанинг ўз ҳуқуқ доирасига кирадиган, маълум даражада фақат маҳаллий манфаатларга тааллуқли бўлган айрим чораларни, хусусан алоҳида молиявий аҳамиятга эга бўлган чораларни амалга оширишига тегишли қонунлар асосида (3-абзац) йўл қўйилиши мумкин; бундай ҳолда уларни амалга ошириш учун назорат органидан рухсат олинниши шарт. Рухсат берини рад қилиш учун сабаб сифатида фақат шундай ҳолатларнинг мавжудлиги назарда тутилиши мумкини, улар маҳаллий манфаатларни эмас, балки анча умумийроқ манфаатларни устун деб билиш зарурлигини бутунлай оқласин.

9. Назорат органлари амалга оширадиган жараёнда жамоа битта томон мақомига эга бўлади; у назорат органи устидан шикоят қилиб Маъмурий судга (131 ва 132-моддалар) ҳамда Конституциявий судга (144-модда) мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

10. Бу модданинг қоидалари тегишли равишда жамоа итифоқларини назорат қилиши амалга оширишга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин (агар гап уларнинг фаолияти жамоанинг ўз ҳуқуқ доираси соҳаси тўғрисида борган бўлса). (116-модданинг 4-абзаци).

120-модда. Маҳаллий жамоаларни худудий жамоаларга бирлаштириш, уларнинг ўз-ўзини бошқариш асосидаги тузилиши ва ўлкаларда умумий давлат бошқарувини ташкил этишининг бошқа тамойилларини белгилаш Федерал конституциявий қонунлар тартибга соладиган мавзу ҳисобланади; бу қонунларни аниқлаштириш ўлкаларнинг қонунлари орқали амалга оширилади. Хизмат ҳуқуқи соҳасидаги ваколатни аниқлаш ва ҳудудий жамоалар хизматчилари лавозимларини вақтинча

бажариб туришни тартибга солувчи ҳуқуқни белгилаш федерал конституциявий қонунлар мавзуси ҳисоблашади.

БЕШИНЧИ БҮЛИМ

ҲИСОБ-ҚИТОБ ВА МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

121-модда. 1. Федерация, ўлкалар, жамоа иттифоқлари, жамоалар ва қонун билан белгиланган бошқа ҳуқуқ субъектларининг молиявий фаолиятини текшириш ҳисоблаш палатасига юкланди.

2. Ҳисоблаш палатаси Федерация бюджетининг бажарилиш якунлари тўғрисида ҳисобот тузиб чиқади ва уни Маҳаллий кенгашга тақдим этади. Федерация бюджетининг бажарилиш якунлари тўғрисидаги ҳисобот мазмуни Миллий кенгашда муҳокама қилиш бошланмагунча эълон қилиниши мумкин эмас.

3. Федерациянинг молиявий мажбуриятлари ва қарзларига доир барча ҳужжатлар Ҳисоблаш палатаси ралисинг имзоси билан тасдиқланиши, унинг ўз вазифаларини амалга оширишига тўқсиялик қилувчи ҳолатлар вужудга келганда, — раис ўринбосарининг имзоси билан тасдиқланиши лозим. Бу имзо фақат қарзларининг тўғрилигини ва уларнинг давлат қарзларини қайд қилиб борувчи Асосий китобга тўғри ёзилишини кафолатлади.

122-модда. 1. Ҳисоблаш палатаси бевосита Миллий кенгашга бўйсунади. У Федерациянинг молиявий фаолияти масалалари юзасидан Миллий кенгаш органи сифатида сўзга чиқади, ўлкалар, жамоа иттифоқлари ва жамоаларнинг молиявий фаолияти масалалари юзасидан эса — тегишли Ландтаг органи сифатида иш кўради.

2. Ҳисоблаш палатаси Федерал ҳукуматдан ва ўлкалар ҳукуматларидан мустақил бўлиб, фақат қонун қоидаларига бўйсунади.

3. Ҳисоблаш палатаси раис, вице-раис ва зарур миқдордаги амалдорлар ҳамда ёрдамчи ходимлардан ташкил топади.

4. Ҳисоблаш палатасининг раиси ва вице-раиси Миллий кенгаш Бош қўмитаси таклифи билан Миллий кенгаш томонидан сайланади. Улар ўз лавозимларига ки-

ришишдан олдин Федерал президентга қасамёд қила-
дилар.

5. Ҳисоблаш палатаси раиси ва вице-раиси бирон
бир умумий вакиллик органи таркибиға кирмасликлари
ва кейинги тўрт йил мобайнида Федерал ҳукумат ёки
ўлкалардан бирининг ҳукумати аъзолари бўлмаслика-
ри лозим.

123-модда. 1. Ҳисоблаш палатасининг раиси масъу-
лият жиҳатидан Федерал ҳукумат ёки ўлка ҳукумати
аъзоларига тенглаштирилади, бу Ҳисоблаш палатаси-
нинг Миллий кенгаш ёки Ландтаг органи сифатида ҳа-
ракат қилиш-қилмаслигига боғлиқдир.

2. Ҳисоблаш палатаси раиси ва вице-раиси Миллий
кенгаш қарори билан чақириб олинишлари мумкин.

123а-модда. 1. Ҳисоблаш палатаси раиси ва вице-
раиси Миллий кенгашда, шунингдек, унинг қўмитала-
рида (кичик қўмиталарида) Ҳисоблаш палатаси маъру-
заларини, Федерация бюджетининг бажарилиши якун-
ларини ҳамда Федерал молия қонунининг Ҳисоблаш па-
латасига тааллуқли лойиҳаси бобларини муҳокама қи-
лишда қатнашишга ҳақлидирлар.

2. Миллий кенгашнинг регламенти тўғрисидаги Фе-
дерал қонунининг янада батафсилроқ қоидаларига муво-
фиқ ҳисоблаш палатасининг раиси шундай ҳуқуққа эга-
ки, унинг талаби билан 1-абзаца кўрсатиб ўтилган ма-
салаларни муҳокама қилниш вақтида барча ҳолларда
унинг фикри тингланиши керак.

124-модда. 1. Ҳисоблаш палатасининг раиси ўзининг
вазифаларини амалга ошираётганда унга тўқсиилик
қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлса, унинг вазифаларини
вақтинча вице-раис бажариб туради, агар вице-раисга
нисбатан ҳам унинг ўз вазифаларини амалга ошириши
халақит берадиган ҳолатлар маълум бўлган тақдир-
да Ҳисоблаш палатасининг ўз мавқен бўйича катта
амалдори бажариб туради. Раислик лавозими бўш (ва-
кант) бўлиб турган вақтда ҳам бу' тартиб амал қила-
ди. Миллий кенгашда Ҳисоблаш палатаси раисининг
вазифасини вақтинча бажариб туриш Миллий кенгаш-
нинг регламенти тўғрисидаги Федерал қонун билан бел-
гиланади.

2. Раиснинг вазифасини бошқа шахс бажариб турган вақтда бу шахсга 123-модданинг 1-абзаци қондадарли татбиқ этилади.

125-модда. 1. Ҳисоблаш палатаси амалдорларини Федерал президент Ҳисоблаш палатаси раисининг таклифи билан тайинлайди, раис мазкур тайинлашни ўз имзоси билан тасдиқлайди; худди шундай тартиб хизматга доир увоннлар берилшида ҳам амал қиласи. Бироқ Федерал президент муайян тоифадаги амалдорларни тайинлаш соҳасидаги ваколатларни Ҳисоблаш палатаси раисига топшириши ҳам мумкин.

2. Ердамчи ходимлар Ҳисоблаш палатаси раиси томонидан тайинланади.

126-модда. Ҳисоблаш палатасининг бирорта ҳам аъзоси фаолияти Ҳисоблаш палатаси томонидан назорат қилиниши керак бўлган корхоналарга раҳбарлик қилиш ва уларни бошқаришда иштирок эта олмайди. Ҳисоблаш палатасининг бирорта ҳам аъзоси фаолияти дафомад олиш билан боғлиқ бўлган бошқа корхоналарга раҳбарлик қилишда ва уларни бошқаришда иштирок эта олмайди.

126а-модда. Агар Ҳисоблаш палатасида Федерал ҳукумат ёки Федерал министр билан ёхуд ўлка ҳукумати билан Ҳисоблаш палатасининг ваколатларни тартибга соладиган қонун қоидаларнинг талқин қилиниши хусусида келишмокчилик вужудга келадиган бўлса, у ҳолда масала Федерация (ўлка) ҳукуматининг ёки Ҳисоблаш палатасининг аризасига кўра Конституциявий суднинг ёпиқ мажлисида ҳал этилади. Жараённи қараб чиқиш тартиби Федерал қонун билан бошқарилади.

126б-модда. 1. Ҳисоблаш палатаси Федерациянинг бутун давлат хўжалигини, шунингдек, ҳайрия, бошқа жамғармалар ва муассасалар билан боғлиқ бўлган молиявий фаолиятни текшириши лозим, уларни бошқариш Федерация органлари ёки бунинг учун Федерация органлари томонидан тайинланадиган шахслар (шахслар бирлашмалари) томонидан амалга оширилади.

2. Қолаверса, Ҳисоблаш палатаси фақат Федерациянинг ўзи томонидан ёхуд Федерация ҳамда бошқа ҳуқуқ субъектлари томонидан биргаликда ташкил этилади.

диган корхоналарнинг молиявий фаолиятини текширади, уларга нисбатан Ҳисоблаш палатаси ўз капиталининг дастлабки, асосий ёки камидаги 50% тегишли бўлган ҳолларда назоратни амалга оширишга ваколатли бўлади, ёки фақат Федерациянинг ўзи томонидан ёхуд у ва юқорида кўрсатиб ўтилган бошқа ҳуқуқ субъектлари билан биргаликда фойдаланиладиган корхоналар фаолиятини ҳам текширади. Бундай молиявий иштирок этишга бошқа молиявий ёки бирон-бир иқтисодий ёхуд ташкилий чора-тадбирлар ёрдамида амалга ошириладиган корхоналарни бошқариш ҳам тенглаштирилади. Ҳисоблаш палатасининг ваколати мазкур абзацда кўрсатиб ўтилган белгиларга тўғри келадиган ҳар қандай даражадаги бошқа тадбиркорлик ташкилотларига ҳам татбиқ этилади.

3. Ҳисобланш палатаси Федерация маблағлари ҳисобидан оммавий-ҳуқуқий корпорацияларнинг молиявий фаолиятини текширишга ҳақлидир.

4. Миллий кенгаш қарори асосида ёки Миллий кенгаш аъзоларининг талаби билан Ҳисоблаш палатаси ўзининг ваколати доирасида молиявий фаолиятни маҳсус текширишдан ўтказиши лозим. Бу ишни янада батафсилоқ тартибга солиши Миллий кенгашнинг регламенти тўғрисидаги Федерал қонун билан белгиланади. Ҳисоблаш палатаси, шунингдек, бундай текширишларни Федерал Ҳукуматнинг ёки федерал министрнинг асосланган талаби билан ҳам амалга ошириши ва текшириши ўтказишни талаб қилган органга унинг натижаларини маълум қилиши лозим.

5. Ҳисоблаш палатаси ўтказадиган текшириш рақамли маълумогларнинг аниқлигини намоён қилишни, фаолиятнинг мавжуд йўл-йўриқларга мос келишни, шунингдек, яна унинг тежамли, рентабелли ва мақсадга мувофиқ эканлигини аниқлашини ўз ичига олади.

126в-модда. Ҳисоблаш палатаси ижтимоий суғурта органлари вакилларининг молиявий фаолиятини текширишда қонуний ҳуқуққа эгадир.

126г-модда. 1. Ҳисоблаш палатаси ҳар йилнинг 15 октябридан кечикмай Миллий кенгашга ўзининг ўтган йилги фаолияти тўғрисида ёзма маълумот тақдим этаади. Бундан ташқари, Ҳисоблаш палатаси исталган вақтда Миллий кенгашга турли илтимослар бўйича ўзи аниқ-

лаган айрим далиллар ҳақида хабар бериши мумкин. Айни вақтда Ҳисоблаш палатаси Миллий кенгашга тақдим этадиган ҳар бир ёзма маълумотни Федерал канцлерга ҳам юбориши шарт. Ҳисоблаш палатасининг фаолияти тӯғрисидаги ҳар йилги ёзма маълумот эълон қилиниши лозим; бироқ унинг мазмуни Миллий кенгашда муҳокама қилинмасдан олдин эълон қилиниши мумкин эмас.

2. Ҳисоблаш палатасининг ёзма маълумотларини қараб чиқиши учун Миллий кенгашда доимий қўмита ташкил этилади. Уни ташкил этиши вақтида мутаносиб вакиллик тамойилига риоя қилиниши лозим.

127-модда. 1. Ҳисоблаш палатаси ўзининг ваколат доирасига кирадиган ўлкаларнинг молиявий фаолиятини, шунингдек, хайрия, бошқа жамғармалар ва муассасалар билан боғлиқ молиявий фаолиятни текширишдан ўзказиши лозим, бу жамғармалар ва муассасаларни бошқариш ўлка органлари томонидан ёки бунинг учун ўлка органлари тайинлаган шахслар (шахслар бирлашмалари) томонидан амалга оширилади. Ҳисоблаш палатаси ўtkазадиган текшириш рақамли маълумотларнинг аниқлигини намоён қилишни, фаолиятнинг мавжуд йўл-йўриқларига мос келишини ва сўнгра молиявий фаолиятнинг тежамли, рентабелли ва мақсадга мувофиқ эканлигини аниқлашни ўз ичига олади; бироқ у Конституцияга мувофиқ иш олиб борадиган ваколатли вакиллик органларининг молиявий фаолияти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган қарорларга татбиқ этилмайди.

2. Ўлкаларнинг ҳукуматлари ҳар йил ҳисоблаш палатасига дастлабки сметаларни ва якуний баланс ҳисобтларини топширишлари шарт.

3. Қолаверса, Ҳисоблаш палатаси ё фақат ўлканнинг ўзи томонидан ташкил этиладиган корхоналарнинг ёки ўлканнинг ўзи бошқа ҳуқуқ субъектлари билан биргаликда ташкил этадиган корхоналарнинг фаолиятини текширади, Ҳисоблаш палатаси бу корхоналарга ўз капиталининг дастлабки, асосий ёки камида 50% тегишли бўлган ҳоллардагина уларни назорат қилишни амалга оширишга ваколатлиди ёки, шунингдек, фақат ўлканнинг ўзи томонидан эксплуатация қилиб келинаётган ёки ўлканнинг ўзи юқорида кўрсатиб ўтилган бошқа ҳуқуқ субъектлари билан биргаликда эксплуатация қила-диган корхоналар фаолиятини ҳам текширади. Молия-

вий иштирок этиш тушунчасига нисбатан, тегишли равнида, 1266-модданинг 2-абзаци амал қилади. Ҳисоблаш палатасининг ваколати, шунингдек, мазкур абзацда кўрсатиб ўтилган белгиларга тўғри келадиган ҳар қандай даражадаги бошқа тадбиркорлик ташкилотлигига ҳам татбиқ этилади.

4. Ҳисоблаш палатаси ўлка маблағлари ҳисобига оммавий-хуқуқий корпорацияларнинг молиявий фаолиятни текширишдан ўтказишда қонуний хуқуққа эгадир.

5. Ҳисоблаш палатаси ўз текширув натижаларини — бу ҳақда Ландтагга тақдим қилиш ва уч ҳафта мобайнида кўрилган масала юзасидан хулоса ишлаб чиқилиши учун, — ўлка ҳукуматига маълум қилиши лозим. Ўлка ҳукумати уч ой ичиде текшириш натижалари бўйича кўрилган чора-тадбирлар ҳақида Ҳисоблаш палатасига маълум қилиши шарт.

6. Ҳисоблаш палатаси, шунингдек, Ландтагга тақдим этилган маълумотномани албатта ўлка ҳукуматининг хулосаси билан Федерал ҳукумат эътиборига топшириши лозим.

7. Ўлка ҳукуматининг асосли талаби бўйича Ҳисоблаш палатаси ўз ваколати доирасида молиявий фаолиятни маҳсус текширишдан ўтказиши ва унинг натижалари ҳақида текшириш ўтказиши талаб қилган органга маълум қилиши лозим.

8. Мазкур модданинг қоидалари Вена шаҳрининг молиявий фаолиятни текширишга нисбатан ҳам амал қилади, лекин бунда Ландтаг ўрнига жамоа кенгаши, ўлка ҳукумати ўрнига эса шаҳар сенати иш олиб боради.

127a-модда. 1. Аҳолисининг сони камида 20000 кишидан иборат бўлган жамоанинг молиявий фаолиятини Ҳисоблаш палатаси назорат қилади, шунингдек, хайрия, бошқа жамғармалар ва муассасалар билан боғлиқ бўлган молиявий фаолиятни назорат қилади, бу жамғармалар ва муассасаларни бошқариш жамоа органлари томонидан амалга оширилади ёки бунинг учун жамоа органлари тайинлаган шахслар (шахслар бирлашмалири) томонидан амалга оширилади. Ҳисоблаш палатаси ўтказадиган текшириш рақамли маълумотларнинг аниқлигини намоён қилишини, фаолиятнинг мавжуд йўл-йўриқларига мос келишини ва қолаверса, молиявий фаолиятнинг тежамли, рентабелли ва мақсадга мувофиқ эканлигини аниқлашни ўз ичига олади.

2. Бургомистрлар ҳар йили Ҳисоблаш палатасыга ва айни вақтда ўлка ҳукуматига дастлабки сметалар ва якупий балансли ҳисботларни топширишлари шарт.

3. Ҳисоблаш палатаси, яна ахолиси камида 20000 кишидан иборат бўлган жамоанинг ўзи томонидан ташкил этилган ёки жамоа бошқа ҳуқуқ субъектлари билан биргаликда ташкил этган корхоналар фаолиятини текширади, Ҳисоблаш палатаси бу корхоналарга нисбатан уларга ўз капиталининг дастлабки, асосий ёки камида 50% тегишли бўлган ҳолларда назорат қилишни амалга оширади ёки, шунингдек, жамоанинг фақат ўзи эксплуатация қиладиган ёхуд жамоа юкорида кўрсатиб ўтилган бошқа ҳуқуқ субъектлари билан биргаликда эксплуатация қиладиган корхоналарнинг фаолиятини ҳам текширади. Молиявий иштирок этиш тушунчасига нисбатан тегишли равишда 1266-модданинг 2-абзаци амал қиласди. Ҳисоблаш палатасининг ваколати шунингдек, мазкур абзаца кўрсатиб ўтилган белгиларга тўғри келадиган ҳар қандай даражадаги бошқа тадбиркорлик ташкилотларига ҳам татбиқ этилади.

4. Ҳисоблаш палатаси ахолиси камида 20000 кишидан иборат бўлган жамоанинг маблағлари ҳисобига оммавий-ҳуқуқий корпорацияларнинг молиявий фаолиятини текширишда қонуний ҳуқуқса эгадир.

5. Ҳисоблаш палатаси ўз текширишлари натижаларини жамоа кенгашига тақдим этиш учун ва албатта хulosа тайёрлаш учун бургомистрга маълум қилиши лозим, мазкур хulosа уч ҳафта мобайнида тузиб чиқилиши керак. Ушбу муддат ўтиб бўлгандан кейин Ҳисоблаш палатаси текшириш натижаларини мажбурий равиша тузиб чиқилган хulosа билан биргаликда ўлка ҳукуматига топширади, ҳукумат мазкур натижаларни Ландтагга тақдим этади. Бургомистр уч ой ичида текшириш натижалари бўйича кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида Ҳисоблаш палатасига маълум қиласди.

6. Ҳисоблаш палатаси, шунингдек, ўзи ўтказган молиявий фаолиятни текшириш натжаларини Федерал ҳукуматга маълум қилиши шарт.

7. Ҳисоблаш палатаси тегишли ўлка ҳукуматининг асосланган талаби билан айrim ҳолларда ахолиси 20000 кишидан камроқ бўлган жамоанинг, молиявий фаолиятини ҳам текширишдан ўтказиши ва бу текшириш натижалари тўғрисида ўлка ҳукуматига маълум

қилиши лозим. Бунга мазкур модданинг 1 ва 3-абзацлари татбиқ этилиши керак.

8. Аҳолиси камидан иборат бўлган жамоаларнинг молиявий фаолиятини текширишга нисбатан амал қилувчи қоидалар тегишли равишда жамоалар иттифоқлари молиявий фаолиятини текширишга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

128-модда. Ҳисоблаш палатасининг ташкил этилиши ва унинг фаолияти тўғрисидаги янада батафсилроқ қоидаларни федерал қонунлар белгилаб беради.

ОЛТИНЧИ БҮЛИМ

КОНСТИТУЦИЯГА ҲАМДА БОШҚАРУВНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИГА РИОЯ ҚИЛИШ ҚАФОЛАТЛАРИ

А. МАЪМУРИЙ СУД

129-модда. Бутун давлат бошқарувининг қонунийлигини таъминлаш Венада жойлашган маъмурий суд зиммасига юкланди.

130-модда. 1. Маъмурий суд шикоятлар бўйича қарорлар чиқаради, бу шикоятларда қўйидагилар кўрсатилади:

а) бошқарув органлари қарорларининг ҳуқуққа зиддиги;

б) хизматга доир буйруқни бевосита ижро этишининг ёки муайян шахсга нисбатан мажбурловчи таъсир кўрсатишни амалга оширишнинг ғайриҳуқуқийлиги ёки;

в) бошқарув органларининг қарорлар қабул қилиш соҳасида ўз вазифаларига риоя қилмаслиги. Бундан ташқари, Маъмурий суд 81а-модданинг 4-абзацига мувофиқ бериладиган кўрсатмаларга доир шикоятларни ҳам кўриб чиқади.

2. Қонунчилик томонидан бошқарув органлари фаолияти учун мажбурий қоидалар белгиланмаган ҳолларда, ғайриҳуқуқийлик эътироф этилмайди ва органларнинг қонун кўрсатмаларига мувофиқ мазкур эркин мулоҳазага амал қилган тақдирда қандай йўл тутиш лозимлиги оранларнинг ўзига ҳавола қилинади.

131-модда. 1. Бошқарув органи қарори ғайрихуқуқий бўлганида унга доир шикоятни қўйидагилар бериши мумкин:

1) агар иш бундан олдинги барча инстанцияларда кўриб чиқилган бўлса, бундай қарор билан ўз ҳуқуқла-рига путур етказилганлигини тасдиқловчи ҳар қандай шахс;

2) 11, 12 ва 14-моддаларнинг 2 ва 3-абзацларида ва 143-модданинг 3 ва 4-абзацларида кўрсатиб ўтилган масалалар юзасидан, шунингдек, коллегиал қарор ўлка ёки район мактаб кенгashi қарорининг асоси бўлган қарорлар юзасидан (агар бундай қарорга энди одатда-ги инстанцияларда томонлар шикоят билдирилмасалар) ваколатли федерал министр;

3) ваколатли федерал министрнинг 15-модданинг 5-абзацидаги биринчи жумлада кўрсатиб ўтилган маса-лалар юзасидан қабул қилинган қарорларнига ўлканинг ваколатли ҳукумати.

2. Федерация ва ўлкаларнинг айрим бошқарув со-ҳаларини тартибга солувчи қонунларида бошқарув ор-гандари қарорларининг ғайрихуқуқийлиги сабабли қан-дай ҳолларда ва 1-абзаца кўрсатиб ўтилган ҳоллар-дан ташқари бошқа ҳолларда шикоят билдиришга йўл қўйилиши белгилаб берилган.

131а-модда. Шахсга нисбатан хизмат буйруғи бево-сита ижро этилган ёки мажбурий таъсир кўрсатиш амалга оширилган бўлсаю, шахс мазкур чоралар билан ўзининг ҳуқуқлари бузилган, деб ҳисобласа, у кўрилган чора устидан шикоят қилиши мумкин.

132-модда. Маъмурий суд жараёнида томон сифати-да қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган, қарорлар қабул қи-лиш вазифасини бажаришдан манфаатдор ҳар бир ки-ши қарорлар қабул қилиш бўйича вазифанинг бузилга-ни хусусида шикоятнома топшириши мумкин.

133-модда. Маъмурий судда қўйидагилар кўриб чи-қилишдан мустаснодир:

1) Конституциявий судда кўриб чиқиладиган ишлар;

2) бекор қилинган;

3) патентларга дахлдор ишлар;

4) юқори инстанцияда коллегиал орган қарор чиқа-радиган ишлар, агар мазкур органни ташкил этишини

тартибга солувчи федерация ёки ўлка қонунига муво-
фиқ унинг аъзолари жумласига ақалли битта судья қир-
са, қолган аъзолар ўз вазифаларини бажариш вақтида
бирон-бир кўрсатма билан боғлиқ бўлмасалар ва агар
мазкур органниг қарори бошқарув тартибида бекор
қилинмаса, агар бу шартлар мавжуд бўлишига қарамай,
Маъмурий судга шикоятнома билан мурожаат қилиш
максус тарзда назарда тутилмаган бўлса.

134-модда. 1. Маъмурий суд Раис, Раис ўринbosари
ва зарур миқдордаги бошқа аъзолар (сенатларниг ра-
ислари ва маслаҳатчилар)дан ташкил топади.

2. Маъмурий суднинг Раиси, Раис ўринbosари ва
аъзолари Федерал президент томонидан Федерал ҳуку-
мат таклифи билан тайинланади, Федерал ҳукумат Маъ-
мурий суд Пленуми тақдим этган учта номзод тўғриси-
даги таклифлар асосида ўз таклифларини илгари суради
(Раис ёки Раис ўринbosари лавозимларига тааллуқли
бўлган ҳоллар бундан мустаснодир).

3. Маъмурий суднинг барча аъзолари давлат-ҳуқуқ
фанлари соҳасида тугалланган маълумотга эга бўлиш-
лари ва камида ўн йил шундай хизмат мавқенни эгал-
лаган бўлишлари керакки, бундай маълумот мазкур
хизмат мавқеи учун зарурдир. Маъмурий суд аъзоларини-
нинг камида учдан бир қисми судьялик хизматига қў-
йилиши ва аъзоларнинг камида тўртдан бир қисми
ўлкалардаги максус муассасалардан жалб қилинган
бўлиши лозим, улар у ерда касбий фаолият билан, ило-
жи борича, ўлкаларнинг бошқарув хизмати соҳасида шу-
ғулланган бўлишлари керак.

4. Федерал ҳукумати, ўлка ҳукумати ёки бирон-бир
вакиллик органниг аъзолари Маъмурий суд аъзолари
бўла олмайдилар; ваколат ва фаолият учун маълум
муддатга сайланган умумий вакиллик органлари аъзо-
ларига нисбатан уларнинг ваколат ёки фаолият даври
тугамай муддатдан олдин мандатдан воз кечганларида
ҳам уларнинг суд аъзоси бўлишларига қўйилган тақиқ
сақланиб қолади.

5. Кейинги тўрт йил мобайнида 4-абзацда кўрсатиб
ўтилган вазифалардан бирини бошқариб келган шахс
Маъмурий суднинг Раиси ёки Раис ўринbosари этиб
тайинланиши мумкин эмас.

6. Маъмурий суднинг барча аъзолари касблари бў-
йича тайинланадиган судьялардир. Уларга шунингдек,

87-модданинг 1 ва 2-абзаци, 88-модданинг 2-абзаци қондалари ҳам татбиқ этилади. Қонунга биноан маъмурий суд аъзолари ўзлари 65 ёшга тўладиган йилнинг 31 декабрида истеъфога чиқадилар.

135-модда. 1. Маъмурий судда ишлар юзасидан қарорларни сенатлар чиқаради, сенатларни Пленум суд аъзолари орасидан ташкил этади.

2. Пленум ишларни кўриб чиқиши соҳасидаги ваколатни сенатлар ўртасида олдиндан федерал қонун белгилаган муддат бўйича тақсимлаши лозим.

3. Бундай тақсимотга кўра, суднинг битта аъзоси ваколатига киритилган иш унинг ўз вазифаларини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлгандагина ундан олиб қўйинлиши мумкин.

4. 89-модда, тегишли равишда, Маъмурий судга нисбатан ҳам амал қиласди.

136-модда. Маъмурий суднинг ташкил этилиш вазифалари доираси ва иш жараёни тўғрисидаги анча ба-тафсил қондалар махсус федерал қонун ва кўрсатиб ўтилган қонун асосида Маъмурий суд иленуми томонидан қабул қилинадиган регламент билан тартибга солинади.

Б. КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД

137-модда. Конституциявий суд Федерация, ўлкалар, районлар, жамоалар ва жамоа иттилоқларига билдириладиган барча мулкий-хукуқий талабларни кўриб чиқади, бу талаблар одатдаги суд тартибида ҳам ҳал қилинмайди, бошқарув органининг қарор қабул қилиши йўли билан ҳам ижро этилмайди.

138-модда. 1. Конституциявий суд қўйидаги низоларни ҳам ҳал этади:

а) судлар ва бошқарув органлари ўртасидаги низоларни;

б) Маъмурий суд билан бошқа барча судлар ўртасидаги, хусусан Маъмурий суд билан Конституциявий суднинг ўзи ўртасидаги, шунингдек, одатдаги судлар ва бошқа судлар ўртасидаги низоларни;

в) ўлкалар ўртасидаги, шунингдек, ўлкалар билан Федерация ўртасидаги низоларни.

2. Сўнгра. Конституциявий суд Федерал ҳукумат ёки ўлка ҳукуматининг тақдимига мувофиқ, қонун ҳўжжати

ёки ижроия ҳокимиятнинг ҳужжати Федерация ёки ўлкалар ваколатига тегишли ёки тегишли эмаслигини белгилаб беради.

138а-модда. 1. Федерал ҳукуматнинг ёки манфаатдор ўлка ҳукуматининг илтимоси билан Конституциявий суд 15а-модданинг 1-абзацида назарда тутилган битим мавжудми ёки йўқлигини, бирон-бир ўлка ёки Федерация томонидан мазкур битимдан келиб чиқадиган мажбуриятлар (бу мулкий-ҳуқуқий талабларга тегишли бўлмаган ҳолларда) бажарилган ёки бажарилмаганлигини аниқлайди.

2. Агар бу нарса 15а-модданинг 2-абзацида кўрсатиб ўтилган битимда назарда тутилган бўлса, у ҳолда Конституциявий суд манфаатдор ўлка ҳукуматининг илтимосига кўра, бундай битим мавжудми ёки йўқлигини ва бу нарса мулкий-ҳуқуқий талабларга тегишли бўлмаган ҳолларда бундай битимдан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилган ёки бажарилмаганлигини аниқлайди.

139-модда. 1. Конституциявий суд Федерация ёки ўлкалар органларининг қарорлари ғайриқонуний эканлиги тўғрисидаги ишларни суднинг тавсияси бўйича қараб чиқади, борди-ю, бундай қарор Конституциявий суд томонидан ҳуқуқий низони қараб чиқиш вақтида татбиқ этиладиган бўлса, ўзига юклangan вазифаларни бажариш ташаббуси билан уни кўриб чиқади.

У ўлка органлари қабул қилган қарорларининг ғайриқонуний эканлиги тўғрисидаги ишларни Федерал ҳукумат тавсияси билан, Федерал органлар қабул қилган қарорларининг ғайриқонуний эканлиги тўғрисидаги ишларни ўлка ҳукуматининг тавсияси билан, жамоаларга нисбатан 119а-модданинг 6-абзацига мувофиқ назоратни амалга оширадиган органлар қарорларининг ғайриқонуний эканлиги тўғрисидаги ишларни эса манфаатдор жамоанинг тавсияси билан қараб чиқади. Бундан ташқари, у қарорларнинг ғайриқонуний эканлиги ҳақидаги ишларни бирор шахснинг илтимоси билан ҳам кўриб чиқади ва мазкур ғайриқонунийлик туфайли шахснинг ҳуқуқлари бевосита бузилган, деб ҳисоблайди, бундай ҳолда қарор мазкур шахсга нисбатан суд қарори қабул қилинмасдан ёки маҳсус кўрсатма чиқарилмасдан амал қиласди; бу хилдаги илтимосларга нисбатан тегишли равишда 89-модданинг 3-абзаци амал қиласди.

2. Агар Конституциявий судда ҳуқуқий низо қараб чиқилаётган вақтда унга нисбатан Конституциявий суд бирон-бир қарорни қўллаши керак бўлиб, томоннинг илтимоси аҳамиятсиз бўлиб қолса, у ҳолда шунга қарамасдан қарорнинг қонунийлигини текшириш соҳасида бошланган иш жараёни давом эттирилиши лозим.

3. Конституциявий суд қарорни фақат шундай ҳолда ғайриқонунй деб бекор қилиши мумкинки, бунда уни бекор қилиш ҳақидаги илтимос аниқ тарзда баён қилинган бўлиши ёки кўрсатиб ўтилган қарорни Конституциявий суднинг ўзи ҳуқуқий низони қараб чиқаётган вақтда татбиқ этиши мумкин бўлсин. Бироқ агар Конституциявий суд қарор тўлалигича:

- a) қонуний асослардан маҳрум этилган;
- б) ваколати бўлмагани орган томонидан чиқарилган ёки;

в) ғайриқонуний усулда эълон қилинган, деган хуносага келса, у қарорни умуман ғайриқонуний деб бекор қиласди. Агар бутун қарорнинг умуман бекор қилиниши 1-абзацининг биринчи жумласига мувофиқ илтимос қилган томоннинг ҳуқуқий манфаатларига бутунлай зид келса ёки агар унинг ҳуқуқий низо ҳақидаги иши билан боғлиқ равишда суднинг ташабbusи асосида унга юклангани вазифа туфайли қарорни текшириш бўйича суд жараёнини кўзғаш учун сабаб топиладиган бўлса, мазкур қонда амал қилмайди.

4. Агар Конституциявий суд қарор чиқарадиган вақтга келиб қарор кучини йўқотган бўлса, суднинг ташабbusи билан унга юклангани вазифа туфайли иш кўзғатилган ёки бу ҳақидаги илтимос суд томонидан ёхуд қарорнинг ғайриқонунийлиги сабабли ўзининг бевосита ҳуқуқлари ноймол этилганинги мълум қилган шахс томонидан аниқланган бўлса, Конституциявий суд қарорнинг ғайриқонуний бўлган ёки бўлмаганинги тўғрисида қарор чиқариши лозим: Тегишли равишда 3-абзац амал қиласди.

5. Конституциявий суд, қарор ғайриқонуний қонун сифатида бекор қилинади, деб қарор қабул қиласада экан, бу қарор Федерация ёки ўлканинг юқори ваколатли органлари зиммасига бу ҳақда дарҳол хабар эълон қилиш вазифасини юклайди. Бу қонда тегишли равишда 4-абзацга мувофиқ қарор чиқарилган ҳолларда ҳам амал қиласди. Агар Конституциявий суднинг ўзи қарорнинг амал қилиш муддатини тўхтатиш вақтини белги-

ламаса, бекор қилиш ҳақидаги қарор әълон қилинган кундан бошлаб кучга киради. Қарорнинг амал қилиш муддати олти ойдан ошмаслиги, бирон-бир қонун чоратадбиirlарни амалга ошириш зарурати туғилганда — бир йилдан ошмаслиги керак.

6. Агар қарор ғайриқонунй қонун сифатида бекор қилинса ёки Конституциявий суд 4-абзацга мувофиқ, қарор ғайриқонунй, деб қарор чиқарса, у ҳолда Конституциявий суднинг бу қарорлари барча судлар ва бошқарув органлари учун мажбурий ҳисобланади. Агар Конституциявий суд бекор қилиш ҳақидаги ўз қарорида бошқа нарсаларни белгиламаса, бекор қилишга қадар вужудга келган ҳолатларга нисбатан қарор бундан кейин ҳам татбиқ қилиниши керак, бироқ уни бекор қилишга сабаб бўлган ҳолат бундан мустаснодир. Агар Конституциявий суд ўзининг бекор қилиш ҳақидаги қарорида 5-абзацга мувофиқ бекор қилиш муддатини белгилаган бўлса, у ҳолда қарор мазкур муддат тугашидан олдин вужудга келадиган барча тегишли ҳолатлар учун татбиқ этилиши керак, уни бекор қилиш учун сабаб бўлиб хизмат қилган ҳолат бундан мустаснодир.

139а-модда. Конституциявий суд ҳуқуқий йўл-йўриқни қайта эълон қилиш вақтида берилган ваколатлар чегараси ошириб юборилган ё иборилмаганлиги масаласини суд тавсияси билан қараб чиқади; борди-ю, ҳуқуқий йўл-йўриқни қайта эълон қилиш Конституциявий суднинг қарори учун асос бўлиб хизмат қилса, — ўзига юклangan вазифалар туфайли ўз ташабbusи билан қараб чиқади; Федерация томонидан қайта эълон қилинган ҳуқуқий йўл-йўриқларга нисбатан ҳам ўлка ҳукуматининг тавсияси билан, бирон-бир ўлка томонидан қайта эълон қилинган ҳуқуқий йўл-йўриқларга нисбатан эса — федерал ҳукумат тавсияси билан ҳам қараб чиқилади. Конституциявий суд, бундан ташқари, ҳуқуқий йўл-йўриқларни қайта эълон қилиш вақтида берилган ваколатлар чегараси ошириб юборилган ёки юборилмаганлиги масаласини — бу билан ўзининг бевосита ҳуқуқлари бўзилган, деб ҳисобловчи шахснинг тавсияси билан қараб чиқади, чунки янгидан қайта эълон қилинган ҳуқуқий йўл-йўриқ суд қарор чиқармасдан ёки махсус кўрсатмани эълон қилмасдан туриб мазкур шахсга нисбатан бевосита амал қилаверади. Тегишли равишда

89-модданинг, 2, 3 ва 5-абзацлари, шунингдек, 139-модданинг 2—6-абзацлари татбиқ этилади.

140-модда. 1. Конституциявий суд Федерация ёки ўлкалар қонунларининг файриконституциявий эканлиги ҳақидаги ишларни — Маъмурий суд, Олий суд ёки ишларни иккинчи инстанция сифатида қараб чиқишга вакил қилинган суднинг тақдимига мувофиқ, бундай қонун ҳуқуқий низони Конституциявий суд қараб чиқаётган пайтда татбиқ этилиши керак бўлган ҳолларда эса, — унга юкланган вазифалар туфайли ўз ташаббуси билан кўриб чиқади. Конституциявий суд ўлкалар қонунларининг файриконституциявий эканлиги ҳақидаги ишларни Федерал ҳукуматнинг тақдими бўйича, ва федерал қонунларининг файриконституциявий эканлиги ҳақидаги ишларни — ўлка ҳукуматининг ёки Миллий кенгаш аъзолари учдан бир қисмининг тақдими билан ҳам қараб чиқади. Ўлканинг конституциявий қонуни билан шу нарса белгилаб қўйилиши мумкинки, ўлкалар қонунларининг файриконституциявийлиги хусусида тақдим этиш ҳуқуқи Ландтаг аъзоларининг учдан бир қисмига ҳам тегишилдири. Конституциявий суд бундан ташқари, қонунларининг файриконституциявийлиги ҳақидаги ишларни шахснинг илтимосига мувофиқ ҳам қараб чиқади, бу шахс ана шундай файриконституциявийлик туфайли унинг ҳуқуқлари бевосита бузилганлигини айтади, бу нарса шундай ҳолларда рўй берадини, қонун кўрсатиб ўтилган шахсга нисбатан суд қарор чиқармасдан ёки маҳсус кўрсатма эълон қилинмасдан туриб амал қиласди; бундай илтимосларга нисбатан тегишли равишда 89-модданинг 3-абзаци амал қиласди.

2. Агар Конституциявий судда ҳуқуқний низо қараб чиқилаётган бўлиб, Конституциявий суд бу низога нисбатан бирон-бир қонуни татбиқ этиши лозим бўлиб, томонининг илтимоси мақсадсиз бўлиб қолса, бундай ҳолда татбиқ этилиши керак бўлган қонуннинг конституциявийлигини текшириш бўйича бошланган иш жараёни давом эттирилиши лозим.

3. Конституциявий суд қонунни файриконституциявий деб фақат шундай ҳолда бекор қилиши мумкинки, бунда уни бекор қилиш ҳақидаги илтимоснома муайян тарзда баён қилинган ёки кўрсатиб ўтилган қонун Конституциявий суд томонидан у ҳуқуқий низони қараб чиқаётган пайтда татбиқ этилиши мумкин. Бироқ агар Конституциявий суд, қонун, умуман олганда, ваколат-

лар тақсимланғанлығы сабабли бунга вакил қилинмаған қонун чиқарувчи орган томонидан қабул қилинган ёки ғайриконституциявий усул билан эълон қилинган, деган хulosага келса, у ҳолда Конституциявий суд бу қонунни умуман ғайриконституциявий деб бекор қилаади. Агар бутун қонунни умуман бекор қилиш 1-абзацнинг охирги жумласига биноан, илтимос қилган томоннинг ҳуқуқий манфаатларига бутунлай зид келадиган бўлса, ёки агар унинг ҳуқуқий низо тўғрисидаги иши муносабати билан судга юкландган вазифалар туфайли унинг ташаббуси билан қонунни текшириш бўйича иш қўзғатишга сабаб борлиги аниқланса, унда бу қоида амал қилмайди.

4. Агар Конституциявий суд қарор чиқарган пайтга қелиб қонути ўз кучини йўқотган бўлса, ишни кўриб чиқниш судга юкландган вазифага биноан қўзғатилган бўлса ёки бу ҳақдаги илтимос суд томонидан ёки қонун ғайриконституциявий бўлгани сабабли ўзининг ҳуқуқлари бузилган деб ҳисобловчи шахс томонидан қилинган бўлса, унинг Конституциявий бўлган ёки бўлмаганлиги ҳақида қарор чиқариши лозим. Тегишли равишда 3-абзац амал қилади.

5. Қонунни ғайриконституциявий деб бекор қилган Конституциявий суднинг қарори Федерал канцлерга ёки тегишли ўлканинг губернаторига бекор қилиш ҳақида дарҳол хабар эълон қилишни юклайди. Бу қоида тегишли равишда 4-абзацга мувофиқ қарор чиқарилганда ҳам амал қилади. Агар Конституциявий суднинг ўзи Қонуннинг амал қилиши тўхтатиладиган муддатни белгиламаса, бекор қилиш ҳақидаги қарор эълон чиқкан кундан эътиборан кучга киради. Бу муддат бир йилдан ошмаслиги лозим.

6. Агар Конституциявий суднинг қарори билан қонун ғайриконституциявий деб бекор қилинган бўлса, у ҳолда бекор қилиш ҳақидаги қарор кучга кирган кундан эътиборан, агар қарорда бошқа нарса кўрсатилмаган бўлса, Конституциявий суд ғайриконституциявий деб эътироф қилган қонун билан бекор қилинган қонунчиллик қоидалари яна кучга киради. Қонунни бекор қилиш ҳақидаги қарорни эълон қилиши вақтида бирон-бир қонунчиллик қоидалари яна кучга кириш-кирмаслиги ва улар айнан қандай қоидалар эканлиги ҳам кўрсатиб ўтилиши лозим.

7. Агар қонун ғайриконституциявий деб бекор қилинган бўлса ёки Конституциявий суд 4-абзацга мувофиқ қонун ғайриконституциявий бўлган деб қарор чиқарган бўлса, у ҳолда Конституциявий суднинг мазкур қарорлари барча судлар ва бошқарув органлари учун мажбурий ҳисобланади. Бироқ бекор қилишга қадар вужудга келган ҳолатларга нисбатан қонун, агар Конституциявий суднинг бекор қилиш ҳақидаги қарорида бошқа нарса белгиланмаган бўлса, бундан кейин ҳам татбиқ этилиши керак, қонунни бекор қилишга сабаб бўлган ҳолат бундан мустаснодир. Агар Конституциявий суд бекор қилиш ҳақидаги ўз қарорида 5-абзацга мувофиқ муддатни белгилаган бўлса, у ҳолда қонун мазкур муддат тугашига қадар вужудга келадиган барча ҳолатларга нисбатан татбиқ этилади, уни бекор қилишга сабаб бўлган ҳолат бундан мустаснодир.

140а-модда. 1. Конституциявий суд давлат шартномаларининг ғайриконуний эканлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади. Бунда 50-моддага мувофиқ Миллый кенгаш розилиги билан тузилган давлат шартномаларига нисбатан 140-модда татбиқ этилади, бошқа барча давлат шартномаларига нисбатан эса, 139-модда татбиқ этилади, бунда шу нарса ҳисобга олинадики, Конституциявий суд ғайриқонунийлигини ёки ғайриконституциявийлигини аниқлаган давлат шартномалари суд қарорлари эълон қилинган куидан эътиборан, агар Конституциявий суднинг ўзи бундай шартнома кейинчалик татбиқ этиладиган муддатни белгилаб бермаса, бу қарорларниң бажарилшини амалга оширишга вакил қилинган органлар томонидан татбиқ этилмаслиги лозим. Бу муддат 50-моддада кўрсатиб ўтилган давлат шартномаларига нисбатан иккى йилдан ва бошқа барча давлат шартномаларига нисбатан бир йилдан ошмаслиги керак.

2. Агар Конституциявий суд қонунлар ёки қарорлар қабул қилиш асосида ижро этилиши лозим бўлган давлат шартномасининг ғайриқонунийлиги ёки ғайриконституциявийлигини аниқласа, у ҳолда 50-модданинг 2-абзацияга мувофиқ чиқарилган қарор ёки 65-модданинг 1-абзации иккинчи жумласига мувофиқ қабул қилинган йўлйўриқлари ўз кучини йўқотади.

141-модда. 1. Конституциявий суд қуйидаги ишларни кўриб чиқади:

- а)* Федерал президент сайловига, умумий вакиллик органлари ва қонуний касбий вакилларнинг юқори раҳбар органлари (вакиллик органлари) сайловига норозилик билдириш тұғрисидаги;
- б)* Үлка ҳукуматига ва жамоанинг ижро этувчи органлари сайловига норозилик билдириш тұғрисидаги;
- в)* умумий вакиллик органининг илтимоси бўйича ўз аъзоларидан бирини мандатдан маҳрум этиш ҳақидаги;
- г)* қонуний касбий вакиллик юқори раҳбар органи (вакиллик органи) илтимосига кўра бундай орган аъзоларидан бирини мандатдан маҳрум этиш тұғрисидаги;
- д)* Федерация ва ўлкаларининг сайловлар ўтказиш масалаларини тартибга солувчи қонунларида бошқарув органи қарори билан мандатдан маҳрум этиш назарда тутилган ҳолларда — бундай қарорлардан норози бўлиб шикоят ёзиш тұғрисидаги ишларни. Бу қарорлар асосида умумий вакиллик органида, жамоанинг ижро этувчи органида ёки қонуний касбий вакиллик раҳбар органида (вакиллик органида), агар масала барча бошқа инстанцияларда кўриб чиқилган бўлса, мандатдан маҳрум этиш амалга оширилади. Норозилик билдириш (илтимос қилиш) сайловнинг қонунда кўзда тутилган жараёни бузилганини ёки тегишли равишда умумий вакиллик органида, жамоанинг ижро этувчи органида ёки қонуний касбий вакилликнинг юқори раҳбар органида (вакиллик органида) аъзоликдан маҳрум қилиш учун қонунда кўзда тутилган асосни баҳона қилиш билан асослаб берилиши мумкин. Агар сайлов жараёнининг даъво қилинаётган ғайрихуқиятлиги исботланган ва сайлов натижалариға таъсир кўрсатган бўлса, Конституциявий суд сайловга нисбатан билдирилган норозиликни қондириши лозим. Мазкур масала юзасидан суд жараёнини ўтказишда бошқарув органларида умумий вакиллик органи ва қонуний касбий вакиллик ҳам томон мақомига эга бўладилар.

2. Агар 1-абзацининг «а» бандига мувофиқ билдирилган норозилик қондирилган бўлса, шу муносабат билан Миллий кенгашга ёки Ландтагга қисман ёхуд тўлиқ қайта сайлов ўтказиш зарур бўлса, у ҳолда такрорий сайловда сайланган аъзолар мандат олишгандан бошлаб мазкур вакиллик органининг тегишли аъзолалари ўз мандатларидан маҳрум бўладилар. Такрорий сайлов Конституциявий суд қарори тоширилгандан кейин 100 кун мобайнида ўтказилади.

3. Халқ ташаббус тарзыда илгари сурилган таклифларни күриб чиқыш натижаларига ёки халқнинг овоз беринш натижаларига норозлик билдиришга нисбатан Конституциявий суднинг қандай шароитда қарор чиқариши Федерал қонун билан тартибга солинади. Федерал қонун, шунингдек, халқнинг овоз бериши ўтказилгани ҳақида федерал қонун ахборотнинг эълон қилинишига норозилик билдириш эҳтимоли мумкинлиги сабабли, уни эълон қилишини қанча муддатга кечикиришини ҳам белгилаб бериши мумкин.

142-модда. 1. Конституциявий суд сайловларга доир ишларни күриб чиқади, бу айловлар Федерация ва ўлжалар юқори органларининг ўз расмий фаолиятлари жараёнида айбли ҳуқуқбузарликларга йўл қўйганликлари учун Конституцияда кўзда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади.

2. Айлов қўйидагиларга қарши қўзғатилиши мумкин:

а) Федерал президентга қарши — унинг Федерал Конституцияни бузганлиги муносабати билан — Федерал мажлис қарорига кўра;

б) Федерал ҳукумат аъзоларига ва масъулият жиҳатидац уларга тенглаштирилган органлар аъзоларига қарши, — қонунни бузганликлари муносабати билан — Миллий кенгаш қарорига кўра;

в) ўлка ҳукумати аъзолари ва ушбу қонун ёки ўлка Конституциясига мувофиқ белгиланган жавобгарлик бўйича уларга тенглаштирилган органларнинг аъзоларига қарши — қонунни бузганликлари муносабати билан — тегишли Ландтаг қарорига кўра;

г) ўлка губернаторига, унинг ўринbosарига (105-модданинг 1-абзаци) ёки ўлка ҳукумати аъзосига (103-модданинг 2 ва 3-абзацлари) қарши — қонунни бузганликлари, шунингдек, Федерациянинг бевосита федерал бошқарув масалалари юзасидан қабул қилган қарорлари ёки бошқа фармойишлари (кўрсатмалари)ни бажармаганликлари муносабати билан, шунингдек ўлка ҳукумати аъзоларига қарши, — улар худди шундай масалалалар юзасидан губернатор кўрсатмаларини бажармаганликлари учун — Федерал ҳукумат қарори билан;

д) Федерация пойтахти Вена органлари ўз ваколатлари доирасида федерация бажарадиган соҳаларга ки-

ритилгап вазифаларни адо этган ҳолларда уларга қарипи — қонунни бузганилиги муносабати билан, — федерал ҳукумат қарорига кўра;

е) ўлка губернаторига қарши — 14-модданинг 8-абзасига мувофиқ берилган кўрсатмани бажармаганилиги муносабати билан, — Федерал ҳукумат қарорига кўра;

ж) ўлка мактаб кенгаси президентига ёки президент ўринимосари вазифасини бажарувчига қарши — қонунни бузганилиги, шунингдек, қарорларни ва Федерациянинг бошқа фармойишларини (кўрсатмаларини) бажармаганилиги муносабати билан — Федерал ҳукумат қарорига кўра.

3. Агар Федерал ҳукумат 2-абзацининг «г» бандига мувофиқ фақат ўлка губернатори ёки унинг ўринбосарига айлов қўзғатган бўлса, лекин бунда 2-абзацининг «г» бандига мувофиқ айб ўлка ҳукуматининг бошқа аъзосида бўлса, унга 103-модданинг 2-абзасига мувофиқ бевосита федерал бошқарувга тааллуқли бўлмаган ишлар юкланган бўлса, у ҳолда Федерал ҳукумат қарор чиқаришидан олдин исталган вақтда ўлка ҳукуматининг бу аъзосига қарши ҳам ўз айловини илгари сурини мумкин.

4. Агар конституциявий суд қоралаш тўғрисида қарор чиқарса, у ҳолда бу қарор билан шахс лавозимдан четлаштирилади, алоҳида оғирлаштирувчи ҳолатларда сиёсий ҳуқуқлардан ҳам вақтинча маҳрум этилади; 2-абзацининг «г», «е» ва «ж» бандларида тилга олиб ўтилган ҳолларда ҳуқуқбузарликлар камроқ содир этилган тақдирда Конституциявий суд ҳуқуқбузарликни қайд қилиш билан чекланиши мумкин. Ўлка мактаб кенгашининг президенти лавозимдан четлаштириш, шунингдек, 81а-модданинг 3-абзаци, «б» бандига мувофиқ, президент лавозими билан боғлиқ бўлган лавозимдаги хизматчини ҳам ишдан четлатишга олиб келади.

5. Федерал президент 65-модданинг 2-абзаци «в» бандига мувофиқ, мазкур модданинг иккинчи абзаци «а», «б» ва «в» бандларида кўзда тутилган ҳолларда айлов қўзғотиш тўғрисида қарор қабул қилган вакиллик органининг илтимоси билангина, «г», «с» ва «ж» бандларида назарда тутилган ҳолларда эса, — фақат Федерал ҳукумат илтимоси билан, лекин барча шароитларда — фақат айланувчининг розилиги билангина ўзига берилган ҳуқуқдан фойдаланиши мумкин.

143-модда. 142-моддада айтиб ўтилган шахсларга нисбатан жиноий тарзда жазоланадиган ва айбланиши лозим бўлган шахснинг расмий фаолияти билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар содир этилиши муносабати билан ҳам айлов қўзғатилиши мумкин. Бундай ҳолларга нисбатан фақат Конституциявий суд ваколатлидир; одатдаги жиноий судда бошланган ишни кўриб чиқиб ҳал қилиш унга топширилади. Конституциявий суд бундай ҳолларда 142-модданинг 4-абзаци билан бир қаторда жиноий қонунчилик қондаларини ҳам қўллаши мумкин.

144-модда¹. 1. Конституциявий суд бошқарув органдари қарорларига доир шикоят аризаларини қараб чиқади (агар ариза берган шахс бундай қарор билан ўзининг конституциявий қонун билан кафолатланган ҳуқуқи бузилган деб ҳисобласа ёки ўз ҳуқуқининг бузилиши ғайриқонуний қарорнинг, ғайриконституциявий қонуннинг ёки ғайриҳуқуқий давлат шартномасининг татбиқ этилиши билан боғлиқлигини билдиrsa). Худди шундай шароитда Конституциявий суд бошқарув органининг муайян шахсга қаратилган буйруғига ёки мажбурий таъсир кўрсатишни бевосита амалга оширганига доир шикоят аризасини кўриб чиқади. Шикоят ариза иш қайси инстанциялар бошқарувига тааллуқли бўлган бўлса, уша инстанцияларнинг ҳаммасида кўриб чиқилгандан кейингина берилishi мумкин.

2. Конституциявий суд, агар шикоят аризасини қондириш учун етарли асослар йўқ бўлса, аризани таҳлил қилиш бошланмасдан олдин ўз ажрими билан уни қараб чиқишини рад қилиши мумкин. Борди-ю, иш 133-моддага мувофиқ Маъмурий судда кўрилишдан олиб қўйилган масалаларга тааллуқли бўлса, уни кўриб чиқишини рад этишга йўл қўйиб бўлмайди.

З Агар Конституциявий суд бошқарув органининг шикоят аризаси ёзилган қарори ёки бошқарув органининг буйруқни бевосита амалга ошириши ёки мажбурий таъсир кўрсатиши 1-абзада айтилганидек ҳуқуқни бузмаган деб гопса ва иш 133-моддага мувофиқ Маъмурий судда кўрилишдан олиб қўйилган масалаларга тааллуқли бўлмаса, Конституциявий суд шикоят аризаси берган шахснинг илтимосини қондирнишини рад қилиш билан бирга, унинг шикоятини Маъмурий судга

¹ 1981 йилда чиққан 350-сон Қонун таҳририда.

топшириши лозим, бу суд' эса шикоят аризаси берган шахснинг бошқа бирон-бир ҳуқуқи қарор билан ёки буйруқни бевосита амалга ошириш ёхуд мажбурий таъсир кўрсатиш йўли билан бузилган -бузилмаганлигини кўриб чиқиши керак бўлади. Бу қоида тегишли равища 2-абзатга мувофиқ чиқариладиган ажримларга нисбатан ҳам амал қиласди.

145-модда. Конституциявий суд маҳсус федерал қонунининг қондалари асосида ҳалқаро ҳуқуқ нормаларининг бузилиши тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади.

146-модда. 1. Конституциявий суднинг 137-моддада изазарда тутилган талабларга нисбатан чиқарган қарорларини ижро этиш оддий судлар томонидан амалга оширилади.

2. Конституциявий суднинг бошқа қарорларини ижро этиш Федерал президент зими масига юкланди. Ижро этиш унинг кўрсатмасига биноан ва унинг ихтиёри билан Федерация ёки ўлкаларнинг органлари, шу жумладан, Федерал армия томонидан амалга оширилади. Бундай қарорларни ижро этиш тўғрисидаги илтимоснома Конституциявий суд томонидан Федерал президентга маълум қилинади. Федерал президентнинг юқорида тилга олиб ўтилган кўрсатмалари, агар булар Федерацияга ёки Федерал органларга нисбатан ижро этилиши мажбурий бўлса, 67-моддада кўзда тутилган имзо билан тасдиқлашни талаб қилмайди.

147-модда. 1. Конституциявий суд Раис, Раис ўринбосари, бошқа ўн иккιи аъзо ва олти нафар захирадаги аъзолардан иборат бўлади.

2. Суд Раиси, Раис ўринбосари, олти нафар бошқа аъзоси ва уч нафар захирадаги аъзолари федерал ҳукумат таклифи билан Федерал президент томонидан тайинланади; суднинг бу аъзолари судьялар, бошқарув амалдорлари ва университетлардаги ҳуқуқ фанлари профессорларидан тайинланниши лозим. Суднинг қолгаш олти нафар аъзоси ва уч нафар захирадаги аъзоси федерал президент томонидан ҳар бир лавозимга учтадан номзод кўрсатиш тўғрисидаги таклифлар асосида тайинланади, бу таклифлар суднинг уч аъзоси ва иккита захирадаги аъзосига нисбатан Миллий кенгаш томондан, суднинг уч аъзоси ва битта захирадаги аъзосига нисба-

тан — Федерал кенгаш томонидан киритилади. Суднинг уч аъзоси ва иккита захирадаги аъзоси Федерация пойтакти — Венадан ташқарида доимий яшаш жойига эга бўлиши лозим. Конституциявий суд аъзолари этиб тайинланадиган бошқарув амалдорлари, агар улар истеъфода бўлмасалар, хизматдан четлаштирилиши лозим.

3. Суд раиси, Раис ўринбосари, шунингдек, қолган аъзолари ва захирадаги аъзолар давлат-ҳуқуқ фанлари соҳасида тугалланган маълумотга эга ва камидан ўн йил шундай маълумот талаб қилинадиган хизмат мавқенини эгаллаган бўлишлари лозим.

4. Конституциявий суд таркибига Федерал ҳукумат ёки ўлка ҳукумати аъзолари, сўнгра Миллий кенгаш, ёки бошқа умумий вакиллик органи аъзолари киришлари мумкин эмас; муайян ваколатлар ёки фаолият муддатига сайланган мазкур вакиллик органларининг аъзоларига нисбатан суд аъзоси бўлишни тақиқлаш, шунингдек, улар ваколатлари ёки фаолият муддати тамом бўлмасдан олдин мандатдан воз кечганларида ҳам сақланиб қолади. Ниҳоят, Конституциявий суд таркибига бирон-бир сиёсий партия аппаратининг ходимлари ёки бошқа вазифалари бўлган шахслар ҳам кира олмайдилар.

5. Конституциявий суд Раиси ёки Раис ўринбосари қилиб кейинги тўрт йил мобайнида 4-абзацда кўрсатиб ўтилган вазифалардан бирини бажарган шахс ҳам тайинланиши мумкин эмас.

6. Конституциявий суд аъзоларига нисбатан 37-модданинг 1 ва 2-абзацлари, 88-модданинг 2-абзаци татбиқ этилади; янада батафсилоқ қоидалар 148-моддага мувофиқ эълон қилинган федерал қонуни билан тартибга солинади. Судьялик лавозимида ишлаётган судья 70 ёшига тўладиган йилнинг 31 декабридан бошлаб, ўз хизматини тутгатади.

7. Агар суд аъзоси ёки захирадаги аъзоси ҳеч қандай етарли сабаб бўлмагани ҳолда конституциявий суднинг мажлисига келиш ҳақидаги бирин-кетин учта тақлифга жавоб қилмаса, у ҳолда суд унинг фикрини тинглаб, мазкур фактни қайд қиласди. Бу қайд суд аъзоси бўлиш ҳуқуқили йўқотишга сабаб бўлади.

148-модда. Конституциявий суднинг ташкил этилиши ва унинг иш юритиши тўғрисидаги янада батафсилоқ қоидалар маҳсус федерал қонун билан ва шу қонун

аососида Конституциявий суд томонидан қабул қилингандык релгамент билан тартибга солинади.

Е Т Т И Н Ч И Б Ү Л И М¹

ХАЛҚ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

148а-модда. 1. Ҳар бир шахс федерал бошқарувнинг, шу жумладан, хусусий ҳуқуқий муносабатлар субъекти бўлган Федерация фаолиятнинг амалга оширилишдаги камчиликлар хусусида (бундай камчиликлар шахс манфаатларнига дахлдор бўлганда ва у шикоят қилиш восьиталарида фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмагандага ва энди бундай ҳуқуққа эга эмаслиги туфайли) Халқ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳайъатига шикоят аризаси билан мурожаат қилиши мумкин. Бу хилдаги ҳар қандай шикоят Халқ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳайъати томонидан текширилиши лозим. Текшириш натижалари, шунингдек, қабул қилингани зарур чора-тадбирлар шикоят аризаси берган шахсга стказилиши керак.

2. Халқ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳайъати ўзига юклangan вазифалар туфайли ўз ташаббуси билан федерал бошқарувни, шу жумладан, хусусий ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатидаги Федерация фаолиятнин амалга оширишдаги эҳтимол тутилган камчиликлар мавжудлигини текширишга ҳақлидир.

3. Халқ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳайъати ўз вазифаларини амалга ошириш чоғида мустақилдир.

148б-модда. 1. Федерациянинг, ўлкалар ва жамоаларининг барча органлари Халқ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳайъати ўз вазифаларини бажараётгани вақтда уни қўллаб-қувватлашлари, унга материаллар билан танишиб чиқиши имконини беришлари ва унинг талабига кўра зарур маълумотларни тақдим этишлари шарт. Халқ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳайъати олдида хизмат сирини сақлаш мажбурияти йўқ.

2. Халқ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳайъати ўзи мурожаат қилган орган ўз хизмат сирини қандай ҳажмда сақласа, ҳайъат ҳам ўз вазифаларини бажариш вақтида хизмат сирини шундай ҳажмда сақлаши шарт. Халқ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳайъати Миллий кенгашга маълумотнома тақдим этганда, партиялар ёки

¹ 1981 йилги 350-сонли Қонун билан киритилган.

миллий хавфсизлик манфаатлари талаб қилаётган миңдордагина хизмат сирини сақлаши шарт.

148в-модда. Халқ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳайъати олий федерал бошқарувни амалга оширувчи органларга муайян ҳолатда күрилиши зарур бұлған чоратадбірлар хусусида тавсиялар бериши мүмкін. Тегишлі орган федерал қоюн билан белгиланадиган муддат мобайнида бу тавсияларни ё бажарыб, бу ҳақда Халқ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳайъатына маълум қилиниш ёки тавсиялар нима сабабдан бажарылмаганлыгини ёзма равищда асослаб бериши шарт.

148г-модда. Халқ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳайъати ҳар йиلى ўз фаолияті тұғрыснда Миллий кенгашга маълумотнома юбориши шарт.

148д-модда. Халқ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳайъатынинг тақдимига күра Конституциявий суд федерал органлар қабул қылған қарорларнинг ғайриқонунай эканлығы тұғрыснадағы ишларни күриб чиқады.

148-е-модда. Халқ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳайъати билан Федерал ҳукумат ё бирон-бир министр ўртасыда халқ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ваколатини тартибга солувчи қонун қоидаларини талқын қилиш хусусида келишмовчилеклар келиб чиққан ҳолларда, бу масала Федерал ҳукумат ёки Халқ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳайъати тақдимига күра Конституциявий суд томонидан ёпік мажлисда ҳал этилади.

148ж-модда. 1. Халқ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳайъати Венада жойлашған. У уч аъзодан иборат бўлиб, улардан бири раис вазифасини амалга оширади. Ҳайъат ваколатларнинг муддати олти йил. Халқ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳайъати аъзосини қайта сыйлашга бир мартагина рухсат этилади.

2. Халқ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳайъати аъзолари Миллий кенгаш томонидан Бони қўмита таклиф этадиган умумий рўйхат асосида сыйланади. Бош қўмита бу умумий рўйхат ҳақидағи таклифни ўз аъзоларнинг камида ярми иштирокида илгари суради, шу билан биррга Миллий кенгашда энг кўп маидатлар сонига эга бўлған учта партия таклиф қилинаётган умумий рўйхатга ўз аъзоларидан бирини киритиш ҳуқуқнинг әгадир. Халқ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳайъати аъзолари ўз лаво-

зимларнга киришишдан олдин Федерал пресидентга қа-
самёд қиладилар.

3. Халқ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳайъатидаги ва-
киллик унинг аъзолари томонидан амалга оширилади,
улар ҳар йили ўзлари вакил бўлган партиялар эга бўл-
ган мандатлар сонига қараб бир-бирини навбат билан
алмаштирадилар. Бундай навбат Халқ ҳуқуқларини ҳи-
моя қилиш ҳайъати ваколатларининг бутун муддати мо-
байнода сақланиб қолади.

4. Миллй кенгашда вакил бўлган партия тақдим
этган биронта аъзо Халқ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
ҳайъатидан муддатдан олдин чиқиб кетган тақдирда,
бу партия бошқа аъзони киритиши лозим. Ваколатлар-
нинг қолган муддатига янги сайлов 2-абзацга мувофиқ
тарзда ўтказилиши керак.

5. Халқ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳайъати аъзола-
ри Миллй кенгашга сайланиш ҳуқуқига эга бўлишла-
ри лозим; улар ўз хизмат фаолиятлари мобайнода Фе-
дерал ҳуқумат, ўлка ҳукумати ёки умумий вакиллик
органи таркибига киришлари ва бирон-бир бошқа кас-
бий фаолиятни амалга оширишлари мумкин эмас

1483-модда. 1. Халқ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳайъ-
ати аппаратининг хизматчилари Халқ ҳуқуқларини ҳи-
моя қилиш ҳайъати Раисининг таклифи блан Федерал
президент томонидан тайинланади, у мазкур тайинла-
ниши ўз имзоси билан тасдиқлайди; бундай тартиб
хизмат унвонларини беришга нисбатан ҳам амал қила-
ди. Бироқ Федерал президент Халқ ҳуқуқларини ҳимоя
қилиш ҳайъати Раисини хизматчиларнинг муайян тои-
фаларини лавозимга тайинлаши амалга оширишга вакил
қилиши мумкин. Ёрдамчи персонал Халқ ҳуқуқла-
рини ҳимоя қилиш ҳайъати Раиси томонидан тайинланади.
Бу жиҳатдан Халқ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳайъа-
тининг Раиси юқори фармойиш берувчи орган ҳисобла-
нади ва мазкур ваколатларни якка ўзи амалга оширади.

2. Халқ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳайъати хизмат-
чиларига нисбатан Федерация номидан хизмат фаоли-
ятига олий раҳбарлик қилиш Халқ ҳуқуқларини ҳимоя
қилиш ҳайъати Раиси томонидан амалга оширилади.

3. Халқ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳайъати ўз рег-
ламентини қабул қиласди, шунингдек, ишларни қараб
чиқиши бўйича вазифаларни тақсимлайди, бунда Халқ
ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳайъати аъзолари қандай вако-

латларни мустақил равишда амалга оширишлари лозимлиги аниқлади. Регламентни маъқуллаш ва вазифаларни тақсимлаш түғрисида қарор қабул қилиш учун Халқ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳаънати аъзоларининг бирдамлиги талаб қилинади.

148и-модда. 1. Ўлкалар ўзларининг Конституциявий қонунлари асосида Халқ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳайъатини, шунингдек, ўлкаларни бошқаришни амалга ошириш соҳасида ҳам ўзларини ваколатли деб эълон қилишлари мумкин. Бундай ҳолда тегишли равишда 148д ва 148е-моддалар татбиқ этилади.

2. Агар ўлкалар бошқарув соҳасида Халқ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳайъати бажарадиган вазифалар каби вазифаларга эга бўлган муассасаларни таъсис этсалар, у ҳолда ўлканинг Конституциявий қонуни 148д ва 148е-моддалар қоидаларига ўхшаш тартибга солишини ўрнатиши мумкин.

148к-модда. Мазкур бўлим йўл-йўриқларини аниқлаштирувчи япада батафсилоқ қоидалар федерал қонун билан белгилаб берилади.

САККИЗИНЧИ БУЛИМ

ЯҚУНИЙ ХУЛОСАЛАР

149-модда. Ушбу Қонун билан бир қаторда у билан боғлиқ бўлган 44-модданинг 1-абзацига мувофиқ конституциявий қонунлар сифатидаги улар билан боғлиқ бўлган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда қўйидагилар амал қилиши лозим:

Давлатнинг 1867 йил 21 декарбдаги империя кенгашида ўз вакиллари бўлган қиролликлар ва ўлкалар фуқароларининг умумий ҳуқуқлари түғрисидаги асосий қонуни;

Шахсий эркинликни ҳимоя қилиш түғрисида 1862 йил 27 октябрдаги қонун;

Турар жойининг дахлиизлигини муҳофаза қилиш түғрисида 1862 йил 27 октябрдаги қонун;

Муваққат миллий мажлиснинг 1918 йил 30 октябрдаги қарори.¹

Габсбург — Лотарингия хонадонини мамлакатдан

¹ 1981 йилги 3501сонли Қонун билан бекор қилинган.

қўвғин қилиш ва мол-мулкини мусодара этиш тўғрисида 1919 йил 3 апрелдаги қонун;

Дворянликни, оқсуяқ рицарлар ва аёллар учун мўлжалланган нишонлар ҳамда айрим номлар ва фахрий унвонларни бекор қилиш тўғрисида 1919 йил 3 апрелдаги қонун;

Германия — Австрия республикаси давлат герби ва давлат муҳри тўғрисида 1919 йил 8 майдаги қонун ва Қонуннинг 2, 5 ва 6-моддаларига мувофиқ 1919 йил 21 октябрда киритилган ўзгаришлар тўғрисида;

1919 йил 10 сентябрдаги Сен-Жермен давлат шартномаси III қисмининг V боби.

2. Давлатнинг 1867 йил 21 декабрдаги Асосий қонуннинг 20-моддаси, шунингдек, кўрсатиб ўтилган модда асосида чиқарилган 1869 йил 5 майдаги Қонун ўз кучини йўқотади.

150-модда. Ушбу Қонун билан Федерал Конституцияга киритиладиган ўтиш қондалари маҳсус Конституцияий қонун билан тартибга солинади, бу қонун ушбу Қонун билан бир вақтда кучга киради.

151-модда¹. Ушбу Конституциявий қонунни ижро этиш Федерал ҳукумат зиммасига юкланади.

152-модда. Бекор қилинган².

Staatsgesetzblatt, 1930, 1; Bundesgesetzblatt für die Republik Österreich, 1979, M 184; 1981, 850; 1982, 854; 1988, 175, 611.

ФЕДЕРАЛ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН

1955 йил 26 октябрь

АВСТРИЯНИНГ БЕТАРАФЛИГИ ТЎҒРИСИДА

1-модда. 1. Ўз мустақиллигини ташқаридан барқарор мустаҳкамлаш мақсадида ва ўз ҳудудининг дахлсизлигини таъминлаш мақсадида Австрия ихтиёрий равиш-

¹ 1981 йилги 350-сонли Қонун таҳририда.

² 1981 йилги 350-сонли Қонун билан.

да ўзининг доимий бетарафлигини маълум қилади. Австрия — бу бетарафликни ўзида мавжуд бўлган барча воситалар ёрдамида сақлади ва ҳимоя қилади.

2. Ана шу мақсадларга эришишни кафолатлаш учун Австрия келгусида ҳам ҳеч маҳал ҳеч қандай ҳарбий иттифоқларга кирмайди ва ўз ҳудудида хорижий давлатларининг ҳарбий базалари ташкил этилишига йўл қўймайди.

2-модда. Ушбу Федерал қонуннинг ижро этилиши Федерал ҳуқуматга юкланади.

Bundesgesetzblatt, für die Republik Österreich, 1955, № 211.

ДАВЛАТНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИ

1867 йил 21 декабрь

ИМПЕРИЯ ҚЕНГАШИДА ЎЗ ВАҚИЛЛАРИ БЎЛГАН ҚИРОЛЛИКЛАР ВА ҮЛКАЛАР ФУҚАРОЛАРИНИНГ УМУМИЙ ҲУҚУҚЛАРИ ТУФРИСИДА

1⁻¹м. Империя қенгашида ўз вакиллари бўлган қиролликлар ва ўлкаларга мансуб бўлган барча шахслар учун умумий Австрия фуқаролиги белгиланади.

Австрия фуқаролигига эга бўлиш, ундан келиб чиқадиган ҳуқуқларни амалга ошириш шартлари ва фуқароликдан маҳрум бўлиш шартлари қонун билан белгиланади.

2-м. Барча фуқаролар қонун олдида тенгдирлар.

3-м. Оммавий муассасаларда хизмат қилиш барча фуқаролар учун бирдай мумкиндир.

Ажнаабийлар учун бу муассасаларга хизматтаға қириш уларнинг Австрия фуқароси бўлишига боғлиқдир.

4²-м. Шахснинг ва мол-мулкиннинг давлат ҳудуди доирасида кўчиш эркинилиги мутлақо чеклаимайди.

Жамоада истиқомат қиладиган ва ўз мол-мулкидан тадбиркорлик фаолияти ёки даромадларидан солиқ тўйи

¹ Федерал Конституциянинг 6-моддасига зид бўлганилиги сабабли амал қилмайди. (Тузувчилар изоҳи).

² 4-модданинг 2-абзацни Федерал Конституциянинг 119-моддасиги 2-абзацга зид келганилиги учун амал қилмайди. (Тузувчилар изоҳи).

лайдиган барча фуқаролар мазкур жамоага мансуб бўлган фуқаролар сингари ўша шартлар асосида жамоа вакиллилига фаол ва пассив сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Мамлакатдан чиқиб кетиш эркинлиги давлат томонидан фақат ҳарбий мажбурият муносабати билангина чекланади.

Четга чиқариладиган мол-мулк учун олинадиган божлар ўзаро ҳамкорлик асосида бўлиши мумкин.

5-м. Ҳусусий мулк дахлсиздир. Мулкни мулк эгасининг хоҳиш-иродасига қарши бегоналаштириш фақат қонунларда белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилиши мумкин.

6-м. Ҳар бир фуқаро давлат ҳудудининг исталган қисмида туриш ва яшаш жойини танлаши, исталган турдаги кўчмас мулкни сотиб олиши ва уни эркин равишда тасарруф қилиши, шунингдек, қонудна кўрсатиб ўтилган шартларга риоя қилган тақдирда исталган фолият соҳасида тадбиркорлик билан шуғулланиши мумкин.

Черков жамоалари учун ижтимоий манфаат муложазалари билан кўчмас мулкни харид қилиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқини қонун йўли билан чеклашга йўл қўйилади.

7-м. Шахсни бўйсундиришга ва унинг қарамлигини мустаҳкамлашга қаратилган барча бирлашмалар абадий тугатилади. Кўчмас мулкнинг олдинги мансублигидан келиб чиқадиган, бу мулкка эгалик қилишга нисбатан ҳар қандай мажбурият бекор қилиниши мумкин, кўчмас мулкка нисбатан бекор қилинмаган мажбурият келгусида ҳам жорий этилмаслиги мумкин.

8-м. Шахснинг эркинлиги кафолатланади. 1862 йил 27 октябрдаги шахс эркинлигини ҳимоя қилиш тўғрисидаги амалдаги Қонун давлатининг ушбу асосий қонунининг таркибий қисми ҳисобланади.

Файриқонуний равишда амалга оширилган ёки узайтирилган ҳар бир ҳибсга олиш давлатининг жабрланган кишига етказилган зарар ўринини қоплашига сабаб бўлади.

9-м. Туар жойнинг дахлсизлиги бузилмасдир. Туар жойнинг дахлсизлигини муҳофаза қилиш тўғрисидаги 1862 йил 27 октябрда қабул қилинган амалдаги Қонун давлатининг ушбу Асосий қонунининг таркибий қисми деб эълон қилинади.

10-м. Ёзишмаларнинг маҳфийлиги бузилиши мумкин эмас, шунинг учун ҳам ёзишмаларни олиб қўйиш (қонунда кўзда тутилган ҳибсга олиш ва тинтуб ўtkазиш бундан мустаснодир) фақат уруш шароптида ёки амалдаги қонунларга мувофиқ суд буйруғи асосида амалга оширилиши мумкин.

10-a¹-м. Телефонда сўзлашувлар ва телеграф хабарларининг маҳфийлиги бузилиши мумкин эмас.

Олдинги абзац йўл-йўриқларидан истисноларга фақат суд буйруғи асосида амалдаги қонунларга мувофиқ йўл қўйилади.

11-м. Ҳар ким ҳукумат идораларига арзнома топшириш ҳуқуқига эгадир. Жамоа арзномаларини фақат қонун билан эътироф этилган корпорациялар ва бирлашмалар бериши мумкин.

12-м. Австрия фуқаролари мажлислар ўтказиш ва бирлашмалар ташкил этиш ҳуқуқига эгадирлар. Мазкур ҳуқуқларни амалга ошириш маҳсус қонунлар билан тартибга солинади.

13-м. Ҳар ким қонун доирасида ўз фикрини оғзаки, ёзма тарзда, матбуот ва бадиий тасвиirlар воситасида ифодалаш ҳуқуқига эгадир .

Матбуот цензурага дучор қилиниши ҳам, рухсат этувчи тизим воситасида чеклацларга дучор қилиниши ҳам мумкин эмас. Мамлакат ичкарисида нашр қилинган босма асарларга нисбатан маъмурий почта тақиқлари қўлланилмайди.

14-м. Ҳар ким тўла виждон эркинлиги ва динга эътиқод қилиш эркинлиги билан кафолатланади.

Фуқаролиқ ва сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланиш диний эътиқодга боғлиқ эмас; бироқ фуқаролик мажбуриятлари диний эътиқод туфайли бузилмаслиги керак.

Ҳар ким диний амалларни содир этишга ёки диний маросимда қатнашишга, (агар у фақат бошқа шахснинг, қонунан васиий бўлган кишининг ихтиёрида бўлмаса) мажбур этилиши мумкин эмас.

15-м. Қонун томонидан эътироф этилган ҳар бир черков ёки диний жамият биргаликда оммавий диний ҳаракатлар ўтказиш ҳуқуқига эгадир, у ўзининг ички ишларини мустақил равишда белгилайди ва уни бошқа-

¹ 1973 4йил 25 ноябрдаги Федерал конституциявий қонун асосида киритилган (1974, 8).

ришни амалга оширади, ўз ихтиёрида иншоотлар ва жамғармаларга эга бўлади ва улардан ўзининг диний, тарбиявий ва хайрия фаолияти мақсадларида фойдаланади, лекин ҳар қандай бирлашма сингари давлатнинг умумий қонунларига бўйсунади.

16-м. Қонун билан эътироф қилинмаган диний таълимот ихлосмандларига хонаки диний меросимларни ўтказишга рухсат этилади, чунки улар қонунга ва ахлоқга зид келмайди.

17-м. Фан ва унинг назариясини ривожлантириш эркиндир.

Ҳар бир фуқаро ўқув ва тарбия муассасаларини ташкил этишга ва уларда ўқитишга, агар унинг бунга яроқлилиги қонунда назарда тутилган тартибда тасдиқланган бўлса, ҳақлидир.

Хонаки ўқитиш кўрсатиб ўтилган тарзда чекланмайди. Мактабларда динни ўқитниш тўғрисида тегишли черковлар ва диний жамиятлар ғамхўрлик қилишлари лозим.

Давлат бутун ўқитиш ва тарбиялаш ишига нисбатан юқори раҳбарлик ва назоратни амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.

17а-м¹. Бадний ижод, санъатни тарғиб қилиш ва унинг назариясини ривожлантириш эркиндир.

18-м. Ҳар ким қасб танлаш ва уни ўрганишда, қандай қилиб ва қаерда ўрганишда эркиндир.

19-м². Барча кам сонли халқлар тенг ҳуқулидирлар, улардан ҳар бири ўзининг миллний хусусиятлари ва тилини сақлаб қолиш ҳамда қўллаб-қувватлаш учун кафолатланган ҳуқуқقا эгадир.

Давлат малакатда мавжуд тиллардан мактабларда, оммавий муассасаларда ва жамоат ҳаётида фойдаланишда уларнинг тенглигини эътироф қиласди.

Бир неча кам сонли миллатлар яшайдиган ўлкаларда таълим соҳасидаги оммавий муассасалар шундай йўлга қўйилиши керакки, токи бу кам сонли миллатлардан ҳеч бири бирон-бир ўлкада ишлаётган иккинчи тил-

¹ 1982 йил 12 майдаги 262-сонли Федерал конституциявий Қонун билан киритилган.

² Федерал Конституциянинг 8-моддасига зидлиги сабабли амал қилмайди. (Тузувчилар изоҳи).

ни ўрганишга мажбур этилмасин ва ўз она тилида таълим олиш учун зарур воситаларга эга бўлсин.

20-м. Бекор қилинган.¹

Reicbsgesetzblatt, 1867, 142; Bundesgesetzblatt für die Republik Österreich, 1974, 8, 1989, 262.

¹ Федерал Конституциянинг 149-моддаси 2-абзацига кўра.

ОЗАРБАЙЖОН

ОЗАРБАЙЖОН РЕСПУБЛИКАСИ

Кавказ ортининг жануби-шарқидаги давлат. Ҳудуди — 86,6 минг кв. км. Маъмурӣ-ҳудудий жиҳатдан 61 туманга бўлинади. Озарбайжон таркибига Нахичеван Мухтор Республикаси киради. 1988 йилда Тоғли Қорабор туфайли Озарбайжон билан Арманистон ўртасидаги муносабатларда қуролли тўқнашув келиб чикди. 1991 йили 26 ноябрда Озарбайжон Олий Кенгашин Тоғли Қорабор муҳтор вилояти мақомини бекор қилиш тўғрисида қарср қабул қилди. Аҳолиси — 7,13 млн. кишидан иборат (1990 йил) Пойтахти — Боку. Давлат тили — озарбайжон тилидир. Дини — суннӣ ва шиа мазҳабидаги Ислом дини. Пул бирлиги — манат. Миллий байрами — 28 май — Республика куни.

1991 йил 30 августда Озарбайжон Олий Кенгашин 1918 йилда Озарбайжон Демократик Республикасини эълон қилган Ҳужжат асосида давлат мустақиллигини тиклаш тўғрисида декларация қабул қилди. 1991 йил 18 октябрда «Озарбайжон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида» Конституциявий ҳужжат қабул қилинди. Ҳозирги вақтда амал қилаётган Конституция 1995 йил 12 ноябрда референдум билан қабул қилинган, 1995 йил 27 ноябрда кучга кирган.

Давлат бошлиғи — Президент. Қонун чиқарувчи Ҳоқимият органи — Миллий мажлис (50 депутат)дир. Ижро этувчи юқори ҳоқимият органи — бош вазир бошчилик қиласидан Вазирлар Маҳкамасидир.

Сиёсий партиялари: Озарбайжон Халқ фронти; Миллий мустақиллик партияси; Тўғри йўл партияси; Озарбайжон социал-демократик партияси; «Мусоват»; Озарбайжон халқ партияси; Озарбайжон деҳқонлар партияси ва бошқалардир. 1992 йилда Сиёсий партиялар тўғридиса қонун қабул қилинган.

ОЗАРБАЙЖОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ

Озарбайжон халқи ўзининг кўп асрлик давлатчилик анъаналарини давом эттириб, «Озарбайжон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги Конституциявий Ҳужжатда акс эттирилган тамойилларга амал қилиб, ҳамманинг ва ҳар бир кишининг фаровонлигини таъминлашни, адолат, озодлик ва хавфсизликни қарор топтиришни истаб, ўтмишдаги, бугунги ва келажак авлодлар олдиаги ўз масъулиятини ҳис қилиб, ўзининг ғуверен ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда қўйидаги муддаолари тўғрисида тантанали равишда баён қиласди:

- Озарбайжон Республикасининг мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш;
 - Конституция доирасида демократик тузумни кафолатлаш;
 - Фуқаролик жамиятини қарор топтиришга эришиш;
 - халқ ҳоҳиш-иродасининг ифодаси бўлмиш қонунларнинг устуворлигини таъминловчи ҳуқуқий, дунёвий давлатни барпо этиш;
 - адолатли иқтисодий ва ижтимоий тартибга мувофиқ ҳаммани муносиб турмуш даражаси билан таъминлаш;
 - умуминсоний қадриятларга содиқликни сақлаб қолган ҳолда, бошқа халқлар билан дўстлик, тинчлик ва хавфсизлик шароитида яшаш ҳамда ана шу мақсадда ўзаро фойдали ҳамкорликни амалга ошириш.
- Юқорида санаб ўтилган юксак мақсадлар йўлида умумхалқ овоз бериши — референдум ўйли билан ушбу Конституция қабул қилинади.

БИРИНЧИ БЎЛИМ

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

I боб

ХАЛҚ ҲОҚИМИЯТИ

1-модда. Ҳоқимият манбаи.

I. Озарбайжон Республикасида давлат ҳоқимиятининг ягона манбаи Озарбайжон халқи ҳисобланади.

II. Озарбайжон халқи Озарбайжон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида истиқомат қиладиган Озарбайжон Республикаси фуқароларидан ташкил топади, улар Озарбайжон давлатига ва унинг қонуиларига тобе деб қаралади, бу эса халқаро ҳуқуқ билан белгиланган нормаларни истисно қилмайди.

2-модда. Халқ суверенитети.

I. Ўз тақдирини әркин ва мустақил равишда белгилаш, ўзининг бошқарув шаклини таъсис этиш Озарбайжон халқининг суверен ҳуқуқи ҳисобланади.

II. Озарбайжон халқи ўзининг суверен ҳуқуқини бевосита умумхалқ овоз бериши — референдум йўли билан ва умумий teng ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида әркин, яширин ва шахсан овоз бериш йўли билан сайдланган ўз вакиллари ёрдамида амалга оширади.

3-модда. Умумхалқ овоз бериши — референдум йўли билан ҳал этиладиган масалалар

I. Озарбайжон халқи ўз ҳуқуқи ва манфаатларига даҳлдор бўлган ҳар қандай масалани референдум йўли билан ҳал этиши мумкин.

II. Қуйида санаб ўтилган масалалар фақат референдум йўли билан ҳал этилиши мумкин:

1) Озарбайжон Республикаси Конституциясини қабул қилиш ва унга ўзгаришлар киритиш;

2) Озарбайжон Республикасининг давлат чегараларини ўзгартириш.

4-модда. Халқ вакили бўлиш ҳуқуқи.

Халқ сайлаган муҳтор вакиллардан ташқари ҳеч ким халқ вакили бўлиш, халқ номидан гапириш ва халқ номидан мурожаатномалар билан сўзга чиқиш ҳуқуқига эга эмас.

5-модда. Халқ бирлиги.

I. Озарбайжон халқи ажралмасдир.

II. Озарбайжон халқининг бирлиги Озарбайжон давлатининг асосини ташкил этади. Озарбайжон Республикаси Озарбайжон Республикасиниг барча фуқаролари учун умумий ва ажралмас ватандир.

6-модда. Ҳокимиятни ўзлаштиришга йўл қўйилмаслиги.

I. Озарбайжон халқининг ҳеч бир қисми, ҳеч бир

ижтимовий гурӯҳ ёки ташкилот, ҳеч қандай шахс ҳокимиятни ўзлаштиришни амалга ошириш ваколатига эга эмас.

II. Ҳокимиятни ўзлаштириш халқа қарши энг оғир жиноят ҳисобланади.

II боб

ДАВЛАТ АСОСЛАРИ

7-модда. Озарбайжон давлати.

I. Озарбайжон давлати — демократик, ҳуқуқий, дунёвий, унитар (қўшма) республика.

II. Озарбайжон Республикасида давлат ҳокимияти ички масалаларда фақат ҳуқуқ билан, ташқи масалаларда — фақат халқаро шартномалардан келиб чиқадиган қоидалар билан чекланади. Озарбайжон Республикаси бу шартномаларнинг тарафдори ҳисобланади.

III. Озарбайжон Республикасида давлат ҳокимияти ҳокимиятларнинг тақсимланиши тамоилии асосида ташкил этилади:

— қонун чиқарувчилик ҳокимиятини Озарбайжон Республикасининг Миллий Мажлиси амалга ошидади;

— ижро этувчи ҳокимият Озарбайжон Республикаси Президентига тегишилдири;

— суд ҳокимиятини Озарбайжон Республикасининг судлари амалга оширади.

IV. Ушбу Конституция қоидаларига мувофиқ қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўзаро ҳамкорликда ҳаракат қиласидилар ва ўз ваколатлари доирасида мустақиллар.

8-модда. Озарбайжон давлатининг бошлиги

I. Озарбайжон давлатининг бошлиғи Озарбайжон Республикасининг Президентидир. У мамлакат ичкарисида ва ташқи алоқаларда Озарбайжон давлатининг вакили ҳисобланади.

II. Озарбайжон Республикасининг Президенти Озарбайжон халқи бирлигини гавдалантиради ва Озарбайжон давлатчилигининг ворисийлигини таъминлайди.

III. Озарбайжон Республикасининг Президенти Озарбайжон давлати мустақиллиги ва худудий яхлитлигининг ҳамда халқаро шартномаларга риоя қилинишининг кафолатидир, Озарбайжон Республикаси бу шартномаларнинг тарафдори ҳисобланади.

IV. Озарбайжон Республикасининг Президенти суд ҳокимиияти мустақиллигининг ҳам кафолати ҳисобланади.

9-модда. Қуролли кучлар.

I. Озарбайжон Республикаси ўз хавфсизлиги ва му дофасини таъминлаш мақсадида Қуролли Кучлар ва бошқа қуролли қисмларни ташкил этади.

II. Озарбайжон Республикаси урушини бошқа давлатларнинг мустақиллигига тажовуз қилиш воситаси ва халқаро низоларни ҳал қилиш усули сифатида рад қиласди.

III. Озарбайжон Республикасининг Президенти Озарбайжон Республикаси Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмандони ҳисобланади.

10-модда. Халқаро муносабатлар тамойиллари.

Озарбайжон Республикаси ўзининг бошқа давлатлар билан муносабатларни умум эътироф этган халқаро ҳуқуқий нормаларда назарда тутилган тамойиллар асосида ташкил этади.

11-модда. Ҳудуд.

I. Озарбайжон Республикасининг ҳудуди бузилмас, дахлсиз ва бўлинмасдири.

II. Озарбайжон Республикасининг ички сувлари, Қасиий денигиз (кўли)нинг Озарбайжон Республикасига тегиншли бўлган сектори, Озарбайжон Республикаси устидаги ҳаво бўлшиғи — Озарбайжон Республикаси ҳудудининг таркиби қисмларидир.

III. Озарбайжон Республикасининг ҳудудидан ҳеч бир ер ажратилмайди. Озарбайжон Республикаси ҳеч кимга ҳеч бир соҳада ва ҳеч бир турда ўз ҳудудини бермайди; давлат чегаралари фақат референдум йўли билан ўзгартирилиши mumkин, референдум Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлисининг қарори билан Озарбайжонининг бутун аҳолиси иштироқида, Озарбайжон халқининг хоҳиш-иродаси асосида ўтказилади.

12-модда. Давлатнинг олий мақсади.

I. Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини таъминлаш — давлатнинг олий мақсадидир.

II. Ушбу Конституцияда санаб ўтилган инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари халқаро шартно-

маларга мувофиқ татбиқ әтилади. Озарбайжон Республикаси бу шартномаларнинг тарафдори ҳисобланади.

13-модда. Мулк.

I. Озарбайжон Республикасида мулк дахлсиз ҳисобланади ва давлат томонидан муҳофаза қилинади.

II. Мулк давлат мулки, хусусий ва муниципал бўлиши мумкин.

III. Мулкдан инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, шахснинг қадр-қимматини поймол қилиш учун фойдаланиш мумкин эмас.

14-модда. Табиий ресурслар

Табиий ресурслар бирон-бир жисмоний ва юридик шахснинг ҳуқуқлари ва манфаатларига зарар етказмаган ҳолда Озарбайжон Республикасига тегишлидир.

15-модда. Иқтисодий ривожланиш ва давлат

I. Озарбайжон Республикасида мулкчиликнинг тури-туман шаклларига асосланган иқтисодиётни ривожлантириш халқ фаровонлигини оширишга хизмат қиласди.

II. Озарбайжон давлати бозор муносабатлари асосида иқтисодиётни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиб беради, тадбиркорлик эркинлигини кафолатлади, иқтисодий муносабатларда монополиячилик ва инсоғизиз рақобатга йўл қўймайди.

16-модда. Ижтимоий ривожланиш ва давлат

I. Озарбайжон давлати халқ ва ҳар бир фуқаронинг фаровонлигини ошириш, уни ижтимоий ҳимоя қилиш ва муносиб турмуш даражаси тӯғрисида ғамхўрлик қиласди.

II. Озарбайжон давлати маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, фан, санъатни ривожлантиришга кўмаклашади, табиатни, халқнинг тарихий, моддий ва маънавий меросини муҳофаза қиласди.

17-модда. Оила ва давлат.

I. Оила давлатнинг асосий ячейкаси сифатида давлатнинг алоҳида ҳомийлигида бўлади.

II. Болаларга ғамхўрлик қилиш ва уларни тарбиялаш ота-оналарнинг бурчи ҳисобланади. Давлат мазкур бурчнинг бажарилишини назорат қилишни амалга оширади.

18-модда. Дин ва давлат

I. Озарбайжон Республикасида дин давлатдан ажратилган. Барча динлар қонун олдида тенгдир.

II. Шахснинг қадр-құмматини ерга урадиган ва инсонийлик тамойилларига зид бұлған динларни оммалаштириш ва тарғиб қылиш тақиқланади.

III. Давлат таълим тизими дүнёвий хусусиятга әгадир.

19-модда. Пул бирлиги

I. Озарбайжон Республикасининг пул бирлиги манат ҳисобланади.

II. Пул белгиларини муомалага чиқариш ва муомаладан олиб қўйиш ҳуқуқи фақат Миллий Банкка тегишилдир.

Озарбайжон Республикасининг Миллий банки давлатнинг мутлақ мулки ҳисобланади.

III. Озарбайжон Республикаси ҳудудида тўлов воситаси сифатида манатдан бошқа пул бирликларидан фойдаланиш тақиқланади.

20-модда. Давлат қарзларига қўйиладиган чеклашлар

Озарбайжон давлатига қарши исён кўтаришга ёки давлат тўнтариши қилишга кўмаклашиш мақсадида олинган қарзлар Озарбайжон Республикаси томонидан мажбурият сифатида қабул қилиниши ва Озарбайжон Республикаси томонидан тўланишп мумкин эмас.

21-модда. Давлат тили

I. Озарбайжон Республикасининг давлат тили Озарбайжон тилидир. Озарбайжон Республикаси озарбайжон тилининг ривожланишини таъминлайди.

II. Озарбайжон Республикаси аҳоли сўзлашадиган бошқа тиллардан эркин фойдаланишини ва уларнинг ривожланишини таъминлайди.

22-модда. Пойтахт.

Озарбайжон Республикасининг пойтахти Боку ҳисобланади.

23-модда. Озарбайжон давлатининг рамзлари

I. Озарбайжон Республикасининг давлат рамзлари Озарбайжон Республикасининг Давлат байроғи, Озарбайжон Республикасининг Давлат герби ва Озарбайжон Республикасининг Давлат мадҳиясидир.

II. Озарбайжон Республикасининг Давлат байроғи эни бир хил бўлган учта горизонтал кесик матодан иборат.

Юқори кесик — ҳаворанг, ўрта кесик — қизил, қуйин кесик — яшил ранглидир, байроқдаги қизил кесикнинг ҳар икки томони ўртасида оқ рангли ярим ой ва саккиз қиррали юлдуз тасвирланган. Байроқнинг кенглиги унинг бўйига 1:2 нисбатадир.

III. Озарбайжон Республикаси Давлат байроғининг ва Озарбайжон Республикаси Давлат гербининг тасвири, Озарбайжон Республикаси Давлат мадҳиясининг мусиқаси ва матни Озарбайжон Республикасининг Конституциявий Қонуни билан белгиланади.

И К К И Н Ч И Б У Л И М

АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАР, ЭРКИНЛИКЛАР ВА БУРЧЛАР

III боб

ИНСОН ВА ФУҚАРОНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ

24-модда. Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларининг асосий тамойили

I. Ҳар бир шахс туғилган пайтидан эътиборан дахлизиз, бузилмас ва тортиб олинмайдиган ҳуқуқлар ва эркинликларга эгадир.

II. Ҳуқуқ ва эркинликлар ҳар бир шахснинг жамият ва бошқа шахслар олдидағи масъулияти ва бурчларни ҳам қамраб олади.

25-модда. Тенглик ҳуқуқи

I. Қонун ва суд олдида ҳамма тенгдир.

II. Эркаклар ва аёллар тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эгадирлар.

III. Давлат ҳар кимнинг ирқи, миллати, дини, тили, жинси, келиб чиқиши, мулкий аҳволи, хизмат мавқеи, эътиқоди, сиёсий партияларга, касаба уюшмалари ва бошқа жамоат бирлашмаларига мансублигидан қатъи назар унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари тенглигини кафолатлайди.

Инсон ва фуқароларнинг қайси ирқ, миллат, дин, тилга мансублигига, жинси, келиб чиқиши, эътиқоди, қайси

смёсий ва ижтимоий жамоага мансублигига асосланиб, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклаш тақиқланади.

26-модда. Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш

I. Ҳар бир шахс ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини қонун билан тақиқланмаган усуслар ва воситалар билан ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадир.

II. Давлат ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишини кафолатлайди.

III. Ҳар бир шахснинг тасарруфида кўчар ва кўчмас мулк бўлиши мумкин. Мулкка эга бўлиш ҳуқуқи мулкдорнинг ўзи томонидан ёки бошқалар билан биргаликда мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқларини қамраб олади.

IV. Суднинг рухсатисиз ҳеч ким ўз мулкидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Мулкни тўлиқ мусодара қилишга йўл қўйилмайди. Давлат ёки жамият эҳтиёжлари учун мулкни бегоналаштиришга фақат унинг қийматиadolatli равишда қонланган тақдирдагина йўл қўйилади.

V. Давлат мерос ҳуқуқини кафолатлайди.

30-модда. Интеллектуал (ақлий) мулк ҳуқуқи

I. Ҳар бир шахс интеллектуал (ақлий) мулк ҳуқуқига эгадир.

II. Муаллифлик ҳуқуқи, ихтиро қилиш ҳуқуқи ва интеллектуал мулкнинг бошқа турлари қонун билан муҳофаза қилинади.

31-модда. Хавф-хатарсиз яшаш ҳуқуқи

I. Ҳар бир шахс хавф-хатарсиз яшаш ҳуқуқига эгадир.

II. Шахснинг ҳаётига, унинг жисмоний ва маънавий соғлиғига, мол-мулкига, турар жойига қонунда кўзда тутилган зўравошлиқ қилиш тақиқланади.

32-модда. Шахсий дахлсизлик ҳуқуқи

I. Ҳар бир шахс шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир.

II. Ҳар бир шахс шахсий ва оиласвий сирни сақлаш ҳуқуқига эгадир. Қонунда кўзда тутилган ҳоллардан ташқари ҳолатларда шахснинг ҳаётига аралашиш тақиқланади.

III. Бирон-бир шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаёти түғрисида маълумотлар тўплаш, сақлаш, фойдаланиш ва тарқатишга йўл қўйилмайди.

IV. Давлат ҳар бир шахснинг ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлари, почта, телеграф хабарлари ва бошқа алоқа воситалари орқали бериладиган маълумотларининг сирсақланиши ҳуқуқини кафолатлайди. Қонунда кўзда тутилган тартибда жиноятни бартараф қилиш ёки жиноий ишни текшириш вақтида ҳақиқатни аниqlаш учун бу ҳуқуқ чекланиши мумкин.

33-модда. Туар жойининг дахлсизлиги ҳуқуқи

I. Ҳар бир шахс туар жойининг дахлсизлиги ҳуқуқига эгадир.

II. Қонунда кўзда тутилган ёки суд қарори чиқарилган ҳоллардан ташқари ҳолатларда ҳеч ким туар жойга унда яшовчиларнинг хоҳиш-иродасига қарши кириши мумкин эмас.

34-модда. Никоҳдан ўтиш ҳуқуқи

I. Ҳар бир шахс қонунда кўзда тутилган ёшга етгач, оила қуриш ҳуқуқига эгадир.

II. Никоҳ иктиёрий келишув асосида тузилади. Ҳеч ким никоҳ тузишга мажбур қилиниши мумкин эмас.

III. Оила ва никоҳ давлат васийлигига бўлади. Оналлик, оталик, болалик қонун билан муҳофаза қилинади. Давлат кўп болали оиласаларга ёрдам кўрсатади.

IV. Эр-хотинининг ҳуқуқлари тенгдир. Болаларга ғам-ҳўрлик қилиш, уларни тарбиялаш ота-оналарнинг ҳам ҳуқуқи, ҳам бурчи ҳисобланади.

V. Отa-оналарни ҳурмат қилиш, улар ҳақида ғам-ҳўрлик қилиш болаларнинг бурчи ҳисобланади. 18 ёшга тўлган меҳнатга лаёқатли болалар меҳнатга лаёқатсиз ота-оналарни боқишларни шарт.

35-модда. Меҳнат қилиш ҳуқуқи

I. Меҳнат шахсий ва ижтимоий фаровонликнинг асосиadir.

II. Ҳар бир шахс ўзининг меҳнатга лаёқати асосида ўзи учун фаолият турини, касб-хунар, машғулот ва иш жойини эркин танлаш ҳуқуқига эгадир.

III. Ҳеч кимни меҳнат қилишга мажбур этиш мумкин эмас.

IV. Меҳнат шартномалари эркин равишда тузилади.
Хеч ким меҳнат шартномаси тузишга мажбур қилиниши мумкин эмас.

V. Суд қарори асосида, шахсни шартлари ва муддатлари қонунда кўзда тутилган мажбурий меҳнатга жалб этишга йўл қўйилади. Ҳарбий хизмат вақтида ваколатли шахслар буйруқларини бажариш билан боғлиқ бўлган меҳнатга мажбур этишга, фуқароларни фавқулодда ёки ҳарбий ҳолатлар эълон қилинган вақтда муайян ишларни бажаришга мажбур қилишга йўл қўйилади.

VI. Ҳар бир шахс хавфсиз ва соғлом шароитда меҳнат қилиш, ўз меҳнати учун ҳеч қандай камситилишсиз давлат белгилаган энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ҳақ олиш ҳуқуқига эгадир.

VII. Давлат ишсизликни бартараф этиш учун ўзининг барча имкониятларидан фойдаланади.

36-модда Иш ташлаш ҳуқуқи

I. Ҳар бир шахс мустақил ёки бошқалар билан биргаликда иш ташлаш ҳуқуқига эгадир.

II. Ишлаётгандарнинг иш ташлаш ҳуқуқи меҳнат шартномаси асосида фақат қонунда кўзда тутилган ҳоллардагина чекланиши мумкин. Озарбайжон Республикасининг Қуролли Кучларида ва бошқа ҳарбий қисмларида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар ва оддий фуқаролар иш ташлашлари мумкин эмас.

III. Якка тартибдаги ва жамоага мансуб меҳнат низолари қонунда белгиланган тартибда ҳал этилади.

37-модда. Дам олиш ҳуқуқи

I. Ҳар бир шахс дам олиш ҳуқуқига эгадир.

II. Меҳнат шартномаси асосида ишлаётгандарга қонунда белгиланган, лекин ҳар куни 8 соатдан ошмайдиган иш куни, дам олиш кунлари ва байрам кунлари, йилига камида бир марта ҳақ тўланадиган 21 тақвим кунидан кам бўлмаган миқдорда таътил берилиши кафолатланади.

38-модда Ижтимоий таъминот ҳуқуқи

I. Ҳар бир шахс ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эгадир.

II. Мухтожларга ёрдам кўрсатиш, биринчи навбатда, уларининг ўз оила аъзолари бурчи ҳисобланади.

III. Ҳар бир шахс қонунда белгиланган ёшга етгандан кейин қасаллик, ногиронлик бўйича, боқувчисини йўқотган, меҳнат қилиш лаёқатини йўқотган тақдирда, ишсизлик сабабли ва қонунда кузда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эгадир.

IV. Пенсиялар ва ижтимоий нафақаларнинг энг кам миқдори қонун билан белгиланади. Давлат хайрия фаолиятини, ихтиёрий ижтимоий суғуртани ва ижтимоий таъминотнинг бошқа шаклларини ривожлантириш учун имкониятлар яратиб беради.

39-модда. Соғлом муҳитда яшаш ҳуқуқи

I. Ҳар бир шахс соғлом муҳит шароитида яшаш ҳуқуқига эгадир.

II. Ҳар бир шахс атроф муҳитнинг чинакам аҳволи тўғрисида маълумотлар тўплаш, ўзининг соғлиғига ва мол-мулкига экологик ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ равишда етказилган зарар учун товон пули олиш ҳуқуқига эгадир.

40-модда. Маданият ҳуқуқи

I. Ҳар бир шахс маданий ҳаётга қатнашиш, маданий муассасалар ва маданий бойликлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

II. Ҳар бир шахс тарихий, маданий ва маънавий меросга ҳурмат билан муносабатда бўлиши, у меросга ғамхўрлик қилиши, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиши лозим.

41-модда. Соғлиқни муҳофаза қилиш ҳуқуқи

I. Ҳар бир шахс ўз соғлиғини муҳофаза қилиш ва тиббий ёрдам олиш ҳуқуқига эгадир.

II. Давлат мулкчиликнинг ҳар хил турлари асосида иш олиб бораётган соғлиқни сақлашнинг барча турларини ривожлантириш учун зарур чоралар кўради, санитария-эпидемиологик фаровонликни кафолатлайди, тиббий суғуртанинг турли шакллари учун имкониятлар яратиб беради.

42-модда. Илм олиш ҳуқуқи

I. Ҳар бир фуқаро илм олиш ҳуқуқига эгадир.

II. Давлат бепул мажбурий умумий ўрта маълумот олишни кафолатлайди.

III. Илм тизими давлат томонидан назорат қилинади.

IV. Давлат истеъдодли шахслар учун уларнинг моддий аҳволидан қатъи назар, илм олишини давом эттиришини қафолатлади.

V. Давлат илмнинг энг кам стандартларини белгилайди.

43-модда. Тураг жой ҳуқуқи

I. Ҳеч ким ўз тураг жойидан ғайриқонуний тарзда маҳрум қилиниши мумкин эмас.

II. Давлат уй-жой қурилишига ёрдам беради, тураг жой ҳуқуқини амалга ошириш учун маҳсус чоралар кўради.

44-модда. Миллатга мансублик ҳуқуқи

I. Ҳар бир шахс ўз миллатига мансублигини сақлаб қолиш ҳуқуқига эгадир.

II. Ҳеч кимни ўз миллатига мансублигини ўзгартиришга мажбур қилиш мумкин эмас.

45-модда. Она тилидан фойдаланиш ҳуқуқи

I. Ҳар бир шахс она тилидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир. Ҳар ким ўз истагига кўра, хоҳлаган тилида тарбия, илм олиш ва ижод билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадир.

II. Ҳеч ким она тилидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум әтилиши мумкин эмас.

46-модда. Ор-номус ва қадр-қимматни ҳимоя қилиш ҳуқуқи

I. Ҳар бир шахс ўзининг ор-номуси ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадир.

II. Шахснинг қадр-қиммати давлат томонидан муҳофаза қилиниади. Ҳеч қандай ҳолат шахснинг қадр-қимматини ерга уриш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас.

III. Ҳеч ким қийноқлар ва азоб- уқубатларга дучор қилиниши мумкин эмас, ҳеч ким инсонийлик қадр-қимматини ерга урадиган муомала ёки жазолашга дучор қилиниши мумкин эмас. Ҳеч ким билан, унинг розилигисиз, тиббий, илмий ва бошқа тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас.

47-модда. Фикрлаш ва сўз эркинлиги

I. Ҳар бир шахс фикрлаш ва сўз эркинлигига эгадир.

II. Ҳеч кимни ўз фикрларини ва эътиқодини эълон

қилишга ёки ўз фикрлари ва эътиқодидан воз кечишга мажбур қилиш мумкин эмас.

III. Ирқий, диний ва ижтимоий нифоқ ҳамда душманлик келтириб чиқарадиган ташвиқот ва тарғибот олиб боришга йўл қўйилмайди.

48-модда. Виждон эркинлиги

I. Ҳар бир шахс виждои эркинлигига эгадир.

II. Ҳар бир шахс ўзининг динга бўлган муносабатини эркин белгилаш, мустақил равишда ёки бошқалар билан биргаликда бирон-бир динга эътиқод қилиш ёхуд ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик, ўзининг динга бўлган муносабати билан боғлиқ бўлган эътиқодини ифодалаш ва тарқатиш ҳуқуқига эгадир.

III. Диний урф-одатларни эркин бажариш (агар бужамоат тартибини бузмаса ва ижтимоий ахлоққа зид келмаса).

IV. Дин ва диний эътиқод ҳуқуқбузарликини оқла-майди.

49-модда. Йиғилишлар ўтказиш эркинлиги

I. Ҳар бир шахс эркин йиғилишлар ўтказиш ҳуқуқига эгадир.

II. Ҳар бир шахс тегишли давлат органларини олдиндан хабардор қилган ҳолда, бошқалар билан биргаликда тинч йўл билан ва қуролсиз тўпланиш, йиғилишлар, митинглар, намойишлар, кўчаларда тантаналиюришлар ўтказиш, пикетлар қўйиш ҳуқуқига эгадир.

50-модда. Ахборот эркинлиги

I. Ҳар бир шахс қонуний йўл билан ахборот излаш, қўлга киритиш, топшириш, тузиш ва тарқатиш эркинлиги ҳуқуқига эгадир.

II. Оммавий ахборот эркинлиги кафолатланади.

Оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан матбуотда давлат цензураси тақиқланади.

51-модда. Ижод эркинлиги

I. Ҳар бир шахс ижод қилиш эркинлигига эгадир.

II. Давлат ижодкорликнинг адабий-бадиий, илмий-техникавий ва бошқа турларини эркин амалга оширишини кафолатлайди.

52-модда. Фуқаролик ҳуқуқи

Озарбайжон Республикаси билан сиёсий ва ҳуқуқий алоқада бўлувчи, шунингдек, ўзаро ҳуқуқлар ва маж-

Буриятларга эга бўлган шахс Озарбайжон Республикасининг фуқароси ҳисобланади. Озарбайжон Республикаси ҳудудида туғилган ёки Озарбайжон Республикаси фуқароларидан туғилган шахс Озарбайжон Республикасининг фуқароси ҳисобланади. Ота-оналаридан бирни Озарбайжон Республикасининг фуқароси бўлган шахс Озарбайжон Республикасининг фуқароси ҳисобланади.

53-модда. Фуқаролик ҳуқуқининг кафолати

I. Озарбайжон Республикасининг фуқароси ҳеч қандай шароитда ҳам Озарбайжон Республикаси фуқаролигидан маҳрум этилиши мумкин эмас.

II. Озарбайжон Республикасининг фуқароси ҳеч қандай шароитда Озарбайжон Республикасидан ҳайдаб чиқарилиши ёки хорижий давлатга топширилиши мумкин эмас.

III. Озарбайжон Республикаси ўзининг ҳудудидан ташқарида вақтинча ёки доимий истиқомат қилаётган Озарбайжон Республикаси фуқароларини ҳуқуқий ҳимоялашни кафолатлайди ва уларга ҳомийлик қиласди.

54-модда. Жамият ва давлатнинг сиёсий ҳаётида иштирок этиш ҳуқуқи

I. Озарбайжон Республикасининг фуқароси жамият ва давлатнинг сиёсий ҳаётида бемалол иштирок этиш ҳуқуқига эгадир.

II. Озарбайжон Республикасининг ҳар бир фуқароси давлатга қарши ёки давлат тўйнариши йўлида исён кўтаришга уринувчи ҳаракатларга мустақил қаршилик кўрсатиш ҳуқуқига эгадир.

55-модда. Давлатни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи.

I. Озарбайжон Республикасининг фуқаролари давлатни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Улар бу ҳуқуқни бевосита ўзлари ёки ўз вакиллари орқали амалга оширишлари мумкин.

II. Озарбайжон Республикасининг фуқаролари давлат органларида хизмат қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Давлат органларининг мансабдор шахслари Озарбайжон Республикаси фуқароларидан тайинланади. Ажнабийлар ва фуқаролигига бўлмаган шахслар давлат хизматига қонунда белгиланган тартибда қабул қилинишлари мумкин.

56-модда. Сайлов ҳуқуқи

I. Озарбайжон Республикасининг фуқаролари давлат органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига, шунингдек, референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

II. Ҳуқуқий муомалага лаёқатсизлиги суд қарори билан белгиланган шахслар сайловларда, шунингдек, референдумда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар.

III. Ҳарбий хизматчилар, судьялар, давлат хизматчилари, диний арбобларнинг, суд ҳукмининг кучга кириши билан озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг, ушбу Конституцияда ва қонунда қўрсатиб ўтилган бошқа шахсларнинг сайловларда иштирок этиш ҳуқуқи қонун билан чекланиши мумкий.

57-модда. Мурожаат қилиш ҳуқуқи

I. Озарбайжон Республикасининг фуқаролари давлат органларига шахсан мурожаат қилиш, шунингдек, якка тартибдаги ва жамоа тарзидаги ёзма мурожаатларини юбориш ҳуқуқига эгадирлар.

Ҳар бир мурожаатга қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда жавоб берилиши лозим.

II. Озарбайжон Республикасининг фуқаролари давлат органларининг фаолияти ва ишини, уларнинг мансабдор шахсларини, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, бошқа жамоат бирлашмаларини, шунингдек, айрим фуқароларнинг фаолиятини ёки ишини танқид қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Танқид учун таъқиб қилиш ман этилади. Ҳақорат ёки тухмат танқид ҳисобланмайди.

58-модда. Бирлашиш ҳуқуқи.

I. Ҳар бир шахс бошқалар билан эркин бирлашиш ҳуқуқига эгадир.

II. Ҳар бир шахс ҳар қандай бирлашма тузиш, шужумладан, сиёсий партия, касаба уюшмаси ва бошқа жамоат бирлашмаси ташкил этиш ёки аввалдан мавжуд бўлган бирлашмага аъзо бўлиб кириш ҳуқуқига эгадир. Барча бирлашмаларнинг эркин фаолияти кафолатланади.

III. Ҳеч кимнинг бирон-бир бирлашмага киришга ёки унинг аъзоси бўлиб қолишга мажбур этилиши мумкин эмас.

IV. Бутун Озарбайжон Республикаси ҳудудида ёки унинг бирон-бир қисмида қонуний давлат ҳокимиятини зўравонлик билан ағдариб ташлаш мақсадини кўзлай-

диган бирлашмалар тақиқланади. Конституция ва қо-
нунларни бузувчи бирлашмаларнинг фаолияти фақат
суд тартибида тұхтатилиши мүмкін.

59-модда. Тадбиркорлик әркинлигі ҳуқуқи

Ҳар ким қонунда белгиланған тартибида, үз имкони-
ятлари, лаёқати ва мол-мұлқидан әркін фойдаланған
жолда мустақил ёки бошқалар билан биргаликда тад-
биркорлик фаолияти билан ёхуд қонун билан тақиқлан-
маган бошқа иқтисодий фаолият түри билан шуғулла-
ниши мүмкін.

60-модда. Ҳуқуқ өсірілгенде суд кафолаты

I. Ҳар кимнинг ҳуқуқ өсірілгенде судда ҳи-
моя қилиш кафолатланади.

II. Ҳар бир шахс давлат органлари, сиёсий партия-
лар, касаба уюшмалари, бошқа жамоат бирлашмалары
ва мансабдор шахсларнинг қарорлари ва ҳаракатлары
(ёки ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят аризаси бе-
риши мүмкін.

61-модда. Ҳуқуқий ёрдам олиш ҳуқуқи

I. Ҳар бир шахс малакали ҳуқуқий ёрдам олиш ҳу-
куқига әгадир.

II. Қонунда күзда тутилған ҳолларда ҳуқуқий ёрдам
белуул, давлат ҳисобидан күрсатилади.

III. Ҳар бир шахсда у ваколатлы давлат органлары
томонидан ушланған, хибсга олинған, жиноят содир қи-
лишда айбланған пайтдан бошлаб ҳимоячидан фойда-
ланиш ҳуқуқи мавжуддир.

**62-модда. Суд юрисдикциясини ұзартыришга йүл
күймаслик**

Ҳар бир шахс үз ишининг қонунда белгиланған суд-
да қараб чиқишлиши ҳуқуқига әгадир. Шахснинг розили-
тисиз унинг иши бошқа судда күриб чиқишлишига йүл
күйнілмайди.

63-модда. Айбсизлик презумпцияси

I. Ҳар бир шахс айбсизлик презумпцияси ҳуқуқига
әгадир.

Жиноят содир этишда айбланаётған ҳар бир шахс
унинг айби қонунда белгиланған тартибида исботланма-
ғунча ва шунга күра қонуний күчга кирған суд ҳукми-
нинг йўқлиги сабабли у айбсиз ҳисобланади.

II. Агар шахснинг айбдорлигига асосли шубҳа мавжуд бўлса, у ҳолда шахсни айбдор деб ҳисоблашга йўл қўйилмайди.

III. Жиноят содир этишда айбланаётган шахс ўзининг айбизлигини исботлаб берниши шарт эмас.

IV. Одил судловни амалга ошириш вақтида қонунни бузган ҳолда қўлга киритилган далиллардан фойдаланиш мумкин эмас. Суднинг хукмисиз ҳеч ким жиноят содир этганликда айбланиши мумкин эмас.

64-модда. Айни бир жиноят учун тақрор жазога йўл қўймаслик

Ҳеч ким айни битта жиноят учун тақрорий жазога хукм қилиниши мумкин эмас.

65-модда. Судга тақроран мурожаат қилиш ҳуқуқи

Суд томонидан ҳукм қилинган шахснинг ўзига нисбатан чиқарилган ҳукмни қайта кўриб чиқиш ҳусусида, шунингдек, авф этиш ва жазони юмшатиш ҳусусида юқори суд органига белгиланган тартибда мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжуддир.

66-модда. Қариндошларга қарши гувоҳлик беришга мажбур қилиш ман этилади.

Ҳеч ким ўзига қарши, хотини (эри), болалари, отоналари, aka-укаси, опа-синглисига қарши гувоҳлик беришга мажбур этилиши мумкин эмас.

Қарши гувоҳлик бериш мажбурий бўлмаган қариндошларнинг тўлиқ рўйхати қонун билан белгиланади.

67-модда. Ушланган, ҳибсга олинган ва жиноят содир қилишда айбланаётгандарнинг ҳуқуқлари

Ушланган, ҳибсга олинган ва жиноят содир қилишда айбланаётган ҳар бир шахсга ваколатли давлат органдари томонидан дарҳол унинг ҳуқуқлари ва ушланиш, ҳибсга олиниш, шунингдек, жинопий жавобгарликка тортилиш сабаблари тушунтириб берилиши лозим.

68-модда. Заарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқи

I. Жиноятдан, шунингдек, ҳуқуқни сунистеймол қилишдан жабр кўрган шахснинг ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилинади. Жабрланган шахс одил судловни амалга оширишда қатнашиш ва ўзига етказилган заарнинг қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

II. Ҳар бир шахс давлат органлари ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан ғайриқонуний равища қилинган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик натижасида етказилган зааранинг давлат томонидан қопланиши ҳуқуқига эгадир.

69-модда. Ажнабийларнинг ва фуқаролиги йўқ шахсларнинг ҳуқуқлари.

I. Озарбайжон Республикасида истиқомат қилаётган ажнабий шахслар ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар, агар қонунида ёки Озарбайжон Республикаси томони ҳисобланган халқаро шартномада бошқа нарсалар назарда тутилмаган бўлса, Озарбайжон Республикаси фуқаролари билан тенг равища барча ҳуқуқлардан фойдаланишлари мумкин ва барча бурчларни бажаришлари лозим.

II. Озарбайжон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи ёки вақтинча яшаб турган ажнабийлар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари фақат халқаро ҳуқуқ нормаларига ва Озарбайжон Республикасининг қонунларига мувофиқ тарзда чекланиши мумкин.

70-модда. Сиёсий бошпана бериш ҳуқуқи

I. Үмум томонидан қабул қилинган халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ Озарбайжон Республикаси ажнабийларга ва фуқаролиги йўқ шахсларга сиёсий бошпана беради.

II. Ўзининг сиёсий эътиқоди учун, шуннингдек, Озарбайжон Республикасида жиноят ҳисобланмайдиган хатти-ҳаракатлари учун таъқиб қилинаётган шахсларни бошқа давлатларга топширишга йўл қўйилмайди.

71-модда. Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш

I. Инсон ва фуқаронинг Конституцияда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя қилиш ва уларни ҳимоя қилиш қонуни чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органларининг бурчи ҳисобланади.

II. Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини амалга оширишни ҳеч ким чеклай олмайди.

III. Фақат уруш, ҳарбий ва фавқулодда ҳолат, шуннингдек, сафарбарлик эълон қилинганда инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини амалга оши-

риш Озарбайжон Республикасининг халқаро мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда қисман ва вақтинча чекланниши мумкин. Амалга оширилиши чекланган ҳуқуқлар ва эркинликлар олдиндан ахолига эълон қилинади.

IV. Ҳеч ким ҳеч қандай шароитда ўзининг дийни ва бошқа эътиқодларини, фикрларини эълон қилишга мажбур этилиши ва улар учун таъқиб қилиниши мумкин эмас.

V. Конституциянинг бирорта ҳам моддаси инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини бекор қилишга қаратилган қонда сифатида талқин этилиши мумкин эмас.

VI. Озарбайжон Республикаси ҳудудида инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари бевосита амал қиласди.

VII. Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари бузилиши билан боғлиқ бўлган низолар судлар томонидан ҳал этилади.

VIII. Содир этилиш вақтида ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланмаган хатти-ҳаракатлар учун ҳеч ким жавобгар бўлиши мумкин эмас. Агар ҳуқуқбузарлик содир этилгандан кейин янги қонун билан бундай ҳаракатлар учун жавобгарлик барҳам топтирилган ёки юмшатилган бўлса, у ҳолда янги қонун татбиқ этилади.

IV боб

ФУҚАРОЛАРНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

72-модда. Фуқаролар вазифаларининг асослари

I. Ҳар бир шахс давлат ва жамият олдида ўз ҳуқуқлари ва эркинликларидан бевосита келиб чиқадиган вазифаларга эгадир.

II. Ҳар бир шахс Озарбайжон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя қилиши, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилиши, қонунда белгиланган бошқа вазифаларни бажариши лозим.

III. Қонунни билмаслик жавобгарликдан озод қиласмайди.

73-модда. Солиқлар ва давлатнинг бошқа йиғимлари

I. Қонунда белгиланган солиқларни ва давлатнинг бошқа йиғимларини тўлиқ ҳажмда ва ўз вақтида тўлаш ҳар бир шахснинг бурчи ҳисобланади.

II. Ҳеч ким қонунда күзда тутилган асослар бұлматында солиқлар ва бошқа давлат үйімларини түлашга ҳамда қонунда күрсатылған ҳажмдан ортиқроқ түлашга мажбур қилиниши мумкин әмас.

74-модда. Ватанга содиқлик.

I. Ватанга содиқлик муқаддасдир.

II. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ёки суд ҳокимиятты органларида лавозимга сайланиш ёки тайинланиш йұлы билан ишләётгандар шахслар үз вазифаларининг аниқ ва вижданан бажарылыши учун жавобгар бүлладилар ҳамда қонунда белгиланған ҳолларда қасамёд қиладилар.

III. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ёки суд ҳокимиятты органларида лавозимга сайланиш ёки тайинланиш йұлы билан ишләётгандар, Озарбайжон Республикаси Конституциясына содиқлик ҳақида қасамёд қилған шахс, башарти давлатта жинаят қилишда айбланған, жумладан, давлатта қарши исен күтаришда ёки давлат тұстарниша айбланған бўлса, ва ана шу айблов асосида ҳукм этилған бўлса, ана шу лавозимдан кетған ҳисобланади ва бундан кейин мазкур лавозимни эгаллаши мумкин әмас.

75-модда. Давлат рамзларига бўлған ҳурмат

Ҳар бир фуқаро Озарбайжон Республикасининг давлат рамзлари бўлған унинг байроғи, герби ва мадхиясини ҳурмат қилиши лозим.

76-модда. Ватанни ҳимоя қилиш

I. Ватанни ҳимоя қилиш — ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланған тартибда ҳарбий хизматни ўтайдилар.

II. Агар фуқароларниң эътиқоди ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташларига зинд келса, у ҳолда қонунда белгиланған ҳолларда ҳақиқий ҳарбий хизматни муқобил ҳарбий хизмат билан алмаштиришга йўл қўйилади.

77-модда. Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш

Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ҳар бир шахснинг бурчидир.

78-модда. Атроф мұхитни муҳофаза қилиш

Атроф мұхитни муҳофаза қилиш ҳар бир шахснинг бурчи ҳисобланади.

79-модда. Қонунга зид бўлган вазифаларни бажаришга йўл қўймаслик

Ҳеч ким Озарбайжон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига зид бўлган вазифаларни бажаришга мажбур этилиши мумкин эмас.

80-модда. Жавобгарлик

Озарбайжон Республикасининг ушбу Конституцияси ва қонунларини бузиш, шу жумладан, Озарбайжон Республикасининг ушбу Конституциясида ~~ва~~ қонунларида назарда тутилган ҳуқуқлар ва эркинликларни сунистельмол қилиш ҳамда бажармаслик қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

УЧИНЧИ БУЛИМ

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ

V боб

ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ҲОКИМИЯТ

81-модда. Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг амалга оширилиши

Озарбайжон Республикасида қонун чиқарувчи ҳокимиятни Озарбайжон Республикасининг Миллий Мажлиси амалга оширади.

82-модда. Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлисining миқдорий таркиби

Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси 125 депутатдан иборатдир.

83-модда. Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси депутатларини сайлаш асослари

Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси депутатлари эркин, шахсан ва яширин овоз бериш йўли билан мажоритар¹ ва мутаносиб² сайлов тизимлари ҳамда

¹ Мажоритар сайлов тизими — бундай сайлов тизимида фақат энг кўп овоз олган номзодларга берилган овозлар ҳисобга олинади.

² Мутаносиб сайлов тизими — бундай тизимида номзодларга овоз бериш рўйхатлар асосида бўлади; бунда ҳар бир рўйхат, унга берилган овозларга мутаносиб равишда ўринилар миқдорига эга бўлади.

умумий, тенг ва тұғридан-тұғрық сайловлар асосида сайланади.

84-модда. Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлисінің чақириш ваколатлари муддаты

I. Озарбайжон Республикасы ҳар бир чақириқ мүллий Мажлисіннің ваколати муддати 5 йылдар.

II. Озарбайжон Республикасінің ҳар бир чақириқ Миллий Мажлисига сайлов ҳар беш йылда қоябрь ойнанынг биринчи якшансауда үтказилади.

III. Озарбайжон Республикасы Миллий Мажлисі депутаттарының ваколатлари муддати Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлисінің чақириш ваколатлари муддаты билан чекланади.

IV. Агар Озарбайжон Республикасы Миллий Мажлисіннің чиқиб кетган депутатлари ўрнинг янги депутаттар сайлови үтказиладиган бўлса, у ҳолда янги сайланган депутаттарының ваколатлари муддати чиқиб кетган депутат ваколатининг қолган муддати билан чекланади.

85-модда. Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси депутатлигига номзодларга қўйиладиган талаблар

I. Озарбайжон Республикасінің 25 ёшдан кичик бўлмаган ҳар бир фуқароси қонун билан белгиланган тартибда Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси депутати этиб сайланishi мумкин.

II. Озарбайжон Республикасінің Миллий Мажлисига қўш фуқаролиги бўлган, бошқа давлатлар олдида мажбуриятларга эга бўлган, ижро этувчи ёки суд ҳокимияти тизимида ишловчи шахслар, илмий, педагогик ва ижодий фаoliyятдан ташқари бошқа ҳақ тўланадиган фаoliyят билан шуғулланадиган шахслар, диний арабоблар, ҳуқуқий муомалага лаёқатсизлиги суд томонидан тасдиқланган шахслар, оғир жиноятлари учун ҳукм қилинганлар, жазони қонуний кучга кирган суд ҳукми бўйича озодликдан маҳрум этиш жойларида ўтаётганилар Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси депутатлари этиб сайланишлари мумкин эмас.

86-модда. Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси депутатларини сайлаш натижаларини текшириш ва тасдиқлаш

Сайлов натижаларыннің тұғрилигі қонунда белги-

ланган тартибда Озарбайжон Республикаси Конституциявий Суди томонидан текширилди ва тасдиқланади.

87-модда. Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси депутатлари ваколатларининг тугаши

I. Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси депутатларининг ваколатлари Озарбайжон Республикасининг яги чақириқ Миллий Мажлиси биринчи йифилиш ўтказган куни тугайди.

II. Агар Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлисининг ваколатлари тугашига камидаги 120 кун қолган бўлса, Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлисидан чиқиб кетганлар ўрнига депутатлар сайлови ўтказилмайди.

III. Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси ўзининг 83 депутати ваколатларини тасдиқлашда қонуний хуқуқча эгадир.

88-модда. Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлисинг сессиялари

I. Озарбайжон Республикасининг Миллий Мажлиси ҳар йили икки марта навбатдаги сессияларга тўпланади.

Баҳорги сессия 1 февралда бошланади ва 31 майга қадар давом этади. Кузги сессия 30 сентябрда бошланади ва 30 декабргача давом этади.

Агар 1 февраль ва 30 сентябрь дам олиш кунларига тўғри келиб қолса, сессия ўз ишини шундан кейинги биринчи иш кунидаги бошлайди.

Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлисинг 83 та депутати ваколатлари тасдиқлангандан кейин Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлисинг биринчи мажлиси ана шу кундан бошлаб бир ҳафтадан кеёнкмай чақирилади.

Агар Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлисига сайлов ўтказилгандан кейин 1 февралгача унинг 83 депутати ваколатлари тасдиқланмаса, у ҳолда Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлисинг биринчи мажлисини ўтказиш вақтини Озарбайжон Республикасининг Конституциявий Суди белгилайди.

II. Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлисинг навбатдан ташқари сессияси Озарбайжон Республикаси Президентининг ёки Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси 42 депутатиининг талаби билан Озарбайжон Республикасининг Миллий Мажлиси раиси томонидан чақирилади.

III. Навбатдан ташқари сессиянинг кун тартибини тегиши равишда унинг чақирилишини талаб қилувчилар белгилаб берадилар. Кун тартиби масалалари қараб чиқилгандан кейин навбатдан ташқари сесисяниң иши тугалланади.

89-модда. Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси депутатининг мандатдан маҳрум этилиши ва Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси депутати ваколатларининг бекор қилиниши

I. Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлисининг депутати қўйидаги ҳолларда ўз мандатидан маҳрум этилади:

1) сайлов вақтида овозлар нотўғри ҳисоблаб чиқилганлиги аниқланган тақдирда;

2) Озарбайжон Республикаси фуқаролигидан чиқанда ёки бошқа давлат фуқароқлигини қабул қиласганда;

3) жиноят содир этганда ва қонуний кучга кирган суд ҳукми мавжуд бўлганда;

4) давлат органларида лавозимни эгаллаб турган вақтда диний арбоб бўлганда, тадбиркорлик, тижорат ёки бошқа ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланганда (илмий, педагогик ва ижодий фаолият бундан мустаснодир);

5) ўз ихтиёри билаи воз кечганда;

6) у мансуб бўлган партия тугатилганда, Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлисининг депутатини мандатидан маҳрум этиш ҳақидаги қарор қонунда белгиланган тартибда қабул қилинади.

II. Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси депутатлари ўз ваколатларини доимий равишда бажаришга қодир бўлмаган ва қонунда кўзда тутилган бошқа ҳолларда уларнинг ваколатлари ўз кучини йўқотган ҳисобланади. Тегиши қарор қабул қилиш тартиби қонун билан белгиланади.

90-модда. Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси депутатининг дахлсизлиги

I. Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси депутатининг шахси унинг ваколатлари муддати мобайнида дахлсиз ҳисобланади. Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлисининг депутати жиноят содир этиш жойида қўлга тушган ҳоллардан ташқари пайтда, ўз ваколатлари муддати мобайнида жиноий жавобгарликка торади.

тилиши, құлға олиниши, унга иисбатап суд йүли билан маъмурій жазо чоралари құлланылиши, уннинг тиитув қилиниши, шахсан текширувдан ұтказилиши мүмкін эмас. Озарбайжон Республикасы Миллий Мажлисінің депутати агар жиноста устида ушланса, құлға олиниши мүмкін. Бундай ҳолда Озарбайжон Республикасы Миллий Мажлиси депутатини ушлаган орган бу қақда дархол Озарбайжон Республикасы Бөш прокурорига маълум қилиши лозим.

II. Озарбайжон Республикасы Миллий Мажлиси депутаттарының дахлсизлиги фақат Озарбайжон Республикасы Бөш прокуроринің тақдими асосыда Озарбайжон Республикасы Миллий Мажлисінің қароры билан түхтатылыш мүмкін.

91-модда. Озарбайжон Республикасы Миллий Мажлиси депутаттарының жавобгарлық тортышнинг тәқиқланиши

Озарбайжон Республикасы Миллий Мажлисінің депутатлари Озарбайжон Республикасы Миллий Мажлисиңдеғи фаолияти учун, Озарбайжон Республикасы Миллий Мажлисида овоз бергандылықта Озарбайжон Республикасы Миллий Мажлисида айтылған фикрлари учун жавобгарлық тортылышлары мүмкін эмас. Уларнинг розилигисиз ушбу ҳоллар муносабаты билан улардан изоҳлар ва гувоҳліклар берішининг талаб қилиниши мүмкін эмас.

92-модда. Озарбайжон Республикасы Миллий Мажлиси ишининг ташкил этилиши

Озарбайжон Республикасы Миллий Мажлиси ўз иш тартибини белгилайди, шу жумладан ўз раисини ва уннинг ўринбосарларини сайладайды, доимий ва бошқа комиссияларының ташкил этиади. Ҳисоблаш палатасының туздади.

93-модда. Озарбайжон Республикасы Миллий Мажлисінің құжжатлары

I. Озарбайжон Республикасынің Миллий Мажлиси ўз ихтиёрига берилған масалалар юзасидан, Конституциявий қонунлар, қонун ва қарорлар қабул қиласы.

II. Конституциявий қонуплар, қонун ва қарорлар Озарбайжон Республикасы Миллий Мажлисінде ушбу Конституцияда назарда тутилған тартибда қабул қиласы.

III. Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси-нинг депутатлари овоз бериш ҳуқуқини шахсан амалга оширадилар.

IV. Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси қонунлари ва қарорларида ижро этувчи ҳокимият органиларига ва судларга бериладиган муайян топшириқлар назарда тутилиши мумкин эмас.

94-модда. Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси белгилайдиган умумий қоидалар

I. Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси қүйидаги масалалар юзасидан умумий қоидалар белгилайди:

1) инсон ва фуқаронинг ушбу Конституцияда мустаҳкамланган ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланиши, ана шу ҳуқуқ ва эркинликларнинг давлат кафолатлари;

2) Озарбайжон Республикасининг Президентини сайлаш;

3) Озарбайжон Республикасининг Миллий Мажлисига сайлов ўtkазиш ва Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси депутатларининг мақоми;

4) референдум;

5) суд тузилиши ва судьялар мақоми; прокуратура; адвокатура ва нотариат;

6) судда ишларни маълум тартибда кўриш, суд қарорларини бажариш;

7) муниципалитетларга сайлов ва муниципалитетлар мақоми;

8) фавқулодда ҳолат режими; ҳарбий ҳолат режими;

9) давлат мукофотлари;

10) жисмоний ва юридик шахслар мақоми;

11) фуқаролик ҳуқуқи объектлари;

12) битишувлар, фуқаровий ҳуқуқий шартномалар, вакиллик ва меросхўрлик;

13) мулкчилик ҳуқуқи, шу жумладан давлат, хусусий ва муниципал муклнинг ҳуқуқий режими, интеллектуал мулк ҳуқуқи; бошқа мулкий ҳуқуқлар; мажбурият ҳуқуқи;

14) оиласвий муносабатлар, шу жумладан, васийлик;

15) молиявий фаолият асослари, солиқлар, божлар ва йиғимлар;

16) меҳнат муносабатлари ва ижтимоий таъминот;

17) жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларни аниқ-

лаш; уларни содир этгандык учун жавобгарлык белгилениши;

- 18) мудофаа ва ҳарбий хизмат;
- 19) давлат хизмати;
- 20) хавфсизлик асослари;
- 21) ҳудудий тузилиш; давлат чегараси режими;
- 22) халқаро шартномаларни ратификация қилиш ва бекор деб эълон қилиш;
- 23) алоқа ва транспорт иши;
- 24) статистика, метрология ва стандартлар;
- 25) божхона иши;
- 26) савдо иши ва биржа фаолияти;
- 27) банк иши, бухгалтерия, сүфурта.

II. Ушбу модданинг 2, 3, 4-бандларида кўрсатиб ўтилган масалалар юзасидан қонунлар 33 та кўнчилик овоз билан, қолган масалалар юзасидан эса, 63 та кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

III. Ушбу модданинг биринчи қисми Конституциявий қонун билан тўлдирилиши мумкин.

95-модда. Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси ҳал қиласидаги масалалар

I. Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси ихтиёрига қўйидаги масалаларни ҳал қилиш киради:

- 1) Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси ишини ташкил этиш;
- 2) Озарбайжон Республикаси Президентининг тавсияси билан Озарбайжон Республикасининг дипломатия ваколатхоналарини таъсис этиш;
- 3) маъмурӣ-ҳудудий бўлиниш;
- 4) давлатларо шартномаларни ратификация қилиш ва бекор деб эълон қилиш;
- 5) Озарбайжон Республикаси Президентининг тақдими асосида Озарбайжон Республикаси бюджетини тасдиқлаш ва унинг ижросини назорат қилиш;
- 6) амнистия;
- 7) Озарбайжон Республикаси Президентининг тақдими асосида Озарбайжон Республикаси ҳарбий доктринасини тасдиқлаш;
- 8) ушбу Конституцияда назарда тутилган ҳолларда, Озарбайжон Республикаси Президенти фармонларини тасдиқлаш;
- 9) Озарбайжон Республикаси Президентининг тақ-

дими асосида Озарбайжон Республикаси Баш вазири ла-
возимига тайинлашга розилик бериш;

10) Озарбайжон Республикаси Президентининг тақ-
дими асосида Озарбайжон Республикаси Конституция-
вий суди, Озарбайжон Республикаси Олий Суди ва Озар-
байжон Республикаси Иқтисодий Суди судъяларини та-
йинлаш;

11) Озарбайжон Республикаси Президентининг тақ-
дими асосида Озарбайжон Республикаси Баш прокуро-
ри лавозимига тайинлашга ва лавозимидан бўшатишга
розилик бериш;

12) Озарбайжон Республикаси Конституциявий Суди
тақдими асосида Озарбайжон Республикаси Президен-
тининг импичмент¹ тартибида лавозимидан четлатилиши;

13) Озарбайжон Республикаси Президентининг тақ-
дими асосида судъяларнинг лавозимидан четлатилиши;

14) Озарбайжон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-
га ишонч тўғрисидаги масаланинг ҳал этилиши;

15) Озарбайжон Республикаси Президентининг тақ-
дими асосида Озарбайжон Республикаси Миллий Банки
Бошқармаси аъзоларини лавозимга тайинлаш ва лаво-
зимдан озод қилиш;

16) Озарбайжон Республикаси Президентининг тақ-
дими асосида Озарбайжон Республикаси Қуролли Куч-
ларини уларнинг вазифасига боғлиқ бўлмаган ишларни
бажаришга жалб этилишига розилик бериш;

17) Озарбайжон Республикаси Президентининг му-
рожаати асосида уруш эълон қилиниши ва сулҳ тузи-
лишига розилик бериш;

18) референдум тайинлаш;

19) Аудиторлик палатасининг тузилиши.

II. Ушбу мoddанинг 1—5-бандларида кўрсатиб ўтил-
ган масалалар юзасидан қонунлар 63 та кўпчилик овоз
 билан қабул қилинади. Агар ушбу Конституцияда бош-
қа тартиб кўзда тутилмаган бўлса, қолган масалалар
 юзасидан ҳам шундай тартибида қарорлар қабул қили-
нади.

III. Ушбу Конституция билан Озарбайжон Респуб-

¹ Импичмент — айрим мамлакатларда олий мансабдаги шахс-
ларни қилган жиноятлари юзасидан, уларни жавобгарликка тор-
тиш ва ишларини судда кўришнинг маҳсус тартиби. Импичмент юз
берган тақдирда шахсни жавобгарликка тортиш ва ишини судга
oshiришни парламентнинг қўйи палатаси, ишни кўриши эса юқо-
ри палатаси амалга оширади.

ликаси Миллий Мажлиси ихтиёрига берилган бошқа ма-
салалар юзасидан қарорлар қабул қилинади.

IV. Ушбу модданинг биринчи қисми Конституциявий
қонун билан тўлдирилиши мумкин.

96-модда. Қонун чиқариш ташаббуси ҳуқуқи

I. Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлисида қо-
нун чиқариш ташаббуси ҳуқуқи (Озарбайжон Респуб-
ликаси Миллий Мажлиси муҳокамасига қонун лойиҳа-
лари ва бошқа масалаларни киритиш ҳуқуқи) Озарбай-
жон Республикаси Миллий Мажлиси депутатларига,
Озарбайжон Республикаси Президентига, Озарбайжон
Республикаси Олий Судига ва Нахичеван Мухтор Рес-
публикаси Олий Мажлисига мансубдир.

II. Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси му-
ҳокамасига Ozarbayjon Республикаси Президентининг,
Ozarbayjon Республикаси Oлий судининг ёки Nахиче-
ван мухтор Республикаси Oлий Мажлисининг қонун чи-
қарувчилик ташаббуси билан таклиф қилинган қонун
ложиҳалари ёки қарорларнинг лойиҳалари тақдим этил-
ган кўринишда муҳокамага киритилади ва овоз бериш-
га қўйилади.

III. Бундай қонун лойиҳалари ва қарор лойиҳалари-
га ўзгаришлар қонун чиқариш ташаббуси ҳуқуқидан
фойдаланган орган розилиги билан киритилади.

IV. Озарбайжон Республикаси Президенти, Ozarbay-
жон Республикаси Oлий Суди ёки Nахичеван Мухтор
Республикаси Oлий Мажлисининг қонун чиқарувчилик
ташаббуси тарзида тақдим этилган қонун лойиҳалари
ва қарор лойиҳалари икки ой мuddат ичida Ozarbay-
жон Республикаси Миллий Мажлисида овозга қўйилади.

Озарбайжон Республикаси Президенти, Ozarbayjоn
Республикаси Oлий Суди ёки Nахичеван Мухтор Республикаси
Oлий Мажлиси томонидан қонун лойиҳаси ёки
қарор лойиҳаси шошилинч деб эълон қилинган тақдир-
да бу мuddат 20 кунни ташкил этади.

97-модда. Қонунларни имзолашга тақдим этиш муд- датлари

I. Қонунлар, Ozarbayjоn Республикаси Президенти-
га имзолаш учун қабул қилинган кундан эътиборан 14
кун мобайнинда тақдим этилади.

II. Шошилинч деб эълон қилинган қонун лойиҳаси
қабул қилинган кундан бошлаб 24 соат ичida Ozarbay-

жон Республикаси Президентига имзолаш учун тақдим этилади.

98-модда. Озарбайжон Республикаси Миллый Мажлиси ҳужжатларининг кучга кириши

Агар Озарбайжон Республикаси Миллый Мажлиси қабул қилган қонун ва қарорнинг ўзида бошқа тартибиазарда тутилмаган бўлса, у эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

VI боб



ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ

1. Озарбайжон Республикасида ижро этувчи ҳокимият Озарбайжон Республикасининг Президентига мансубдир.

100-модда. Озарбайжон Республикаси Президентлигига номзодларга қўйиладиган талаблар.

Озарбайжон Республикасининг Президенти қилиб Озарбайжон Республикасининг 35 ёшдан кичик бўлмаган, Озарбайжон Республикаси ҳудудида 10 йилдан ортиқ доимий яшаб келаётган, сайлаш ҳуқуқига эга бўлган, шу жумладан, оғир жиноят қилиб судланмаган, бошқа давлатлар олдида мажбуриятга эга бўлмаган, олий маълумотга эга бўлган, икки фуқароликка эга бўлмаган фуқароси сайланishi мумкин.

101-модда. Озарбайжон Республикаси Президентини сайлаш асослари

I. Озарбайжон Республикасининг Президенти умумий, тўғридан-тўғри ва тенг сайлов йўли билан эркин, шахсан ва яширин овоз бериш билан 5 йил муддатга сайланади.

II. Озарбайжон Республикасининг Президенти овоз беришда қатнашा�ётганларнинг учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан сайланади.

III. Агар овоз беришнинг биринчи турида бундай кўпчилик овоз тўпланмаган бўлса, у ҳолда иккинчи тур овоз бериш биринчи тур овоз беришдан кейинги иккинчи якшанба куни ўтказилади. Овоз беришнинг иккинчи турида биринчи турда ҳаммадан кўпроқ овоз олган фақат икки номзод қатнашади, бу номзодлар ўз номзодини.

қайтариб олган тақдирда, улардан кейин келадиган иккى номзод қатнашади.

IV. Иккинчи турда овозларнинг оддий кўпчилигини тўйлаган номзод Озарбайжон Республикаси Президенти қилиб сайланган ҳисобланади.

V. Ҳеч ким икки мартадан ортиқ таクロран Озарбайжон Республикаси Президенти қилиб сайланиши мумкин эмас.

VI. Ушбу модданинг қўлланиш тартиби қонун билан белгиланади.

102-модда. Озарбайжон Республикаси Президентини сайлаш якуnlари

Озарбайжон Республикаси Президентини сайлаш якуnlари Озарбайжон Республикаси Конституциявий Суди томонидан овоз бериш кунидан кейин 7 кун ичидан расмий равишда эълон қилинади.

103-модда. Озарбайжон Республикаси Президенти қилиб сайланган шахснинг қасамёдни

I. Озарбайжон Республикасининг Президенти қилиб сайланган шахс Озарбайжон Республикаси Президентини сайлаш якуnlари эълон қилинган кундан бошлаб 3 кун ичидан Озарбайжон Республикаси Конституциявий Суди судьялари иштирокида қўйидаги қасамёдни қабул қиласди: «Озарбайжон Республикаси Президенти ваколатларини амалга ошира бориб, Озарбайжон Республикаси Конституциясига риоя қилишга, давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишга, халққа муносиб хизмат қилишга қасамёд қиласман».

II. Озарбайжон Республикаси Президенти қасамёд қилган кундан бошлаб ўз ваколатларини бажаришга киришган ҳисобланади.

104-модда. Озарбайжон Республикаси Президентининг ўз ваколатларини доимий бажариб туришга қодир эмаслиги

I. Озарбайжон Республикасининг Президенти истеъфога чиққанда, соғлиғига кўра ўз ваколатларини бажариш қобилиятини тўлиқ йўқотганда, ушбу Конституцияда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда лавозимидан четлаштирилганда, муддатидан олдин лавозимидан кетган деб ҳисобланади.

II. Озарбайжон Республикаси Президенти истеъфога чиқаётганида унинг истеъфога чиқиши ҳақидаги аризаси Озарбайжон Республикасининг Конституциявий Судига тақдим этилади. Озарбайжон Республикасининг Конституциявий Суди Озарбайжон Республикаси Президентининг истеъфога чиқиш тўғрисида шахсан ариза берганига ишонч ҳосил қилгач, Озарбайжон Республикаси Президентининг истеъфога чиқиши қабул қилингани тўғрисида қарор қабул қиласди. Ана шу пайтдан эътиборан Президент истеъфога чиқиши муносабати билан лавозимидан кетган, деб ҳисобланади.

III. Озарбайжон Республикасининг Президенти соғлиги туфайли ўз ваколатларини бажариш қобилиягини тўлиқ йўқотганини ҳақидаги хабар тақдирда Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси Озарбайжон Республикаси Конституциявий Судига бу фактни аниқлаш учун мурожаат қиласди. Озарбайжон Республикасининг Конституциявий Суди бу масала юзасидан б овоз кўпчилик билан қарор қабул қиласди. Агар Озарбайжон Республикасининг Конституциявий Суди бу фактни тасдиқламаса, у ҳолда масала тугаган ҳисобланади.

105-модда. Озарбайжон Республикаси Президенти лавозимидан кетган тақдирда унинг ваколатларин бажариб туриш

I. Президент муддатдан олдин лавозимидан кетгани тақдирда уч ой ичидаги Озарбайжон Республикаси Президентини навбатдан ташқари сайлаш ўтказилади. Бундай ҳолда Озарбайжон Республикасининг янги Президенти сайлангунча Озарбайжон Республикаси Президентининг ваколатларини Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлисининг раиси бажариб туради.

II. Агар ана шу муддат ичидаги Озарбайжон Республикаси Президенти ваколатларини бажарувчи — Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлисининг раиси истеъфога кетадиган бўлса, соғлиғига кўра ўз ваколатларини бажариш қобилиягини тўлиқ йўқотган бўлса, у ҳолда Озарбайжон Республикаси Президенти ваколатларини Озарбайжон Республикаси Бош вазири бажариб туради.

III. Озарбайжон Республикасининг Бош вазири ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатиб ўтилган сабабларга кўра, Озарбайжон Республикаси Президенти ваколатларини

колатларини бажара олмаса, Озарбайжон Республикаси миллий Мажлиси Озарбайжон Республикаси Президенти ваколатларини бошқа мансабдор шахс бажариб туриши тұғрисида қарор қабул қиласы.

106-модда. Озарбайжон Республикаси Президенттіннің дахлсизлигі

Озарбайжон Республикаси Президенти дахлсизлик ҳуқуқыга әгадир. Озарбайжон Республикаси Президенттіннің ор-номуси ва қадр-қиммати қонун билан муҳофаза қилинади.

107-модда. Озарбайжон Республикаси Президенттіннің лавозимидан четлаштириш

I. Озарбайжон Республикаси Президенти оғир жиһоят содир этган тақдирда Озарбайжон Республикаси Президенттіннің лавозимидан четлаштириш тұғрисидагы масала Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси өлдиге Озарбайжон Республикаси Конституциявий Суди ташаббуси билан 30 күн ичіда Озарбайжон Республикаси Олій Судининг тақдим этилган холосаси асосида құйишли мумкин.

II. Озарбайжон Республикасининг Президенти Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси депутатларининг 95 та күпчилик овоз билан қабул қилинган қарори асосида лавозимидан четлаштирилиши мумкин. Бу қарор Озарбайжон Республикаси Конституциявий Суди ғасыры томонидан имзоланади. Агар бир ҳафта мобайнида Озарбайжон Республикасининг Конституциявий Суди бу қарорни тасдиқлашни ёқтап чиқмаса, у ҳолда қарор күчга кирмайди.

III. Озарбайжон Республикаси Президенттіннің лавозимидан четлаштириш тұғрисидаги қарор Озарбайжон Республикаси Конституциявий Суди Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлисига мурожаат қылған кундан әзтиборан 2 ой мобайнида қабул қилинниши лозим. Агар бу муддат мобайнида күрсатыб үтилған қарор қабул қилинмаса, у ҳолда Озарбайжон Республикаси Президенттің қарши илгари суралған айнома бекор қилинган ҳисобланади.

108-модда. Озарбайжон Республикаси Президенттіннің таъминоти

Озарбайжон Республикаси Президенти ва унинг оиласы давлат ҳисобидан таъмин этилади. Озарбайжоң

Республикаси Президенти ва унинг оиласи хавфсизлиги маҳсус соқчилик хизматлари билан таъминланади.

109-модда. Озарбайжон Республикаси Президенти-нинг ваколатлари

Озарбайжон Республикаси Президенти:

- 1) Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлисига саёловни тайинлади;
- 2) Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси тасдиғига Озарбайжон Республикаси давлат бюджетини тақдим этади;
- 3) давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий дастурларини тасдиқлади;
- 4) Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлисининг розилиги билан Озарбайжон Республикаси Бош вазирини лавозимга тайинлади; Озарбайжон Республикаси Бош вазирини лавозимдан озод қиласди;
- 5) Озарбайжон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини лавозимга тайинлади ва лавозимдан озод қиласди: зарур ҳолларда Озарбайжон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қиласди;
- 6) Озарбайжон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини истеъфога чиқариш тўғрисида қарор қабул қиласди;
- 7) Озарбайжон Республикаси давлат бюджетида ижро этувчи ҳокимият учун назарда тутилган харажатлар доирасида ижро этувчи ҳокимииятнинг марказий ва маҳаллий органларини ташкил этади;
- 8) Озарбайжон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Нахичеван Мухтор Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда фармойишларини, марказий ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳужжатларини бекор қиласди;
- 9) Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлисига Озарбайжон Республикаси Конституциявий Суди, Озарбайжон Республикаси Олий Суди ва Озарбайжон Республикаси Иқтисодий Судининг судьяларини лавозимга тайинлаш тўғрисида тақдимот киритади: Озарбайжон Республикасининг бошқа судлари судьяларини лавозимга тайинлади; Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси розилиги билан Озарбайжон Республикаси Бош прокурорини лавозимга тайинлади ва лавозимдан озод қиласди;
- 10) Озарбайжон Республикаси Миллий Банки Бошқаруви аъзоларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан

Озод қилиш тұғрисида Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлисига тақдимот кирилади;

11) Озарбайжон Республикаси ұарбий доктринасини Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси тасдиғига кирилади;

12) Озарбайжон Республикаси Қуролли Күчлери юқори құмандонлық таркибини лавозимга тайинлайды ва лавозимдан озод қиласы;

13) Озарбайжон Республикасы Президентининг ижро әтүвчи девонини ташкил этади ва унинг раҳбарини тайинлайды;

14) Озарбайжон Республикаси Президентининг мухтор вакилларини лавозимга тайинлайды ва лавозимдан озод қиласы;

15) Озарбайжон Республикасининг хорижий давлаттардаги ва халқаро ташкилотлар ҳузуридаги дипломатия ваколатхоналарини таъсис этиш тұғрисида Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлисига тақдимот кирилади. Озарбайжон Республикасининг хорижий давлаттардаги ва халқаро ташкилотлардаги дипломатия вакилларини тайинлайды ва чақириб олади;

16) хорижий давлатлар дипломатия вакилларининг ишонч ва чақи्रув өрлиқларини қабул қиласы;

17) давлатлараро ва ұкуматлараро шартномалар түзади, давлатлараро шартномаларни ратификация қилиш ва бекор деб эълон қилиш учун Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлисига тақдим этади; халқаро шартномаларни ратификация қилиш тұғрисидеги фармонларни имзолайды;

18) референдум тайинлайды;

19) қонунларни имзолайды ва чиқаради;

20) фуқаролик масалаларини ҳал этади;

21) сиёсий бошпана бериш тұғрисидеги масалаларни ҳал этади;

22) авф этишни амалга оширади;

23) давлат мукофотлари билан мукофотлайды;

24) юқори ұарбий ва юқори маҳсус унвонлар беради;

25) умумий ва қисман сафарбарлық, шунингдек, демобилизация эълон қиласы;

26) Озарбайжон Республикаси фуқароларини муддатли ұарбий хизматтаға чақириш тұғрисида ва муддатли ұарбий хизматни ўтаган ұарбий хизматчиларни захирага бүшатыш тұғрисида қарор қабул қиласы;

27) Озарбайжон Республикаси Ҳавсизлик Қенгашини түзәди;

28) Озарбайжон Республикаси Қуролли күчлариниң уларнинг вазифаси билан боғлиқ бўлмаган бурчларни бажаришга жалб қилишга розилик бериш ҳақида Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлисига тақдимот кирилади.

29) фавқулодда ва ҳарбий ҳолат эълон қиласиди;

30) Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлисинг розилиги билан уруш эълон қиласиди ва сулҳ туздади;

31) Озарбайжон Республикаси давлат бюджетида маҳсус муҳофаза хизматлари учун назарда тутилган харажатлар доирасида мазкур хизматларни ташкил этади;

32) ушбу Конституция билан Озарбайжон Республикасининг Миллий Мажлиси ихтиёрига ва Озарбайжон Республикаси суд органлари ихтиёрига берилмаган бошқа масалаларни ижро этиш тартибида ҳал қиласиди.

110-модда. Қонунларни имзолаш.

I. Озарбайжон Республикасининг Президенти қонунларни улар тақдим этилган кундан эътиборан 56 кун мобайнида имзолайди. Агар қонун Озарбайжон Республикаси Президентининг юзорилигинга сабаб бўлса, у ҳолда Президент қонунни тасдиқламасдан, кўрсатиб ўтилган муддатда ўз эътироzlари билан Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлисига қайтариб юбориши мумкин.

II. Агар Озарбайжон Республикасининг Президенти Конституциявий қонунларни имзоламаса, улар кучга кирмайди. Агар Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси илгари 83 та кўпчилик овоз билан қабул қилинган қонунларни ва илгари 63 та кўпчилик овоз билан қабул қилинган қонунларни, 95 та кўпчилик овоз билан қайта қабул қиласа, бу қонунлар, уларга такоротлан овоз берилгандан кейин кучга киради.

111-модда. Ҳарбий ҳолат эълон қилиниши

Ҳақиқатда Озарбайжон Республикаси ҳудудининг муайян қисми босиб олинган, хорижий давлат ёки давлатлар томонидан Озарбайжон Республикасига қарши уруш очилган, Озарбайжон Республикасига қуролли ҳужум қилиш реал хавфи пайдо бўлган, Озарбайжон

Республикасининг ҳудуди қамал қилинган тақдирда, шунингдек, бундай қамал қилишнинг реал хавфи мавжуд бўлганда, Озарбайжон Республикасининг Президенти Озарбайжон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида ҳарбий ҳолат эълон қиласди ва 24 соат ичиде Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси тасдигига ўзи қабул қилган тегишли фармонни киритади.

112-модда. Фавқулодда ҳолатнинг қўлланилиши

Табиий оғатлар, эпидемиялар, катта экологик ва бошқа ҳолатлар рўй берганда, шунингдек, Озарбайжон Республикасининг ҳудудий яхлитлиги бузилишига қаратилган хатти-ҳаракатлар, давлатга қарши исён ёки давлат тўнтариши содир этилганда, зўравонлик билан боғлиқ бўлган оммавий тартибсизликларда, фуқароларнинг ҳаёти ва хавфсизлигига ёки давлат институтларининг нормал фаолиятига таҳдид солувчи бошқа низолар келиб чиқсан тақдирда Озарбайжон Республикасининг Президенти Озарбайжон Республикасининг айрим жойларида фавқулодда ҳолат эълон қиласди ва 24 соат ичиде ўзи қабул қилган Фармонни Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси тасдигига киритади.

113-модда. Озарбайжон Республикаси Президентининг ҳужжатлари

I. Озарбайжон Республикасининг Президенти умумий қоидалар белгилашда фармонлар қабул қиласди, бошқа масалалар юзасидан эса фармойишлар қабул қиласди.

II. Агар Озарбайжон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларида бошқа тартиб назарда тутилмаган бўлса, у ҳолда фармонлар ва фармойишлар эълон қилинган кунидан бошлаб кучга киради.

114-модда. Озарбайжон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мақоми

I. Озарбайжон Республикаси Президенти ижро этувчи ваколатларни амалга ошириш мақсадида Озарбайжон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини ташкил этади.

II. Озарбайжон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси Озарбайжон Республикаси Президенти ижро этувчи ҳокимииятининг юқори органи ҳисобланади.

III. Озарбайжон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси Озарбайжон Республикаси Президентига бўйсунади ва унга ҳисобот беради.

IV. Озарбайжон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фаолият кўрсатиш тартиби Озарбайжон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

115-модда. Озарбайжон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таркиби

Озарбайжон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибига Озарбайжон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосари, вазирлар ва марказий ижро этувчи ҳокимият органларининг бошқа раҳбарлари киради.

116-модда. Озарбайжон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг истеъфо бериши

Озарбайжон Республикасининг янги сайланган Президенти лавозимга киришган ва ўзининг ваколатларини ижро этишни бошлаган куни Озарбайжон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси истеъфо беради.

117-модда. Озарбайжон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлислари

Озарбайжон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида одатда Озарбайжон Республикасининг Бош вазири раислик қилади.

118-модда. Озарбайжон Республикаси Бош вазирини тайинлаш тартиби

I. Озарбайжон Республикасининг Бош вазири Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлисининг розилиги билан Озарбайжон Республикаси Президенти томонидан тайланади.

II. Озарбайжон Республикаси Бош вазири лавозимига номзод кўрсатиш таклифи Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси муҳокамасига Озарбайжон Республикаси Президенти томонидан у ўз вазифаларини бажаришни бошлаган кундан эътиборан бир ойдан кечиктиримай ёки Озарбайжон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси истеъфога кетган кундан бошлаб икки ҳафта муддатдан кечиктиримай киритилади.

III. Озарбайжон Республикасининг Миллий Мажлиси Озарбайжон Республикаси Бош вазири лавозимига номзод тўғрисидаги қарорни бу номзод тақдим этилгак

кундан эътиборан бир ҳафта ичидаги қабул қиласи. Агар кўрсатилган тартиб бузилса ёки Озарбайжон Республикаси Президенти томонидан тақдим этилган номзодларни тайинлашга уч марта розилик берилмаса, у ҳолда Озарбайжон Республикасининг Президенти Озарбайжон Республикасининг Бош вазирини Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлисининг розилигисиз тайинлаши мумкин.

119-модда. Озарбайжон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари

Озарбайжон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Озарбайжон Республикаси давлат бюджети лойиҳасини тузади ва уни Озарбайжон Республикаси Президентига тақдим этади;

Озарбайжон Республикаси давлат бюджетининг ижро этилишини таъминлайди;

молия-кредит ва пул сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди;

давлат ижтимоий дастурларининг амалга оширилишини таъминлайди;

вазирликларга ва бошқа ижро этувчи ҳокимият марказий органларига раҳбарлик қиласи, уларнинг ҳужжатларини бекор қиласи;

Озарбайжон Республикаси Президенти томонидан унинг ихтиёрига берилган бошқа масалаларни ҳал қиласи.

120-модда. Озарбайжон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари

I. Озарбайжон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси умумий қоидалар белгилашда қарорлар қабул қиласи, бошқа масалалар юзасидан эса фармойишлар қабул қиласи.

II. Агар Озарбайжон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларида бошқа тартиб назарда тутилмаган бўлса, бу қарорлар ва фармойишлар эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

121-модда. Озарбайжон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзолари номзодларига қўйиладиган талааблар

I. Озарбайжон Республикаси Бош вазири лавозимига Озарбайжон Республикасининг 30 ёшдан кичик бўл-

маган, сайлаш ҳуқуқига, олий маълумотга эга бўлган, бошқа давлат олдида мажбуриятлари бўлмаган фуқароси тайинланади.

II. Озарбайжон Республикаси Бош вазирининг ўринbosari, вазир, ижро этувчи ҳокимиятнинг бошқа марказий органи раҳбари лавозимига Озарбайжон Республикасининг 25 ёшдан кичик бўлмаган, сайлаш ҳуқуқига, олий маълумотга эга бўлган, бошқа давлат олдида мажбуриятлари бўлмаган фуқароси тайинланади.

122-модда. Озарбайжон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларига қўйиладиган талаблар

Озарбайжон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринbosарлари, вазирлар, ижро этувчи марказий ҳокимиятнинг бошқа органлари раҳбарлари сайлаб қўйиладиган ёки тайинланадиган илмий, педагоглик ва ижодий фаолиятдан ташқари ҳеч қандой лавозимни эгаллаб туришлари мумкин эмас, тадбиркорлик, тижорат ва бошқа ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланишлари мумкин эмас, лавозим маоши ҳамда илмий, педагоглик ва ижодий фаолиятдан олинган маблағлардан ташқари бошқа ҳақ олишлари мумкин эмас.

123-модда. Озарбайжон Республикаси Бош вазирининг дахлсизлиги

I. Озарбайжон Республикаси Бош вазирининг шахси, унинг ваколатлари муддати мобайнида дахлсизdir.

II. Озарбайжон Республикасининг Бош вазири жиноят жойида қўлга тушиш ҳолларидан ташқари ҳолларда, ушланиши мумкин эмас, унга нисбатан суд тартибida маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкин эмас, унинг тинтув қилиниши шахсан назоратдан ўтказилиши мумкин эмас.

III. Агар Озарбайжон Республикасининг Бош вазири жиноят жойида қўлга тушса, ушланиши мумкин. Бундай ҳолда уни ушлаган орган бу ҳақда дарҳол Озарбайжон Республикасининг Бош прокурорини хабардор қилиши лозим.

IV. Озарбайжон Республикаси Бош вазирининг дахлсизлиги Озарбайжон Республикаси Президенти томонидан, фақат Озарбайжон Республикаси Бош прокурорининг тақдими асосидагина тўхтатилиши мумкин.

124-модда. Жойлардаги ижро этувчи ҳокимият

I. Жойлардаги ижро этувчи ҳокимиятни ижро этувчи ҳокимият бошлиғи амалга оширади.

II. Ижро этувчи ҳокимият бошлиқлари Озарбайжон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

III. Жойлардаги ижро этувчи ҳокимиятнинг ваколатлари Озарбайжон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

VII боб

СУД ҲОКИМИЯТИ

125-модда. Суд ҳокимиятининг амалга оширилиши

I. Озарбайжон Республикасида суд ҳокимиятини фаяқат судлар одил судлов воситасида амалга оширадилар.

II. Суд ҳокимиятини Озарбайжон Республикасининг Конституциявий Суди, Озарбайжон Республикасининг Олий Суди, Озарбайжон Республикасининг Иқтисодий Суди, Озарбайжон Республикасининг умумий ва маҳсус судлари амалга оширадилар.

III. Суд ҳокимияти конституциявий, фуқаролик ва жиной суд жараёни ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа шакллар воситасида амалга оширилади.

IV. Одил судловнинг амалга оширилишида, конституциявий суд жараёнидан ташқари, Озарбайжон Республикаси прокуратураси ва ҳимоячилар иштирок этади.

V. Озарбайжон Республикасида суд тузилиши ва суд жараёни қонун билан белгиланади.

VI. Судларнинг ваколатларини ўзгартириш ва фавқулодда судлар ташкил этиш мақсадида қонунда назарда тутилмаган ҳуқуқий воситаларни кўлланиш тақиқланади.

126-модда. Судьяликка номзодларга қўйиладиган талаблар

I. Озарбайжон Республикасининг 30 ёшдан кичик бўлмаган, сайлов ҳуқуқига, олий юридик маълумотга ва юридик мутахассислик бўйича камидаги 5 йил иш стажига эга бўлган фуқаролари судьялар бўлиши мумкин.

II. Судьялар илмий, педагоглик ва ижодий фаолиятдан ташқари ҳеч қандай бошқа сайлаб қўйиладиган

ёки тайинланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас, тадбиркорлик, тижорат ва бошқа ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланишлари мумкин эмас, сиёсий фаолият билан шуғулланишлари ва сиёсий партияларда туришлари мумкин эмас, лавозим маошидан ва илмий, педагогик ва ижодий фаолият учун олинадиган маблағлардан ташқари бошқа ҳақ олишлари мумкин эмас.

127-модда. Судьяларнинг дахлсизлиги, одил судловни амалга оширишнинг асосий тамойиллари ва шарт-шароитлари

I. Судьялар мустақиллар, фақат Озарбайжон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига бўйсунадилар, ўз ваколатлари муддати мобайнида алмаштирилмайдилар.

II. Судьялар ишларни холисона, адолатли равишда, томонларнинг юридик жиҳатдан тенглигига риоя қилган ҳолда, фактлар асосида ва қонунларга мувофиқ равишда кўриб чиқадилар.

III. Суд жараёнига бирон-бир томоннинг бирор сабаб билан бевосита ёки бавосита чеклашига, ғайриқонуний таъсир кўрсатишига, таҳдид солиши ва аралашувига йўл қўйилмайди.

IV. Одил судлов фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенг ҳуқуқлилиги асосида амалга оширилади.

V. Суд жараёни барча судларда ошкоралик билан ўтказилади. Ишларни ёпиқ мажлисда эшлишига суд, ишларни очиқ равишда кўриш давлат сирининг, касб ёки тижорат сирининг очилишига сабаб бўлади, деб ҳисоблайдиган ёхуд шахсий ёки оиласий ҳаёт сирини сақлаш зарур деб белгилаган ҳоллардагина рухсат этилади.

VI. Жиноий ишларга доир суд жараёнини сиртдан кўришга рухсат этилмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир.

VII. Суд жараёни тортишув тамойили асосида амалга оширилади.

VIII. Суд жараёнининг ҳар қандай босқичида ҳар кимнинг ҳимоя қилинишга бўлган ҳуқуқи кафолатланаиди.

IX. Одил судлов айбсизлик презумпциясига (фактнинг акси тасдиқланмагунча, шу фактни юридик тўғри деб топишга) асосланади.

X. Озарбайжон Республикаси суд ишлари Озарбайжон Республикасининг давлат тилида ёки тегишли жой-

да күпчиликни ташкил қылувчи аҳолининг тилида амалга оширилади. Суд жараёни амалга оширилаётганида суд ишида қатнашаётган тилни билмайдиган шахсларга иш материаллари билай тұлық танишиб чиқиш, судда таржимон ёрдамида қатнашиш ва она тилида сұзға чиқиш ҳуқуқи кафолатланади.

128-модда. Судьяларнинг дахлсизлиги

I. Судьялар дахлсиздирлар.

II. Судья фақат қонунда назарда тутилган тартибда жиной жавобгарлікка тортилиши мүмкін.

III. Судьяларнинг ваколатлари фақат қонунда назарда тутилган асослар ва қоидаларга мувофиқ тұхтатилиши мүмкін.

IV. Судьялар жиноят содир қылган тақдирда Озарбайжон Республикасининг Президенти Озарбайжон Республикаси Олий Судининг хulosаси асосида Озарбайжон Республикаси Миллій Мажлиси олдида судьяларни лавозимдан четлаштириш ташаббуси билан чиқиши мүмкін. Озарбайжон Республикаси Олий Судининг тегишли хulosаси Озарбайжон Республикаси Президентига унинг сұрови билан сұров киритилгандан кейин 30 кун мобайнида тақдим этилиши лозим. Озарбайжон Республикаси Конституциявий Суди, Озарбайжон Республикаси Олий Суди ва Озарбайжон Республикаси Иқтисодий Суди судьяларини лавозимдан четлаштириш тұғрисидаги қарор Озарбайжон Республикаси Миллій Мажлиси томонидан 83 та күпчилик овоз билан қабул қилинади; бощыңға судьяларни лавозимдан четлаштириш тұғрисидаги қарор Озарбайжон Республикаси Миллій Мажлиси томонидан 63 та күпчилик овоз билан қабул қилинади.

129-модда. Суд қарорлари ва уларнинг ижро этилиши

Судлар давлат номидан қарорлар чиқарадилар, бу қарорларнинг бажарылыш мажбурийдир.

130-модда. Озарбайжон Республикасининг Конституциявий Суди

I. Озарбайжон Республикасининг Конституциявий Суди 9 та судьядан ташкил топади.

II. Озарбайжон Республикаси Конституциявий Судининг судьялари Озарбайжон Республикаси Президентининг тақдимига кұра Озарбайжон Республикаси Миллій Мажлиси томонидан тайинланади.

III. Озарбайжон Республикасининг Конституциявий Суди Озарбайжон Республикаси Президенти, Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси, Озарбайжон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Озарбайжон Республикаси Олий Суди, Озарбайжон Республикаси прокуратураси ва Нахичеван Мухтор Республикаси Олий Мажлисининг сўрови асосида қўйидаги масалаларни ҳал этади:

1) Озарбайжон Республикасининг қонунлари, Озарбайжон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлисининг қарорлари, Озарбайжон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Озарбайжон Республикаси ижро этувчи ҳокимияти марказий органларининг норматив-ҳуқуқий ҳуқуматларининг Озарбайжон Республикаси Конституциясига мувофиқ келиши тўғрисида;

2) Озарбайжон Республикаси Президентининг фармонлари, Озарбайжон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Озарбайжон Республикаси ижро этувчи ҳокимияти марказий органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Озарбайжон Республикаси қонунларига мувофиқ келиши тўғрисида;

3) Озарбайжон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва ижро этувчи ҳокимият марказий органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Озарбайжон Республикаси Президентининг фармонларига мувофиқ келиши тўғрисида;

4) қонунда назарда тутилган ҳолларда Озарбайжон Республикаси Олий Суди қарорларининг Озарбайжон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқ келиши тўғрисида;

5) муниципалитет органлар ҳужжатларининг Озарбайжон Республикаси Конституциясига, Озарбайжон Республикаси қонунларига, Озарбайжон Республикаси Президентининг фармонларига, Озарбайжон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига (Нахичеван Мухтор республикасида эса — Нахичеван Мухтор республикаси Конституцияси ва қонунларига ҳамда Нахичеван Мухтор Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, мувофиқ келиши тўғрисида:

6) Озарбайжон Республикасининг ҳали кучга кирмаган халқаро шартномаларининг Озарбайжон Республикаси Конституциясига мувофиқ келиши тўғрисида; Озарбайжон Республикаси ҳуқуматлараро шартномаларининг

Озарбайжон Республикаси Конституциясига ва қонунларига мувофиқ келиши тұғрисида;

7) сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларини таъқиқлаш тұғрисида;

8) Нахичеван Мухтор Республикаси Конституцияси ва қонунларининг, Нахичеван Мухтор Республикаси Олий Мажлиси қарорларининг, Нахичеван Мухтор Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг Озарбайжон Республикаси Конституциясига мувофиқ келиши тұғрисида; Нахичеван Мухтор Республикаси қонунларининг, Нахичеван Мухтор Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг Озарбайжон Республикаси Қонунларига мувофиқ келиши тұғрисида; Нахичеван Мухтор Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг Озарбайжон Республикаси Президенти Фармонлагыра га Озарбайжон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқліги тұғрисида;

9) қонун чиқарувни, ижро этувчи ва суд қокимиятлари үртасидаги ваколатларни чеклаш билан боғлиқ бүлган низоларни ҳал қилиш тұғрисида;

IV. Озарбайжон Республикаси Конституциявий Суди Озарбайжон Республикаси Президенти, Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси, Озарбайжон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Озарбайжон Республикаси Олий Суди, Озарбайжон Республикаси Прокуратураси ва Нахичеваң Мухтор Республикаси Олий Мажлиси сұровлари асосида Озарбайжон Республикаси Конституцияси ва қонунларини изоҳлаб беради.

V. Озарбайжон Республикасининг Конституциявий Суди ушбу Конституцияда назарда тутилған бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

VI. Озарбайжон Республикаси Конституциявий Суди үз ваколатларига тааллуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қиласы. Озарбайжон Республикаси Конституциявий Судининг қарорлари Озарбайжон Республикасининг бутун ҳудудида мажбурий күчга зәдір.

VII. Озарбайжон Республикасининг қонунлари ва бошқа ҳужжатлари еки уларнинг айрим қоидалари, ҳукуматлараро шартномалари Озарбайжон Республикасининг Конституциявий Суди қарорида белгиланған муддатда үз күчини йўқотади, Озарбайжон Республикасининг давлатлараро шартномалари эса, күчга кирмайди.

131-модда. Озарбайжон Республикасининг Олий суди
I. Озарбайжон Республикасининг Олий Суди фуқаролик, жиноий, маъмурий ишлар ва умумий ҳамда ихтинослашган судларнинг судлов ишларини юргизиши учун берилган бошқа ишлар борасида юқори суд органи ҳисобланади; у умумий ва ихтинослашган судларнинг ишини қонунда белгиланган процессуал тартибида назорат қилишни амалга оширади; судлар амалиётига таллуқли масалалар юзасидан тушунтиришлар беради.

II. Озарбайжон Республикаси Олий Судининг судьялари Озарбайжон Республикаси Президенти тақдимиға кўра Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси томонидан тайинланади.

132-модда. Озарбайжон Республикасининг Иқтисодий Суди

I. Озарбайжон Республикасининг Иқтисодий Суди иқтисодий низоларни кўриб чиқиш борасида юқори суд органи ҳисобланади. У тегишли ихтинослашган судларнинг ишини қонунда белгиланган тартибида назорат қилишни амалга оширади.

II. Озарбайжон Республикаси Иқтисодий Судининг судьялари Озарбайжон Республикаси Президенти тақдимиға мувофиқ Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси томонидан тайинланади.

133-модда. Озарбайжон Республикасининг Прокуратураси

I. Озарбайжон Республикасининг Прокуратураси қонунда назарда тутилган тартибида қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши ҳамда татбиқ этилишини назорат қилишни амалга оширади; қонунда назарда тутилган ҳолларда жиноий ишлар кўзғайди ва тергов олиб боради; судда давлат айловини қўллаб-қувватлади; судда даъвогар бўлиш учун иш қўзғайди; суд қарорларига норозилик билдиради.

II. Озарбайжон Республикасининг Прокуратураси ҳудудий ва ихтинослашган Прокурорларнинг Озарбайжон Республикаси Бош прокурорига бўйсунишига асосланган ягона марказлашган орган ҳисобланади.

III. Озарбайжон Республикасининг Бош прокурори Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлисининг роziлиги билан Озарбайжон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

IV. Озарбайжон Республикаси Баш прокурорининг ўринбосарлари, ихтисослашган республика прокурату-
ралари га раҳбарликни амалга оширувчи прокурорлар,
Нахичеван Мухтор Республикаси прокурори Озарбай-
жон Республикаси Баш прокурори тақдимига мувофиқ
Озарбайжон Республикаси Президенти томонидан лаво-
зимга тайинланадилар ва лавозимдан озод қилинади-
лар.

Худудий ва ихтисослашган прокурорлар Озарбайжон
Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда
Озарбайжон Республикаси Баш прокурори томонидан
лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод қилина-
дилар.

VIII боб

НАХИЧЕВАН МУХТОР РЕСПУБЛИКАСИ

134-модда. Нахичеван Мухтор Республикасининг ма- қоми

I. Нахичеван Мухтор Республикаси Озарбайжон Респу-
бликаси таркибидаги мухтор давлат ҳисобланади.

II. Нахичеван Мухтор Республикасининг мақоми уш-
бу Конституция билан белгиланади.

III. Нахичеван Мухтор Республикаси Озарбайжон
Республикасининг ажралмас таркибий қисми ҳисобла-
нади.

IV. Озарбайжон Республикасининг Конституцияси,
Озарбайжон Республикаси қонунлари, Озарбайжон Респу-
бликаси Президентининг фармонлари ва Озарбайжон
Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари Нах-
ичеван Мухтор Республикаси ҳудудида мажбурий куч-
га эга.

V. Нахичеван Мухтор Республикасининг Олий Маж-
лиси қабул қилган Нахичеван Мухтор Республикаси-
нинг Конституцияси ва қонунлари тегишли равишда
Озарбайжон Республикаси Конституцияси ва қонунила-
рига зид келиши мумкин эмас; Нахичеван Мухтор Респу-
бликаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қи-
линган қарорлар — Озарбайжон Республикаси Консти-
туцияси ва қонунларига, Озарбайжон Республикаси Пре-
зиденти фармонларина ва Озарбайжон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси қарорларига зид келиши мумкин
эмас.

135-модда. Нахичеван Мухтор Республикасида ҳоқимиятларнинг бўлиниши

I. Нахичеван Мухтор Республикасида қонун чиқарувчи ҳоқимиятни Нахичеван Мухтор Республикаси Олий Мажлиси, ижро этувчи ҳоқимиятни — Нахичеван Мухтор Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, суд ҳоқимиятини — Нахичеван Мухтор Республикаси судлари амалга оширади.

II. Нахичеван Мухтор Республикаси Олий Мажлиси Озарбайжон Республикаси Конституцияси ва қонунлари томонидан унинг ваколатларига киритилган масалаларни ҳал этишда мустақилдир; Нахичеван Мухтор Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Озарбайжон Республикаси Конституцияси ва қонунлари ҳамда Озарбайжон Республикаси Президентининг фармонлари билан ўз ваколатларига киритилган масалаларни ҳал этишда мустақилдир; Нахичеван Мухтор Республикасининг судлари Озарбайжон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан ўз ваколатига киритилган масалаларни ҳал этишда мустақилдирлар.

136-модда. Нахичеван Мухтор Республикасининг юқори мансабдор шахси

Нахичеван Мухтор Республикасининг юқори мансабдор шахси Нахичеван Мухтор Республикаси Олий Мажлисининг раисидир.

137-модда. Нахичеван Мухтор Республикаси Олий Мажлиси

I. Нахичеван Мухтор Республикаси Олий Мажлиси 45 аъзодан ташкил топади.

II. Нахичеван Мухтор Республикаси Олий Мажлисининг ваколатлари муддати 5 йилдир.

III. Нахичеван Мухтор Республикаси Олий Мажлиси Нахичеван Мухтор Республикаси Олий Мажлиси раисини ва унинг ўринбосарларини сайлайди, доимий ва бошқа комиссиялар ташкил этади.

138-модда. Нахичеван Мухтор Республикаси Олий Мажлиси белгилаб берадиган умумий қоидалар

I. Нахичеван Мухтор Республикаси Олий Мажлиси қўйидаги масалалар юзасидан умумий қоидалар белгилайди:

- 1) Нахичеван Мухтор Республикаси Олий Мажлиси-га сайлов;
- 2) солиқлар;
- 3) Нахичеван Мухтор Республикасини иқтисодий ри-вожлантириш йұналишлари;
- 4) ижтимоий таъминот;
- 5) атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;
- 6) сайёхлик;
- 7) Соғлиқни сақлаш, фан, маданият.

II. Ушбу моддада күрсатыб ўтилган масалалар юза-сидан Нахичеван Мухтор Республикаси Олий Мажлиси қонунлар қабул қилади.

139-модда. Нахичеван Мухтор Республикаси Олий Мажлиси ҳал қиладиган масалалар

I. Нахичеван Мухтор Республикаси Олий Мажлиси қуидаги масалаларни ҳал қилади:

- 1) Нахичеван Мухтор Республикаси Олий Мажлиси ишини ташкил этиш;
- 2) Нахичеван Мухтор Республикаси бюджетини тас-диқлаш;
- 3) Нахичеван Мухтор Республикасининг иқтисодий ва ижтимоий дастурларини тасдиқлаш;
- 4) Нахичеван Мухтор Республикаси Бөш вазирини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш;
- 5) Нахичеван Мухтор Республикаси Вазирлар Маҳ-камаси таркибини тасдиқлаш;
- 6) Нахичеван Мухтор Республикаси Вазирлар Маҳ-камасига ишонч билдириш.

II. Ушбу моддада күрсатыб ўтилган масалалар юза-сидан Нахичеван Мухтор Республикаси Олий Мажлиси қарорлар қабул қилади.

140-модда. Нахичеван Мухтор Республикаси Вазир-лар Маҳкамаси.

I. Нахичеван Мухтор Республикаси Вазирлар Маҳ-камасининг таркиби Нахичеван Мухтор Республикаси Бөш вазири тақдимига мувофиқ Нахичеван Мухтор Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади.

II. Нахичеван Мухтор Республикаси Бөш вазири Озарбайжон Республикаси Президентининг тақдимига мувофиқ Нахичеван Мухтор Республикаси Олий Маж-лиси томонидан тайинланади.

III. Нахичеван Мухтор Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

- мухтор республика бюджети лойиҳасини тузиб чиқади ва уни Нахичеван Мухтор Республикаси Олий Мажлисига тақдим этади;
- мухтор республика бюджетини ижро этади;
- мухтор республика иқтисодий дастурларининг амалга оширилишини таъминлайди;
- мухтор республика ижтимоий дастурларининг амалга оширилишини таъминлайди;
- Озарбайжон Республикаси Президенти томонидан унинг ихтиёрига берилган бошқа масалаларни ҳал қиласи.

IV. Нахичеван Мухтор Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлар ва фармойишлар қабул қиласи.

141-модда. Нахичеван Мухтор Республикасида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият

Нахичеван Мухтор Республикасида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият бошлиғи Нахичеван Мухтор Республикаси Олий Мажлиси тақдимига мувофиқ Озарбайжон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

ТҮРТИНЧИ БҮЛІМ

МАҲАЛЛИЙ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ

IX боб

МУНИЦИПАЛИТЕТЛАР

142-модда. Жойларда ўзини ўзи бошқаришнинг ташкил этилиши

I. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш муниципалитетлар томонидан амалга оширилади.

II. Муниципалитетлар сайлов асосида ташкил этилади.

III. Муниципалитетларга сайлов тартиби ва муниципалитетлар мақоми қонун билан белгиланади.

143-модда. Муниципалитетлар ишининг ташкил этилиши

I. Муниципалитетлар ўз фаолиятини мажлислар ўтказиш билан ҳамда доимий ва бошқа комиссиялар вositасида амалга оширадилар.

II. Муниципалитетлар мажлисларини муниципалитет раиси чақиради.

144-модда. Муниципалитетларнинг ваколатлари

I. Муниципалитетлар мажлисларида қўйидаги масалалар ҳам этилади:

- 1) муниципалитет аъзолари ваколатларини эътироф қилиш, улар ваколатларини бекор қилиш ва қонунда кўзда тутилган ҳолларда улар ваколатларини тұхтатиш;
- 2) муниципалитет регламентини тасдиқлаш;
- 3) муниципалитет раисини ва унинг ўринбосарини, доимий ва бошқа комиссияларини сайлаш;
- 4) маҳаллий солиқлар ва йигимларни белгилаш;
- 5) маҳаллий бюджетни ва унинг ижроси түғрисидағи ҳисоботларни тасдиқлаш;
- 6) муниципал мулкка әгалик қилиш ва уни бошқариш;
- 7) ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий ривожланишиш бўйича маҳаллий дастурларни қабул қилиш ва ижро этиш;
- 8) иқтисодий ривожланиш бўйича маҳаллий дастурларни қабул қилиш ва уларни ижро этиш;
- 9) маҳаллий экологик дастурларни қабул қилиш ва ижро этиш.

II. Муниципалитетларга қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг қўшимча ваколатлари ҳам берилиши мумкин. Ана шу ваколатларни амалга ошириш учун, муниципалитетларга тегишли молиявий маблаглар ажратилиши лозим. Бундай ваколатларнинг амалга оширилишини тегишли қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар назорат қиладилар.

145-модда. Муниципалитетларнинг қарорлари

I. Муниципалитет мажлисларида кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан қарор қабул қилинади.

II. Муниципалитет қарорлари муниципалитет аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

III. Маҳаллий солиқлар ва йигимлар билан боғлиқ қарорлар муниципалитет аъзоларининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади.

146-модда. Муниципалитетлар мусгақиллигининг кафолати

Муниципалитетларнинг суд йўли билан ҳимоя қи-

линиши, давлат органлари қарорлари натижасида ву-
жудга келадиган қўшимча ҳужжатларнинг қопланиши
кафолатланади.

Б Е Ш И Н Ч И Б У Л И М

ҲУҚУҚ ВА ҚОНУН

X боб

ҚОНУН ЧИҚАРИШ ТИЗИМИ

**147-модда. Озарбайжон Республикаси Конституция-
сининг қонуни кучи**

I. Озарбайжон Республикаси Конституцияси олий
юридик кучга эга.

II. Озарбайжон Республикаси Конституцияси бево-
сита юридик кучга эга.

III. Озарбайжон Республикаси Конституцияси Озар-
байжон Республикаси қонун чиқариш тизимининг асоси
ҳисобланади.

**148-модда. Озарбайжон Республикаси қонун чиқа-
риш тизимиға кирадиган ҳужжатлар**

I. Қонун чиқариш тизими қўйидаги норматив-ҳуқу-
қий ҳужжатлардан ташкил топади:

1) Конституция;

2) референдум қабул қилган ҳужжатлар;

3) қонуилар;

4) фармонлар;

5) Озарбайжон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-
нинг қарорлари;

6) ижро этувчи ҳокимият марказий органларининг
норматив ҳужжатлари.

II. Бир томони Озарбайжон Республикаси ҳисоблан-
ган халқаро шартномалар, — Озарбайжон Республикаси
қонун чиқариш тизимининг ажралмас қисмидир.

III. Нахичеван Мухтор Республикасида, шунингдек,
Нахичеван Мухтор Республикаси Конституцияси ва
қонунлари, Нахичеван Мухтор Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг қарорлари ҳам юридик кучга эгадир.

IV. Нахичеван Мухтор Республикасининг қонун чиқа-
риш тизими Озарбайжон Республикаси қонун чиқа-
риш тизимиға мувофиқ келиши лозим.

•

V. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ўз ваколатлари доирасида қонун чиқариш тизимиға кирадиган ҳужжатларга зид келмайдиган норматив ҳужжатлар қабул қилишлари мумкин.

149-модда. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар

I. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ҳуқуқ ва адолатга асосланиши лозим (тeng манфаатларга teng муносабат).

II. Референдум томонидан қабул қилинган ҳужжатларнинг татбиқ қилиниши ва ижро этилиши фуқаролар, қонун чиарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари, юридик шахслар ва муниципалитетлар учун фақат улар эълон қилинган тақдирдагина мажбурий ҳисобланади.

III. Қонунлар Конституцияга зид келмаслиги лозим.Faқат эълон қилинган қонунларнинг татбиқ қилиниши ва ижро этилиши барча фуқаролар, қонун чиқариш ва суд ҳокимиятлари, юридик шахслар ва муниципалитетлар учун мажбурийдир.

IV. Озарбайжон Республикаси Президентининг Фармонлари Озарбайжон Республикаси Конституцияси ва қонунларига зид келмаслиги лозим. Faқат эълон қилинган фармонларнинг татбиқ қилиниши ва ижро этилиши барча фуқаролар, ижро этувчи ҳокимият органлари, юридик шахслар учун мажбурийдир.

V. Озарбайжон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари Озарбайжон Республикаси Конституциясига, Озарбайжон Республикаси қонунлари ва Озарбайжон Республикаси Президентининг фармонларига зид келмаслиги лозим. Вазирлар Маҳкамасининг фақат эълон қилинган қарорларининг татбиқ қилиниши ва ижро этилиши барча фуқаролар, марказий ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, юридик шахслар учун мажбурийдир.

VI. Ижро этувчи марказий ҳокимият органларининг ҳужжатлари Озарбайжон Республикаси Конституцияси, қонунларига, Озарбайжон Республикаси Президентининг Фармонларига, Озарбайжон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига зид келмаслиги лозим.

VII. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқий мав-кеини яхшилайдиган, уларнинг ҳуқуқий жавобгарлигиги бартараф этадиган ёки юмшатадиган норматив-хуқуқий ҳужжатлар тескари кучга әгадир. Бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар тескари кучга эга эмас.

150-модда. Муниципалитетларнинг ҳужжатлари

I. Муниципалитетлар қабул қилган ҳужжатлар ҳуққа ва адолатга асосланиши лозим (тeng манфаатларга teng муносабат), Озарбайжон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Озарбайжон Республикаси Президентининг фармонларига, Озарбайжон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига (Нахичеван Мухтор Республикасида эса, Нахичеван Мухтор Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Нахичеван Мухтор Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига) зид келмаслиги лозим.

II. Муниципалитет томонидан қабул қилинган ҳужжатга амал қилиш мазкур ҳудудда истиқомат қилувчи фуқаролар ва мазкур ҳудудда жойлашган юридик шахслар учун мажбурийдир.

151-модда. Халқаро ҳужжатларнинг юридик кучи

Озарбайжон Республикасининг қонун чиқариш тизимида кирадиган норматив-хуқуқий ҳужжатлар билан (Озарбайжон Республикаси Конституцияси ва референдум йўли билан қабул қилинган ҳужжатлар бундан мустасно) Озарбайжон Республикаси тарафдор бўлган давлатлараро шартномалар ўртасида зиддият келиб чиқсан тақдирда халқаро шартномалар татбиқ этилади.

XI боб

ОЗАРБАЙЖОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИГА КИРИТИЛАДИГАН ЎЗГАРИШЛАР

152-модда. Озарбайжон Республикаси Конституцияси киритиладиган ўзгаришларни қабул қилиш тартиби

Озарбайжон Республикаси Конституцияси матнидаги ўзгаришлар фақат референдум йўли билан қабул қилинади.

153-модда. Озарбайжон Республикаси Конституцияси матнидаги ўзгаришлар тўғрисида таклифлар киритиш тартиби

Агар Озарбайжон Республикаси Конституцияси матнидаги ўзгаришлар Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси ёки Озарбайжон Республикаси Президенти томонидан киритилса, у ҳолда таклиф этилаётган ўзга-

ришларга олдиндан Озарбайжон Республикаси Конституциявий Судининг хуносаси олиниши лозим.

154-модда. Озарбайжон Республикаси Конституциявий Суди ваколатларининг чекланиши

Озарбайжон Республикаси Конституциявий Суди Озарбайжон Республикаси Конституцияси матнига референдум йўли билан киритиладиган ўзгаришлар бўйича қарорлар қабул қила олмайди.

155-модда. Озарбайжон Республикаси Конституциясига ўзгаришлар киритиш таклифи ташаббусининг чекланиши

1, 2, 6, 7, 3 ва 21-моддаларга ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги, ушбу Конституциянинг III бобида назарда тутилган қоидаларни чеклаш тўғрисидаги таклифлар референдумга қўйилиши мумкин эмас.

XII боб

ОЗАРБАЙЖОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИГА КИРИТИЛАДИГАН ҚЎШИМЧАЛАР

156-модда. Озарбайжон Республикаси Конституциясига киритиладиган қўшимчаларни қабул қилиш тартиби

I. Озарбайжон Республикаси Конституциясига киритиладиган қўшимчалар Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлисида 95 та кўпчилик овоз билан Конституциявий қонунлар тарзида қабул қилинади.

II. Озарбайжон Республикаси Конституциясига қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Конституциявий қонунлар Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлисида иккниш марта овозга қўйилади. Иккинчи овоз бериш биринчи овоз беришдан кейин 6 ой ўтгач ўтказилади.

III. Озарбайжон Республикаси Конституциясига қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Конституциявий қонунлар имзолаш учун Озарбайжон Республикаси Президентига ҳам биринчи овоз беришдан кейин, ҳам иккинчи овоз беришдан кейин ушбу Конституцияда қонунлар учун назарда тутилган тартибда тақдим этилади.

IV. Озарбайжон Республикаси Конституциясига киритиладиган ўзгаришлар тўғрисидаги Конституциявий қонунлар иккинчи овоз беришдан кейин уларни Озар-

байжон Республикаси Президенти имзолагач кучга киради.

V. Конституциявий қонунлар Озарбайжон Республикаси Конституциясининг ажралмас қисми ҳисобланади ва у Озарбайжон Республикаси Конституциясининг асосий матнига зид келмаслиги лозим.

157-модда. Озарбайжон Республикаси Конституациясига қўшимчалар таклиф қилиш ташаббуси

Озарбайжон Республикаси Конституциясига қўшимчалар киритиш Озарбайжон Республикаси Президенти томонидан ёки Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлисининг камида 63 депутати томонидан таклиф этилиши мумкин.

158-модда. Озарбайжон Республикаси Конституациясига қўшимчалар таклиф қилиш ташаббусининг чекланиши

Озарбайжон Республикаси Президенти ёки Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлисининг депутатлари ушбу Конституциянинг тегишли равишда VI ва V бобларида акс эттирилган қоидалар билан боғлиқ равишда Озарбайжон Республикаси Конституциясига қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар киритишлари мумкин эмас.

УТИШ ҚОИДАЛАРИ

1. Озарбайжон Республикаси Конституцияси референдум томонидан қабул қилингандан кейин расмий равишида эълон қилингандан кундан бошлаб кучга киради. Ушбу Конституция кучга кирган кундан эътиборан Озарбайжон Республикасининг 1978 йил 21 апрелда қабул қилинган Конституцияси (Асосий қонуни) ўз кучини йўқотади.

2. Озарбайжон Республикасининг ушбу Конституцияси қабул қилинишига қадар сайланган Озарбайжон Республикаси Президенти ушбу Конституция томонидан Озарбайжон Республикаси Президенти ихтиёрига берилган ваколатларни амалга оширади.

3. Ушбу Конституциянинг 101-моддаси V-қисми мазкур Конституция қабул қилингандан кейин сайланган

Озарбайжон Республикаси Президентига нисбатан құл-
ланилади.

4. Озарбайжон Республикаси халқ депутатлари ва
Озарбайжон Республикаси Олий Қенгашы томонидан
түзилған Миллий Мажлис ваколатлари янги сайланған
Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлисінинг би-
ринчи мажлиси бошланған куни тугайды.

Янги сайланған Озарбайжон Республикаси Миллий
Мажлисінинг биринчи йиғилиши Озарбайжон Республикаси
Миллий Мажлисінинг камидә 83 депутати сай-
ланғандан кейин бир ҳафта үтгач үтказилади. Озарбай-
жон Республикаси Миллий Мажлисінинг биринчи сес-
сияси 1996 йил 31 майга қадар давом этади. 1995 йил
15 аугустда қабул қилинған «Озарбайжон Республика-
си Миллий Мажлисіга сайлов тұғрисида» Озарбайжон
Республикаси Қонуннинг 85-моддаси мазкур қонун асо-
сида сайланған биринчи чақириқ Озарбайжон Республика-
си Миллий Мажлисінинг ваколатлари тамом бұлгун-
ча үз күчини сақлаб қолади.

5. Озарбайжон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ушбу Конституция қабул қилинған кундан әзтиборан
мазкур Конституция белгилаб берган ваколаттарни
амалға оширади.

6. Ушбу Конституция кучга кирған кундан әзтибо-
ран Озарбайжон Республикаси халқ депутатлари ма-
ҳаллий кенгашларининг ваколатлари тұхтатилади.

Озарбайжон Республикаси қонуллари томонидан
Озарбайжон Республикаси халқ депутатлари маҳаллий
кенгашлари ихтиёрига берилған ваколаттар маҳаллий
ижро этувчи қоқимият органлари томонидан амалға
oshiрилади.

7. Ушбу Конституция кучга кирғандан кейин 2 йил
мобайнида үзини үзи бошқарувчи маҳаллий органлар
тұғрисида қонун қабул қилиниши ва муниципалитетлар-
га сайлов үтказилиши лозим.

8. Ушбу Конституция қабул қилинишига қадар Озар-
байжон Республикаси ҳудудида амал қылған қонуллар
ва бошқа норматив — ҳуқуқий ҳужжатлар бу Конститу-
цияга зид келмайдын соҳада үз күчини сақлаб қолади.

9. Ушбу Конституция қабул қилинишига қадар амал
қилиб турған Озарбайжон Республикаси судлари мазкур
Конституция томонидан белгилаб берилған ваколаттар
ва тамойилларға мувофиқ одил судловни амалға ошира-
дилар.

10. Ушбу Конституция кучга кирган кундан эътиборан бир йил мобайнида мазкур Конституцияга мувофиқ келадиган судлар мақоми, суд тузилиши ва суд ислоҳоти тӯғрисида қонунлар қабул қилиниши ҳамда Озарбайжон Республикасининг судьялари янгидан тайинлашини лозим. Қўрсатиб ўтилган қонунлар қабул қилингунга қадар судьяларни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш ушбу Конституция кучга киришига қадар амал қилиб келган қонунлар асосида бажарилади.

11. Ушбу Конституция кучга кирган кундан эътиборан бир йил мобайнида Озарбайжон Республикасининг Конституциявий Суди тӯғрисида Озарбайжон Республикаси Қонунни қабул қилиниши ва Озарбайжон Республикаси Конституциявий суди ташкил этилиши лозим. Озарбайжон Республикаси Конституциявий Суди ташкил этилишига қадар Озарбайжон Республикаси Конституциявий Судининг ушбу Конституцияда назарда тутилган ваколатлари амалга оширилмайди. Ушбу Конституциянинг 130-моддаси, 3-қисми 7-бандида назарда тутилган масала Озарбайжон Республикаси Олий Суди томонидан ҳал этилади.

12. Озарбайжон Республикасининг юқори Арбитраж Суди ушбу Конституция кучга кирган кундан эътиборан Озарбайжон Республикасининг Йқтисодий Суди деб атала бошлайди ва амалдаги қонунларда белгиланган ваколатларни бажаради.

ЖАЗОИР

ЖАЗОИР ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ

Шимолий Африкада жойлашган давлат. Ҳудуди — 2,38 млн. кв. км. Аҳолиси — 26 млн. киши (1992 йил). Пойтахти — Жазоир. Маъмурий бўлиниши — 48 вилоятдан иборат. Расмий тили — араб тили бўлиб, француз тили ҳам тарқалган. Давлат дини — ислом, аҳолининг аксарият кўпчилиги — сунний масҳабидаги мусулмонлар. Пул бирлиги — динор.

Миллий байрами — 1 ноябрь — Инқилоб куни (1954 йил).

Жазоир республикадир. Ўтмишда (1830 йилдан бошлиб) Франциянинг мустамлакаси бўлган. 1962 йил 5 июлда мустақиллик эълон қилинган. 1962 йил 25 сентябрда Жазоир Халқ Демократик Республикаси деб эълон қилинган. 1989 йил 23 февралдаги Конституция амал қиласди. Бу Конституция кўп партияли тизимга ўтилганини эълон қилган.

Давлат бошлиғи — президент. Президент мамлакат қуролли кучларининг олий бош қўмондони ҳисобланади. У умумий, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш асосида овозларнинг мутлақ кўпчилиги билан беш йил муддатга сайланади ва қайта сайланishi мумкин. Президент ҳуқуқий муомалага лаёкатсиз бўлган ёки вафот этган тақдирда Миллий халқ мажлиси (МХМ) раиси давлат бошлиғи вазифасини кўпи билан 45 кун мобайнида бажариб туради, бу давр мобайнида у Президент сайловини ташкил этади.

Юқори қонун чиқарувчи орган — Миллий халқ мажлиси (бир палатали парламент) бўлиб, у 295 депутатдан ташкил топади. Миллий халқ мажлиси депутатлари умумий, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланадилар. Ижро этувчи ҳокимият Президент бошлигидаги Вазирлар кенгаши томонидан амалга оширилади. Президент бош вазирни тайинлайди. Бош вазир ҳукumatни тузади, у Миллий халқ мажлиси олдида масъулиятлидир.

1989 йил июлида сиёсий ассоциациялар тўғрисида қонун қабул қилинди. 50 дан ортиқ сиёсий партиялар мавжуд. Улардан асосийлари: Ислом қутқариш фронти;

Социалистик авангард партияси; Миллий Озодлик фронтити; «Хамас», «Ан-нахда» ва бошқалар. 1992 йил баҳорида Ислом қутқариш фронтини тарқатиб юбориш түғрисида қарор қабул қилинди.

Асосий жамоат бирлашмалари: Жазоир менхаткашлари умумий иттифоқи; Жазоир деҳқонлари, аёллари, ёшлари миллий иттифоқи ва бошқалардир.

ЖАЗОИР ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ

1963 йил 10 сентябрь

ПРЕАМБУЛА

Жазоир халқи бир асрдан күпроқ давр мобайнида узлуксиз равишда босқинчиларга қарши ва жабр-зулмнинг барча шаклларига, 1830 йилги агрессия вақтидан бошлаб Жазоир давлатига ва мамлакатнинг француз мустамлакачи кучлари томонидан босиб олинишига қарши қуролли, маънавий ва сиёсий кураш олиб борди.

1954 йил 1 ноябрда, Миллий Озодлик фронти миллиатнинг барча кучларини сафарбарликка чақирган вақтда, мустақиллик учун кураш якунловчи босқичга кирди. Француз имперализми олиб борган қирғинчилик уруши кучайғандан кучайди ва бир миллиондан ортиқ жафокаш Ватанга ва озодликка бўлган муҳаббати учун жонини қурбон қилди.

1962 йил мартаIDA Жазоир халқи Миллий Озодлик Фронти стти ярим йил мобайнида бошчилик қилган курашдан ғолиб бўлиб чиқди. Жазоир 132 йил давом эттаган мустамлака ҳукмроилиги ва феодал тузумдан кейин ўз суверенитетини тиклаб, миллий сиёсий муассасаларнинг янги шаклларини тузди.

Жазоир инқилоби ва Триполи Миллий кенгashi томонидан қабул қилинган дастурга содик бўлган Жазоир Халқ Демократик Республикаси ўз фаолиятини мамлакатни социализм тамойилларига мувофиқ барпо этиш ва ҳокимиятни халқ томонидан амалий тарзда бошқариш йўлидан йўналтиromoқда. Халқ авангардини фаллоҳлар, меҳнаткашлар оммаси ва инқилобчи зиёлилар ташкил этади.

Жазоир халқи Миллий Озодлик Фронти ўз олдига қўйған мақсад — Миллий мустақилликка 1954 йил 1 ноябрда эришгач, демократик ва халқ инқилоби йўлидан боришини давом эттироқда.

Инқилоб қўйидагиларда ўз ифодасини топмоқда:
аграр ислоҳотни ўтказишда ва меҳнаткашларнинг ўзлари бошқаришни амалга оширадиган миллий иқтисодиётни ташкил этишда; омма манфаатлари йўлида меҳнаткашлар турмуш даражасини кўтаришга қаратилган, хотин-қизларни жамоат ишларини ва мамлакатни бошқаришда иштирок этишга жалб қилиш мақсадида уларни озод қилишга, саводсизликни тугатишга, миллий маданиятини ривожлантиришга, турар жой ва санитария шароитларини яхшилашга қаратилган ижтимоний сиёсатни ўтказишда;

миллий мустақилликка, халқаро ҳамкорликка қаратилган, империализмга қарши курашда, мустақиллик ёки ўз мамлакатларининг озодлиги учун кураш олиб бораётган халқларнинг ҳаракатларини амалий равишда қўллаб-қувватлашга асосланган халқаро сиёсатни амалга оширишда.

Ислом дини ва араб тили жазоирликларни номсиз қилиб қолдиришга интилган мустамлакачилик режимининг уриннишларига қаршилик кўрсатувчи самарали кучлар бўлди.

Жазоир, араб тили миллий ва расмий тилдир, у ўзининг маънавий кучини Исломдан олади, деб тасдиқлашни ўз бурчи деб ҳисоблайди; шундай бўлса ҳам республика ҳар кимга унинг эътиқодини ҳурмат қилишни, дини ва диний маросимларини эркин равишда амалга оширишини кафолатлайди.

Яқин ўтмишда Миллий озодлик армияси ҳисобланган Миллий халқ армияси озодлик учун курашда асосий восита бўлган эди; бу армия халққа хизмат қилишни давом эттироқда. У партия доирасида, мамлакатимизнинг сиёсий фаолиятида ва янги иқтисодий ва ижтимоний тузилмасини яратишда иштирок этмоқда.

Республиканинг асосий мақсадлари Миллатимизнинг фалсафий, ахлоқий ва сиёсий анъаналарига содиқликни сақлаб келмоқда ва у Жазоир халқи танлаган халқаро сиёсий йўлга мувофиқ келади.

Республиканинг ҳар бир фуқароси томонидан эътироф қилинган асосий ҳуқуқлар мамлакат қурилишида унинг ҳар томонлама ва амалий тарзда иштирок этиши-

га имкон беради. Улар унинг уйғун ривожланишига ва мамлакат манфаатларига ҳамда халқнинг танлаган ўйлига мувофиқ равишда жамоада ўзини намоён этишига имкон беради.

Ягона авангард партияниң мавжудлиги ва Миллат сиёсатини ишлаб чиқиша ҳамда унинг амалга оширилишини назорат қилишда мазкур партияниң раҳбарлик қилиши зарурлиги асосий принциплар бўлиб, улар Жазоир давлати олдида турган турли конституциявий муаммолар бўйича ечимлар танлашни белгилаб берди.

Конституцияда назарда тутилган сиёсий муассасаларнинг уйғун равишида ва самарали фаолият кўрсатиши Миллий Озодлик фронти томонидан таъминланади, бу фронт: социализмни амалга ошириш учун халқ оммасини сафарбар этади, уюштиради ва тарбиялайди;

халқ оммаси билан доимий алоқада бўлиш воситасида унинг орзу-умидаларини идрок этади ва акс эттиради;

Миллат сиёсатини ишлаб чиқади ва белгилаб беради ҳамда унинг ҳаётга татбиқ этилишини назорат қиласи;

энг онгли ва энг фаол инқилобий унсурлардан ташкил топади, улар унинг фаолиятини илҳомлантиради ва йўналтириб туради;

ўз ташкилотига ва тузилишига демократик централизм тамойилини асос қилиб олади.

Фақат партия, ўз қувватини халқдан оладиган қудратли ҳаракатлантирувчи кучгина ўтмишининг иқтисодий тузилмасини бузуб ташлашга ва уни демократик йўл билан фаллоҳлар ва меҳнаткашлар омаси амалга оширадиган иқтисодий ҳокимият билан алмаштиришга қодирдир.

Халқ мамлакат сиёсий муассасаларининг барқарорлиги посбонлигига туриши лозим, бу эса республика олдида турган социалистик қурилиш вазифаларини амалга ошириш учун ҳаётий зарур нарсадир.

Классик президентлик ва парламент режимлари бундай барқарорликни кафолатлай олмайди, фақат суворен халқнинг ва ягона партияниң устунлигига асосланган режим бу барқарорликни самарали таъминлай олади.

Миллатнинг инқилобий кучи бўлган Миллий Озодлик фронти мазкур барқарорликни хушёрлик билан кузатиб туради ва мамлакат сиёсатининг халқ орзу-умидларига мувофиқ келишининг энг яхши кафили ҳисобланади.

АСОСИЙ НЕГИЗЛAR ВА МАҚСАДЛАР

1-модда. Жазоир — Халқ Демократик Республикаси-дир.

2-модда. У араблар Мағриби, араблар олами ва Аф-риканинг ажралмас қисми ҳисобланади.

3-модда. Унинг шиори: «Халқ томонидан ва халқ учун амалга ошириладиган инқилоб»дир.

4-модда. Ислом давлат динидир. Республика ҳар кимнинг ўз қаравшлари ва динини ҳурмат қилишини, шунингдек, диний маросимларни эркин равишда бажарини кафолатлайди.

5-модда. Араб тили миллий ва расмий давлат тили ҳисобланади.

6-модда. Республиканинг тимсоли яшил-оқ байроқ бўлиб, унинг ўртасида қизил ярим ой ва қизил юлдуз тасвирланган.

7-модда. Жазоирнинг пойтахти Жазоир шаҳри бўлиб, Миллий мажлис ва Ҳукумат шу ерда жойлашган.

8-модда. Миллий армия халқ армиясидир. У миллий озодлик учун кураш анъаналарига содик бўлиб, халққа хизмат қиласди ва Ҳукумат буйруқларини ижро этади.

У Республика ҳудудини мудофаа қилишни таъминлайди ва партия доирасида мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий фаолиятида қатнашади.

9-модда. Республика маъмурий жамоалардан ташкил топади, уларнинг ҳудуди ва ваколати қонун билан белгиланади.

Бирламчи маъмурий-иқтисодий ва ижтимоий-ҳудудий жамоа — ташкилот ҳисобланади.

10-модда. Жазоир Халқ Демократик Республикасининг асосий мақсадлари қуйидагилардир:

миллий мустақилликни, ҳудудий яхлитлик ва миллий бирликни таъминлаш;

Авангарди фаллоҳлар, меҳнаткашлар ва инқилобий зиёлилар бўлган халқ томонидан ҳокимиятни амалга ошириш;

социалистик демократияни барпо этиш, кишининг ҳар қандай шаклда эксплуатация қилинишига қарши кураш олиб бориш;

менҳат қилиш ва бепул маълумот олиш ҳуқуқини ка-
фолатлаш;

мустамлакачиликнинг ҳар қандай қолдиқларини ту-
гатиш;

эркинликни ҳимоя қилиш ва инсон шахсининг қадр-
қимматини ҳурмат қилиш;

ҳар қандай камситилишларга қарши, айниқса ирқий
ва диний мансублик сабаблари билан камситишга қар-
ши курашиш;

бутун дунёда тинчлик;

инсон шахсини қийнашни ва унинг дахлсизлигига
бўлган ҳар қандай жисмоний ва ахлоқий ҳамлаларни қо-
ралаш.

11-модда. Республика ўзининг инсон ҳуқуқлари Уму-
мий декларациясига қўшилишини баён қилади. У халқа-
ро ҳамкорликнинг зарурлигига ишонч ҳосил қилиб, Жа-
зиор халқининг орзу-умидаларига жавоб берадиган ҳар
қандай халқаро ташкилотда иштирок этишини маълум
қилади.

АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАР

12-модда. Ҳар иккала жинсдаги барча фуқаролар
бир хил ҳуқуқларга эгадир ва бир хил мажбуриятларни
бажаради.

13-модда. Ўн тўққиз ёшга етган ҳар бир фуқаро
овоз бериш ҳуқуқига эгадир.

14-модда. Ўй-жой дахлсиздир, шунингдек барча фу-
қаролар учун ёзишма сири кафолатланади.

15-модда. Ҳеч ким қонунда назарда тутилган ҳоллар-
дан ташқари, қонунда белгиланган судъялардан, уларга
берилган тартибдан ташқари ҳолларда қамоққа олини-
ши ёки таъқиб этилиши мумкин эмас.

16-модда. Республика ҳар кимнинг муносиб ҳаёт ке-
чиришга ва миллий даромаднинг адолатли улушкига бўл-
ган ҳуқуқини эътироф этади.

17-модда. Жамиятнинг асосий шўъбаси бўлган оила
давлат ҳимоясидадир.

18-модда. Таълим олиш мажбурийдир, маданият
ютуқлари ҳеч қандай тафовутсиз барча учун баробар-

дир, ҳар кимнинг қобилиятидаи, шунингдек жамоанинг эҳтиёжларидан келиб чиқадиган тафовутлар бундан мустасидир.

19-модда. Республика матбуот ва бошқа ахборот во-ситалари эркинлигини, бирлашиш ҳуқуқини, сўз эркин-лиги ва оммавий чиқишлар эркинлигини, шунингдек йиғилишлар эркинлигини кафолатлади.

20-модда. Касаба уюшмаларининг ҳуқуқлари, иш ташлаш ва меҳнаткашларнинг корхоналарни бошқа-ришда иштирок этиш ҳуқуқи эътироф этилади ва қонун доирасида амалга оширилади.

21-модда. Жазоир Республикаси озодлик учун кура-шаётган барча кишиларнинг бошпанага бўлган ҳуқуқи-ни кафолатлади.

22-модда. Ҳеч ким юқорида санаб ўтилган ҳуқуқлар ва эркинликлардан Миллат мустақиллигига, Республика ҳудудининг яхлитлигига, Миллий бирлиги ва муас-сасаларига, халқнинг социалистик орзу-умидларига ва Миллий Озодлик фронти бирлиги тамойилига тажовуз қилиш мақсадида фойдаланиши мумкин эмас.

МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ФРОНТИ

23-модда. Миллий Озодлик Фронти Жазоирдаги яго-на авангارد партия ҳисобланади.

24-модда. Миллий Озодлик Фронти Миллат сиёсати-ни белгилаб беради ва давлат фаолиятини илҳомланти-ради.

У Миллий мажлис ва ҳукумат фаолиятини назорат қиласи.

25-модда. Миллий Озодлик Фронти омманинг эзгу орзу-умидларини ўз фаолиятида акс эттиради.

26-модда. Миллий Озодлик Фронти демократик ва халқ инқилобининг мақсадларини амалга оширади ҳам-да Жазоирда социализм барпо этади.

СУВЕРЕНИТЕТНИ АМАЛГА ОШИРИШ МИЛЛИЙ МАЖЛИС

27-модда. Миллий суверенитет халқа мансуб бўлиб, у мазкур суверенитетни Миллий мажлисдаги ўз вакил-

лари орқали амалга оширади, бу вакилларни Миллий Озодлик Фронти таклиф қиласди ва улар тўғридан-тўғри умумий сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йилга сайланади.

28-модда. Миллий мажлис халқ иродасини ифодалайди; у қонунлар қабул қиласди ва ҳукумат фаолиятини назорат этади.

29-модда. Қонун Миллий мажлисга депутатлар сайлаш усулини, улар сонини, сайланиш шарт-шароитлари ва лавозимларнинг мос келиш-келмаслиги режимиини белгилаб беради.

Бирон-бир депутатнинг сайлангани тўғри бўлган-бўлмагани хусусида баҳслашув туғилган тақдирда ваколатларни текшириш ва сайловнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш юзасидан Мажлиснинг ички регламенти билан назарда тутилган комиссия регламентда кўрсатилган шартларга риоя қилган ҳолда қарор чиқаради.

30-модда. Депутатлик мандатидан маҳрум этиш ҳақидаги қарор Миллий мажлис томонидан фақат унинг барча аъзоларининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги овозлари билан ва Миллий Озодлик Фронти юқори инстанциясининг таклифига кўра чиқарилиши мумкин.

31-модда. Депутат ўз мандати амал қилган бутун муддат мобайнида парламент аъзоси дахлсизлигидан фойдаланади.

32-модда. Жиноят қилинган жойда қўлга тушиш ҳолатидан ташқари, бирорта ҳам депутатнинг жиноят содир этгаилиги учун Миллий Мажлис рухсатисиз ҳибсга олиниши ёки таъқиб қилиниши мумкин эмас. Агар Миллий Мажлис талаб қиласа, депутатнинг қамоқда бўлиши ва суд томонидан таъқиб қилиниши тўхтатилади.

Депутат жиноят қилган жойда қўлга туширилган тақдирда унга нисбатан қилинган таъқиб ва кўрилган чоралар ҳақида дарҳол Миллий Мажлис Бюросига маълум қилинади, Бюро парламент дахлсизлиги принципига риоя қилиниши манфаатлари йўлида зарур бўлган чоралар тўғрисида қонун кучига эга бўлган фармойиш чиқариши мумкин.

Миллий Мажлиснинг бирорта ҳам аъзоси ўз вазифаларини ижро этиш чоғида ўзи билдирган мулоҳазалари учун ёки овоз берганлиги учун таъқиб қилиниши, ҳибсга олиниши, қамоқда сақланиши ёки судга берилиши мумкин эмас.

33-модда. Миллий Мажлис ҳуқуқи бўйича ўз аъзолари сайлангандан кейин узоғи билан ўн беш кундан кечикмай тўпланади ва уларнинг мандатлари ҳақиқий эканлигини белгилайди.

Миллий Мажлис дарҳол Бюро Раисини ва комиссияларни сайлайди.

34-модда. Миллий Мажлис раиси давлатда иккинчи шахс ҳисобланади.

35-модда. Миллий Мажлис ўз ички регламентини, ўз ташкилоти ва фаолияти қоидаларини белгилайди.

36-модда. Республика Президенти ва депутатлар қонунлар таклиф қилиш ташаббуси ҳуқуқига эгадирлар.

Қонун лойиҳалари ва қонунчилик тўғрисидаги таклифлар ёки қарорлар лойиҳалари Миллий Мажлис Бюросига киритилади, у мазкур лойиҳалар ва таклифларни ўрганиш учун ваколатли парламент комиссияларига юборилади.

37-модда. Ҳукумат аъзолари Миллий Мажлис ва унинг комиссияларига кириш ҳуқуқига эгадирлар; улар Миллий Мажлисда ва унинг комиссияларида сўзга чиқиши ҳуқуқига эгадирлар.

38-модда. Миллий Мажлис Вазирларни комиссияларда эшлишиш йўли билан ҳукумат фаолияти устидан назоратни;

масалаларни ёзма шаклда;

масалаларни оғзаки шаклда танаффуслар билан ёки уларсиз амалга оширади.

39-модда. Ижро этувчи ҳокимият Республика Президенти унвонига эга бўлган Давлат бошлиғига юкланди.

У номзоди партия томонидан кўрсатилгандан кейин

умумий ва тұғридан-тұғри сайлов асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йилга сайланади.

Келиб чиқиши жиҳатидан мусулмон бўлган, ўттиз беш ёшга тўлган ва фуқаролик ҳамда сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланадиган ҳар бир жазоирлик Республика Президенти этиб сайланиши мумкин.

40-модда. Республика Президенти ўз вазифаларини бажаришга киришишдан олдин Миллий Мажлис олдида қўйидагича ифодаланган қасамёдни қабул қиласди:

«Инқилоб тамойилларига, азоб тортганлар хотираси-га содик бўлган ҳолда, ҳар нарсага қодир Аллоҳ номи билан Конституцияни ҳурмат ва ҳимоя қилишга, миллий мустақиллик ва ҳудудий яхлитликни қўриқлашга, ўзимни бутунлай ҳалқ манфаатларини ҳимоя қилишга бафиш-лашга қасамёд қиласман».

41-модда. Чет эл элчилари ва фавқулодда вакилла-ри Республика Президенти ҳузурида вакил бўлиб тура-дилар.

Республика Президенти Ташқи ишлар вазири такли-фи билан элчилар ва фавқулодда вакилларни тайин-лайди.

42-модда. Республика Президенти Миллий Мажлис билан шартномалар, конвенциялар ва ҳалқаро битим-ларни маслаҳатлашиб олгандан кейин уларни ратифи-кация қиласди ва ижро этилишини таъминлайди.

43-модда. Президент Республика Қуролли кучлари-нинг Олий бош қўмондони ҳисобланади.

44-модда. Республика Президенти Миллий Мажлис-нинг маъқуллаши билан уруш эълон қиласди ва сулҳ ту-зади.

45-модда. Республика Президенти Олий мудофаа кен-гashiда ва Олий магистратура кенгashiда раислик қи-лади.

46-модда. Республика Президенти Олий магистрату-ра кенгашининг фикрини эшитгандан кейин авф этиш ҳуқуқини амалга оширади.

47-модда. Фақат Республика Президенти Миллий Мажлис олдида масъулдир. У депутатларнинг учдан икки қисмидаи танлаб олинадиган Вазирларни тайинлайди ва уларни Мажлисга тақдим этади.

48-модда. Республика Президенти Ҳукумат сиёсатини белгилайди ва йўналтириб туради, Халқнинг иродасига мувофиқ мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади ҳамда мувофиқлаштиради; бу сиёсатга партия томонидан аниқлик киритилади ва у Миллий мажлис томонидан ифодаланади.

49-модда. Республика Президенти қонунларни халқга овоза қилиш ва матбуотда эълон қилишга ҳақлидир.

У Миллий Мажлис томонидан топширилган қонунларни ўн кун муддат ичida кўриб чиқади ва уларни қўллаш бўйича декретлар имзолайди. Миллий Мажлис шошилинч деб эълон қилган тақдирда ўн кунлик муддат қисқартирилиши мумкин.

50-модда. Халқа эълон қилиш учун белгиланган муддат мобайнида Республика Президенти асослаб берувчи мактуб воситасида Миллий мажлисдан қонуни иккимачи муҳокама қилишни талаб этиши мумкин ва унинг бу талабига эътиroz билдириб бўлмайди.

51-модда. Агар Республика Президенти белгиланган муддатда қонунларни халқа эълон қилмаса, у ҳолда эълон қилиш вазифасини Миллий Мажлис Раиси амалга оширади.

52-модда. Республика Президенти қонуиларнинг ижро этилишини таъминлайди.

53-модда. Регламентлаштирувчи ҳокимиятни Республика Президенти амалга оширади.

54-модда. Республика Президенти барча фуқаролик ва ҳарбий лавозимларга тайинлашни амалга оширади.

55-модда. Миллий Мажлис танбеҳ берувчи қарор киритиш йўли билан республика Президентининг масъулияти ҳақидаги масалани қўйиши мумкин, бу қарорга Миллий Мажлисни ташкил этувчи барча депутатларнинг учдан бир қисми имзо қўйиши лозим.

56-модда. Танбек берувчи қарорнинг Миллий Мажлис депутатларининг мутлақ кўпчилиги овоз бериши билан қабул қилиниши Республика Президентининг истеъфо беришига ва Миллий Мажлиснинг ўз-ўзидан тарқатиб юборилишига сабаб бўлади.

Бундай қарорнинг очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилиниши қарор киритилган кундан эътиборан тўлиқ беш кун ўтгандан кейингина рўй бериши мумкин.

57-модда. Республика Президенти истеъфога чиққан, вафот этган, ўз вазифаларини бажаришга узил-кесил қодир бўлмаган тақдирда, шунингдек Ҳукумат сиёсатига танбек берувчи қарор қабул қилинган тақдирда, Республика Президенти вазифасини Миллий Мажлис Раиси амалга ошириб туради, бунда унга Миллий Мажлиснинг доимий комиссиялари раислари ёрдам кўрсатадилар.

Миллий Мажлис Раисининг вазифаси асосан жорий ишларни адо этишдан ва Республика Президентини ва Миллий Мажлис аъзоларини (агар у тарқатиб юборилган бўлса) сайлаш мақсадида икки ой муддат ичидан сайловни тайёрлашдан иборатdir.

58-модда. Республика Президенти қонун кучига эга бўлган фармонлар воситасида қонун чиқариш тарзидағи чора-тадбирлар кўриш ҳуқуқини чекланган муддат мобайнида бериш илтимоси билан Миллий Мажлисга мурожаат қилиши мумкин; бундай фармонлар Вазирлар Кенгашида қабул қилинади ва Мажлис томонидан уч ой муддатда тасдиқланиши керак.

59-модда. Республика Президенти бевосита хавф туғилган тақдирда Миллат мустақиллигини ва Республика муассасаларини ҳимоя қилиш мақсадида фавқулодда чоралар кўриши мумкин.

Бундай ҳолда Миллий Мажлис қонуний равишда тўпланади.

ОДИЛ СУДЛОВ

60-модда. Одил судлов суд (органлари) тузилиши тўғрисидаги қонун билан белгиланадиган шартларга мувофиқ Жазоир халқи номидан амалга оширилади.

61-модда. Жинонай ишлар бўйича ҳимоя қилиш ҳуқуқи эътироф этилади ва кафолатланади.

62-модда. Судьялар ўз вазифаларини бажариш вақтида фақат қонунга ва социалистик инқилоб манфаатларига бўйсунадилар.

Судьяларнинг мустақиллиги қонун билан ва Олий магистратура кенгашининг мавжудлиги билан кафолатланади.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ КЕНГАШ

63-модда. Конституциявий кенгаш Олий суднинг биринчи раиси, Олий суднинг фуқаровий ва маъмурий ишлар палаталари раислари, Миллий Мажлис томонидан тайинланадиган учта депутат ва Республика Президенти томонидан тайинланадиган битта аъзодан ташкил топади.

Конституциявий кенгаш аъзолари ўз раисини сайладилар, у овозлар баравар тақсимланган тақдирда ҳал қилувчи овозга эга бўлмайди.

64-модда. Конституциявий кенгаш Республика Президенти ёки Миллий Мажлис Раиси мурожаат қилган тақдирда, қонунларнинг ва қонун кучига эга бўлган фармонларнинг конституциявийлиги ҳақида хulosалар беради.

ОЛИЙ КЕНГАШЛАР

65-модда. Олий магистратура кенгаси Республика Президенти, Адлия вазири, Олий суднинг Биринчи раиси, мазкур суд ҳузуридаги Бош прокурор, Олий суднинг бир адвокати умуммиллий миқёсда ўз ҳамкаслари томонидан сайланадиган икки судья (улардан бири биринчи инстанция судьяси ҳисобланади) ва Миллий Мажлиснинг адлия масалалари комиссияси томонидан ўз аъзоларидан сайланадиган олти аъзодан иборат бўлади.

66-модда. Олий магистратура кенгашининг ваколатлари ва фаолияти қоидалари қонун билан белгиланади.

67-модда. Олий мудофаа кенгаси Республика Президенти, Миллий мудофаа вазири, Ички ишлар вазири,

Ташқи ишлар вазири, Мажлиснинг Миллий мудофаа ишлари бўйича Комиссия Раиси ва Республика Президенти томонидан тайинланадиган икки аъзодан ташкил топади.

68-модда. Олий мудофаа кенгаши ҳарбий тарздаги барча масалалар юзасидан хулосалар беради.

69-модда. Олий иқтисодий ва ижтимоий кенгаш Миллий Мажлис томонидан тайинланадиган беш депутат, режалаштирувчи орган директори, Жазоир Марказий банки Бошқарувчиси, Республика Президенти томонидан тайинланадиган миллий ташкилотларнинг масъул раҳбарлари, миллий хўжалик ва ижтимоий фаолият асосий йўналишларининг вакилларидан ташкил топади.

Олий иқтисодий ва ижтимоий кенгаш ўз Раисини сайдайди.

70-модда. Олий иқтисодий ва ижтимоий кенгаш иқтисодий ва ижтимоий тарздаги барча қонун лойиҳалари, қонун чиқаришга доир таклифлар бўйича хулосалар беради ва ҳукумат аъзоларининг ҳисоботларини тинглашга ҳақлидир.

КОНСТИТУЦИЯНИ ҚАЙТА ҚЎРИБ ЧИҚИШ

71-модда. Конституцияни қайта қўриб чиқиш ташабуси Республика Президентига, шунингдек, Миллий Мажлис аъзоларининг мутлақ кўпчилигига тааллуқлидир.

72-модда. Конституцияни қайта қўриб чиқиш тадбири икки марта ўқишни ва икки марта овоз беришни назарда тутади, бунда қарор Миллий Мажлис аъзоларининг мутлақ кўпчилиги овоз бериши билан қабул қилиниши ва овоз беришлар орасидаги танаффус икки ой бўлиши лозим.

73-модда. Қайта қўриб чиқиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси референдум воситасида халқ томонидан тасдиқланиши керак.

74-модда. Конституцияни қайта қўриб чиқиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси халқ томонидан қабул қилинган тақдирда референдумдан кейин саккиз кун мобайнida

Республика Президенти томонидан конституциявий қонун сифатида овоза қилинади.

ҮТИШГА ДОИР ҚАРОРЛАР

75-модда. «Қасамен» вақтинча миллий мадҳия ҳисобланади. Оддий тартибда қабул қилинган қонун кейинчалик миллий мадҳияни белилаб берди.

76-модда. Араб тилига ўтишни амалга ошириш Республика ҳудудида оқилона муддатларда ўтказилиши лозим. Бироқ ушбу қонун қоидаларидан четга чиқилган ҳолда, француз тили араб тили билан бир қаторда вақтинча ишлатиб турилиши мумкин.

77-модда. 1962 йил 20 сентябрда сайланган Миллий таъсис мажлиси аъзоларининг қонун чиқарувчи ваколатлари 1964 йил 20 сентябргача узайтирилади, ана шу санага қадар Конституцияга мувофиқ, тўрт йиллик ваколатга эга бўлган Миллий мажлисга сайлов ўтказилиди. Ҳукумат бошлиғи ҳозирги вақтда амалга ошириб турган вазифаларини Республика Президенти сайлангунга қадар давом эттиради, Президент ўз вазифаларини бажаришга Конституция референдум воситасида маъқуллангандан кейин кўпи билан бир ойдан сўнг киришмоғи лозим.

78-модда. Халқ Конституция лойиҳасини тасдиқлангандан кейин ҳукумат бошлиғи уни саккиз кун муддат ичida халқقا овоза қиласди.

АРМАНИСТОН

АРМАНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Кавказ ортининг Жанубий қисмидаги давлат. Ҳудуди — 29,8 минг кв. км. Пойтахти — Ереван. Асосий мъмурий-ҳудудий бирлиги — район (37 та райондан иборат). Аҳолиси — 3,3 млн. киши (1989 йил). Давлат тили — арман тили. Дини — диндорларнинг асосий қисми христианлар. Пул бирлиги — драм.

Миллий байрами — 28 май, Мустақиллик куни.

Арманистон — демократик республика.

Давлат бошлиғи — Президент.

Юқори қонун чиқарувчи орган — Олий Кенгаш. Юқори ижро этувчи ва фармойиш берувчи орган — Бош министр бошлигидаги Министрлар Кенгаси.

20 дан ортиқ сиёсий партия фаолият олиб бормоқда: Арманистон умуммиллий ҳаракати, либерал-демократик партия, «Дашноқдутюн», Республика партияси, Христиан-демократик партияси ва бошқалар.

Энг муҳим жамоат ташкилотлари: Бутунарманистон «Айястан» фонди номли касаба уюшмалари Конфедерацияси, Республика хотин-қизлар кенгаси ва бошқалар.

АРМАНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ

Арман халқы Арманистон мустақиллиги түғрисидаги Декларацияда мустақамланган арман давлатчилиги ва умум миллій мақсадларининг асосий тамойилларини негиз сифатида қабул қилиб, ўз эркесвар аждодларининг суверен давлатчиликни тиклаш түғрисидаги васиятини амалга ошира бориб, авлодлар учун эркинликни, умумий фаровонликни, фуқаролик тотувлигини таъминлаш йўлида, бу давлатчиликни мустақамлаш ва ривожлантириш ишига содиқ қолиб, ўзининг умуминсоний қадриятларга содиқлигини тасдиқлаб, Арманистон Республикаси Конституциясини қабул қиласди.

I боб

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТУЗУМ АСОСЛАРИ

1-модда. Арманистон Республикаси — суверен, демократик, ижтимоий, ҳуқуқий давлатdir.

2-модда. Арманистон Республикасида ҳокимият халқиницидир.

Халқ ўз ҳокимиятини эркин сайловлар, референдумлар воситаси билан, шунингдек, Конституцияда назарда тутилган давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва мансабдор шахслар орқали амалга оширади.

Бирон-бир ташкилот ёки шахснинг ҳокимиятни зурликтан билан тортиб олиши жиноят ҳисобланади.

3-модда. Президентни, Миллий Мажлисини, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш, шунингдек, Арманистон Республикаси референдумлари, умумий, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш билан ўтказилади.

4-модда. Давлат конституция ва қонунилар асосида халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва нормаларига мувофиқ инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлайди.

5-модда. Давлат ҳокимияти Конституция ва қонуниларга мувофиқ — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд

ҳокимиятларининг тақсимланиш тамойиллари асосида амалга оширилади.

Давлат органлари ва мансабдор шахслар фақат ўзлари қонунлар билан ваколатланган ҳаракатларни амалга оширишга ҳақлидирлар.

6-модда. Арманистон Республикасида қонуннинг усгулиги кафолатланади.

Республика Конституцияси олий юридик кучга эгадир ва унинг нормалари бевосита амал қиласиди.

Конституцияга зид деб эътироф қилинган қонунлар, шунингдек, Конституцияга ва қонуларга зид деб эътироф қилинган бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар юридик кучга эга эмас.

Қонунлар фақат расмий равишда эълон қилингандан кейингина татбиқ этилади — Иисон ҳуқуқларига, эркинликларига ва вазифаларига тааллуқли бўлган эълон қилинмаган ҳуқуқий ҳужжатлар юридик кучга эга эмаслар.

Арманистон Республикаси номидан тузилган халқаро шартномалар фақат ратификация қилингандан кейингина татбиқ этилади.

Ратификация қилинган халқаро шартномалар Республика ҳуқуқий тизимининг таркибий қисми ҳисобланади. Агар уларда қонунларда назарда тутилган бошқача нормалар белгиланган бўлса, шартнома нормалари татбиқ этилади.

Конституцияга зид келувчи халқларо шартномалар Конституцияга тегишли тузатишлар киритилгандан кейин ратификация қилиниши мумкин.

7-модда. Арманистон Республикасида кўп партиявийлик тан олинади.

Партиялар эркин равишда ташкил этилади, халқнинг сиёсий иродасини шакллантириш ва ифодалашга ёрдам беради. Уларнинг фаолияти конституцияга ва қонунларга, тузилиши ва амал қилиш тарзи эса демократия тамойилларига зид бўлмаслиги лозим.

Партиялар ўз молиявий фаолиятининг ошкоралигини таъминлайди.

8-модда. Арманистон Республикасида мулкчилик ҳуқуқи эътироф этилади ва ҳимоя қилинади.

Мулк эгаси ўзига тегишли бўлган мулкка ўз ихтиёри

билин эгалик қиласы, ундан фойдаланади ва уни тасаруф қиласы. Мулкчилик ҳуқуқини амалга ошириш ат-роф мұхитта зарап етказмаслиги, бошқа шахслар, жамият ва давлаттинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манбаатла-ри бузилмаслиги лозим.

Давлат мулкчиликнинг барча шаклларини эркин ри-вожлантиришини ва тенг ҳуқуқий ҳимояни, иқтисодий фа-олият эркинлігнини, эркин иқтисодий рақобатни кафо-латтайт.

9-модда. Арманистон Республикасининг ташқи сиёсати халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ — барча давлатлар билан яхши құшничилик ва ўзаро манбаатли муносабаттар ўрнатиш мақсадида амалга оширилади.

10-модда. Давлат атроф мұхиттинг муҳофаза қилиниши ва қайта яратилишини, табиий бойликлардан оқи-лона фойдаланишини таъминлайди.

11-модда. Тарих ва маданият ёдгорликлари, бошқа маданий қадрияттар давлат паноҳи ва муҳофазасида-дир.

Арманистон Республикаси халқаро ҳуқуқ тамойилла-ри ва нормалари доирасида бошқа давлатларда бүлган арман тарихий ва маданий қадрияттарининг сақланишига ёрдам беради, арман таълимий ва маданий ҳае-тигининг ривожланишига құмаклашади.

12-модда. Арманистон Республикасининг давлат ти-ли — арман тилидир.

13-модда. Арманистон Республикасининг байроби — уч хил рангли: қызыл, ҳаворант ва түқ сариқ рангли бир хил ұлчамдаги горизонтал тасмалардан иборат.

Арманистон Республикаси Гербидә лавҳа маркази-да чүққисига Нуҳ кемаси құндирилған Аракат тоғи ҳам-да тарихий Арманистоннинг тұртта салтанати герблари тасвирланған. Лавҳаны бургут ва арслон тутиб туришиб-ди, лавҳа остида эса қилич, новда, бошоқлар боғлами, халқа ва лента тасвирланған.

Арманистон Республикаси мадхияси — «Бизнинг Ва-танимиз»дир.

Арманистон Республикаси пойтахти — Ереван.

ИНСОН ВА ФУҚАРОНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ

14-модда. Арманистон Республикаси фуқаролигига эга бўлиш ва унинг тўхтатилиши қонун билан белгиланади. Арманлар Арманистон Республикаси фуқаролигига оддий тартибда эга бўладилар.

Арманистон Республикаси бир вақтнинг ўзида бошқа давлатнинг фуқароси бўлиши мумкин эмас.

15-модда. Фуқаролар миллати, ирқи, жинси, тили, диний эътиқоди, сиёсий ёки бошқа қараашлари, ижтимоий келиб чиқиши, мулкий ёки бошқа ҳолатидан қатъи назар, Конституция ва қонунлар белгилаб берган барча ҳуқуқлар, эркинликлар ва бурчларга эга бўладилар.

16-модда. Ҳамма кишилар, қонун олдида тенгдирлар ва камситилмасдан қонун билан тенг равишда ҳимоя қилинадилар.

17-модда. Ҳар ким яшаш ҳуқуқига эгадир. Ўлим жазоси уни бекор қилишга қадар алоҳида оғир жиноятлар содир этганлик учун мутлақ чора сифатида қонун билан белгиланиши мумкин.

18-модда. Ҳар ким эркинлик ва дахлсизлик ҳуқуқига эгадир. Инсон қонунда белгиланган тартибдан ташқари ҳолда ҳибсга олинниши, тинтув қилиниши мумкин эмас. Ў фақат суднинг қарори билан қонунда белгиланган тартибда қамоқда сақланиши мумкин.

19-модда. Инсон қийноққа солинниши, шафқатсиз ёки қадр-қимматини камситувчи муомала ва жазога дучор қилиниши мумкин эмас.

Инсон ўз розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибаларга дучор этилиши мумкин эмас.

20-модда. Ҳар ким ўзининг шахсий ва оиласвий ҳаётини ғайриқонуний равишдаги аралашувдан, ўз шаъни ва обрусига қилинган тажовуздан ҳимояланниш ҳуқуқига эгадир.

Инсоннинг шахсий ва оиласвий ҳаёти тўғрисида ғай-

риқонуний равишида маълумотлар тўплаш, сақлаш, улардан фойдаланиши ва тарқатиш тақиқланади.

Ҳар ким ёзишмаларини, телефонда сўзлашувлари, почта, телеграф ва бошқа хабарлари сирини сақлаш ҳуқуқларига эгадир, бу ҳуқуқлар фақат суд қарори билангида чекланиши мумкин.

21-модда. Ҳар ким турар жой дахлсизлиги ҳуқуқига эгадир. Қонун назарда тутган ҳоллардан ташқари инсоннинг иродасига қарши унинг турар жойига бостириб кириш тақиқланади.

Турар жой фақат суднинг қарори билан қонун белгилаган тартибда тинтуб қилиниши мумкин.

22-модда. Ҳар бир фуқаро Республика ҳудудида бир жойдан иккичи жойга эркин кўчиш ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқига эгадир.

Ҳар ким Республикадан ташқарига чиқиб кетиш ҳуқуқига эгадир.

23-модда. Ҳар ким эркин фикрлаш ҳуқуқига эга, виждан ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эгадир. Дин ва фикрларни ифодалаш эркинлиги Конституциянинг 45-моддасида назарда тутилган асослар бўйича қонун билан чекланиши мумкин.

24-модда. Ҳар ким ўз фикрини маъқуллаб туриб олиш ҳуқуқига эгадир. Инсонни ўз фикридан қайтишга ёки уни ўзгартиришга мажбур этиш тақиқланади.

Ҳар ким сўз эркинлиги, шу жумладан давлат чегараларидан қатъи назар ҳар қандай ахборот воситалари орқали маълумотлар ва ғоялар излаш, олиш ва тарқатиш эркинлиги ҳуқуқига эгадир.

25-модда. Ҳар ким бошқа шахслар билан биргаликда бирлашмалар ташкил этиш, шу жумладан касаба юшмалари ташкил этиш ва уларга кириш ҳуқуқига эгадир.

Ҳар бир фуқаро бошқа фуқаролар билан биргаликда партиялар ташкил этиш ва уларга кириш ҳуқуқига эгадир.

Бу ҳуқуқлар Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиши органлари хизматчиларига нисбатан фақат қонун билан чекланиши мумкин.

Инсон бирон-бир партия ёки бирлашмага кириш учун мажбур қилиниши мумкин эмас.

26-модда. Фуқаролар тинч йўл билан қуролсиз ҳолда йиғилишлар, митинглар, юриш ва намойишлар ўтказниш учун тўпланиш ҳуқуқига эгадирлар.

27-модда. Арманистон Республикасининг 18 ёшга етган фуқаролари бевосита ёки эркин хоҳиш билдириш билан сайланган ўз вакиллари орқали давлатни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Суд қарори билан ҳуқуқий муомалага лаёқатсиз деб топилган, шунингдек, қонуний кучга кирган суд қарорига кўра озодликдан маҳрум этилишга ҳукм қилинган ва жазони ўтаётган фуқаролар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрумдирлар.

28-модда. Ҳар ким мулк эгаси бўлишга ва мерос олиш ҳуқуқига эгадир; ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги йўқ шахслар ерга эгалик қилиш ҳуқуқидан фойдаланмайдилар, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир. Фақат суд қонунда назарда тутилган ҳолларда мулқдан маҳрум этиши мумкин.

Жамият ва давлат эҳтиёжлари учун мулқдан бегоналаштириш фақат фавқуллодда ҳолларда қонун асосида олдиндан тенг қимматли товоғ тўлаш билан амалга оширилиши мумкин.

29-модда. Ҳар бир фуқаро эркин меҳнат танлаш ҳуқуқига эгадир.

Ҳар ким адолатли ва давлат томонидан белгиланган энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган, хавфсизлик ва меҳнат шароити гигиенаси талабларини қондирадиган иш ҳақи олиш ҳуқуқига эгадир. Фуқаролар ўзларининг иқтисодий, ижтимоий ва меҳнат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида иш ташлаш ҳуқуқига эгадирлар. Бу ҳуқуқини амалга ошириш ва чеклаш тартиби қонун билан белгиланади.

30-модда. Ҳар ким дам олиш ҳуқуқига эгадир.

Меҳнат қилинадиган энг кўп вақт, дам олиш кунлари ва ҳар йили ҳақ тўланадиган таътилнинг энг кам муддати қонун билан белгиланади.

31-модда. Ҳар бир фуқаро ўзи ва оиласи учун қониқарли турмуш даражасига эга бўлиш, шу жумладан турар жойга эга бўлиш, турмуш шароитини яхшилаш ҳу-

Хуқуқига эгадир. Давлат бу ҳуқуқни амалга ошириш учун зарур чора-тадбирлар күради.

32-модда. Оила жамиятнинг табиий ва асосий шуъбасидир. Оила, оналик ва болалик жамият ва давлат ҳоммийлиги ва ҳимоясайдадир.

Хотин-қизлар ва эркаклар никоҳга киришда, эр-хотинлик ҳаёти даврида ва ажралишда тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

33-модда. Ҳар бир фуқаро қарилик, ногиронлик, қасаллик бўйича, боқувчисидан ажралган, ишсизлик ҳолларида ва қонунда кўзда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот ҳуқуқига эгадир.

34-модда. Ҳар ким саломатлигини муҳофаза қилиш ҳуқуқига эгадир. Тиббий ёрдам ва хизмат кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади.

Давлат аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш дастурларини амалга оширади, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ёрдам беради.

35-модда. Ҳар бир фуқаро таълим олиш ҳуқуқига эгадир.

Ўрта маълумот олиш давлат ўқув юртларида бепулдир.

Ҳар бир фуқаро давлат ўқув юртларида танлов асосида бепул Олий ва бошқа маҳсус маълумот олиш ҳуқуқига эгадир.

Нодавлат ўқув юртларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият тартиби қонун билан белгиланади.

36-модда. Ҳар ким адабий, бадний, илмий ва техникавий ижод эркинлиги, илмий ютуқлардан фойдаланиш ва жамиятнинг маданий ҳаётида қатнашиш ҳуқуқига эгадир.

Ақлий мулк қонун билан муҳофаза қилинади.

37-модда. Кам сонли миллатларга мансуб фуқаролар ўз анъаналарини сақлаш, тил ва маданиятини ривожлантириш ҳуқуқига эгадирлар.

38-модда. Ҳар ким ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини қонун билан тақиқланмаган барча воситалар билан ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадир.

Хар ким Конституция ва қонунлар билан мустақамланган ўз ҳуқуқларини ва эркинликларини суд йўли билан ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадир.

39-модда. Ҳар ким ўзининг барбод бўлган ҳуқуқларини тиклаш, шунингдек, ўзига қўйилган асосланганлигини аниқлаш учун ўз ишининг тенглик шаротида, барча адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўпчилик олдида кўриб чиқилиши ҳуқуқига эгадир, жамиятнинг ижтимоий ахлоқини, жамоат тартибини, давлат хавфсизлигини, томонларининг шахсий ҳаётини ёки одил судлов манфаатларини ҳимоя қилиш мулоҳазаларидан келиб чиқиб, ахборот воситалари ва жамоатчилик вакилларининг суд тергови ёки упнинг бир қисми жараёнида иштирок этиши қонун билан тақиқланиши мумкин.

40-модда. Ҳар ким юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эгадир. Қонун назарда тутган ҳолларда юридик ёрдам бепул кўрсатилади.

Ҳар ким ушланган, ҳибсга олиниб қамаб қўйилган ёки айбланган пайтидан бошлаб ҳимоячи олиш ҳуқуқига эгадир.

Ҳар бир ҳукм қилинган киши ҳукмнинг юқори судда қонунда белгиланган тартибда қайта кўриб чиқилишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Ҳар бир ҳукм қилиган шахс ўзининг авф этилишини ёки тайинланган жазонинг юмшатилишини сўраб ариза бериш ҳуқуқига эгадир. Жабрланган шахсга етказилган зарарнинг ўрини қоплаш қонунда белгиланган тартибда таъмин этилади.

41-модда. Жиноят қилганликда айбланувчи шахс, унинг айби қонунда белгиланган тартибда қонуний кучга кирган суд қарори билан исботланмагунча айбсиз ҳисобланади.

Айбланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб ўтириши шарт эмас. Тақдиқланмаган шубҳалар айбланувчи фойдасига талқин қилинади.

42-модда. Ҳеч ким ўз-ӯзига, эрига (хотинига) ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмас. Қонунда гувоҳлик бериш мажбуриятидан озод қилининг бошқа ҳоллари назарда тутилган.

Қонунни бузиш билан эришилган далиллардан фойдаланиш тақиқланади.

Жиноятни содир қилиш пайтида амалда бўлган қонун бўйича татбиқ этилиши мумкин бўлгани жазодан ҳам қаттиқроқ жазони тайинлаш тақиқланади.

Агар жиноятни содир қилиш пайтида амалда бўлган қонун бўйича инсон содир қилган жиноят деб ҳисобланмаса, у жиноят қилишда айборд деб эътироф қилиниши мумкин эмас.

Жавобгарликни белгиловчи ёки кучайтирувчи қонун тескари кучга эга эмас.

43-модда. Конституцияда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликлар мукаммал ҳуқуқ ва эркинликлар ҳисобланмайди ҳамда инсон ва фуқаронинг умум тан олган бошқа ҳуқуқ ва эркинликларини инкор қилиши сифатида талқин этилиши мумкин эмас.

44-модда. Конституциянинг 23—27-моддаларида мустаҳкамланган инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари, агар бу давлат ва жамоат хавфсизлигини, жамоат тартибини, жамиятнинг согломлиги ва маънавиятини ҳимоя қилиш, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шаъни ва пок номини ҳимоя қилиш учун зарур бўлса, қонун билан чекланиши мумкин.

45-модда. Инсон ва фуқаронинг айрим ҳуқуқ ва эркинликлари, Конституциянинг 17, 19, 20, 39, 41—43-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқ ва эркинликлардан ташқари, ҳарбий ҳолат эълон қилинган даврда ёки Конституциянинг 50-моддаси 14-бандида назарда тутилган ҳолларда қонунда белгиланган тартибда вақтинча чекланиши мумкин.

46-модда. Ҳар ким қонунида белгиланган тартибда вамиқдорда солиқлар, божлар тўлаши, бошқа мажбурий тўловларни адo этиши шарт.

47-модда. Ҳар бир фуқаро қонунда белгиланган тартибда Арманистон Республикасини ҳимоя қилишда иштирок этиши шарт.

48-модда. Ҳар ким Конституция ва қонунларга риоя қилиши, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳурмат қилиши шарт.

Конституциявий тузумни зўрлик билан ағдариб ташлаш, миллӣ ирқий, диний нафратни авж олдириш, зўравонлик ва урушни тарғиб қилиш мақсадларида ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиш тақиқланади.

III боб

РЕСПУБЛИКА ПРЕЗИДЕНТИ

49-модда. Арманистон Республикасининг Президенти Конституцияга риоя этилишини, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг нормал фаолият кўрсатишини таъминлади.

Республика Президенти Республика мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги ва хавфсидлигининг кафолати ҳисобланади.

50-модда. Республика Президенти Арманистон Республикаси фуқаролари томонидан беш йил муддатга сайланади.

30 ёшга етган, кейинги ўн йил мобайнида Арманистон Республикасининг фуқароси бўлган, кейинги ўн йил мобайнида Республикада доимий равишда яшаб келаётган ва сайлов ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир шахс Республика Президенти қилиб сайланиши мумкин.

Айни шу шахс Республика Президенти лавозимига кетма-кет икки мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

51-модда. Президент сайлови Республика Президентининг ваколатлари тугашига 50 кун қолганда Конституция ва қонунда назарда тутилган тартибда ўtkазилади.

Номзодлар учун берилган овозларнинг ярмидан кўпроғини олган номзод Республикасининг сайланган Президенти ҳисобланади. Агар овоз бериш иккidan ортиқ номзод бўйича ўтказилган бўлса-ю, улардан бирортаси ҳам зарур миқдордаги овозларни олмаган бўлса, у ҳолда овоз берилгандан кейин ўн тўртинчи куни овоз беришнинг иккинчи тури ўтказилади, унда энг кўп овоз олган икки номзод иштирок этиши мумкин. Иккинчи турда энг кўп овоз олган номзод сайланган ҳисобланади.

Овоз бериш битта номзод бўйича ўтказилган тақдирда, агар у овоз беришда қатнашганлар овозининг ярмидан кўприғини олган бўлса, сайланган ҳисобланади.

Агар Республика Президенти сайланмай қолса, у ҳолда овоз берилгандан кейин қирқинчи кунда янги сайлов ўтказилади.

Республика Президенти ўз лавозимига олдинги Республика Президентининг ваколатлари тамом бўлган куни киришади.

Янги ёки навбатдан ташқари сайловда сайланган Республика Президенти сайлов ўтказилгандан кейин ўн кун муддат ичидаги ўз лавозимига киришади.

52-модда. Республика Президентлигига номзодлардан бирни учун енгиги бўлмас тўсиқ пайдо бўлган тақдирда, Республика Президентини сайлаш иккита ҳафта муддатга кечиктирилади. Ана шу муддат ичидаги енгиги бўлмас деб топилган тўсиқлар бартараф этилмаган ёки номзодлардан бирни сайлов кунига қадар вафот этган тақдирда янги сайлов ўтказилади.

Янги сайлов тўсиқлар енгиги бўлмайдиган деб топилгандан кейин қирқинчи кунни ўтказилади.

53-модда. Республика Президенти истеъфога чиққан, вафот этган, унинг ўз ваколатларини ижро этиши мумкин бўлмай қолган ёки у Конституциянинг 57-моддасида белгиланган тартибда ўз лавозимидан воз кечган тақдирда бўш ўрин пайдо бўлгандан кейин қирқинчи куни Республика Президентини навбатдан ташқари сайлаш ўтказилади.

54-модда. Республика Президенти Миллий Мажлиснинг навбатдаги йиғилишида ҳалққа қасамёд қилиш билан лавозимга киришади.

55-модда. Республика Президенти:

1) ҳалққа ва Миллий Мажлисга мактуб билан мурожаат қилади;

2) Миллий Мажлис қабул қилган қонунни олгандан кейин 21 кун муддат ичидаги уни имзолайди ва эълон қиласади.

Ана шу муддат ичидаги қонунни эътироэлар ёки тақлифлар билан Миллий Мажлисга уни янгидан муҳокама қилишини талаб этиб қайтариши мумкин.

Беш кун муддат ичидаги Миллий Мажлис қайта қабул қилган қонунни имзолайди ва эълон қилади:

3) Миллий Мажлис Раиси ва Бош министр билан маслаҳатлашиб олгандан кейин Миллий Мажлисни

тарқатиб юбориши ва навбатдан ташқари сайлов тайинлаши мумкин. Навбатдан ташқари сайлов Миллий Мажлис тарқатиб юборилгандан кейин камидаги 30 кундан кейин ва кечи билан 40 кунда ўтказилади.

Президент ўз ваколатларини бажаришининг охирги олти ойи мобайнида Миллий Мажлис тарқатиб юборилиши мумкин эмас;

4) Бош Министрни тайинлайди ва озод қиласи; Бош министрнинг тақдими билан Ҳукумат аъзаларини тайинлайди ва озод қиласи.

Миллий Мажлис йигирма кун муддат ичида Ҳукуматга ишончсизлик билдириган тақдирда, Ҳукуматнинг иштесовини қабул қиласи. Бош министрни тайинлайди ва Ҳукуматни шакллантиради;

5) қонунда назарда тутилган ҳолларда фуқаролик лавозимларига тайинлашни ўтказади;

6) маслаҳат органларини тусиши мумкин;

7) халқаро муносабатларда Арманистон Республикаси номидан иштирок этади, ташқи сиёсатга умумий раҳбарликни амалга оширади, халқаро шартномалар тузади, Миллий Мажлис ратификация қилган халқаро шартномаларни имзолайди, ҳукуматлараро шартномаларни ратификация қиласи;

8) Арманистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ва халқаро ташкилотлар ҳузуридаги дипломатия вакилларини тайинлайди ва чақириб олади, хорижий давлатлар дипломатия вакилларининг ишонч ёрлиқларини ҳамда чақириб олиш ёрлиқларини қабул қиласи;

9) Бош Министрнинг тақдимига кўра Бош прокурорни тайинлайди ва озод қиласи;

10) Конституциявий Суд аъозларини ва Раисини тайинлайди.

Конституциявий Суднинг холосаси асосида, ўзи тайинлаган Конституциявий Суднинг ваколатларини тұхтатиб қўйиши ёки унинг ҳибсга олинишига, суд тарғибида жинойи ёки маъмурий жавобгарликка тортилишига розилик бериси мумкин;

11) Конституциянинг 95-моддасида назарда тутилган тартибда Кассацион Суд ва унинг палаталари раислари ва судьяларини, апелляция судларини, биринчи инстанция судлари ва бошқа судларни, Бош прокурор ўринbosарларини ва прокуратуранинг таркибий бўлинмаларига бошчилик қилувчи прокурорларни тайинлайди, судья-

нинг ваколатини тұхтатиб қўйиши, унинг ҳибсга олинишiga, суд тартибида жиноий ва маъмурый жавобгарликка тортилишига розилик бериши мумкин, ўзи тайинлаган прокурорларни озод қилади;

12) Қуролли Кучлар Бош қўмондонни ҳисобланади, қуролли Кучларнинг олий қўмондонлик таркибини тайинлайди;

13) Республикага қуролли ҳужум қилинган тақдирда ёки унинг бевосита таҳдид солиши мавжуд бўлган ёхуд Миллий Мажлис уруш эълон қилган тақдирда қуролли кучлардан фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилади, ҳарбий ҳолат жорий этади ва умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиши мумкин.

Ҳарбий ҳолат эълон қилинган тақдирда Миллий Мажлиснинг маҳсус йиғилиши чақирилади;

14) Конституциявий тузимга таҳдид солувчи бевосита хавф-хатар мавжуд бўлган тақдирда Миллий Мажлис ва Бош министр билан маслаҳатлашиб олгандан кейин вазият тақозо қилган тадбирларни амалга оширади ва бу ҳақда ҳалқа мактуб билан мурожаат қиласади;

15) Арманистон Республикаси фуқаролигини беради, сиёсий бошпана бериш масаласини ҳал қиласади;

16) Арманистон Республикасининг орден ва медалари билан мукофотлайди, олий ҳарбий ва фахрий унвонлар, олий дипломатик ва бошқа турдаги унвонларни беради;

17) ҳукм қилинганларни авф этади.

56-модда. Республика Президенти бутун Республика ҳудудида ижро этиладиган фармонлар ва фармойишлар чиқаради. Республика Президентининг фармонлари ва фармойишлари Конституция ҳамда қонунларга зид келмаслиги керак.

57-модда. Республика Президенти давлатга ҳиснат қилганлиги ёки бошқа жинояти учун лавозимидан бўшатилиши мумкин.

Миллий Мажлис Республика Президентининг лавозимидан бўшатилганлиги масаласи бўйича хulosса олиш учун депутатларнинг умумий сонидан кўпчилигининг овоз бериши билан қабул қилинганг қарор билан Конституциявий Судга мурожаат қиласади.

Миллий Мажлис Республика Президентининг лаво-

зимидан бўшатилганилиги тўғрисидаги қарорни Конституциявий Суднинг хulosаси асосида депутатлар умумий сонининг камида учдан икки қисми овози билан қабул қиласди.

58-модда. Республика Президентининг истеъфоси Миллий Мажлис томонидан депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан қилинади.

59-модда. Республика Президенти оғир касал бўлиб қолган ёки ўз ваколатларини бажариши учун енгиб бўлмас бошқа тўсиқлар мавжуд бўлган тақдирда, Миллий Мажлис Ҳукуматининг таклифига кўра ва Конституциявий Суднинг хulosаси асосида депутатлар умумий сонининг камида учдан икки қисмининг овози билан Республика Президентининг ваколатларини ижро эта ол маслиги тўғрисида қарор қабул қиласди.

60-модда. Республика Президенти лавозими бўшаб қолган тақдирда янги сайланган Республика Президенти лавозимига қиришгунга қадар Республика Президенти вазифаларини Миллий Мажлис Раиси бажариб турди, бунинг иложи бўлмаса, Бош министр бажаради. Ана шу даврда Миллий Мажлисни тарқатиб юбориш, референдум тайинлаш, Бош министрни, Бош прокурорни тайинлаш ёки озод қилиш тақиқланади.

61-модда. Республика Президентига ҳақ тўлаш, унга хизмат кўрсатиш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш тардибии қонун билан белгиланади.

IV боб

МИЛЛИЙ МАЖЛИС

62-модда. Арманистон Республикасида қонун чиқа-рувчи ҳокимиятни Миллий Мажлис амалга оширади.

Конституциянинг 59, 66, 73, 74, 78, 81, 83, 84, 111, 112-моддаларида назарда тутилган ҳолларда, шунингдек, ўз фаолиятини ташкил этиш масалалари юзасидан Миллий Мажлис қарорлар қабул қиласди, бу қарорлар Миллий Мажлис Раиси томонидан имзоланади ва эълон қилинади.

Миллнй Мажлис ваколатлари Конституция томонидан белгиланади.

Миллнй Мажлис ўз регламентига мувофиқ иш олиб боради.

63-модда Миллнй Мажлис 131 нафар депутатдан иборатдир.

Миллнй Мажлис ваколатлари у сайлангандан кейинги тўртиччи йилнинг июнида, янги сайланган Миллнй Мажлиснинг биринчи сессияси очилган куни тўхтатида, шу куни янги сайланган Миллнй Мажлиснинг ваколатлари муддати бошланади.

Миллнй Мажлис Конституцияда назарда тутилган тартибда тарқатиб юборилиши мумкин.

Янги сайланган Миллнй Мажлис сайлангандан кейин бир йил мобайнида тарқатиб юборилиши мумкин эмас.

Миллнй Мажлис ҳарбий ҳолат вақтида ёки Конституциянинг 56-моддаси 14-баңдода назарда тутилган ҳолларда, шунингдек, Республика Президентининг лавозимидан бўшатилганлиги масаласи кўтарилган пайтда тарқатиб юборилиши мумкин эмас.

64-модда. Ёши 25 га тўлган, кейинги беш йил мобайнида Арманистон Республикаси фуқароси бўлган, кейинги беш йил мобайнида Республикада доимий яшаган ва сайлов ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир шахс депутат қилиб сайланиши мумкин.'

65-модда. Депутат илмий, педагогик ва ижодий ишдан ташқари, бошқа давлат лавозимини эгаллиши ёки ҳақ тўланадиган бошқа ишни бажариши мумкин эмас.

Депутатнинг фаолиятига ҳақ тўлаш ва унинг кафолатлари қонун билан белгиланади.

66-модда. Депутат императив (буйруқ тарзидағи) мандат билан боғланмаган бўлиб, ўз виждони ва эътиқодига амал қиласи.

'Депутат ўз мақомидан келиб чиқадиган ҳаракатлари учун, шу жумладан Миллнй Мажлисда билдирилган фикри учун, агар у туҳмат ва ҳақоратни ўз ичига олмаган бўлса, таъқиб қилиниши ва жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Депутат Миллнй Мажлиснинг розилигисиз ҳибсга олиниши, жиной ёки маъмурӣ жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

67-модда. Миллий Мажлиснинг ваколатлари муддати тугаган, Миллий Мажлис тарқатиб юборилган, Конституциянинг 65-моддаси биринчи қисмининг шартлари бузилган, Арманистон Республикаси фуқаролигидан маҳрум этилган, битта сессия мобайнида овоз беришларнинг ярмидан бошлаб узрсиз сабаб билан иштирок этмаган, озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган. ҳуқуқий муомалага лаёқатсизлиги эътироф этилган ва истеъфога чиқсан депутатнинг ваколатлари тұхтатилади.

Депутатнинг ваколатларини тұхтатиш тартиби Миллий Мажлис Регламенти билан белгиланади.

68-модда. Миллий Мажлисга навбатдаги сайлов унинг ваколатлари тугашидан олдинги 60 кун мобайнида үтказилади.

Миллий Мажлисни сайлаш тартиби қонун билан белгиланади.

Сайлов Республика Президентининг фармони билан тайинланади.

Янги сайланган Миллий Мажлиснинг биринчи сессияси сайловдан кейинги иккинчи пайшанбада умумий депутатлар сонининг камида учдан иккى қисми томонидан чақирилади.

Миллий Мажлис Раиси сайлангунга қадар Миллий Мажлис йиғилишини эң катта ёшли депутат олиб боради.

69-модда. Миллий Мажлиснинг навбатдаги сессиялари йилига икки марта: сентябрнинг иккинчи душанбасидан декабрнинг иккинчи чоршансигача, февралнинг биринчи душанбасидан июннинг иккинчи чоршансигача чақирилади.

Миллий Мажлис йиғилишлари очиқ ҳисобланади. Епиқ йиғилиш Миллий Мажлис қарори биланⁱ үтказилиши мумкин.

70-модда. Миллий Мажлиснинг навбатдан ташқари сессиясини Республика Президенти депутатлар умумий сонининг камида учдан бир қисми ёки Ҳукумат ташаббуси билан чақиради.

Навбатдан ташқари сессия Миллий Мажлис депутатлари умумий сонидан қўпчилигининг талаби билан ташаббускор томонидан белгиланган кун тартиби бўйича ва у белгилаган муддатларда үтказилади.

Навбатдан ташқари сессия олти кундан ортиқ давом этиши мүмкін әмас.

Миллий Мажлиснинг навбатдан ташқари сессияси-ни Миллий Мажлис Раиси Ҳукумат ташаббуси билан ёки депутатлар умумий сонининг камида учдан бир қисми ташаббуси билан чақиради.

Навбатдан ташқари йиғилиш ташаббускор томонидан белгиланған кун тартибида ва у белгилаган муддатларда үтказылади.

71-модда. Миллий Мажлис қонунлари ва қарорлари, 58, 59, 67, 72, 74, 84, 111-моддаларда, 75-модданинг тұрттынчи қисміда, 79-модданинг биринчи қисміда, 83-модданинг З-бандыда назарда тутилған ҳоллардан ташқари бўлса, мажлисда иштирок этаётганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади — бундай овоз беришда депутатлар умумий сонининг ярмидан кўпроғи иштирок этган бўлиши керак.

72-модда. Миллий Мажлис Республика Президенти қайтариб юборган қонунни навбатдан ташқари муҳокама қиласи.

Республика Президентининг эътиrozлари ва тақлифлари қабул қилинмаган тақдирда Миллий Мажлис қайтариб юборилған қонунни депутатлар умумий сонидан кўпчилиги овози билан қайта қабул қиласи.

73-модда. Миллий Мажлисда олтита доимий комиссия, зарурат туғилған тақдирда эса — муваққат комиссиялар ташкил этилади.

Доимий комиссиялар қонун лойиҳалари ва бошқа тақлифларни олдиндан муҳокама қилиш ва улар юзасидан хulosаларни Миллий Мажлисга тақдим этиш учун ташкил этилади.

Муваққат комиссиялар айрим қонулар лойиҳаларини олдиндан муҳокама қилиш ёки муайян воқеалар ва фактлар бўйича Миллий Мажлисга хulosалар, маълумномалар тақдим этиш учун ташкил этилади.

74-модда. Ҳукумат янги сайланған Миллий Мажлис ташкил этилгандан сўнг ёки ўзи ташкил топғандан кейин йигирма кун муддат ичидан ўз фаолияти дастурини Миллий Мажлиснинг маъқуллашига тақдим этади ва Миллий Мажлис йиғилишига ишонч билдириш ҳақидаги масалани қўяди.

Ҳукуматга ишончсизлик билдириш тұғрисидаги қарор лойиҳаси депутатлар умумий сөнининг камида ўчдан бир қисми томонидан, ишончсизлик билдириш тұғрисидаги масала қўйилгандан кейин 24 соат ичида тақдим этилиши мумкин.

Ҳукуматга ишончсизлик билдириш тұғрисидаги қарор лойиҳаси у киритилгандан кейин камида 48 соат ўтгач ва кўпи билан 72 соатдан кечикмай овозга қўйилади. Қарор депутатлар умумий сөнининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Ҳукуматга ишончсизлик бирдириш тұғрисидаги қарор лойиҳаси киритилмаган ёки бу хилдаги қарор қабул қилинмаган тақдирда унинг фаолият дастури маъқулланган ҳисобланади.

Ишончсизлик билдириши тұғрисида қарор қабул қилинган тақдирда Бөш министр Республика Президентига Ҳукуматнинг истеъфога чиқиши тұғрисида баёнот тақдим этади.

75-модда. Миллий Мажлисда қонун чиқариш ташаббуси ҳуқуқи депутатлар ва ҳукуматга мансубдир.

Ҳукумат ўзи киритган қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш изчиллигини белгилайди ва улар ўзи учунгина мақбул бўлган тузатишлар билан овозга қўйилишини талаб қилиши мумкин.

Ҳукумат қарори билан кечиктириб бўлмаидиган қонун лойиҳаси деб эътироф этилган лойиҳани Миллий Мажлис муҳокама қиласи ва бир ой муддат ичида овозга қўяди.

Давлат даромадларини камайтирувчи ёки унинг харжатларини кўпайтирувчи қонун лойиҳаларини Миллий Мажлис Ҳукуматнинг холосаси мавжуд бўлган тақдирдагина муҳокама қиласи ва депутатлар умумий сөнининг кўпчилик овози билан қабул қиласи.

Ҳукумат ўзи киритган қонун лойиҳаси қабул қилиниши муносабати билан ишонч билдириш тұғрисидаги масалани қўйиши мумкин. Агар Миллий Мажлис Конституциянинг 74-моддасида белгилангандар тартибда Ҳукуматга ишончсизлик билдириш тұғрисида қарор қабул қиласа, Ҳукумат киритган қонун лойиҳаси қабул қилинган ҳисобланади.

Ҳукумат ўзи қонун лойиҳаси киритиши муносабати билан битта сессия мобайнида ишонч билдириш тұғрисидаги масалани кўпи билан икки марта қўйиши мумкин.

76-модда. Миллий Мажлис Ҳукумат тақдими бўйинча Давлат бюджетини тасдиқлайди. Бюджет йили бошлангунга қадар Давлат бюджети тасдиқланмаган тақдирда харажатлар олдинги йил учун бюджет пропорцияларида амалга оширилади.

Давлат бюджетини муҳокама қилиш ва тасдиқлаш қонун билан белгиланади.

77-модда. Миллий Мажлис Давлат бюджетининг ижросини, шунингдек, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан олинган қазрлар ва кредитлар ижросини назорат қилишни амалга оширади.

Миллий Мажлис Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни муҳокама қиласи ва Миллий Мажлис Назорат паласининг хулосаси мавжуд бўлган тақдирда бу ҳисоботни тасдиқлайди.

78-модда. Ҳукумат фаолиятининг дастурини қонуний тарзда таъминлаш мақсадида Миллий Мажлис Ҳукуматни қонун кутига эга бўлган қарорлар қабул қилишга вакил қилиши мумкин, бу қарорлар Миллий Мажлис белгилаган муддат мобайнида амал қиласи ва қонунларга энд келиши мумкин эмас. Мазкур қарорларни Республика Президенти имзолайди.

79-модда. Миллий Мажлис депутатлар умуний сонининг кўпчилик овози билан ўз ваколатларининг бутун муддатига Миллий Мажлис Раисини сайлайди.

Миллий Мажлис Раиси йифилишларни олиб боради. Миллий Мажлиснинг моддий ва молиявий маблағларини тартибга солади, унинг нормал фаолиятини таъминлайди.

Миллий Мажлис Миллий Мажлис Раисининг иккита ўринбосарини сайлайди.

80-модда. Депутатлар ҳукуматга саволлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Бош министр ва Ҳукумат аъзолари навбатдаги сессия ишининг ҳар бир ҳафтасида бир мажлис мобайнида депутатларнинг саволларига жавоб қайтарадилар.

Миллий Мажлис депутатларнинг саволлари муносабати билан қарорлар қабул қилмайди.

81-модда. Миллий Мажлис Республика Президентининг таклифи билан:

1) амнистия (авфи умумий) эълон қиласди;

2) Арманистон Республикасининг халқаро шартномаларини ратификация қиласди ёки бекор деб эълон қиласди. Миллий Мажлис ратификация қилиши лозим бўлган халқаро шартномалар доираси қонун билан белгиланади;

3) уруш эълон қиласди.

Миллий Мажлис Конституциявий Суднинг хулосаси билан Конституциянинг 55-моддаси 13 ва 14-бандларида назарда тутилган тадбирларни амалга оширишини тўхтатиши мумкин.

82-модда. Миллий Мажлис Ҳукуматнинг таклифи билан Республиканинг маъмурий-ҳудудий бўлинишини тасдиқлади.

83-модда. Миллий Мажлис:

1) Республика Президентининг таклифи билан Марказий банк раисини ва унинг ўринбосарини тайинлади;

2) Миллий Мажлис Раисининг таклифи билан Миллий Мажлис Назорат палатаси раисини, Конституциявий Суд аъзоларини ва Конституциявий Суд таркибидан — Конституциявий Суд Раисини тайинлади.

Миллий Мажлис Конституциявий Суд тузилгандан кейин ўттиз кун муддат ичиде Конституциявий Суд Раисини тайинламаган тақдирда Конституциявий Суд Раисини Республика Президенти тайинлади.

3) Конституциявий Суд хулосаси асосида ўзи тайинлаган Конституциявий Суд аъзосининг ваколатларини тўхтатиши, унинг ҳибсга олинишига, суд тартибида жиной ёки маъмурий жавобгарликка тортилишига розилик бериши мумкин.

84-модда. Миллий Мажлис депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Ҳукуматга ишончсизлик билдиради. У мазкур ҳуқуқдан ҳарбий ҳолат даврида ёки Конституция 55-моддасининг 14-бандида назарда тутилган ҳолатда фойдалана олмайди.

V боб

ҲУКУМАТ

85-модда. Арманистон Республикасида ижро этувчи ҳокимиятни Арманистон Республикаси Ҳукумати амалга оширади.

Ҳукумат Бош министр ва министрлардан ташкил топади; Ҳукумат ваколатлари Конституция ва қонунлар билан белгиланади.

Ҳукуматнинг тузилиши ва фаолият кўрсатиш тартиби Бош министр тақдимиға кўра Республика Президенти Фармони билан белгиланади.

86-модда. Ҳукумат мажлисини Республика Президенти ёки унинг топшириғига кўра Бош министр чақиради ва олиб боради.

Ҳукумат қарорларини Бош министр имзолайди. Республика Президенти тасдиқлайди.

Конституциянинг 59-моддасида назарда тутилган ҳолларда Бош министр Ҳукумат аъзолари кўпчилигининг талаби билан Ҳукумат мажлисини чақиради ва унда расмлик қиласди.

87-модда. Бош министр Ҳукуматнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қиласди ва министрлар ишини муовфикаштириб туради.

Бош министр қарорлар қабул қиласди. Бош министрнинг қарорларини ҳукумат фаолияти тартибида назарда тутилган ҳолларда, шунингдек, бу қарорларни амалга оширадиган министрлар ҳам имзолайдилар.

88-модда. Ҳукумат аъзоси бирон-бир вакиллик органи аъзоси бўлиши, давлатнинг бошқа лавозимини эгаллаши ёки ҳақ тўланадиган бошқа ишни бажариши мумкин эмас.

89-модда. Ҳукумат:

1) Конституциянинг 74-моддасида назарда тутилган тартибда ўз фаолияти дастурини Миллий Мажлиснинг маъқуллашига тақдим этади;

2) Давлат бюджети лойиҳасини Миллий Мажлис тасдиғига тақдим этади, бюджетнинг ижросини таъминлайди, шу муносабат билан Миллий Мажлисга ҳисобот тақдим этади;

3) давлат мулкини бошқаради;

4) ягона молия-иқтисодий, кредит ва давлат солиқ сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди;

5) фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва табиатни муҳофаза қилиш соҳаларида давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди;

6) Республика мудофааси, миллий хавфсизлиги ва ташқи сиёсатини амалга оширишни таъминлайди;

7) қонунчиликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилиш, мулкчиликни ва жамоат тартибини муҳофаза қилиш юзасидан чора-тадбирлар кўради.

90-модда. Ҳукумат бюджет йили тамом бўлмасдан камида 60 кун олдин Миллий Мажлис муҳокамасига Давлат бюджети лойиҳасини тақдим этади ва унинг мазкур муддат тугашига қадар ўзи қабул қилган тузатишлар билан овозга қўйилишини талаб этиши мумкин. Бюджет тасдиқланиши муносабати билан Ҳукумат ишонч билдириш масаласини қўйиши мумкин. Агар Миллий Мажлис Конституциянинг 74-моддасида назарда тутилган тартибда Ҳукуматга ишончсизлик билдириласа, у ҳолда Давлат бюджети ҳукумат қабул қилган тузатишлар билан тасдиқланган иҳсобланади.

Миллий Мажлис Ҳукуматга ишончсизлик билдирган тақдирда бюджет тасдиқланиши муносабати билан янги Ҳукумат йигирма кун ичida Миллий Мажлисга бюджет лойиҳасини тақдим этади, лойиҳа ўттиз кун мобайнида ушбу моддада белгиланган тартибда муҳокама қилинади ва тасдиқланади.

VI боб

СУД ҲОҚИМИЯТИ

91-модда. Арманистон Республикасида одил судловни Конституция ва қонунларга мувофиқ фақат судлар амалга оширади.

Қонунда белгиланган ҳолларда суд ишлари масла-хатчилар иштирокида амалга оширилади.

92-модда. Арманистон Республикасининг умумий юрисдикцияси судлари биринчи инстанция судлари, авф этиш судлари ва Қассация Суди ҳисобланади.

Арманистон Республикасида, шунингдек, хўжалик, ҳарбий судлар, ва қонунда кўзда тутилган бошқа судлар ҳам амал қиласди.

• Фавқулодда судларни ташкил этиш тақиқланади.

93-модда. Кучга кирган қарорлар, ҳукмлар Бош прокурор, унинг ўринбосарлари ёки маҳсус лицензияга эга

бўлган ва Кассация Судида рўйхатга олингап адвокатлар порозилиги асосида Кассация Судида қайта кўриб чиқилади.

94-модда. Республика Президенти суд органлари мустақиллигига кафил ҳисобланади. У Одил судлов кенгашига бошчилик қиласди.

Адлия министри ва Бosh прокурор Кенгаш Раисининг ўринbosарлари ҳисобланадилар.

Кенгаш таркиби, шунингдек, Республика Президенти томонидан беш йил муддатга тайинланган ўн тўрт аъзо ҳам киради, улардан икки нафари илмий юристлар, тўққиз нафари — судьялар, уч нафари — прокурорлардир.

Кенгашнинг учтадан аъзоси биринчи инстанция судлари, шикоят судлари ва Кассация Суди судьяларидан тайинланади. Судьяларнинг умумий йифилишлари яширин овоз бериш йўли билан ҳар бир ўринга учтадан номзод кўрсатади.

Кенгаш аъзолари — прокурорларнинг номзодларини Бosh прокурор кўрсатади.

95-модда. Одил судлов кенгаси:

1) Адлия министрининг таклифи билан судьяларнинг лавозимга яроқлилиги ва хизматда юқори кўтарилишига доир ҳар йилги рўйхатларни тузиб чиқади ва Республика Президентининг тасдигига тақдим этади, ана шу рўйхатлар асосида лавозимларга тайинлаш амалга оширилади;

2) Бosh прокурор таклифи билан прокурорларнинг лавозимга яроқлилиги ва хизматда юқори кўтарилишига доир ҳар йилги рўйхатларни тузиб чиқади ва Республика Президентининг тасдигига тақдим этади, шу рўйхатлар асосида лавозимларга тайинланиш амалга оширилади;

3) Кассация Суди, унинг палаталари раислари, судьялари, шикоят суди, биринчи инстанция ва бошқа судларнинг раислари номзодларини таклиф этади. Адлия министри тақдим этган бошқа судьялар номзодлари бўйича хулоса беради;

4) Бosh прокурор тақдим этган Бosh прокурор ўринbosарлари, прокуратура таркибий бўлинмаларига бошчилик қиласдиган прокурорлар номзодлари бўйича хулосалар беради;

5) судьялар ва прокурорларга даража унвонлари бериш тұғрисида таклифлар тақдим этади;

6) судьянинг ваколатларини тұхтатишига, судьяни ҳибсга олишша, уни суд тартибида жиной ёки маъмурий жавобгарликка тортишига розилик бериш тұғрисида таклифлар тақдим этади;

7) судьяларни интизом жавобгарлигига тортади. Судьяларни жавобгарликка тортиш масаласини күриш чиқишиңда Одил судлов кенгашини мажлисларини Кассация Суди раиси олиб боради. Республика Президенти, Адлия министри ва Баш прокурор бу мажлисларда иштирок этмайды;

8) Республика Президенти сўровига биноан авф этиш масалалари юзасидан ўз фикрини билдиради.

Одил судлов кенгашининг фаолият тартиби қонун билан белгиланади.

96-модда. Конституциявий Суднинг судьяси ва аъзоси алмаштирилмайды. Судья ўз лавозимини 65 ёшга етгунча, Конституциявий суд аъзоси — 70 ёшга етгунча эгаллаб туради. Уларнинг ваколатлари фақат Конституция ва қонунларда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда тұхтатилади.

97-модда. Одил судловни амалга ошириш чоғида Конституциявий Суднинг судьяси ва аъзоси мустақилдирлар ҳамда фақат қонунга бўйсунадилар.

Конституциявий суднинг судьяси ва аъзоси фаолиятининг кафолатлари, шунингдек, жавобгарлиги асослалири ва тартиби қонун билан белгиланади.

98-модда. Конституциявий Суднинг судьяси ва аъзоси бошқа давлат лавозимини эгаллаши ёки илмий, педагоглик ва ижодий ишдан ташқари ҳақ тұланадиган бошқа ишни бажариши мумкин эмес.

Конституциявий Суднинг судьяси ва аъзоси биронбир партиянинг аъзоси бўлишлари ёки сиёсий фаолият билан шуғулланишлари мумкин эмес.

99-модда. Конституциявий Суд тұққиз аъзодан ташкил топади, улардан беш нафарини Миллий Мажлис, түрт нафарини — Республика Президенти тайинлади.

100-модда. Конституциявий Суд қонунда белгиланған тартибда:

1) Миллий Мажлис қонуилари, қарорларининг, Республика Президенти Фармоилари, фармойишларининг, Ҳукумат қарорларининг Конституцияга мувофиқлигини аниқлайди;

2) ҳалқаро шартнома ратификация қилинишидан олдин Конституциянинг унда мустаҳкамланган мажбуриятларга мувофиқ келишини белгилайди;

3) референдумларнинг, Республика Президенти ва депутатлар сайловининг натижалари билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал этади;

4) Республика Президентлигига номзодлар учун вуждуга келган тўсиқларнинг енгиб бўлмаслиги ёки бартараф этилганлигини эътироф этади;

5) Республика Президентининг лавозимидан бўшатилишига асос мавжудлиги тўғрисида хulosса беради;

6) Конституциянинг 55-моддаси 13 ва 14-бандларида назарда тутилган тадбирлар бўйича хulosса беради;

7) Республика Президентининг ўз ваколатларини ижро этиш имкони йўқлиги ҳақида хulosса беради;

8) Конституциявий Суд аъзосининг ваколатларини тўхтатиш, уни ҳибсга олиш, суд тартибида жиноий ё маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида хulosса беради;

9) қонунда белгиланган тартибда партиянинг фаолиятини тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳақида қарор чиқарди.

101-модда. Конституциявий Судга қўйидагилар мурожаат қилишлари мумкин:

1) Республика Президенти;

2) депутатларнинг камидан учдан бир қисми;

3) Республика Президентлигига ва депутатликка номзодлар сайлов натижалари билан боғлиқ низолар бўйича;

4) Ҳукумат — Конституциянинг 59-моддасида назарда тутилган ҳолларда.

Конституциявий Суд ишни фақат тегишли ариза мавжуд бўлган тақдирдагина кўриб чиқади.

102-модда. Конституциявий Суд аризани олгандан кейин кўпи билан ўттиз кундан қолмай қарор ва хulosалар қабул қиласди.

Конституциявий Суднинг қарорлари қатъий, қайта кўриб чиқилмайди ва эълон қилинган пайтдан эътиборан кучга киради.

Конституциянинг 100-моддаси 1—4-бандларида назарда тутилган масалаларни Конституциявий Суд кўпчилик овоз билан, 5—9-бандларда назарда тутилган масалаларни эса, аъзоларнинг умумий сонидан камида учдан икки қисмининг овози билан ҳал этади.

103-модда. Арманистон Республикаси Прокуратураси ягона марказлашган тизим бўлиб, унга Бош прокурор бошчилик қиласди.

Прокуратура:

- 1) қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда жинойи таъқиб қўзгайди;
- 2) дастлабки тергов ва терговнинг қонунийлиги устидан назоратни амалга оширади;
- 3) судда айловни қўллаб-қувватлайди;
- 4) судда давлат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан даъво қўзгайди;
- 5) судларнинг хулосалари, ҳукмлари ва қарорларига норозилик билдиради;
- 6) жазолаш ва мажбур қилишнинг бошқа шаклларини қўлланиш устидан назоратни амалга оширади.

Прокуратура ўзига Конституция томонидан берилган ваколатлар доирасида Прокуратура тўғрисидаги қонун асосида иш олиб боради.

VII боб

ХУДУДИЙ БОШҚАРУВ ВА МАҲАЛЛИЙ- УЗИНИ УЗИ БОШҚАРИШ

104-модда. Арманистон Республикасининг маъмурий-худудий бирликлари вилоятлар ва жамоалардир. Вилоятлар қишлоқ ва шаҳар жамоаларидан ташкил топади.

105-модда. Жамоаларда маҳаллий ўзи башқариш амалга оширилади. Жамоа мулкини тасарруф қилиш, жамоа аҳамиятига эга бўлган масалаларни ҳал қилиш учун уч йил муддатга маҳаллий ўзини ўзи башқариш органлари сайланади: таркибида беш нафардан ўн беш нафаргача аъзо бўлган жамоа оқсоқоллар кенгashi, жамоа раҳбари — шаҳар мэри, қишлоқ оқсоқоли.

Жамоа раҳбари ўз маъмуриятини ташкил этади.

106-модда. Жамоа оқсоқоллар кенгashi жамоа раҳбарининг тақдими билан жамоа бюджетини тасдиқлайди, бюджетнинг қонунда белгиланган тартибда ижро

этилишини назорат қиласы, маҳаллий солиқлар ва тұ-
ловларни белгилайди.

107-модда. Вилоятларда давлат бошқаруви амалга
оширилади.

Вилоятлардаги ҳукумат ҳукуматнинг минтақавий
сиёсатини амалга оширадиган вилоятлар раҳбарларини
тайинлайди ва озод қиласы, республика ижро этувчи
органларининг минтақавий хизматлари фаолиятини тар-
тибга солади.

108-модда. Ереван шаҳри вилоят мақомига әгадир.

Ереван мэрини Баш министр тавсияси билан Респуб-
лика Президенті тайинлайди ва озод қиласы.

Еревандаги маҳаллий ўзини ўзи бошқариш мавзе жа-
моаларыда амалга оширилади.

109-модда. Ҳукумат вилоят раҳбарининг тақдими би-
лан қонунда белгиланған ҳолларда жамоа раҳбарини
лавозимидан четлатиши мүмкін.

Жамоа раҳбари лавозимидан четлатилған тақдирда
ҳукумат қарорига мувофиқ ўттис күн муддат ичіда нав-
батдан ташқари сайлов ўтказилади. Жамоанинг яңғы
сайланған раҳбари лавозимга киришгүнга қадар Баш
министр шаҳар жамоасы раҳбарининг вазифасини ба-
жарувчини, вилоят раҳбари эса қишлоқ жамоасы раҳба-
рининг вазифасини бажарувчини тайинлайди.

110-модда. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органла-
рини сайлаш, уларнинг ваколатлари тартиби Конститу-
ция ва қонунлар билан белгиланади.

VIII бөб

КОНСТИТУЦИЯНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ, ҰЗГАРТИРИЛИШИ ВА РЕФЕРЕНДУМ

111-модда. Конституция Республика Президенті ёки
Миллий Мажлис ташаббуси билан референдум восита-
сида қабул қилинади ёки унга тузатишлар киритилади.

Референдумни Миллий Мажлис депутатларининг уму-
мий күпчилиги таклифи ёки розилиги билан Республика
Президенті тайинлайди.

Конституция лойиҳаси олинниб, унга тузатишлар ки-

ритилгандан кейин 21 кунлик муддат ичиде Республика Президенти уларни Миллий Мажлисга ўз мулоҳазалари, таклифлари билан қайтариб юбориши, янгидан муҳокама қилишни талаб этиши мумкин.

Республика Президенти Миллий Мажлис белгилаган муддатда Конституция лойиҳасини ёки унга киритиладиган, Миллий Мажлис томонидан депутатларнинг умумий сонидан камида учдан икки қисми овози билан янгидан таклиф этилган тузатишларни референдумга қўяди.

112-модда. Қонунлар Миллий Мажлис ёки Ҳукуматнинг таклифи билан Конституциянинг 111-моддасида белгиланган тартибда референдумга қўйилади.

Референдум воситасида қабул қилинган қонунларга ўзгаришлар фақат референдум томонидан киритилади.

113-модда. Референдумга олиб чиқилган лойиҳа, агар унинг учун овоз беришда қатнашганларнинг ярмидан кўпроғи, лекин сайлов рўйхатига киритилган фуқароларнинг камида учдан бир қисми овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади.

114-модда. Конституциянинг 1, 2 ва 114-моддаларига ўзгариш киритилмайди.

IX боб

УТИШ ҚОИДАЛАРИ

115-модда. Ушбу Конституция расмий равишда эълон қилинган пайтдан эътиборан референдум натижалари асосида кучга киради.

116-модда. Конституция кучга кирган пайтдан бошлиб:

1) 1978 йилги Конституциянинг амал қилиши шундан кейинги ўзгаришлар ва қўшимчалар билан биргаликда, шунингдек, конституциявий қонунларнинг амал қилиши тўхтатилади;

2) Арманистон Республикасининг қонунлари ва боша қа ҳуқуқий ҳужжатлари, агар улар конституцияга зид келмайдиган бўлса, амал қиласди.

3) Республика Президенти ўзига Конституцияда берилган ваколатларни амалга оширади. Вице-президент

Ўз ваколатлари тугашига қадар Президент топшириқ-ларини бажаради;

4) Миллий Мажлис ўзига Конституцияда берилган ваколатларни амалга оширади. Конституциянинг 63-моддаси 1-қисми, 64-моддаси, ва 65-моддасининг 1-қисми қоидалари навбатдаги чақириқ Миллий Мажлис учун татбиқ этилади. Бунга қадар 1995 йил 27 мартағи Конституциявий қонуннинг 4 ва 5-моддалари амал қилади:

5) Конституциявий Суд ташкил этилгунга қадар халқаро шартномалар унинг хуносасисиз ратификация қилинади:

6) қишлоқ, посёлка, шаҳар, район депутатлари Кенгашлари ва уларнинг ижро этувчи органлари то ҳудудий бошқарув органлари тұғрисида Конституцияга мос келувчи қонунлар қабул қилингунга ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари тузилгунга қадар қонун билан белгиланған ваколатларни амалга оширишни давом эттирадилар.

Ҳудудий бошқарув ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарниң органлари тұғрисида қонунлар қабул қилингунга қадар депутатларнинг шаҳар ва район депутатлари Кенгашлари раисларига ишончсизлик билдириш ҳуқуқи Миллий Мажлисга берилади;

7) район (шаҳар) халқ судлари ва Олий Суд Конституцияга мувофиқ, суд тузилиши ва суд ишларини юритиши ҳақида қонунлар қабул қилинишига ва янги суд тизими ташкил этилишига қадар ўзларининг аввалги ваколатлари доирасыда фаолият күрсатиши давом эттирадилар;

8) Давлат арбитражи Ҳўжалик Суди тузилгунга қадар ўзининг аввалги ваколатлари доирасыда фаолият күрсатиши давом эттиради;

9) район (шаҳар) халқ судларининг ваколатлари олти ойгача бўлган муддатга чўзилади, ана шу муддат ичига Республика Президенти Одил судлов кенгаши таклифи билан район (шаҳар) халқ судлари судьяларини уч йил муддатга тайинлади;

10) Олий Суд аъзоларининг ваколатлари Кассация Суди тузилгунга қадар, лекин уч йилдан кўп бўлмаган муддатга чўзилади;

11) янги суд тизими ташкил этилгунга қадар Одил судлов кенгаши таркибиға Республика Президенти то-

монидан тайинланган ўн бир аъзо киради, улардан иккi нафари юрист-олимлар, олти нафари — судьялар, уч нафари — прокурорлардир. Қенгашнинг учтадан аъзоси район (шаҳар) халқ судлари ва Олий Суд судьяларидан Конституциянинг 94-моддаси билан белгиланган тартибда тайинланади;

Кенгашга Республика Президенти бошчилик қилади. Адлия министри ва Бosh прокурор Кенгаш рансининг ўринбосарлари ҳисобланадилар.

Одил судлов кенгashi ўзига Конституцияда берилган ваколатларни амалга оширади;

12) Прокуратура тўғрисидаги қонун қабул қилингунча прокуратура ўзига Конституцияда бериб қўйилган ваколатларни амалдаги қонунларга мувофиқ амалга оширади;

13) Олий Судда Бosh прокурор, унинг ўринбосарлари ва Олий Судда рўйхатдан ўтказилган маҳсус лицензияга эга бўлган адвокатларнинг норозиликлари асосида судларнинг қонуний кучга кирган ҳукмлари, қарорлари қайтадан кўриб чиқлади;

14) Жиноий-процессуал кодекс Конституцияга мувофиқ келтирилгунга қадар тинтуб қилиш ва ҳибсга олиш нинг аввалги тартиби сақлаб қолинади.

117-модда. Конституция қабул қилинган кун «Конституция куни» байрами деб эълон қилинади.

1995 йил 5 июль

БЕЛАРУСЬ

БЕЛАРУСЬ РЕСПУБЛИКАСИ

Шарқий Европадаги давлат. Ҳудуди — 207,6 минг кв. км. Пойтахти — Минск. Асосий маъмурий-ҳудудий бирлиги — область (олтида области бор). Аҳолиси — 10,3 млн. киши (1992 йил). Давлат тили — белорусь тилидир. Дини: диндорларнинг 70 фоизи — православ христианлар; қарийб 20 фоизи — рим католик черкови тарафдорлари; қолганлар — католик юношлар, иудаичилар. Пул бирлиги — бурель.

Миллий байрами — 27 июль — Мустақиллик куни (1990 йили БССР Олий Кенгаши томонидан Беларуснинг давлат мустақиллиги түғрисидаги Декларация қабул қилинган кун).

Беларусь — Унитар (бирлашган) республика. Беларусь Республикасининг ҳозирги амал қилиб турган Конституяси 1994 йил 15 марта қабул қилинган. Давлат ва ижро этувчи ҳокимиятнинг бошлиғи Президент ҳисобланади, у беш йил муддатга сайланади. Бир палатали Олий Кенгаш давлат ҳокимиятнининг доимий ишлаб турувчи ва бирдан-бир қонун чиқарувчи олий вакиллик органи бўлиб, у 260 депутатдан иборат. Ҳукумат — Министрлар Маҳкамаси бўлиб, унга бош министр бошчилик қиласи, у Президент олдида жавобгардир.

Асосий партиялари ва жамоат бирлашмалари: Беларуссия Бирлашган демократик партияси; Беларуссия социал-демократик громадаси; Беларуссия Миллий-демократик партияси ва бошқалар.

БЕЛАРУСЬ РЕСПУБЛИКАСИННИГ 1994 ЙИЛГИ КОНСТИТУЦИЯСИ

(ўзгаришлар ва қўшимчалар билан)

Биз, Беларусь Республикаси (Беларусь) халқи Беларусснинг ҳозирги кунни ва келажагъ учун жавобгарликка асосланиб, ўзимизни жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли субъекти деб ҳисоблаб ва ўзимизнинг умуминсоний қадриятларга тарафдор эканлигимизни тасдиқлаб, ўз тақдирини ўзи белгилашга бўлган ўз ажралмас ҳуқуқимизга асосланиб, Беларусь давлатчилиги ривожининг кўп асрлик тарихига таяниб, Беларусь Республикаси ҳар бир фуқаросининг ҳуқуқ ва эркинликларини қарор топтиришга итилиб, фуқаралик тутувлигини, халқ ҳокимияти ва ҳуқуқий давлатнинг мустаҳкам негизларини таъминлашни ихтиёр этган ҳолда, Беларусь Республикасининг Асосий Қонуни бўлган ушбу Конституцияни қабул қиласиз.

I БЎЛИМ

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТУЗУМ АСОСЛАРИ

1-модда. Беларусь Республикаси — унитар демократик, ижтимоий ҳуқуқий давлатдир.

Беларусь Республикаси ўз ҳудудида устунликка ва тўла ҳокимиятга эга бўлиб, ички ва ташқи сиёсатни мустақил равишда амалга оширади.

Беларусь Республикаси ўз мустақиллигини ва ҳудудий яхлитлигини, конституциявий тузумни ҳимоя қиласиди, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлайди.

2-модда. Инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва уларни амалга ошириш кафолатлари жамият ва давлатнинг олий қадрияти ва мақсади ҳисобланади.

Давлат фуқаро олдида шахсинг эркин ва муносиб ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиб беришга жавобгардир. Фуқаро давлат олдида ўзига Конституция юклаган вазифаларнинг офишмай бажарилиши учун жавобгардир.

3-модда. Беларусь Республикасида халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбан ва суверенитет эгаси-

дир. Халқ ўз ҳокимиютини бевосита, вакилликлар ва бошқа органлар орқали Конституцияда белгиланган шакллар ва доирада амалга оширади.

Конституциявий тузумни ўзгартириш ва давлат ҳокимиютига зўравонлик усуллари билан, шунингдек, Беларусь Республикаси қонунларини бошқача тарзда бузиш йўли билан эришиш соҳасидаги ҳар қандай ҳаракатлар қонунга мувофиқ жазоланади.

4-модда. Беларусь Республикасида демократия сиёсий институтлар, мафкуралар, ва фикрларнинг хилмачиллиги асосида амалга оширилади.

Сиёсий партиялар, диний ёки бошқа жамоат бирлашмалари, ижтимоий гурӯҳларнинг мафкураси фуқаролар учун мажбурий тарзда белгиланиши мумкин эмас.

5-модда. Сиёсий партиялар, бошқа жамоат ташкилотлари Беларусь Республикаси Конституцияси ва қонунлари доирасида ҳаракат қилиб, фуқароларнинг сиёсий иродасини белгилаш ва ифодалашга кўмаклашадилар, сайловларда иштирок этадилар.

Сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари давлат оммавий ахборот воситаларидан қонунда белгиланган тартибда фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Конституциявий тузумни зўравонлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўйган ёхуд урушни, ижтимоий, миллий, диний ва ирқий адоватни тарғиб қиласидиган сиёсий партиялар, шунингдек, бошқа жамоат бирлашмаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти тақиқланади.

6-модда. Беларусь Республикасидаги давлат ҳокимиюти уни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиютига бўлиш асосида амалга оширилади. Давлат органлари ўз ваколатлари доирасида мустақиллирлар; улар ўзаро ҳамкордирлар, бир-бирларини қўллаб-қувватлаб ва мувозанатлаштириб турадилар.

7-модда. Беларусь Республикасида ҳуқуқнинг устунлиги тамоили белгиланади.

Давлат, унинг барча органлари ва мансабдор шахслари Конституция ва унга мувофиқ қабул қилинган қонун ҳужжатлари доирасида ҳаракат қиласидилар.

Қонунда белгиланган тартибда Конституция қоида-

ларига зид келадиган ҳуқуқий ҳужжатлар ёки уларнинг айрим қоидалари ҳуқуқий кучга эга бўлмайди.

Давлат органларининг норматив ҳужжатлари эълон қилинади ёки қонунда кўзда тутилган бошқа усул билан умум халқ эътиборига етказилади.

8-модда. Беларусь Республикаси халқаро ҳуқуқнинг умумхалқ қабул қилган тамойиллари устуворлигини эътироф этади ва қонунларнинг уларга мувофиқ келишини таъминлайди.

Беларусь Республикасида халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ихтиёрий асосда давлатлараро тузилмаларга кириш ва улардан чиқиш мумкин.

Конституцияга зид келадиган халқаро шартномалар тузишга йўл кўйилмайди.

9-модда. Беларусь Республикасининг ҳудуди халқнинг яшаб турадиган табиий шаронти ва ўз тақдирини ўзи белгилаш маконий чегараси, унинг фаровонлиги ва Беларусь Республикаси суверенитетининг асоси ҳисобланади.

Беларусь ҳудуди ягонадир ва у тортиб олинмайди.

Ҳудуд областларга, раёнларга, шаҳарлар ва бошқа маъмурий-ҳудудий бирликларга бўлинади. Давлатнинг маъмурий-ҳудудий бўлинини қонунлар билан белгилалади.

10-модда. Беларусь Республикаси фуқаросига Беларусь ҳудудида ҳам, ундан ташқарида ҳам давлат томонидан ҳимоя қилиш ва ғамхўрлик кўрсатиш кафолатланади.

Ҳеч ким Беларусь Республикаси фуқаролигидан ёки фуқароликни ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас.

Беларусь Республикаси фуқароси, агар Беларусь Республикасининг халқаро шартномаларида бошқа нарсалар назарда тутилмаган бўлса, хорижий давлатга топширилиши мумкин эмас.

Фуқароликни қўлга киритиш ва ундан маҳрум этилиш қонунга мувофиқ амалга оширилади.

11-модда. Ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Беларусь ҳудудида Беларусь Республикаси фуқаролари билан баб-баравар ҳуқуқлар ва эркин-

ликлардан фойдаланадилар ҳамда мажбуриятларни ба-
жарадилар (агар Конституцияда, қонунлар ва халқаро
шартномаларда бошқа нарсалар белгиланмаган бўлса).

12-модда. Беларусь Республикаси сиёсий, диний эъти-
қодлари ёки миллий мансублиги учун бошқа давлатлар-
да таъқиб қилинаётган шахсларга бошпана бериши
мумкин.

13-модда. Мулк давлат мулки ва хусусий мулк бў-
лиши мумкин. Давлат ҳаммага, қонун билан тақиқлан-
ган фаолиятдан ташқари, хўжалик ва бошқа фаолиятни
амалга ошириш учун баб-баравар ҳуқуқлар беради,
мулкчиликнинг барча шаклларини ривожлантириш учун
тенг ҳимоя ва тенг шарт-шароитларни кафолатлайди.

Давлат кооперацияни ривожлантиришга ёрдам бе-
ради.

Давлат ҳаммани тадбиркорлик ва қонун билан та-
қиқланмаган бониқа иқтисодий фаолият юритишда қоби-
лиятлари ва имкониятларидан эркин фойдаланишда тенг
имкониятлар билан кафолатлайди.

Давлат инсон ва жамият манфаатлари йўлида иқ-
тисодий фаолиятни тартибга солишини амалга оширади;
ижтимоий мақсадларда давлат ва хусусий иқтисодий
фаолиятни йўналтириш ҳамда мувофиқлаштиришни таъ-
минлайди.

Ер ости бойиклари, сув, ўрмон фақат давлат мул-
ки ҳисобланади. Қишлоқ хўжалик аҳамиятига эга бўл-
ган ерлар давлат мулкидир.

Қонунда фақат давлат мулки бўлган бошқа объект-
лар ҳам белгилаб берилиши ёки уларнинг хусусий мулк
бўлиб ўтишининг алоҳида тартиби белгиланиши, шу-
нингдек, давлатнинг айрим фаолият турларини амалга
oshiришга бўлган мутлақ ҳуқуқи мустаҳкамланган бў-
лиши мумкин.

Давлат меҳнаткашларга корхоналар, ташкилотлар
ва муассасалар ишининг самарадорлигини ошириш ва
ижтимоий-иқтисодий турмуш даражасини яхшилаш мақ-
садида уларни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини ка-
фолатлайди.

14-модда. Давлат ижтимоий, миллий ва бошқа жа-
моалар ўртасидаги муносабатларни қонун олдида тенг-
лик, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳурмат қилиш
асосида тартибга солади.

Давлат бошқаруви органлари, ишга ёлловчилар бирлашмалари ва касаба уюшмалари ўртасида бўлган ижтимоий-менҳат соҳасидаги муносабатлар томонларнинг ижтимоий ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдами тамойиллари асосида амалга оширилади.

15-модда. Давлат тарихий-маданий ва маънавий меросни сақлаш, Беларусь Республикасида истиқомат қиувчи барча миллат жамоалари маданиятларининг эркин ривожланиши учун жавобгардир.

16-модда. Динлар ва диний эътиқодлар қонун олдида тенгdir. Давлат ва диний ташкилотларнинг ўзаро муносабатлари қонун билан тартибга солинади, бунда уларнинг беларус халқининг маънавий, маданий ва давлат анъаналарини шакллантиришга таъсир кўрсатиши ҳисобга олинади.

Диний ташкилотлар, уларнинг органлари ва вакилларининг Беларусь Республикаси суверенитетига, унинг конституциявий тузумига ва фуқаролар тотувлигига қарши қаратилган ёки фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиши билан боғлиқ бўлган, шунингдек, фуқароларнинг давлат, жамоат, оила олдидаги ўз мажбуриятларини бажаришларига тўсқинлик қиласидиган ёки уларнинг соғлиғи ва маънавиятига зарар етказадиган фаолияти тақиқланади.

17-модда. Беларусь Республикасида давлат тиллари белорус ва рус тилларидир.

18-модда. Беларусь Республикаси ўзининг ташқи сиёсатида давлатларнинг тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид солишини қўлламаслик, чегараларнинг бузилмаслиги, жанжалларни тинч йўл билан ҳал қилиш, ички ишларга аралашмаслик тамойилларига ва бошقا умум эътироф қиласидиган тамойиллар ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланади.

Беларусь Республикаси ўз худудини ядроиз минтақага, давлатни бетараф давлатга айлантиришни мақсад қилиб қўяди.

19-модда. Суверен давлат бўлган Беларусь Республикасининг рамзлари унинг Давлат байроғи, Давлат герби ва Давлат мадхиясидир.

20-модда. Беларусь Республикасининг пойтахти — Минс шаҳриди. Минск шаҳрининг мақоми қонун билан белгиланади.

И Б У Л И М

ШАХС, ЖАМИЯТ, ДАВЛАТ

21-модда. Беларусь Республикаси фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади ҳисобланади.

Ҳар ким муносиб турмуш даражасига эга бўлиш, шу жумладан етарли даражада овқатланиш, кийим-бош, уйжойга эга бўлиш ва бунинг учун зарур бўлган шартшароитларни доимий равишда яхшилаш ҳуқуқига эга.

Давлат Беларусь фуқароларининг Конституцияда мустаҳкамланган қонуиларида ва давлатнинг халқаро мажбуриятларида назарда тутилган ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлайди.

22-модда. Ҳамма қонун олдида тенгдир ҳамда ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳеч қандай камситилмасдан тенг равишида ҳимоя қилиниши ҳуқуқига эгадир.

23-модда. Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда, миллий хавфсизлик, жамоат тартиби, аҳолининг маънавияти ва соғлигини, шунингдек, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш манфаатлари йўлида йўл кўйилади.

Ҳеч ким қонунга зид келувчи устунликлар ва имтиёзлардан фойдаланиши мумкин эмас.

24-модда. Ҳар ким яшаш ҳуқуқига эгадир.

Давлат нисон ҳаётини ҳар қандай гайриҳуқуқий тажовузлардан ҳимоя қилади.

Ўлим жазоси, уни бекор қилишга қадар, қонунга мувофиқ алоҳида оғир жиноятлар учун фавқулодда жазо чораси сифатида ва фақат суд қарорларига биноан қўлланилиши мумкин.

25-модда. Давлат шахснинг эркинлиги, дахлсизлиги ва қадр-қимматини таъминлайди. Шахсий эркинликни

чеклашга ёки ундан маҳрум этишга қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади.

Қамоқдаги шахс ўзининг ушланиши ёки ҳибса олинишининг қонунийлигини суд йўли билан текшириш ҳуқуқига эгадир.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, шафқатсиз, ғайриинсоний ёхуд ўз қадр-қимматини ерга урадиган муомалага ёки жазолашга дучор қилиниши, шунингдек, ҳеч ким ўз розилигисиз тиббий ёки бошқа хил тажрибалар ўтка-зишга дучор қилиниши мумкин эмас.

26-модда. Ҳеч ким, агар унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда исботлаб берилмаса ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмаса, жиноят содир этганликда айбланиши мумкин эмас. Айбла-наётган шахс ўзининг айбисизлигини исботлаб бериши шарт эмас.

27-модда. Ҳеч ким ўз-ўзига, ўз оила аъзоларига, яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур этил-маслиги лозим. Қонунни бузиш йўли билан олинган да-лил-исботлар юридик кучга эга эмас.

28-модда. Ҳар ким ўз шахсий ҳаётига ғайриқонуний равишда аралашувдан, шу жумладан ўз ёзишмалари, телефон орқали берган ва бошқа хабарларини сирсақлаш, ўз ор-номуси ва қадр-қимматига қилинган тажовузлардан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадир.

29-модда. Фуқароларнинг турар жойи ва бошқа қонуний мол-мулкининг дахлсизлиги кафолатланади. Ҳеч ким қонуний асоси бўлмаган ҳолда фуқаронинг хоҳишига қарши унинг турар жойига ва бошқа қонуний мулкига кириш ҳуқуқига эга эмас.

30-модда. Беларусь Республикасининг фуқаролари Беларусь Республикаси доирасида бир жойдан иккинчи жойга эркин кўчиш ва яшаш жойини танлаш, ундан чиқиб кетиш ва монеликсиз қайтиб келиш ҳуқуқига эгадир.

31-модда. Ҳар ким ўзининг динга муносабатини мустақил равишида белгилаш, шахсан ўзи ёки бошқалар билан биргаликда ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик, динга бўлган му-

иносабати билан боғлиқ эътиқодини ифодалаш ва тарқатиш, қонун билан тақиқланмаган диний маросимлар, таомиллар, урф-одатларни амалга оширишда иштирок этиш ҳуқуқига эгадир.

32-модда. Никоҳ, оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясидадир.

Аёл ва эркак никоҳ ёшига етгандан кейин ихтиёрий равишда никоҳдан ўтиш ва оила қуриш ҳуқуқига эгадир. Эр-хотин оиласидар муносабатларда тенг ҳуқуқлидирлар.

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчилар болаларни тарбиялаш, уларнинг саломатлиги тўғрисида, уларни ривожлантириш ва ўқитиш ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳуқуқига эгадирлар ва шундай қилишлари шарт. Бола шафқатсиз муомала қилинишига ёки таҳқирланишига дучор этилиши, ўзининг жисмоний, ақлий ёки маънавий ривожланишига зарар етказиши мумкин бўлган ишларга жалб этилиши мумкин эмас. Болалар ота-оналари ҳақида, уларнинг ўрнини босувчи бошқа шахслар ҳақида ғамхўрлик қилишлари ва уларга ёрдам беришлари шарт.

Болалар ўз оиласидан ота-оналари ва уларнинг ўрнини босувчи бошқа шахсларнинг хоҳишига қарши фажалат суд қарори асосида ажратилиши мумкин (агар ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи бошқа шахслар ўз вазифаларини бажармасалар).

Хотин-қизларга маълумот олиш ва касбий тайёргарликда, меҳнатда ва хизмат соҳасида (ишда) кўтарилишда, ижтимоий-сиёсий, маданий ва фаoliyatning бошқа соҳаларида эркаклар билан баравар имкониятлар яратилиши, шунингдек, уларнинг меҳнати ва соғлигини муҳофаза қилиш учун шарт-шароитлар яратиб берилиши таъминланади.

Ёшларнинг маънавий, ахлоқий ва жисмоний камолотга эришиш ҳуқуқи кафолатланади.

Давлат ёшларнинг сиёсний, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожланишда эркин ҳамда самарали иштирок этишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб беради.

33-модда. Ҳар кимнинг фикр, эътиқод эркинлиги ва уларни эркин ифодалаши кафолатланади.

Ҳеч ким ўз эътиқодини ифодалашга ёки ундан возкечишга мажбур қилиниши мумкин эмас.

Давлат, жамоат бирлашмалари ёки айрим фуқаролар томонидан оммавий ахборот воситаларининг монополия қилинишига, шунингдек цензурага йўл қўймайди.

34-модда. Беларусь Республикаси фуқароларининг давлат органлари, жамоат бирлашмалари фаолияти тўғрисида, сиёсий, иқтисодий, маданий ва халқаро ҳаёт ҳақида, атроф муҳитнинг аҳволи тўғрисида тўлиқ, тўғри ва ўз вақтида ахборот олиш, уни сақлаш ва тарқатиш ҳуқуқи кафолатланади.

Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар Беларусь Республикаси фуқаросига унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб беришлари шарт.

Фуқароларнинг ор-номуси, қадр-қимматини, шахсий ва онлавий ҳаётини ҳимоя қилиш ва уларнинг ўз ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишлари мақсадида ахборотдан фойдаланишлари қонунлар билан чекланиши мумкин.

35-модда. Ҳуқуқ-тартиботни, Беларусь Республикасининг бошқа фуқаролари ҳуқуқларини бузмайдиган ийтишлилар, митинглар, кўча юришлари, намойишлари ва пикетчилик қилиш эркинлиги давлат томонидан кафолатланади, Қўрсатиб ўтилган тадбирларни ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади.

36-модда. Ҳар ким бирлашмалар тузиш эркинлиги ҳуқуқига эгадир.

Судьялар, прокуратура ходимлари, ички ишлар орғанларининг ходимлари, Давлат назорати қўмитаси, хавфсизлик органлари ходимлари, ҳарбий хизматчилар сиёсий партияларнинг ва сиёсий мақсадларни кўзловчи бошқа жамоат бирлашмаларининг аъзолари бўла олмайдилар.

37-модда. Беларусь Республикасининг фуқаролари давлат ишларини ҳал қилишда ҳам бевосита, ҳам эркин сайлаб қўйилган вакиллар орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Фуқароларнинг жамият ва давлатни бошқаришда бевосита иштирок этиши референдумлар ўтказиш, қонун лойиҳаларини ҳамда республикавий ва маҳаллий аҳа-

миятга эга бўлган масалаларни муҳокама қилиш билан, қонунда белгиланган бошқа усуллар билан таъминланади.

Беларусь Республикасининг фуқаролари қонунда белгиланган тартибда давлат ва жамоат ҳаётига доир масалаларни республикавий ва маҳаллий йиғилишларда муҳокама қилишда иштирок этадилар.

38-модда. Беларусь Республикасининг фуқаролари умумий, тенг, бевосита ёки бавосита сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан давлат органларига эркин сайдлаш ва сайданиш ҳуқуқига эгадирлар.

39-модда. Беларусь Республикасининг фуқаролари ўз қобилиятлари, касбий тайёргарлигига мувофиқ давлат органларидағи ҳар қандай лавозимда тенг равишда ишлаш ҳуқуқига эгадирлар.

40-модда. Ҳар ким давлат органларига шахсий ёки жамоа мурожаатларини юбориш ҳуқуқига эгадир.

Давлат органлари, шунингдек, мансабдор шахслар мурожаатни кўриб чиқишилари ва қонунда белгиланган муддатда масаланинг моҳияти юзасидан жавоб беришлари шарт. Берилган аризани кўриб чиқишини рад қилиш ёзма равишида асослаб берилиши лозим.

41-модда. Беларусь Республикасининг фуқароларига инсоннинг ўзини намоён қилишида энг муносиб усул сифатида меҳнат қилиш ҳуқуқи, яъни касб, машгулотлар ва иш турини истеъодига, қобилиятига, маълумоти, касбий тайёргарлигига мувофиқ ва жамият эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда танлаш, шунингдек, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқи кафолатланади.

Давлат аҳолининг тўлиқ иш билан бандлиги учун шарт-шароитлар яратиб беради. Шахс ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра иш билан банд бўлмаган тақдирда, унинг янги мутахассислик бўйича илм олиши ва жамият эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда малакасини ошириши, шунингдек, қонунга мувофиқ ишсизлик нафақаси билан таъминланиши кафолатланади.

Фуқаролар ўз иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига, шу жумладан касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқига, жамоа шартномалари (битимлари) тузиш ҳуқуқига ҳамда иш ташлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Суд ҳукми билан белгиланадиган ёки фавқулодда ва ҳарбий ҳолат тұғрисидаги қонунга мувофиқ қилинадиган иш ёки хизматдан ташқари мажбурий мәхнат тақиқланади.

42-модда. Ілланиң ишлаёттан шахсларга менжаттинг иқтисодий натижаларидан бу мәхнаттинг миқдори, сифати ва ижтимоий ажамиятига мувофиқ, лекин уларга ва оиласыраға әркін ва муносиб күн кечириши таъминлайдиган даражадан паст бўлмаган адолатли улуш олиш кафолатланади.

Аёллар ва эркаклар, катталар ва вояга етмаганлар баравар қийматта эга бўлган мәхнат учун баравар ҳақ олиш ҳуқуқига эгадирлар.

43-модда. Мәхнаткашлар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Ілланиң ишлаётгаплар учун бу ҳуқуқ 40 соатдан ошмайдиган иш ҳафтаси белгиланиши, тунги вақтда ишлаштинг қисқариши, ҳар йилги ҳақ тўланадиган таътиллар, ҳар ҳафтада дам олиш кунлари берилиши билан таъмин этилади.

44-модда. Давлат ҳар кимнинг мулкка ҳуқуқини кафолаттайти ва унга эга бўлишга кўмаклашади.

Мулкдор мол-мулкка якка ўзи, шунингдек бошқа шахслар билан биргаликда эга бўлиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқига эгадир. Мулкнинг дахлсизлиги, уни мерос қилиб олиш ҳуқуқи қонун билан муҳофаза қилинади.

Қонуний йўл билан эга бўлинган мулк давлат томонидан ҳимоя қилинади.

Давлат фуқароларнинг жамғармаларини рағбатлантиради ва муҳофаза қиласи, омонатларнинг қайтариб берилишига кафолатлар яратади.

Мол-мулкни мажбурий тарзда бегоналаштириш қонунда белгиланган шартлар ва тартибга риоя қилинган тақдирда ижтимоий зарурат сабабларига кўра бегоналаштирилган мол-мулкнинг қиймати ўз вақтида ва тўлиқ ўрни қопланган тақдирда, шунингдек, суд қарорига мувофиқ йўл қўйилади.

Мулкчилик ҳуқуқининг амалга оширилиши жамият фойдаси ва хавфсизлигига зид келмаслиги, атроф-муҳитга, тарихий-маданий бойликларга зарар етказмаслиги, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан

ҳимоя қилинадиган манфаатларини поймол қилмаслиги лозим.

45-модда. Беларусь Республикаси фуқароларининг соғлиқни сақлаш, шу жумладан давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида бепул даволаниш ҳуқуқи кафолатланади.

Давлат барча фуқаролар учун қулай тиббий хизмат кўрсатишга шарт-шароитлар яратиб беради.

Беларусь Республикаси фуқароларининг саломатликни муҳофаза қилиш ҳуқуқи, шунингдек, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, атроф муҳитни соғломлаштириш чора-тадбирлари, соғломлаштириш муассасаларидан фойдаланиш имконияти меҳнатни муҳофаза қилишни такомиллаштириш билан таъминланади.

46-модда. Ҳар ким шинам атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқига ва бу ҳуқуқнинг бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплатиш ҳуқуқига эгадир.

Давлат одамлар турмуш шароитини ҳимоя қилиш ва яхшилаш, шунингдек, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва тиклаш мақсадида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш устидан назоратни амалга оширади.

47-модда. Беларусь Республикаси фуқароларининг қариган чоғида, касал бўлганда, ногирон бўлиб қолганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонун назарда тутган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат уруш ва меҳнат фахрийлари тўғрисида, шунингдек, давлат ва жамоат манфаатларини ҳимоя қилишда соғлиғига путур етган шахслар ҳақида алоҳида ғамхўрлик қиласди.

48-модда. Беларусь Республикасининг фуқаролари уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эгадирлар. Бу ҳуқуқ давлат ва хусусий турар жой фондининг ривожлантирилиши, фуқароларга уй-жой сотиб олишда кўмаклашиш билан таъмин этилади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ бўлган фуқароларга уй-жой давлат ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш муассасалари томонидан бепул ёки улар учун қулай нархда қонунларга мувофиқ берилади.

Ҳеч ким ўзбошимчалик билан уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмас.

49-модда. Ҳар ким маълумот олиш ҳуқуқига эгадир.

Умумий ўрта ва ҳунар-техника таълим мининг қулайлиги ва бепуллиги кафолатланади.

Ўрта маҳсус ва олий таълим олиш ҳар кимнинг қобилиятига мувофиқ ҳамма учун баробардир. Ҳар ким танлов асосида давлат ўқув юртларида бепул тегишли маълумот олиши мумкин.

50-модда. Ҳар ким ўзининг Миллий мансублигини сақлаш ҳуқуқига эгадир, шунингдек, ҳеч кимнинг ўз миллий мансублигини аниқлаш ва кўрсатишга мажбур этилиши мумкин эмас.

Миллий қадр-қимматни ҳақоратлаш қонун билан таъқиб этилади.

Ҳар ким ўз она тилидан фойдаланиш, муомала тилини танлаш ҳуқуқига эгадир. Давлат тарбия ва таълим олиш тилини танлаш эркинлигини қонунга мувофиқ кафолатлайди.

51-модда. Ҳар ким маданий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқига эгадир. Бу ҳуқуқ давлат ва жамоат жамғармаларида мавжуд бўлган ватан ва жаҳон маданияти бойликларининг ҳамма учун баробарлиги, маданий-маърифий муассасалар тармоғининг ривожлантирилиши билан таъмин этилади.

Бадиий, илмий, техникавий ижод ва таълим эркинлиги кафолатланади.

Интеллектуал (ақлий) мулк қонун билан муҳофаза қилинади.

Давлат умум манфаатлари йўлида маданий, илмий ва техникавий тадқиқотларни ривожлантиришга қўмаклашади.

52-модда. Беларусь Республикаси ҳудудида яшаб турган ҳар бир шахс унинг Конституциясига, қонунларига риоя қилиши ва миллий аиъаналарини ҳурмат қилиши шарт.

53-модда. Ҳар ким бошқа шахсларнинг қадр-қиммати, ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳурмат қилиши шарт.

54-модда. Ҳар ким тарихий-маданий, маънавий месросни ва бошқа миллий қадриятларни авайлаб сақлаши шарт.

55-модда. Табий мұхитни муҳофаза қилиш ҳар кимнинг бурчидир.

56-модда. Беларусь Республикасининг фуқаролари давлат солиқлари, божлари ва бошқа түловларни түлаш йўли билан давлат харажатларини маблағ билан таъминлаб туришда иштирок этишлари шарт.

57-модда. Беларусь Республикасими ҳимоя қилиш — Беларусь Республикаси фуқаросининг вазифаси ва муқаддас бурчидир.

Ҳарбий хизматни ўташ тартиби, ҳарбий хизматдан озод қилиниш ёки уни муқобил хизмат билан алмаштириш асослари ва шароитлари қонун билан белгиланади.

58-модда. Ҳеч ким Беларусь Республикаси Конституциясида ва унинг қонунларида назарда тутилмаган вазифаларни бажаришга ёки ўз ҳуқуқларидан воз кешишга мажбур қилиниши мумкин эмас.

59-модда. Давлат Беларусь Республикаси фуқароларининг Конституцияда назарда тутилган ҳуқуқлари ва эркинликларини тұлық амалга оширишда зарур бўлган ички ва халқаро тартибини вужудга келтириш учун ўзига қулай бўлган барча чора-тадбирларни кўриши шарт.

Давлат функцияларини ижро этиш ишониб топширилган давлат органлари, мансабдор ва бошқа шахслар ўз ваколатлари доирасида шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга ошириш ҳамда ҳимоя қилиш учун зарур чора-тадбирларни кўришлари шарт.

Бу органлар ва шахслар шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар учун жавобгардирлар.

60-модда. Ҳар кимнинг ўз ҳуқуқларини ва эркинликларини қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ва холис суд томонидан ҳимоя қилиниши кафолатланади.

Фуқаролар ўз ҳуқуқлари, эркинликлари, ор-номуси ва қадр-қимматларини ҳимоя қилиш мақсадида мулкий зарарни, шунингдек, етказилган маънавий зарарни қонунга мувофиқ суд йўли билан моддий жиҳатдан ундириб олишга ҳақлидирлар.

61-модда. Ҳар ким, Беларусь Республикаси ратификация қилган халқаро-хуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг барча мавжуд ички давлат вoситалари тугаган бўлса, ўз ҳуқуқларини ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида халқаро ташкилотларга мурожаат қилишга ҳақлидир.

62-модда. Ҳар ким судда, бошқа давлат органларида, маҳаллий бошқарув органларида, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларида ва мансабдор шахслар ҳамда фуқаролар билан муносабатларда ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш ва ҳимоя қилиш учун юридик ёрдам олиш ҳуқуқига, шу жумладан исталган пайтда адвокатлар ва бошқа ўз вакилларининг ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир. Қонунда назарда тутилган ҳолларда ёрдам давлат маблағлари ҳисобидан кўрсатилади.

Беларусь Республикасида ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга қарши ҳаракат қилиш тақиқланади.

63-модда. Шахснинг ушбу Конституцияда назарда тутилган ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш фақат фавқулодда ва ҳарбий ҳолатлар шароитида Конституция ва қонунда белгиланган тартиб ҳамда доирада тўхтатиб қўйилиши мумкин.

Фавқулодда ҳолат даврида алоҳида чора-тадбирларни амалга оширишда Конституциянинг 24-моддасида, 25-моддасининг учинчи қисмида, 26, 31-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқлар чекланмаслиги мумкин.

III БЎЛИМ

САЙЛОВ ТИЗИМИ, РЕФЕРЕНДУМ

I боб

САЙЛОВ ТИЗИМИ

64-модда. Ҳаљқ томонидан давлат лавозимларига сайланадиган депутатларни ва бошқа шахсларни сайлаш умумий сайлов ҳисобланади; Беларусь Республикасининг 18 ёшга етган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Суд томонидан ҳуқуқий муомалага лаёқатсиз деб эътироф қилинган фуқаролар, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этилиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этмайдилар. Овоз беришда жиноятнинг олдини олиш чораси сифатида қамоқда сақланаётган шахслар иштирок этмайдилар. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини ҳар қандай тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди ва қонунга мувофиқ жазоланади.

Давлат лавозимларига сайланадиган депутатлар ва бошқа шахсларнинг ёш чегараси, агар Конституцияда бошқа нарсалар кўзда тутилмаган бўлса, тегишли қонулар билан бслгиланади.

65-модда. Сайлов эркин ҳисобланади: сайловчи сайловда қатнашишини ва ким учун овоз беришини шахсан ўзи ҳал қиласди.

Сайловни тайёрлаш ва ўтказиш очиқ ҳамда ошкора амалга оширилади.

66-модда. Сайлов тенг бўлади: сайловчилар тенг миқдорда овозга эга бўладилар.

Давлат лавозимларига сайланадиган номзодлар сайловда тенг асосларда иштирок этадилар.

67-модда. Депутатлар сайлови тўғридан-тўғри бўлади: депутатлар фуқаролар томонидан бевосита сайланадилар.

68-модда. Сайловда овоз бериш яширин ҳисобланади: овоз бериш жараёнида сайловчиларнинг хоҳишини назорат қилиш тақиқланади.

69-модда. Депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи қонунга мувофиқ, жамоат бирлашмаларига, меҳнат жамоаларига ва фуқароларга берилади.

70-модда. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш харажатлари ана шу мақсадлар учун ажратилган маблағлар доирасида давлат ҳисобидан амалга оширилади. Конунда кўзда тутилган ҳолларда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш харажатлари жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар

ва фуқаролар маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши мүмкін.

71-модда. Сайлов ўтказишни, агар Конституцияда бошқа нарса назарда тутилмаган бўлса, сайлов комиссиялари таъминлайди.

Сайлов ўтказиш тартиби Беларусь Республикаси қонунлари билан белгиланади.

Фавқулодда ёки ҳарбий ҳолат даврида сайлов ўтказилмайди.

72-модда. Депутатларни чақириб олиш қонунда назарда тутилган асосларга мувофиқ амалга оширилади.

Депутатни чақириб олиш тўғрисида овоз бериш депутатни сайлаш учун назарда тутилган тартибда, сайлов ҳуқуқига эга бўлган ва тегишли ҳудудда истиқомат қиласидаги фуқароларнинг камида йигирма фоизи ташаббуси билан ўтказилади.

Республика Кенгаши аъзоларини чақириб олиш асослари ва тартиби қонун билан белгиланади.

II боб

РЕФЕРЕНДУМ

(халқнинг овоз бериши)

73-модда. Давлат ва жамият ҳаётига доир энг муҳим масалаларни ҳал қилиш учун республика бўйича ва маҳаллий референдумлар ўтказилиши мумкин.

74-модда. Республика референдумлари Беларусь Республикаси Президентининг ўз ташаббуси билан, шунингдек, Вакиллар палатаси ҳамда Республика Кенгашининг таклифига кўра тайинланади, бу таклиф ҳар бир палатадан Конституцияда белгиланган таркиби (тўлиқ таркиби) кўпчилик овоз билан алоҳида-алоҳида мажлисларда қабул қилинади, ёхуд сайлов ҳуқуқига эга бўлган камида 450 минг фуқаронинг шу жумладан ҳар бир вилоятдан ва Минск шаҳридан камида 30 минг фуқаронинг таклифи билан тайинланади.

Президент қонунга мувофиқ ўзининг кўриб чиқишига вакиллар палатаси ва Республика Кенгаши таклифлари ёки фуқароларнинг референдум ўтказиш тўғриси-

даги таклифи киритилгандан кейин республика референдумини тайинлайди.

Референдумни ўтказиш санаси Президентнинг референдумни тайинлаш тўғрисидаги фармони чиққан кундан эътиборан узоги билан уч ой ичнда белгиланади.

Республика референдуми қабул қилган қарорлар Беларусь Республикаси Президенти томонидан имзоланади.

75-модда. Маҳаллий референдумлар тегишли маҳаллий органлар томонидан ўз ташаббуси билан ёки сайлов ҳуқуқига эга бўлган ва тегишли ҳудудда истиқомат қиласидаги фуқароларнинг камидаги ўн фонзи таклифи билан тайинланади.

76-модда. Референдумлар умумий, эркин, тенг ва яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Референдумларда Беларусь Республикасининг сайлов ҳуқуқига эга бўлган фуқаролари иштирок этадилар.

77-модда. Референдум қабул қилган қарорлар, агар референдум бошқа нарсани белгиламаган бўлса, фақат референдум йўли билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.

78-модда. Республика бўйича ва маҳаллий референдумларни ўтказиш тартиби, шунингдек, референдумга қўйилиши мумкин бўлмаган масалалар рўйхати Беларусь Республикасининг қонуни билан белгиланади.

IV БУЛІМ

ПРЕЗИДЕНТ, ПАРЛАМЕНТ, ҲУҚУМАТ, СУД

III боб

БЕЛАРУСЬ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ

79-модда. Беларусь Республикасининг Президенти давлат Бошлиғи, Беларусь Республикаси Конституциясининг, инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларининг гарanti ҳисобланади.

Президент халқ бирлигини гавдалантиради, ички ва ташқи сиёсатда асосий йўналишларнинг амалга оши-

рилишини кафолатлайди, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан бўладиган муносабатларда Беларусь Республикасининг вакили бўлиб қатнашади. Президент Беларусь Республикасининг суверенитетини, унинг Миллий хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини кўради, сиёсий ва иқтисодий барқарорликни, давлат ҳокимияти органларининг ворисийлиги ва ўзаро ёрдам кўрсатишини таъминлайди, давлат ҳокимияти органлари ўртасида воситачиликни амалга оширади.

Президент дахлсиздир, унинг ор-номуси ва қадр-қиммати қонун билан муҳофаза қилинади.

80-модда. Беларусь Республикасида туғилган, 35 ёшдан кичик бўлмаган, сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ва Беларусь Республикасида бевосита сайлов олдидан камида ўн йил доимий истиқомат қилиб келган фуқаро Президент қилиб сайланishi мумкин.

81-модда. Президент беш йилга бевосита Беларусь Республикаси халқи томонидан умумий, эркин, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Айни бир шахс икки муддатдан ортиқ Президент бўлиши мумкин эмас.

Президент лавозимига номзодлар Беларусь Республикаси фуқаролари томонидан сайловчиларнинг камида 100 минг овози бўлган тақдирда кўрсатилади.

Президент сайлови Вакиллар палатаси томонидан камида беш ой олдин тайинланади ва аввалги Президентнинг ваколатлари тугашидан кечи билан икки ой илгари ўтказилади.

Агар Президент лавозими бўш бўлса, сайлов бўш ўрин очилган кундан эътиборан камида 30 кундан кейин ва кечи билан 70 кун ичida ўтказилади.

82-модда. Агар овоз беришда Беларусь Республикасининг сайловчилар рўйхатига киритилган фуқароларининг ярмидан кўпи иштирок этган бўлса, сайлов ўтказилди деб ҳисобланади.

Агар Президент учун овоз беришда қатнашган Беларусь Республикаси фуқароларининг ярмидан кўпи овоз берган бўлса, Президент сайланган ҳисобланади.

Агар номзодлардан бирортаси ҳам зарур миқдорда овоз ололмаган бўлса, у ҳолда икки ҳафта муддат ичи-

да сайловчиларнинг эиг кўп миқдордаги овозини олган икки номзод бўйича овоз беришинг иккинчи тури ўтказилади. Такрор овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг ярмидан кўпроғи овозини олган номзод Президентликка сайланган ҳисобланади.

Президент сайловини ўтказиш тартиби Беларусь Республикасининг қонуни билан белгиланади.

83-модда. Президент ушбу мазмундаги қасамёдни қабул қилгандан кейин лавозимга киришади:

«Беларусь Республикаси Президенти лавозимига киришар эканман, Беларусь Республикаси халқига садоқат билан хизмат қилишга, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳурматлаш ва муҳофаза қилишга, Беларусь Республикасининг Конституциясига риоя этиш ва уни ҳимоя қилишга, зиммамга юкландган юксак вазифаларни муқаддас билиб, вижданан бажаришга тантанали равишда қасамёд қиласман».

Қасамёд Республика Вакиллар палатаси депутатлари ва Республика Кенгаши аъзолари, Конституциявий, Олий ва Олий Ҳужалик судлари судьялари иштирокида Президент сайланган кундан эътиборан икки ойдан кечиктирмай тантанали вазиятда қабул қилинади. Янги сайланган Президент Қасамёд қилган пайтдан бошлаб аввалги Президентнинг ваколатлари тўхтатилади.

84-модда. Беларусь Республикасининг Президенти:

- 1) Республика референдумларини тайинлайди;
- 2) Вакиллар палатасига, Республика кенгашига ва маҳаллий вакиллик органларига навбатдаги ва навбатдан ташқари сайловларни тайинлайди;
- 3) Конституцияда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда палаталарни тарқатиб юборади;
- 4) сайловлар ва республика референдумларини ўтказиш бўйича Беларусь Республикаси Марказий комиссиясининг олти аъзосини тайинлайди;
- 5) Беларусь Республикаси Президенти маъмуриятини, давлат бошқаруви бошқа органларини, шунингдек, Президент ҳузуридаги консультатив-маслаҳат ҳамда бошқа органларни тузади, бекор қиласмида ва қайтадан ташкил этади;
- 6) Вакиллар Палатаси розилиги билан Баш министрни лавозимга тайинлайди;
- 7) Беларусь Республикаси Ҳукумати таркибини бел-

гилайди, Баш министр ўринбосарларини, министрларни ва Ҳукуматнинг бошқа аъзоларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қиласи, Ҳукуматнинг ёки унинг аъзоларининг истеъфога чиқиши тўғрисида қарор қабул қиласи;

8) Республика Кенгаши розилиги билан Конституциявий Суд Раисини, Олий Суд Раисини, Олий Хужалик Суди Раисини ана шу судларнинг судьялари орасидан лавозимга тайинлайди;

9) Республика Кенгаши розилиги билан Олий Суд судьяларини, Олий Хўжалик Суди судьяларини, Сайловлар ва республика референдумларини ўтказиш Марказий комиссияси Раисини, Баш прокурорни, Миллий банк бошқаруви Раиси ва аъзоларини лавозимга тайинлайди;

10) Конституциявий Суднинг олти судьясини, Беларусь Республикасининг бошқа судьяларини тайинлайди;

11) Конституциявий Суд Раисини ва судьяларини, Олий Суд Раисини ва судьяларини, Олий Хужалик Суди Раисини ва судьяларини, Сайловлар ва республика референдумларини ўтказиш Марказий Комиссияси Раисини ва аъзоларини, Баш прокурорни, Миллий банк Бошқаруви Раиси ва аъзоларини қонунда назарда тутилган асослар бўйича, Республика Кенгашини хабардор қилган ҳолда лавозимдан озод қиласи;

12) Давлат назорат комитети Раисини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қиласи;

13) давлатдаги ахвол тўғрисида ва ички ҳамда ташки сиёsatнинг асосий йўналишлари ҳақида Беларусь Республикаси халқига мактублар билан мурожаат қиласи;

14) ҳар йилги мактублар билан Парламентга мурожаат қиласи, бу мактублар Вакиллар палатаси ва Республика Кенгаши мажлисларида муҳокамасиз тингланади; парламент ва унинг органлари ишида иштирок этиш, улар олдида исталган вақтда нутқ ёки ахборот билан сўзга чиқиши ҳуқуқига эгадир;

15) Беларусь Республикаси Ҳукуматининг мажлисларида раислик қилиш ҳуқуқига эгадир.

16) Республика давлат бошқаруви органлари раҳбарларини тайинлайди ва уларнинг мақомини белгилаб беради; Президентнинг Парламентдаги вакилларини ва, агар Конституцияда бошқа нарса назарда тутилмаган бўлса, лавозимлари қонунларга мувофиқ белгиланган бошқа мансабдор шахсларни тайинлайди;

17) Беларусь Республикаси фуқаролигига қабул қи-
лиш, уни тұхтатиш ва бошпана бериш тұғрисидаги ма-
салаларни ҳал қиласы;

18) давлат байрамларини ва байрам күнларини бел-
гилайди, давлат мукофотлари билан мукофотлайди, да-
ражали унвонлар ва номлар беради;

19) ұукм қилингандарни авф этишни амалга оши-
ради;

20) Халқаро музокаралар олиб боради ва шартнома-
ларни имзолайди, Беларусь Республикасининг хорижий
давлатлардаги ва халқаро ташкилотлардаги диплома-
тик вакилларини тайинлайди ва чақириб олади;

21) ұз ұзурига вакыл қилиб юборилган хорижий
давлатлар дипломатия вакилларининг ишонч ва чақириб
олиш ҳақидаги ёрлиқларини қабул қиласы;

22) табиий оғат, ҳалокат рүй берган тақдирда, шу-
нингдек, бир гурұх шахслар ва ташкилотларнинг зұра-
вонлиги ёки зұравонлик тақдиди оқибатида тартибсиз-
ликлар рүй берган, булар натижасыда одамлар ҳаёті
ва соғлығига, давлатнинг яхлитлиғи ва мавжуд ҳаётіга
хавф-хатар вужудға келгандықтан, Беларусь Респуб-
ликаси ҳудудида ёки унинг айрим жойларыда фавқу-
лодда ҳолат жорий қиласы да уч күн муддат ичида қа-
бул қилингандарни Республика Кенгашы тасдиғига
киритади;

23) Қонунда назарда тутилған ҳолларда иш ташлаш
ұтказиши кечиктиришга ёки тұхтатишина (лекин күпі
билан уч ой муддатта) ҳақлиидір;

24) қонунларни имзолайди; Конституцияда белги-
ланған тартибда қонун ёки унинг айрим қоидаларини ұз
әзтиrozлари билан Вакиллар палатасына қайтарып юбо-
риш ҳуқуқига әгадір;

25) Ҳукумат ҳужжатларини бекор қилиш ҳуқуқига
әгадір;

26) бевосита ёки үзи томонидан тузиладиган ор-
гандар орқали маҳаллий бошқарув органлары ва үзини
үзи идора қилиши органларининг қонунларға риоя этиши-
ни назорат қилиши амалга оширади; депутатлар маҳал-
лий Кенгашлари қарорларини тұхтатиб қўйиш ва улар
қонунларға мос келмаган тақдирда маҳаллий ижро
этувчи ва фармойиш берувчи органлар қарорларини
бекор қилиш ҳуқуқига әгадір;

27) Беларусь Республикасининг Хавфсизлик Кенга-
шини тузади ва унга бошчилек қиласы; Хавфсизлик

Кенгаши Давлат котибини лавозимга тайнилайди ва лавозимдан озод қиласиди;

28) Беларусь Республикаси Қуролли кучларининг бош қўмондони ҳисобланади; Қуролли Кучларнинг олий қўмондонларини лавозимга тайнилайди ва лавозимдан озод қиласиди;

29) Ҳарбий таҳдид ёки ҳужум қилинганда тақдирда Беларусь Республикаси ҳудудида ҳарбий ҳолат жорий қиласиди, тўлиқ ёки қисман сафарбарлик эълон қиласиди ва қабул қилинган қарорни уч кун муддат ичида Республика Кенгаши тасдиғига киритади;

30) Конституция ва қонунлар ўзига юкланган бошқа ваколатларни амалга оширади.

85-модда. Президент Конституция асосида ва унга мувофиқ Беларусь Республикасининг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар ва фармойишлар чиқаради.

Конституцияда назарда тутилган ҳолларда Президент қонун кучига эга бўлган декретлар чиқаради. Президент бевосита ёки ўзи тузадиган органлар орқали декретлар, фармонлар ва фармойишларнинг ижро этилишини таъминлайди.

86-модда. Президент бошқа лавозимларни эгаллаши, иш ҳақидан ташқари бошқа пул маблағлари олиши мумкин эмас, фан, адабиёт ва санъат асарлари учун қалам ҳақлари бундан мустаснодир.

Президент сиёсий партиялар ва сиёсий мақсадларни кўзда тутувчи бошқа жамоат бирлашмаларига аъзоликни бутун ваколатлари муддатида тўхтатиб қўяди.

87-модда. Президент истаган вақтида истеъфо берини мумкин. Президентнинг истеъфоси Вакиллар палатаси томонидан қабул қилинади.

88-модда. Беларусь Республикаси Президенти соғлиғи туфайли Президент вазифаларини барқарор бажаришга қодир бўлмаган тақдирда муддатидан олдин лавозимдан озод қилиниши мумкин. Президентнинг муддатдан олдин озод қилиниши тўғрисидаги қарор Вакиллар палатаси тўлиқ таркибининг камидаги учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овоз билан ва Республика Кенгаши тўлиқ таркибининг камидаги учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овоз билан палаталар махсус таш-

кил этадиган комиссиянинг хулосаси асосида қабул қилинади.

Президент давлатга хиёнат қилганлиги ёки бошқа оғир жиноят содир этганлиги муносабати билан лавозимидан олиб ташланиши мумкин. Агар айб қўйилиши ва унинг тергов қилиниши тўғрисидаги қарорга Вакиллар палатасининг тўлиқ таркибидан унинг депутатларидан камида учдан бир қисми таклифи билан кўпчилик овоз берса, қарор қабул қилинган ҳисобланади. Қўйилган айбни текширишни Республика Кенгаши ташкил этади. Агар мазкур қарор учун Республика Кенгаши тўлиқ таркибининг камида учдан икки қисми, шунингдек, Вакиллар палатаси тўлиқ таркибининг камида учдан икки қисми, шунингдек, Вакиллар палатаси тўлиқ таркибининг камида учдан икки қисми овоз берса, Президент лавомиздан олиб ташланган ҳисобланади.

Президентни лавозимдан олиб ташлаш тўғрисидаги қарорнинг айб қўйилган кундан эътиборан, бир ой мобайнида Республика Кенгаши ва Вакиллар палатаси томонидан қабул қилинмаганлиги айловнинг рад этилганлигини билдиради. Президентни лавозимдан олиб ташлаш тўғрисидаги таклифнинг Конституцияга мувофиқ Парламент ваколатларининг муддатидан олдин тўхатилиши тўғрисидаги масала кўриб чиқилаётган даврда кўзда тутилиши мумкин эмас.

Жиноят содир этилганлиги муносабати билан президент лавозимдан олиб ташланган тақдирда айлов мөхияти Олий Суд томонидан қараб чиқиласди.

89-модда. Президент лавозими бўш бўлган тақдирда ёки у Конституцияда назарда тутилган асосларга кўра ўз вазифаларини ижро этолмаётган тақдирда унинг ваколатлари янги сайланган Президент қасамёд қабул қилгунига қадар Бош министрга ўтади.

IV боб

ПАРЛАМЕНТ – МИЛЛИЙ МАЖЛИС

90-модда. Беларусь Республикасининг Парламенти — Миллий Мажлис Беларусь Республикасининг ваколатли ва қонун чиқарувчи органи ҳисобланади.

Парламент икки палатадан — Вакиллар палатаси ва Республика Кенгашидан ташкил топади.

91-модда. Вакиллар палатасининг таркиби 110 депутатдан иборат. Вакиллар палатаси депутатларини сайлаш қонунга мувофиқ равишда умумий, эркин, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади.

Республика Кенгаши ҳудудий вакиллик палатаси ҳисобланади. Ҳар бир вилоят ва Минск шаҳридан депутатлар ҳар бир вилоят ва Минск шаҳрининг асосий даражадаги маҳаллий кенгашлари депутатлари йифилишила-рида Республика Кенгашининг саккизтадан аъзоси яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Республика Кенгашининг саккизта аъзосини Беларусь Республикаси Президенти тайинлайди.

Парламент Палаталари янги таркибини сайлаш амалдаги чақириқ палаталарининг ваколатлари тугашидан камида тўрт ой олдин тайинланади ва бу муддат тугашидан олдин 30 кундан кечиктирмай ўтказилади.

Парламент палаталарининг навбатдан ташқари сайлови Парламент палаталарининг ваколатлари муддатидан олдин тўхтатилиши кунидан эътиборан уч ой мобайнида ўтказилади.

92-модда. Беларусь Республикасининг 21 ёшга етган фуқароси Вакиллар палатасининг депутати бўлиши мумкин.

Беларусь Республикасининг 30 ёшга етган ва тегишли вилоятнинг, Минск шаҳрининг ҳудудида камида беш йил яшаган фуқароси Республика Кенгашининг аъзоси бўлиши мумкин.

Вакиллар палатасининг депутатлари Парламентдаги ўз ваколатларини, агар Конституцияда бошқа нарсалар назарда тутилмаган бўлса, касбий асосда амалга оширадилар. Вакиллар палатасининг депутати айни вақтда Ҳукумат аъзоси бўлиши ҳам мумкин.

Бир депутат бир вақтнинг ўзида Парламентнинг иккита палатасига аъзо бўлиши мумкин эмас. Республика Кенгашининг аъзоси бир вақтнинг ўзида Ҳукумат аъзоси бўлиши мумкин эмас. Вакиллар палатаси депутатининг, Республика Кенгаши аъзосининг ўз вазифаларини айни вақтда Президент ёки судья лавозимларини эгаллаш билан бирга қўшиб олиб боришига йўл қўйилмайди.

93-модда. Парламент ваколатлари муддати тўрт йилдир. Парламент ваколатлари фақат уруш бўлган тақдирдагина қонун асосида узайтирилиши мумкин.

Парламент палаталарининг сайловдан кейинги биринчи сессияси сайловлар ва республика референдумларини ўтказувчи Марказий комиссия томонидан чақирилади ва ўз ишини сайловдан кейин 30 кундан кечикмай бошлайди. Вакиллар палатаси биринчи сессиясини чақириш ва унинг иш бошлашига доир ўттиз кунлик муддатни ҳисоблаш унинг янги таркибини сайлаш бўйича овоз беришнинг иккинчи тури бошланган кундан эътиборан амалга оширилади. Агар Вакиллар палатасига сайловлар бўйича овоз беришнинг иккинчи тури ўтказилмаса, ўттиз кунлик муддатни ҳисоблаш Беларусь Республикасига умумий сайловларининг биринчи тури ўтказилган кундан бошлаб амалга оширилади. Республика Кенгаши биринчи сессиясини чақириш ва унинг иш бошлашига доир ўттиз кунлик муддатни ҳисоблаш вилоят ёки Минск шаҳридан Республика Кенгаши аъзолариини сайлаш бўйича асосий даража депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари биринчи мажлиси кунидан бошлаб амалга оширилади.

Конституцияда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Вакиллар палатаси ёки Республика Кенгашининг ваколатлари муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин. Вакиллар палатаси ёки Республика Кенгаши ваколатларининг тўхтатилиши муносабати билан Президентнинг қарорига кўра, тегишли равишда Республика Кенгаши ёки Вакиллар палатаси ваколатлари ҳам тўхтатилиши мумкин.

94-модда. Ҳукуматга ишонч билдириш рад қилинган, Ҳукуматга ишончсизлик билдирилган тақдирда ёки Бош министри тайинлашга розилик беришда икки марта рад жавоби олинган тақдирда, Вакиллар палатасининг ваколатлари муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин.

Вакиллар палатаси ёки Республика Кенгашининг ваколатлари, шунингдек, Парламент палаталари Конституцияни мунтазам равишда ёки қўполлик билан бузиб келган тақдирда Конституциявий Суд хулосаси асосида ҳам муддатидан олдин тўхтатиб қўйилиши мумкин.

Президент бу масалалар юзасидан палаталар вакиллари билан расмий равишда маслаҳатлашиб олгандан кейин кўпин билан икки ой муддат ичida қарорлар қабул қиласди.

Палаталар фавқулодда ҳолат ёки уруш ҳолати даврида, Президент ваколатларининг охирги олти ойи мо-

байнида, Президентни муддатдан олдин лавозимидаң озод қилиш ёки олиб ташлаш тұғрисидаги масала палаталар томонидан ҳал қилинаётган даврда тарқатиб юбориши мүмкін әмас.

Палаталарнинг дастлабки мажлислари бўлиб ўтган кундан бошлаб бир йил мобайнида уларнинг тарқатиб юборишига йўл қўйилмайди.

95-модда. Палаталар бир йилда иккита навбатдаги сессияга йигиладилар.

Биринчи сессия 2 октябрда очилади; унинг давом этиши саксон кундан ошмаслиги лозим.

Иккинчи сессия 2 апрелда очилади; унинг давом этиши тўғсон кундан ошмаслиги керак.

Агар 2 октябрь ёки 2 апрель иш куни бўлмаган кунга тўғри келиб қолса, сессия шу кундан кейин келадиган биринчи иш кунидаги очилади.

Вакиллар налатаси, Республика Кенгашин алоҳида зарурат бўлган тақдирда Президент ташабbusи билан, шунингдек, ҳар бир палатанинг тўлиқ таркибидан камидага учдан икки қисмининг овоз берини, яъни кўпчиликнинг талаби билан муайян кун тартиби асосида навбатдан ташқари сессияга чақирилади. Навбатдан ташқари сессиялар Президент фармонлари билан чақирилади.

96-модда. Вакиллар налатаси ўз таркибидан Вакиллар палатаси раисини ва унинг ўринбосарини сайлайди.

Республика Кенгашин ўз таркибидан Республика Кенгашин Раисини ва унинг ўринбосарини сайлайди.

Вакиллар палатасининг ва Республика Кенгашининг Раислари, уларнинг ўринбосарлари палаталарнинг мажлисларини олиб борадилар ва уларнинг ички тартибини бошқарадилар.

Вакиллар палатаси ва Республика Кенгашин ўз таркибидан қонун лойиҳалари ишини юритиш, палаталар олиб борадиган масалаларни кўриб чиқиш ва тайёрлаш учун доимий комиссиялар ҳамда бошқа органларни сайлайди.

97-модда. Вакиллар налатаси:

1) Президентнинг таклифи билан ёхуд Беларусь Республикасининг сайлов ҳуқуқига эга бўлган камидаги 150 минг фуқароси ташабbusи билан Конституцияга ўз-

гаришлар ва құшимчалар киритиш тұғрисида, Конституцияни талқин қилиш ҳәқида қонун лойиҳаларини күриб чиқади;

2) қонун лойиҳаларини, шу жумладан Беларусь Республикасининг ички ва ташқи сиёсати асосий йұналишларини тасдиқлаш тұғрисидаги қонун лойиҳаларини; ҳарбий доктринани; халқаро шартномаларни ратификация қилиш ва денонсация (бекор деб әълон қилиш) тұғрисидаги қонун лойиҳаларини; фуқароларнинг ҳуқуқлари, әркінліклари ва бурчларының асосий мазмуны ва уларни амалга ошириш тамойиллари ҳақидаги; ажнағый фуқаролар ва фуқаролиги йүқ шахсларнинг фуқаролиги мақоми тұғрисидаги; кам сонли миллиларнинг ҳуқуқлари тұғрисидаги; республика бюджетини ва уннинг ижроси ҳақидаги ҳисоботни тасдиқлаш тұғрисидаги; республика солиқлари ва йиғимларини жорий этиш ҳақидаги; мұлкчилик мұносабатларини амалга ошириш тамойиллари тұғрисидаги; ижтимоий ҳимоялаш асослары ҳақидаги; мәхнат ва иш билан бандлыкни тартибга солиш тамойиллари тұғрисидаги; никоҳ, оила, болалик, оналик, тарбия, таълим, маданият ва соғлиқни сақлаш тұғрисидаги; атроф мұхитни мұхофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилюна фойдаланиш тұғрисидаги; давлатнинг маъмурий-худудий тузилиши масалаларини ҳал қилиш тартибини белгилаш тұғрисидаги; маҳаллій ўзини ўзи бошқарыш тұғрисидаги; суд тузилиши, судда иш юритиш ва судьяларнинг мақоми тұғрисидаги; жиной жавобгарлик тұғрисидаги; амнистия ҳақидаги; уруш әълон қилиш ва сулҳ тузиш тұғрисидаги; ҳарбий ва фавқулодда ҳолатнинг ҳуқуқый режими тұғрисидаги; давлат мүкофотларини белгилаш тұғрисидаги; қонуларни талқин қилиш ҳақидаги қонун лойиҳаларини күриб чиқади;

3) Президент сайловини тайинлайди;

4) Президентнинг Бөш министрни тайинлашига розилик билдиради;

5) Бөш министрнинг Ҳукумат фаолияти дастури тұғрисидаги маърузасини тиіглайди ва бу дастанури маъқуллайди ёки рад қиласы; палатанинг дастанури такроран рад қилиши Ҳукуматта ишончсызлик билдиришини ифодалайди;

6) Бөш министрнинг ташаббуси билан Ҳукуматта ишонч билдириши тұғрисидаги масаланы күриб чиқади;

7) Вакиллар палатаси тұлиқ таркибидан камида уч-

дан бир қисмнинг ташаббуси билан Ҳукуматга ишонч-сизлик билдиришни ифодалайди; Ҳукуматнинг фаолият дастури маъқуллангандан кейин бир йил мобайнида унинг масъулияти тўғрисида масала қўйилиши мумкин эмас;

8) Президентнинг истеъфосини қабул қиласди;

9) Вакиллар палатасининг тўлиқ таркибидан кўпчилик овоз билан Президентга нисбатан унга давлатга хиёнат қилганликда ёки бошқа оғир жиноят қилганликда айблов билдиради; Республика Қенгашининг тегишли Қарори асосида тўлиқ таркибдаги овозларининг камидан учдан икки қисмидан иборат кўпчилик билан Президентни лавозимдан олиб ташлаш тўғрисида қарор қабул қиласди;

10) Вакиллар палатаси Раисининг фармойишларини бекор қиласди.

Вакиллар палатаси, агар Конституцияда назарда тутилган бўлса, бошқа масалалар юзасидан ҳам қарорлар қабул қилиши мумкин.

98-модда. Республика Қенгashi:

1) Вакиллар палатаси томонидан қабул қилинган Конституцияга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги; Конституцияни талқин қилиш ҳақидаги қонунларнинг лойиҳаларини; бошқа қонун лойиҳаларини маъқуллайди ёки рад қиласди;

2) Президент томонидан Конституциявий Суд Раисини, Олий Суд Раиси ва судьяларини, Олий Хўжалик Суди Раиси ва судьяларини, Сайлловлар ва республика референдумларини ўтказиш бўйича Марказий комиссия Раисини, Бош Прокурорни, Миллий банк Бониқарувни Раиси ва аъзоларини тайинланишига розиллик беради;

3) Конституциявий Судининг олти судъясини сайладиди;

4) Беларусь Республикасининг Сайлловлар ва республика референдумларини ўтказиш бўйича Марказий комиссиясининг олти аъзосини сайладиди;

5) депутатлар маҳаллий Қенгашларининг қонунчиликка мос келмайдиган қарорларини бекор қиласди;

6) депутатлар маҳаллий Қенгashi қонунчилик талабларини мунтазам равишда ёки қўпол равишда бузган ҳолларда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда уни тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қиласди;

7) Вакиллар Палатасининг Президентга қарши унинг давлатга хиёнат қилишда ёки бошқа оғир жиноят со-дир этишда илгари сурган айномасини кўриб чиқади, уни тергов қилиш тўғрисида қарор қабул қиласди. Асос-лар мавжуд бўлган тақдирда Президентни лавозими-дан олиб ташлаш тўғрисида тўлиқ таркибнинг камидা учдан икки қисми овозларидан иборат кўпчилик билан қарор қабул қиласди;

8) Президентнинг фавқулодда ҳолат, ҳарбий ҳолат, тўлиқ ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш тўғрисида-ти фармонларини кўриб чиқади ва улар киритилгандан кейин уч кун муддатдан кечиктирмай тегишли қарор қа-бул қиласди.

Республика Кенгаши, агар Конституцияда назарда тутилган бўлса, бошқа масалалар юзасидан ҳам қарор-лар қабул қилиши мумкин.

99-модда. Президент, Вакиллар палатаси депутатла-ри, Республика кенгаши, Ҳукумат, шунингдек, сайлаш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар (улар камида 50 минг киши бўлиши лозим) қонун чиқариш ташабbusи ҳуқуқи-га эгадирлар ва бу ҳуқуқ Вакиллар палатасида амалга оширилади.

Қонун лойиҳалари Вакиллар Палатасига фақат Пре-зидентнинг розилиги билан ёки унинг ҳукуматга топши-рифи асосида киритилиши мумкин, уларниң қабул қи-линиши оқибатида давлат маблағлари қисқартирилиши, харажатлар вужудга келтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин.

Президент ёки унинг топшириғига мувофиқ Ҳукумат Вакиллар палатасига ва Республика Кенгашига қонун лойиҳасини кўриб чиқишни шошилинч деб эълон қилиш тўғрисидаги таклифларни киритиш ҳуқуқига эгадирлар. Вакиллар палатаси ва Республика Кенгаши бундай ҳол-да мазкур лойиҳани ўзлари кўриб чиқишлари учун ки-ритилган кундан эътиборан ўн кун ичida кўриб чиқиш-лари лозим.

Президентнинг ёхуд унинг розилиги билан Ҳукумат-нинг, талабига кўра Вакиллар палатаси, Республика Кенгаши ўз мажлисларида умуман Президент ёки ҳу-кумат томонидан тақдим этилган лойиҳа ёки унинг бир қисми учун овоз бериб қарор қабул қиласдилар, фақат

Президент ёки Ҳукумат томонидан таклиф этилган ёки қабул қилингандан тузатишларнигина сақлаб қоладилар.

100-модда. Ҳар қандай қонун лойиҳаси, агар Конституцияда бошқа нарсалар кўзда тутилмаган бўлса, дастлаб Вакиллар палатасида, сўнгра Республика Кенгашида кўриб чиқилади.

Қонун лойиҳаси, Конституцияда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, Вакиллар палатаси томонидан қабул қилиниб, Республика Кенгаши маъқуллагандан кейин ҳар бир палатанинг тўлиқ таркибидағи овозларнинг кўпчилиги билан қонунга айланади.

Вакиллар палатаси қабул қилган қонун лойиҳалари беш кун ичидаги кўриб чиқиш учун Республика Кенгашига тақдим этилади, у ерда, агар Конституцияда бошқа нарсалар кўзда тутилмаган бўлса, кўпи билан йигирма кун ичидаги кўриб чиқилиши мумкин.

Агар қонун учун Республика Кенгашининг тўлиқ таркибида кўпчилиги овоз берса ёки йигирма кун мобайнида, қонун лойиҳаси шошилинч деб эълон қилингандан тақдирда эса — у киритилган кундан эътиборан ўн кун мобайнида Республика Кенгаши томонидан кўриб чиқилмаган бўлса, у Республика Кенгаши томонидан маъқулланган ҳисобланади. Қонун лойиҳаси Республика Кенгаши томонидан рад қилингандан тақдирда палаталар вужудга келган келишмовчиликни бартараф этиш учун тенг ҳуқуқлилик асосида ташкил этиладиган келиштирувчи комиссия тузишлари мумкин. Келиштирувчи комиссия тузиб чиқсан қонун лойиҳасининг матни ҳар иккала палатага маъқуллаш учун тақдим этилади.

Агар келиштирувчи комиссия қонун лойиҳасининг келишиб олинган матнини қабул қилмаган бўлса, Президент ёки унинг топшириғига кўра Ҳукумат Вакиллар палатасининг узил-кесил қарор қабул қилишини талаб этишлари мумкин. Қонун учун Вакиллар палатасининг тўлиқ таркибидан камидан учдан икки қисми овоз берган тақдирда у Вакиллар палатаси томонидан қабул этилган ҳисобланади.

Вакиллар палатаси қабул қилган ва Республика Кенгаши маъқуллаган ёхуд Вакиллар палатаси ушбу мөддада назарда тутилган тартибда қабул қилган қонун ўн кун муддат ичидаги Президентга имзолаш учун тақдим этилади. Агар Президент қонун матнига рози бўлса, уни имзолайди. Агар Президент бирон-бир қо-

иунни ўзига тақдим этилгандан кейин икки ҳафта мобайнида қайтариб бермаса, қонун имзоланган ҳисобланади. Агар қонун сессия тамом бўлиши муносабати билан Парламентга қайтаришмай қолган бўлса, у имзоланмаган ҳисобланади ва кучга кирмайди.

Президент қонун матнига қўшилмаган тақдирда уни ўз эътиrozлари билан Вакиллар палатасига қайтаради, палата қонунни Президент эътиrozлари билан ўттиз кундан кечиктирмай кўриб чиқиши лозим. Агар Вакиллар палатасининг тўлиқ таркибидан камида учдан икки қисми, яъни кўпчилик қонунни қабул қиласа, у Президентнинг эътиrozлари билан биргаликда беш кун муддат ичida Республика Қенгашига юборилади, Республика Қенгаши ҳам йигирма кундан кечиктирмай қонунни такроран кўриб чиқиши лозим. Агар қонун Республика Қенгаши тўлиқ таркибининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан маъқулланса, у қабул қилинган ҳисобланади. Вакиллар палатаси ва Республика Қенгаши Президентнинг эътиrozларини бартараф этганидан кейин беш кун муддат ичida қонун Президент томонидан имзоланади. Агар қонун ана шу муддат ичida Президент томонидан имзоланмаса ҳам кучга кираверади.

Палаталар худди ана шундай тартибда Президент томонидан қилинган қонуннинг айrim қоидаларига доир эътиrozларни қараб чиқадилар, улар тақрор овоз бериш учун қайтарилади. Бундай ҳолда Вакиллар Палатаси ва Республика Қенгаши томонидан тегишли қарор чиқарилгунга қадар Президент қонунни имзолайди ва у кучга киради, Президентнинг эътиrozлари бўлган қоидалар бундан мустаснодир.

101-модда. Вакиллар палатаси ва Республика Қенгаши палаталар тўлиқ таркибидан кўпчилик овоз билан қабул қилинган қонун асосида Президентнинг таклифиға кўра, унга қонун кучига эга бўлган декретларни чиқариш ваколатини топширишлари мумкин. Бу қонун Президентнинг декретлар чиқаришга доир ваколатларини тартибга солиш предмети ва муддатини белгилаб бериши лозим.

Президентга Конституцияни ўзгартириш ва унга қўшимча киритишини, уни талқин қилишни; дастурий қонунларни ўзгартириш ва тўлдиришни; республика бюджетини ва унинг ижроси тўғрисидаги ҳисботни тасдиқ-

лашни; президент ва Парламент сайловлари тартибини ўзгартиришни; фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклашни назарда тутувчи декретлар чиқариш ваколатларини топширишга йўл қўйилмайди. Президентга қонун чиқариш ваколатларини топшириш тўғрисидаги қонун унга бу қонунни ўзгартиришга рухсат этиш, шунингдек, тескари кучга эга бўлган нормалар қабул қилиш ҳуқуқини бериши мумкин эмас.

Алоҳида зарурат туфайли Президент ўз ташаббуси ёки Ҳукуматнинг таклифи билан қонун кучига эга бўлган муваққат декретлар чиқариши мумкин. Агар бундай декретлар Ҳукумат таклифи билан чиқарилса, улар Бош министр имзоси билан тасдиқланади. Муваққат декретлар уч кун муддат ичida Вакиллар палатасига қараб чиқиш учун, сўнгра Республика Кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим этилиши лозим. Агар бу декретлар палаталардан ҳар бирининг тўлиқ таркибининг камидан учдан икки қисми, яъни кўпчилик билан бекор қилинмаган бўлса, ўз кучини сақлаб қолади. Палаталар бекор қилинган декретлар асосида вужудга келган муносабатларни қонун билан тартибга солишлари мумкин.

102-модда. Вакиллар палатасининг депутатлари ва Республика кенгашининг аъзолари ўз фикрларини ифодалаш ва ўз ваколатларини амалга оширишда дахлсиздирлар. Бу ҳол уларни тухмат қилиш ва ҳақорат қилинда айблашга алоқадор эмас.

Вакиллар палатасининг депутатлари ва Республика Кенгашининг аъзолари ўз ваколатлари муддати мобайнида фақат ўзлари тегишли бўлган палатанинг олдиндан берган розилиги билангина ҳибсга олиниши, бошқача тарзда шахсий озодликдан маҳрум этилиши мумкин, давлатга хиёнат қилганлик ёки бошқа оғир жиноят содир этганлик, шунингдек, жиноят содир қилинган жойда кўлга олинганлик бундан мустаснодир.

Вакиллар палатаси депутатлари ёки Республика кенгаши аъзоларига нисбатан қўзғатилган жиноий иш Олий Суд томонидан кўриб чиқилади.

103-модда. Палаталарнинг мажлислари очиқ ҳисобланади. Палаталар, агар буни давлат манбаатлари талаб қиласа, ўзларининг тўлиқ таркибидан кўпчилик овоз билан ёпиқ мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилишлари мумкин. Мажлислар, шу жумладан ёпиқ мажлислар ўтказиш вақтида Президент, унинг вакиллари,

Бош министр ва Ҳукумат аъзолари сўзга чиқиш учун ёйилганлар рўйхатига қарамай, навбатдан ташқари саноқсиз марта ва истаганларича сўзга чиқиши мумкин.

Бир ойда битта мажлис Вакиллар палатаси депутатлари ҳамда Республика Қенгаши аъзоларининг саволлари ва Ҳукуматнинг жавоблари учун резервда сақланади.

Вакиллар палатасининг депутати, Республика Қенгашининг аъзоси Бош министрга, Ҳукумат аъзоларига, Парламент ташкил этадиган ёки сайлайдиган давлат идоралари раҳбарларига сўровлар билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар. Сўров палатанинг кун тартибиға киритилиши лозим. Сўровга жавоб сессиянинг йигирма куни мобайнида Парламент палатаси белгилаган тартибда берилиши лозим.

Палата Мажлисида Вакиллар палатаси депутатларининг ёки Республика Қенгаши аъзоларининг камидан учдан икки қисми палатанинг тўлиқ таркибидан иштирок этган тақдирдагина палата мажлиси тўла ҳуқуқли деб ҳисобланади.

Вакиллар палатасида ва Республика Қенгашида овоз бериш очиқ бўлиб, депутатнинг шахсан ўзи ва Республика Қенгашининг аъзоси томонидан «ёқлаб» ёки «қарши» овоз бериш йўли билан амалга оширилади. Яширип овоз бериш фақат кадрларга доир масалаларни ҳал қилишда ўтказилади.

104-модда. Вакиллар палатасининг қарорлари қонун ва қарорлар шаклида қабул қилинади. Вакиллар палатасининг қарорлари фармойиш бериш ва назорат қилиш тарзидаги масалалар юзасидан қабул қилинади.

Республика Қенгашининг қарорлари қарорлар шаклида қабул қилинади.

Палаталарининг қарорлари, уларга палаталарнинг тўлиқ таркибидан кўпчилик овоз берган тақдирдагина, агар Конституцияда бошқа нарсалар назарда тутилмаган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади.

Беларусь Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисидаги, Беларусь Республикасининг ҳарбий доктринаси ҳақидаги қонунлар дастурий қонунлар бўлиб, агар улар учун палаталар тўлиқ таркибининг камидан учдан икки қисми овоз берган бўлса қабул қилинган ҳисобланади.

Қонунлар имзолангандан кейин дарҳол эълон қилиниши лозим ва агар Қонуннинг ўзида бошқа муддат белгиланмаган бўлса, эълон қилинган кундан кейин ўн кун ўтгач у кучга киради. Президент декретлари ҳам худди шундай тартибда эълон қилинади ва кучга киради.

Қонун тескари кучга эга эмас, фуқароларнинг жавобгарлигини юмшатиш ёки бекор қилиш ҳоллари бундан мустасно.

105-модда. Вакиллар палатаси, Республика Қенгаши, уларнинг органлари, Вакиллар палатаси депутатлари ва Республика Қенгаши аъзоларининг фаолият тартиби палаталар раислари томонидан имзолападиган палаталар регламентлари билан белгиланади.

V боб

БЕЛАРУСЬ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУМАТИ — МИНИСТЛAR ҚЕНГАШI

106-модда. Беларусь Республикасида ижро этувчи ҳокимиятини Беларусь Республикаси Ҳукумати — Министрлар Қенгаши амалга оширади. У давлат бошқарувининг марказий органидир.

Ҳукумат ўз фаолиятида Беларусь Республикаси Президентига ҳисоб беради ва Беларусь Республикаси Парламенти олдида жавобгардир.

Ҳукумат Беларусь Республикасининг янги сайланган Президенти олдида ўз ваколатларини соқит қиласди.

Беларусь Республикаси Ҳукумати Бош министр, унинг ўринбосарлари, министрлардан ташкил топади. Ҳукумат таркибига республика давлат бошқарувининг бошқа органлари раҳбарлари ҳам кириши мумкин.

Беларусь Республикаси Президенти Бош министрни Вакиллар палатасининг розилиги билан тайинлади. Бу масала хусусидаги қарор Бош министр номзоди бўйича таклиф киритилган кундан эътиборан кўпине билан икки ҳафта муддат ичидаги Вакиллар палатаси томонидан қабул қилинади. Вакиллар палатаси Бош министрни тайинлашга розилик беришни икки марта рад қилган тақдирда, Беларусь Республикасининг Президенти Бош министр вазифасини бажарувчини тайинлашга, вакиллар

палатасини тарқатиб юбориш ва янги сайловлар тайинлашга ҳақлидир.

Ҳукумат ишига Бош министр раҳбарлик қилади.

Бош министр:

1) Ҳукумат фаолиятига бевосита раҳбарлик қилишни амалга оширади ва унинг иши учун шахсан масъулдир;

2) Ҳукумат қарорларини имзолайди;

3) ўзи лавозимга тайинланганидан кейин икки ой муддат ичидаги Парламентта Ҳукуматнинг фаолият дастурини тақдим этади, бу дастур рад қилинган тақдирда яна икки ой муддат ичидаги Ҳукуматнинг фаолият дастурини тақроран тақдим этади;

4) Ҳукумат фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида ва унинг муҳим қарорлари ҳақида Президентга ахборот бериб туради;

5) Ҳукуматни ташкил этиш ва унинг фаолияти билан боғлиқ бошқа функцияларни бажаради.

Ҳукумат ёки унинг ҳар қандай аъзоси Президентга агар ўзига юкланган вазифаларни бундан буёғига амалга оширишнинг иложи йўқ деб ҳисобласа, ўзининг истеъфога чиқишини баён қилишга ҳақлидир. Агар Вакиллар палатаси Ҳукуматга ишончсизлик билдириса, Ҳукумат ўзининг истеъфога чиқишини Президентга билдиради.

Бош министр Вакиллар палатаси олдига, тақдим этилган дастур бўйича ёки аниқ сабабга кўра Ҳукуматга ишонч билдириш тўғрисидаги масалани қўйиши мумкин. Агар Вакиллар палатаси ишонч билдиришни рад этса, Президент ўн кун муддат ичидаги Ҳукуматнинг истеъфога чиқиши ёки Вакиллар палатасини тарқатиб юбориш ва янги сайловлар тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир. Истеъфога чиқиш рад қилинган тақдирда ҳукумат ўз ваколатларини амалга оширишни давом эттиради.

Президент Ҳукуматнинг истеъфога чиқиши тўғрисида ўз ташаббуси билан қарор қабул қилишга ва Ҳукуматнинг ҳар қандай аъзосини лавозимидан озод қилишга ҳақлидир.

Беларусь Республикаси Ҳукумати истеъфога чиққан ёки ваколатларини соқит қилган тақдирда Президентнинг топшириғига кўра ўз ваколатларини янги Ҳукумат ташкил этилгунга қадар амалга оширишни давом эттиради.

107-модда. Беларусь Республикаси Ҳукумати:

Ўзига бўйсунувчи давлат бошқаруви органларига ва ижро этувчи бошқа ҳокимият органларига раҳбарлик қиласди; ички ва ташқи сиёсатнинг асосий йўналишлари ни ишлаб чиқади ҳамда уларни амалга ошириш чораларини кўради;

Парламентга киритиш учун республика бюджети лойиҳаси ва унинг ижро этилиши ҳақидаги ҳисоботни тушиб чиқади ва Президентга тақдим этади;

Ягона иқтифодий, молиявий, кредит ва пул сиёсатини, фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, экология, ижтимоий таъминот ва меҳнатга ҳақ тўлаш соҳаларидағи давлат сиёсатини ўtkазишини таъминлайди; фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлат манфаатларини, миллий хавфсизлик ва мудофаа қобилиятини ҳимоя қилиш, мулкчилик ва жамоат тартибини муҳофаза қилиш, жиноятчиликка қарши кураш бўйича чоралар кўради;

Беларусь Республикасининг мулки ҳисобланган молмulkka нисбатан мулкдор номидан иш кўради, давлат мулкини бошқаришни ташкил этади;

Конституция, қонунлар ва президент декретлари, фармонлари ҳамда фармойишларининг бажарилишини таъминлайди;

министрликлар ва республика давлат бошқаруви бошқа органларининг ҳужжатларини бекор қиласди;

Конституция, қонунлар ва Президент ҳужжатлари билан ўзига юклangan бошқа ваколатларни амалга оширади.

108-модда. Беларусь Республикаси Ҳукумати Беларусь Республикасининг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган қарорлар чиқаради.

Бош министр ўз ваколатлари доирасида фармойишлар чиқаради.

Ҳукуматнинг ваколати, уни ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш тартиби Конституция асосида Беларусь Республикасининг Министрлар кенгаши тўғрисидаги қонун билан белгиланади.

VI боб

СУД

109-модда. Беларусь Республикасида суд ҳокимияти судларга тегинилдири.

Судлар тизини ҳудудийлик ва ихтисослашув тамо-йиллари асосида қурилади.

Беларусь Республикасида суд тузилиши қонун билан кафолатланади.

Фавқулодда судлар ташкил этиш тақиқланади.

110-модда. Судъялар одил судловни амалга ошириш вақтида мустақилдирлар ва фақат қонунга бўйсунадилар.

Одил судловни амалга ошираётган судъялар фаолиятига бирон-бир тарзда аралашувга йўл қўйилмайди ва бу ҳол қонун бўйича жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

111-модда. Судъялар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишлари, ўқитувчилик ва илмий-тадқиқот, ишдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа ишни бажаришлари мумкин эмас.

Судъяларни лавозимларга сайлаш (тайинлаш) ва бўшатни асослари қонунда назарда тутилган.

112-модда. Судлар одил судловни Конституция асосида ва унга мувофиқ қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширадилар.

Агар муайян ишни кўриб чиқишида суд меъёрий ҳужжатнинг Конституцияга мувофиқ келмаслиги тўғрисида хulosага келса, у Конституцияга мувофиқ қарор қабул қиласди ва мазкур меъёрий ҳужжатни ғайриконституциявий деб эътироф қилиш масаласини белгиланган тартибда қўяди..

113-модда. Судларда ишлар коллегиал тарзда кўриб чиқилади, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, судъяларининг ўзлари томонидан кўриб чиқилади.

114-модда. Барча судларда ишлар очиқ тарзда кўриб чиқилади.

Ишларни ёпиқ суд мажлисларида тинглашга фақат қонунда белгиланган ҳолларда суд юритишнинг барча қоидаларига риоя қилинган ҳолда йўл қўйилади.

115-модда. Одил судлов суд жараёнида томонларнинг тортишуви ва тенглиги асосида амалга оширилади.

Суд қарорлари барча фуқаролар ва мансабдор шахслар учун мажбурий ҳисобланади.

Суд жараёнида қатнашувчи томонлар ва шахслар қарорлар, ҳукмлар ва бошқа суд қарорлари устидан широкоят аризаси ёзиш ҳуқуқига эгадирлар.

116-модда. Давлатдаги меъёрий ҳужжатларнинг конституциявийлигини назорат қилиш Беларусь Республикаси Конституциявий Суди томонидан амалга оширилади.

Беларусь Республикасининг Конституциявий Суди ҳуқуқ соҳасида юқори малакали мутахассис ҳамда одатда илмий унвонга эга бўлган 12 нафар судьядан ташкил топади.

Конституциявий Суднинг олти судьяси Беларусь Республикасининг Президенти томонидан тайинланади, олти судьясини Республика Кенгаши сайлайди. Конституциявий Суд Раиси Республика Кенгашининг розилиги билан Президент томонидан тайинланади. Конституциявий Суд аъзоларининг ваколатлари муддати — 11 йил. Конституциявий суд аъзоларининг ёш чегараси — 70 ёшдир.

Конституциявий Суд Беларусь Республикаси Президенти, Вакиллар палатаси, Республика Кенгаши, Беларусь Республикаси Олий Суди, Беларусь Республикаси Олий Ҳўжалик Суди, Беларусь Республикаси Министрлар Кенгашининг таклифлари асосида қуйидаги хуласаларни беради;

қонунлар, Президент декретлари, фармонлари, Беларусь Республикасининг халқаро шартномалари ва бошқа мажбуриятларининг Конституцияга ва Беларусь Республикасининг ратификация қилинган халқаро-ҳуқуқий ҳўжжатларига мувофиқ келиши тўғрисида;

Беларусь Республикаси кирадиган давлатлараро тузилмалар ҳужжатларининг, Президентнинг қонунни ижро этиш учун чиқарган фармонларининг Конституцияга, Беларусь Республикаси ратификация қилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга, қонунлар ва декретларга мувофиқлиги тўғрисида;

Министрлар Кенгаши қарорларининг Олий Суд, Олий Ҳўжалик Суди, Бош прокурор қабул қилган ҳуж-

жатларининг Конституцияга, Беларусь Республикаси ратификация қилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга, декретлар ва фармонларга мувофиқлиги тұғрисида.

Ҳар қандай бошқа давлат органдарының қабул қилған ҳужжатларининг Конституцияга, Беларусь Республикаси ратификация қилған халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонундар, декретлар ва фармонларга мувофиқлиги тұғрисида.

Меъёрий ҳужжатлар ёки уларнинг ноконституциявий деб әтироф этилған айрим қоидалари қонун билан белгиланған тартибда үз күчини йүқтөради.

Конституцияда назарда тутилған ҳолларда Конституциявий Суд Президенттің таклифи билан парламент палаталарининг Беларусь Республикаси Конституациясими мунтазам равишда ёки құпоп равишда, бузиб келаётгандығы фактлари мавжуддиги тұғрисида холоса беради.

Конституциявий Суднинг ҳуқуқ доиралари, ташкил этилиши ва фаолияти тартиби қонун билан белгиланади.

V БҰЛІМ

МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРИШ ВА ҮЗИНИ ҮЗИ БОШҚАРИШ

117-модда. Маҳаллий бошқариш ва үзини үзи бошқариш фуқаролар томонидан депутаттар маҳаллий кенгашлари, ижро этувчи ва фармойиш берувчи органлар, ҳудудий жамоат үзини үзи бошқариш органлари, маҳаллий референдумлар, ыйғилишлар орқали ва давлат ҳамда жамоат ишларыда бевосита иштирок этилнинг бошқа органлари орқали амалга оширилади.

118-модда. Депутаттар маҳаллий Кенгашлари тегишли маъмурий-ҳудудий бирликларининг фуқаролари томонидан түрт йил муддатта сайланади.

119-модда. Маҳаллий ижро этувчи ва фармойиш берувчи органларининг раҳбарлари Беларусь Республикаси Президенттің томонидан ёки у белгилаган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади ёки тегишли депутаттар маҳаллий кенгашлари томонидан лавозимга тасдиқланади.

120-модда. Депутатлар маҳаллий кенгашлари, ижро этувчи ва фармойиш берувчи органлар ўз ҳуқуқлари доирасида умумдавлат манфаатларидан, тегишли ҳудудда истиқомат қилувчи аҳоли манфаатларидан келиб чиқиб, юқори давлат органларининг қарорларини бажарадилар.

121-модда. Депутатлар маҳаллий Кенгашининг мутлақ ҳуқуқлари доирасига қўйидагилар киради:

иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш дастурларини, маҳаллий бюджетлар ва уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш;

қонунга мувофиқ маҳаллий солиқлар ва йиғимларни белгилаш;

қонунда белгиланган доирада коммунал мулкни бошқариш ва тасарруф қилиш тартбини белгилаш;

маҳаллий референдумларни тайинлаш.

122-модда. Депутатлар маҳаллий кенгашлари, ижро этувчи ва фармойиш берувчи органлар амалдаги қонунлар асосида тегишли ҳудудда мажбурий кучга эга бўлган қарорлар қабул қиласидилар.

Депутатлар маҳаллий кенгашларининг қонунларга тўғри келмайдиган қарорлари юқори вакиллик органлари томонидан бекор қилинади.

Маҳаллий ижро этувчи ва фармойиш берувчи органларнинг қонунларга мувофиқ келмайдиган қарорлари депутатларнинг тегишли кенгашлари, юқори ижро этувчи ва фармойиш берувчи органлар, шунингдек, Беларусь Республикаси Президенти томонидан бекор қилинади.

Депутатлар маҳаллий Кенгашларининг, ижро этувчи ва фармойиш берувчи органларнинг фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини чекловчи ёки бузувчи қарорлари устидан, шунингдек, қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда, суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

123-модда. Депутатлар маҳаллий Кенгашлари қонунчилик талабларини мунтазам равишда ёки қўпол равишида бузиб келган тақдирда у Республика Кенгashi томонидан тарқатиб юборилиши мумкин. Депутатлар маҳаллий Кенгашлари ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиб қўйишнинг бошқа асослари қонун билан белгиланади.

124-модда. Маҳаллий бошқариш на ўз ўзини бошқариш органларининг ҳуқуқ доираси, уларни ташкил этиш тартиби ва фаолияти қонуилар билан белгиланади.

VI БҮЛИМ

ПРОКУРАТУРА. ДАВЛАТ НАЗОРАТИ КОМИТЕТИ

VII боб

ПРОКУРАТУРА

125-модда. Министрликлар ва Министрлар Кенгашига бўйсунадиган бошқа органларнинг, маҳаллий вакиллик ва ижро этувчи органларнинг, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонунлар, декретлар, фармонлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни аниқ ҳамда бир хилда ижро этишларини назорат қилиш Беларусь Республикаси Бош Прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар зиммасига юкланди.

Прокуратура жиноятларни текшириш чоғида қонунлар ижросини, фуқаролик, жиноий ишлар бўйича ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд қарорларининг қонунига мувофиқлигини назорат қилишни амалга оширади, қонунда назарда тутилгац ҳолларда, дастлабки тергов ўтказади, судларда давлат айловини қўллаб-куватлади.

126-модда. Прокуратура органларининг ягона ва марказлашган тизимига Бош прокурор бошчилик қилади, уни Президент Республика Кенгашининг розилиги билан тайинлади.

Қўйи прокурорларни Бош прокурор тайинлади.

127-модда. Бош прокурор ва қўйи прокурорлар ўз ваколатларини амалга оширишда мустақилдирлар ва қонунларга амал қиласидилар. Бош прокурор ўз фаолияти ҳақида Президентга ҳисоб беради.

128-модда. Прокуратура органларининг ҳуқуқ доираси, уларни ташкил этиш ва фаолият тартиби қонулар билан белгиланади.

VIII боб

ДАВЛАТ НАЗОРАТИ КОМИТЕТИ

129-модда. Республика бюджетининг ижроси, давлат мулкидан фойдаланиш, Президент, Парламент, Ҳукумат ҳужжатларини ва давлат мулки муносабатларини, ҳўжалик, молия ва солиқ муносабатларини тартибига соловучи бошқа давлат органларининг ҳужжатлари ижросини давлат йўли билан назорат қилиш давлат назорати комитети томонидан амалга оширилади.

130-модда. Давлат назорати комитети Президент томонидан ташкил этилади.

Давлат назорати комитети Раисини Президент таинлайди.

131-модда. Давлат назорати комитетининг ваколати, ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиш тартиби қонунлар билан белгиланади.

VII Б Ү Л И М

БЕЛАРУСЬ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МОЛИЯВИЙ-КРЕДИТ ТИЗИМИ

132-модда. Беларусь Республикасининг молиявий-кредит тизими бюджет тизимини, банк тизимини, шунингдек, бюджетдан ташқари жамғармалар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг молиявий маблағларини ўз ичига олади.

Беларусь Республикаси ҳудудида ягона бюджет—молия, солиқ, пул-кредит, валюта сиёсати амалга оширилади.

133-модда. Беларусь Республикасининг бюджет тизими республика ва маҳаллий бюджетларни ўз ичига олади.

Бюджет даромадлари билан белгиланадиган солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек, бошқа тушумлар ҳисобига шаклланади.

Умумдавлат ҳаражатлари республика бюджетининг ҳисоб-китоб қисмига мувофиқ республика бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

Қонунга мувофиқ Беларусь Республикасида бюджетдан ташқари жамғармалар ташкил этилиши мумкин.

134-модда. Бюджетлар ва давлат бюджетидан ташқари жамғармаларни тузиш, тасдиқлаш ва ижро этиш тартиби қонун билан белгиланади.

135-модда. Республика бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот Парламентнинг кўриб чиқиши учун молиявий ҳисобот йили тугаган кундан эътиборан беш ойдан кечиктиримай тақдим этилади.

Маҳаллий бюджетларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар қонунда белгиланган муддатда тегишли депутатлар кенгашининг кўриб чиқиши учун тақдим этилади.

Республика ва маҳаллий бюджетларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар эълон қилинади.

136-модда. Беларусь Республикасининг банк тизими Беларусь Республикасининг Миллий банки ва бошқа банклардан ташкил топади. Миллий банк кредит муносабатларини, пул муомаласини тартибга солади, ҳисоб-китоблар тартибини белгилайди ва пул эмиссияси (чиқариш) мутлақ ҳуқуқига эга бўлади.

VIII БУЛИМ

БЕЛАРУСЬ РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИННИГ АМАЛ ҚИЛИШИ ВА УНИ ҮЗГАРТИРИШ ТАРТИБИ

137-модда. Конституция олий юридик кучга эгадир. Қонунлар, декретлар, фармонлар ва давлат органларининг бошқа ҳужжатлари Беларусь Республикаси Конституцияси асосида ва унга мувофиқ равишда чиқарилади.

Қонун, декрет ёки фармон Конституциядан фарқ қилган тақдирда Конституция амал қиласи.

Декрет ёки фармон қонунга тўғри келмаган тақдирда декрет ёки фармонни чиқариш учун ваколат қонун томонидан берилгандагина қонун устунликка эга бўлади.

138-модда. Конституцияни ўзгартериш ва құшимчалар киритиш түғрисидаги масала Президент ёки Беларусь Республикасининг сайлов ҳуқуқига эга бўлган камида 150 минг аҳолиси ташаббуси бўйича парламент палаталари томонидан кўриб чиқилади.

139-модда. Конституцияни ўзгартериш ва тўлдириш түғрисидаги қонун камида уч ой оралиқдаги иккита муҳокама билан ва парламент томонидан маъқуллангандан кейин қабул қилиниши мумкин.

Фавқулодда ҳолат даврида, шунингдек, Вакиллар палатаси ваколатларининг охирги олти ойи мобайнида парламент томонидан Конституцияга ўзгариш ва құшимчалар киритилмайди.

140-модда. Конституция, унга ўзгаришлар ва құшимчалар киритиш түғрисидаги қонунлар, кўрсатиб ўтилган қонунларнинг кучга кириши түғрисидаги қонунлар, конституциянинг талқин қилиниши ҳақидаги ҳужжатлар, агар улар учун парламент палаталари тўлиқ таркибидан камида учдан икки қисми овоз берган тақдирдагина қабул қилинган ҳисобланадилар.

Конституцияга ўзгаришлар ва құшимчалар киритиш референдум орқали ўтказилиши мумкин. Референдум йўли билан Конституцияни ўзгартериш ва тўлдириш түғрисидаги қарор, агар унга овоз бериш учун рўйхатга киритилган фуқароларнинг кўпчилиги овоз берса, қабул қилинган ҳисобланади.

Конституциянинг I, II, IV, VIII бўлимлари фақат референдум йўли билан ўзгартирилиши мумкин.

IX БЎЛИМ

ЯҚУНИЙ ВА УТИШ ҚОИДАЛАРИ

141-модда. Беларусь Республикасининг 1994 йилги Конституцияси (ушбу Конституция) ўзгаришлар ва құшимчалар билан республика референдумида қабул қилинган бўлиб, ўзи эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради, унинг ушбу Конституция билан белгиланган муддатларда кучга кирадиган айрим қоидалари бундан мустаснодир. Айни вақтда «Беларусь Республикаси

Конституциясининг кучга кириш тартиби тўғрисида»ги Конуннинг амал қилиши тўхтатилади.

142-модда. Ушбу Конституция кучга киргунга қадар Беларусь Республикаси ҳудудида амалда бўлиб келган қонунлар, фармонлар ва бошқа ҳужжатларнинг Беларусь Республикаси Конституциясига зид келмайдиган қисмлари татбиқ этилади.

143-модда. Ушбу Конституция кучга кирган кундан бошлаб бир ойлик муддат ичиде Беларусь Республикасининг Олий Кенгаши ва Беларусь Республикасининг Президенти 1996 йилги республика референдумини ўтказиш санаси тайинланган кунда сайланган Олий Кенгаш депутатлари орасидан Вакиллар палатасини ташкил этидилар. Бу ҳолда Беларусь Республикасининг Олий Кенгаши депутатлари ушбу Конституцияда назарда тутилган муддат мобайнида ўз ваколатларини сақлаб қоладилар. Уларнинг ваколатлари муддати ушбу Конституция кучга кирган кундан ҳисобланади.

Республика Кенгаши ушбу Конституциянинг 91-моддасида назарда тутилган тартибда ташкил этилади.

Агар кўрсатиб ўтилган муддатда Вакиллар палатаси таркиби Президент билан Олий Кенгаш ўртасида ихтилофлар борлиги туфайли ташкил этилмаган бўлса, Президент ушбу Конституциянинг 84-моддаси 2 ва 3-бандларига мувофиқ Олий Кенгашни тарқатиб юборади ва Парламентга сайлов тайинлайди.

144-модда. Беларусь Республикаси Президенти ўз ваколатларини сақлаб қолади. Унинг ваколатлари муддати ушбу Конституция кучга кирган кундан ҳисобланади.

145-модда. Беларусь Республикасининг Ҳукумати Конституция кучга кирган кундан бошлаб Конституция белгилаб берган ҳуқуқ ва вазифаларни қўлга киритади.

146-модда. Президент, Парламент, Ҳукумат ушбу Конституция кучга кирган кундан эътиборан икки ой

муддат ичида, агар Конституциянинг 143-моддаси учинчи қисмида бошқа нарсалар назарда тутилмаган бўлса, унда кўрсатиб ўтилган органларни ушбу Конституцияда белгиланган тартибда ташкил этадилар ва тузадилар.

**Беларусь Республикасининг
Президенти**

А. ЛУКАШЕНКО

1996 йил 24 ноябрда бўлган Республика референдумида қабул қилинган ва «Беларусь Республикаси Конституциясини кучга киритиш тартиби тўғрисида»ги Беларусь Республикаси Қонуниининг 1-моддасига мувофиқ кучга кирган.

БОЛГАРИЯ

БОЛГАРИЯ РЕСПУБЛИКАСИ

Бу давлат Болқон ярим оролининг шарқида жойлашган. Ҳудуди — 111 минг кв. км. Аҳолиси — 8,4 млн. киши (1992 йил). Пойтахти — София шаҳри. Маъмурий бўлиниши — тўққиз область, шу жумладан областга тенглаштирилган София шаҳридан иборат, улар жамоаларга бўлинади. Расмий тили — болгар тилидир. Анъанавий дини — шарқий православ дини. Пул бирлиги — лев.

Миллий байрами — 3 март — Болгариянинг усмонийлар зулмидан озод бўлган куни (1878 йил).

Болгария Республикаси — Парламент бошқарувига эга бўлган республика. 1946 йил 15 сентябрдан то 1990 йил 15 ноябргача — Болгария Халқ Республикаси. Болгария Республикасининг 1991 йил 12 июлда кучга кирган Конституцияси амал қиласди (1971 йилги Конституция ўрнига қабул қилинган).

Давлат бошлиғи — Президент бўлиб, у мамлакат аҳолиси томонидан тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш йўли билан тўрт йилга ва кўпи билан икки муддатга сайланади. Овозларнинг ярмидан кўпроғини олган номзод сайланган ҳисобланади, шу шарт биланки, овоз беришда сайловчиларнинг ярмидан кўпи қатнашмоғи шарт. Вице-Президент бир вақтнинг ўзида Президент билан битта бюллетенъ орқали сайланади. Президент ҳам, вице-президент ҳам бошқа раҳбарий сиёсий ва давлат лавозимларини эгаллашлари мумкин эмас. Президентнинг вазифасига халқаро ташкилотларда давлат вакили бўлиб қатнашиш, Халқ мажлисига сайлов муддатини тайинлаш, Ҳукумат таркиби парламент томонидан маъқуллангандан кейин уни тайинлаш киради. Президент мамлакат қуролли кучларининг бош қўмондони ҳисобланади, миллий хавфсизлик Маслаҳат кенгашига бошлилик қиласди.

Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Халқ мажлиси (доимий иш олиб борувчи орган) амалга оширади, у халқнинг 240 вакилидан иборат бўлиб, улар умумий тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан тўрт йил муддатга сайланадилар. Янги Конституцияни қабул қилиш, Болгария Республикаси худудини ўзгартириш масаласини ёки давлат ту-

зилиши ва мамлакатни бошқариш шаклини ўзгартириш масалаларини ҳал қилиш учун 400 та халқ вакиидан иборат таркибда (улар оддий тартибда сайланади) Еуюк халқ мажлиси сайланади. Буюк халқ мажлисини сайлаш зарурлиги түғрисидаги қарор Халқ Мажлиси томонидан қабул қилинади. Буюк халқ мажлисингеніннің ваколатлари унинг сайланишини талаб қылған масалалар узил-кесил қабул қилингандан кейин тұхтатылади.

Министрлар кенгаши (хукумат) ижро этувчи орган ҳисобланади, унинг таркибиға раис, раис үринбосарлары ва министрлар киради. Министрлар Кенгашининг аъзолари Халқ мажлисига қасамёд қиладилар.

Жамоанинг ўзини ўзи бошқариш маҳаллий органды жамоа кенгашидир, у ахоли томонидан түрт йил муддатта сайланади. Область бошқарув органды область бошқарувидир. Область бошқарувчыснини Министрлар Кенгаши тайинлайды.

Сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари: Муқобил социал-либерал партия; Болгария социал-демократик партияси; Болгария социалистик партияси; Болгария халқ деңқончилик иттифоқи; Ҳуқуқ ва әркинлик ҳаракати; Бирлашган демократик марказ; Демократик құчлар иттифоқи; Ватан иттифоқи.

Касаба уюшмалари: Болгария Мустақил синдикаттар конфедерацияси; «Подкрепа» меңнат конфедерацияси; «Бирлик» Халқ касаба уюшмаси.

Биз, 7-чақириқ Буюк Халқ Мажлисингенің депутатлари, болгар халқынын иродасини ифодалашга доир ўз интилишларимизда умуминсоний қадриятлар: озодлик, тинчлик, инсонпарварлық, тенглик, адолат ва сабртоқатта содиқлігімизни баён қылған ҳолда, шахс ҳуқуқларини, унинг қадр-қиммати ва хавфсизлігіні олий тамойил даражасига күтариб, Болгариянынг миллий ва давлат бирлигини сақлашдан иборат ўзимизнинг қатъий бурчимизни ҳис қылған ҳолда демократик, ҳуқуқий ва пәжитимий давлат барпо этишга бұлған ўз азму қароримизни әзілон қиласыз ва буининг учун ушбу **КОНСТИТУЦИЯ**ни қабул қиласыз.

КОНСТИТУЦИЯ

I боб

АСОСИЙ НЕГИЗЛАР

1-модда (1) Болгария парламент бошқарувига эга бўлган республикадир.

(2) Бутун давлат ҳокимияти халққа асосланади. У халқ томонидан бевосита ва ушбу Конституцияда назарда тутилган органлар орқали амалга оширилади.

(3) Халқнинг ҳеч бир қисми, сиёсий партия ёки бош қа ташкилот, давлат институти ёки алоҳида шахс халқ суверенитетини амалга оширишни ўзига ўзлаштириб олиши мумкин эмас.

2-модда. (1) Болгария Республикаси маҳаллий, ўзи ни ўзи бошқаришга эга бўлган ягона давлатdir. Унда муҳтор ҳудудий тузилмаларга йўл қўйилмайди.

(2) Болгария Республикасининг ҳудудий яхлитлиги дахлсиздир.

3-модда. Республикада расмий тил — болгар тилидир.

4-модда. (1) Болгария Республикаси — ҳуқуқий давлатdir. Уни бошқариш Конституция ва мамлакат қонунлари билан амалга оширилади.

(2) Болгария Республикаси шахс ҳаётини, қадр қиммати ва ҳуқуқларини кафолатлади, ҳамда инсон ва фуқаролик жамиятининг эркин ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиб беради.

5-модда. (1) Конституция олий қонун ҳисобланади ва бошқа қонунлар унга зид келиши мумкин эмас.

(2) Конституция қоидалари бевосита амал қиласди.

(3) Ҳеч ким содир этилган вақтида қонун томонидан жиноят деб эълон қилинмаган ҳаракати ёки ҳаракат сизлиги учун ҳукм қилиниши мумкин эмас.

(4) Конституциявий тартибда ратификация қилинган, эълон этилган ва Болгария Республикаси учун кучга кирган халқаро шартномалар мамлакат ички ҳуқуқининг бир қисми ҳисобланади. Улар ўзларига зид бўлган ички қонун нормалари олдида устунликка эгадир.

(5) Барча меъёрий ҳужжатлар эълон қилинади. Улар эълон қилингандан, кейин уч кун ичидагача киради, улар учун бошқа муддат белгиланган ҳоллар бундан мустаснодир.

6-модда (1) Барча кишилар қадр-қиммати ва ҳуқуқлари бўйича эркин ҳамда тенг бўлиб туғиладилар.

(2) Барча фуқаролар қонун олдида тенгдирлар. Бирон элатга, ирқий ва этник мансубликка, жинсга, келиб чиқишга, динга, маълумот, эътиқодга, сиёсий мансубликка, шахсига ва ижтимоий мавқега ёки мулкий ҳолатга асосланган ҳуқуқларни чеклашга ёхуд имтиёзларга йўл қўйилмайди.

7-модда. Давлат ўз органлари ва мансабдор шахсларининг файриқонуний ҳужжатлар ёки ҳаракатлар билан етказган зарари учун жавобгар бўлади.

8-модда. Давлат ҳокимиюти қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлинади.

9-модда. Куролли кучлар мамлакатининг суверенитети, хавфсизлиги ва мустақиллигини кафолатлайди ҳамда унинг ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қиласади.

10-модда. Сайлозвлар, Миллий ва маҳаллий референдумлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз берин билан ўтказилади.

11-модда. (1) Болгария Республикасидаги сиёсий ҳаёт сиёсий фикр эркинлиги тамойнига асосланади.

(2) Бирорта ҳам сиёсий партия ёки мафкура давлат партияси ёки мафкураси сифатида эълон қилиниши ёки тасдиқланishi мумкин эмас.

(3) Партия фуқароларнинг сиёсий ифодасини шакллантириш ва ифодалашга кўмаклашади. Сиёсий партияларни ташкил этиш ва тарқатиб юбориш, шунингдек, уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби шароитлари қонун билан тартибга солинади.

(4) Этник, ирқий ёки диний асосдаги сиёсий партияларни, шунингдек, давлат ҳокимиютини зўрлик билан тортиб олишини мақсад қилиб қўйган партияларни ташкил этиш мумкин эмас.

12-модда (1) Фуқароларнинг бирлашмалари уларнинг манфаатларини қондириш ва ҳимоялашга хизмат қиласиди.

(2) Фуқароларнинг бирлашмалари, шу жумладан синдиkal бирлашмалари ўз олдига сиёсий мақсадларни қўйиши ва фақат сиёсий партияларга хос бўлган сиёсий фаолият олиб бориши мумкин эмас.

13-модда. (1) Конституция дин эркинлигини эълон қиласиди.

(2) Диний институтлар давлатдан ажратилган.

(3) Болгария Республикасида анъанавий дин шарқий-православ дини ҳисобланади.

(4) Диний бирликлар ва институтлардан, шунингдек, диний эътиқодлардан сиёсий мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

14-модда. Оила, оналик ва болалик давлат ва жамият ҳомийлигидадир.

15-модда. Болгария Республикаси атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва тақрор вужудга келтиришни, жонли табиатни сақлашни ва унинг хилма-хиллигини, мамлакатнинг табиий бойлиги ва ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлайди.

16-модда. Меҳнат қилиш кафолатланади ва қонун билан ҳимоя қилинади.

17-модда. (1) Мулкчилик ва мерос олиш ҳуқуқи кафолатланади ва қонун билан ҳимоя қилинади.

(2) Мулк хусусий ва ҳалқ мулки ҳисобланади.

(3) Хусусий мулк даҳлсиздир.

(4) Давлат ва жамоа мулки объектлари режими қонун билан белгиланади.

(5) Давлат ва жамоа эҳтиёжлари учун мулкни мажбуран мусодара қилиш фақат қонун асосида амалга оширилиши мумкин, бу эҳтиёжлар бошқача йўл билан қондирилиши мумкин бўлмаса, у дастлабки тарзда ва ўрни тўлиқ қопланган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин.

18-модда. (1) Ерости бойликлари, соҳиблбўйи пляжлари минтақаси, республика аҳамиятига молик йўллар,

шунингдек, сувлар, ўрмонлар ва миллий боғлар қонун билан белгиланган табиий археологик қўриқхоналар давлатнинг мутлақ мулки ҳисобланади.

(2) Континентал шельфга¹ бўлган ва бу денгиз ҳудудларининг фақат иқтисодий зоналаридағина жойлашган биологик, минерал ва энергетика манбаларини тадқиқ қилиш, қазилма ишларни олиб бориш, улардан фойдаланиш ва ҳўжалик ишларида татбиқ этишга бўлган суверен ҳуқуқлар давлатга тегишилдири.

(3) Халқаро шартномалар билан Болгария Республикасига мустаҳкамлаб берилган радиочастота спектри ва геостационар орбита позицияларига бўлган суверен ҳуқуқлар давлатга тегишилдири.

(4) Темирйўл транспортига, миллий почта алоқаси ва узоқ алоқа тармоғига бўлган давлат монополияси, атом энергетикасидан фойдаланиш, радиоактив маҳсулотлар, қурол-яроғ, портловчи ва биологик жиҳатдан кучли таъсир қилувчи моддалар ишлаб чиқаришга бўлган давлат монополияси қонун билан белгиланиши мумкин.

(5) Олдинги параграфларга мувофиқ давлат томонидан обьектларга ён босиладиган ва уларнинг фаолият олиб бориши учун рухсат бериладиган шартлар ва тартиб қонун билан тартибга солинади.

(6) Давлат мулкидан фойдаланиш ва уларни бошқариш фуқаролар ва жамият манбаатлари йўлида амалга оширилади.

19-модда. (1) Болгария Республикасининг иқтисодиёти эркин ҳўжалик юритиш ташаббусига асосланади.

(2) Қонун барча фуқаролар ва юридик шахсларга ҳўжалик фаолиятини юритиш учун бир хил ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб беради ва кафолатлайди, монополиямни, сунийтемол қилишга ва қонун-қоидага риоя қилинимайдиган рақобатга барҳам беради ва истельмолчини ҳимоя қиласди.

(3) Болгарлар, хорижий фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг инвестициялари ва ҳўжалик фаолияти қонун билан муҳофаза қилинади.

(4) Қонун фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳўжалик ва ижтимоий тараққиётга эришиш мақсадлари-

¹ Континентал (қитъявий) шельф — қуруқликнинг сув остидаги 200 м чуқурликкача бўлган давоми.

да кооперациялашуви ва бирлашувининг бошқа шакллари учун шарт-шароитлар яратиб беради.

20-модда. Давлат мамлакатдаги айрим минтақаларнинг мувозанатли ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиб беради ва ҳудудий органларга уларнинг фаолиятида молиявий, кредит ва инвестиция сиёсати восита-сида ёрдам кўрсатади.

21-модда. (1) Ер асосий миллни бойлик бўлиб, ундан фойдаланиш давлат ва жамиятнинг алоҳида ҳимоя-сидадир.

(2) Ишлов бериладиган ерлардан фақат деҳқончилик қилишда фойдаланилади. Уларнинг вазифасини ўзгартришга истисно тариқасида қонун билан белгиланган шароит ва тартибда исботлаб берилган зарурат тарзида йўл қўйилади.

22-модда. (1) Ажнабий фуқаролар ва ажнабий юридик шахслар қонун бўйича мерос қилиб олишдан ташқари ерга бўлган мулкчилик ҳуқуқини қўлга киритишлиари мумкин эмас. Бундай ҳолда улар бу мулкни топширишлари лозим бўлади.

(2) Қонунда белгиланган шароитларда ажнабий фуқаролар ва ажнабий юридик шахслар фойдаланиш ҳуқуқини, қурилиш ва бошқа моддий ҳуқуқларни қўлга киритишлиари мумкин.

23-модда. Давлат илм-фан, таълим ва санъатнинг эркин ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиб беради ҳамда уларга ёрдам кўрсатади. У миллни тарихий ва маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисида ғамхўрлик қиласиди.

24-модда. (1) Болгария Республикасининг ташқи сиёсати халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва меъёлларига мувофиқ амалга оширилади.

(2) Болгария Республикаси ташқи сиёсатининг асосий мақсадлари мамлакатнинг миллий хавфсизлиги ва мустақиллигидан, болгар фуқароларининг тинчлиги ва асосий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларидан, шунингдек, адолатли халқаро тартиб ўрнатилишига кўмаклашишдан иборатdir.

ФУҚАРОЛАРНИНГ АСОСИИ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

25-модда. (1) Қимнинг ота-онаси болгар фуқаро-си бўлса ёки кимки Болгария Республикаси ҳудудида таваллуд топган бўлса, агар у келиб чиқиши жиҳатидан бошқа фуқароликни олмаган бўлса, у Болгария фуқароси ҳисобланади. Натурализация (шу мамлакат фуқаролигига ўтиш) натижасида ҳам Болгария фуқаролигини қўлга киритиш мумкин.

(2) Келиб чиқиши жиҳатидан болгар бўлган шахслар фуқароликка оддий тартибда эришадилар.

(3) Туғилиши бўйича болгар фуқароси бўлган шахе Болгария фуқаролигидан маҳрум этилиши мумкин эмас.

(4) Болгария Республикасининг фуқароси Болгариядан чиқариб юборилиши ёки бошқа давлатга топширилиши мумкин эмас.

(5) Хорижда бўладиган Болгария фуқаролари Болгария Республикаси ҳомийлигига бўладилар.

(6) Болгария фуқаролигини қўлга киритиш, сақлаш ва ундан маҳрум бўлиш шартлари ва тартиби қонун билан белгиланади.

26-модда. Болгария Республикасининг фуқаролари қаерда бўлмасинлар, ушбу Конституцияда белгилаб берилган барча ҳуқуқлар ва вазифаларга эга бўладилар.

(2) Болгария Республикасида бўладиган ажнабий фуқаролар ушбу Конституцияда белгилаб берилган барча ҳуқуқлар ва вазифаларга эга бўладилар, Конституция ва қонунлар Bolgarия фуқароси бўлишни талаб қиласидиган ҳуқуқлар ва вазифалар бундан мустаснодидир.

27-модда. (1) Мамлакатда қониний асосда яшаб турган ажнабий фуқаролар қонунда белгиланган шаронит ва тартибдан ташқари ўз иродаларига қарши у ердан чиқариб юборилиши ёки бошқа давлатга топширилиши мумкин эмас.

(2) Эътиқоди ёки эътироф этилган халқаро ҳуқуқлар ва эркинликларни ҳимоя қилишдаги фаолияти учун таъқиб қилинаётган ажнабий фуқароларга Болгария Республикаси бошпана беради.

(3) Бошпана бериш шарт-шароитлари ва тартиби қонун билан тартибга солинади.

28-модда. Ҳар ким яшаш ҳуқуқига әгадир. Инсон ҳаётига тажовуз қилиш энг оғир жиноят сифатида қонун билан жазоланади.

29-модда. (1) Ҳеч ким қийноққа солиниши, шафқатсиз, ғайриинсоний жазоланиши ва инсонийлик қадр қимматини қамсітувчі мұносабатда бүлишгә дучор қилиниши, шунингдек, мажбурий равишида ассимиляция қилиниши мумкин эмас.

(2) Ҳең ким үзининг ихтиёрий ёзма розилигисиз тиббий, илмий ёки бошқа хил тажрибалар үтказиплишига дучор этилиши мумкин эмас.

30-модда. (1) Ҳар ким шахсий әркинлик ва дахлсизлик ҳуқуқига әгадир.

(2) Ҳеч ким қонунда белгиланған шароит ва тартибдан ташқары ушланиши, текширувдан үтказилиши, тиитув қилиниши ёки унинг шахсий дахлсизлигига бошқача тажовуз қилинишига дучор этилиши мумкин эмас.

(5) Қонунда аниқ белгиланған зарур ҳолларда ваколатли давлат органлари фуқарони ушлаб қолишли мумкин, бу ҳақда улар дархол суд ҳокимияти органларига маълум қиласылар. Суд ҳокимияти органды фуқаро ушлаб қолинган пайтдан бошлаб бир сутка ичиде бунинг қонунийлиги ҳақида қарор чиқаради.

(4) Ҳар ким үзи ушланған ёки айбланувчи сифатида жалб қилинған пайтидан бошлаб адвокат ҳимоясидан фойдаланыш ҳуқуқига әгадир.

(5) Ҳар ким үзини ҳимоя қиласынан шахс билан якка тартибда учрашиш ҳуқуқига әгадир. Улар ўртасида бўлган гаплар сири дахлсиздир.

31-модда. (1) Жиноят содир этишида айбланған ҳар бир киши суд ҳокимиятига қонунда белгиланған муддатда топширилиши лозим.

(2) Ҳеч ким үзи жиноятни тан олиши асосида үзини айбдор деб ҳисоблашга ёки қоралашга мажбур этилиши мумкин эмас.

(3) Айбланувчи кучга кирган ҳукм билан айбдорлиги аниқланмагунча айбсиз ҳисобланади.

(4) Айбланувчининг ҳуқуқларини одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлганидан ортиқ чеклашта йўл қўйилмайди.

(5) Озодликдан маҳрум этилган шахсларга ҳукмнинг амал қилиши билан чёкланмаган ўзининг асосий ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиб берилади.

(6) Озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазо факат қонун билан белгиланган жойларда ўтилади.

(7) Жиной таъқиб қилиш ва жазони ўташ муддатининг ўтиб кетганлиги тинчликка ва инсониятга қарши қаратилган жиноятларга нисбатан татбиқ этилмайди.

32-модда. (1) Фуқароларнинг шахсий ҳаёти дахлсиздир. Ҳар ким ўзининг шахсий ва оилавий ҳаётига ғайриқонуний равишда аралашувга қарши ва ўзининг ор-номуси, қадр-қиммати ва пок номига тажовуз қилинишига қарши ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

(2) Ҳеч ким таъқиб қилинишга, суратга, кинога, рўйхатга олинишга ёки ўзи билмасдан туриб ёки ўзининг қатъий норозилигига қарамай бошқа шу хилдаги хатти-ҳаракатларга дучор қилиниши мумкин эмас, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир.

33-модда. (1) Турар жой дахлсиз ҳисобланади. Унда яшовчи кишининг розилигисиз ҳеч ким бу турар жойга кириши ёки унда бўлиши мумкин эмас, қонунда қатъянин кўрсатиб ўтилган ҳоллар бундан мустаснодир.

(2) Турар жойга киришга ва яшовчисининг розилигисиз ёки суд ҳокимиятининг рухсатисиз унда бўлишга фақат бевосита бўлажак ёхуд содир этиладиган жиноятнинг олдини олиш, жиноятчини ушлаш мақсадларида, шунингдек, кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда йўл қўйилади.

34-модда. (1) Ёзишма ва бошқа алоқа турларининг эркинлиги ва сир сақланиши дахлсиздир.

(2) Агар буни оғир жиноятларнинг очилиши ёхуд олди олиниши талаб қилса, фақат суд ҳокимиятининг рухсати билан, бу қоиддани истисно этишга йўл қўйилади.

35-модда. Ҳар ким ўзининг яшаш жойини эркин танлаш, мамлакат ҳудудида кўчиб юриш ва унинг сар-

ҳадларини тарқ этиш ҳуқуқига эгадир. Бу ҳуқуқ фақат миллий ҳавфсизликни, халқ соғлигини сақлаш, бошқа фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадидагина қонун билан чекланиши мумкин.

(2) Ҳар бир болгар фуқароси мамлакатга қайтиб келиш ҳуқуқига эгадир.

36-модда. (1) Болгар тилини ўрганиш ва ундан фойдаланиш болгар фуқароларнинг ҳуқуқи ва вазифасидир.

(2) Болгар тили она тили ҳисобланмайдиган фуқаролар болгар тилини албатта ўрганиш билан бир қаторда ўз она тилини ўрганиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқига ҳам эгадирлар.

(3) Фақат расмий тилдан фойдаланиладиган ҳоллар қонунда кўрсатилади.

37-модда. (1) Виждон эркинлиги, фикр эркинлиги ва динни, диний атеистик қарашларни танлаш ихтиёрийдир. Давлат турли динларга эътиқод қилувчилар ўртасида сабр-тоқат ва ҳурматнинг сақланишига кўмаклашади.

(2) Виждон ва дин эркинлиги миллий хавфсизлика, жамоат таркибиغا, халқ соғлигини сақлашга ва ахлоққа қарши ёки бошқа фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қарши қаратилиши мумкин эмас.

38-модда. Ҳеч ким таъқиб қилиниши ёхуд ўз эътиқоди туфайли ўз ҳуқуқларининг чекланишига дучор этилиши мумкин эмас, шунингдек ўзининг ёки бошқаларнинг эътиқодлари тўғрисида маълумот беришга мажбур этилиши ҳам мумкин эмас.

39-модда. (1) Ҳар ким ўз фикрини ифодалаш ва уни сўз воситасида — ёзма ёки оғзаки равишда, товуш, тасвир ёрдамида ёки бошқа усул билан тарқатиш ҳуқуқига эгадир.

(2) Бу ҳуқуқдан бошқа кишининг ҳуқуқларини поймол қилиш ва пок номига доғ тушириш мақсадида, Конституция билан белгиланган тартибни зўравонлик йўли билан ўзгартиришга, жиноятлар содир этишга, адоваратни авж олдиришга ёки шахс устидан зўравонлик қилишга чақириш мақсадида фойдаланиш мумкин эмас.

40-модда. (1) Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари әркіндір ва цензурадан үтказилмайды.

(2) Бошқа нашрлар ёки бошқа ахборот манбалари яхши урф-одатларга птур етказған ёки Конституция ўрнатған тартибни зўравонлик билан ўзгартиришга, жиноят содир этишга ёки шахс устидан зўрлик қилишга даъват этган ҳолларда суд ҳокимиятининг ҳужжати асосидагина тўхтатиб қўйилиши ёки мусодара қилинishi мумкин. Агар бир кеча-кундуз мобайнида мусодара амалга оширилмаса, нашрни тўхтатиб қўйиш ҳақидаги қарор амал қилишдан тўхтайди.

41-модда. (1) Ҳар ким ахборот тўплаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эгадир. Бу ҳуқуқни амалга ошириш бошқа фуқароларнинг ҳуқуқлари ва пок номига қарши, шунингдек, миллий хавфсизликка, жамоат тартибига, соғлиқ ва ахлоққа қарши қаратилиши мумкин эмас.

(2) Фуқаролар давлат идораси ёки муассасасидан ўзлари учун қонуний қизиқиш уйғотадиган масалалар бўйича ахборот олиш ҳуқуқига эгадирлар (агар ахборот давлат сири ёки қонун билан ҳимоя, қилинадиган бошқа сир ҳисобланмаса ёки ҳеч кимнинг ҳуқуқларига дахл қилмаса).

42-модда. (1) 18 ёшга тўлғап фуқаролар (ҳукм қилинган ва әркинликдан ваҳрум этилиш жазосини ўтасетган шахслардан ташқари) давлат ва маҳаллий органларни сайлаш ҳамда референдумларда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

(2) Сайлов ва референдумларни ташкил этиш ва үтказиш тартиби қонун билан белгиланади.

43-модда. (1) Фуқаролар йиғилишларга ва намойилларга тинч равишда ва қуролсиз тўпланиш ҳуқуқига эгадирлар.

(2) Йиғилишлар ва намойишларни ташкил этиш ва үтказиш тартиби қонун билан белгиланади.

(3) Бино ва хоналарда йиғилишлар үтказишга рухсат талаб этилмайди.

44-модда. (1) Фуқаролар әркін равишда бирлашишлари мумкин.

(2) Фаолияти мамлакат суверенитети, ҳудудий бир-

лиги ва миллат бирлигига, ирқий, миллий, этник ёки диний адоватни авж олдиришга, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларига қарши қаратилган ташкилотлар, шунингдек, яширин ёки ҳарбийлаштирилган тузилмалар ташкил этадиган ёхуд ўз мақсадларига зўравонлик билан эришишга интиладиган ташкилотлар тақиқланади.

(3) Қонун рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган ташкилотларни, уларни тўхтатиш тартибини, шунингдек, уларнинг давлат билан ўзаро муносабатларини белгилаб беради.

45-модда. Фуқаролар давлат идораларига шикоятлар, таклифлар ва петициялар юбориш ҳуқуқига эгадир.

46-модда. (1) Никоҳ эр билан хотиннинг ихтиёрий иттифоқидир. Фақат фуқаролик никоҳигина қонуний ҳисобланади.

(2) Эр-хотин никоҳ ва оиласда тенг ҳуқуқлар ҳамда вазифаларга эгадирлар.

(3) Никоҳ шакли, уни тузиш ҳамда тўхтатиш шартлари ва тартиби, эр-хотин ўртасидаги шахсий ва мулкий муносабатлар қонун билан тартибга солинади.

47-модда. (1) Болаларни вояга етгунга қадар тарбиялаш — ота-оналарининг ҳуқуқи ва вазифалариридир. Давлат болаларни тарбиялашда ота-оналарга ёрдам кўрсатади.

(2) Аёл — она давлатнинг алоҳида ҳомийлиги ва ҳимоясидадир, давлат уни фарзанд туғишига қадар ва туққанидан кейин ҳақ тўланадиган таътил, бепул акушерлик ёрдами билан таъминлайди, меҳнатини осонлаштиради ва бошқа ижтимоий ёрдам кўрсатади.

(3) Никоҳсиз туғилган болалар никоҳдан туғилган болалар билан тенг ҳуқуқларга эгадирлар.

(4) Яқинларининг ғамҳўрлик кўрсатишидан маҳрум болалар давлат ва жамиятнинг алоҳида ҳомийлигига бўладилар.

(5) Ота-оналий ҳуқуқларини чеклаш ёки улардан маҳрум қилиш шартлари ва тартиби қонун билан белгиланади.

48-модда. (1) Фуқаролар меҳнат қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Давлат бу ҳуқуқни амалга ошириш учун

шарт-шароитлар яратиб бериш ҳақида ғамхұрлык қилади.

(2) Давлат жисмоний нұқсанлари ва руҳий касалындардың бұлған шахсларнинг меңнат ҳуқуқини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиб беради.

(3) Ҳар бир фуқаро ўз касбини ва иш жойини әркин равища танлайди.

(4) Ҳеч ким мажбурлар мәңнат билан шугулланишга мажбур этилиши мүмкін әмас.

(5) Ишчилар ва хизматчилар соғлом ва хавфсиз мәңнат шароити, әнг кам мәңнат ҳақи ва бажарылған ишга мос келадиган ҳақ олиш, шунингдек, қонунда белгиланған шароит ва тартибда дам олиш ҳамда таътилга чиқыш ҳуқуқига әгадирлар.

49-модда. (1) Ишчилар ва хизматчилар мәңнат ва ижтимоий таъминот соҳасидаги ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун синдикал ташкилотлар ва иттифоқларга бирлашиш ҳуқуқига әгадирлар.

(2) Іш берувчилар ўзларынинг хүжалик манфаатларини ҳимоя қилиш учун бирлашиш ҳуқуқига әгадирлар.

50-модда. Ишчилар ва хизматчилар ўз жамоаларининг иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш учун иш ташлаш ҳуқуқига әгадирлар. Бу ҳуқуқ қонунда белгиланған шароит ва тартибда амалга оширилади.

51-модда. (1) Фуқаролар ижтимоий таъминот ва ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига әгадирлар.

(2) Вақтінча ишсиз қолған шахслар Қонунда белгиланған шароит ва тартибда ижтимоий таъминотдан фойдаланадилар.

(3) Яқын кишилари бўлмаган ва ўз маблағлари ҳисобига яшай олмайдиган қариялар, шунингдек, жисмоний ва руҳий хасталикка учраган шахслар давлат ва жамиятнинг алоҳида ҳомийлиги ҳамда ҳимоясида бўладилар.

52-модда. (1) Фуқаролар ўзлари учун мос бўлған тиббий ёрдамни таъминлаб берувчи, қонунда белгиланған шароит ва тартибда бепул тиббий хизматлар кўрсатувчи соғлиқни сақлаш муассасаларидан фойдаланиш ҳуқуқига әгадирлар.

(2) Фуқароларнинг соғлигини муҳофаза қилиш давлат бюджети маблағларидан, иш берувчилар томонидан, ижтимоий суғурта бўйича шахсий ва жамоа бадаллари ҳисобидан ва қонунда белгиланган шароит ва тартибда бошқа маблағлардан келган маблағ билан таъминланади.

(3) Давлат фуқароларнинг соғлиги ҳақида гамхўрлик қиласи ва спорт ҳамда туризмни ривожлантиришин рағбатлантиради.

(4) Ҳеч ким қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари даволанишга ва санитария чора-тадбирларини ўтказишга мажбурий равишда дучор этилиши мумкин эмас.

(5) Давлат барча тиббий муассасалар ишини, шунингдек, дори-дармон воситалари, биологик препаратлар, тиббиёт асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг сотилиши устидан назоратни амалга оширади.

53-модда. (1) Ҳар ким маълумот олиш ҳуқуқига эгадир.

(2) 18 ёшгача мактаб таълими олиш мажбурийдир.

(3) Давлат ва жамоа мактабларида саккиз йиллик ва ўрта маълумот олиш бепулдир. Қонунда белгилangan шароитларда давлат олий ўқув юртларида таълим олиш бепулдир.

(4) Олий ўқув юртлари академик мухториятдан фойдаланадилар.

(5) Фуқаролар ва ташкилотлар қонунда белгилangan шароит ва тартибда мактаблар очишлари мумкин. Уларда ўқитиш давлат талабларига мос келиши лозим.

(6) Давлат таълимни рағбатлантиради, мактаблар очади ва уларни маблағ билан таъминлайди, қобилиятли ўқувчилар ва талабаларга ёрдам кўрсатади, касб таълими ва қайта малака эгаллаш учун шарт-шароитларни таъминлайди. У барча турдаги ва даражадаги мактаблар устидан назоратни амалга оширади.

54-модда. (1) Ҳар ким миллий ва умуминсоний маданий бойликлардан фойдаланиш, шунингдек, ўзининг мансублигига мувофиқ ўз маданиятини ривожлантириш ҳуқуқига эгадир, бу эса қонун томонидан эътироф этилади ва кафолатланади.

(2) Бадиий, илмий ва техникавий ижод эркинлиги қонун билан эътироф этилади ва кафолатланади.

(3) Ихтирочилик, муалифлик ҳуқуқлари ва уларга ўшаш ҳуқуқлар қонун билан ҳимоя қилинади.

55-модда. Фуқаролар белгиланган стандартлар ва мөнбетларга мувофиқ соғлом ҳамда қулай атроф мұхитда яшаш ҳуқуқига әгадирлар. Улар атроф мұхитни авайлалашлары шарт.

56-модда. Ҳар бир фуқаро, агар уннинг ҳуқуқлари ёки қонуний манфаатлари бузилған ехуд таҳдид остида бўлса, ҳимоя қилиниш ҳуқуқига әгадир. Давлат муассасаларига у ўз ҳимоячиси билан бирга бориши ҳам мумкин.

57-модда. (1) Фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ажралмасдир.

(2) Агар ҳуқуқларни сунистеъмол қилиш, улардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ёки қонуний манфаатларини поймол қиласа, бунга йўл қўйилмайди.

(3) Уруш эълон қилинган, ҳарбий ёки бошқа фавқулодда ҳолатлар жорий этилган тақдирда фуқароларнинг баъзи бир ҳуқуқлари чекланиши мумкин, 28, 29, 31-моддаларнинг 1, 2 ва 3 параграфида ва 37-моддада назарда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир.

58-модда. (1) Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя қилишлари ҳамда уларни бажаришлари шарт. Улар бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳурмат қилишлари шарт.

(2) Диний ва бошқа эътиқодлар Конституция ва қонунлардан келиб чиқадиган вазифаларни бажаришдан бош тортиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас.

59-модда. (1) Ватанини ҳимоя қилиш — ҳар бир болгар фуқаросининг бурчи ва шон-шараф ишидир. Ватана га хоинлик ва сотқинлик қилиш энг оғир жиноятлар ҳисобланади ҳамда қонун томонидан ниҳоятда қатъийлик билан жазоланади.

(2) Ҳарбий мажбуриятни бажариш, ундан озод қилиш шартлари ва тартиби ёки уни муқобил хизмат билан алмаштириш қонун билан тартибга солинади.

60-модда. (1) Фуқаролар ўз даромадлари ва молмүлклари асосида қонун билан белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлашлари шарт.

(2) Солиқлар бүйича имтиёзлар ва юмшатишлар фақат қонун билан белгиланиши лозим.

61-модда. Фуқаролар табиий ва бошқа оғатлар рүй берган ҳолларда қонун билан белгиланган шартлар ва тартибда давлатта жамиятга күмаклашувла-ри шарт.

III боб

ХАЛҚ МАЖЛИСИ

62-модда. Халқ мажлиси қонун чиқариш ҳокимиятини ва парламент назоратини амалга оширади.

63-модда. Халқ мажлиси 240 депутатдан ташкил топади.

64-модда. (1) Халқ мажлиси түрт йил муддатта сайланади.

(2) Халқ мажлисингенінг ваколатлари вақтида ёки унинг муддатынан үтгандан кейин уруш эълон қилинган, ҳарбий ёки бошқа фавқулодда ҳолат эълон қилинган тақдирда унинг ваколатлари кўрсатиб үтилган ҳолатлар йўқ бўлмагунча давом эттирилади.

(3) Янги Халқ мажлисига сайлов аввалги Халқ мажлисингенінг ваколатлари тўхтатилган кундан бошлаб камида икки ой муддат үтгандан кейин ўтказилади.

65-модда. (1) Бошқа мамлакат фуқаролиги бўлмаган, 21 ёшга тўлган, тақиқ остида бўлмаган ва озодликдан маҳрум этилиш тарзида жазо ўтамаётган болгар фуқароси Халқ мажлиси депутати этиб сайланиши мумкин.

(2) Давлат хизматида бўлган депутатликка номзодлари кўрсатилган шахслар рўйхатга олинганларидан кейин хизматни бажаришни тўхтатадилар.

66-модда. Сайловларнинг қонунийлиги хусусида Конституциявий суд олдида қонунда белгиланган тартибда эътироуз билдирилиши мумкин.

67-модда. (1) Депутатлар нафақат ўз сайловчиларининг, балки бутун халқнинг вакили ҳисобланадилар.

Мажбурий ваколатлар белгиланиши қонуний кучга эга
эмас.

(2) Депутатлар Конституция ва қонунлар асосида
ўз виждони ва эътиқодларига мувофиқ ҳаракат қила-
дилар.

68-модда. (1) Депутатлар бошқа давлат лавозимини
эгаллаш ёки қонунга депутатнинг мавқеига тўғри кел-
майдиган фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга
эмаслар.

(2) Министр этиб сайланган депутат министр бў-
либ турган даврида ўз ваколатларини тўхтатади. Бун-
дай ҳолда уни алмаштириш қонунда белгиланган тар-
тибда амалга оширилади.

69-модда. Депутатлар Халқ Мажлисидан ўзлари
билдирган фикрлари учун ва у ёки бу масала юзаси-
дан овоз берганлари учун жиноий жавобгарликка тор-
тилишлари мумкин эмас.

70-модда. Халқ мажлиси депутатлари ҳибсга олини-
ши ва суд жавобгарлигига тортилиши мумкин эмас
(оғир жиноятлар содир қилган, шунда ҳам Халқ маж-
лисининг, мажлис бўлмаётган пайтда эса, Халқ маж-
лиси раисининг розилиги билан ҳибсга олинган ва суд
жавобгарлигига тортилган депутатлар бундан мустас-
но). Оғир жиноят содир этилган пайтда депутатни ҳибс-
га олиш учун розилик талаб қилинмайди, лекин бун-
дай ҳолда бу ҳақда Халқ мажлисига, мажлис бўлмаёт-
ган даврда эса, Халқ мажлиси раисига маълум қили-
нади.

71-модда. Депутатларга ҳақ тўланади, унинг миқ-
дори Халқ мажлиси томонидан белгиланади.

72-модда. (1) Депутатнинг ваколати қўйидаги ҳол-
ларда муддатидан олдин тўхтатилади:

1. Халқ мажлиси номига истефо берилганда;
2. Ҳукм кучга кирганда, қасддан қилинган жиноят
учун озодликдан маҳрум этиш тарзида унга жазо бел-
гиланганда ёки озодликдан маҳрум этиш тарзидаги
жазони ўташ кечикирилмаганда;

3. сайланмаганлиги ёки депутатликка тўғри келмас-
лиги аниқланганда;

4. Вафот этгандан.

(2) 1 ва 2-бандларда күрсатылган ҳолларда қарор Халқ мажлисін томонидан, 3-бандда күрсатылган ҳолларда эса — Конституциявий суд томонидан қабул қилинади.

73-модда. Халқ мажлисінинг ташкил этилиши ва фаолияти Конституция ва у қабул қилған қоидалар асосида амалга оширилади.

74-модда. Халқ мажлиси — доимий иш олиб борувчи орган. У мажлис ўтказмайдиган вақтни ўзи белгилайди.

75-модда. Янги сайланған Халқ мажлиси биринчи мажлисини ўтказишга Халқ мажлисига сайлов ўтказилғандан кейин орадан камида бир ой ўтгандан сұнг республика президенті томонидан чақирилади. Агар Президент Халқ мажлисini күрсатыб ўтилған муддатда чақирилмаса, у депутатларнинг бешдан бир қисми томонидан чақирилади.

76-модда. (1) Халқ мажлисінинг биринчи йиғилишини иштирок этаётган депутаттар ичіда ёши әнг улуғи очади.

(2) Биринчи мажлисда депутаттар қуйидагича қасамәд қиласылар: «Болгария Республикасы учун мамлакат Конституцияси ва қонунларига риоя қилишга ва ўзимнинг барча ҳаракатларимда халқ манфаатларига амал қилишга қасамәд қиласынан. Қасамәдни қабул қилдім».

(3) Шу мажлиснинг ўзинде депутаттар Халқ мажлиси қасиети ва қасиети ўринбосарини сайлайдылар.

77-модда. (1) Халқ мажлиси қасиети:

1. Халқ мажлиси вакиби бўлиб қатнашади;
2. Мажлислар кун тартиби лойиҳасини таклиф этади;
3. Халқ мажлиси йиғилишларини очади ва ёпади, уларга раҳбарлик қиласы, уларни ўтаказиша тартиби таъминлайди;
4. Халқ Мажлиси қабул қилған ҳужжатлар матнини ўз имзоси билан тасдиқлайди;
5. Халқ мажлиси қабул қилған қарорлар, баёнотлар ва мурожаатларни эълон қиласы;

6. Халқ мажлисининг халқаро алоқаларини йўлга қўяди.

(2) Халқ мажлиси раисининг ўринбосарлари раисга ёрдам кўрсатадилар ва ўзларига раис томонидан юкланган вазифаларни бажарадилар.

78-модда. Халқ мажлиси Халқ мажлиси раиси томонидан;

1. Унинг ташаббуси билан;
2. Халқ Мажлиси депутатларининг бешдан бир қисми талаби билан;
3. Президентнинг талаби билан;
4. Министрлар Кенгашининг талаби билан чақирилади.

79-модда. (1) Халқ мажлиси ўз таркибидан доимий ва вақтинча комиссияларни сайлайди.

(2) Доимий комиссиялар Халқ мажлисининг фаолиятида унга ёрдам кўрсатади ва унинг номидан парламент назоратини амалга оширади.

(3) Вақтинча комиссиялар текширишлар ва сўровномалар ўтказиш учун сайланади.

80-модда. Таклиф этилган мансабдор шахслар ва фуқаролар парламент комиссияларига келишлари ва ўзларидан талаб қилинган маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этишлари шарт.

81-модда. (1) Халқ мажлиси, агар депутатларининг ярмидан кўпроғи иштирок этаётган бўлса, мажлислар ўтказиши ва ҳужжатлар қабул қилиши мумкин.

(2) Халқ мажлиси иштирок этаётган депутатлар умумий сонининг ярмидан кўпроғи овози билан қонунлар ва бошқа ҳужжатлар қабул қиласди, агар Конституцияга мувофиқ бошқача кўпчилик талаб қилинманса.

(3) Овоз бериш шахсий ва очиқ бўлади, Конституцияда назарда тутилган ҳоллар ёки Халқ мажлиси яширин овоз бериш тўғрисида қарор қабул қилган ҳоллар бундан мустаснодир.

82-модда. Халқ Мажлисининг мажлислари очиқдир. Истисно тариқасида Халқ Мажлиси айрим ёпиқ мажлислар ўтказиши тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

83-модда. (1) Министрлар Кенгашининг аъзолари Халқ Мажлиси ва парламент комиссиялари мажлисларида қатнашишлари мумкин. Уларнинг талабига кўра, уларга имтиёзли тарзда сўз берилади.

(2) Халқ мажлиси ва парламент комиссиялари министрлар зиммасига ўз мажлисларида иштирок этиш ва қўйилган саволларга жавоб бериш вазифасини юклашлари мумкин.

84-модда. Халқ мажлиси:

1. Қонунлар қабул қиласди, уларни ўзгартиради, тўлдиради ва бекор қиласди;
2. Давлат бюджетини ва унинг ижро этилиши тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади;
3. Солиқлар белгилайди ва уларнинг миқдорини аниқлади;
4. Респубулика Президенти сайловини ўтказишсанни тайинлайди.
5. Миллий референдум ўтказиш тўғрисида қарор қабул қиласди;
6. Бош министрни ва унинг таклифи билан Министрлар Кенгаши аъзоларини лавозимга сайлайди ва лавозимдан озод қиласди; бош министрнинг таклифи билан ҳукumat таркибига ўзгаришлар киритади;
7. Бош министрнинг таклифи билан министрликларни тузади, ўзгартиради ва бекор қиласди;
8. Болгария халқ банкининг ва қонунда белгилangan бошқа муассасалар ва институтларнинг раҳбарларини сайлайди ҳамда лавозимдан озод қиласди;
9. Давлат заёмлари тўғрисида шартномалар тузишга розилик беради;
10. Уруш эълон қилиш ва сулҳ тузиш масалаларини ҳал этади;
11. Болгар қуролли кучларини мамлакат ҳудудидан ташқарига юбориш ва ундан фойдаланиш, шунингдек, мамлакат ҳудудида хорижий қўшинларнинг бўлиши ёки у орқали ўтишига рухсат беради;
12. Президент ёки Министрлар Кенгати таклифи билан ҳудудларда ёки унинг айрим қисмида ҳарбий ёки бошқа ҳолат эълон қиласди;
13. Амнистия эълон қиласди;
14. Орден ва медаллар тавсия этади;
15. Расмий байрамларни белгилайди.

85-модда. (1) Халқ мажлиси халқаро шартномаларни ратификация қилади ва уларни қонун билан бекор деб эълон қилади, бу шартномалар:

1. сиёсий ёки ҳарбий хусусиятга эга бўлади;
2. Болгария Республикасининг халқаро ташкилотларда иштирок этишига тааллуқли бўлади;
3. Болгария Республикаси чегараларини ўзгартришни назарда тутади;
4. Давлат учун молиявий мажбуриятларни ўз ичига олади;
5. халқаро низоларни арбитраж ёки суд йўли билан тартибга солишда давлатнинг иштирок этишини назарда тутади;
6. Инсоннинг асосий ҳуқуқларига тааллуқли бўлади;
7. Қонуннинг амал қилишига тааллуқли бўлади ёки унинг бажарилиши учун қонун тарзидаги чора-тадбирлар кўришни талаб этади;
8. ратификацияни қатъий назарда тутади.

(2) Халқ мажлиси томонидан ратификация қилинган шартномалар шартномаларнинг ўзида белгиланган тартибдагина ёки халқаро ҳуқуқнинг умум томонидан қабул қилинган меъёрларига мувофиқ ўзгартирилиши ёки бекор деб эълон қилиниши мумкин.

(3) Конституцияга ўзгаришлар киритишни талаб қилиувчи халқаро шартномалар тузилишидан олдин бундай ўзгаришлар қабул қилиниши лозим.

86-модда. (1) Халқ мажлиси қонунлар, қарорлар, баёнот ва мурожаатномалар қабул қилади.

(2) Халқ мажлисининг қонунлари ва қарорлари давлатнинг барча идоралари, ташкилотлари ва фуқаролар учун мажбурийdir.

87-модда. (1) Халқ мажлисининг ҳар бир депутати ва Министрлар Кенгashi қонун чиқариш ташабbusи ҳуқуқига эгадир.

(2) Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси Министрлар Кенгashi томонидан тайёрланади ва киритилади.

88-модда. (1) Қонунлар икки марта муҳокама қилиш ва овоз бериш натижасида қабул этилади, овоз беришлар турли мажлисларда ўтказилади. Халқ мажлиси истисно тариқасида ҳар иккала овоз беришни битта мажлисда ўтказиши ҳам мумкин.

(2) Халқ мажлисининг бошқа ҳужжатлари бир марта овоз бериш билан қабул қилинади.

(3) Халқ мажлиси томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан кўпи билан 15 кун муддатда «Дыржавен вестник» газетаси эълон қилиниши керак.

89-модда. (1) Халқ мажлиси депутатларнинг бешдан бир қисми таклифи билан Министрлар Кенгашига ишончсизлик билдириш тўғрисидаги масала юзасидан овоз бериш ўтказиши мумкин. Агар бу таклифга Халқ мажлиси депутатлари умумий сонининг ярмидан кўпроғи овоз берган тақдирда таклиф қабул қилинган ҳисобланади.

(2) Агар Халқ Мажлиси бош министрга ёки Министрлар Кенгашига ишончсизлик билдириш учун овоз берса, бош министр ва ҳуқумат истеъфога чиқади.

(3) Агар Халқ мажлиси Министрлар Кенгашига ишончсизлик билдириш тўғрисидаги таклифни рад қиласа, шундан кейинги олти ой мобайнида яна ўша асос бўйича ишончсизлик билдириш тўғрисида янги таклиф киритилиши мумкин эмас.

90-модда. (1) Депутатлар Министрлар Кенгашига ёки айрим министрларга савол ва расмий талаблар юбориш ҳуқуқига эгадирлар, улар бу савол ва талабларга жавоб беришлари шарт.

(2) Депутатларнинг бешдан бир қисми таклифи билан расмий талаблар бўйича баҳслар ўтказилади ва қарор қабул қилинади.

91-модда. (1) Халқ Мажлиси Ҳисоблаш палатасини сайлайди, у бюджетнинг ижросини назорат қилишини амалга оширади.

(2) Ҳисоблаш палатасини ташкил этиш, унинг ваколатлари ва фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан тартибга солинади.

IV боб

РЕСПУБЛИКА ПРЕЗИДЕНТИ

92-модда. (1) Президент давлат бошлиғи ҳисоблашади. У миллат бирлигини ифодалайди ва халқаро му-

нисабатларда Болгария Республикаси вакили бўлиб қатнашади.

(2) Президентнинг фаолиятида унга вице-президент ёрдам беради.

93-модда. (1) Президент бевосита сайловчилар томонидан қонунда белгиланган тартибда беш йил муддатда сайланади.

(2) Болгария фуқароси бўлиб туғилган, 46 ёшга етган, Халқ мажлиси депутати бўлиб сайланиш шартларига жавоб берадиган, кейинги беш йил ичида мамлакатда яшаган киши Президент этиб сайланиши мумкин.

(3) Агар овоз беришда сайловчиларнинг ярмидан кўпроғи иштирок этган бўлса, бунда ҳақиқий овозларнинг ярмидан кўпроғини олган номзод сайланган ҳисобланади.

(4) Агар номзодлардан бирортаси ҳам сайланмаса, у ҳолда етти кун муддат ичида янги сайлов ўтказилади, унга энг кўп овоз олган икки номзод қатнашади. Кўпроқ овоз олган номзод сайланган ҳисобланади.

(5) Янги президентни сайлаш ишлаб турган президентнинг ваколатлари тугашидан кўпи билан уч ой ва кам деганда икки ой олдин ўтказилади.

(6) Президент сайловининг қонунийлиги ҳусусида ги тортишувлар Конституциявий суд томонидан сайловлар ўтказилгандан кейин бир ой муддат ичида ҳал қилинади.

94-модда. Вице-президент президент билан бир вақтда ва битта бюллетенда президентни сайлаш учун назарда тутилган тартибда сайланади.

95-модда. (1) Президент ва вице-президент шу лавозимларига фақат бир муддатга қайта сайланишлари мумкин.

(2) Президент ва вице-президент Халқ мажлисининг депутатлари бўлишлари, давлат, жамоат ва хўжалик соҳасидаги бошқа лавозимларни эгаллашлари ва сиёсий партияларга раҳбарлик қилишда иштирок этишлари мумкин эмас.

96-модда. Президент ва вице-президент Халқ мажлисида 76-модданинг 2-параграфига мувофиқ қасамёд қиласидилар.

97-модда. (1) Президент ва вице-президентнинг ваколатлари муддати қўйидаги ҳолларда муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин:

1. Конституциявий суд номига истеъфо берилганда;
2. Оғир хасталик түфайли узоқ муддат мобайнида ўз ваколатларини бажаришнинг имкони бўлмаганда;
3. 103-моддада кўрсатилган шарт-шароитлар мавжуд бўлганда;
4. Вафот этганда.

(2) 1 ва 2-бандларда назарда тутилган ҳолларда президент ва вице-президентнинг ваколатлари мазкур бандларда кўрсатиб ўтилган ҳолатлар Конституциявий суд томонидан аниқлангандан кейин тўхтатилади.

(3) 1-параграфда назарда тутилган ҳолларда вице-президент то Президентнинг ваколатлари муддати туғагунга қадар унинг лавозимини бажаришга киришади.

(4) Вице-президент лавозимини бажаришга кириша олмаган ҳолларда президентнинг ваколатларини Ҳалқ мажлиси раиси то президент ва вице-президент сайлангунга қадар бажариб туради. Бундай ҳолда президент ва вице-президент сайлови икки ой мобайнида ўtkазилиши лозим.

98-модда. Республика президенти:

1. Ҳалқ мажлиси ва Маҳаллий ўзини бошқариш органларига сайловни тайинлади ва миллий референдум ўтказиш санасини белгилайди (агар бунга Ҳалқ Мажлисининг қарори бўлса);

2. Ҳалққа ва Ҳалқ Мажлисига мурожаатнома йўллайди;

3. Қонунда белгилangan ҳолларда ҳалқaro шартномалар тузади;

4. Қонунларни эълон қилади;

5. Министрлар Кенгашининг таклифига кўра, маъмурий-худудий бирликларнинг чегараларини ва марказларини ўзгартиришни тасдиқлайди.

6. Министрлар Кенгашининг таклифи билан Болгария Республикасининг Ҳалқaro ташкилотлардаги дипломатик ваколатхоналари бошлиқлари ва вакилларини тайинлади, хорижий давлатларнинг мамлакатда вакил қилинган дипломатия вакилларининг ишонч ва чақириб олиш ёрлиқларини қабул қилади.

7. Қонунда белгилangan бошқа давлат хизматчиларини ҳам тайинлади ва лавозимдан озод қилади;

8. Орден ва медаллар билан муроффотлади;
9. Болгария фуқаролигини беради ва тиклади, Болгария фуқаролигидан озод қилади ва маҳрум этади;
10. Бошпана ҳуқуқини беради;
11. Авф этиш ҳуқуқини амалга оширади;
12. Давлатнинг қарз ундириш имконияти бўлмаганида уни тўлашдан озод қилади;
13. Миллий аҳамиятга эга бўлган обьектларга ва аҳоли пунктларига номлар беради;
14. Ўз ваколатлари допрасида асосий масалалар юзасидан Халқ мажлисига ахборот беради.

99-модда (1) Президент парламент гуруҳлари билан маслаҳатлашгандан сўнг энг кўп сонли парламент гуруҳи томонидан бош министр лавозимига кўрсатилган номзодга ҳукумат тузишни топширади.

(2) Агар бош министр лавозимига номзод етти кун муддат ичida Министрлар Кенгаши таркибини тузиб тақлиф қила олмаса, президент бу вазифани сон жиҳатидан иккинчи гуруҳ томонидан бош министр лавозимига кўрсатилган номзодга топширади.

(3) Агар бу ҳолда ҳам Министрлар Кенгашининг таркиби тақлиф этилмаса, президент олдинги параграфда кўрсатиб ўтилган муддатда навбатдаги парламент гуруҳларидан биттасига бош министр лавозимига номзод кўрсатишни топширади.

(4) Агар маслаҳатлашиб олиш даври муваффақиятли якунланса, президент Халқ мажлисига шу номзодни бош министр қилиб сайлашни тақлиф этади.

(5) Агар ҳукумат тузиш масаласи юзасидан келишиб олишга эришилмаса, президент ёрдамчи ҳукуматни тайинлади, Халқ мажлисини тарқатиб юборишини эълон қилади ва 64-модданинг 3-параграфига мувофиқ муддатда янги сайлов ўтказишни тайинлади. Президентнинг халқ мажлисини тарқатиб юбориш ҳақидаги ҳужжатида янги Халқ Мажлиси сайловини ўтказиш муддати ҳам белгилаб берилади.

(6) Ҳукуматни тузиш тартиби олдинги параграфларга мувофиқ 111-модданинг 1-параграфида кўзда тутилган ҳолларда ҳам татбиқ этилади.

(7) 5 ва 6-параграфларда кўрсатиб ўтилган ҳолларда президент Халқ мажлисини ўз ваколатларининг охирги уч ойи мобайнида тарқатиб юбориши мумкин

эмас. Агар бу муддатда парламент ҳукуматни тузада, президент ёрдамчи ҳукумат тайинлайди.

100-модда. (1) Президент Болгария Республикаси Қуролли кучларининг олий бош қўмондони ҳисобланади.

(2) Президент Қуролли кучларнинг олий қўмондонарни тайинлайди ва лавозимдан озод қиласди ҳамда Министрлар Кенгашининг таклифига кўра, олий ҳарбий уивонлар беради.

(3) Президент Миллий хавфсизлик бўйича маслаҳат кенгашига бошчилик қиласди, унинг мақоми қонун билан белгиланади.

(4) Президент қонунга мувофиқ Министрлар Кенгашининг таклифига кўра умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қиласди.

(5) Президент мамлакатга қуролли ҳужум қилинган тақдирда ёки ҳалқаро мажбуриятларни ҳеч кечиктирмай бажариш зарурати туғилганда уруш ҳолагини, Ҳалқ мажлиси ишламаётган даврда ҳарбий ҳолат ёки бошқа фавқулодда ҳолат жорий қилиш тўғрисида эълон қиласди. Бундай ҳолларда қабул қилинган қарор тўғрисида ўз фикрини ифодалаш учун дарҳол Ҳалқ мажлиси чақирилади.

101-модда. (1) 98-модданинг 3-параграфида кўрсастилган муддатда президент қонунни янгидан муҳокама қилиш учун Ҳалқ мажлисига далиллар билан қайтариб юбориш ҳуқуқиңга эгадир, бу ҳақда унга эътиroz билдириб бўлмайди.

(2) Ҳалқ мажлиси депутатлар умумий сонининг ярмидан кўпроғи овози билан қонунни такроран қабул қиласди.

(3) Ҳалқ мажлиси томонидан такроран қабул қилинган қонун президент томонидан у олинган кундан эътиборан 7 кунлик муддат ичидаги эълон қилинади.

102-модда. (1) Президент ўз ваколатларини бажариш учун фармонлар чиқаради, мурожаатномалар ва мактублар йўллайди.

(2) Фармонларни бош министр ёки тегишли министр ҳам имзолайди.

(3) Бош Министр ёки бошқа министрлар президентнинг:

1. Ердамчи ҳукумат тайинлайдиган;
2. Ҳукумат түзишга доир маслаҳатлар ўтказишини топширадиган;
3. Халқ мажлисими тарқатиб юборадиган;
4. Халқ мажлиси томонидан маъқулланган қонунни тақорий муҳокама қилиш учун қайтарадиган;
5. Президентлик ҳузуридан хизматлар ва уларнинг иш тартибини белгилайдиган ҳамда унинг ходимларини тайинлайдиган;
6. Сайловлар ва референдум тайинлайдиган;
7. Қонунларни эълон қиласидиган фармонларини имзоламайдилар.

103-модда. (1) Президент ва вице-президент ўз функцияларини бажариш вақтида ўзлари содир этган хатти-ҳаракатлар учун жавобгар бўлмайдилар, давлатга хиёнат қилиш ва Конституцияни бузиш ҳоллари бундан мустаснодир.

(2) Айлов депутатларнинг камида тўртдан бир қисми томонидан билдирилади ва агар унинг учун депутатларнинг учдан икки қисмидан кўпроғи овоз берган бўлса, Халқ мажлиси томонидан маъқулланади.

(3) Конституциявий суд президентга ёки вице-президентга қарши қўйилган айловни у киритилган кундан эътиборан бир ой муддат ичидаги қараб чиқади. Агар президент ёки вице-президентнинг хиёнат қилганини ёки Конституцияни бузганлиги аниқланса, уларнинг ваколатлари тўхтатилади.

(4) Президент ва вице-президент ҳибсга олиниши ва уларга қарши жиной таъқиб қўзғатилиши мумкин эмас.

104-модда. Президент 98-модданинг, 7, 9, 10 ва 11-параграфларига мувофиқ ўз ваколатларини вице-президент зинмасига юклаши мумкин.

V боб

МИНИСТРЛАР ҚЕНГАШИ

105-модда. (1) Министрлар Қенгаши Конституцияга ва қонунларга мувофиқ мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатига раҳбарлик қиласиди ҳамда уни амалга оширади.

(2) Министрлар Кенгаши жамоат тартибини ва миллий хавфсизликни таъминлайди, давлат маъмуриятига ва қуролли кучларга умумий раҳбарликни амалга оширади.

106-модда. Министрлар Кенгаши давлат бюджетининг ижро этилишига раҳбарлик қилади; давлат мулкига хўжалик қилишни ташкил этади; қонунда назарда тутилган ҳолларда халқаро шартномалар тузади, тасдиқлайди ва бекор деб эълон қиласди.

107-модда. Министрлар Кенгаши Министрларнинг қонунга мувофиқ келмайдиган ёки нотўғри хужжатларини бекор қиласди.

108-модда. (1) Министрлар Кенгаши бош Министр, бош министр ўринбосарлари ва министрлардан таркиб топади.

(2) Бош министр ҳукуматнинг умумий сиёсатига раҳбарлик қиласди ва уни мувофиқлаштиради ҳамда унинг учун жавобгардир. У Министрлар ўринбосарларини тайинлайди ва лавозимдан озод қиласди.

(3) Министрлар, агар Халқ мажлиси бошқача ҳал этмаса, айрим министрликларга раҳбарлик қиласдилар. Улар ўз ҳаракатлари учун жавобгар бўладилар.

109-модда. Министрлар Кенгаши аъзолари 76-модданинг 2-параграфига мувофиқ Халқ мажлисига қасам-ёд қиласдилар.

110-модда. Халқ мажлиси депутати этиб сайланиш шартларига жавоб берса оладиган болгар фуқароларги на Министрлар Кенгашининг аъзолари бўлиши мумкин.

111-модда. (1) Министрлар Кенгашининг ваколатлари қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

1. Министрлар Кенгаши ва бош Министрга ишончсизлик билдирилганда;

2. Министрлар Кенгашининг ёки бош министрнинг истеъфоси қабул қилинганда;

3. Бош министр вафот этганда.

(2) Министрлар Кенгаши янги сайланган Халқ мажлиси номига истеъфо беради.

(3) Олдинги параграфларда назарда тутилган ҳолларда Министрлар Кенгаши ўз функцияларини янги Министрлар Кенгаши сайлангунга қадар ижро этади.

112-модда. (1) Министрлар Кенгаши ўзининг баркамол сиёсий йўли, ўз дастури ёки бошқа аниқ сабабга кўра, Халқ мажлисидан ўзига ишонч билдириш юзасидан овоз бериш ўтказишни талаб қилиши мумкин. Қарор иштирок этаётган депутатлар сонининг ярмидан кўпроғи овоз бериши билан қабул қилинади.

(2) Агар Министрлар Кенгашига ишонч билдирилмаса, бош министр ҳукуматнинг истеъфога чиқишини маълум қиласди.

113-модда. (1) Министрлар Кенгашининг аъзолари депутат мавқеига тўгри келмайдиган лавозимларни эгаллашлари ва амалга оширишлари мумкин эмас.

(2) Халқ мажлиси Министрлар Кенгашининг аъзолари эгаллаши ёки амалга ошириши мумкин бўлмайдиган бошқа лавозимлар ва фаолият турларини ҳам белгилаб беришга ҳақлидир.

114-модда. Министрлар Кенгаши қонунлар асосида ва уларни бажариш учун қарорлар ва фармойишлар қабул қиласди. Министрлар Кенгаши қарорлар билан бир вақтда қоидаларни ва уларни бажариш тўғрисидағи низомларни тасдиқлади.

115-модда. Министрлар қоидалар, фармойишлар, йўриқнома ва буйруқлар чиқарадилар.

116-модда. (1) Давлат хизматчилари миллат иродаси ва манфаатларини амалга оширувчилардир. Улар ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида фақат қонунга амал қилишлари ва сиёсий бетараф бўлишлари лозим.

(2) Давлат хизматчилари лавозимига тайинланиш ва ундан озод қилиниш ва сиёсий партиялар ҳамда синдикал ташкилотларда туриш, шунингдек, ўзининг иш ташлаш ҳуқуқини амалга ошириши мумкин бўлган шартлар қонун билан белгиланади.

VI боб

Суд ҳокимияти

117-модда. (1) Суд ҳокимияти фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қиласди.

(2) Суд ҳокимияти мустақилдир. Судьялар, суд маслаҳатчилари, прокурорлар ва терговчилар ўз вазифаларини бажаришда фақат қонунга бўйсунадилар.

(3) Суд ҳокимияти мустақил бюджетга эгадир.

118-модда. Одил судлов халқ учун амалга оширилади.

119-модда. (1) Одил судлов Олий кассация суди-маъмурий суд, шикоят суди, округ, ҳарбий ва район судлари томонидан амалга оширилади.

(2) Қонун ихтисосланган судларни ҳам ташкил этиши мумкин.

(3) Фавқулодда судларга йўл қўйилмайди.

120-модда. (1) Судлар маъмурий идоралар ҳужжатлари ва ҳаракатларининг қонунийлигини назорат қила-дилар.

(2) Фуқаролар ва юридик шахслар ўзларига таалуқли барча маъмурий ҳужжатлар устидан шикоят қилишлари мумкин, қонунда қатъий кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар бундан мустаснодир.

121-модда. (1) Судлар суд жараёнида томонларнинг тортишувли бўлишлари учун тенглик ва шарт-шароитларни таъминлаб берадилар.

(2) Ишлар бўйича суд юритиш ҳақиқатнинг аниқланишини таъминлайди.

(3) Барча судларда ишларни кўриб чиқиши, агар қонунда бошқа нарсалар назарда тутилмаган бўлса, очиқ ҳисобланади.

(4) Одил судлов ҳужжатлари асосланиб берилади.

122-модда. (1) Фуқаролар ва юридик шахслар суд жараёнининг барча босқичларида ҳимояланиш ҳуқуқига эгадирлар.

(2) Ҳимояланиш ҳуқуқини амалга ошириш тартиби қонун билан белгиланади.

123-модда. Қонунда белгиланган ҳолларда суд ишини юритишида суд маслаҳатчилари ҳам иштирок этидилар.

124-модда. Олий кассация суди барча судлар томонидан қонунларнинг аниқ ва бир хил татбиқ этилиши устидан олий суд назоратини амалга оширади.

125-модда. (1) Олий маъмурий суд маъмурий адлия соҳасида қонунларнинг аниқ ва бир хилда татбиқ этилиши устидан олий суд назоратини амалга оширади.

(2) Олий маъмурий суд Министрлар Кенгаши ва министрлар қабул қилган ҳужжатларнинг, шунингдек, қонунда кўрсатилган бошқа ҳужжатларнинг қонунийлиги хусусидаги баҳсларни ҳал қиласди.

126-модда. (1) Прокуратура тузилиши судларнинг тузилишига мувофиқ келади.

(2) Бош прокурор қонунийлик устидан назорат қилишни ва барча прокурорлар фаолиятига раҳбарликни амалга оширади.

127-модда. Прокуратура қонунчиликка риоя этилишини кузатиб боради, бунда:

1. Жиноят содир этган шахсларни жавобгарликка тортади ва умумий тарздаги жинойи ишлар бўйича айбловни қўллаб-қувватлади;

2. Жазоларни ва маъмурий тарздаги бошқа чораларнинг ижро этилишини назорат қилишни амалга оширади;

3. Қонунга мувофиқ бўлмаган ҳужжатларни бекор қилиш ҳаракатларини амалга оширади;

4. Қонунда назарда тутилган ҳолларда фуқаролик ва маъмурий ишларни ҳал қилишда иштирок этади.

128-модда. Тергов идоралари суд ҳокимияти тизими га кирадилар. Улар жинойи ишлар юзасидан дастлабки иш кўришни амалга оширадилар.

129-модда. (1) Судьялар, прокурорлар ва терговчилар Олий суд Кенгаши томонидан тайинланади, юқори лавозимга кўтарилади, лавозимдан пасайтирилади, бошқа ишга ўтказилади ва лавозимдан озод қилинади.

(2) Олий кассация судининг раиси, Олий маъмурий суд раиси ва бош прокурор Олий суд кенгашининг таклифи билан республика президенти томонидан такрор сайланиш ҳуқуқисиз етти йил муддатга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади. Таклиф такроран киритилган тақдирда Президент лавозимга тайинлаш ёки лавозимдан озод қилишни рад этиши мумкин эмас.

(3) Судьялар, прокурорлар ва терговчилар эгаллаб турган лавозимида уч йил иш стажиига эга бўлгандан

кейин уларни алмаштириб бўлмайди. Улар фақат пенсияга чиққанда, истеъфога чиқишга ариза берганда, қасдан жиноят содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этиш тарзида жазо белгиланган ҳукм кучга кирганда, шунингдек бир йилдан ортиқ узоқ муддат давомида ўз вазифаларини ҳақиқатда бажариши мумкин бўлмаган такдирдагина лавозимдан озод қилинадилар.

130-модда. (1) Олий Суд кенгаши 25 аъзодан иборат. Олий кассация судининг раиси, Олий маъмурий суд раиси ва Бosh прокурор ўз ҳуқуқлари бўйича бу кенгаш таркибига кирадилар.

(2) Ҳуқуқи бўйича Олий суд кенгаши таркибига кирмайдиган аъзолар сифатида юксак касбий малакага ва ахлоқий фазилатларга эга бўлган, камида 15 йил юридик стажи бўлган юристлар сайланади.

(3) Олий суд кенгашининг ўн бир нафар аъзоси Халқ мажлиси томонидан ва ун бир нафар аъзоси суд ҳокимияти идоралари томонидан сайланади.

(4) Олий Суд кенгашининг сайдаб қўйиладиган аъзоларининг ваколатлари муддати — беш йил. Улар бу муддат ўтгани ҳамоно яна қайта сайланишлари мумкин эмас.

(5) Олий суд кенгаши мажлисида одил судлов министри раислик қиласди. У овоз беришда қатнашмайди.

131-модда. Олий суд кенгашининг судьяларни, прокурорларни ва терговчиларни лавозимга тайинлаш, лавозимни ошириш, пасайтириш, бошқа ишга ўtkазиш ва лавозимдан озод қилиш тўғрисидаги қарорлари. шунингдек, Олий суд кенгаши 129-модаднинг 2-параграфига мувофиқ киритадиган таклифлар яширин овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

132-модда. (1) Судьялар, прокурорлар ва терговчилар депутатлик дахслизлигидан фойдаланадилар.

(2) Қонунда белгиланган ҳолларда судьяни, прокурорни ёки терговчини депутатлик дахслизлигидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарор Олий суд кенгаши томонидан қабул қилинади.

133-модда. Олий суд кенгашини, судлар, прокуратура ва тергов идораларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти, судьялар, прокурорлар ва терговчиларнинг

мақоми, судьялар, суд маслағатчиларини, прокурорлар ва терговчиларни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш шартлари ва тартиби, шунингдек, уларнинг жавобгарлигини амалга ошириш қонун билан тартибга солинади.

134-модда. (1) Адвокатура эркин ва мустақиллар, у ўзини ўзи бошқаради. У фуқароларга ва юридик шахсларга уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда кўмаклашади.

(2) Адвокатурани ташкил этиш ва унинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан тартибга солинади.

VII боб

МАҲАЛЛИЙ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ВА МАҲАЛЛИЙ МАЪМУРИЯТ

135-модда. (1) Болгария Республикаси ҳудуди жамоалар ва вилоятларга бўлинади. Пойтахт жамоаси ва бошқа йирик шаҳарлар жамоаларининг ҳудудий бўлиниши ҳамда ваколатлари қонун билан белгиланади.

(2) Бошқа маъмурий-ҳудудий бирликлар ва улардаги ўзини ўзи бошқариш идоралари қонун асосида ташкил этилиши мумкин.

136-модда (1) Жамоа асосий маъмурий-ҳудудий бирлик бўлиб, унда маҳаллий ўзини-ӯзи бошқариш амалга оширилади. Фуқаролар жамоани бошқаришда ўзлари сайлаган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари орқали ҳам, шунингдек, референдумда ва аҳолининг умумий йигилишида бевосита қатнашиш йўли билан ҳам иштирок этадилар.

(2) Жамоаларнинг чегаралари аҳолини сўраб чиқиш йўли билан аниқланади.

(3) Жамоа юридик шахс ҳисобланади.

137-модда. (1) Ўзини ўзи бошқарадиган ҳудудий бирликлар умумий масалаларни ҳал этиш учун бирлашишлари мумкин.

(2) Қонун жамоаларнинг бирлашуви учун шарт-шароитлар яратиб беради.

138-модда. Жамоада ўзини ўзи бошқариш органи жамоа Кенгашы ҳисобланади, у тегишли жамоа аҳолиси томонидан қонунда белгиланган тартибда тўрт йил муддатга сайланади.

139-модда. (1) Жамоада ижро этувчи ҳокимият органи кмет (мэр) ҳисобланади. У аҳоли ёки жамоа кенгашы томонидан қонунда белгиланган тартибда тўрт йил муддатга сайланади.

(2) Кмет ўз фаолиятида қонунга, жамоа кенгashi ҳужжадтларига ва аҳоли қарорларига амал қиласди.

140-модда. (1) Жамоа ўзининг мол-мулкига эга бўлиш ҳуқуқига эгадир, ундан ҳудудий бирлик манфатларида фойдаланилади.

141-модда. (1) Жамоа мустақил бюджетга эгадир.

(2) Жамоанинг доимий молиявий манбалари қонун билан белгиланади.

(3) Давлат бюджет маблағлари ёки бошқа усул билан жамоаларнинг нормал фаолиятига кўмаклашади

142-модда. Вилоят — маъмурий ҳудудий бирлик бўлиб, унда минтақавий сиёsat ўтказилади, жойларда давлат бошқаруви амалга оширилади ва миллий ҳамда маҳаллий манбаатлар ўртасидаги мувофиқлик таъминланади.

143-модда. (1) Вилоятни бошқариш вилоят раҳбари томонидан вилоят маъмуриягининг кўмагида амалга оширилади.

(2) Вилоят раҳбарини Министрлар Кенгashi тайинлайди.

(3) Вилоят раҳбари давлат сиёsatини ўтказишни таъминлайди, у миллий манбаатларни, қонунчиликни ва жамоат тартибини муҳофаза қилишга жавобгардир ҳамда мамурий назоратни амалга оширади.

144-модда. Марказий давлат органлари ва уларнинг жойлардаги вакиллари фақат қонунда назарда тутилган ҳоллардагина маҳаллий бошқарув идоралари ҳужжатларининг қонунга мувофиқлиги устидан назоратни амалга оширадилар.

145-модда. Жамоа кенгашлари ўз ҳуқуқларини бузадиган ҳужжатлар ва хатти-ҳаракатлар устидан судда норозилик билдиришлари мумкин.

146-модда. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ва маҳаллий маъмурият идораларини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади.

VIII боб

КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД

147-модда. (1) Конституциявий суд 12 нафар судъядан ташкил топади, уларнинг учдан бири Халқ мажлиси томонидан сайланади, учдан бири президент томонидан тайинланади ва учдан бири Олий кассация судига ҳамда Олий маъмурий судга кирадиган судьяларнинг умумий йиғилишида сайланади.

(2) Конституциявий суд аъзолари бўлган судьяларнинг ваколатлари муддати — 9 йил. Улар мазкур лавозимга такроран сайланишлари мумкин эмас. Конституциявий суднинг таркиби ҳар бир квота бўйича қонунда белгиланган тартибда уч йилдан кейин янгиланади.

(3) Конституциявий суднинг судьялари қилиб юксак касбий ва ахлоқий сифатларга эга бўлган ҳамда юридик стажи камида 15 йил бўлган юристлар сайланади.

(4) Конституциявий суд аъзоси бўлган судьялар яширин овоз берниш йўли билан суд раисини уч йил муддатга сайлайдилар.

(5) Конституциявий суд аъзосининг мавқеи депутатлик мандати, давлат ёки жамоат мансаби, сиёсий партияга ёки синдикатга аъзолик билан, шунингдек, эркин, савдо ва бошқа ҳақ тўланадиган касб фаолияти билан сифишимайди.

(6) Конституциявий суд аъзолари депутатлик дахлизилигидан фойдаланадилар.

148-модда. (1) Конституциявий судъяларнинг ваколатлари қўйидаги лади:

1. Муайян муддат ўтгандан кейин;
2. Конституциявий судга истеъро
3. Қасдан жиноят қилганлиги

маҳрум этиш тарзида жазо берилган ҳукм кучга киргандада;

4. Ўз вазифаларини бир йилдан ортиқ вақт ичида бажариш имкони бўлмаганда;

5. 147-модданинг 5-параграфида кўрсатилган лавозимлар ва фаолият турларига мувофиқ келмаганда.

6. Вафот этганда.

(2) Конституциявий суд судьялар умумий сонининг камидан учдан икки қисми томонидан яширин овоз бериш йўли билан судьяларни депутатлик дахлсизлигидан маҳрум этади ва уларнинг ўз вазифаларини ҳақиқатда бажара олмаслигини белгилайди.

(3) Конституциявий суд аъзоси бўлган судьянинг ваколатлари муддати тўхтатилган тақдирда бир ой муддат ичида унинг ўрнига тегишли квотадан бошқа судья сайланади.

149-модда. (1) Конституциявий суд:

1. Конституцияни албатта талқин қилиб беради;

2. Халқ мажлиси қонунлари ва бошқа ҳужжатларининг, шунингдек, президент ҳужжатларининг конституцияга зид хусусиятини белгилаш масаласида фикр билдиради;

3. Халқ мажлиси, президент ва Министрлар Кенгаши ўртасидаги, шунингдек, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари билан марказий ижро этувчи органлар ўртасидаги ҳуқуқ доираси тўғрисидаги баҳсларни ҳал қиласиди;

4. Болгария Республикаси томонидан тузилган халқаро шартномалар ратификация қилинишидан олдин уларнинг Конституцияга мувофиқлигини, шунингдек, қонунларнинг Болгария томонидан бири бўлиб майдонга чиққан халқаро ҳуқуқнинг умум қабул қилган нормаларга ва халқаро шартномаларга мувофиқ келишини белгилайди;

5. Сиёсий партиялар ва бирлашмаларнинг конституциявий хусусияти тўғрисидаги баҳс юзасидан фикр билдиради;

6. Президент ва вице-президентнинг сайланиши қонуний бўлган-бўлмаганлиги тўғрисидаги баҳслар юзасидан фикр билдиради;

7. Халқ мажлиси депутатининг сайланиши қонуний бўлган-бўлмаганлиги тўғрисидаги баҳслар юзасидан фикр билдиради;

8. Халқ мажлиси томонидан Президентга ва вице-президентга қарши илгари сурилган айбловлар бўйича фикр билдиради.

(2) Конституциявий судга қонун билан ваколатлар бериш ҳам, уни бирон-бир ваколатдан маҳрум этиш ҳам мумкин эмас.

150-модда. (1) Конституциявий суд депутатлар умумий сонининг камидан бешдан бир қисмининг, президентнинг, Министрлар кенгашининг, Олий кассация судининг, Олий маъмурий суд ва бош прокурорнинг ташаббуси билан иш олиб боради. Олдинги модданинг 1-параграфи 3-бандига мувофиқ ҳуқуқ доираси хусусидаги масала жамоа кенгашлари томонидан ҳам қўйилиши мумкин.

(2) Қонун билан Конституция ўртасида номувофиқлик борлиги аниқланган тақдирда Олий кассация суди ёки Олий маъмурий суд иш юзасидан суд жараёнини тўхтатиб қўяди ва мазкур масалани кўриб чиқишини Конституциявий судга киритади.

151-модда. (1) Конституциявий суд судьялар умумий сонининг ярмидан кўпроғи овозидан иборат кўпчилик билан қарор қабул қиласди.

(2) Конституциявий суд қарорлари улар қабул қилинган кундан эътиборан 15 кунлик муддат ичida «Дыржавен вестник» газетасида эълон, қилинади. Қарор эълон қилингандан кейин уч кун ўтгач кучга киради. Конституцияга зид деб эълон қилинган ҳужжат қарор кучга кирган кундан бошлаб татбиқ этилмайди.

(3) Қонуннинг файриконституциявий деб эълон қилинмаган қисми ўзининг амал қилишини сақлаб қолади.

152-модда. Конституциявий судни ташкил этиш ва унинг фаолият кўрастиш тартиби қонун билан белгиланади.

IX боб

КОНСТИТУЦИЯГА ЎЗГАРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ. ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ

153-модда. Халқ мажлиси Конституциянинг барча қоидаларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиши

мүмкін. Буюқ халқ мажлиси ваколатига берилған қондалар бундан мустаснодир.

154-модда. (1) Конституцияга ўзгаришлар ва құшимчалар киритиш бўйича ташаббус кўрсатиш ҳуқуқи депутатларнинг тўртдан бир қисмiga ва президентга мансубдир.

(2) Таклиф Халқ мажлиси томонидан киритилгандан кейин эрта деганда бир ой ичида ва кўп деганда уч ойдан кечиктирмай кўриб чиқлади.

155-модда. (1) Халқ мажлиси депутатлар умумий сонининг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилигининг турли кунларда уч марта овоз бериши билан Конституцияга ўзгаришлар ва құшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунни қабул қиласди.

(2) Агар таклиф депутатлар умумий сонининг тўртдан уч қисмидан камроғининг, лекин йўқ деганда, учдан икки қисмининг овозини олса, у камида икки ойдан ва кўпи билан беш ойдан кейин янгидан қараб чиқишга кўйилади. Янгидан қараб чиқишида агар таклиф учун депутатлар умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берса, у қабул қилинган ҳисобланади.

156-модда. Конституцияга ўзгаришлар ва құшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун халқ мажлиси раиси томонидан имзоланади ва қабул қилинган кундан эътиборан етти кун муддат ичида «Дыржавен вестник» газетасида эълон қилинади.

157-модда. Буюқ халқ мажлиси умумий тартибда сайланган 400 депутатдан ташкил топган.

158-модда. Буюқ халқ мажлиси:

1. Янги Конституцияни қабул қиласди;

2. Болгария Республикасининг ҳудудини ўзгартирishi тўғрисидаги масалаларни ҳал этади ва шундай ўзгаришларни назарда тутувчи халқаро шартномаларни ратификация қиласди;

3. Давлат тузилиши ва давлат бошқаруви шаклларини ўзгартирishi тўғрисидаги масалаларни ҳал қиласди;

4. Конституциянинг 5-моддаси 2 ва 4-параграфларини ва 57-моддаси, 1 ва 3-параграфларини ўзгартирishi билан боғлиқ масалаларни ҳал қиласди;

5. Конституциянинг туққизинчи бобига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қиласди.

159-модда. (1) Олдинги модда бўйича ташаббус кўрсатиш ҳуқуқига депутатларнинг камидаги ярми ва президент эгадир.

(2) Янги Конституция лойиҳаси ёки амалдаги Конституцияга ўзгаришлар киритиш тўғрисида, шунингдек, мамлакат ҳудудини ўзgartириш тўғрисида лойиҳа 158-моддага мувофиқ у киритилган кундан эътиборан камидаги иккита ой ичида ва кўпин билан беш ойдан кечиктирилмай Халқ мажлиси томонидан кўриб чиқиласди.

160-модда. (1) Буюк халқ мажлисига сайлов ўтказиш тўғрисида депутатлар умумий сонининг учдан иккисидан иборат кўпчиликнинг овоз беринши билан қарор қабул қиласди.

(2) Президент Буюк халқ мажлисига сайловини Халқ мажлиси қарор қабул қилган кундан эътиборан уч ой муддат ичида тайинлайди.

(3) Буюк халқ мажлисига сайлов ўтказилиши билан Халқ мажлисининг ваколатлари тўхтатилади.

161-модда. Буюк халқ мажлиси киритилган лойиҳалар бўйича депутатлар умумий сонининг учдан иккисидан иборат кўпчилик билан ҳар хил кунларда уч марта овоз беринши билан қарор қабул қиласди.

162-модда. (1) Буюк халқ мажлиси Конституциянинг фақат ўзи ҳал қилиш учун сайланган масалаларни кўриб чиқади.

(2) Зарурат туғилган ҳолларда Буюк халқ мажлиси Халқ мажлисининг функцияларини ҳам ижро этади.

(3) Буюк халқ мажлиси қайси масалаларни узилкесил ҳал қилиш учун сайланган бўлса, ўша масалалар ҳал этилгандан кейин ўз фаолиятини тўхтатади. Бундай ҳолда президент қонунда белгиланган тартибда сайлов ўтказишни тайинлайди.

163-модда. Буюк халқ мажлисининг ҳужжатлари унинг раиси томонидан имзоланади ва қабул қилинган кунидан эътиборан етти кун муддат ичида эълон қилилади.

X боб

ГЕРБ, МУХР, БАЙРОҚ, МАДҲИЯ, ПОЙТАХТ

164-модда. Болгария Республикасининг герби қалқон шаклидаги тўқ-қизил фонда орқа оёқларида турган олтин шер тасвиридан иборат.

165-модда. Давлат муҳрида Болгария Республикасининг герби тасвирланган.

166-модда. Болгария Республикасининг байроғи учхил рангда бўлиб, оқ, яшил ва қизил рангли узунасига чўзилган учта матодан иборат.

167-модда. Давлат муҳрини қўлланиш ва миллий байроқни кўтариш тартиби қонун билан белгиланади.

168-модда. Болгария Республикаси Мадҳияси «Миляя Родина» («Азиз Ватан») қўшиғидир.

169-модда. Болгария Республикасининг пойтахти София шаҳридир.

МУВАҚҚАТ ВА ЯҚУНИЙ ҚОИДАЛАР

1-§. (1) Конституция қабул қилингандан кейин Буюк халқ мажлиси ўзини ўзи тарқатганлигини эълон қиласди.

(2) Буюк халқ мажлиси янги Халқ мажлиси сайлангунга қадар Халқ мажлиси вазифасини бажаришни давом эттиради. Ана шу вақт ичida у Халқ мажлисига сайлов, президент сайлови, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идораларига сайлов тўғрисида қонунлар, шунингдек, бошқа қонунлар қабул қиласди. Шу давр ичida конституциявий суд ва Олий суд кенгаши ташкил этилади.

(3) Конституция кучга киргандан кейин Халқ мажлисининг биринчи мажлисида депутатлар, президент, вице-президент ва Министрлар кенгаши аъзолари ушбу Конституцияда назарда тутилганидек қасамёд қиласдилар.

2-§. Олий кассация суди ва Олий маъмурий суд сайлангунга қадар уларниң ваколатларини Конституция-

нинг 130-моддаси, 3-параграфига ва 147-моддаси, 1-параграфига кўра Болгария Республикаси Олий суди бажарип туради.

3-§. (1) Амалдаги қонунларнинг қоидалари конституцияга зид келмаган тақдирдагина татбиқ этилади.

(2) Конституция кучга киргандан кейин бир йил мобайнида Халқ мажлиси конституциянинг 5-моддаси, 2-параграфига мувофиқ бевосита қўлланиб тургани туфайли бекор қилинмаган амалдаги қонунларнинг қоидаларини бекор қиласди.

(3) Халқ мажлиси уч йил мобайнида конституцияда аниқ кўрсатиб ўтилган қонунларни қабул қиласди.

4-§. Суд ҳокимиятининг Конституцияда белгилаб берилган ташкил этилиши суд тузилишига доир ва процессуал қонунлар қабул қилингандан кейин амалга киради, бу қонунлар З-§нинг 2-бандига мувофиқ муддатда қабул қилиниши лозим.

5-§. Судьялар, прокурорлар ва терговчилар, агар Олий суд кенгаши ташкил этилган кундан эътиборан уч ой муддат ичида уларда зарурий мутахассислик сифатлари йўқ деб қарор қабул қилмаса, улар алмаштирилмайдиган бўлиб қоладилар.

6-§. Болгария миллий телевидениеси, Болгария миллий радиоси ва Болгария телеграф агентлигининг қонун йўли билан янгича тартибга солиниши ташкил этилмагунча халқ мажлиси ана шу миллий муассасаларга нисбатан Буюк халқ мажлисига тегишли ваколатларни бажарип туради.

7-§. (1) Халқ мажлисига ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идораларига сайловлар Буюк халқ мажлиси ўзини ўзи тарқатиб юборгандан кейин кечи билан уч ой ичида ўтказилади. Сайловлар куни президент томонидан Конституциянинг 91-моддаси, 1-бандига мувофиқ берилган ваколатларга биноан белгиланади.

(2) Президент ва вице-президентни сайлаш Халқ мажлиси сайлангандан кейин кечи билан уч ой ичида ўтказилади.

(3) Президент ва вице-президент сайлангунга қадар ушбу Конституцияга асосан раис (президент) ва раис

ўринбосари (президент ўринбосари) президент ва вице-президент вазифаларини бажарип турадилар.

8-§. Хукумат ушбу Конституцияга асосан, янги ҳукумат ташкил этилишига қадар ўз функцияларини бажаришни давом эттиради.

9-§. Ушбу Конституция Буюк халқ мажлиси раиси томонидан «Дыржавен вестник» газетасида эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради ва 1971 йил 18 майда қабул қилинган Болгария Республикаси Конституциясининг амал қилишини бекор қиласди (1971 йилги ДВ»нинг 39-сонида эълон қилинган: 1990 йилги 6-сонида ўзгаришлар; 1990 йилги 29-сонида ўзгаришлар ва қўшимчалар; 1990 йилги 87, 94 ва 98-сонларида ўзгаришлар; 1990 йилги 98-сонида тузатишлар эълон қилинган).

Болгария Республикасининг Конституцияси Буюк халқ мажлисининг Раиси Николай Тодоровнинг 1991 йил 12 июлдаги фармойиши асосида 1991 йил 13 июлда «Дыржавен вестник» газетасининг 56-сонида эълон қилинган.

БҮЮК БРИТАНИЯ

БҮЮК БРИТАНИЯ ВА ШИМОЛИЙ ИРЛАНДИЯ ҚҰШМА ҚИРОЛЛИГИ

Бу давлат ғарбий Европадаги Британия оролларида жойлашган. Ҳудуди 242,5 минг кв. км. Аҳолиси — 57,4 млн. киши (1992 йил). Пойтахти — Лондон. Маъмурый бўлиниши — тўртта тарихий-жўкрофий райондан иборат: Англия, Уэльс, Шотландия, Шимолий Ирландия, Англиядаги 39 та графлик, олтига метрополитен графлиги ва алоҳида маъмурый бирлик — Қатта Лондон; Уэльса — сакқизта графлик; Шимолий Ирландияда — 26 та округ; Шотландияда — 12 та область мавжуд. Мэн ороли ва Нормандия ороллари — мустақил маъмурый бирликлардир. Расмий тил — инглиз тили. Давлат дини — англиканлик (протестантлик), шунингдек, пресвитериан ва католицизм дини ҳам тарқалган. Пул бирлиги — фунт стерлинг. Миллий байрами — 15 июнь (1996 йилга кўра) — Қироличанинг туғилган куни (1926 йил). Байрам куни ҳар йили ҳукумат қарори билан одатда июнь ойининг биринчи ярмидаги шанба кунларидан бирида тайинланади.

Буюк Британия ва шимолий Ирландия Қўшма қироллиги — конституциявий парламент монархиясидир. Давлатда ягона конституция йўқ. Унинг ўрнини парламент ҳужжатлари, конституциявий урф-одатлар ва айрим суд қарорлари эгаллайди. Қўшма қироллик Англия, Уэльс, Шотландия, Шимолий Ирландия, Мэн ороли ва Нормандия оролларини ўз ичига олади.

Давлат бошлиғи — қирол ҳисобланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Қирол ва парламент амалга оширади. Парламент икки палатадан: лордлар палатаси ва жамоалар палатасидан иборат. Лордлар палатаси меросхўрлар ёки қирол томонидан тайинланган зодагонлар, пэрлар ва лавозими бўйича пэр бўлганлардан ташкил топган, уларга олий суд амалдорлари ва англикан епископлари киради. Жамоалар палатаси 651 аъзодан ташкил топади, улар умумий тенг ва яширин овоз бериш йўли билан тўғридан-тўғри беш йил муддатга сайланадилар.

Ижро этувчи ҳокимият Бош Министр бошчилигидаги ҳукумат томонидан амалга оширилади, Бош министрни

Қирол тайинлайди, Ҳукумат аъзолари парламент аъзолари бўлишлари лозим.

Асосий сиёсий партиялар: Консерваторлар партияси; Сўл демократлар; Лейбористлар партияси; Либерал демократлар; Уэльс миллий партияси; Шотландия миллий партияси; Британия Коммунистик партияси.

Касаба уюшмалари бирлашмалари: Британия тред-юнионлар конгресси; Тред-юнионлар умумий федерацияси; Уэльс тред-юнионлар конгресси, Шотландия тред-юнионлар конгресси.

БУЮҚ БРИТАНИЯНИНГ ҚОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ.

ШОТЛАНДИЯ БИЛАН БИРЛАШИШ ТҮҒРИСИДАГИ 1707 ЙИЛГИ ҲУЖЖАТ¹

(Қўчирма)

Марҳаматли ҳазрати олиялари.

Бирлашиш тўғрисидаги шартлар Сиз ҳазрати Олиялари ҳукмонлигининг бешинчи йили йигирма иккичи июлда² Англия қироллиги номидан тайин қилинган вакиллар томонидан Англиянинг Сиз ҳазрати Олияларининг катта муҳри билан ўтгаи йилнинг 10 апрелида Вестминстерда келишиб олинганлигини эътиборга олиб, парламентнинг Сиз ҳазрати Олиялари ҳукмонлигининг учинчи йили Англияда Шотландия қироллиги номидан тайинланган вакиллар томонидан Сиз ҳазрати Олияларининг Шотландия катта муҳри билан Сиз ҳазрати Олиялари ҳукмонлигининг тўртинчи йили 27 февралдаги ҳужжатини бажариш учун, Шотландияниң ҳозир мавжуд бўлган учинчи сессияси тўртинчи ҳужжатини бажариш учун, юқорида кўрсатиб ўтилган қиролликларнинг бирлашуви тўғрисида музокаралар олиб бориш учун ва Сиз ҳазрати Олиялари ҳукмонлигининг бешинчи йили 6 январда Шотландия парламенти томонидан Эдинбургда чиқарилган ҳужжатни, яъни парламент табақалари томонидан икки қиролликнинг бирлашувига

¹ Современные зарубежные конституции. М., 1992.

² Қиролича Анна 1702 йил 8 марта таҳтга ўтирган.

доир юқорида баён қилинган ^{шартларни} мұхокама қилиб, бирлашиш ҳақидаги бу ^{шартларни} айрим құшимчалар ва тушунтиришлар билік қабул қилиб, маъқулланғанлиги айтилған ҳужжат ^и эътиборга олиб, Сиз ҳазрати Олиялари парламенттабақалари маслаҳати ва розилиги билан Шотландия қироллигидә протестантлик дини ва пресвитерианлар ^{чөрөві} бошқарувини үрнатыш учун парламенттинг үша сессиясида «Протестантлик дини ва пресвитерианлар черко^и бошқарувини таъминлаш тұғрисида» ҳужжат деб номланған ҳужжат чиқарганингизни, у үз мазмунига күра шартноманы (яғни Англия билан Шотландия ўртасыдаги шартномалар — түзүвлілар) тасдиқловчи ҳар қандай ҳужжаттаға құшиш учун мұлжалланған бўлиб, тұғридан-тұғри Шотландия парламенттинг юқорида кўрсатыб ўтилған ҳужжаттинг асосий ва зарурий шарти деб эълон қилинганды, бу ҳужжаттинг қўйидаги ҳужжат эканлиги айтилған:

1-модда.

Англия ва Шотландиянинг ҳар иккала қироллиги бир минг етти юз еттинчи йил май ойининг биринчи куни ва шундан кейин абадул-абад Буюк Британия номи билан битта қироллик бўлиб бирлашадилар ва зикр этилған Бирлашган қиролликнинг ҳарбий байроби Ҳазрат Олиялари кўрсатгандек бўлади, Авлиё Георгийнинг¹ ва Авлиё Андрейнинг² ҳочлари ҳам Ҳазрати Олиялари лозим топган тарзда бирлашадилар ва барча байроқларда, туфлар, штандартларда (император байроқлари), шунингдек, дengizdagi ва қуруқликдаги байроқларда тасвирланадилар.

II-модда.

Буюк Британия Бирлашган қироллиги ва доминионлар таҳти қиролича Анна вафотидан кейин, агар унинг фарзандлари бўлмаса, вориса этиб танланған Ҳанноверли бева Ҳерцогиня малика Софияга ва унинг протестант динидаги бўлган насл-насабига ўтади, унинг таҳт мерослари ҳуқуқи 1701 йил 12 июндаги тартибга солиш тұғрисидаги ҳужжат билан белгиланған бўлиб, католиклар ва улар билан никоҳга кирған шахслар бундан мустаснодир...

¹ Англия герби.

² Шотландия герби.

III-модда.

Буюк Британия юирлашган қироллиги Буюк Британиянинг парламентидеб номланган парламент сифатида ўзини танитиши лозим...

XVIII-модда.

Савдо, божлар ваушбу шартнома туфайли Шотландияда татбиқ этилиши лозим бўлган акцизларни тартибга солишга тааллуқли қонунлар Англияда бирлашишдан бошлаб ва удан кейин қандай бўлса, Шотландияда ҳам шундай бўлиши лозим; Шотландия қироллиги доирасида амал қилувчи қолган барча қонунлар бирлашишдан кейин ва унга қарамасдан илгари қандай кучга эга бўлса, ўшандай кучда қолиши лозим (ушбу шартномага зид келувчи ёки у билан сигиша олмайдиган қонунлар бундан мустаснодир), лекин улар Буюк Британия парламенти томонидан, фақат оммавий қонунларга, сиёсатга ва фуқаровий қонунлар билан ҳуқуқларга тааллуқли қонунлар ўртасидаги фарқ билан ўзгартирилиши мумкин, оммавий ҳуқуқларга, сиёсатга ва фуқаролик бошқарувига тааллуқли қонунлар бутун бирлашган қиролликда қандай бўлса, худди шундай белгиланиши мумкин, бироқ хусусий ҳуқуқларга тааллуқли қонунларга ўзгаришлар киритилиши мумкин эмас, Шотландиядаги фуқаролар учун фойдали бўлиши аниқ ҳоллар бундан мустаснодир.

XIX-модда.

Сессия суди ёки адлия ҳайъати бирлашувдан кейин ва шунга қарамасдан бундан кейинги бутун вақт мобайнида Шотландия доирасида ҳозирги вақтда — бу қироллик қонунлари билан қандай тарзда белгиланган бўлса, шундайлигича қолади ва ...кўрсатиб ўтилган чегаралардаги барча қуйи судлар ҳозирги вақтда бўлганидек шундан кейинги бутун вақт мобайнида Шотландия адлиясининг юқори судларига бўйсунган ҳолда қоладилар; Шотландияда юзага келган ҳеч қандай иш канцлер, қирол курсиси судлари, умумий судлашув судлари

еки Вестминстрдаги қандайdir бошқа суд томонидан күриб чиқилмаслиги лозим...¹

XXII-модда.

Ушбу шартномага күра, Шотландиянинг бирлашиш вақтида мавжуд бўлган ўн олти пэри шу қатори Лордлар палатасида мажлис қиласди ва овоз беради. Шотландиянинг қирқ беш кишидан иборат вакиллари эса Буюк Британия парламентининг жамоалар палатасида мажлис қиласди ва овоз беради.... (Бу вакилларни сайлаш тартибини Шотландия парламентининг мазкур сессияси белгилаб бериши керак ва у ушбу шартноманинг бир қисмини ташкил этгана қандай кучга эга бўлса, шундай кучга эга бўлади)...

XXV-модда.

Киролликдаги барча қонунлар ва низомлар қай дарражада ушбу моддаларнинг шартларига зид бўлса ёки улардан бирортасининг шартларига тўғри келмаса, бирлашув вақтидан эътиборан ва ундан кейин амал қилишини тўхтатади, ҳуқуқий кучини йўқотади ва санаб ўтилган қиролликларнинг тегишли парламентлари томонидан ҳам шундай деб эълон қилинади.

Бирлашиб тўғрисидаги кўрсатиб ўтилган шартлар ратификация қилинади ва парламентнинг Шотландия билан муносабатлар тўғрисидаги эслатиб ўтилган ҳужжати билан талаб этилиши мумкин бўлган тарзда маъкулланади.

1. Сессия суди — Шотландиядаги юқори фуқаролик суди бўлиб 15 та (ҳозир 13 та) судьядан ташкил топган. Юқори палатани (Англиядаги Юқори судга тўғри келади) ва Ички палатани (Апелляция судига тўғри келади) ўз ичига олади.

Адлия ҳайъати — Шотландия сессиялар судида адлияни бошқаришда иштирок этувчи жами шахслар (судьялар, котиблар ва бошқалар)нинг номи.

Қанцлер суди — лорд-канцлер раислигидаги адолат ҳуқуқи тизимининг суди.

Умумий судлашув суди — умумий ҳуқуқ бўйича учта суднинг бири (бошқалари — қирол курсиси суди ва хазина суди); 1873—1975 йилларда ўтказилган ислоҳотлар натижасида бу суд юрисдикцияси Юқори суд томонидан сингдирив юборилган.

Вестминстердаги судлар — тартибот ёки умумий ҳуқуқ меъёрлари асосида иш олиб борадиган юқори судлар на адолат ҳуқуқи гизими судларидир; бу судлар бир неча аср мобайнида Англия монархларининг сабиқ саройи бўлган Вестминстерда бўлиб келган. Илгари барча юқори судлар Англия тахти юрисдикцияси осгига бўлган ва одил судлов монарх бўлган саройда амалга оширилган.

II. Протестантлик динини ва пресвiterиан черков бошқармасини Шотландия кироллиги доирасида таъминлаш тұғрисидаги юқорида күрсатыб ұтилган ҳужжат-нинг мазмуни қуйидегидir...

...Сүнгра Ҳазрат Олиялари юқорида күрсатыб ұтилған кенгашдан бошлаб тұғридан-тұғри шуни эълон қиласы ва қарор қиласы, бу қиролликнинг бирорта ҳам фуқароси жавобгарликка тортилмайды, лекин уларнинг ҳаммаси ва ҳар бири бу қироллик доирасида юқорида айтиб ұтилған ҳақиқий протестантлик дини ва пресвiterиан черков бошқармасига, дин ва бosh руҳоний раҳбарлығидаги черковларга, юқорида белгиланғанидек зид келадиган ёки тұғри келмайдиган қандайдыр қасам ичиш, қасамед қилиш ёки тилхат беришдан абадий озоддир; юқорида санаб ұтилғанлар бу черковлар ва давлат чегаралари доирасида фуқароларга бирон бир тарзда юкланиши ёки улардан талаб қилиниши асло мумкин эмас; ва, ниҳоят, ҳозирги вақтда ҳукмронлик қилиб турған Ҳазрат Олиялари вафот этгандан кейин (Худо уни узоқ вақт ўз паноҳида сақласын) унинг ўрнига Буюк Британия қироллиги таҳтига меросхұр бўладиган жаноб таҳтга ұтирган бутун вақт мобайнida у қасам ичиб, ёзма мажбурият бериб, юқорида баён қилинған ҳақиқий протестантлик дини ва бошқарув, ибодат қилиш, ахлоқ-одоб тартиби белгиланиши, бу қиролликнинг ҳуқуқлар тұғрисидаги тақдимномасини бажариш учун илгариконулларда қарор қилинғанидек, мазкурчерковнинг ҳуқуқлари ва имтиёзларини қатъяян қўллаб-қувватлаши ҳамда муҳофаза қилишини билдириши лозим...

IV. Юқорида баён қилинғанларнинг қонун кучига эга бўлиши шу боисдан Сиз Ҳазрати бузрук Олияларига қулагай бўлгай; ва Қиролича Ҳазрати Бузрук Олиялари томонидан диний ва дунёвий лордлар ҳамда ҳозир мавжуд бўлиб турған парламентда мажлис үтказадиган жамоалар маслаҳати ва розилиги, уларнинг амри билан қарор қилинган, бирлашиш тұғрисида күрсатыб ұтилған бандларнинг ҳаммаси ва ҳар бири Шотландия парламентининг юқорида күрсатыб ұтилған ҳужжати билан қабул этилған ва маъқулланган, илгари айтиб ұтилғанидек, ушбу ҳужжатда юқорида алоҳида эслатиб ұтилған ва баён этилған, шунингдек, Шотландия парламентининг протестантлик дини ва пресвiteriaи черков бошқармасини жорий этиш тұғрисидаги мазкур ҳужжати ҳам... ва зикр қилинған бандлар ва ҳужжат

ларда мавжуд бўлган ҳар бир қоида, модда, мавзу ушбу ҳужжат билан бундан буёғига ҳам тасдиқлангай, маъқуллангай ва қабул қилингай...

ПАРЛАМЕНТ ТЎҒРИСИДА 1911 ЙИЛГИ ҲУЖЖАТ¹

Лордлар палатаси ва жамоалар палатаси
ваколатлари ўртасидаги муносабатларни аниқлаш
учун ҳамда парламент ваколатлари муддатини
чеклаш учун парламент тўғрисида ҳужжат

Парламентнинг икки палатаси ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш учун чора-тадбирлар кўриш зарур бўлганлиги сабабли;

Сўнгра, ҳозирги вақтда мавжуд бўлган Лордлар палатасини ҳалқ вакиллигига асосланган ва бундан буёғига мерос қилиб олинмайдиган бошқа Палата билан алмаштириш нияти мавжуд бўлганлиги, лекин бундай алмаштиришни дарҳол амалга ошириб бўлмаслиги сабабли;

Ва шунингдек, агар бу хилдаги алмаштиришни қонуний тарзда амалга оширувчи парламент кейинчалик янги иккинчи Палатанинг ҳуқуқларини чеклаш ва аниқлаш хусусида қондалар белгилаши лозим бўлса, у ҳолда ҳозир ҳам ушбу ҳужжатда қилинганидек, Лордлар палатасининг мавжуд ваколатларини чеклаш ҳақида кўрсатма берилиши муҳим бўлиб тувлугани сабабли, шунга мувофиқ Қирол Ҳазрати Олийлари динда ва дунёвий лордлар ҳамда ушбу парламентга тўплланган жамоалар маслаҳати ҳамда розилиги билан, шунингдек уларнинг амири билан қуйидагиларни тасдиқлайди:

1-модда. Лордлар палатасининг молиявий биллар (қонун лойиҳалари) хусусидаги ваколатлари. (1) Агар жамоалар палатаси қабул қилган ва Лордлар палатасига сессия тугамасдан бир ой олдин юборилган молиявий қонун Лордлар палатасининг тузатишларисиз кўрсатиб ўтилган юборишдан кейин бир ой мобайнида қабул қилинмаса, у ҳолда мазкур қонун, агар жамоалар палатасининг бошқа қарори бўлмаса, Аъло Ҳазратларига тақ-

¹ Современные зарубежные конституции. M., 1992. English Historical Documents Ed. by W. D. Heward. Vol XII (2). Oxford, 1977. Constitution. Texts Material on Government and the Constitution Ed. by K. Brazier, Oxford, 1990.

дим этилади ва қирол маъқуллагандан кейин, гарчи уни Лордлар палатаси қабул қилмаган бўлса ҳам, у парламент ҳужжати бўлиб қолади.

(2) Жамоалар палатаси спикерининг фикрига кўра, қўйидаги барча мавзуларга ёки улардан бирортасига таалуқли қарорларнигина ўз ичига олган ҳар қандай қонун молиявий қонун деб аталади, яъни:

солиқлар (жарималар ва ҳоказолар) солиши белгилаш, бекор қилиш, қўшиш, ўзгартириш ёки тартибга солиш; бирлаштирилган жамғармадан, давлат ссуда жамғармасидан¹ тўловлар ажратиш ёки парламентнинг оммавий қарзини тўлашга ёхуд бирон бир бошқа молиявий мақсадга маблағлар ажратиш; бу хилдаги маблағлар ажратишни ўзгартириш ёки бекор қилиш; кредитлар очиш, эҳтиёт жамғарма ҳосил қилиш; оммавий маблағларга доир ҳисобларнинг белгиланиши, олиниши, сақланиши, берилиши ёки текширилиши, қарз бериш тўғрисида хулоса, кафолатлар, қарзни узиш, юқорида айтиб ўтилганлар ёки уларнинг биттаси билан боғлиқ иккинчи даражали масалалар.

Бу параграфда «солиқ солиши», «оммавий маблағлар» ва «қарз» атамалари маҳаллий маъмурлар ва мусассасаларнинг маҳаллий мақсадлар учун белгилайдиган тегишли оммавий маблағлар ва қарзлар маъносини англатмайди.

(3) Ҳар бир молиявий қонун Лордлар палатасига юборилганда ва Аъло Ҳазратлари маъқуллаши учун тақдим этилганда жамоалар палатаси спикерининг бунинг айнан молиявий қонун эканлигини тасдиқловчи имзоси билан гувоҳнома илова қилинади. Спикер бу гувоҳномани беришдан олдин, агар иложи бўлса, палатанинг икки аъзоси билан маслаҳатлашиб олади, уларни сайловлар комитети ҳар бир сессия бошланишида комитетлар (Палаталар) раислари рўйхатида кўрсатиб ўтади.

2-модда.¹ Лордлар палатасининг номолиявий тарздағи билларга (қонун лойиҳаларига) нисбатан ваколатларига доир чеклашлар (1). Агар оммавий қонун (молиявий қонун бўлмаган ва парламент ваколатларини беш

¹ «Давлат ссуда жамғармаси» деган сўзлар давлат ссудалари тўғрисидаги 1968 йилги ҳужжат билан киритилган.

¹ «Давлат ссуда жамғармаси» деган сўзлар давлат ссудалари тўғрисидаги 1968 йилги Ҳужжат билан киритилган.

йил чегарасидан оширмайдиган қонун) кетма-кет учта сессияда жамоалар палатаси томонидан овозга қўйиб тасдиқланса (ўша ваколат муддати ёки бошқа муддат бузилишидан қатъи назар) ва ҳар гал Лордлар палатасига сессия тугашидан кам деганда бир ой олдин юборилса-ю, шу Палата томонидан бу учта сессиянинг ҳар бирида ҳам рад қилинган бўлса, Лордлар палатаси томонидан учинчи марта рад қилиниши билан Жамоалар палатасининг бошқа қарори билан Аъло Ҳазратларига тақдим этилади ва қироллик маъқуллаши билан Лордлар палатасининг розилиги йўқ бўлишига қарамасдан, у парламент ҳужжати бўлиб қолади. Бироқ мазкур қарорнинг қўлланиши учун эслатиб ўтилган қонун Жамоалар палатасининг айтиб ўтилган сессияларидан биринчисида иккинчи марта ўқилиши санаси билан ўша Палата томонидан ана шу сессиялардан учинчисида қабул қилиниши санаси ўртасида икки йил вақт ўтмоғи лозим.

(2) Ушбу модданинг кўрсатмаларини бажариш учун Аъло Ҳазратларига маъқуллаш учун тақдим этиладиган ҳар қандай қонунга Жамоалар палатаси спикери томонидан берилган ва имзоланган гувоҳнома илова қилиниши лозим, у эслатиб ўтилган модданинг кўрсатмаларига лозим даражада риоя қилинганидан гувоҳлик беради.

(3) Лордлар палатаси томонидан тузатишларсиз қабул қилинмаган ёки фақат ҳар иккала палата қабул қилган тузатишлар билан қабул қилинадиган қонун бу палата томонидан рад қилинади.

(4) Лордлар палатасига олдинги сессияда юборилган бундан олдинги қонун шундай қонунки, у Лордлар палатасига юборилган пайтда эслатиб ўтилган олдинги қонунга айнан ўхшаш бўлади ёки фақат киритилган ўзгаришларни ўз ичига олади, уларнинг зарурлиги қонун юборилган кундан эътиборан ўтган вақт билан боғлиқ эканлигини Жамоалар палатаси спикери тасдиқлайди ёхуд ўша спикернинг гувоҳлик беришича, Лордлар палатаси томонидан олдинги сессияда аввалги қонунга киритилган тузатишларни ўз ичига олади. Спикернинг гувоҳлик беришича, Лордлар палатаси томонидан учинчи сессияда киритилган ва Жамоалар палатаси томонидан қабул қилинган барча тузатишлар ушбу моддага мувофиқ қиролнинг тасдиғига тавсия этилаётган вақтда қонунга киритилади.

Шунга қарамай Жамоалар палатаси, агар бундай қонунни иккинчи ва учинчи сессияларда кўрилаётган вақтда зарур деб ҳисобласа, қонунга киритилмаган ҳолда қўшимча тузатишлар таклиф этиши мумкин. Шундай қилиб, таклиф этилган тузатишлар Лордлар палатаси томонидан қараб чиқилиши ва агар мазкур тузатишларни Лордлар палатаси қабул қилса, улар Лордлар палатаси томонидан маъқулланган ва Жамоалар палатаси томонидан қабул қилинган тузатишлар ҳисобланади. Лекин Жамоалар палатасининг бу қоидадан фойдаланиши ушбу модданинг амал қилинишини асло чекламайди (агар қонун Лордлар палатаси томонидан рад қилинган бўлса ҳам).

3-модда. Спикернинг гувоҳлиги. Жамоалар палатасининг спикери берган ҳар қандай гувоҳлик ушбу ҳужжат туфайли барча муносабатларда узил-кесил бўлиб, ҳеч қандай суд олдида эътиroz билдирилиши мумкин эмас.

4-модда.¹ Элон қилиш формуласи. (1) Аъло Ҳазратларига тақдим этилган ҳар қандай қонунда ушбу ҳужжатнинг олдинги қарорлари туфайли эълон қилиш формуласи қуйидагича бўлади:

Қирол Аъло Ҳазрати Бузруклари Парламент тўғрисидаги 1911 йилги Ҳужжат қарорларига мувофиқ ушбу парламентда тўпланган жамоаларнинг маслаҳати ва розилик бериши билан ва мазкур ҳужжатга кўра қўйидагини тасдиқлади ва эълон қиласди:

(2) Мазкур моддани қўлланиш учун зарур бўлган бирон-бир қонунни ҳар қандай тарзда ўзгартириш кўрсатиб ўтилган қонунга киритиладиган ўзгаришларни ташкил этмайди.

5-модда. Муваққат қарорларни тасдиқловчи билларни (қонун лойиҳасини) чиқариб ташлаш. Ушбу ҳужжатдаги «оммавий қонун» ибораси муваққат қарорни тасдиқловчи қонунларга тааллуқли эмас.

¹ 4-моддага парламент тўғрисидаги 1949 йилги Ҳужжатнинг 2-моддаси 2-банди билан тузатишлар киритилган.

6-модда. Жамоалар палатасининг мавжуд ҳуқуқлари ва имтиёзларини тасдиқлаш. Ушбу ҳужжат Жамоалар палатасининг мавжуд ҳуқуқлари ва имтиёзларини асло қисқартирмайди ва чекламайди.

7-модда. Ваколатлар муддати. Парламент ваколатарининг энг кўп муддати, 1715 йилги етти йиллик легистратура тўғрисидаги Қонунда белгиланганидек, етти йил эмас, балки беш йил бўлади.

8-модда. Қисқача номланиши. Ушбу ҳужжат 1911 йилги Парламент тўғрисидаги ҳужжат, деб номланиши мумкин.

1949 ЙИЛГИ ПАРЛАМЕНТ ТҮҮРИСИДАГИ ХУЖЖАТ¹.

1911 йилги Парламент түүрисидаги Хужжатни ўзгартырувчи Ҳужжат (1949 йил 16 декабрь)

Қирол Аъло Ҳазрати Бузруклари ҳозирги парламентга түпланган жамоаларнинг маслаҳати ва розилиги билан 1911 йилги Парламент түүрисидаги Ҳужжат қоидаларига мувофиқ ҳамда парламентнинг амри билан қўйидағича қарор қиласди:

1. Иккита сессия ва бир йил түүрисидаги кўрсатмани тегишли равишда учта сессия ва икки йил түүрисидаги кўрсатма билан алмаштириш. 1911 йилги Парламент түүрисидаги Ҳужжат ушбу қонун лойиҳасига (лекин қонуннинг ўзига эмас) асос солинган сессиянинг бошланшидан эътиборан кучга киради ва амал қиласди, деб ҳисобланади. Хусусан:

а) 2-модданинг 1 ва 4-бандларида «учта кетма-кет сессияда», «учинчи марта», «учинчи сессияда», «иккинчи ва учинчи сессияларда» деган сўзлар тегишли равишда қўйидаги сўзлар билан алмаштирилади: «иккита кетма-кет сессияда», «иккинчи марта», «бу сессияларнинг иккинчисида», «иккинчи сессияда» ҳамда «иккинчи сессияга» ва.

в) кўрсатиб ўтилган 2-модданинг 1-бандидаги «икки йил» деган сўзлар «бир йил» деган сўзлар билан алмаштирилади.

Агар ушбу қонун лойиҳаси қирол томонидан тасдиқланганлиги эълон қилинишидан олдин қонуннинг бирон-бир лойиҳаси Лордлар палатаси томонидан иккинчи марта рад қилинса, бу рад қилиш қонун лойиҳаси қирол томонидан тасдиқлангани эълон қилинган сессияда ёки олдинги сессияларнинг бирида содир бўлганлигидан қатъи назар, кўрсатиб ўтилган 2-модданинг бирон-бир қонун лойиҳасини бундай лойиҳа иккинчи марта Лордлар палатаси томонидан рад қилингандан кейин Аъло Ҳазратларига тақдим этилсин, деган талабномага мувофиқ, фақат Қирол ушбу қонун лойиҳасини тасдиқланганлиги эълон қилиниши билан бу лойиҳага нисбатан

¹ Современные зарубежные конституции. — М., 1992. Constitutional Texts. Material on Government and the Constitution. Ed. by J. Brazier. Oxford, 1990.

кучга эга бўлади; гарчи бундай рад қилиш олдинги сессиялардан бирида содир бўлган бўлса ҳам, қиролнинг рад қилинган лойиҳани тасдиқлаганлиги қиролнинг ушбу қонунни тасдиқлаганлиги эълон қилинган сессияда эълон этилиши мумкин.

2. 1911 ва 1949 йилларнинг Парламенти тўғрисидаги Ҳужжатларнинг умумий қисқача номланиши ҳамда улардан цитаталар олиниши.

1) Ушбу Ҳужжат 1949 йилги парламент тўғрисидаги Ҳужжат деб номланиши мумкин.

2) Ушбу ҳужжат ва 1911 йилги парламент тўғрисидаги Ҳужжат битта қонун сифатида изоҳланиши лозим ва уларга ҳаволалар биргаликда, парламент тўғрисидаги 1911 ва 1949 йиллар ҳужжатлари сифатида амалга оширилади, шу муносабат билан парламент тўғрисидаги, 1911 йилги ҳужжатнинг 4-моддаси 1-параграфи (у қонунни кучга киритиш шартини аниқ белгилаб беради, бу шарт ушбу қонунга мувофиқ Аъло Ҳазратларига тақдим этилган қонун лойиҳасига киритилиши лозим) 1911 йилги «парламент тўғрисидаги ҳужжат» сўзларини «1911 ва 1949 йиллар парламенти тўғрисидаги Ҳужжатлар» сўзлари билан алмаштирган ҳолда амал қиласди.

1958 ЙИЛГИ УМРБОД ПЭРЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲУЖЖАТ.¹

Умрбод пэр унвонини олишга ваколат берувчи ҳужжат Лордлар палатаси мажлисида қатнашиш ва овоз бериш ҳуқуқи билан (1958-йил 30 апрель)

Ушбу парламентга тўпланган диндор ва дунёвий лордлар ва жамоалар маслаҳати ва розилиги билан ҳамда парламент амри билан Қиролича Ҳазрати Бузрук Олиялари қўйидагиларни қарор қиласди:

1. Умрбод пэрлик ва Лордлар палатаси мажлисида қатнашиш ҳамда овоз бериш ҳуқуқи бериш ваколати. (1) Ҳазрати Олияларининг апелляция бўйича лордларни тайинлаш ҳуқуқига дахл қилмаган ҳолда Ҳазрати Олиялари ҳар қандай шахсга ушбу модданинг 2-параграфида кўрсатилган ҳуқуқларни берган ҳолда умрбод пэрлик узвони ҳақидаги имтиёз ҳуқуқини берадиган ёр-

¹ The Public General Acts and Church Assembly Measures 1958. L., 1959. P. 84.

лиқни бериш йўли билан татбиқ қилиш ваколатига эга бўлади.

(2) Ушбу моддага асосан имтиёз ҳуқуқини берадиган пэрлик унвони қайси шахсга тортиқ қилинган бўлса, шу шахснинг ҳаёти мобайнида унга қўйидаги ҳуқуқларни беради:

а) имтиёз ҳуқуқини берадиган ёрлиқда кўрсатилган шартларга мувофиқ барон унвонига эга бўлиш ҳуқуқи;

в) 4-параграф нормаларига риоя қиглан ҳолда Лордлар палатасига қатнаш, унинг мажлисида қатнашиш ва овоз бериш тўғрисидаги буйруқни олиш ҳуқуқи; бу ҳуқуқ шахс вафот этиши билан тўхтатилади.

(3) Ушбу модда асосида умрбод пэрлик аёл жинсидаги шахсларга ҳам татбиқ қилиниши мумкин.

(4) Агар бирон-бир шахс қандайдир вақтда қонунга биноан ҳуқуқий муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган бўлса, ушбу модданинг ҳеч бир сўзи бу шахсга Лордлар палатасига кириш, унинг мажлисида қатнашиш ва овоз бериш тўғрисидаги буйруқни олиш ҳуқуқини бермайди.

2. Қисқача номланиши. Ушбу Ҳужжат, 1958 йилги умрбод пэрлар тўғрисидаги Ҳужжат, деб номланиши мумкин.

ПЭРЛАР ТЎҒРИСИДАГИ 1963 ЙИЛГИ ҲУЖЖАТ¹

(Кўчирма)

1. Меросий пэр унвонидан воз кечиш. (1) Ушбу модданинг қўйидаги қоидаларига мувофиқ ушбу Ҳужжат кучга киргандан кейин Англия, Шотландия, Буюк Британия ёки Бирлашган Қироллик пэрликларида пэр унвонини мерос қилиб олган шахс ушбу Ҳужжатда кўрсатилган вақт мобайнида рад этиш тўғрисида лорд — канцлерга ариза бериш йўли билан бу унвондан умрбод воз кечиши мумкин.

(2) Пэрлик унвонидан воз кечиш тўғрисидаги ариза ушбу моддага мувофиқ ўн икки ой мобайнида юборилиши, бу муддат пэрлик унвонидан воз кечеётган шахс уни мерос қилиб олган кундан эътиборан ҳисобланади,

¹ The Public General Acts and Church Assembly Measures. 1963. L., 1964. P. 129 0.

агар у унвонни 21 ёшга тўлмасдан олдин мерос қилиб олган бўлса, муддат шахс шу ёшга етган кундан бошлаб ҳисобга олинади; мурожаат қилувчи ўзининг пэрлик унвони асосида Лордлар палатасига қатнаш тўғрисида қирол рескриптини (ёрлигини) олиш учун расмий тарзда пэрлик унвони ҳақида бу хилдаги ҳеч қандай аризани юбориши мумкин эмас.

(3) Мазкур модданинг эслатиб ўтилган қоидалари ушбу Ҳужжат кучга киришидан олдин пэрлик унвонини мерос қилиб олган шахсга нисбатан татбиқ этилади, шунингдек, Ҳужжат кучга киргандан сўнг пэрлик унвонини мерос қилиб олган шахсга нисбатан ҳам татбиқ этилади, лекин қўйидаги хусусиятлар ҳисобга олиниши даркор;

а) бундай шахс воз кечиш тўғрисида ариза жўнатиши мумкин бўлган вақт ушбу Ҳужжат кучга кирган вақтдан ҳисоблагандан ўн икки ой қилиб белгиланади, ёки агар шахс 21 ёшдан камроқ ёшга кирган бўлса, у ана шу ёшга етган кундан ҳисоблагандан ўн икки ой мобайнида юбориши мумкин; ва

в) бундай шахс воз кечиш тўғрисидаги аризани у лордлар палатасига қатнаш тўғрисида қирол ёрлигини олиш учун мазкур Ҳужжат кучга киришидан олдин мурожаат қилган бўлишига қарамай, юбориши мумкин.

2. Жамоалар палатаси аъзолари ва номзодларининг бу Палатадан воз кечиши.

(1) Пэрлик унвонини мерос қилиб олган ва ушбу Ҳужжатнинг биринчи моддаси татбиқ этиладиган шахс Жамоалар палатаси аъзоси бўлган тақдирда, у пэрлик унвонидан воз кечиш тўғрисидаги аризани кўрсатиб ўтилган муддатга мувофиқ бир ой муддат ичидা (мерос қилиб олган кунни ва ундан ҳеч бўлмагандан муддатни ҳисоблагандан) юбориши лозим; ана шу муддат ўтмагунча шахс воз кечиш ҳақида ариза юборган ёки юбормаганидан қатъи назар пэрлик унвонига эга бўлганлиги сабабли Жамоалар палатаси аъзолигидан маҳрум этилмайди.

Шу нарса белгилаб қўйиладики, яъни:

а) фақат шу параграф асосида Жамоалар палатаси аъзолигидан маҳрум этиш хусусида имтиёз бериладиган шахс ана шу имтиёз берилмагунча бу палата мажлисларida иштирок этмайди ёки овоз бермайди;

в) агар бундай шахс ўзи эга бўлган ва гап бораётган пэрлик унвони асосида Лордлар палатасига қатнаш

тұғрисида қирол ёрлиғини бериш учун мурожаат қила-
диган бұлса, унга нисбатан ушбу параграф татбиқ
этапдан тұхтайди.

3. Воз кечиши оқибатлары. (1) Ушбу Ҳужжат қоидаларига мувофиқ шахснинг пәрлик унвонидан воз кечиши узил-кесил бұлади ва воз кечиши ҳақидаги аризани топширган кундан бошлаб:

а) бу шахснинг (агар у үйланған бұлса, хотинининг ҳам) пәрлик унвони билан боғлиқ барча ҳуқуқтар ёки манфаатлардан, үзига тегишли бұлган барча унвонлар, ҳуқуқтар, лавозимлар, имтиёзлар ва устунліклардан воз кечишига; ва

в) пәрлик унвонига эга бўлиш билан боғлиқ барча мажбуриятлар ва чеклашлардан (шу жумладаи Ж. молалар палатаси аъзоси бўлиш ҳуқуқидан ва бу Палата-га сайлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлишдан) озод бўлишга олиб келади;

лекин бу шахснинг вафот этгандыги мазкур пәрлик унвонини мерос қилиб олишни тезлаштирмайды, шунингдек, унвоннинг бошқа шахсга ўтишига таъсир кўрсатмайды.

(3) Ушбу Ҳужжат қоидаларига мувофиқ пәрлик унвонидан воз кечиши пәрлик унвонидан воз кечадиган шахснинг ёки қандайдыр бошқа шахснинг пәрлик унвони билан бирга ўтадиган мулкка ёки мулкчилик ҳуқуқига нисбатан (воз кечишгача бұлган ва воз кечилгандан кейинги) ҳеч-бир ҳуқуқларига, манфаатларига ёки қонуний ҳуқуқларига эга бўлишига дахлдор бўлмайди.

6. Ўз ҳуқуқи бўйича пәрхоним унвони. Англия, Шотландия, Буюк Британия ёки Бирлашган қироллик пәрликларида пәрлик унвонига эга бўлган аёл (бу пәрлик унвони тортиқ қилинган қандай ёрлиқларда ифодаланған бўлмасин) Лордлар палатасининг мажлисига келиш тұғрисидаги қирол ёрлиғини олиш, бу Палата мажлисларида қатнашиш ва овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади ҳамда у Жамоалар палатаси аъзолигига нисбатан ва бу Палатага сайланишга нисбатан пәрлик унвонига эга бўлган эркаклар каби чеклашларга дуч келади.

ЖАМОАЛАР ПАЛАТАСИ (ИШЛАР БОШҚАРМАСИ) ТҮФРИСИДА 1978 йилги ҲУЖЖАТ¹

Жамоалар палатасини бошқариш түфрисидаги
(1978 йил 20 июлдаги) қўшимча қарорларни ўз
ичига олувчи ҳужжат

(Кўчирма)

1. Жамоалар палатаси комитети. (1) Жамоалар палатаси ушбу Ҳужжатда кўрсатилган вазифаларни бажариш учун Комитет аъзоларини тайинлади.

(2) Комитет қўйидагилардан ташкил топади:

а) Спикер;

в) Жамоалар палатасининг етакчиси;

с) Жамоалар палатасининг мухолифат етакчиси қилиб тайинланадиган аъзоси;

а) Жамоалар палатасининг бу палата томонидан тайинланадиган учта бошқа аъзоси (улар тож-тахт министрлари бўлмаслиги керак).

(3) 1978—1979 йил ва шундан сўнг келадиган ҳар бир молия или тамом бўлгандан кейин имкон борича комитет ана шу йил мобайнидаги ўз вазифаларининг бажарилиши ҳақида ҳисобот тайёрлайди ва Жамоалар палатасига тақдим этади; бу ҳисобот эълон қилиниши керак.

(4) Бу моддадаги:

«Жамоалар палатаси етакчиси» ибораси «мазкур вақтда бош министр сифатида тайинланган тож-тахт министри» деган маънони билдиради. «Мухолифат етакчиси» Жамоалар палатасида мухолифат етакчиси бўлган шахсни билдиради, бу сўз министрлар ва бошқа шахсларга маош тўлаш түфрисидаги 1975 йилги Ҳужжатнинг 2-моддасида ишлатилган маънони билдиради...²

2. Комитетнинг функциялари. (1) Комитет Палата хизматларининг бутун ходимларини тайинлади ва улар-

¹ Современные зарубежные конституции. М., 1992.

² Кўрсатиб ўтилган моддада бундай дейилган: «Ушбу Ҳужжатда «мухолифат етакчиси» ибораси парламентнинг у ёки бу Палатасида мазкур Палата аъзоси маъносини англатади, у ҳозирги вақтда Палатада Хазрати Олиялари ҳукуматига мухолифатда турган, Жамоалар палатасида энг кўп миқдорга эга бўлган партиянинг етакчиси ҳисобланади» (The Public General ^A General Sunod Measures 1975. Part III. L., 1976. P. 1128).

нинг сонини, уларга ҳақ тұлаш ва бошқа шарттарни, уларнинг хизмат мақомини белгилайди.

(2) Комитет шу нарсаны күзатыб борадики, токи Палата хизматлари ходимларини бутлаш, таснифлаш ва уларга ҳақ тұлаш асосан министрликларнинг давлат хизматчиларига нисбатан мавжуд бүлган худди шундай қоидаларга тұғри келиши керак, бинобарин Жамоалар палатасининг талаблари тұғри келиб, палата хизматлари ходимларининг бошқа иш шаронити ҳам асосан шундай қоидаларга үхшаш бўлади.

(3) Комитет Палата хизматлари таркибиға кирадиган ёки илгари кирған ходимларнинг пенсиялари ва бошқа шунга үхшаш афзалликлари давлат хизмати учун пенсияларнинг асосий тизимидағи қоидалар билан (министрликларнинг давлат хизматлари учун қандай тарзда татбиқ этилса, ўша шаклда) мос келади, лекин бу пенсиялар ва бошқа афзалликлар бу афзалликлар ҳақидағи нормалар бошқа тизим бўйича ишлаб чиқиладиган ходимларники каби бўлмаслиги лозим, бу ходимлар Палата хизматларига ишга киришдан олдин қандай бўлсалар, бу хизматда ҳам шундай бўлиб қолаётган эдилар.

(4) Юқорида келтириб ўтилган 1 параграф Жамоалар палтаси клерки лавозимиға, клеркнинг қандайдир ёрдамчиси, парламент ноиби ёки спикерга бўйсунгани шахсий таркибни тайинлаш ёки бу лавозимда бўлиш ҳолларига нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Молия тұғрисидаги қоидалар. (1) 1979—1980 йил ва шундан кейинги ҳар бир молия йили учун Комитет Палата хизматлари йиллик харажатлари сметасини тайёрлаб, Жамоалар палатасига тақдим этади ва Комитет Жамоалар палатасининг бошқа харажатлари сметасини белгилаши мумкин бўлган миқдорда тайёрлайди ва тақдим этади.

(2) Комитет Палата хизматлари ходимлари таркибидан бир шахсни назоратчи сифатида тайинлаши мумкин, у парламент томонидан Жамоалар палатаси хизматларига ажратилган маблағлардан тұланадиган суммаларга нисбатан бухгалтерия ҳисоблари юритилиши учун жавобгар бўлади.

(3) Жамоалар палатасини таъминлашга мұлжалланған барча ҳақлар ва бошқа суммалар консолидация қилингандың жамғарма ҳисобидан тұланади.¹

¹ Ҳукуматтнинг пул маблағлари жамғармаси бўлиб, у консолидация қилингандың жамғарма тұғрисидаги 1816 йилги Ҳужжат билан таъсис этилган; давлат ссудалари тұғрисидаги 1968 йилги Ҳужжат билан алоҳида бир жамғарма таъсис этилган. Айрим ҳолларда давлат ссуда жамғармаси консолидация жамғармаси ўрнини эгаллайди ва унга ёрдам кўрсатышга интилади. Ҳар куни бу иккала жамғарманинг ҳисоблари текширувдан ўтказилади. Алоҳида консолидация қилингандың жамғарма Шимолий Ирландия учун Озод Ирландия давлати билан тузилған шартнома тұғрисидаги 1922 йилги Ҳужжат билан ва Озод Ирландия давлати Конституцияси тұғрисидаги 1922 йилги Ҳужжат билан таъсис этилган.

У. Бежгот. АНГЛИЯ КОНСТИТУЦИЯСИ²

(Күчирма)

Англия Конституцияси ҳақида икки хил фикр-мулоҳаза мавжуд бўлиб, улар жуда катта таъсирга эгадир, лекин улар хато ҳисобланади. Улардан бирига кўра, Англия давлат тузилишининг тамойили қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг тўлиқ тақсимланишидан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири айрим шахсга ёки шахслар гуруҳига ишониб топширилган, шу билан бирга, улардан ҳеч ким бошқаларининг фаолиятига асло аралашуви мумкин эмас. Инглиз халқи ҳали бутунлай қўпол бўлган ўрта асрлардаёқ бу халқнинг даҳоси ғоят синчковлик билан ишлаб чиқилиб ҳаётга ва амалиётга татбиқ этилгани ҳақида файласуфлар қоғозда баён қилганлари, аммо уни ҳаётда кўришга асло умид қилмаганликларини исботлашга кўпгина сўзамоллик сарф этилган.

Иккинчи фикрга кўра эса, Британия Конституциясининг алоҳида устунлиги уч ҳокимиятнинг вазмин иттифоқига асосланади. Айтишларича, булар монархия элементи, зодагонлик элементи ва демократик элемент бўлиб, улардан ҳар бири олий ҳокимиятда ўз улушкига эгадир ва мазкур ҳокимиятнинг мавжуд бўлиши учун бу учала элементнинг ҳамжиҳатлиги зарур.

Қироллар, лордлар ва жамоалар ана шу назарияга мувофиқ Конституциянинг фақат ташқи шаклини эмас, шу билан бирга ички ҳаракатлантирувчи моҳиятини.

² Bagehot W. The English Constitution//The Collect. ed Work of Walter Bagehot. Ed. by Norman St. John— Stevas. vol. five L.S 1974. P. 204—205.

Уолтер Бежгот (1826 йил 3 февраль — 1877 йил 24 март) — инглиз иктисадчиси, тарихчи, сиёсатшунос, ёзувчи, «Иктисадий» журналининг ношири. У «Англия Конституцияси» китобининг журнал варзишни 1865 йилда эълон қилган. Китоб айрим нашр ҳолида 1867 йилда чоп этилган.

Бу машҳур асар, Англия Конституцияси ҳокимиятни тақсимлаш тамойилига риоя қилиш йўли билан фуқароларга эркинликни кафолатлаб беради, деган анъанавий назарияни рад этади; муаллиф мамлакатдаги ҳуқуқ-тартиботнинг ижро этувчилик ва қонун чиқарувчилик ҳокимиятлари бирга қўшилишига боғлиқ эканлигини ва парламентнинг қарорлар қабул қилишида Министрлар кабинетининг ҳақиқий ролини кўрсатиб берган. У. Бежготнинг мазкур асари ҳозирга қадар классик асар ҳисобланади ва мунтазам равишда қайта нашр этиб келинади.

ҳаёттій күчини ҳам тасаввур қиласылар. «Тийилиб туриш ва зиддиятлар» назарияси деб аталувчи буюк назария сиёсий адабиётта тарқалған бўлиб, бу назариядағи кўп нарсалар инглиз тажрибасидан бошланади ёки унинг томонидан қўллаб-қувватланади. Монархиянинг айрим камчилклари, баъзи бир салбий тамойиллари бор, зодагонликка ўзининг камчилклари хосдир, демократиянинг ҳам ўз камчилклари мавжуд, дейдилар. Бироқ Англия шуни кўрсатдики, бошқарувни ташкил этиши мумкин, унда мазкур салбий тамойиллар бир-бирини тийиб, мувозанатлаштириб ва бартарафлаштириб туради, бунда умуман яхши бошқарув фақат бир-бира га қарама-қарши тамойилларга қарамай, шу билан бирга улар туфайли ҳам амалға оширилади.

Бунинг оқибатида Англия Конституциясининг ўзига хос асосий хусусиятлари монархия ёки аристократия учун шарт-шаронитлар мавжуд бўлмаган мамлакатларда намоён бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблашяпти. Бу Конституция сиёсий элементларни энг яхши татбиқ этишини фақат тасаввур қилиш мумкин бўлган Конституциядир ва ҳозирги замон Европа мамлакатларининг кўпчилиги уни ўрта асрлар давридан мерос қилиб олган, деб ҳисоблашмоқда. Бу материалдан Англия Конституциясидан бошқа яхшироқ нарса яратиш мумкин эмас, деб ҳисоблашмоқда; лекин шу билан бирга Англия Конституциясининг асосий қисмлари, агар бу материалдан фойдаланимаганда, яратилиши мумкин эмас эди, деб ҳам ҳисоблашади. Бироқ бу элементлар муайян даврнинг ва муайян мамлакатнинг тасодифий ҳодисаларидир; улар инсоният тарихининг фақат бир ёки икки асли мобайнида ва жуда кам мамлакатларда учрайди. Агар ҳатто Конституциявий Конвент қарор қилган тақдирда ҳам ва ҳатто бу қарорни штатлар тасдиқлаганда ҳам Қўшма Штатлар монархия давлати бўла олмасди. Тасаввуфий эҳтиром, диний садоқат чинакам монархиянинг моҳияти бўлиб, уларни ҳис-туйғу билан қамраб олиб бўлмайди, уларни халқда ҳеч қандай қонун билан қарор топтириш мумкин эмас.

Кундалик ҳаётта ҳақиқий фарзандлик ҳис-туйғулари қандай бўлса, бу туйғулар ҳам мавжуд идора қилиш усулига нисбатан ярим фарзандлик ҳис-туйғулариидир. Киши ўзи учун ота танлай олмагани каби, монархияни ҳам сунъий равишда ўрнатиб бўлмайди, оталикнинг алоҳида ҳис-туйғуларини сунъий равишда яратиб бўлмага-

ни сингари, монархияга бўлган ҳис-туйғуни ҳам шундай йўл билан яратиш мумкин эмас. Агар Англия Конституциясининг амалий қисмини Ўрта асрларга доир материалларни ажойиб тарзда бир жойга жамлаш натижасида яратиш мумкин бўлса, бундай ҳолда унинг ярми тарихий қизиқиши уйғотган бўлар ва унинг андоза тарзидаги аҳамияти анча чекланган бўларди.

Кўпгина асрлар мобайнида вужудга келган ва хилма-хил аҳоли устидан кенг қамровли ҳукмронликни амалга оширадиган инглиз ёки бошқа муассасалар (*institutions*) ни тушуниш учун бу муассасаларни иккита элемент мавжуддир (ҳақиқатда бундай бўлишни микроскопик аниқлик билан амалга ошириб бўлмайди, чунки буюк ишлар даҳоси бўлишнинг аниқлигига нафрат билан қарайди): биринчи элемент аҳолининг ҳурматини уйғотади ва сақлайди, — менга қолса, буни энг маҳбатли элемент (*dignified parts*) деб атаган бўлардим; иккинчис — фаол элемент (*efficient parts*) бўлиб, Конституция, ҳақиқатда, унинг воситасида иш олиб боради ва бошқаради. Ҳар бир конституция самарали бўлиш учун эришмоғи лозим бўлган иккита буюк мақсад мавжуд бўлиб, ҳар қайси эски ва машҳур конституция уларни сўзсиз бажармоғи лозим: ҳар бир конституция аввали обрў-эътибор қозонмоғи, шундан кейингина бу обрў-эътибордан фойдаланмоғи керак: у даставвал ҳалқнинг садоқати ва ишончига сазовор бўлиши, кейин бу обрў-эътиборни бошқарув ишларида татбиқ этиши лозим.

ГЕРМАНИЯ

ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ

Марказий Европадаги давлат, Ҳудуди — 248 минг кв. км. Аҳолиси — 79 млн. киши (1992 йил). Пойтахти — Бонн. Давлат тили — немис тили. Асосий дини — христианлик (протестантлар, католиклар). Пул бирлиги — марка.

Миллий байрами — 3 октябрь — Немислар бирлиги купи (ГДРнинг бирлашув санаси).

ГФР давлат тузилиши шаклига кўра федерация бўлиб, унинг таркибида 16 та ўлка бор. Федератив тузилиш ҳеч қандай миллий негизга эга эмас. Ҳар бир ўлка ўз конституциясига, сайлаб қўйилган қонун чиқарувчи органи — бир палатали Ландтагга (Баварияда — икки палатали Ландтаг) ва бош министр бошчилигидаги ҳукуматга эгадир.

ГФР давлат бошқаруви шаклига кўра парламент республикасидир. 1949 йилги Асоий қонунга мувофиқ юқори давлат органлари — Федерал Президент, Бундестаг ва Бундесрат, Федерал ҳукумат ва Федерал конституциявий суддир.

Федерал президент давлат бошлиғи ҳисобланади. У маҳсус орган — Федерал мажлис томонидан беш йил муддатга сайланади. Президент ваколатлари парламент республикаси бошлиғи учун типикдир. У қонунларни промульгация қиласди (имзолайди), ҳукумат мажлислида қатнашади, мансабдор шахсларни ишга тайинлади ва бўшатади, авф этиш ҳуқуқини амалга оширади. Президент бошқа давлатлар билан муносабатларда ГФР вакили ҳисобланади. ГФР номидан улар билан шартномалар тузади, элчиларни тайинлади ва қабул қиласди. Президентнинг аксар ҳужжатларини ҳукумат бошлиғи ёки тегишли министрлар албатта контрассигнация қилишлари даркор, улар бунинг учун жавобгар ҳисобланадилар.

Қонун чиқарувчи ҳокимиётни парламент амалга оширади, у икки палатадан — Бундестаг ва Бундесратдан иборат. Бундестаг таркибида 496 депутат бўлиб, у тўғридан-тўғри сайлов йўли билан тўрт йил муддатга сайланади. Бундесрат таркибида 41 киши бўлади, улар ўлкалар ҳукумати аъзолари ҳисобланади. Ҳар бир ўлка, аҳолисининг сонига қараб Бундесратда учтадан беш-

тага қадар овозга эга бўлади. Палаталар ўз раислари-ни сайлайди, раислар депутатлар ишига раҳбарлик қилиди ва доимий комитетлар ташкил этади. Палаталар-ниң йиғилишлари, агар фақат депутатлар ёпиқ мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилмасалар, одатда очиқ бўлади.

Асосий қонун федерал парламентнинг мутлақ қонун чиқарувчилик ваколати соҳасига тегишли масалаларни ва федерация ҳамда ўлкаларнинг рақобат қилувчи қонун чиқарувчилик ваколатига кирадиган масалаларни белгилаб беради. Бундан ташқари, Асосий қонуннинг 75-моддасида парламент умумий ўйл-йўриқлар чиқариши мумкин бўлган масалалар санаб ўтилган.

Федерал қонунларни қабул қилиш жараёни қўйидагилардан иборат. Қонун лойиҳасини Бундестаг қабул қиласи ва у дарҳол Бундесратга топширилади. Агар Бундесрат бу қонун лойиҳасини маъқулламаса, у икки ҳафта мобайнида келиширувчи комитет чақиришни талаб қилиши мумкин, бу комитетда ҳар иккала палата вакиллари бўлади. Агар комитет қабул қилинган қонун лойиҳасига қандайдир ўзгаришлар таклиф қилса, у ҳолда лойиҳа Бундестаг томонидан такроран кўриб чиқилиши лозим бўлади. Бундестаг иккинчи марта маъқуллаган қонун лойиҳаси бир ҳафта ичida Бундесрат томонидан яна рад қилиниши мумкин. Бундай ҳолда қонун лойиҳаси Бундестагга учинчи марта юборилади ва агар унга Бундестаг аъзоларининг кўпчилиги овоз берса, лойиҳа қабул қилинган ҳисобланади.

Бундестаг, шунингдек, ҳукуматга нисбатан назорат қилувчи ваколатларга ҳам эгадир. Бу ваколатлар интерпелляциялар, оғзаки саволлар шаклида, тергов комиссиялари ишида, ҳукуматнинг истеъфога чиқишини талаб қилиш ҳукуқида намоён бўлади.

Ҳукумат таркибида Федерал канцлер — ҳукумат бошлифи, вицеканцлер, министрликларга бошчилик қилувчи министрлар ва лавозимсиз министрлар киради. Президент канцлер лавозимига номзод кўрсатади, уни Бундестаг сайлайди (агар у Бундестаг аъзоларининг кўпчилик овозини олмаса, Президент палатани тарқатиб юбориши мумкин). Министрлар Президент томонидан канцлер таклифи билан тайинланади ва бўшатилади.

Ҳукуматнинг ваколатлари ниҳоятда кенгdir. Ҳақиқатда, у давлатни бошқариш соҳасидаги барча функцияларни амалга оширади. Ижро этувчи ҳокимиятнинг

қонун чиқариш соҳасидаги мавқеи ҳам етарли даражада кучлидир. Ҳукумат қонун чиқариш ташаббуси ҳуқуқига эгадир, бунда Асосий қонунда ҳукумат таклиф этадиган қонун лойиҳаларининг депутатлар таклиф этадиган қонун лойиҳаларига нисбатан устуворлиги назарда тутилади. Бундестаг ҳукумат томонидан киритилган қонун лойиҳасини рад қилган тақдирда Президент ҳукуматнинг таклифи билан бу қонун лойиҳасига нисбатан «қонунчилик зарурати» ҳолатини эълон қилиши мумкин ва ана шунда қонуннинг кучга кириши учун унинг Бундесрат томонидан маъқулланиши кифоя бўлади.

Асосий қонунга мувофиқ, ҳукумат аъзолари фақат канцлер олдида жавобгар бўладилар.

ГФР давлат механизмида канцлернинг роли ниҳоятда каттадир. Ҳақиқатда у мамлакатнинг бутун ички ва ташқи сиёсати асосий йўлини белгилайди. Канцлер истеъфога чиққан тақдирда бутун ҳукумат истеъфога чиқиши лозим. Бундестаг ҳукуматга ёки унинг айрим аъзоларига эмас, балки фақат канцлернинг ўзига нисбатан ишончсизлик билдириши мумкин. Янги канцлер сайланган тақдирдагина канцлер лавозимидан четлаштирилади (амалий ишончсизлик билдириш — у деструктив ишончсизлик билдиришдан фарқли ўлароқ ӯзумат бошлиғи лавозимига янги номзод кўрсатилишини талаб қилмайди).

Асосий сиёсий партиялари: Германия миллий-демократик партияси; «Яшиллар» партияси; Эркин демократик партия; Германия Социал-демократик партияси; Христиан-демократик иттифоқи; Христиан-социалистик иттифоқи; Демократик социализм партияси.

Энг йирик касаба ўюшмаси ташкилоти — Немис касаба ўюшмалари ўюшмаси.

ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИННИГ АСОСИЙ ҚОНУНИ¹

(1949 йил 23 май)

пreamble²

Худо ва одамлар олдидаги масъулиятини ҳис қилган, бирлашган Европада тенг ҳуқуқли аъзо сифатида бутун дунёда тинчлик ишига хизмат қилиш истагидан илҳомланган немис халқи ўзининг таъсис этувчи ҳокимияти туфайли ўзи учун ушбу Асосий қонунни яратди.

Баден-Вюртемберг, Бавария, Берлин, Бранденбург, Бремен, Гамбург, Гессен, Макленбург-Предпомерания, Қўйи Саксония, Шимолий Рейн-Вестфалия, Саксония, Рейланд-Пфальц, Саар, Саксония-Анхальт, Шлезвиг-Гольштейн ва Тюриңгия ўлкаларидағи немислар ўз тақдирини ўзи эркин белгилаш йўли билан Германиянинг бирлиги ва эркинлигига эришдилар. Бу билан ушбу Асосий қонун бутун немис халқи учун амал қиласди.

1. Асосий ҳуқуқлар

1-модда.

(1) Инсоннинг қадр-қиммати дахлсиздир. Уни ҳурмат қилиш ва ҳимоя этиш — ҳар қандай давлат ҳокимиятининг бурчидир.

(2) Немис халқи ана шу туфайли инсоннинг бузилмас ва тортиб олиб бўлмайдиган ҳуқуқларини ҳар қандай инсоний ҳамжамиятнинг, бутун дунёда тинчлик ва адолатнинг асоси деб эътироф қиласди.

(3)³ Қўйидаги асосий ҳуқуқлар қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳокимият ва одил судлов учун бевосита амал қилувчи ҳуқуқ сифатида шартдир.

2-модда.

(1) Ҳар бир шахс ўз шахсини камолга етказиш ҳуқуқига эгадир, чунки у бошқаларнинг ҳуқуқларини бузмайди ва конституциявий тартибга ёки ахлоқий қонунга тажовуз қилмайди.

¹ Современные зарубежные конституции. М., 1992. Grundgesetz für die Bundesrepublik Deutschland. Stand: Dezember 1992. Bonn 1993. Видесgesetzblatt Teil I 1993, Nr. 31. 6. 1002; 1993, Nr. 68 Я. 2089—2090; 1994, Nr. 58, Я. 2245.

² Преамбуланинг янги таҳрири 1991 йил 31 августдаги Бирлашиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ берилмоқда.

³ 1956 йил 19 марта Қонун таҳририда.

(2) Ҳар ким яшашга ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир. Шахснинг эркинлиги бузилмасдир. Бу ҳуқуқларга аралашишга фақат қонун асосида йўл қўйилади.

3-модда.

(1) Барча кишилар қонун олдида тенгдирлар.

(2) Эркаклар ва аёллар тенг ҳуқуқлидирлар.

(3) Ҳеч кимга унинг жинси, келиб чиқиши, ирқи, тили, туғилган жойи, ким билан қариндошлиги, диний эътиқоди, диний ёки сиёсий маслагига қараб зарар етказилиши ёки ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиши мумкин эмас.

4-модда.

(1) Дин, виждон эркинлиги ва диний ҳамда дунёқарашга доир фикрларни эълон қилиш эркинлиги бузилмасдир.

(2) Диний маросимларни эркин равишда адo этиш кафолатланади.

(3) Ҳеч ким ўз виждонига қарши қурол билан ҳарбий хизматга мажбур қилиниши мумкин эмас. Тафсилотлари федерал қонун билан тартибга солинади.

5-модда.

(1) Ҳар ким ўз фикрини оғзаки, ёзма равишда ватасвирлар воситасида ифодалаш ҳамда тарқатиш, ҳамма учун қулай бўлган манбалардан билимларни бемалол олиш ҳуқуқига эгадир. Матбуот ва ахборот эркинлиги радио ва кино воситасида кафолатланади. Цензура йўқ.

(2) Бу ҳуқуқларнинг чегаралари ёшларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги умумий қонунларда, қонунларга доир қоидаларда ва шахс ор-номуси ҳуқуқида кўрсатиб ўтилган.

(3) Санъат ва фан, тадқиқотлар ва ўқитиши эркинdir. Ўқитиш эркинлиги Конституцияга садоқатли бўлишдан озод қилмайди.

6-модда.

(1) Никоҳ ва оила давлат тартибининг алоҳида муҳофазасидадир.

(2) Болаларга ғамҳўрлик қилиш ва уларни тарбиялаш ота-оналарнинг табиий ҳуқуқи ва уларнинг устувор вазифасидир. Уларни амалга оширишини давлат уюшмаси кузатиб боради.

(3) Болалар ўз оиласидан уларнинг тарбиясига ва-

қолатли бўлган шахсларнинг иродасига қарши фақат қонун асосида, агар тарбиялашга ваколатли бўлган шахслар ўз вазифаларини бажармаётган ёки болалар бошқа сабабларга кўра назоратсиз қолиш хавфи остида бўлган тақдирда, ажратилиши мумкин.

(4) Ҳар бир она жамиятнинг ҳимояси ва ҳомийлиги ҳуқуқига эгадир.

(5) Никоҳсиз туғилган болалар қонуний тартибда никоҳдан туғилган болаларнинг жисмоний ва ақлий ривожланиши ҳамда уларнинг жамиятдаги мавқеи учун қандай шарт-шароитлар яратилган бўлса, улар ҳам шундай шарт-шароитлар билан таъминланади.

7-модда.

(1) Бутун мактаб иши давлат назорати остидадир.

(2) Болалар тарбиясига ваколатли бўлган шахслар бу болаларнинг диний таълимда иштирок этиши масаласини ҳал қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

(3) Диний таълим ҳалқ мактабларида (черков таъсирида бўлмаган мактаблар бундан мустасно) мажбурий фан ҳисобланади. Давлатнинг назорат қилиш ҳуқуқига зарар етказилмаган ҳолда диний таълим диний жамоалар тамойилларига мувофиқ равишда ўтказилади. Бирорта ҳам ўқитувчи ўз хоҳишига зид ҳолда диний таълим беришга мажбур этилиши мумкин эмас.

(4) Хусусий мактаблар очиш ҳуқуки кафолатланади. Ҳалқ мактаблари ўрнига хусусий мактабларни очишига давлат рухсати талаб қилинади ва улар ўлкалар қонунларига бўйсунади. Агар хусусий мактаблар ўзларининг ўқув мақсадлари ва ташкил этилиши бўйича ҳам, шунингдек, ўз ўқитувчи ходимларининг илмий малакасига кўра ҳам ҳалқ мажлисларидан қолишмаса ва ўқувчиларни ота-оналарини мулкий аҳволига қараб бўлишга уринмаса, уларга рухсат этилиши лозим. Агар ўқитувчи ходимларнинг моддий ва ҳуқуқий аҳволи лозим даражада таъмин этилмаган бўлса, рухсат бериш рад қилинади.

(5) Агар ўқув бошқармаси алоҳида педагогик қизиқиши мавжудлигини эътироф қиласа ёки бу мактаб болаларни тарбиялашга ваколатли бўлган шахсларнинг таклифи билан жамоа мактаби, диний мактаб ёки дунё-қараш мактаби сифатида таъсис этилса, агар бу хилдаги оммавий мактаб жамоада йўқ бўлса, хусусий мактабни ташкил этишга йўл қўйилади.

(6) Тайёрлов мактабларини тақиқлаш ўз кучида қолади.

8-модда.

(1) Барча немислар олдиндан маълум қилмасдан ёки рухсат олмасдан тинч йўл билан ва қуролсиз ҳолда тўпланиш ҳуқуқига эгадирлар.

(2) Очик ҳавода йиғилишлар ўтказиш учун бу ҳуқуқ қонун билан ёки қонун асосида чекланиши мумкин.

9-модда.

(1) Барча немислар иттифоқлар ва жамиятлар ташкил этиш ҳуқуқига эгадирлар.

(2) Мақсадлари ва фаолияти жиноят қонунларига зид бўлган ёки конституциявий тузумга ёхуд халқлар ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатликка қарши қаратилган бирлашмалар тақиқланади.

(3) Ҳар бир шахснинг ва барча касаба уюшмаларининг менҳатни муҳофаза қилиш, меҳнат шароитларини ва иқтисодий шароитларни яхшилаш учун бирлашмалар ташкил этиш ҳуқуқи кафолатланади. Бу ҳуқуқни чеклашга ва уни амалга оширишни қиёнлаштиришга интигувчи битимлар ҳақиқий эмас, шу мақсадга қаратилган чора-тадбирлар эса ғайриқонунийдир. 12-а, 35 (2 ва 3-абзацлар), 87-а (4-абзац) моддаларга ва 91-моддага мувофиқ кўрилган чора-тадбирлар меҳнат ва хўжалик юртиш шароитларини муҳофаза қилиш ва яхшилаш мақсадида биринчи гапда кўрсатилган бирлашмалар томонидан ўтказиладиган ҳаракатларга қарши қаратилган бўлиши мумкин эмас.

10-модда¹.

(1) Ёзишмалар маҳфийлиги, шунингдек, почта ва телеграф алоқасининг маҳфийлиги бузилмасdir.

(2) Чеклашлар фақат қонун асосида белгиланиши мумкин. Бу қонун шу нарсани белгилаши мумкинки, бундай чеклашлар манфаатдор шахсларга маълум қилинмайди (агар улар эркин демократик тузум негизларини ҳимоя қилишга ёхуд Федерация ёки бирон бир ўлканинг мавжуд бўлиши ёки сақланишига қаратилган бўлса), суд тартиби эса халқ вакијлиги томонидан таъинланган махсус ва ёрдамчи идораларниг текшириши билан алмаштирилади.

¹ 1968 йил 24 июндаги қонун билан киритилган.

11-модда.

(1) Барча немислар бутун федерация ҳудудида эркін күчіб юриш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

(2)¹. Бұ ҳуқуқ қонун билан ёки қонун асосида ва уни амалға ошириш учун тегишли моддий база мавжуд бўлмаган ҳолларда ҳамда бунинг натижасида жамият учун алоҳида қийинчиликлар вужудга келиши мумкин бўлганда ёки бундай чеклашлар Федерация ёки бирон бир ўлканинг эркін демократик тузуми негизларига ёки уларнинг мавжуд бўлишига таҳдид солаётган хавфни бартараф этиш учун зарур бўлганда, ёхуд улар эпидемия ҳавфига қарши курашиш учун, табиий оғатларга қарши ёки алоҳида оғир баҳтсиз ҳодисаларга қарши чоралар кўриш учун, ёшларни қаровсизликдан ҳимоя қилиш ёки жиноий хатти-ҳаракатларни барҳам топтириш учун чекланиши мумкин.

12-модда²

(1) Барча немислар ўзлари учун касб танлаш, иш жойини ва маълумот олиш жойини эркін танлаш ҳуқуқига эгадирлар. Касб билан шуғулланиш қонун билан ёки қонун асосида тартибга солиниши мумкин.

(2) Ҳеч ким одатдаги, умумий ва барча оммавий мажбурият учун тенг бўлган доирадан ташқари бирон бир муайян ишни бажаришга мажбур этилиши мумкин эмас.

(3) Фақат суд ҳукми бўйича озодликдан маҳрум этилган тақдирдагина мажбурий меҳнатга йўл қўйилади.

12-а модда.

(1) 18 ёшга етган эркаклар қуролли кучларда, федерал чегара соқчилигида ёки фуқаро мудофааси корпусида хизматни ўташга мажбур этилишлари мумкин.

(2) Кимда ким виждон сабабларига кўра, қуролли ҳарбий хизматдан бош тортса, бунинг ўрнига ўтувчи хизматни ўташга мажбур этилиши мумкин. Ўрнига ўтувчи хизмат муддати ҳарбий хизмат муддатидан ошиб кетмаслиги лозим. Бунинг тафсилотлари виждон эркинлигини бузмайдиган, шунингдек, қуролли кучларнинг ёки Федерал чегара соқчилиги қисмлари билан ҳеч бир

¹ 1968 йил 24 июнданын таҳририда.

² 1957 йил 19 марта ва 1968 йил 24 июнданын конвенция таҳририда.

боғлиқ бўлмаган ўрнига ўтувчи хизмат имкониятини назарда тутадиган қонун билан тартибга солинади.

(3) Биринчи ёки иккинчи абзац қоидалари асосида хизматга чақирилмаган ҳарбий хизматчилар қонун билан ёки қонун асосида мудофаа ҳолатига қараб мудофаа мақсадларидағи меҳнат муносабатлари тартибida фуқаролик мажбуриятларини бажаришга, шу жумладан фуқаро бўлган аҳолини ҳимоя қилишга мажбур этилиши мумкин; оммавий-ҳуқуқий хизмат муносабатларидағи мажбуриятлар фақат полицияга хос вазифаларни амалга ошириш учун ёки оммавий-ҳуқуқий хизмат муносабатлари тартибida бажарилиши мумкин бўлган юқори оммавий мамурият вазифаларини ижро этиш учун юкланиши мумкин. Биринчи гапда кўрсатиб ўтилган меҳнат муносабатларини татбиқ этиш қуролли кучларни таъминлаш соҳасида, шунингдек, оммавий маъмурӣят ҳузурида рўй бериши мумкин; фуқаро бўлган аҳолини таъминлаш соҳасидаги меҳнат муносабатлари бўйича вазифаларни юклашга унинг ҳимоясини таъминлаш учун ўйл қўйилади.

(4) Агар мудофаа ҳолати даврида санитария-даволаш муассасаларига, шунингдек, тургун ҳарбий госпиталларга фуқаролик хизмати кўрсатиш кўнгилли асосда қондирилиши мумкин бўлмаса, 18 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар қонун билан ёки қонун асосида шу хилдаги хизмат кўрсатишни бажаришга жалб этилиши мумкин. Улар бундай вазифаларни асло қурол билан бажармасликлари лозим.

(5) Мудофаа ҳолатидан олдинги даврда учинчи абзацда кўрсатилган вазифалар фақат 80-а модданинг биринчи абзаци асосида юкланиши мумкин. Учинчи абзацда кўрсатилган ва маҳсус билимлар ёки кўникумаларни талаб қиласидиган хизмат кўрсатиш ишларини бажаришга тайёргарлик кўриш учун қонун билан ёки қонун асосида ўқув тадбирларида иштирок этиш вазифаси назарда тутилиши мумкин. Бу ўринда биринчи гап татбиқ этилмайди.

(6) Агар мудофаа ҳолати даврида учинчи абзацининг иккинчи гапида кўрсатилган ишчи кучига бўлган эҳтиёж ихтиёрий асосда таъмин этилиши мумкин бўлмаса, немисларнинг ўз касби бўйича ишни тўхтатиш ёки иш жойини қолдириб кетиш эркинлиги бу эҳтиёжни таъминлаш учун қонун билан ёки қонун асосида чеклани-

ши мумкин. Мудофаа ҳолатини жорий этиш учун тегишли равишда бешинчи абзацининг биринчи гапи амал қиласиди.

13-модда.

(1) Турар жой дахлсиздир.

(2) Тинтув ўтказишига фақат судья томонидан лекин сусткашлик қилиш хавфи бўлган тақдирда эса, қонунларда кўрсатиб ўтилган бошқа органлар томонидан рухсат этилиши ва тинтув фақат ана шу қонунларда кўрсатилган тартибида амалга оширилиши мумкин.

(3) Бошқа барча ҳолларда аралашув ва чеклашлар фақат умумий хавфни ёки айрим шахслар ҳаётига туғилган хавфни йўқотиш учун, шунингдек, жамоат хавфсизлиги ва тартибига бўлган бевосита таҳдидни бартараф этиш учун, хусусан уй-жойга бўлган эҳтиёжни бартараф этиш, эпидемияларга қарши кураш ёки хавфхатарга дучор бўлаётган ёшларни муҳофаза қилиш учун қонун асосида рўй бериши мумкин.

14-модда.

(1) Мулк ва мерос олиш ҳуқуқи кафолатланади. Уларнинг мазмуни ва чегаралари қонун билан белгиланади.

(2) Мулкка эгалик мажбурият юклайди. Ундан фойдаланиш айни вақтда умумий фаровонликка хизмат қилиши лозим.

(3) Мол-мulkни мажбурий равишда мусодара қилишига фақат омма фаровонлиги учун йўл қўйилади. Мол-мulkни мусодара қилиш фақат қонун билан ёки қонун асосида амалга оширилади, қонун мол-мulkнинг ўрнини тўлдириш тури ва миқдорларини тартибга солади. Ўрнини тўлдириш умумий манфаатларни ва томонларнинг манфаатлариниadolатли ҳисобга олган ҳолда аниқлаши лозим. Ўрнини тўлдириш миқдорлари ҳақида баҳслар келиб чиқсан тақдирда у умумий суд тартибида белгиланиши лозим.

15-модда.

Ер, табиий бойликлар ва ишлаб чиқариш воситалари умумийлаштириш мақсадида ўрнини тўлдириш тури ва миқдорларини тартибга солувчи қонун билан жамоат мулки қилиб берилиши ёки жамоат хўжалигинин бошқа шаклларига топширилиши мумкин, ўрнини тўлдириш

масаласида 14-модданинг, тегишли равишда, 3-абзаци учинчи ва тўртинчи жумлалари амал қилади.

16-модда.

(1) Герман фуқаролигидан маҳрум этиш мумкин эмас, Фуқароликдан маҳрум этиши фақат қонун асосида рўй бериши мумкин, манфаатдор шахснинг иродасига қарши эса, фақат агар у бунинг натижасида фуқаролигидан маҳрум шахс бўлиб қолмасагина рўй беради.

(2)¹ Бирорта ҳам немис хорижий давлатга топширилиши мумкин эмас.

16-а модда¹.

(1) Сиёсий таъқибларга учраган шахслар бошпана ҳуқуқидан фойдаланадилар.

(2) Европа ҳамжамияти аъзоси бўлган бирон-бир давлатдан ёки қочоқлар мақоми тўғрисидаги Битим ва инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенциянинг татбиқ этилиши таъмин этилган қандайдир учинчи бир давлатдан келадиган киши биринчи абзацга асосланishi мумкин эмас. Европа ҳамжамиятининг аъзоси бўлмаган, биринчи жумладаги шартларни бажарадиган давлатлар Бундесратнинг маъқуллашини талаб қиладиган қонун билан белгиланади. Биринчи жумлада кўрсатилган ҳолларда бирон бир мамлакатда бўлишни тўхтатиш чоралари уларга қилинган шикоятларга қарамасдан амалга оширилиши мумкин.

(3) Бундесратнинг маъқуллаши талаб қилинадиган қонунда шундай давлатлар белгиланиши мумкини, уларда ҳуқуқ нормаларни ва умумий сиёсий шарт-шароитларни татбиқ этиш асосида сиёсий таъқиб қилишлар, ғайриинсоний ёки иснод келтирувчи муомала ёки жазо бериш ҳоллари мавжуд бўлмаслиги керак. Бундай давлатнинг фуқароси далил-исбот тақдим этмагунча сиёсий таъқиб қилинаётган шахс ҳисобланмайди, далил-исботдан эса, унинг юқорида кўрсатиб ўтилган гумонларга қарамасдан, сиёсий жиҳатдан таъқиб қилинаётганлиги маълум бўлади.

(4) Бирон-бир мамлакатда бўлишни тўхтатишига доир чораларни амалга ошириш 3-абзаца назарда тутилган ҳолларда ва очиқдан-очиқ асосланмаган ёки очиқдан-

¹ 1993 йил 28 июнданги қонун таҳририда.

очиқ асосланмаган деб қаралаётган бошқа ҳолларда, агар суд бундай чораларни кўриш муддатини чўзиб юборса, бу чораларнинг тўғрилиги хусусида жиддий шубҳалар бор бўлгандага рўй бериши мумкин; назорат қилиш ҳажми чекланиши ва кечикиб келган илтимосномалар ҳисобга олинмаслиги мумкин. Татбиқ этиш тафсилотлари қонун билан тартибга солинади.

(5) Биринчидан Бешинчигача бўлган абзацлар Европа ҳамжамиятига аъзо бўлган давлатларнинг ўзаро ва учинчи давлатлар билан тузган ҳалқаро шартномалари нормаларига зид келмайди; бу нормалар бошпана бериш тўғрисидаги илтимосномаларни текшириш қоидаларини татбиқ этишга, жумладан қочоқлар мақоми тўғрисидаги Битимдан ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва асосий эркинликлар ҳақидаги Конвенциядан келиб чиқадиган мажбуриятларга риоя қилган ҳолда бошпана бериш тўғрисидаги қарорларни ўзаро татбиқ этишга тааллуқлидир; уларга риоя этилиши мазкур шартномаларнинг иштирокчилари бўлган давлатлар томонидан кафолатланиши лозим.

17-модда.

Ҳар ким якка тартибда ёки бошқалар билан биргаликда ваколатли муассасаларга ёки ҳалқ вакиллари идораларига ёзма равишда илтимос ёки шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

17-а¹-модда.

(1) Ҳарбий хизмат ва унинг ўрнига ўтувчи хизмат тўғрисидаги қонунларда шу нарса белгиланиши мумкинки, қуролли кучларга мансуб ёки ҳарбий хизмат ўрнига ўтувчи хизматда турувчи шахслар учун ҳарбий ёки унинг ўрнига ўтувчи хизмат муддати мобайнида ўз фикрларини оғзаки, ёзма равишда ва тасвиirlар йўли билан ифодалаш ва тарқатишдан иборат асосий ҳуқуқ (5-модда, 1-абазидаги биринчи жумланинг биринчи ярми), йиғилишлар ўтказиш эркинлигининг асосий ҳуқуқи (8-модда) ва петициялар ҳуқуқи (17-модда) чекланади, чунки бу нарса бошқалар билан биргаликда илтимос ёки шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқини беради.

(2) Мудофаа мақсадлари учун, шу жумладан фуқароларни ҳимоя қилиш учун мўлжалланган қонунлар би-

¹ 1993 йил 28 мартағи қонун таҳририда.

лан эркин кўчиб юришга бўлган асосий ҳуқуқлар (11-модда) ва турар жой дахлсизлиги ҳуқуқи (13-модда) чекланиши белгилаб берилиши мумкин.

18-модда¹.

Кимда ким фикрлар эркинлигини ва хусусан, матбуот эркинлигини (5-модданинг 1-абзаци), ўқитиш эркинлигини (5-модданинг 3-абзаци), йиғилишлар эркинлигини (8-модда), бирлашиб эркинлигин (9-модда), ёзишмалар, почта ва телеграф алоқасининг маҳфийлигини (10-модда), мол-мулк (14-модда) ёки бошпана ҳуқуқини (16-модда) эркин демократик тузум асосларига қарши курашиш мақсадида суистеъмол қиласа, у мазкур асосий ҳуқуқлардан маҳрум этилади. Бу ҳуқуқлардан маҳрум этиш ва унинг ҳажми федерал Конституциявий суд томонидан белгиланади.

19-модда.

(1) Ушбу асосий қонунга биноан бирон бир ҳуқуқ қонун билан ёки қонун асосида челаниши мумкин бўлганлиги сабабли, бу қонун фақат айrim ҳолатга тааллуқли бўлиб қолмай, балки умумий тарзда бўлиши лозим. Бундан ташқари, қонунда бу асосий ҳуқуқ айтилиб, моддаси кўрсатилиши лозим.

(2) Асосий ҳуқуқ мазмунининг моҳиятига асло тегмаслик лозим.

(3) Асосий ҳуқуқлар ватанимиз юридик шахслари га нисбатан ҳам қўлланади, чунки бу ҳуқуқлар ўз табиатига кўра уларга татбиқ этилиши мумкин.

(4) Агар бирон бир шахснинг ҳуқуқлари оммавий ҳокимият томонидан бузилса, унга судга мурожаат қилиш имконияти берилади. Шахснинг ишни бошқа бирон бир судда кўриш белгиланмаган бўлса, бу ишни кўришга умумий судлар ваколатли ҳисобланади. 10-модда иккинчи абзанинні иккинчи жумласи бунга дахлдор эмас.²

II. Федерация ва ўлкалар

20-модда.

(1) Германия Федератив Республикаси демократик ва ижтимоий федератив давлат ҳисобланади.

¹ 1993 йил 28 мартағи қонун таҳририда.

² Тўртинчи абзанинг охириги жумласи 1968 йил 24 июнданчи қонун билан киритилган.

(2) Бутун давлат ҳокимияти халққа асосланади. Ү халқ томонидан сайлов ва овоз беришлар йұли билан маҳсус қонун чиқариш органлари, ижро этувчи ҳокимият ва одил судлов органлари воситасида амалға оширилади.

(3) Қонунчилік конституциявий тузум билан, ижро этувчи ҳокимият ва одил судлов қонун ҳамда ҳуқуқ билан боғлиқдір.

(4)¹ Агар бошқа воситалардан фойдаланиш мүмкін бүлмаса, барча немислар бу тузумни йўқ қилишга уринмоқчи бўлган ҳар қандай кишига қаршилик кўрсатиш ҳуқуқига эгадирлар.

21-модда.

(1)² Партиялар халқнинг сиёсий иродасини шакллантиришга кўмаклашади. Улар эркин равища ташкил этилиши мүмкін. Уларнинг ички тузилиши демократик тамойилларга мос келиши лозим. Партиялар ўз маблағлари манбалари ва улардан фойдаланиш тўғрисида, шунингдек, ўз мол-мулки ҳақида оммавий ҳисобот тақдим этишлари лозим.

(2) Ўз мақсадларини кўзлаб ёки ўз тарафдорларининг хулқ-атворига кўра эркин демократик тузум негизларига зарар етказишга ёхуд уни йўқ қилишга ёки Германия Федератив Республикасининг мавжуд бўлишини ҳавф остига қўйишига интиладиган партиялар ғайриконституциявийдир. Ғайриконституциявийлик тўғрисидаги масалани федерал Конституциявий суд ҳал этади.

(3) Тафсилотлар Федерал қонунлар билан тартибга колинади.

22-модда.

Федерация байроби — қора — қизил — заррин ранглидир.

¹ Бу абзац 1968 йил 24 июндары қонун билан киритилган.

² 1983 йил 21 декабрдан қонун таҳририда.

23-модда.¹

(1) Бирлашган Европа ғоясини амалга ошириш учун Германия Федератив Республикаси Европа иттифоқини ривожлантиришда иштирок этади, унинг вазифасига демократия, ҳуқуқий давлат, ижтимоий ва Федератив давлат тамойилларига риоя қилишни, шунингдек, субсидиарлик (пул билан ёрдам кўрсатиш) тамойилига риоя қилишни кафолатлаш киради, у Асосий қонунда мавжуд бўлган асосий ҳуқуқларга мос келадиган асосий ҳуқуқларни ҳимоя қилишни кафолатлади. Ана шу мақсадда Федерация ўзининг суверен ҳуқуқларини Бундесрат томонидан маъқулланган қонунлар воситасида топшириши мумкин. 79-модданинг 2 ва 3-абзаzlари Европа иттифоқи институтларига нисбатан татбиқ этилади, шунингдек унинг шартномавий асослари ва бошқа таққосланадиган тартибга солишларга нисбатан қўлланади, улар ушбу Асосий қонунни ўзгартиради ёки тўлдиради ёхуд бундай ўзгарнишлар ёки қўшимчалар киритишга имкон беришлари мумкин.

(2) Бундестаг ва ўлкалар ўзларининг Бундесратда иштирок этиш воситалари билан Европа иттифоқи фаолиятига кўмаклашадилар. Федерал Ҳукумат Бундесрат ва Бундестагга энг тўлиқ ва иложи борича зудлик билан ахборот бериб туриши лозим.

(3) Европа иттифоқининг меъёрий ҳужжатларини чиқаришда иштирок этиш учун федерал Ҳукумат Европа иттифоқининг ҳуқуқий ҳужжатларида иштирок этишга қадар ўз хуносасини Бундестагга тақдим этади. Музокаралар вақтида Федерал Ҳукумат Бундестагнинг хуносасини эътиборга олади. Тафсилотлари қонун билан тартибга солинади.

(4) Бундесрат Федерация иродасини шакллантиришда иштирок этиши лозим эканлиги сабабли, у ички дав-

¹ 23-модда (дастлабки таҳрири) 1990 йил 31 августдаги Бирлашиб тўғрисидаги шартнома билан бекор қилинган. У қуйидаги матнга эга эди: «Ушбу Асосий қонун биринчи навбатда Баден, Бавария, Бремен, Катта Берлин, Гамбург, Гессен, Қуий Соксония, Шимолий Рейн-Вестфалия, Рейнлад-Пфальц, Шлезвиг-Гольштейн, Вюртемберг-Ваден ва Вюртемберг-Гогонцеллерн ўлкалари ҳудудида қўлланади. Германиянинг қолган қисмларида у улар қўшилгандан кейин кучга киради». ГФРнинг Асосий Қонуни Саарда 1956 йил 23 декабрдаги Федерал қонуннинг 1-моддаси асосида амал қила бошлади. Модданинг охирги жумласи ГДР ҳудудининг ГФРга қўшилиши истиқболига асосланган эди. 23-модданинг келтириб ўтилган бу таҳрири 1992 йил 21 декабрдаги қопун билан киритилган.

лат чора-тадбирларини кўришга ёрдам бериши кёрак, чунки ўлкалар ички давлат ҳуқуқ тартиботида ваколатга эгадирлар.

(5) Ўлкаларнинг манфаатлари Федерация мутлақ кафолатининг бирон-бир соҳасига алоқадор бўлганлиги ёки Федерация қонун чиқариш ҳуқуқига эга бўлганлиги сабабли федерал Ҳукумат Бундесратнинг хулосасини эътиборга олади. Агар ўлкаларнинг қонун чиқарувчилик ваколатлари уларнинг хизматларини ёки уларнинг маъмурий жараёнини ташкил этишни қамраб олса, Федерация хоҳишини шакллантириш вақтида Бундесратнинг хулосаси эътиборга олиниши зарур; бундай ҳолда Федерациянинг умумдавлат масъулиятини ҳисобга олиш кёрак. Федерация харажатларини кўпайтиришга ёки даромадларини камайтиришга сабаб бўлувчи ишларда Федерал ҳукуматнинг розилигини олиш лозим бўлади.

(6) Агар фақат ўлкаларнинг мутлақ қонун чиқарувчилик ваколатларига тўхталиб ўтиладиган бўлса, у ҳолда Германия Федератив Республикасига Европа иттифоқи аъзоси сифатида юкландиган ҳуқуқларга риоя қилиш Бундесрат томонидан тайинланган ўлка вакилига топширилиши лозим. Ҳуқуқларни амалга ошириш Федерал Ҳукумат иштирокида ва унинг розилиги билан рўёбга чиқарилади; бундай ҳолда Федерациянинг бутун давлат учун жавобгарлиги ҳисобга олиниши лозим.

(7) 4-абзацдан 6-абзацгача бўлган тафсилотлар Бундесрат томонидан маъқулланиб қабул қилинадиган қонун билан тартибга солинади.

24-модда.

(1) Федерация ўзининг суверен ҳуқуқларини давлатлараро муассасаларга қонун йўли билан топшириши мумкин.

(1-а)¹ Ўлкалар, давлат ваколатини амалга оширишга ҳуқуқлари борлиги сабабли ва давлат вазифаларини бажариш мақсадида Федерал Ҳукуматнинг маъқуллаши билан ўзларининг суверен ҳуқуқларини чегара яқинидаги муассасаларга топширишлари мумкин.

(2) Федерация тинчликни таъминлаш учун ўзаро жамоа хавфсизлиги тизимига қўшилиши мумкин; бу билан Федерация ўзининг суверен ҳуқуқларини чеклашга рози бўлади, бу чеклаш эса Европада ва бутун

¹ 1968 йил 18 июндаги қонун таҳририда.

дунё халқлари ўртасида тинч ва узоқ муддатли тартиб ўрнатилишига ҳамда таъминланишига олиб келиши лозим.

(3) Давлатларо жанжалларни бартараф этиш учун Федерация умумий тенг қамровли, мажбурий халқаро арбитраж түғрисидаги битимларга қўшилади.

25-модда.

Халқаро ҳуқуқнинг умумий нормалари Федерация ҳуқуқининг таркибий қисми ҳисобланади. Улар қонунларга нисбатан устун бўлиб, Федерал ҳудуд аҳолиси учун ҳуқуқлар ва вазифаларни вужудга келтиради.

26-модда.

(1) Халқларнинг биргаликдаги тинч ҳаётини бузишга қодир бўлган ва ана шу мақсадда, хусусан, босқинчилик урушини олиб боришга тайёргарлик қўриш учун амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар ғайриконституциявийдир. Бу хатти-ҳаракатлар жазоланиши лозим.

(2) Уруш олиб бориш учун мўлжалланган қуроляро Федерал Ҳукуматнинг рухсати билан ишлаб чиқарилиши, ташиб кетилиши ва ишлатилиши мумкин. Тафсилотлари федерал қонун билан тартибга солинади.

27-модда.

Германиянинг барча савдо кемалари ягона тижорат флотини ташкил қиласди.

28-модда.

(1) Улкаларнинг конституциявий тузуми ушбу Асосий қонун руҳида республикавий, демократик ва ижтимоий давлатнинг асосий тамойилларига мос келиши лозим. Халқ Ўлкаларда, округларда ва жамоаларда умумий, тўғридан-тўғри, эркин, тенг ва яширин сайловлар билан ташкил этилган ўз вакиллигига эга бўлиши керак. Жамоаларда сақлаб қўйиладиган вакиллик органи жамоа йиғилиши билан алмаштирилиши мумкин. Округлар ва жамоаларда бўлиб ўтган сайловларда Европа ҳамжамияти аъзоси ҳисобланган давлат фуқаролигига эга бўлган шахслар Европа ҳамжамиятининг ҳуқуқий шарт-шароитларига мувофиқ тенг равища сайлашлари ва сайланишлари мумкин¹.

¹ 1-абзацининг охирги жумласи 1992 йил 21 декабрдаги қонун билан киритилган.

(2) Жамоаларга қонун доирасида маҳаллий ҳамжамиятнинг барча ишларини ўз жавобгарлиги остида тартибга солиш ҳуқуқи берилиши лозим. Жамоа иттифоқлари ҳам ўзларининг қонун билан белгиланган вазифалари доирасида ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

(3) Федерация ўлкаларнинг конституциявий тузуми 1 ва 2-абзацлардаги асосий ҳуқуқлар ва қоидаларга мувофиқ келишини кафолатлади.

29-модда¹.

(1) Федерация ҳудуди Федерал қонун билан шундай мўлжал асосида қайта тузилиши мумкинки, бунда ўлкалар ўз ҳажми ва имкониятларига мувофиқ ўзларига юкланган вазифаларни самарали бажара оладиган бўлсин. Шу билан бирга юртдошлик муштараклиги, тарихий ва маданий алоқалар, хўжалик жиҳатидан мақсадга мувофиқлик, шунингдек, минтақавий инфратузилмани ва ҳудудий режалаштиришни ривожлантириш талаблари ҳам эътиборга олиниши лозим.

(2) Федерал ҳудудни янгичасига тақсимлаш соҳасидаги тадбирлар Федерал қонун воситасида амалга оширилади, бу қонун референдум йўли билан тасдиқланиши лозим. Манфаатдор ўлкаларнинг фикри ҳисобга олиниши керак.

(3) Референдум ҳудудидан ёки ҳудудининг қисмларидан янги ўлка ёки янги чегараларга эга бўлган ўлка (манфаатдор ўлкалар) ташкил этилиши лозим бўлган ўлкаларда ўтказилади. Овоз бериш, манфаатдор ўлкалар аввалги чегараларида қолиши керакми ёки янги ўлка ёхуд янги чегараларга эга бўлган ўлка ташкил этилиши керакми, деган масала юзасидан ўтказилиши лозим. Агар мана шу бўлажак ҳудудда ва умуман манфаатдор ўлканинг ҳудудларида ёки ҳудудининг қисмларида ўлкага мансублик шу маънода ўзгариши лозим бўлиб, кўпчилик тегишли равишда бу ўзгаришларни ёқлаб фикр билдиrsa, янги ўлка ёки янги чегараларга эга бўлган ўлка ташкил этиш тўғрисидаги қарор референдумда маъқулланган ҳисобланади. Агар манфаатдор ўлкалардан бирининг ҳудудида бундай ўзгаришларни кўпчилик рад қиласа, қарор салбий ҳисобланади; бироқ

¹ 1—7-абзацлар 1976 йил 23 августдаги қонун таҳририда берилган.

агар ҳудуднинг бир қисмида манфаатдор ўлкага мансублик ўзгарса, учдан икки қисмдан иборат кўпчилик ўзгаришга розилик билдиrsa, рад қилини эътиборга олинмайди, манфаатдор ўлканинг бутун худудида учдан икки қисмдан иборат кўпчилик ўзгаришни бекор қилгани ҳол бундан мустаснодир.

(4) Агар Ўзаро бир-бирига боғланган аҳолиси ва хўжалик макопи чекланган лекин қисмлари бир неча ўлкаларга жойлашган ва камида бир миллион аҳолиси бўлган ҳудудда Бундестагга сайлаш ҳуқуқидан фойдаланадиган сайловчиларининг ўндан бир қисми халқ ташаббуси йўли билан бу худудда ўлкага ягона мансубликни жорий этишини талаб қилса, у ҳолда федерал қонун воситасида икки йиллик давр мобайнида мазкур ҳудуднинг ўлкага мансублиги иккинчи абзацга мувофиқ ўзгариши ёки ўзгармаслигини аниқлаш ёхуд манфаатдор ўлкаларда халқ ўртасида сўров ўтказиш лозим бўлади.

(5) Халқ сўровини ўтказишдан мақсад, у қонунда таклиф қилингандек, ўлкага мансубликнинг ўзгариши маъқулланиши ёки маъқулланмаслигини аниқлашга қаратилиши лозим. Қонун халқ сўровига ҳар хил таклифларни киритиши мумкин, лекин уларнинг сони иккита-дан ошмаслиги лозим. Агар таклиф қилинган ўлкага мансубликнинг ўзгаришини кўпчилик маъқулласа, у ҳолда федерал қонун икки йил мобайнида ўлкага мансублик иккинчи абзацга мувофиқ ўзгариши ёки ўзгартмаслигини аниқлаши лозим. Агар халқдан сўраб чиқишига киритиладиган таклиф учинчи абзацининг учинчи ва тўртинчи жумлаларидаги талабларга жавоб берадиган даражада маъқулланса, у ҳолда халқ сўрови ўтказилгандан кейин икки йил мобайнида таклиф этилган ўлканинг ташкил этилиши тўғрисидаги федерал қонунни чиқариш керак бўлади, бу қонун энди референдум тасдиқлашини талаб этмайди.

(6) Агар референдумдаги ва халқ сўровидаги кўпчилик бундестагга сайловда овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланадиган сайловчиларнинг камида тўртдан бир қисмини қамраб олса, берилган овозларнинг кўпчилик эканлиги эътироф қилинади. Қолган ҳолларда референдум ҳақидаги, халқ ташаббуси ва халқ сўрови хусусидаги тафсилотлар федерал қонун билан тартибга солинади; шунингдек, қонун халқ ташаббуси беш йил муд-

датдан олдин тақрорланмаслиги лозимлигини ҳам назарда тутиши мумкин.

(7) Ўлкаларниң ҳудудий ҳолатига доир бошқа ўзгаришлар, агар ўлкага мансублиги ўзгариши лозим бўлган ҳудудда кўпин билан 10 минг киши истиқомат қилса, манфаатдор ўлкалар ўртасида давлат шартномалари тузиш воситасида ёки Бундесрат розилиги билан федерал қонун чиқариш воситасида амалга оширилиши мумкин. Тафсилотлари федерал қонун билан тартибга солинади, бу қонун Бундесрат розилигини ва Бундестаг аъзолари кўпчилигининг розилигини олиши керак. У манфаатдор жамоалар ва округлар фикрини эшитишни назарда тутиши лозим.

30-модда.

Ўлкалар давлат ваколатларини амалга оширади ва давлат вазифаларини бажаради, чунки ушбу асосий қонун бошқача тартибга солишни белгиламайди ёки унга йўл қўймайди.

31-модда.

Федерал ҳуқуқ ўлкалар ҳуқуқидан устунликка эгадир.

32-модда.

(1) Хорижий давлатлар билан алоқаларни федерация олиб боради.

(2) Биронта ўлканинг алоҳида мавқеига дахлдор шартнома тузишдан олдин бу ўлканинг фикри ўз вақтида эшитилиши лозим.

(3) Ўлкалар қай даражада қонун чиқариш ваколатига эга бўлсалар, улар шу даражада Федерал Ҳукумат розилигига кўра, хорижий давлатлар билан шартномалар тузишлири мумкин.

33-модда.

(1) Ҳар бир немис ҳар бир ўлкада бир хил фуқаро-лик ҳуқуқлари ва мажбуриятларига эгадир.

(2) Ҳар бир немис ўз майллари, қобилиятлари ва қасбий малакасига мувофиқ ҳар қандай оммавий лавозимга бир хилда кириб ишлаш ҳуқуқига эгадир.

(3) Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланиш, оммавий лавозимга кириб ишлаш ҳуқуқи оммавий хизматда қўлга киритган ҳуқуқлари сингари амал қилина-

ётган диндан мустақилдир. Ҳеч кимга унинг бирон бир динга ёки дунёқарашга мансублиги ёки мансуб эмаслиги сабабли зарар етказилиши мумкин эмас.

(4) Суверен ҳуқуқлардан келиб чиқадиган ваколаттарни амалга ошириш оммавий хизматдаги шахсларга доимий вазифа сифатида берилиши лозим, бу шахслар хизмат ва содиқликка нисбатан оммавий ҳуқуқий муносабатдадирлар.

(5) Оммавий хизмат ҳуқуқи касб амали анъанавий тамойилларни ҳисобга олган ҳолда тартибга солиниши лозим.

34-модда.

Агар бирон бир шахс ўзига ишониб топширилган оммавий лавозимни бажариш чоғида учинчи шахсга нисбатан ўзининг хизмат вазифаларини бузса, у ҳолда асосан бу шахс хизмат қилаётган давлат ёки корпорация жағобгар бўлади. Фаразли ният мавжуд бўлганда ёки қўпоплик билан эҳтиёtsизлик қилинганда регресс даъво билдириш ҳуқуқи сақланиб қолади. Заарни қоплаш тўғрисида талаблар қўйиш ва регресс даъво билдириш учун умумий суд тартиби соқит қилинши мумкин эмас.

35-модда.

(1) Федерация ва ўлқаларнинг барча ҳокимиятлари ўзаро ҳуқуқий ва хизмат ёрдами кўрсатадилар.

(2)¹ Жамоат хавфсизлиги ёки тартибини сақлаш ёхуд тиклаш учун ўлка алоҳида муҳим ҳолларда ўз полициясига ёрдам кўрсатиш учун, агар полиция бу ёрдамсиз ўз вазифаларини бажара олмаса ёки уларни бажариш катта қийинчилклар билан боғлиқ бўлса, федерал чегара соқчилиги кучлари ва муассасаларини юборишини сўраб илтимос қилиши мумкин. Табиий оғат рўй берган тақдирда ёки алоҳида оғир баҳтсиз ҳодиса шароитида ўлка ўз ҳузурига бошқа ўлқаларнинг полиция кучларини, бошқа бошқармаларнинг куч ва муассасаларини, шунингдек, федерал чегара соқчилиги ва қуролли кучларини юборишини сўраб илтимос қилиши мумкин.

(3)² Агар табиий оғат ёки баҳтсиз ҳодиса биттадан ортиқ ўлка худудига таҳдид солаётган бўлса, Федерал

¹ 1968 йил 24 июндаги қонун билан киритилган ва 1972 йил 28 июндаги қонун билан ўзгартирилган.

² 1968 йил 24 июндаги қонун таҳририда.

ҳукумат самарали кўраш олиб бориш учун зарур тарзда ўлкаларнинг ҳукуматларига полиция кучларини бошқа ўлкалар ихтиёрига бериш, шунингдек, федерал чегара соқчилиги бўлинмаларини ёки қуролли кучларини полиция кучларига ёрдам беришга жўнатиш ҳақида кўрсатмалар бериши мумкин. Федерал Ҳукуматнинг биринчи жумлада назарда тутилган чора-тадбирлари Бундесрат талаби билан исталган вақтда бекор қилиниши, бошқа ҳолларда эса, хавф бартараф этилиши билан дарҳол бекор қилиниши лозим.

36-модда.

(1) Федерациянинг юқори ҳокимият органлари барча ўлкаларнинг хизматчиларидан етарли мутаносибликда фойдаланадилар. Федерациянинг бошқа ҳокимият органларида банд бўлган шахслар одатда ўзлари қайси ўлкада хизмат қилаётган бўлсалар, ўша ўлкадан танлаб олиниши лозим.

(2)¹ Қуролли кучлар тўғрисидаги қонунлар Федерациянинг ўлкаларга бўлнишини ва уларнинг ўзига хос алоҳида юртдошлик муносабатларини эътиборга олиши лозим.

37-модда.

(1) Агар ўлка Асосий қонун ёки бошқа федерал қонун билан ўз зиммасига юкланган федерал вазифаларни бажармаса, федерал Ҳукумат Бундесрат розилиги билан ўлкани Федерал мажбурият тартибида ўз вазифаларини бажаришга ундаш учун зарур чоралар кўриши мумкин.

(2) Федерал Ҳукумат ёки унинг вакили бундай федерал мажбурият чораларини ўтказиш учун барча ўлкалар ва уларнинг муассасаларига кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эгадирлар.

III. Бундестаг.

38-модда.

(1) Германия Бундестагининг депутатлари умумий, эркин, тенг ва яширин сайловлар йўли билан сайланадилар. Улар бутун халқнинг вакиллари ҳисобланадилар,

¹ 1956 йил 19 мартағи қонун билан киритилган.

наказлар ва кўрсатмалар билан боғлиқ бўлмайдилар, фақат ўз виждонларига бўйсунадилар.

(2)¹ 18 ёшга тўлган киши сайловчи ҳисобланади; балогат ёши бошланадиган ёшга етган киши сайланувчи ҳисобланади.

(3) Тафсилотлар федерал қонун билан тартибга солинади.

39-модда².

(1) Бундестаг тўрт йил муддатга сайланади. Унинг ваколат муддати янги Бундестагнинг биринчи мажлисидан эътиборан тугайди. Янги сайлов ваколат муддати бўшлангандан кейин эрта деганда қирқ беш ойдан кейин ва узоги билан қирқ етти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Бундестаг тарқатиб юборилган тақдирда янги сайлов олтмиш кун мобайнида ўтказилади.

(2) Бундестаг сайловдан кейин узоги билан 30 кундан кечиктирмай тўпланади.

(3) Бундестаг ўз сессияларининг ёпилиши ва қайта иш бошлиши тўғрисида қарор қабул қиласди. Бундестаг Президенти уни олдинроқ ҳам чақириши мумкин. У мазкур ишни аъзолар сонининг учдан бир қисми, Федерал Президент ёки Федерал Қанцлер талаби билан бажариши шарт.

40-модда.

(1) Бундестаг ўз президентини, унинг ўринbosарларини ва котибларини сайлайди. У ўз регламентини қабул қиласди.

(2) Президент Бундестаг биносининг эгаси хукуқини амалга оширади ва бинода полиция ҳокимиятига эга бўлади. Унинг рухсатисиз бундестаг хоналарида тинтуб ҳам, ҳибсга олиш ҳам ўтказилиши мумкин эмас.

41-модда.

(1) Сайловнинг тўғрилигини Бундестаг текширади. Шунингдек у депутатнинг Бундестагга аъзоликни йўқотган ёки йўқотмаганлигини ҳам ҳал этади.

(2) Бундестаг қарори устидан Федерал Конституциявий судга шикоят қилиш мумкин.

¹ 1970 йил 31 июль қонуни таҳририда.

² 1 ва 2-абзацлар 1976 йил 23 августдаги қонун асосида берилмоқда.

(3) Тафсилотлар федерал қонун билан тартибга солинади.

42-модда.

(1) Бундестаг мажлислари очиқдир. Унинг аъзолари нинг ўндан бир қисми талаби билан ёки Федерал Ҳукумат талаби бўйича овозларнинг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик билан мажлислар ёпиқ деб эълон қилиниши мумкин. Бу таклиф юзасидан қарор ёпиқ мажлисида қабул қилинади.

(2) Агар ушбу Асосий қонунда бошқа нарсалар белгиланмаган бўлса, Бундестаг қарорининг қабул қилиниши учун берилган овозларнинг кўпчилиги талаб қилинади. Бундестаг ўтказадиган сайловлар учун регламент билан мустасонларга йўл қўйилиши мумкин.

(3) Бундестаг ва унинг комитетларининг очиқ мажлисларидағи тўғри ҳисоботлар ҳар қандай жавобгарликдан холидир.

43-модда.

(1) Бундестаг ва унинг комитетлари Федерал Ҳукуматнинг ҳар қандай аъзоси иштирок этишини талаб қилишлари мумкин.

(2) Бундестаг ва федерал Ҳукумат аъзолари, шунингдек, уларнинг вакиллари Бундестаг ва унинг комитетлари ўтказадиган барча мажлисларда иштирок эта-дилар. Улар исталган вақтда тингланиши лозим.

44-модда.

(1) Бундестаг тергов комитетини ташкил этиш ҳуқуқига эга, ўз аъзоларининг тўртдан бир қисми таклифи га кўра эса, уни ташкил этиши шарт, бу комитет очиқ мажлисларда талаб қилинган далилларни тўплайди. Мажлислар ёпиқ бўлиши ҳам мумкин.

(2) Тергов харакатларини олиб бориш учун, тегишли равишда, жиноий суд жараёни тўғрисидаги кўрсатмалар татбиқ этилади. Ёзишмалар, почта ва телеграф алокаси маҳфийлиги бузилмас бўлиб қолади.

(3) Судлар ва маъмурият органлари ҳуқуқий ва маъмурий ёрдам кўрсатишлари шарт.

(4) Тергов комитетларининг қарорлари судлар томонидан талқин этилмайди. Судлар тергов замирида ётган ҳолатларни кўриб чиқиш ва уларга баҳо беришда эркинлар.

45-модда¹.

Бундестаг Европа итифоқи ишлари бўйича комитетни тайинлайди. У комитетга федерал Ҳукуматга нисбатан унга 23-моддага мувофиқ берилган Бундестаг ҳукуқларини амалга ошириш ваколатларини бериши мумкин.

45-а-модда²

(1) Бундестаг ташқи ишлар комитетини ва мудофаа комитетини тайинлайди.

(2) Мудофаа комитети тергов комитети ҳукуқига ҳам эгадир. Аъзоларининг тўртдан бир қисми таклифига кўра у муайян иш бўйича тергов ўтказиши шарт.

(3) 44-модданинг биринчи абзаци мудофаа соҳасига татбиқ этилмайди.

45-б модда³.

Парламент назоратини амалга оширишда Бундестагнинг ёрдамчи органи сифатида асосий ҳукуқларни мудофаа қилиш учун Бундестагнинг мудофааг бўйича вакили тайинланади. Тафсилотлар федерал қонун билан тартибга солинади.

45-с модда⁴.

(1) Бундестаг петициялар бўйича комитет жорий этади, бу комитет 17-моддага мувофиқ Бундестагга берилладиган илтимослар ва шикоятларни қараб чиқиши шарт.

46-модда.

(1) Депутат ҳеч бир вақт Бундестагда ёки унинг комитетларидан бирида берган овози ёки айтган фикри учун Бундестагдан ташқари суд ёки хизмат тартибida таъқиб қилиниши мумкин эмас. Бу туҳматдан иборат таҳқирлашларга алоқадор эмас.

(2) Депутат жиноий жазога тортиладиган хатти-ҳаракати учун фақат Бундестагнинг розилиги билан жа-

¹ 45-модданинг дастлабки таҳрири 1976 йил 23 августдаги қонун билан бекор қилилган. Янги таҳрири 1992 йил 21 декабрдаги қонун билан киритилган.

² 1956 йил 19-мартдаги қонун билан киритилган; биринчи абзасининг иккинчи жумласи 1976 йил 23 августдаги қонун билан чиқарib ташланган.

³ 1956 йил 19 мартағи қонун билан киритилган.

⁴ 1975 йил 15 шулдаги қонун билан киритилган.

вобгарликка тортилиши ёки ҳибсга олиниши мумкин, бундай хаттү-ҳаракат содир этилған соғда ёки унинг эртаси куни мобайнида ушланиш ҳоллари бундан мустаснодир.

(3) Бундестагнинг розилиги, шунингдек, депутатнинг шахсий эркинлигини ҳар қандай бошқача чеклашда ёки унга қарши 18-моддага мувофиқ жараённи татбиқ этишда ҳам талаб қилинади.

(4) 18-моддага мувофиқ депутатга қарши ҳар қандай жиной иш қўзғатилиши, ҳар қандай ҳибсга олиш ва унинг шахсий эркинлигини ҳар қандай ўзга йўл билан чеклаш Бундестаг талабига кўра тўхтатилиши лозим.

47-модда.

Депутатлар ўзларига депутатлар сифатида қандайдир далилларни ишониб айтган ёхуд шу тарзда уларга далилларни ишониб топширган шахслар хусусида, шунингдек, шундай фактларнинг ўзи ҳақида ҳам гувоҳлик бермаслик ҳуқуқига эгадирлар. Бундай ҳуқуқнинг амал қилиши доирасида гувоҳлик беришдан бош тортганлиқ учун ҳужжатларни тортиб олишга йўл қўйилмайди.

48-модда.

(1) Ўз номзодини Бундестагга қўйган шахс ўзининг сайланишига тайёргарлик кўриш учун зарур таътилга чиқиш ҳуқуқига эгадир.

(2) Ҳеч кимга депутатлик мандатини қабул қилиш ва амалга оширишга халақит берилиши мумкин эмас. Бу асосда ишдан бўшатиш тўғрисида огоҳдантиришга ёки ишдан бўшатишга йўл қўйиб бўлмайди.

(3) Депутатлар ўзларининг дахлсизлигини таъминлаш учун тегишли ҳақ олиш ҳуқуқига эгадирлар. Улар барча давлат транспорт воситаларидан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Тафсилотлари федерал қонун билан тартибга солинади.

49-модда (бекор қилинган)¹.

IV. Бундесрат

50-модда².

Ўлкалар Бундесрат орқали Федерациянинг қонун

¹ 1976 йил 23 августдаги қонун билан бекор қилинган.

² 1992 йил 21 декабрдаги қонун таҳририда.

чиқаришида ва маъмуриятида ҳамда Европа иттифоқининг ишларида иштирок этадилар.

51-модда.

(1) Бундесрат ўлка ҳукуматлари аъзоларидан ташкил топади, улар бу аъзоларни тайинлайдилар ва чақириб оладилар. Ўлкалар ўз ҳукуматларининг бошқа аъзоларини ҳам вакил қилишлари мумкин.

(2)¹ Ҳар бир ўлка камидаги овозга эгадир; аҳолиси икки миллион кишидан ортиқ бўлган ўлкалар тўрт овозга, аҳолиси олти миллион кишидан ортиқ бўлган ўлкалар беш овозга, аҳолиси етти миллион кишидан ортиқ бўлган ўлкалар олти овозга эга бўладилар.

(3) Ҳар бир ўлка қанча овозга эга бўлса, шунча аъзо юбориши мумкин. Ўлкаларнинг овозлари фақат келишилган ҳолда ва фақат иштирок этадиган аъзолар ёки уларнинг ўринbosарлари томонидан берилиши мумкин.

52-модда.

(1) Бундесрат ўз президентини бир йил муддатга сайлади.

(2) Президент Бундесрат мажлисини чақиради. У Бундесрат мажлисини камидаги икки ўлка вакиллари ёки федерал Ҳукуматнинг талаби билан чақириши шарт.

(3) Бундесрат ўз қарорларини кам деганда овозларнинг кўпчилиги билан қабул қиласи. У ўз регламентини қабул қиласи. Унинг мажлислари очиқдир. Мажлислар ёпиқ деб эълон қилиниши ҳам мумкин.

(4) Бундесрат комитетларига ўлка ҳукуматларининг бошқа аъзолари ёки вакиллари кириши мумкин.

(3-а)² Европа иттифоқининг ишларини кўриб чиқиш учун Бундесрат Европа ишлари бўйича палата ташкил этиши мумкин, унинг қарорлари Бундесрат қарорлари кучига эга бўлади, тегишли равишда 51-модданинг иккинчи абзаци ва З-абзанинг иккинчи жумласи татбиқ этилади.

53-модда.

Федерал Ҳукумат аъзолари Бундесрат ва унинг комитетлари мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқига эга-

¹ 1990 йил 31 августдаги Бирлашинш тўғрисидаги Шартнома билан ўзgartirilgan.

² 1992 йил 21 декабрдаги қонун билан киритилган.

дирлар, талаб бўйича эса иштирок этишлари шарт. Уларни исталган вақтда тинглашлари лозим. Федерал ҳукумат Бундесратни жорий ишлардан хабардор қилиб туриши шарт.

IV-а. Қўшма комитет¹.

53-а модда.

(1) Қўшма комитетнинг учдан икки қисми Бундестаг депутатаридан ва учдан бир қисми Бундесрат аъзоларидан ташкил топади. Депутатларни фракциялар вакиллиги асосида Бундестаг тайинлади; улар федерал Ҳукумат таркибига киришлари мумкин эмас. Ҳар бир ўлка ўзи тайинлаган битта Бундесрат аъзосини вакил қилиб юборади; бу аъзолар кўрсатмалар олиш билан боғлиқ бўлмайдилар. Қўшма комитетнинг ташкил этилиши ва бу жараён регламент билан тартибга солинади, уни Бундестаг қабул қилиши лозим ва Бундесрат томонидан маъқулланиши керак.

(2) Федерал Ҳукумат қўшма комитетни мудофаа ҳолати рўй берган тақдирда ўз режаларидан хабардор қилиши лозим. Бундестаг ва унинг комитетларининг 43-модда биринчи абзацида назарда тутилган ҳуқуқларига мазкур муносабат билан тегилмайди.

V. Федерал Президент

54-модда.

(1) Федерал Президент федерал мажлис томонидан музокараларсиз сайланади. Бундестагга сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ва қирқ ёшга етган ҳар бир немис сайланиши мумкин.

(2) Федерал Президентнинг ваколатлари беш йилга чўзилади. Бевосита қайта сайланишга фақат бир марта йўл қўйилади.

(3) Федерал мажлис Бундестаг аъзоларидан ва ўлкаларнинг халқ вакиллиги томонидан мутаносиблик асосида сайланадиган худди шунча миқдордаги аъзолардан ташкил топади.

(4) Федерал мажлис Федерал Президентнинг ваколатлари муддати тугашидан олдин 30 кундан кечиктирмай, унинг ваколатлари муддатидан олдин тугаганда

¹ Бўлим 1968 йил 24 июндаги қонуи билан киритилган.

ёса, шу пайтдан кейин 30 кундан кечиктирмай тұпланади. Уни Бундестаг Президенти чақиради.

(5) Бундестагнинг ваколатлари муддати тугагандаң кейин тұрткынчи абзацнинг биринчи жумласида белгиланған муддат Бундестагнинг биринчи мажлисидан бошлаб ҳисобланади.

(6) Федерал мажлис аъзоларининг күпчилик овозини олган шахс сайланған ҳисобланади. Агар овоз беришнинг дастлабки иккі турида даъвогарларнинг бирортаси ҳам бундай күпчилик овозни ололмаса, овоз беришининг навбатдаги турида энг күп овоз олган шахс сайланған ҳисобланади.

(7) Тафсилотлари федерал қонун билан тартибга солинади.

55-модда.

(1) Федерал Президент Ҳукумат таркибига ҳам, Федерация ва ұлkalарнинг қонун чиқарувчи органиға ҳам кириши мумкин әмас.

(2) Федерал Президент бошқа ҳеч қандай ҳақ тұла-надиган лавозимни әгаллаши, тижорат ёки касб фоалиятини амалга ошириши ёки фойда олиш мақсадида корхонанинг раҳбарияти ёхуд кузатув кенгаши таркиби-га кириши мумкин әмас.

56-модда.

Федерал Президент үзининг лавозимига киришиш вақтида Бундестаг ва Бундесратнинг тұпланған аъзола-ри олдида құйидаги мазмунда қасамәд қиласы:

«Ўзимнинг куч-құвватимни немис халқининг фаро-вонлигига бағишкашга, уннинг манфаатини құллашда құмаклашишга, уни зарап күришдан сақлашга, Федера-циянинг Асосий қонуни ва қонупларига риоя қилиш ва уларни ҳимоя этишга, ўз вазифаларимни виждөнап иж-ро этишга ва ҳар кимга нисбатан адолатли бўлишга қа-самәд қиласман. Бу ишда менга Худо мададкор бўлсин».

Қасамәд диний иборасиз ҳам амалга оширилиши мумкин.

57-модда.

Федерал Президент бирон бир тұсқинлик бўлган ёки лавозимдан муддатидан олдин бўшатилган тақдирда уннинг ваколатларини Бундесрат президенти амалга оши-ради.

58-модда.

Федерал Президент буйруқлари ва фармойишлари ҳақиқий бўлиши учун уларга федерал Канцлер ёки ваколатли федерал министр контрассигнатура қилишлари* зарур. Бу ҳол 63-моддага мувофиқ Федерал Канилерни тайинлаш ва бўшатишга, ҳамда 69-модданинг З-абзацига мувофиқ Бундестагни тарқатиб юбориш ҳақидаги илтимосларга тааллуқли эмас.

59-модда.

(1) Федерал Президент халқаро-хуқуқий муносабатларда Федерация вакили бўлиб қатнашади. У федерация номидан хорижий давлатлар билан шартномалар тузади. У хорижий давлатларга вакил тайинлайди ва элчиларни қабул қиласди.

(2) Федерациянинг сиёсий муносабатларини тартибга соладиган ва Федерал қонунчилик мавзуларига тааллуқли бўлган шартномалар федерал қонунчилик соҳасида ваколатли бўлган тегишли органларнинг федерал қонун шаклидаги розилиги ёки ёрдамини талаб қиласди. Маъмурий тарздаги битимларга тегишли равишда федерал маъмуриятга тааллуқли бўлган кўрсатмалар татбиқ этилади.

59-а модда (бекор қилинган)¹.

60-модда.

(1)² Федерал Президент федерал судьялар, федерал амалдорлар, офицерлар ва унтер офицерларни тайинлайди ва бўшатади, чунки қонунда бошқа нарсалар белгиланмаган.

(2) Айrim ҳолларда у Федерация номидан авф этиш хуқуқини амалга оширади.

(3) У мазкур ваколатларни бошқа маъмурларга топшириши ҳам мумкин.

(4) 46-модда 2—4-абзацларининг амал қилиши тегишли равишда федерал Президентга ҳам татбиқ этилади.

* Имзо чекишлари (муҳ.).

¹ 1956 йил 19 марта қонун билан киритилган; 1968 йил 24 июндан қонун билан бекор қилинган.

² 1956 йил 19 марта қонун таҳририда.

61-модда.

(1) Бундестаг ёки Бундесрат федерал Конституция-вий суд олдида Федерал Президент Асосий қонунни ёки бошқа федерал қонунларни қасдан бузганда унга қарши айлов құзғатиши мүмкін. Айловни құзғатиши ҳақидаги таклиф Бундестаг аъзоларининг камидан түртдан бир қисми ёки Бундесрат овозларининг камидан түртдан бир қисми томонидан тақдим этилиши лозим. Айлов билдириш тұғрисидаги қарор Бундестаг аъзоларининг учдан иккى қисмидан ёки Бундесрат овозларининг учдан иккى қисмидан иборат күпчилигini талаб қилади. Айлов уни илгари сурған идора вакили томонидан құлаб-қувватланади.

(2) Агар федерал Конституциявий суд федерал Президентнинг Асосий Қонунни ёки бошқа федерал қонунни қасдан бузында айбдор эканлигини анықласа, у Президентни лавозимдан маҳрум этилган деб эълон қилиши мүмкін. Айлов ҳукми тақдим этилгандан кейин Федерал Конституциявий суд, федерал Президент ўзининг лавозим вазифаларини бажара олмайды, деб муваққат буйруқ билан қарор қилишга ҳақлидир.

VI. Федерал Ҳукумат

62-модда.

Федерал Ҳукумат федерал Қанцлер ва федерал министрлардан ташкил тонади.

63-модда.

(1) Федерал Қанцлер федерал Президент таклифи билан Бундестаг томонидан музокарасиз сайланади.

(2) Бундестаг аъзолари күичилигининг овозини тұп-лаган шахс сайланған ҳисобланади. Сайланған шахс федерал Президент томонидан тайинланиши лозим.

(3) Агар таклиф этилган шахс сайланмай қолса, Бундестаг сайловдан кейин ўн түрт күн мобайнида федерал Қанцлерни ўз аъзоларининг мутлақ күпчилиги билан сайлаши мүмкін.

(4) Агар ана шу муддат мобайнида сайлов бўлмай қолса, зудлик билан овоз беришнинг янги тури ўтказилади, унда энг кўп овоз олган шахс сайланған ҳисобланади. Агар сайланған шахс Бундестаг аъзоларининг кўпчилик овозини тұплаган бўлса, федерал Президент сайловдан кейин етти күн мобайнида уни лавозимга

тайинлаши лозим. Агар сайданган шахс ана шундай күпчилик овозни ололмаган бўлса, федерал Президент ети кун мобайнида ё уни ишга тайинлаши, ёхуд Бундестагни тарқатиб юбориши лозим.

64-модда.

(1) Федерал министрлар федерал Қанцлер таклифи билан Федерал Президент томонидан тайинланади ва бўшатилади.

(2) Федерал Қанцлер ва Федерал министрлар лавозимга киришишда Бундестаг олдида 56-моддада назарда тутилганидек қасамёд қиласидилар.

65-модда.

Федерал Қанцлер сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилайди ва бунинг учун жавобгар бўлади. Ана шу асосий йўналишлар доирасида ҳар бир Федерал министр ўз тармоғидаги ишларни масъулият билан мустақил равишда олиб боради, Федерал министрлар ўртасидаги фикрларда тафовутлар мавжуд бўлганда бу масалани федерал Ҳукумат ҳал қиласиди. Федерал Қанцлер Ҳукумат ишларини федерал Ҳукумат қабул қиласиди ва федерал Президент маъқуллаган регламентга мувофиқ олиб боради.

65а-модда¹.

Федерал мудофаа министри буйруқлар чиқариш ҳуқуқидан ва қуролли кучларга қўмондонлик қилиш ҳуқуқидан фойдаланади.

66-модда.

Федерал Қанцлер ва федерал министрлар ҳақ тўланадиган бошқа ҳеч қандай лавозимларни эгаллашлари, бирон бир тижорат ёки касб фаолиятини амалга оширишлари ёки раҳбарият таркибига киришлари, Бундестаг розилигисиз эса, фойда олиш мақсадида ҳеч бир корхонанинг кузатув кенгashi таркибиغا киришлари мумкин эмас.

67-модда.

(1) Бундестаг федерал Қанцлерга, кўпчилик аъзолар томонидан унинг ўрнига ворис танлаб, федерал

¹ 1956 йил 19 марта даги қонун билан киритилган ва 1968 йил 24 июндаги қонун билан ўзгартирилган.

Канцлерни бұшатын тұғрисидеги илтимос билан феде-
рал Президентта мурожаат қилиш орқали ишончсизлик
бидириши мүмкін. Федерал Президент бу илтимосни
қондириши ва ташланған шахсни тайинлаши лозим.

(2) Ишончсизлик бидириши тұғрисидеги таклиф
билан сайлов ўртасыда қирқ саккыз соат ўтиши лозим.

68-модда.

(1) Агар Федерал Канцлернинг үзиге ишонч бил-
дириш ҳақидағы мурожаатини Бундестаг аъзоларидан
күнчилик розилик билан күтиб олмаса, у ҳолда Федерал
Президент федерал Канцлернинг таклифи билан
йигирма бир күн мобайнида Бундестагни тарқатып юбо-
риши мүмкін. Бундестаг үз аъзоларининг күнчилик
овози билан бошқа федерал Канцлерни сайлаган тақ-
дирда, тарқатып юбориш ҳуқуқи бекор бўлади.

(2) Ишонч билдириши тұғрисидеги таклиф билан
овоз бериш ўртасыда қирқ саккыз соат вақт ўтиши
лозим.

69-модда.

(1) Федерал Канцлер федерал министрлардан бирин-
ни үз ўринбосари қилиб тайинлайди.

(2) Федерал Канцлер ёки федерал министрининг ва-
колатлари ҳар қандай ҳолатда ҳам янги Бундестагнинг
бираңчи мажлиси бошланиши билан тугайди, федерал
министринингvakолатлари эса федерал Канцлернинг
vakолатлари ҳар қандай тарзда тұхтатилиши билан
тугайди.

(3) Федерал Канцлер федерал Президенттінг ил-
тимоси билан, федерал министр эса, федерал Канцлер
ёки федерал Президенттінг илтимоси билан үз ворис-
лари тайинланишига қадар иш юритишни давом этти-
риб туришлари шарт.

VII. Федерациянинг қонунчилиги

11

70-модда.

(1) Ўлкалар шу даражада қонун чиқарувчилік ҳу-
қуқынга әгадирларки, Федерацияга ушбу Асосий қонун
бу даражадагы қонун чиқарувчилік vakolatlарини
бермаган.

(2) Федерация билан ўлкаларнинг ҳуқуқ доирасыни
чегаралаш ушбу Асосий қонуннинг мутлақ ва рақобат

қилувчи қонун чиқарувчилик ваколати тұғрисидаги йұл-йүриқтарга мувофиқ белгиланади.

71-модда.

Федерациянинг мутлақ қонун чиқарувчилик ваколати соҳасида ўлкалар қонун чиқарувчилик ваколатлари га фақат федерал қонун уларга бевосита қонуний ҳуқуқ берган пайтда ва шу сабаблигина эга бўладилар.

72-модда.

(1) Рақобат қилувчи қонун чиқарувчилик ваколати соҳасида ўлкалар қонун чиқарувчилик ваколатига фақат федерация ўзининг қонун чиқарувчилик ҳуқуқларидан фойдаланмаган пайтда ва шу сабаблигина эга бўладилар.

(2) Бу соҳада Федерация қонун чиқарувчилик ҳуқуқига, агар қонунларни федерал йўл билан тартибга солишга зарурат мавжуд бўлгандагина эга бўлади, чунки:

1) масала айрим ўлкалар қонунлари билан самарали тарзда тартибга солиниши мумкин эмас; ёки

2) масалани ўлка қонунлари билан тартибга солишибошқа ўлканинг ёки умуман бутун мамлакатнинг манфаатларига путур етказиши мумкин, ёки;

3) буни ҳуқуқий ёки иқтисодий бирликка роя қилиш, хусусан кўпгина ўлкалар худудида бир хил ҳаётний шарт-шароитлар бўлишига риоя қилиш талаб этади.

73-модда.

Федерация қуийдаги масалалар юзасидан мутлақ қонун чиқарувчилик ваколатига эгадир:

1)¹ ташқи ишлар, шунингдек мудофаа, шу жумладан фуқаро аҳлини ҳимоя қилиш;

2) Федерация фуқаролиги;

3) кўчиб юриш эркинлиги, паспорт режими, иммиграция ва эмиграция, топшириш;

4) валюта, пул муомаласи ва танга зарб қилиш, ўлчов ва тош-тарози режими, шунингдек, аниқ вақтни белгилаш;

5) худуднинг божхона ва савдо бирлиги, савдо ва кемачилик тұғрисидаги шартномалар, товар муомаласи эркинлиги, хориж билан товарлар ва тўловларнинг

¹ 1954 йил 26 марта, 1968 йил 24 июндаги қонунлар таҳририда.

айланниши, шу жумладан божхона ва чегара соқчилиги;

6)¹ хаво алоқаси; ва

6a)² тұла-тұқис ёки күпчилик қисми Федерацияга тегишли бўлган темир йўл алоқаси (Федерациянинг темир йўллари), бу йўлларни сақлаш ва рельс йўлларидан фойдаланиш, шунингдек, ана шу йўлларга нисбатан ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш.

7)³ почта ва телекоммуникациялар хизмати;

8) Федерациянинг бевосита оммавий федерал корпорациялари хизматида бўлган шахсларнинг ҳуқуқий аҳволи;

9) саноат мулкини ҳуқуқий муҳофаза қилиш, муаллифлик ҳуқуқи ва нашр этиш ҳуқуқи;

10)⁴ Федерация ва ўлкалар ҳамкорлиги:

a) жиноий полиция соҳасида;

b) Федерация ёки ўлканинг эркин демократик тузуми асосларини, уларнинг мавжудлиги ва хавфсизлигини муҳофаза қилиш учун (конституциявий муҳофаза);

c) куч ишлатиш ёки бунинг учун тайёргарлик күришга қаратилган ҳаракатлари билан Германия Федератив Республикасининг ташқи манфаатларига хавфсолини мақсадида Федерация ҳудудига киришга интилишлардан ҳимоя қилиш учун; шунингдек, жиноий полиция Федерал идорасини ташкил этиш ва халқаро жиноятчиликка қарши кураш олиб бориш учун;

11) Федерация мақсадлари учун статистика.

74-модда.

Рақобат қилувчи қонун чиқарувчилик ваколати қўйидаги соҳаларга татбиқ этилади:

1) Фуқаролик ҳуқуқи, жиноий ҳуқуқ ва ҳукмларнинг ижроси, суд тузилиши, суд ишларини юритиш, адвокатура, нотариат ва юридик маслаҳат;

2) фуқаролик ҳолати далолатномалари;

3) иттифоқлар ва йиғилишлар ҳуқуқи;

4) хорижиликларнинг бу мамлакатда бўлишга ва димиий яшашга бўлган ҳуқуқи;

4a)⁵ қурол-яроғ ва портловчи моддалар тўғрисидаги қонунлар;

¹ 1993 йил 20 декабрдаги қонун таҳририда.

² 1993 йил 20 декабрдаги қонун билан киритилган.

³ 1994 йил 30 авгуstdаги қонун таҳририда.

⁴ 1972 йил 28 июлдаги қонун таҳририда.

⁵ 1954 йил 26 марта ва 1968 йил 24 июндаги қонунлар таҳририда.

- 5) немис маданий бойлигини хорижга ташиб кетишідан муҳофаза қилиш;
- 6) қоюқлар ва күчирма қилингап шахсларга донр ишлар;
- 7) оммавий ижтимоий таъминот;
- 8) ўлкалардаги фуқаролик;
- 9) уруш туфайли етказилған зарап ва унинг ўрнини қоплаш;
- 10)¹ урушнинг тирик қурбонлари бўлиб қолган уруш ногиронларини таъминлаш ва собиқ ҳарбий асиirlарга ғамхўрлик қилиш;
- 10a)² ҳалок бўлган жангчилар қабрлари, урушнинг бошқа қурбонлари ва зулм қурбонлари қабрлари;
- 11) хўжалик ҳуқуқи (кончилик иши, саноат, энергетика хўжалиги, косибчилик, ҳунармандчилик саноати, савдо, барак ва биржа иши, хусусий суғурта);
- 11a)³ ядро энергиясини ишлаб чиқариш ва уидан тинч мақсадларда фойдаланиш, ана шу мақсадлар учун мўлжалланган қурилмаларни барпо этиш ва улардан фойдаланиш, ядро энергетикасини келадиган хавф-хатардан ҳимоя қилиш ва радиоактив материалларни йўқ қилиш;
- 12) меҳнат ҳуқуқи, шу жумладан ишлаб чиқаришини ташкил этиш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёллаш бўйича воситачилик қилиш, шунингдек, ижтимоий суғурталаш, шу жумладан ишсизликдан суғурталаш;
- 13)⁴ таълимга маблағ ажратишини тартибга солиш ва илмий тадқиқотларга кўмаклашиш;
- 14) мажбурий равишда мусодара қилиш ҳуқуқи; чунки у 73 ва 74-моддаларда тилга олиб ўтилган ишларга тааллуқлидир;
- 15) ерлар, табиий бойликлар ва ишлаб чиқариш воситаларини жамоат мулки қилиб ёки ижтимоий хўжаликнинг бошқа шаклларига топшириш;
- 16) иқтисодий ҳукмронлик билан сунистеъмол қилишга барқам берни;
- 17) қишлоқ ва ўрмон хўжалигидаги ишлаб чиқаришга кўмаклашиш; озиқ-овқат билан таъминлаш, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги маҳсулотларини ташиб келти-

¹ 1993 йил 20 декабрдаги қонун таҳририда.

² 1993 йил 20 декабрдаги қонун билан киритилган.

³ 1994 йил 30 августдаги қонун таҳририда.

⁴ 1969 йил 12 майдаги қонун таҳририда.

риш ва четга чиқариш, очиқ дengизда ва соҳил яқинидаги сувларда балиқ овлаш, соҳилни муҳофаза қилиш;

18) ер участкаларининг обороти, ер хуқуқи ва қишилоқ хўжалик ижараси, шунингдек, уй-жой иши, жойлашиш, ижтимоий турмуш;

19) одамлар ва ҳайвонларнинг умумхавфли ҳамда юқумли қасалликларга учрашига қарши кураш тадбирлари, шифокорлик ва бошқа тиббиёт касбларига ҳамда даволашшга рухсат этиш, дори-дармоилар, даволаш ва гиёҳвандлик воситалари ҳамда заҳарларнинг муомалада бўлиши;

19а)¹ қасалхоналарни хўжалик жиҳатидан таъминлаш ва уларга кўрсатиладиган ёрдам учун тарифларни тартибга солиш;

20)² муомаладаги озиқ-овқат ва тансиқ таомларни, биринчи эҳтиёж ашёларини, ем-хашак, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги учун уруғлик ва кўчат материалларини ҳимоя қилиш, ўсимликларни қасалликдан ва зааркурандалардан ҳимоя қилиш, ҳайвонларни ҳимоя қилиш;

21) очиқ дengиздаги ва соҳил яқинидаги сувларда кема қатнови, шунингдек дengизда кема қатнови белгилари, ички сувларда кема қатнови, метереология хизмати, дengиз каналлари ва умумий аҳамиятга эга бўлган ички сув йўллари;

22)³ йўл ҳаракати, автомобил транспорт воситаларининг жамоат йўлларидан фойдалангани учун йиғимлар ундириш ва уларни тақсимлаш;

23)⁴ Федерациянинг темир йўллари ҳисобланмайдиган рельсли йўллар (фуникулёрлардан ташқари);

24)⁵ чиқинидиларни йўқ қилиш, ҳавони ифлосланишдан муҳофаза қилиш ва шовқинга қарши кураш олиб бориш.

74а-модда⁶.

(1) Рақобат қилувчи қонунлар яна хизмат ва садоқат соҳасида оммавий-хуқуқий муносабатда бўлувчи шахсларга ҳақ тўлаш ва уларни таъминлашга ҳам татбиқ этилади, чунки Федерация 73-модданинг 8-бан-

¹ 1969 йил 12 майдаги қонун билан киритилган.

² 1971 йил 18 марта даги қонун таҳририда.

³ 1969 йил 12 майдаги қонун таҳририда.

⁴ 1993 йил 20 декабрдаги қонун таҳририда.

⁵ 1972 йил 12 апредлаги қонун билан киритилган.

⁶ 1971 йил 18 марта даги қонун билан киритилган.

дига мувофиқ мутлақ қонун чиқарувчиллик ваколатига әга әмас.

(2) Биринчи абзацга мувофиқ чиқариладиган Федерал қонунларга Бундесратнинг розилигини олиш керак бўлади.

(3) 73-модданинг 8-бандига мувофиқ чиқариладиган федерал қонунларга ҳам Бундесратнинг розилигини олиш керак бўлади, чунки улар ҳақ тўлаш ва таъминлашни, шу жумладан лавозим маошларини ёки бошқа энг кам ва энг кўп ставкаларнинг тузилиши ҳамда уларни ҳисоблаш мезонларини белгилаб беради, булар биринчи абзацга мувофиқ федерал қонунларда назарда тутилган.

(4) Биринчи ва иккичи абзаzlар тегишли равишда ўлkalарнинг судъяларига ҳақ тўлаш ва уларни таъминлашга ҳам татбиқ этилади. 98-модданинг биринчи абзацига мувофиқ чиқариладиган қонунларга тегишли равишда, учинчи абзац қўлланади.

75-модда.

Федерация, 72-моддада назарда тутилган шарт-шароитлар мавжуд бўлганда, қуийдаги масалалар юзасидан намунавий йўл-йўриқлар чиқариш ҳуқуқига эгадир;

1)¹ ўлkalар, жамоалар ва оммавий ҳуқуқка эга бўлган бошқа корпорацияларда оммавий хизматда бўлувчи шахсларнинг ҳуқуқий аҳволи; чунки 74а-моддада бошқа йўл-йўриқлар бериlmagan;

1a)² олий таълимнинг умумий тамоилилари;

2) матбуот ва кинопиnинг умумий аҳволи;

3) ов қилиш, табиатни муҳофаза қилиш ва ландшафтлар³ тўғрисида замхўрлик қилиш;

4) ерни тақсимлаш, жойларни ташкил этиш ва сув режими;

5) аҳолини рўйхатга олиш ва шахсий гувоҳномалар бериш.

76-модда.

(1) Қонун лойиҳалари Бундестагга федерал Ҳукумат, Бундестаг аъзолари ёки Бундесрат томонидан киритилади.

¹ 1971 йил 18 мартағи қонун таҳририда.

² 1969 йил 12 майдаги қонун билан киритилган.

³ Ландшафт — географик маизара.

(2)¹ Федерал Ҳукумат лойиҳалари аввало Бундесратга киритилиши керак. Бундесрат бу лойиҳалар ҳақида олти ҳафта мобайнида фикр билдириш ҳукуқига эгадир. Федерал Ҳукумат лойиҳани Бундесратга юбориш чоғида, уни алоҳида шошилинч деб белгилаган бўлса, у (Федерал Ҳукумат) уч ҳафта ўтгандан кейин лойиҳани Бундестагга (хатто у ҳақда Бундесратнинг фикри олинимаган бўлса ҳам) топшириши мумкин; Бундесратнинг фикри олиниши билан лойиҳа дарҳол Бундестагга юборишили лозим.

(3)² Бундесрат лойиҳалари федерал Ҳукумат орқали уч ой ичида Бундестагга юборишили лозим. У лойиҳалар юзасидан ўз нуқтаи назарийи билдириши шарт.

77-модда.

(1) Федерал қонунлар Бундестаг томонидан қабул қилинади. Қабул қилинган қонунлар Бундестаг президенти томонидан дарҳол Бундесратга топширилиши лозим.

(2)³ Бундесрат қабул қилинган қонунни олгандан кейин уч ҳафта мобайнида лойиҳаларни биргаликда муҳокама қилиш учун Бундестаг ва Бундесрат аъзоларидан ташкил топган комитетни чақиришини талаб қилиши мумкин. Бу комитет таркиби ва у бажарадиган йиши тартиби Бундестаг қабул қиладиган ва Бундесрат томонидан маъқулланиши керак бўлган регламент билан тартибга солинади. Мазкур комитет таркибига кирувчи Бундесрат аъзолари кўрсатмалар билан боғлиқ эмас. Агар қонунни қабул қилиш учун Бундесратнинг розилиги талаб қилинса, Бундестаг билан федерал Ҳукумат комитетни чақиришини талаб қилишлари мумкин. Борди-ю, комитет қабул қилинган қонун лойиҳасига ўзгаришлар киритишни таклиф этса, Бундестаг яна қарор қабул қилиши лозим.

(3)⁴ Агар қонунни қабул қилиш учун Бундесратнинг розилиги талаб қилинмаса, Бундесрат иккичи абзацда кўрсатилган жараён тугагандан кейин икки ҳафта мобайнида Бундестаг қабул қилган қонунга қарши норозилик билдириши мумкин. Норозилик билдириш муддати иккичи абзацнинг охириги жумласида кўрсатил-

¹ 1968 йил 15 ноябрдаги қонун таҳририда.

² 1969 йил 17 июлдаги қонун таҳририда.

³ 1968 йил 15 ноябрдаги қонун таҳририда.

⁴ 1968 йил 15 ноябрдаги қонун таҳририда.

ған: ҳолларда Бундестагнинг янги қарори келиб тушган жундан, қолган барча ҳолларда ёса — иккинчи абзаци да назарда тутилган комитет раисининг ахбороти келиб тушган кундан ҳисобланади.

(4) Агар норозилик Бундесратнинг кўпчилик овози билан қабул қилингани бўлса, у Бундестаг аъзолари кўпчилигининг қарори билан рад қилиниши мумкин. Агар Бундесрат ўз овозларининг камидаги учдан икки қисмидан иборат кўпчилик билан норозиликни қабул қилган бўлса, унинг Бундестаг томонидан рад этилиши учун овозларнинг учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги, лекин камидаги Бундестаг аъзоларининг кўпчилиги бўлиши талаб қилинади.

78-модда.

Бундестаг томонидан қабул қилинган қонун, агар уни Бундесрат маъқулласа, 77-модданинг 2-абзацига мувофиқ талаб қўймаса, 77-модданинг учинчи абзацида назарда тутилган муддат мобайнида норозилик билдирилгаса ёки бундай норозиликни қайтариб олса, ёхуд норозилик Бундестаг томонидан рад қилинган бўлса, кучга кирган ҳисобланади.

79-модда.

(1) Асосий қонун фақат асосий қонун матнини маҳсус равишда ўзgartира ёки тўлдира оладиган қонун билан гина ўзgartирилиши мумкин. Мавзуи Федератив Республикада аҳволни тинч йўл билан ҳал қилиш, тинч йўл билан ҳал қилишни таъёрлаш, босқинчилик-хукуқий режимни тўхтатиш ёки Федератив Республика муддофаасига хизмат қилишдан иборат бўлган ҳалқаро шартномалар тузилганда, Асосий қонуннинг қоидалари бундай шартномалар тузиш ва уларнинг кучга киришига зид келмаслигини тасдиқлаш учун ушбу Асосий қонун матнини тўлдиришининг ўзи кифоя қиласи, у ана шундай тасдиқлаш билан чекланади¹.

(2) Бундай қонунга Бундестаг аъзоларининг учдан икки қисми ва Бундесрат овозларининг учдан икки қисми розилик билдириши шарт.

(3) Ушбу Асосий қонундаги Федерацияни ўлкаларга бўлишга, ўлкаларнинг қонун чиқаришда иштирок этиши тамойилларига ёки I ва 20-моддаларда белгиланган

¹ 1993 йил 20 декабрдаги ва 1994 йил 30 августдаги қонувлар таҳририда.

тамо́йилларга дахлдор тарзда ўзгартыришга йўл қўйилмайди.

80-модда.

(1) Конун федерал Ҳукуматни, федерал министрни ёки ўлкаларнинг ҳукуматларини ҳуқуқий қарорлар қабул этишга вакил қилиши мумкин. Бунда қонун берилган ваколатнинг мазмуни, мақсади ва ҳажмини белгилаб бериши лозим.

Қарорда ваколатнинг ҳуқуқий асоси кўрсатиб ўтилиши шарт. Агар қонунда ваколатларни бундан кейин ҳам топшириш назарда тутиладиган бўлса, у ҳолда ваколатларни топшириш учун ҳуқуқий қарорнинг бўлиши талаб этилади.

(2) Бундесрат розилик берадиган қарорларга, агар федерал қонунда бошқа нарсалар айтилмаган бўлса, федерал Ҳукуматнинг ёки федерал министрнинг федерал темир йўллардан фойдаланишдаги асосий тамо́йиллар ва тарифлар ҳақидаги, Федерация темир йўлларидан почта ва телекоммуникациялар хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги асосий қоидалари ҳақидаги, темир-йўллар қурилиши ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги асосий ҳуқуқий қарорлари, шунингдек, федерал қонунлар асосида чиқариладиган ҳуқуқий қарорлар ҳам киради. Бу қарорларга Бундесрат розилик бериши керак ёки улар Федерация топшириғи билан ўлкалар томонидан бажарилади ёхуд ўз ваколати тартибида адо этилади.

80а-модда¹

(1) Агар ушбу асосий Конунда ёки мудофаа ҳақидаги федерал қонунда, шу жумладан фуқаро аҳлини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунда белгиланишича, ҳуқуқий йўл-йўриқлар фақат ушбу модда туфайли татбиқ этилиши мумкин бўлса, у ҳолда уларнинг мудофаа ҳолатидан ташқари татбиқ этилишига фақат башарти Бундестаг танглик ҳолати бошланганини қайд қиласгина ёки татбиқ этилишига маҳсус розилик берсагина, йўл қўйилади. 12а-модданинг бешинчи абзаци биринчи жумласида ва олтинчи абзанинг иккинчи жумласида кўрсатиб ўтилган танглик ҳолатининг қайд қилиниши ва маҳсус розилик берилиши берилган овозларнинг учдан икки қисмидан иборат кўпчиликни талаб қиласди.

¹ 1968 йил 24 июндаги қонун билан киритилган.

(2) Агар Бундестаг талаб қилса, биринчи абзацда күрсатиб ўтилган ҳуқуқий йўл-йўриқлар асосидаги чоқра-тадбирлар бекор қилиниши лозим.

(3) Биринчи абзацдан чекىнган ҳолда бундай ҳуқуқий йўл-йўриқларнинг татбиқ этилишига халқаро орган томонидан иттифоқ шартномаси доирасида федерал Ҳукуматнинг розилиги билан қабул қилингандан қарор асосида ва доирасида йўл қўйилади. Ушбу абзац асосида кўрилган чора-тадбирлар, агар буни Бундестаг ўз аъзолари нинг кўпчилик овози билан талаб қилса, бекор қилиниши лозим.

81-модда.

(1) Агар 68-моддада пазарда тутилган ҳолда Бундестаг тарқатиб юборилмаса, федерал Президент федерал Ҳукуматнинг таклифи ва Бундесратнинг розилиги билан Бундестаг томонидан рад қилингандан қонун лойиҳасига нисбатан (гарчи федерал Ҳукумат бу қонун лойиҳасини кечиктириб бўлмайдиган лойиҳа деб белгилаган бўлса ҳам) қонун чиқариш зарурати ҳоллари деб, эълон қилиши мумкин. Бу ҳол, шунингдек, бирон-бир қонун лойиҳасини бекор қилишга ҳам татбиқ этилади (ҳатто федерал Канцлер бу Қонун лойиҳаси билан 68-моддада пазарда тутилган ўз таклифини боғлиқ деб ҳисобласа-да).

(2) Агар Бундестаг қонун чиқариш зарурати ҳолати эълон қилингандан кейин қонун лойиҳасини яна рад этса ёки уни Федерал Ҳукумат учун мақбул бўлмаган таҳтирида қабул қилса, у ҳолда, агар уни Бундесрат маъқулласа, қонун кучга кирган ҳисобланади. Бу ҳол, шунингдек, лойиҳа янгидан киритилгандан кейин тўрт ҳафта давомида уни Бундестаг қабул қилмаган ҳолат учун ҳам татбиқ этилади.

(3) Федерал Канцлер лавозимни эгаллаб турган даврда қонун чиқариш зарурати ҳолати биринчи марта эълон қилингандан кейин, мазкур модданинг 1 ва 2-абзацларига кўра, олти ой мобайнида Бундестаг рад қилгани бошқа ҳар қандай қонун лойиҳаси қабул қилиниши мумкин. Бу муддат тугаганда кейин ўша федерал Канцлер лавозимда бўлган даврда бундай ҳолатни яна эълон қилишга йўл қўйилмайди.

(4) Асосий қонун 2-абзацга мувофиқ қабул қилингандан қарор асосида ўзгартирилиши ҳам, қисмақ ёки тў-

лиқ бекор қилиниши ёхуд тұхтатиб құйилиши ҳам мүмкін әмас.

82-модда.

(1) Ушбу Асосий қонун йүл-йўриқлари асосида кучга кирған қонунлар контрассигнация қилингандан кейин федерал Президент томонидан расмийлаштирилады ва «Бундесгезетцблatt»¹да зълон қилинади. Ҳуқуқий қарорлар уларни чиқарған органлар томонидан имзланади, расмийлаштирилады ва, агар қонунда бошқа нарсалар белгиланмаган бўлса, «Бундесгезетцблatt»да босиб чиқарилади.

(2) Ҳар бир қонун ва ҳар бир ҳуқуқий қарорда улар кучга кирған кун кўрсатиб ўтилган бўлиши лозим. Бундай кўрсатма мавжуд бўлмаган тақдирда қонун ва қарорлар «Бундесгезетцблatt»нинг тегишли сони чиққандан кейин ўн тўртинчи куни кучга киради.

VIII. Федерал қонунларнинг ижро этилиши ва федерал маъмурият

83-модда

Ўлкалар Федерал қонунларни мустақил равища ижро этадилар, чунки ушбу Асосий қонунда бошқа нарсалар белгиланмайди ёки уларга йўл қўйилмайди.

84-модда.

(1) Агар ўлкалар Федерал қонунларни мустақил равища ижро этар эканлар, улар ҳам ҳокимиятларни ва маъмурий жарабённи ташкил этишини тартибга соладилар, чунки федерал қонунлар Бундесрат розилиги билан бошқа нарсаларни белгиламаган.

(2) Федерал Ҳукумат Бундесратнинг розилиги билан умумий маъмурий йўл-йўриқлар чиқариши мумкин.

(3) Федерал Ҳукумат ўлкаларнинг федерал қонунларни амалдаги ҳуқуққа мувофиқ ижро этишларини назорат қилишини амалга оширади. Ана шу мақсадда федерал Ҳукумат ўлкаларнинг юқори ҳокимиятларига вакиллар юбориши, уларнинг розилиги билан ёки бундай розилик бериш рад килинган тақдирда эса Бундесрат розилиги билан қўйи ҳокимиятларга ҳам вакиллар юбориши мумкин.

¹ Федерал қонунлар ахборотномаси.

(4) Агар ўлкаларнинг федерал қонунларни бажариш вақтида федерал Ҳукумат томонидан аниқланган камчиликлари тутатилмаса, у ҳолда Федерал Ҳукуматнинг ёки ўлканинг таклифи билан Бундесрат ўлканинг ҳуқуқ нормасини бузган ёки бузмаганлигини ҳал қилади. Бундесратнинг қарори устидан федерал қонституциявий судга шикоят қилиш мумкин.

(5) Бундесстрат томонидан маъқулланиши керак бўлган федерал қонун алоҳида ҳолларда Федерал қонунларни ижро этиш бўйича Федерал Ҳукуматга муайян кўрсатмалар бериш ваколатини топшириши мумкин. Улар ўлкаларнинг юқори ҳокимиятларига юборилиши лозим, Федерал Ҳукумат кечикириб бўлмайдиган деб ҳисоблаган ҳоллар бундан мустаснодир.

85-модда.

(1) Агар ўлкалар Федерал қонунларни Федерация топшириғи билан ижро этсалар, у ҳолда ҳокимиятларни ташкил этиш ўлкалар ихтиёрида қолади, чунки Федерал қонунлар Бундесратнинг розилиги билан бошқа нарсаларни белгиламаган.

(2) Федерал Ҳукумат Бундесратнинг розилиги билан умумий маъмурий йўл-йўриқлар чиқариши мумкин, у амалдорлар ва хизматчилар тайёрлашни бир хил асосларда тартибга солиши мумкин. Ўртacha мақомдаги ҳокимиятларнинг раҳбарлари Федерал Ҳукумат розилиги билан тайинланиши лозим.

(3) Ўлкаларнинг ҳокимиятлари Федерациянинг ваколатли юқори ҳокимиятлари кўрсатмаларига бўйсунадилар. Кўрсатмалар ўлкаларнинг ҳокимиятларига юборилиши лозим, Федерал Ҳукумат кечикириб бўлмайдиган деб ҳисоблаган ҳоллар бундан мустаснодир. Ўлкаларнинг юқори ҳокимиятлари кўрсатмаларнинг бажарилишини таъмин этишлари лозим.

(4) Федерал назорат ижро этишининг қонунийлиги ва мақсадга мувофиқлигига ҳам татбиқ этилади. Федерал Ҳукумат бу мақсадларда ҳисботлар тайёрлаш ва ҳужжатлар тақдим этишни, барча ҳокимиятларга вакиллар юборишни талаб қилиши мумкин.

86-модда.

Агар қонунларни ижро этиш Федерация томонидан ўз федерал маъмурияти ёки ўзинга бўйсунган корпора-

ция ёхуд оммавий ҳукуқ муассасалари воситачилиги орқали амалга ошириладиган бўлса, у ҳолла Федерал Ҳукумат, қонун томонидан махсус buquerque маслиги сабабли, умумий маъмурий фармойишлар чиқаради. У, агар қонунда бошқа израсалар белгиланмаган бўлса, ҳокимиятларни ташкил этишини тартибга солиб туради.

87-модда.

(1)¹ Ташқи хизмат кўрсатиш, федерал Молчяни бошқариш ва 89-моддага мувофиқ Федерал сув йўллари ва кемалар қатионини бошқариш ўзининг куйни маъмурий бўйинларига эга бўлган федерал маъмуриятагина тааллуқлидир. Федерал қонун Конституцияни муҳофаза қилини ҳамда куч ишлатиш йўли билан ёки шунга қаратилган тайёргарлик характеристлари билан Германия Федератив Республикасини унинг ташқи макфаатларига таҳдид солаётган федерал ҳудудга интилишлардан химоя қилиш учун федерал чегара ҳокимиятларини, полициянинг маълумот ва ахборот Сервиш марказзий органдарини, жинойи полицияни ва маълумотлар тўпланини таъсис этиши мумкин.

(2) Федерацияга бевосита буйсунувчи оммавий ҳукуқ корпорацияларни сифатида ижтимоий сугурта муассасалари иш олиб боради, уларнинг ваколат доираси битта ўлкадан ташқари ҳудудларга ҳам тарқалади.

(3) Бундан ташқари, Федерацияга қонун чиқариш ҳукуқи бериладиган масалалар юзасидан Федерал қонун юқори мустақил Федерал ҳокимиятлар ва бевосита Федерацияга бўйсунадиган янги оммавий ҳукуқ корпорациялари ва муассасалари таъсис этилиши мумкин. Агар Федерация олдида у қонун чиқариш ҳукуқига эга бўлган тармоқларда янги вазифалар кўндалаиг бўлиб турадиган бўлса, у ҳолда Бундесратининг розилиги за Бундестаг аъзолари кўпчилигининг розилиги билан зарур ҳолларда ўрта ва қуйи даражаларга тааллуқли Федерал ҳокимиятлар таъсис этилиши мумкин.

87а-модда².

(1) Федерация ўз мудофааси учун қуролли кучлар

¹ Биринчи жумла 1972 йил 28 июлдаги, 1993 йил 20 декабрдаги, 1994 йил 30 августдаги қонунлар таҳририда; иккинчи жумла 1972 йил 28 июлдаги қонун таҳририда берилган.

² 19.6. й.л 19 марта даги қонун билан киритилган ва 1972 йил 28 юлдаги қонун билан ўзgartirilgan.

ташкыл этади. Уларнинг сони ва ташкыл этишга доир асосий хусусиятлари бюджет билан мувофиқлаштириб өлиниши лозим.

(2) Куролли кучлардан мудофаадан ташқари ушбу Асосий қонун билан аниқ йўл қўйиладиган ҳоллардаги на фойдаланиш мумкин.

(3) Мудофаа ва таиглик ҳолатлари рўй берган ҳолларда куролли кучларга фуқаро объектларини ҳимоя қилиш ва ҳаракатни тартибга солиш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этиш ваколатлари берилади, чунки булар уларнинг мудофаа соҳасидаги вазифаларни бажаришлари учун талаб қилиниади. Букдан ташқари, мудофаа ва таиглик ҳолатлари рўй бергандага куролли кучларга фуқаро объектларини ҳимоя қилиш вазифаси юклатилиши мумкин, бу иш полиция тадбирларини қўлаб-қувватлаш тарзида ўтиказилади; бунда қуролли кучлар ваколатли ҳокимиятлар билан ҳамкорлик қилалилар.

(4) Федерациянинг ёки ўлкалардан бирининг эркин демократик тузум негизларига таҳдид соладиган хавфхатарни даф қилиш учун федерал Ҳукумат, агар 91модданинг иккинчи абзацида кўрсатиб ўтилган шарт-шароитлар мавжуд бўлса ва агар полиция кучлари ҳамда федерал чегара соқчилиги кучлари етарли бўлмаса, фуқаро объектларини ҳимоя қилишда ва уюшган ҳамда жангевор қурол-яроғларга эга бўлган гурӯҳларга қарши кураш олиб бориш учун полиция ва федерал чегара соқчилигига ёрдам кўрсатиш учун қуролли кучлардан фондаланиши мумкин. Қуролли кучларнинг ҳаракатлари, агар буни Бундестаг ёки Бундесрат талаб қилса, тўхтатилиши лозим.

37-б-модда.¹

(1) Федерал ҳарбий бошқарув ўзининг федсрал маъмурияти, ўзининг қўйи маъмурий бўғинлари томонидан амалга оширилади. Унинг вазифасига қуролли кучларнинг шахсий таркиби ва уларнинг моддий эҳтиёжларини бевосита қондириш масалалари киради. Зарар кўрганларга ғамхўрлик қилиш ва қурилиш вазифалари федерал ҳарбий бошқарма зими масисига Бундесрат томонидан маъқулланган Федерал қонун билангина юкланиши мумкин. Федерал ҳарбий бошқарма учинчи шахсларнинг ҳуқуқларига аралашиши ҳақидаги қонуни-

¹ 1953 йил 19 марта даги қонун билан киритилган.

лар ҳам Бундестаг томонидан маъқулланиши керак; бу ҳол шахсий таркибга таалуқли қонунларга дахлдор эмас.

(2) Қолган ҳолларда мудофаа масалаларига оид федерал қонунларда, шу жумладан ҳарбий хизматни алмаштириш түғрисидаги ва фуқаро аҳолини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунларда Бундесратнинг маъқуллаши билан федерал қонунлар тұлық равишда ёки қисман ўз федерал маъмурияти томонидан үзининг қуйи маъмурій бүғінлари билан ёки федерация топшириғига күра ўлкалар томонидан ижро этилаётгапшы аниқланиши мүмкін. Агар бундай қонунлар Федерация топшириғига күра ўлкалар томонидан ижро этилаётган бўлса, улар Бундесратнинг маъқуллаши билан шу парсани аниқлашлари мумкин, 85-модда асосида Федерал Ҳукуматга ва Федерациянинг ваколатли юқори ҳокимиятларига тегишли бўлган ваколатлар тұлық равишда ёки қисман юқори федерал ҳокимиятларга топширилиши мүмкін; шу билан бирга мазкур ҳокимиятлар томонидан чиқариладиган умумий маъмурій йўл-йўриқлар 85-моддадаги иккинчи абзаниянг биринчи жумласига мувофиқ Бундесрат томонидан маъқуллапши шарт эмаслиги аниқланиши мүмкін.

87c-модда¹

74-модданинг 11а-банди асосида қабул қилинадиган қонунлар Бундесратнинг маъқуллаши билан бу қонунларни ижро этиш ўлкалар томонидан Федерациянинг топшириғи билан амалга оширилишини аниқлаши мүмкін.

87d-модда²

(1)³ Ҳаво алоқасини бошқариш ҳақиқатда Федерал маъмурият таркибига киради. Федерал қонун оммавий ё хусусий ҳуқуқни ташкил этиш щаклини аниқлайди.

(2) Бундесрат розилик бериши лозим бўлган Федерал қонун ҳаво алоқасини бошқариш вазифаларини Федерация топшириғига мувофиқ ўлкаларга юклashi мүмкін.

87e-модда⁴

(1) Федерациянинг темир йўлларидаги алоқани Фе-

¹ 1959 йил 23 декабрдаги қонун билан киритилган.

² 1961 йил 6 февралдаги қонун билан киритилган.

³ 1992 йил 21 июлдаги қонун таҳририда.

⁴ 1993 йил 20 декабрдаги қонун билан киритилган.

дерациянинг ўзи бошқаради. Федерал қонун чиқариш воситасида темир йўл алоқасини бошқариш соҳасидаги вазифалар ўлкаларга топширилиши мумкин.

(2) Федерал қонунга мувофиқ Федерация ўз темир йўлларидан ташқарига чиқадиган темир йўл алоқасини бошқариш соҳасидаги вазифаларни амалга оширади.

(3) Федерациянинг темир йўллари хусусий ҳуқуққа доир хўжалик корхонаси сифатида бошқарилади; улар Федерация мулки ҳисобланади чунки хўжалик корхонасининг фаолияти рельс йўлларини қуриш, сақлаш ва ишлатишни ўз ичига олади. Федерациянинг корхоналарда иштирок этишини топшириш иккинчи жумлага мувофиқ қонун воситасида амалга оширилади; бу корхоналарда иштирок этишининг катта қисми Федерация ихтиёрида қолади. Тафсилотлари федерал қонун билан тартибга солинади.

(4) Федерация умумий фаровоилик талабларини, хусусан Федерациянинг темир йўлларидағи рельс йўлларини қуриш ва сақлашдаги алоқаларга бўлган эҳтиёжларни ҳисобга олади, чунки улар йўловчи алоқасига таалуқли эмас. Тафсилотлари федерал қонун билан тартибга солинади.

(5) 1—4-абзацлар асосида чиқариладиган Қонунлар Бундесрат томонидан маъқулланиши керак. Федерация темир йўлларининг рельс йўлларини туташтириш, тақсимлаш ва фойдаланишга топширишни тартибга соладиган ёки йўловчилар алоқасига таалуқли бўлган қонунларга ҳам Бундесрат розилигини олиш керак бўлади.

87f-модда.¹

(1) Бундесратнинг розилиги билан қабул қилинадиган федерал қонун бутун Федерал ҳудудга поча ва телекоммуникациялар хизмати томонидан кўрсатиладиган тегишли ва етарли даражадаги хизматларнинг тарқалишини кафолатлайди.

(2) Биринчи абзаца кўрсатиб ўтилган хизматлар Германия Федерал почтасининг мол-мулкидан фойдаланиш асосида ташкил топган корхоналарнинг хусусий тадбиркорлик фаолияти тарзида кўрсатилади. Почта алоқалари ва телекоммуникациялар соҳасидаги суворен ваколатлар Федерация томонидан бошқарилиши керак.

¹ 1994 йил 30 августдаги қонун билан киритилган.

(3) 2-абзацнинг иккинчи жумласи қоидаларидан қатып назар, Федерация оммавий ҳуқуқ Федерал мусасасаси орқали уларнинг федерал қонунга мувофиқ Германия Федерал почтаси мол-мулкидан фойдаланишлари натижасида ваколатларга нисбатан айрим вазифаларни бажаради.

88-модда¹.

Федерация федерал банк сифатида валюта — эмиссия банкини таъсис этади. Унинг Европа иттифоқи доирасидаги вазифалари ва ваколатлари Европа марказий банкига берилиши мумкин, у мустақил бўлиб, унинг биринчи даражали мақсади нархларнинг барқарорлигини таъминлашдан иборат.

89-модда.

(1) Федерация аввалги империя сув йўлларининг мулқдори ҳисобланади.

(2) Федерация ўзига тегишли ҳокимиятлар орқали сув йўлларини бошқаради. Федерация ички кема қатнови соҳасида битта ўлка доирасидан четга чиқадиган ҳудудда давлат функцияларни бажаради, денгиз кема қатнови соҳасида ўзига қонун билан юкландиган функцияларни бажаради. Федерация федерал сув йўлларини бошқаришини улар битта ўлка ҳудуди доирасида жойлашгани учун Федерация топшириғи билан мазкур ўлка таклифи бўйича унга топшириши мумкин. Агар сув йўли бир неча ўлкалар ҳудуди орқали ўтса, Федерация уни бошқаришини манфаатдор ўлкалар таклиф қўлган ўлкага топшириши мумкин.

(3) Сув йўлларини бошқаришда, уларни ривожлантириш ва барно этишда ўлкалар билан келишилган ҳолда табиатни муҳофаза қилишга ва сув ҳўжалиги эҳтиёжларига риоя қилиниши лозим.

90-модда.

(1) Федерация аввалги империя автострадалари ва империя шоссе йўлларининг мулқдори ҳисобланади.

(2) Федерал автострадалар ва бошқа узоқ масофа га чўзилган федерал шоссе йўлларини Федерация топшириғига биноан ўлкалар ёки ўлкаларнинг ҳуқуқини

¹ Иккинчи жумла 1992 йил 21 декабрдан қонун билан киритилган.

жисобга олган ҳолда ваколатли ўзини ўзи бошқарувчи корпорациялар идора қиласи.

(3) Федерация ўлка таклифи билан мазкур ўлка ҳудудида жойлашган Федерал автострадаларнинг узоқ масофага чўзилган шоссе йўлларини ўз Федерал бошқарувига қабул қилини мумкин.

91-модда¹

(1) Федерация ёки бирон бир ўлканинг ҳастига ёки унинг эркин демократик тузуми асосларига таҳдид солаётган хавф-хатарни даф қилиш учун ўлка боши ўлкаларнинг полиция кучларини, шунингдек бошқармаларнинг ва федерал чегара соқчилигининг кучлари ҳамда муассасаларини даъват қилиши мумкин.

(2) Агар хавф-хатарга дуч келаётган ўлканинг ўзи бу хавф-хатарга қарши курашга тайёр ёки қодир бўлмаса, Федерал Ҳукумат бу ўлкадаги полицияни ва бошқа ўлкаларнинг полиция кучларини ўз фармойишига бўйсундириши, шунингдек, Федерал чегара соқчилиги бўлинмаларидан фойдаланиши мумкин. Бу фармойиш хавф-хатар тугатилгандан кейин, бундан ташқари, Бундесратнинг талаби билан ҳар қандай вақтда бекор қилиниши керак. Агар хавф-хатар биттадан ортиқ ўлка ҳудудига ёйладиган бўлса, Федерал Ҳукумат самарали кураш олиб бориш учун талаб қилинадиган даражада ўлкалар ҳукуматларига кўрсатмалар бериши мумкин; биринчи ва иккинчи жумла бунга тааллуқли эмас.

VIIIa. Умумий вазифалар²

91а-модда

(1) Агар ўлкаларнинг вазифалари бутун миллый бирлик учун аҳамиятли бўлса ва Федерациянинг иштирок этиши қўйидаги соҳаларда турмуш шаронтини яхшилаш учун (умумий вазифалар) талаб қилинса Федерация ўлкалар вазифаларини бажаришда иштирок этади:

- 1) олий ўқув юртларини кенгайтириш ва қуриш, шу жумладан улар ҳузурида клиникалар қуриш;³
- 2) минтақавий иқтисодий тузилмани яхшилаш;
- 3) аграр тузилмани яхшилаш ва соҳилбўйи минтақаларини ҳимоя қилиш.

¹ 1968 йил 24 июндан қонун таҳририда.

² Бўлим 1969 йил 12 майдаги қонун билан киритилган.

³ 1970 йил 31 июлдаги қонун таҳририда.

(2) Умумий вазифалар Бундесратнинг розилиги билан федерал қонун асосида батафсилоқ тартибига солинади. Бу қонун мазкур вазифаларни бажаришнинг умумий тамойилларини ўз ичига олиши лозим.

(3) Бу қонун биргаликдаги намунавий режалаштириш учун иш тартиби ва муассасаларга тааллуқли бўлган қоидаларни ўз ичига олади. Бирон бир лойиҳани намунавий режалаштиришга киритишда бу лойиҳа қайси ўлканинг ҳудудида амалга ошириладиган бўлса, ўша ўлканинг розилиги керак бўлади.

(4) Биринчи абзацинг 1 ва 2-бандларида кўрсатилган ҳолларда Федерация ҳар бир ўлкадаги харажатларнинг ярмини ўз зиммасига олади. Биринчи абзацинг 3-бандида назарда тутилган ҳолларда Федерация кам деганда харажатларнинг ярмини ўз зиммасига олади; бундай ишда иштирок этиш барча ўлкалар учун ягона асосда белгиланиши лозим. Тафсилотлари қонун билан тартибиға солинади. Маблағлар ажратиш Федерация ва ўлкаларнинг бюджетларида белгилаб қўйилиши лозим.

(5) Федерал Ҳукумат ва Бундесрат, ўз талабларига кўра, умумий вазифаларнинг бажарилишидан хабардор қилиб турилишлари лозим.

91b-модда.

Федерация ва ўлкалар таълим, илмий муассасаларга ёрдам бериш соҳаларида ва аҳамияти минтақа доираларидан четга чиқадиган илмий тадқиқотлар лойиҳаларини амалга оширишда битимлар тузиш йўли билан ҳаракат қилиншлари мумкин. Харажатларни тақсимлаш битимлар билан тартибиға солинади.

IX. Одил судлов

92-модда¹.

Суд ҳокимияти судьяларга ишониб топширилади; бу ҳокимиятни ушбу Асосий қонунда назарда тутилган Федерал судлар, Федерал конституциявий суд, шунингдек, ўлка судлари амалга оширади.

93-модда.

(1) Федерал Конституциявий суд қўйидаги ишларни ҳал этади:

1) Асосий қонун туфайли ёки юқори Федерал орган

¹ 1968 йил 18 июндаги қонун таҳририда.

регламенти билан ўз ҳуқуқларига эга бўлган юқори федерал органнинг ёки бошқа қатнашчиларнинг ҳуқуқлари ва вазифалари ҳажми тўғрисидаги баҳслар муносабати билан ушбу Асосий қонунни талқин қилиш тўғрисида;

2) Федерал ҳуқуқ ва ўлкалар ҳуқуқининг ушбу Асосий қонун билан расман ва ҳақиқатда бир-бирига мослиги ёки ўлка ҳуқуқининг бошқа федерал ҳуқуқ билан мослиги хусусидаги фикрлар ёки шубҳалар бир-биридан фарқ қилган тақдирда — федерал Ҳукумат, ўлка ҳукумати ёки Бундестаг аъзоларининг учдан бир қисми таклифи бўйича;

3) Федерации билан ўлкаларнинг ҳуқуқлари ва вазифалари тўғрисидаги фикрлар фарқ қилган тақдирда, хусусан ўлкаларнинг федерал ҳуқуқларни бажариши чоғида ва федерал назоратни амалга ошириш вақтида тафовутлар бўлганда;

4) оммавий-ҳуқуқий тарздаги бошқа тортишувлар бўйича, Federation билан ўлкалар ўртасида, турли ўлкалар ўртасида ёки битта ўлка доирасида; чунки бошқа суд тартиби назарда тутилмаган;

4а)¹ оммавий ҳокимият менинг асосий ҳуқуқларимдан бирини ёки 20-моддада (4-абзац), 33, 38, 101, 103 ва 104 моддаларда мавжуд бўлган ҳуқуқларимдан бирини бузди, деб тасдиқловчи ҳар бир шахс томонидан бериладиган конституциявий шикоятлар тўғрисида;

4б)² Жамоалар ва жамоа бирлашмаларининг 28-моддада назарда тутилган ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи қонун томонидан бузилаётганлиги хусусидаги конституциявий шикоятлари тўғрисида, ўлкаларнинг қонунларига нисбатан эса ўлканинг конституциявий судига шикоят қилиниши мумкин эмас, деб шарт қўйилганда;

5) Ушбу Асосий қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

(2) Федерал конституциявий суд, сўнгра, федерал қонунлар томонидан унинг ихтиёрига берилган бошқа ҳолларда ҳам амал қиласи.

94-модда.

(1) Федерал конституциявий суд Федерал судьялардан бошқа аъзолардан ташкил топади. Федсрал Кон-

¹ 1969 йил 29 январдаги қонун билан киритилган.

² 1969 йил 29 январдаги қонун билан киритилган.

ституциявий суд аъзолари Бундестаг ва Бундесрат томонидан баравар миқдорда сайланади. Улар Бундестагнинг ҳам, Бундесратнинг ҳам, федерал Ҳукуматнинг ҳам, тегишли ўлка идораларининг ҳам таркибига мансуб бўлишлари мумкин эмас.

(2) Федерал қонун Конституциявий суднинг тузилишини ва ундаги суд юритиш тартибини тартибга солади ва унинг қарорлари қандай ҳолларда қонун кучига эга бўлишини белгилаб беради. Қонун конституциявий шикоят бериш шарти сифатида одатдаги суд тартиби имкониятлари тугашини ҳамда шикоятни қабул қилишнинг алоҳида тартибини белгилаб беради¹.

95-модда²

(1) Одил судловни умумий, маъмурий, молиявий, меҳнат ва ижтимоий адлия соҳаларига юбориш учун Федерация юқори суд палаталари сифатида федерал умумий палатани, федерал маъмурий судни, федерал молиявий палата, федерал меҳнат суди ва федерал ижтимоий судини таъсис этади.

(2) Бу судларнинг судьяларини тайинлаш тўғрисидаги масалани тегишли соҳа учун ваколатли бўлган министр судьяларни сайлаш бўйича комитет билан биргаликла ҳал қиласди, бу комитет тегишли соҳалар учун ваколатли бўлган ўлкаларнинг министрларидан ва Бундестаг томонидан сайланадиган баравар миқдордаги аъзолардан ташкил топади.

(3) Суд ишлари бирлигини таъминлаш учун биринчи абзацда кўрсатиб ўтилган судларнинг биргаликдаги сенати ташкил этилиши мумкин. Тафсилотлари федерал қонун билан тартибга солинади.

96-модда³

(1) Федерация саноат мулкини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш ишлари юзасидан федерал суд таъсис этиши мумкин.

¹ Иккичи жумла 1969 йил 29 январдаги қонун билан киритилган.

² 1968 йил 18 июндан қонун таҳририда.

³ 96-модданинг дастлабки варианти 1968 йил 18 июндан, қонун билан бекор қилинган. Ушбу модда 96а-модда бўлиб, 1956 йил 19 марта даги қонун билан киритилгай эди, унга 1961 йил 6 март, 1968 йил 18 июндан, 1969 йил 12 майдаги ва 1969 йил 26 августдаги қонунлар билан ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган.

(2) Федерация қуролли кучлар учун федерал судлар сифатида ҳарбий-жиноий судлар таъсис этиши мумкин. Бу судлар фақат мудофаа ҳолати юз берган тақдирдагина жиноий юрисдикцияни амалга оширишлари, шунингдек, қуролли кучлар таркибиға мансуб бўлган, хорижга юборилган ёки ҳарбий кемаларда бўлган шахсларга нисбатан жиноий юрисдикцияни амалга оширишлари мумкин. Тафсилотлари федерал қонун билан тартибиға солинади. Мазкур судлар федерал адлия министри ихтиёрида бўлади. Бу судларнинг касбий судьялари суд юритиш малакасига эга бўлишлари лозим.

(3) Биринчи ва иккинчи абзацларда кўрсатиб ўтилган судлар учун олий суд палатаси — федерал суд палатаси ҳисобланади.

(4) Федерация ўзи билан оммавий-хуқуқий хизмат муносабатида бўладиган шахслар учун ишларни интизомий суд ва шикоятлар бўйича суд йўли билан ҳалиш соҳасида федерал судлар таъсис этиши мумкин.

(5) 26-модданинг биринчи абзацида кўрсатилган соҳаларда ёки давлатни ҳимоя қилиш соҳасида жиноий суд ишларини юритиш учун федерал қонун Бундесратнинг маъқуллаши билан ўлкаларнинг судлари федерал юрисдикцияни амалга оширадиган ҳолларни назарда тутиши мумкин.

97-модда.

(1) Судьялар мустақилларлар ва фақат қонунга бўйсунадилар.

(2) Режали равишда ва штат лавозимига доимий тайинланадиган судьялар фақат суд қарори туфайли ва фақат қонунда назарда тутилган асосда ва шаклда ўз истакларига қарши ваколатлари тугашидан олдин бўшатилишлари, лавозимдан вақтинча ва батамом четлаштирилишлари ёки бошқа жойга ўтказилишлари ва истеъфога чиқарилишлари мумкин. Қонунларда ёш чегараси белгиланиши мумкинки, бу ёшга етгандан кейин судьялар истеъфога чиқадилар. Суд ташкилоти ёки суд округлари ўзгарган тақдирда судьялар бошқа судга ўтказилишлари ёки лавозимдан озод қилинишлари мумкин, лекин бунда маошлари тўлиқ сақланиб қолади.

98-модда.

(1) Федерал судьяларнинг хуқуқий мавқен махсус федерал қонун билан тартибиға солиниши лозим.

(2) Агар федерал судья хизмат чогида ёки ундан ташқарыда Асосий қонун тамойиллариниң ёки бирон бир үлканинг конституциявий тузумини бузса, федерал Конституциявий суд Бундестагнинг таклифи билан ва ўз аъзоларининг учдан иккى қисмидан иборат кўпчилик билан бундай судьяни бошқа лавозимга ўтказиш ёки уни истеъфога бўшатиш тўғрисида фармойиш бериши мумкин. Асосий Қонунларни бузиш қасддан содир этилган тақдирда лавозимдан олиб ташлашга қарор қилиниши мумкин.

(3)¹ Үлкалардаги судьяларнинг ҳуқуқий мавқен үлкаларнинг маҳсус қонунлари билан тартибга солиниши лозим. Федерация намунавий йўл-йўриқлар белгилари мумкин, чунки 72а-модданинг тўртинчи абзацида бошқа нарсалар назарда тутилмаган.

(4) Үлкалар, үлкалардаги судьяларни тайинлаш тўғрисидаги масалани адлия министри судьяларни сайлаш бўйича комитет билан биргаликда ҳал этади, деб қарор қилишлари мумкин.

(5) Үлкалар үлка судьялари учун иккинчи абзацига мувофиқ келадиган тартибга солинши белгилашлари мумкин. Үлкаларнинг амалдаги конституциявий ҳуқуқи ўзгармасдан қолади. Судьяларни айблаш бўйича федерал конституциявий суд қарор чиқаради.

99-модда.²

Үлка қонуни билан федерал конституциявий судга битта үлка доирасидаги конституциявий баҳсларни ҳал этиш, 95-модданинг биринчи абзацида айтиб ўтилган юқори суд палаталарига — охирги инстанция бўйича үлканнинг ҳуқуқини татбиқ этиш тўғрисида гап борадиган ишлар юзасидан баҳсларни ҳал қилиш вазифаси юклиниши мумкин.

100-модда.

(1) Агар суд ишни ана шу суд кўриб чиқаётган пайтда қонуннинг ҳақиқийлиги ёки ҳақиқий эмаслиги устида савол туғилиб, уни ғайриконституциявий деб эътироф қилса, у ҳолда ишни кўриб чиқиш тўхтатилиши лозим ва агар үлка конституцияси бузилганлиги ҳақида гап борадиган бўлса, конституциявий баҳсларни

¹ 1971 йил 18 марта даги қонун таҳририда.

² 1968 йил 18 июн даги қонун таҳририда.

ҳал қишлиш учун ваколатли бўлган ўлка судининг қарори, агар ушбу Асосий қонун бузилганилиги ҳақида гап боргандада эса — федерал конституциявий суднинг қарори олиниши лозим. Бу қонда ўлка ҳуқуқи томонидан ушбу Асосий қонун бузилганилиги ҳақида ёки ўлка қонунининг федерал қонунга меселаслиги ҳақида гап боргандада ҳам амал қиласди.

(2) Агар юридик баҳсда халқаро ҳуқуқ нормаси федерал ҳуқуқининг таркибий қисми эканлиги ва у шахе учун бевосита ҳуқуқ ҳамда вазифалар вужудга келтириши (25-модда) хусусида шубҳа пайдо бўлса, суд федерал конституциявий суднинг қарорини олиши лозим.

(3)¹ Агар ўлканнинг конституциявий суди Асосий қонунни талқин этиши найтида федерал Конституциявий суд ёки бошқа ўлканнинг конституциявий суди қароридан чекиниш ниятида бўлса, бу конституциявий суд федерал Конституциявий суднинг қарорини олиши лозим.

101-модда

(1) Фавқулодда судларга йўл қўйилмайди. Ҳеч ким ўзининг қонуний судъяси ихтиёридан тортиб олиниши мумкин эмас.

(2) Махсус юрисдикцияга эга бўлган судлар фақат қонун билан таъсис этилиши мумкин.

102-модда.

Ўлим жазоси бекор қилинади.

103-модда

(1) Судда ҳар бир киши Қонунга мувофиқ тингланниш ҳуқуқига эгадир.

(2) Агар қилинган хатти-ҳаракатнинг жазоланиши мумкинлиги у содир этилмасдан олдин қонун билан аниқланган бўлса, бунинг учун жазоланиш мумкин.

(3) Ҳеч ким умумий жинонӣ қонунлар асосида айни битта хатти-ҳаракат учун кўп марта жазога тортилиши мумкин эмас.

104-модда

(1) Шахс эркинлиги фақат расмий қонун асосида ва унинг берган йўл-йўриқларни шаклларига риоя қилинган ҳолда чекланиши мумкин. Кўлга олинган шахслар-

¹ 1968 йил 18 июндаги қонун таҳририда.

га маънавий жиҳатдан ҳам, жисмоний жиҳатдан ҳам қаттиқ муомала қилиниши мумкин эмас.

(2) Фақат судьягина озодликдан маҳрум этишга йўл қўйиши ва унинг муддати масаласини ҳал этиши мумкин. Судьянинг буйруғига асосланмаган ҳар қандай озодликдан маҳрум этилиши юз берганда албатта, суд қарори чиқарилиши лозим. Полиция ўзининг ҳуқуқий ваколатлари туфайли ҳеч кимни ушланган куннинг эртасига келадиган кун охиригача бўлган муддатдан ортиқ ҳибса ушлаб туриши мумкин эмас. Тафсилотлари қонун билан тартибга солиниши лозим.

(3) Жазоланадиган хатти-ҳаракат содир этишда шубҳа остига олинниб ушланган ҳар бир шахс ушланган куннинг эртасида кечикмай судьяга олиб борилиши, судья унга унинг ушланиши сабабини маълум қилиши, уни дастлабки тарзда сўроқ қилиши ва унинг эътиrozлар билдириши учун имкон бериши шарт. Судья дарҳол ҳибса олинниши тўғрисида асосли ёзма буйруқ чиқариши ёхуд ушланган шахсни озод қилиши ҳақида фармойиш бериши шарт.

(4) Озодликдан маҳрум этиш ёки ҳибса ушлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги буйруқ билан қабул қилинган ҳар бир суд қарори ушланган шахснинг қариндошига ёки унинг ишончига сазовор бўлган шахсга маълум қилиниши лозим.

X. Пул маблағлари

104а-модда¹.

(1) Агар ушбу Асосий қонун бошқача тарзда бслгиламаса, Федерация ва ўлкаларнинг ҳар бири ўз томонидан ўз вазифаларини ҳал қилишади.

(2) Агар ўлкалар Федерациянинг топшириғига мувофиқ иш кўрсалар, мазкур фаолият юзасидан харажатлар Федерацияга юкланди.

(3) Пул маблағлари ўлкалар томонидан ижро этиладиган федерал қонунлар асосида берилади. Бу қонунлар пул маблағларининг Федерация томонидан тўлиқ ёки қисман берилишини белгилаб беради. Агар қонун харажатларнинг ярмини ёки ундан кўпроғини Федерация ўз зиммасига олади, деб белгиласа, қонунни ижро

¹ 1969 йил 12 майдаги қонун билан киритилган.

этиш Федерациянинг топшириғига мувофиқ амалга оширилади. Агар қонун харажатларнинг чораги ёки ундан кўпроқ қисмини ўлкалар ўз зиммасига олади, деб белгилайдиган бўлса, бундай қонунни қабул қилиш учун Бундесратнинг маъқуллаши талаб этилади.

(4) Федерация ўлкалар ва жамоалар (жамоа бирлашмалари)нинг алоҳида мухим харажатларини қоплаш учун ўлкаларга молиявий ёрдам кўрсатиши мумкин, улар Федерация ҳудудида умумий иқтисодий мувозанатнинг бузилишига барҳам бериш ёки юз бериши мумкин бўлган иқтисодий тафовутларни бараварлаш ёхуд иқтисодий ривожланишда ёрдам бериш учун зарурдир. Инвестицияни татбиқ этиш тафсилотлари ва хусусан, уни тақдим этиш шакли Федерал қонун билан тартибга солинади, бу қонунни Бундесрат ёки федерал молиявий қонунига асосланган маъмурӣ битим маъқуллаши керак бўлади.

(5) Федерация ва ўлкалар ўз ҳокимиятларида вужудга келадиган маъмурӣ харажатларни ўз зиммалигида оладилар ва лозим даражадаги бошқарув учун бир-бирларига нисбатан жавобгар бўладилар. Тафсилатлари Бундесрат маъқуллаши керак бўлган федерал қонун билан белгиланади.

105-модда.

(1) Федерация божхона ишлари ва молиявий монополиялар бўйича маҳсус қонун чиқарувчилик ваколатига эгадир.

(2)¹ Агар бошқа солиқлардан келадиган тушумлар тўлиқ ёки қисман Федерацияга тегишли бўлса ёки 72-модаднинг иккинчи абзаци шартлари татбиқ этиладиган бўлса, Федерация бу солиқларга тааллуқли ишларда рақобат қилувчилик ваколатига эга бўлади.

(2-а)² Истеъмол учун ва харажатлар учун йифидаладиган маҳаллий солиқлар Федерал қонунлар билан белгиланган солиқларга то қиёсан айнан ўхшамангунча ўлкалар истеъмолга ва харажатларга доир маҳаллий солиқлар соҳасида қонун чиқариш ҳуқуқига эга бўладилар.

(3) Тушумлари тўлиқ ёки қисман ўлкалар ёки жамоалар (жамоа бирлашмалари) фойдасига сарф бўла-

¹ 1969 йил 12 майдаги қонун таҳририда.

² 1969 йил 12 майдаги қонун билан киритилган.

диган солиқлар тұғрысидаги федерал қомунлар Бундесраттинг маъқуллашини талаб қилади.

106-модда¹.

(1) Федерация молиявий монополиялардан ва қуидаги солиқлардан даромадлар олади:

- 1) божхона пошлиналари;
- 2) истеъмолга доир бавосита солиқлар; улар иккинчи абзацга мувофиқ үлкалар фойдасига, учинчи абзацга мувофиқ Федерация ва үлкалар фойдасига ёки олтинчи абзацга мувофиқ жамоалар фойдасига қай даражада келиб тушса, шу даражада;
- 3) юқ транспортидан олинадиган солиқ;
- 4) сармоялар айланишидан олинадиган солиқ, сұртура солиғи ва айирбошлаш табиirlаридан олинадиган солиқ;
- 5) бир йўла олинадиган мол-мулк солиги ва үлкалар харажатини бараварлаш учун компенсация йиғимлари;
- 6) даромад солиғига ва корпорациялардан олинадиган солиққа доир қўшимча йиғимлар.
- 7) Европа ҳамжамияти доирасида йиғиладиган солиқлар.

(2) Қуидаги солиқлардан келадиган даромадлар үлкалар фойдасига келиб тушади:

- 1) мол-мулк солиги;
- 2) меросдан олинадиган солиқ;
- 3) автомашиналардан олинадиган солиқ;
- 4) транспортдан олинадиган солиқ, чунки у биринчи абзацга мувофиқ федерация фойдасига ёки учинчи абзацга мувофиқ бир вақтнинг ўзида ҳам Федерация, ҳам үлкалар фойдасига келиб тушмайди;
- 5) пиво солиғи;
- 6) ўйин муассасаларидан тушадиган даромадлар.

(3) Даромад солиғидан, корпорация солиғидан ва оборот солиғидан (умумий солиқлар) келадиган тушумлар бешинчи абзацга мувофиқ жамоаларга қай даражада тааллукли бўлса, бир вақтнинг ўзида шу даражада Федерация ва үлкаларга тегишли бўлади. Даромад солиғидан ва корпорация солиғидан келадиган тушумлар Федерация ва үлкалар фойдасига ярим-ярим қилиб тақсимланади. Оборотдан Федерация ва үлкалар

¹ 1956 йил 24 декабрдаги қонун (2- ва 6—8-абзацлар) ва 1969 йил 12 майдаги қонуни билан ўзgartирилган.

фойдасига келадиган солиқ түшүмлари Бундесрат томонидан маңқуланиши талаб этиладын федерал қонун билан белгиланади. Тұланиши керак бўлган қисмларни белгилашда қуидаги тамойиллар асос қилиб олинади:

1) Федерация ва ўлкалар жөрий түшүмлар доирасида ўзларининг зарур харажатларини қоплаш учун тенг хуқуқа эга бўладилар.

Бунда харажатларнинг миқдорлари бир неча йилга белгиланадиган бюджет лойиҳаларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

2) Федерация ва ўлкаларнинг харажатларни қоплашдаги эҳтиёжлари уларнинг иқтисодий жиҳатдан бараварлигига эришишни, солиқ тўловчиларга ҳаддан ташқари оғирлик тушишига барҳам бериш ва Федерациянинг бутун ҳудудида баравар турмуш даражасини таъминлашни назарда тутиб тартибга солиниши лозим.

(4) Агар Федерация ва ўлкаларнинг тушумлари ҳамда харажатлари ўртасидаги нисбат жиддий ўзгаришларга дуч келса, у ҳолда оборотдан келадиган солиқ тушумларидаги нисбат янги асосларда белгиланиши лозим. Агар федерал қонун ўлкаларга қўшимча харажатлар юкласа ёки улардан даромадларни тортиб олса, у ҳолда мазкур харажатлар Бундесрат томонидан маңқуланиши керак бўлган федерал қонун асосида, шунингдек, агар бу харажатлар муайян вақт бўлаги билан чекланган бўлса, ана шу мақсадлар учун федерал маблағлардан таъминлаш йўли билан қопланиши лозим. Қонунда ана шу ажратмалар миқдорини аниқлаш тамойиллари ва ўлкалар ўртасида тақсимлаш кўрсатилиши лозим.

(5) Жамоалар даромад солиғидан келадиган тушумларнинг бир қисмини оладилар, бу қисм ўлкалар томонидан жамоаларга уларнинг аҳолиси даромад солиғи сифатида тўлайдиган тўловлардан захиралаштирилиши лозим. Тафсилотлари Бундесрат томонидан маңқуланиши керак бўлган федерал қонун билан тартибга солинади. Бу қонун жамоаларнинг ўзларига тегишли бўлган улушни аниқлашларини белгилаб бериши мумкин.

(6) Бевосита солиқлардан келадиган тушумлар жамоаларга ўтказилади; бавосита маҳаллий солиқлардан келадиган тушумлар жамоаларга ёки ўлка қонунларида назарда тутилган ҳолларда — жамоа бирлашмаларига тегишли бўлади. Қонун доирасида жамоаларга бевосита солиқлар тўғрисидаги низомларни белгилаш хуқуқи

тегишли бўлади. Агар ўлка ўз таркибида жамоаларга эга бўлмаса, у ҳолда бевосита солиқлардан ва маҳаллий бавосита солиқлардан келадиган тушумлар ўлкага мансуб бўлади. Федерация ва ўлкалар савдо-саноат солиғидан келадиган тушумларни ўзаро тақсимлаб олишлари мумкин. Бу тақсимлаш тафсилотлари Бундесрат томонидан маъқулланадиган федерал қонун билан тартибга солинади. Ўлканинг қонун билан белгиланган тамойиллари асосида бевосита солиқлар ва жамоаларга тегишли бўлган даромад солиғи тушумларининг бир қисми солиққа тортишга доир ҳисоб-китобларда асос сифатида қаралиши мумкин. Бу тақсимлаш тафсилотлари Бундесрат томонидан маъқулланадиган федерал қонун билан тартибга солинади. Ўлканинг қонун билан белгиланган тамойиллари асосида бевосита солиқлар ва жамоаларга тегишли бўлган даромад солиғи тушумларининг бир қисми солиққа тортишга доир ҳисоб-китобларда асос сифатида қаралиши мумкин.

(7) Жамоалар ва жамоа бирлашмалари ўлка қонунлари томонидан белгиланган ўлка фойдасига келиб тушадиган умумий солиқлар йиғиндисидан биргаликда фоиз оладилар. Қолган ҳолларда ўлка қонунлари ер солиқларидан жамоалар (жамоа бирлашмалари) фойдасига даромадлар топширилиши ёки топширилмаслигини ва қанча миқдорда топширилишини аниқлайдилар.

(8) Агар Федерация айрим ўлкалар ёки жамоаларда (Жамоа бирлашмаларида) маҳсус муассасалар таъсис этишни талаб қилса, уларнинг мавжуд бўлиши ва фаолияти бу ўлкалар ёки жамоалар (жамоа бирлашмалари) учун чиқимларни бевосита кўпайтиришга ёки уларнинг даромадларини қисқартиришга сабаб бўлса, Федерация уларни зарур компенсация билан таъминлайди. Чунки бу ўлкалар ёки жамоалар (жамоа бирлашмалари)ни мазкур харажатларни бажаришга қодир, деб ҳисоблаб бўлмайди. Айтиб ўтилган муассасаларни таъсис этиш натижасида учинчи шахслардан келиб тушадиган компенсация ва мазкур ўлкалар ёки жамоалар (жамоа бирлашмалари) учун вужудга келадиган молиявий афзалликлар ўлкаларнинг харажатларини мувоза-натлаштиришда ҳисобга олинади.

(9) Мазкур модданинг моҳияти бўйича жамоалар (жамоа бирлашмалари)нинг даромадлари ва харажатлари ҳам ўлкаларнинг даромадлари ва харажатлари сифатида қаралади.

106-а мөддә¹.

1996 йил 1 январдан эътиборан Федерация фойдасига келиб тушадиган солиқ тушумларидан ўлкаларга пул маблағлари суммаси ажратилади. Тафсилотлари Бундесратнинг розилигини талаб қиласидаган федерал қонун билан тартибга солинади. 107-модданинг иккинчи абзацига мувофиқ молиявий имкониятлар ўзгарганда биринчи жумладаги маблағлар ҳисобга олинмайди.

107-моддә².

(1) Ўлкаларнинг солиқлардан оладиган даромадлари ва даромад солиғидан ҳамда корпорация солиғидан келадиган тушумлар ўлкаларники деб эътироф этилади ва бу солиқлар мазкур ўлкаларнинг ҳудудий молиявий ҳокимиятлари томонидан қай даражада тўпланса, шу даражада ўлкалар ихтиёрига келиб тушади (маҳаллий даромадлар). Корпорация солиғидан ва иш ҳақи солиғидан олинган маҳаллий даромадларни тақсимлашга доир тафсилотлар, шунингдек, бу даромадларни олиш усули ва тақсимлаш миқдорлари Бундесрат томонидан маъқулланиши лозим бўлган федерал қонун билан белгилаб берилиши керак. Қонун маҳаллий даромадларни ва бошқа солиқларни чегаралаш ва бўлиш тўғрисидаги қоидаларни teng маънода назарда тутиши мумкин. Ўлкаларнинг оборот солиғидан улар фойдасига тушадиган даромадлари қисми ўлкалар аҳолисининг сонига мутаносиб равишда белгиланади: ўлкаларга бериладиган тушумларнинг бир қисми учун (бироқ бу энг кўп деганда тушумларнинг чорак қисмидан ошмаслиги керак) ер солиқларидан, даромад солиғи ва корпорация солиғидан олинадиган даромадлар ҳар бир киши ҳисобига бошқа ўлкалардагига иисбатан камроқ бўлган ўлкалар учун Бундесрат томонидан маъқулланиши керак бўлган федерал қонун билан қўшимча улушлар назарда тутилган.

(2) Қонун шу нарсани кафолатлайдики, ўлкалар ўртасидаги молиявий имкониятларда мавжуд бўлган тафовутлар етарли даражада бараварлаштирилади; бунда жамоалар (жамоа бирлашмалари)нинг молиявий имкониятлари ва эҳтиёжлари, уларни бараварлаштириш

¹ 1993 йил 20 декабрдаги қонун билан киритилган.

² 1953 йил 20 апрелдаги, 1954 йил 25 декабрдаги ва 1969 йил 12 майдаги қонунлар таҳририда берилди.

учун маблағлар олиш шартлари ва бундай тұловлар бүйічә үлкаларнинг мажбуриятларини белгилаб берувчи шартлар ҳисобга олиниши лозим, бундай маблағлар ажратыш тамойиллари ва ушбу абзацга мувофиқ уларнинг олинадиган миқдорлари қонун билан белгиланиши лозим. Қонун Федерациянинг иқтисодий жиһатдан заиф ривожланган үлкаларга уларнинг умумий молиявий әхтиёжларини құшымча равища қоплаш учун субсидиялар (құшымча субсидиялар) ажратишими баравар дарежада белгилаб бериши мүмкін.

108-модда¹.

(1) Федерал қонунлар билан тартибга солинадиган божхона пошлиналари, молиявий монополиялар, истеъмол солиқлари, шу жумладан импорт солиқлари ва Европа ҳамжамияти доирасыда йиғиладиган солиқлар федерал молиявий органлар томонидан тартибга солинади. Бу органлар тузилиши федерал қонун билан белгиланади. Үрта инстанциялар органларининг раҳбарлари үлка ҳуқуматлари билан келишилган ҳолда тайинланади.

(2) Бошқа солиқлар үлканинг молиявий органлари ихтиёрида бўлади. Бу органларнинг тузилиши, тегишли ходимларнинг умумий тарзда тайёрланиши Бундесрат томонидан маъқулланиши керак бўлган федерал қонун билан тартибга солинади. Үрта инстанциялар органларининг раҳбарлари федерал Ҳукумат билан келишилган ҳолда тайинланади.

(3) Солиқлар тўла равища ёки қисман Федерация фойдасига тушганлиги сабабли үлкаларнинг молия органлари Федерация топшириғига мувофиқ иш олиб борадилар. 85-модданинг учинчи ва тўртингчи абзаzlари молия министри федерал Ҳукумат ўрнида иш олиб борганда татбиқ этилади.

(4) Бундесрат томонидан маъқулланиши керак бўлган федерал қонун шуни назарда тутиши мүмкінки, молиявий қонунларни ижро этиш яхшиланадиган ёки осонлашадиган ҳоллар учун федерал молия хизматлари билан үлкаларнинг молиявий хизматлари ўртасидаги ҳамкорлик үлкалар молиявий хизматларининг биринчи абзацда кўрсатилган солиқларни бошқаришидан иборат ва бошқа федерал молия хизматларининг эса бошқа солиқ-

¹ 1969 йил 12 майдаги қонун таҳририда.

ларни бошқаришидан иборат деб ҳисоблаш мумкин. Да-ромадлари фақат жамоаларга (жамоа бирлашмаларига) келиб тушадиган аммо уларни бошқариш эса, ўлкалар молия хизматлари ихтиёрига берилган солиқлар масаласига келганды, бу бошқариш тұла равишда ёки қисман жамоаларга (ёки жамоа бирлашмаларига) топширилиши мумкин.

(5) Федерал молия хизматлари томонидан татбиқ этиладиган иш тартиби федерал қонун билан йўлга қўйилади. Ўлкаларнинг молия хизматлари томонидан татбиқ этиладиган иш тартиби тўртинчи абзацининг иккичи жумласида кўрсатилган ҳолларда ҳам жамоалар (жамоа бирлашмалари) татбиқ этиладиган иш тартиби Бундесрат томонидан маъқулланадиган федерал қонун билан йўлга қўйилади.

(6) Молиявий ишлар бўйича юрисдикция умумий асосларда федерал қонун билан белгиланади.

(7) Агар солиқларни тартибга солиш ўлкаларнинг ёки жамоаларнинг (жамоа бирлашмаларининг) молия органлари зиммасига юкланса, федерал Ҳукумат Бундесратнинг маъқуллаши билан маъмурий фармойишлар чиқариши мумкин.

109-модда¹.

(1) Федерация ва ўлкалар ўз бюджет хўжалиги жиҳатидан мустақиллар ва бир-бирларига боғлиқ эмаслар.

(2) Федерация ва ўлкалар ўз бюджет хўжалигини бошқаришда умумий иқтисодий баланс талабларини ҳисобга олишлари лозим.

(3) Бундесрат томонидан маъқулланиши лозим бўлган молиявий қонун билан Федерация ва ўлкалар учун бюджет ҳуқуқининг ва конъюнктурага ҳамда узоқ муддатли молиявий режалаштиришга мослаштириладиган бюджет сиёсатини амалга оширишнинг умумий тамойиллари белгилаб берилиши мумкин.

(4) Умумий иқтисодий баланснинг бузилишига барҳам бериш учун Бундесрат томонидан маъқулланиши керак бўлган федерал қонун қўидагиларга тааллуқли фармойишларни белгилаб бериши мумкин:

1) Ҳудудий корпорациялар ва айрим ассоциациялар-

¹ 1967 йил 8 июндаги ва 1969 йил 12 майдаги қонунлар (3-абзац) таҳририда.

га бериладиган қарзларнинг энг кўп миқдори, шартла-
ри ва изчиллигини; ва

2) Федерация ва ўлкаларнинг ўзларига тегишли эр-
кин активларини (баланснинг конъюнктуравий бузили-
ши содир бўлган тақдирда асқатадиган (захараларни)
Германия Федерал банкида сақлаш мажбуриятларини.
Фақат федерал Ҳукуматгина ҳуқуқий йўл-йўриқлар чи-
қариш ваколатларини бериши мумкин. Агар Бундесрат
таалаб қилса, бу ваколатлар бекор қилиниши лозим;
тафсилотлари федерал қонунчилик билан тартибга со-
линади.

110-модда¹.

(1) Федерациянинг барча даромадлари ва харажат-
лари бюджетга киритилиши лозим; федерал корхоналар
ва маҳсус мол-мулклар масаласига келганда, қўшимча
маблағлар ва фойдадан чегирмалар кўрсатилиши ло-
зим. Даромадлар ва харажатлар бюджетда мувозанат-
лаштирилиши лозим.

(2) Бюджет бир йилга ёки бир неча йилга мўлжал-
лаб бюджет қонуни билан тасдиқланади; бюджет бир
нечага йилга мўлжаллаб тузилганда у биринчи ҳисобот
йилининг бошланишига қадар ҳар йил учун алоҳида-
алоҳида қилиб тасдиқланади. Бу қонун бюджетнинг ай-
рим боблари йиллар бўйича турли муддатларга эга бў-
лишни назарда тутиши мумкин.

(3) Қонун лойиҳаси, иккинчи абзанинг биринчи
жумласига мувофиқ, бюджет ҳақидаги қонунни ўзгар-
тириш тўғрисидаги ва бюджеттага тузатишлар киритиш
ҳақидаги лойиҳалар сингари, асосли тарзда, бир вақт-
нинг ўзида ҳам Бундесратга, ҳам Бундестагга тақдим
этилади. Бундесрат бу лойиҳалар юзасидан ўз фикрини
ифодалаш учун олти ҳафталик муддатга, ўзгаришлар
киритиш ҳақидаги таклифлар киритилган тақдирда эса
уч ҳафталик муддатга эга бўлади.

(4) Бюджет тўғрисидаги қонун фақат Федерация-
нинг даромадлари ва харажатларига доир қоидаларни
ва уни қўлланиш муддатига доир қоидаларни ўз ичига
олади. Бюджет тўғрисидаги қонун навбатдаги бюджет
қонуни эълон қилинган ҳамоно ёки кейинроқ, 115-мод-
да қоидаларига мувофиқ, қайси қоидалар ўз кучини йў-
қотишини кўрсатиб бериши мумкин.

¹ 1969 йил 12 майдаги қонун таҳририда.

111-модда.

(1) Агар навбатдаги йил учун мұлжаланган бюджет мазкур ҳисобот йили тугамасдан олдин қонун билан тасдиқланмаган бўлса, бу қонун кучга киришига қадар федерал Ҳукумат қўйидаги зарур бўлган барча харажатларни амалга оширишга ҳақлидир:

а) қонунда белгиланган муассасаларни таъминлаш ва қонунда назарда тутилган тадбирларни ўтказиш;

в) Федерациянинг юридик жиҳатдан асосланган мажбуриятларини бажариш;

с) қурилишни, харид қилиш ва бошқа ишларни давом эттириш учун ёки ана шу мақсадларга яна маблағ ажратиш, чунки олдинги йил бюджетида бу ишлар учун тегишли суммалар назарда тутилган эди.

(2) Агар биринчи абзацда кўрсатилган харажатлар алоҳида қонунлар билан тасдиқланган солиқлар, йигимлар ва бошқа маблағлардан ёки корхоналарнинг захирадаги маблағларидан келган тушумлар билан қопланмаса, Федерал Ҳукумат кредит бериш тарзида хўжаликни қўллаб-қувватлаш учун зарур маблағларни ўтган йилги бюджет умумий суммасининг тўртдан бир қисмидан кўп бўлмаган миқдорда сафарбар этиши мумкин.

112-модда¹.

Бюджетдан ва режадан ташқари харажатларни федерал молия министри маъқуллаши лозим. Уларга фаяқат назарда тутилмаган ва кечикириб бўлмайдиган зарурат туфайли рухсат этилиши мумкин. Тафсилотлари Федерал қонунлар билан тартибга солинади.

113-модда².

(1) Федерал Ҳукумат таклиф этган бюджет харажатларини кўпайтирувчи, янги харажатлар киритадиган ёки келгусида уларга йўл қўядиган қонунларга Федерал Ҳукумат розилик бериши лозим. Бу нарса тушумларнинг камайишини ўз ичига оладиган ёки келгусида бу камайишга йўл қўядиган қонунларга ҳам тааллуқлидир. Федерал Ҳукумат Бундестагдан бундай қонунлар бўйича овоз беришни кечикиришни талаб қилиши мумкин. Бундай ҳолда Федерал Ҳукуматга олти

¹ 1969 йил 12 майдаги қонун таҳририда.

² 1969 йил 12 майдаги қонун таҳририда.

ҳафта муддат берилади, ана шу муддатда у Бундестагга ўз фикрини билдириши зарур.

(2) Федерал Ҳукумат Бундестаг қонунни қабул қилгандан кейинги тўрт ҳафталик муддатда қонунни янгидан қараб чиқиши талаб қилиши мумкин.

(3) Агар 48-моддага мувофиқ қонун овоз бериш билан қабул қилинган бўлса, Ҳукумат ўзининг розилигидан воз кечиши учун ва фақат агар у биринчи абзацнинг учинчи ва тўртинчи жумлаларида ёки иккинчи абзацда назарда тутилган иш тартибидан олдин фойдаланган бўлсагина олти ҳафталик муддатга эга бўлади. Бу муддат ўтгандан кейин розилик берилган ҳисобланади.

114-модда¹.

(1) Федерал молия министри федерал Ҳукумат топшириғи билан барча даромадлар ва харажатлар тўғрисида, шунингдек, кейинги молия йилига давлат мулки ва қарзининг аҳволи тўғрисида Бундестаг ва Бундесратга ҳисобот тақдим этиши шарт.

(2) Федерал ҳисоблаш палатасининг судьялар мустақиллигидан фойдаланувчи аъзолари ҳисобларни, шунингдек, иқтисодий ва бюджет соҳасидаги бошқарувнинг рентабеллиги ва тўғрилигини текширади. Ҳар йили палата ўз фаолияти ҳақида Ҳукуматни, шунингдек Бундестаг ва Бундесратни хабардор қилиб туриши лозим. Федерал ҳисоблаш палатасининг бошқа ваколатлари федерал қонунлар билан белгиланади.

115-модда.²

(1) Келгуси ҳисобот йилларида харажатларни вужудга келтириши мумкин бўлган кредитларни очилиши, шунингдек, мажбуриятлар, кафолатлар ва таъминотнинг бошқа турлари бўйича молиявий жавобгарликнинг қабул қилиниши уларнинг миқдорларини белгилашни кўрсатувчи ёки унга рухсат этувчи қонуний ваколатни талаб қилади. Бу харажатлар учун ажратилган маблағлар миқдори бюджетнинг инвестициялар бобида кўрсатиглан суммалардан ортиб кетмаслиги лозим; миллий иқтисодий мувозанатнинг бузилишига қарши кураш мақсадидагина бу қоидадан четга чиқишига йўл қўйади.

¹ 1969 йил 12 майдаги қонун таэририда.

² 1969 йил 12 майдаги қонун таҳририда.

йилади. Тафсилотлари федерал қонунлар билан тартыб-га солинади.

(2) Махсус вазифага эга бұлган Федерация мол-мұл-ки учун федерал қонунға күра, биринчи абзац қоидала-ридан четта чиқышлар белгиланиши мүмкін.

X-а Мудофаа ҳолати¹

115-а модда.

(1) Бундестаг Федерация қуролли босқинчилікка ду-чор этилганлигини ёки унга ана шундай босқинчилік бевосита таҳдид солаётганлигини (мудофаа ҳолати) Бундесраттинг маъқуллаши билан қайд қиласы.

Бу қайд қилиш федерал Ҳукумат таклифи билан со-дир этиләди ва берилған овозларнинг учдан иккى қис-мидан иборат күпчилікни, лекин Бундестаг аъзолари овозининг кам деганда күпчилігини талаб қиласы.

(2) Агар вазият зудлик билан қатъий ҳаракат қи-лишни талаб этса, Бундестагни ўз вақтида чақириш учун эса енгіб бұлмас түсиқлар халақит берәётган бұлса, ёки у қарорлар қабул қилиш қонуний ҳуқуқига эга бўл-маса, бу қайд этишни қўшма комитет берилған овоз-ларнинг учдан иккى қисмидан иборат кўпчилиги ва кам деганда Бундестаг аъзолари овозининг кўпчилиги би-лан амалга оширади.

(3) Қайд этиш 82-моддага мувофиқ, федерал Ҳуку-мат томонидан «Бундесгезетцблattt»да босиб чиқарила-ди. Агар бу ишни ўз вақтида амалга оширишга имкон бўлмаса, эълон қилиш бошқа усул билан амалга оши-рилади: вазият вужудга келган ҳамоно қайд матни «Бун-десгезетцблattt»да босиб чиқарилиши лозим.

(4) Агар Федерация ҳудуди қуролли босқинчилік обьекти бўлиб қолса ва ваколатли федерал органлар биринчи абзаснинг биринчи жумласига мувофиқ буни қайд этиш ҳолатида бўлмаслар, бу қайд этиш босқинчи-лик бошланган пайтда қилинган ва босиб чиқарилган ҳисобланади. Федерал Президент шароит имкон бери-ши билан бу пайтни эълон қиласы.

(5) Агар мудофаа ҳолатини қайд этиш эълон қилин-ган ва Федерация ҳудуди қуролли босқинчилікка дучор этилган бўлса, Федерал Президент Бундестагнинг маъ-қуллаши билан мудофаа ҳолати мавжудлиги ҳақида

¹ Бўлим 1968 йил 24 июндаги қонун билан киритилган.

халқаро-хуқуқий тарздаги баёнот бериши мүмкін. Иккінчи абзацда күрсатыб ўтилған шарт-шароитлар мавжуд бўлган тақдирда қўшма комитет Бундестаг ўрнини эгаллади.

115-б модда.

Мудофаа ҳолати эълон қилинган пайтдан бошлаб буйруқлар чиқариш ва қуролли кучларга қўмондонлик қилиш хуқуқи федерал Қанцлерга ўтади.

115-с модда.

(1) Мудофаа ҳолати даврида Федерация ўлкаларнинг қонун чиқариш ваколатига кирадиган масалалар юзасидан ҳам рақобат қилувчи қонунлар чиқариш хуқуқига эга бўлади. Бу қонунларга Бундесрат розилик бериши лозим.

(2) Буни мудофаа ҳолати вақтидаги шароит талаб қилганлиги сабабли, федерал қонунлар чиқариш йўли билан қўйидагиларни амалга ошириш мүмкин:

14-модданинг учинчи абзаци иккинчи жумласидан четга чиққан ҳолда мусодара қилишдан кўрилған заарлар ўрнини қоплаш тўғрисида муваққат қоидалар чиқариш;

2) 104-модданинг иккинчи абзаци учинчи жумласидан ва учинчи абзацининг биринчи жумласидан четга чиққан ҳолда озодликдан маҳрум этиш муддатини белтилаш; бироқ судья нормал вақт учун амал қилувчи муддатда иш кўришга қодир бўлмаган тақдирда бу муддат тўрт кундан ошиб кетмаслиги лозим.

(3)¹ Федерал қонун VIII, VIII-а, ва X бўлимлар қоидаларидан четга чиққан ҳолда, Бундесратнинг маъқуллаши билан мудофаа ҳолатида ҳақиқий ёки бевосита таҳдид солаётган босқинчиликни даф қилиш учун талаб қилинадиган даражада Федерация ва ўлкаларнинг маъмарияти ҳамда пул маблагларини тартибга солишин мүмкин; бунда ўлкалар, жамоалар ва жамоа бирлашмалирининг айниқса молиявий жиҳатдан яшашга қобиллик манбаатларига риоя этилиши лозим.

(4) Биринчи абзацда ва иккинчи абзацининг биринчи бандида кўрсатилган федерал қонунларни ижро этишга тайёрлаш учун улар мудофаа ҳолати бошлагунга қадар татбиқ этилиши мүмкин.

¹ 1992 йил 21 декабрдаги қонун таҳририда.

115-д модда.

(1) Мудофаа ҳолати даврида федерал қонунлар учун 76-модданинг иккинч абзасидан, 77-модданинг биринчи абзасидаги иккинчи жумласидан ва иккинчи абзасидан тортиб тўртинчи абзасигача, 78-моддадан ва 82-модданинг биринчи абзасидан четга чиқсан ҳолда иккинчи ва учинчи абзацларда мавжуд бўлган тартибга солиш амал қиласди.

(2) Федерал Ҳукуматнинг кечиктириб бўлмайдиган деб ҳисоблаган қонун лойиҳалари Бундестаг билан бир вақтда Бундесратга ҳам юборилиши лозим. Бундестаг ва Бундесрат уларни дарҳол ва биргаликда кўриб чиқадилар. Агар қонунни қабул қилиш учун Бундесратнинг маъқуллаши талаб қилинадиган бўлса, қонуннинг кучга кириши учун унинг кўпчилиги овоз берган бўлиши зарур. Тафсилотлари Бундестаг қабул қилган ва Бундесрат маъқуллаши керак бўлган регламент билан тартибга солинади.

(3) Бу қонунларни халқа овоза қилиш учун тегишли равишда 115-а модда учинчи абзаснинг иккинчи жумласи тааллуқли бўлади.

115-е модда.

(1) Агар мудофаа ҳолати даврида қўшма комитет берилган овозларнинг учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги ва ўз аъзоларининг кам деганда қўпчилиги билан, енгиб бўлмас тўсиқлар Бундестагни ўз вақтида чақиришга қаршилик кўрсатмоқда ёки уни қарорлар қабул қилиш қонуний ҳуқуқига эга эмас, деб топса, у ҳолда қўшма комитет Бундестаг ва Бундесрат ўрнини босади ҳамда ягона орган сифатида унинг ҳуқуқларини амалга оширади.

(2)¹ Қўшма комитет қонуни билан Асосий қонунни ўзgartириш, унинг амал қилишини умуман ва қисман бекор қилиш ёки тўхтатиб қўйиш мумкин эмас. Қўшма комитет 23-модданинг биринчи абзаси иккинчи жумласида, 24-модданинг биринчи абзаси ва 29-моддада кўрсатилган қонунларни чиқариш ҳуқуқига эга эмас.

115-ғ модда.

(1) Мудофаа ҳолати даврида, агар шароит талаб қилса, Федерал Ҳукумат қўйидагиларни амалга ошириши мумкин:

¹ 1992 йил 21 декабрдаги қонун таҳририда.

1) Федерациянинг бутун худудида федерал чегара соқчилигидан фойдаланиши;

2) федерал маъмурнятдан ташқари ўлка ҳукуматларига ҳам, агар зарур деб ҳисобласа, ўлка ҳокимиятларига ҳам кўрсатмалар бериши ва шу ваколатни ўлка ҳукуматларининг ўзи белгилайдиган аъзоларига ҳам топшириши.

(2) Бундестаг, Бундесрат ва қўшма комитет биринчи абзазга мувофиқ кўрилган чора-тадбирлардан дарҳол хабардор қилинишлари лозим.

115-г модда.

Федерал Конституциявий суднинг конституциявий мавқеига, унга ва унинг судьяларига ўз конституциявий вазифаларини бажаришларига зарар етказилиши мумкин эмас. Федерал Конституциявий суд тўғрисидаги қонун қўшма комитет қонуни билан бу нарса фақат Федерал Конституциявий суднинг фикрига кўра унинг фаолият кўрсатишини сақлаб қолиш учун зарур бўлсагина ўзгартирилиши мумкин. Бундай қонунни қабул қилишдан олдин федерал Конституциявий суд суднинг иш қобилиятини сақлаб қолиш учун зарур чоралар кўриши мумкин. Иккинчи ва учинчи жумлаларга мувофиқ қабул қилинган қарорлар иштирок этаётган судьяларнинг кўпчилик овози билан федерал Конституциявий суд томонидан қабул қилинади.

115-һ модда.

(1) Бундестаг ва ўлкалар ҳалқ вакиллик органларининг мудофаа ҳолати вақтида тугайдиган ваколатлари муддати мудофаа ҳолати тамом бўлгандан кейин олти ой ўтгач тугайди. Федерал Президентнинг мудофаа ҳолати вақтида тугайдиган ваколатлари муддати, шунингдек, у муддатидан олдин лавозимидан озод қилинадиган бўлса, унинг ваколатларини Бунесрат президенти томонидан бажарилиши мудофаа ҳолати тамом бўлгандан кейин тўққиз ой ўтгач тугайди. Федерал Конституциявий суд аъзосининг мудофаа ҳолати вақтида тамом бўладиган ваколатлари муддати мудофаа ҳолати тамом бўлгандан кейин олти ой ўтгач тугайди.

(2) Агар федерал Канцлерни қўшма комитет сайлаши талаб қилинадиган бўлса, у янги федерал Канцлерни ўз аъзоларининг кўпчилиги билан сайлайди; Федерал

Президент құшма комитетта тақлиф кирилады. Құшма комитет фақаттана үз аъзоларининг учдан иккى қисмидан иборат күпчилиги овози орқали Федерал Қанцлер ўрнига ворис сайлаш йўли билан унга ишончсизлик билдириши мумкин.

(3) Мудофаа ҳолати даврида Бундестагни тарқатиб юбориш мумкин эмас.

115-і модда.

(1) Агар ваколатли федерал органлар хавфни бартариф қилиш учун зарур чора-тадбирлар кўриш имкониятидан маҳрум этилган бўлса-ю, вазият федерал ҳудуднинг айрим қисмларида дарҳол мустақил ҳаракатлар қилишини талаб этса, ўлка ҳукуматлари ёки бу ҳукуматлар белгилаган раҳбарлар ёхуд вакиллар 115-ғ модданинг биринчи абзацияга мувофиқ үз ваколатлари доирасида чора-тадбирлар кўрини ҳуқуқиңга эгадирлар.

(2) Биринчи абзацияга мувофиқ кўрилган чора-тадбирлар федерал Ҳукумат томонидан исталган вақтда бекор қилиниши, ўлкаларнинг ҳокимиятларига ва қўйи федерал ҳокимиятларга нисбатан эса — ўлкаларнинг министр-президентлари томонидан бекор қилиниши мумкин.

115-к модда.

(1) 115-с, 115-е, 115-ғ моддаларда назарда тутилган қонунларни ва ана шу қонунлар асосида чиқарилган ҳуқуқий қарорларни қўлланиш даврида зид келувчи ҳуқуқ татбиқ этилмайди. Бу илгари амал қилган, 115-с, 115-е, 115-ғ моддалар туфайли чиқарилган ҳуқуққа таллуқли эмас.

(2) Құшма комитет қабул қилган қонунлар ва мазкур қонунлар асосида чиқарилган ҳуқуқий қарорлар мудофаа ҳолати тамом бўлгандан кейин кўпи билан олти ой ўтгач үз кучини йўқотади.

(3)¹ 91-а, 91-б, 104-а, 106 ва 107-моддаларнинг қоидаларидан четга чиқишини тартибга солишини үз ичига олган қонунлар кўпи билан мудофаа ҳолати тамом бўлгандан кейин бошланадиган иккинчи бюджет йилининг охиригача амал қиласиди. Улар мудофаа ҳолати тамом бўлгандан кейин VIII-а ва X бўлимларга мувофиқ тартибга солишига ўтиш мақсадида Бундесрат розилиги би-

¹ 1969 йил 12 майдаги қонун таҳририда.

лан қабул қилинадиган Федерал Қонун йўли билан ўзгартирилиши мумкин.

115-1 модда.

(1) Бундестаг Бундесратнинг маъқуллаши билан қўшма комитетнинг қонунларини исталган вақтда бекор қилиши мумкин. Бундесрат Бундестагдан ҳал қилишни талаб этиши мумкин. Хавф-хатарни бартараф қилиш мақсадида қўшма комитет ёки федерал Ҳукумат томонидан кўрилган бошқа чора-тадбирлар, агар буни Бундестаг ва Бундесрат ҳал этса, бекор қилиниши лозим.

(2) Бундестаг Бундесратнинг маъқуллаши билан федерал Президент эълон қиладиган қарор йўли билан мудофаа ҳолати тамом бўлганлигини исталган вақтда эълон қилиши мумкин. Бундесрат Бундестагдан буни ҳал қилишни талаб этиши мумкин. Мудофаа ҳолати, агар уни қайд қилиш учун шарт-шароитларнинг мавжудлиги тўхтаган бўлса, у тугаган, деб дарҳол эълон қилиниши лозим.

(3) Сулҳ тузиш тўғрисидаги қарор федерал қонун чиқариш воситасида қабул қилинади.

XI. Утиш ва якуний қоидалар

116-модда.

(1) Ушбу Асосий қонуннинг маъносига кўра, герман фуқаролигига эга бўлган ёки Германия империясининг ҳудудида, унинг 1937 йил 31 декабрдаги ҳолатига мувофиқ, немис миллатига мансуб бўлган қочоқ ёки кўчирма қилинган шахс сифатида, ёхуд ана шу шахслардан бирининг эри ёки авлоди сифатида қабул қилинган шахс, агар қонунда бошқа нарсалар белгиланмаган бўлса, немис ҳисобланади.

(2) 1933 йил 30 январь билан 1945 йил 8 май ораглиғида сиёсий, ирқий ёки диний сабабларга кўра фуқароликдан маҳрум этилган собиқ герман фуқаролари, шунингдек, уларнинг авлодлари ўз аризалари бўйича фуқароликка тикланади. Улар агар 1945 йил 8 майдан кейин Германияда турар жойга эга бўлган бўлсалар ва қарши хоҳиш билдирамаган бўлсалар, фуқароликларни йўқотмаган ҳисобланадилар.

117-модда.

(1) З-модданинг иккинчи абзаци қоидаларига зид

келувчи ҳудуд Асосий қонуннинг ушбу қоидаси билан келишиб олгунга қадар, лекин кечи билан 1953 йилнинг 31 марта гача кучида қолади.

(2) Ҳозирги вақтда турар жойга бўлган муҳтоjлик сезилаётганлиги сабабли бир жойдан иккинchi жойга кўчиш эркинлигини чекловчи қонунлар уларни федерал қонун бекор қилмагунча ўз кучида қолади.

118-модда.

Баден, Вюртемберг-Баден ва Вюртемберг-Гогенцоллерн ўлкаларини ўз ичига олувчи ҳудудни қайта қуриш манфаатдор ўлкалар билан бир битимга келган ҳолда 29-модда кўрсатмаларидан четга чиқиш тарзида амалга оширилиши мумкин. Бир битимга келинмаган тақдирда ҳудуд Федерал қонун билан тартибга солинади.

119-модда.

Қочоқлар ва кўчирма қилинган шахслар ишлари, хусусан уларни ўлкаларда жойлашириш бўйича федерал Ҳукумат Бундесратнинг маъқуллаши билан федерал қонунчилик то тартибга солингунча қонун кучига эга бўлган қарорлар чиқариши мумкин. Шу билан бирга Федерал Ҳукумат маҳсус ҳолларда айrim кўрсатмалар беришга вакил қилиниши мумкин.

Бу кўрсатмалар ўлкаларнинг юқори ҳокимиятларига юборилиши лозим, кечиктириб юбориш хавфи бўлган ҳоллар бундан мустаснодир.

120-модда.

(1)¹ Федерация оккупация эҳтиёжларига кетадиган харажатларни ва уруш туфайли келиб чиқадиган бошқа ички ва ташқи мажбуриятлар бўйича харажатларни федерал қонунларнинг батафсил қоидаларига мувофиқ ўз зиммасига олади. Уруш туфайли келиб чиқадиган бу мажбуриятлар 1969 йилнинг 1 октябригача бўлган федерал қонунлар билан қай даражада тартибга солиб келинган бўлса, Федерация ва ўлкалар уларни ана шу федерал қонунлар билан белгиланадиган пропорцияларда уруш туфайли келиб чиқадиган мажбуриятлар дарожасида зиммаларига оладилар, бу мажбуриятлар 1965 йилнинг 1 октябригача бўлган федерал қонунлар билан

¹ 1965 йил 30 июль ва 1969 йил 28 июлдаги қонунлар таҳририда.

Белгиланмаган ва белгиланмайдиган бўлиб, ўлкалар, жамоалар, жамоа бирлашмалари ҳамда ўлкалар ва жамоаларнинг вазифаларини бажарувчи бошқа тузилмалардан ундириб келинган. Федерация ана шу санадан кейин ҳам бу хилдаги харажатларни ўз зиласига олиши шарт эмас. Федерацияга ижтимоий сугурта бўйича мажбуриятларни, шу жумладан ишсизлик бўйича сугуртани ва ишсизлик бўйича нафақаларни маблағ билан таъминлаш вазифаси юкланган. Уруш туфайли келиб чиқадиган мажбуриятларни Федерация ва ўлкалар ўртасида ушбу абзац билан тартибга солинган ҳолда тақсимлаш уруш натижасида кўрилган заرارлар ўрнини қоплаш бўйича эътиrozларни қонун йўли билан тартибга солишига дахл қилмайди.

(2) Даромадлар Федерацияга у ўзига харажатларни қабул қилган муддатда келиб тушади.

120-а модда¹.

(1) Мажбуриятларни қоплашга мўлжалланган қонунлар Бундесратнинг маъқуллаши билан шу нарсани белгилаши мумкинки, мажбуриятларни қоплаш соҳасида улар қисман Федерация томонидан, қисман Федерациянинг топшириғига мувофиқ, ўлкалар томонидан ижро этилади ва бу соҳада федерал Ҳукумат ҳуқуқ доирасига ва 85-модда асосида Федерациянинг тегишли юқори ҳокимиятлари ҳуқуқ доирасига кирадиган ваколатлар мажбуриятларни тўлиқ ва қисман қоплаш бўйича федерал идорага топширилади. Федерал идоранинг мажбуриятларни қоплаш соҳасидаги ўз ваколатларини амалга ошириши учун Бундесратнинг розилиги талаб қилинмайди, унинг кўрсатмалари, зарур ҳоллардан ташқари, ўлкаларнинг юқори ҳокимиятларига (мажбуриятларни қоплаш бўйича ўлка идораларига) юборилиши лозим.

(2) 87-моддадаги учинчи абзацининг иккинчи жумласидаги мавжуд қондалар ўзгармасдан қолади.

121-модда.

Бундестаг ва федерал мажлиснинг кўпчилик аъзолари, ушбу Асосий қонунга мувофиқ, уларнинг қонуний аъзолари сонининг кўпчилиги ҳисобланади.

122-модда.

(1) Бундестагнинг биринчи мажлисидан бошлаб қо-

¹ 1952 йил 14 авгуstdаги қонун билан киритилган.

чундар фақат ушбу Асосий қонун билан эътироф этидан қонун чиқарувчи ҳокимиятлар томонидан қабул қилинади.

(2) Шу пайтдан бошлаб биринчи абзацга мувофиқ ваколати тугамайдиган қонун чиқарувчи ва қонунни маслаҳатлашиб оловчи корпорациялар тарқатиб юборилади.

123-модда.

(1) Бундестагнинг биринчи мажлисига қадар амал қилган ҳуқуқ амал қилишда давом этади, чунки у Асосий қонунга зид келмайди.

(2) Германия империяси томонидан тузилган ва ушбу Асосий қонунга мувофиқ ўлкаларнинг қонунчилиги ваколатли ҳисобланган мавзуларга тааллуқли давлат шартномалари сақланиб қолади (агар улар умумий ҳуқуқ тамоилларига мувофиқ ҳақиқий бўлса) ва қатнашчиларнинг барча ҳуқуқлари ва эътиrozларини ҳисобга олган ҳолда ушбу Асосий қонунда назарда тутилган қонун билан ваколатли органлар томонидан янги шартномалар тузилгунга қадар ёки уларда мавжуд бўлган қоидалар асосида уларнинг амал қилиши тўхтагунга қадар кучга эга бўлади.

124-модда.

Федерациянинг мутлақ қонун чиқарувчи ваколати мавзуларига тааллуқли бўлган ҳуқуқ ўзи амал қиладиган соҳада федерал ҳуқуқ ҳисобланади.

125-модда.

Федерациянинг рақобатли қонун чиқарувчи ваколати мавзуларига тааллуқли бўлган ҳуқуқ ўзи амал қилалигига соҳада федерал ҳуқуқ ҳисобланади:

1) агар бу ҳуқуқ босиб олинган битта ёки бир нечта зонада бир хилда амал қилса;

2) агар 1945 йилнинг 8 майидан кейин аввалги империя ҳуқуқини ўзgartирган ҳуқуқ ҳақида гап юритиляётган бўлса.

126-модда.

Ҳуқуқ федерал ҳуқуқ сифатида амал қилишда давом этяптими ёки йўқми, деган масалада фикрлар бир-биридан фарқ қилган тақдирда қарорни федерал Конституциявий суд қабул қиласи.

127-модда.

Федерал Ҳукумат маңбаатдор ўлкаларнинг ҳукуматлари розилиги билан ушбу Асосий қонун эълон қилингандан кейин бир йил мобайнида Баден, Катта Берлин, Рейнланд-Пфальц ва Вюртемберг-Гогенцоллерн ўлкаларида бирлашган иқтисодий зонани бошқариш ҳуқуқини жорий этиши мумкин, чунки бу ҳуқуқ 124 ва 125-моддаларга мувофиқ федерал ҳуқуқ сифатида амал қилишда давом этади.

128-модда.

Амал қилишда давом этаётган ҳуқуққа кўра 84-модданинг бешинчи абзаци маъносида кўрсатмалар бериш ҳуқуқи назарда тутилганлиги сабабли, масала қонун билан янгидан тартибга солингунча бу ҳуқуқлар ўз кучида қолади.

129-модда.

(1) Федерал ҳуқуқ сифатида амал қилиб келаётган ҳуқуқий йўл-йўриқлар, ҳуқуқий қарорлар ёки умумий маъмурий йўл-йўриқлар, шунингдек, маъмурий ҳужжатлар чиқариш ваколатини ўз ичига олганлиги сабабли бу ваколат ҳозирги вақтда ҳақиқатда ваколатли бўлган органларга берилади. Шубҳалар туғилган тақдирда масалани федерал Ҳукумат Бундесрат билан келишилган ҳолда ҳал қиласи; қарор эълон қилиниши керак.

(2) Ўлкаларнинг ҳуқуқи сифатида амал қилиб келаётган худди шундай ваколат ҳуқуқий йўл-йўриқларда ҳам мавжуд бўлганлиги сабабли бу ваколат ўлкаларнинг ҳуқуқига мувофиқ ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

(3) Биринчи ва иккинчи абзацларга мувофиқ, ҳуқуқий йўл-йўриқлар уларни ўзгартиш ёки тўлдириш, ёхуд қонунлар ўрнига ҳуқуқий йўл-йўриқлар чиқариш ваколатларини берганлиги сабабли, бу ваколатлар бекор қилинади.

(4) Модданинг биринчи ва иккинчи абзацларидаги йўл-йўриқлар тегишли равишда амал қиласи, чунки бу ҳуқуқий йўл-йўриқларда эндиликда амал қилмайдиган йўл йўриқларга, эндиликда мавжуд бўлмаган муассасаларга ҳавола қилинган.

130-модда.

(1) Маъмурият органлари ва бошқа оммавий маъму-

рият муассасалари ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш муассасалари (лекин ўлкаларнинг ҳуқуқига ёки ўлкалар ўртасидаги давлат шартномаларига асосланмайдиган муассасалар), шунингдек, Германиянинг жануби-ғарбий темир йўллари корхоналарининг бирлашмаси ҳамда почта, телеграф, телефон маъмурий кенгаши ва француз оккупация зonasининг радиоси федерал ҳукуматга бўйсунади. Федерал Ҳукумат Бундесратнинг маъқуллаши билан уларни топшириш, тарқатиб юбориш ёки тугатишни тартибга солади.

(2) Мазкур бошқармалар ва муассасаларнинг хизматчилари учун интизомни назорат қилувчи юқори бошлиқ ваколатли федерал министр ҳисобланади.

(3) Бевосита ўлкалар ихтиёрида бўлмаган ва ўлкалар ўртасида тузилган давлат шартномалари асосида иш олиб бормайдиган корпорациялар ва оммавий ҳуқуқ муассасалари Федерациянинг юқори ваколатли ҳокимиятлари томонидан назорат қилиниши керак.

131-модда.

1945 йилнинг 8 майигача оммавий хизматда бўлган аммо уни хизматга алоқадор бўлмаган ёки тариф қоидалари билан боғлиқ бўлмаган ҳолатда тарк этган, ҳозиргача улардан фойдаланилмаётган, агар фойдаланилаётган бўлса ҳам, аввалги мавқеларига мувофиқ фойдаланилмаётган шахсларнинг, шу жумладан қочоқлар ва кўчирма қилинган шахсларнинг ҳуқуқий аҳволи, федерал қонун билан тартибга солиниши керак. Бу ҳол, шунингдек 1945 йилнинг 8 майигача таъминот ҳуқуқига эга бўлган ва нохизмат тарзидағи сабабларга ҳамда тариф қоидалари билан боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра энди ҳеч қандай ёки тегишли таъминотни олмаётган шахсларга, шу жумладан қочоқлар ва кўчирма қилинган шахсларга ҳам тааллуқлидир. Федерал қонун кучга кирмагунча улар, агар ўлкалар ҳуқуқида бошқа нарсалар белгиланмаган бўлса, ҳеч қандай даъволар билдиришлари мумкин эмас.

132-модда.

(1) Ушбу Асосий қонун кучга кирган пайтда олдиндан умрбод лавозимга тайинланган амалдорлар ва судьялар, агар шахсий ёхуд ишчанлик нуқтаи назаридан ўз лавозимига яроқсиз бўлсалар, Бундестагнинг биринчи мажлиси бўлган пайтдан эътиборан олти ой мобайнида

истеъфога чиқарилишлари ёки штатдан ташқаридан қолдирилишлари ёки камроқ иш ҳақи тўланадиган лавозимга ўтказилишлари мумкин. Бу йўл-йўриқ, шунингдек, хизмат муносабати бекор қилинмайдиган хизматчиларга нисбатан ҳам татбиқ этилади. Хизмат муносабати бекор қилиниши мумкин бўлган хизматчилар учун тарифли тартибга солиш чегарасидан ташқари чиқмаган муддатлар, кўрсатилган муддат чегарасидан чиқмаган ҳолда, бекор қилиниши мумкин.

(2) Бу қоида «Национал-социализм ва милитаризм-дан озод бўлиш тўғрисида»ги йўл-йўриқлар дахлдор бўлмаган оммавий хизматдаги хизматчиларга ёки национал-социализм томонидан таъқибга учраганлиги аниқланган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди, чунки улар шахсиятининг ўзи жиддий эътироэларга сабаб бўлади.

(3) Бу йўл-йўриқлар тааллуқли бўлган шахслар 19-модданинг тўртинчи абзацига мувофиқ судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

(4) Тафсилотлари Федерал Ҳукуматининг Бундесрат маъкуллаши лозим бўлган қарори билан белгиланади.

133-модда.

Федерация Бирлашган иқтисодий зонани бошқариш соҳасидаги ҳуқуқ ва вазифаларга киришади.

134-модда.

(1) Империянинг мол-мулки асос эътибори билан федерациянинг мол-мулкидир.

(2) Бу мол-мулк ўзининг дастлабки мақсадли вазифасига кўра, асосан маъмурий вазифаларга йўналтирилганлиги сабабли, бу вазифалар ушбу Асосий қонунга мувофиқ Федерациянинг маъмурий вазифаларига кирмайди. У вазифаларнинг ваколатли эгаларига ва ўлкаларга бепул берилиши лозим, чунки у ўзининг аввалги қатъий вазифасига кўра, Асосий қонунга мувофиқ ўлкалар томонидан бажарилиши керак бўлган маъмурий вазифаларга хизмат қиласи; Федерация ўлкаларга бошқа мол-мулк ҳам бериши мумкин.

(3) Ўлкалар ва жамоалар (жамоа бирлашмалари) томонидан империя ихтиёрига бепул тақдим этилган мол-мулк яна ўлкалар ва жамоалар (жамоа бирлашмалари) мулкига айланади, чунки у Федерациянинг ўз маъмурий вазифаларини бажариши учун керак бўлмайди.

(4) Тафсилотлари Бундесрат маъқуллаши керак бўлган Федерал қонун билан тартибга солинади.

135-модда.

(1) Агар 1945 йилнинг 8 майи билан ушбу Асосий қонун кучга кирган вақт оралиғидаги даврда ҳудуднинг ўлкага мансублиги ўзгарган бўлса, у ҳолда бу ҳудудда турган ва мазкур ҳудуд тегишли бўлган ўлканинг молмулки ҳозирги вақтда ҳудуд тегишли бўлган ўлкага ўтади.

(2) Эндиликда мавжуд бўлмаган ўлкалар ва эндиликда мавжуд бўлмаган корпорациялар ва оммавий ҳуқуқ муассасаларининг молмулки ўзининг дастлабки мақсадли вазифасига кўра, асосан маъмурий вазифаларни бажаришга мўлжалланганлиги ёки ўзининг аввалги қатъий равишда фойдаланишига кўра, асосан маъмурий вазифаларга хизмат қилиши туфайли, ҳозирги вақтда бу вазифаларни бажариб турган ўлкага, корпорацияга ёки оммавий ҳуқуқ муассасасига ўтади.

(3) Эндиликда мавжуд бўлмаган ўлкаларнинг ермулки, шу жумладан унга мансуб бўлган буюмлар ҳақицидаги ўлканинг ҳудудида бўлса ўша ўлкага ўтади, чунки энди у биринчи абзацга мувофиқ молмулк ҳисобига кирмайди.

(4) Агар Федерациянинг қатъий манфаатлари ёки бирон бир ҳудуднинг алоҳида манфаатлари талаб қиласа, федерал қонун билан 1—3-абзацлардан четта чиқадиган тартибга солиш жорий этилиши мумкин.

(5) Колган ҳолларда ҳуқуқ ворислиги ва молмулкини тақсимлаш, агар у 1952 йилнинг 1 январигача манфаатдор ўлкалар ёки корпорациялар ва оммавий ҳуқуқ муассасалари ўртасида битим тузиш йўли билан амалга оширилмаган бўлса, Бундесрат маъқуллаши лозим бўлган федерал қонун билан тартибга солиниши керак.

(6) Собиқ Пруссия ўлкасининг хусусий ҳуқуқ ишларида иштирок этиши Федерацияга ўтади. Тафсилотлари қонун билан тартибга солинади, бу қонун ҳам четта чиқишиларни назарда тутиши мумкин.

(7) Агар ушбу модданинг биринчидан учинчигача бўлган абзацларига мувофиқ молмулк бирон-бир ўлкага, корпорацияга ёки оммавий ҳуқуқ муассасасига бериладиган бўлса, бу ишга ўша вақтда ўлка қонуни билан ёки ўлка қонуни асосида ёхуд Асосий қанун кучга кириши вақтида бошқа усул билан вакил этилган бирон

бир шахс фармойиш берган бўлса, у ҳолда бу мол-мулк-тый¹ топшириш тилга олиб ўтилган фармойишдан олдин содир этилган ҳисобланади.

135-а модда¹.

(1) 134-модданинг тўртинчи абзаци ва 135-модданинг бешинчи абзаци билан Федерация ихтиёрига берилган қонунларда ҳам қўйидагилар бажарилмаслиги ёки тўлиқ бўлмаган ҳолда бажарилиши назарда тутилвон мумкин:

1) империя мажбуриятлари, шунингдек, собиқ Прусия ўлкасининг ва эндиликда мавжуд бўлмаган бошқа корпорациялар ва оммавий ҳуқуқ муассасаларининг мажбуриятлари;

2) 89, 90, 134 ва 135-моддаларга мувофиқ мол-мулк бойликларини топшириш билан боғлиқ бўлган Федерация мажбуриятлари ёки бошқа корпорациялар ва оммавий ҳуқуқ муассасаларининг мажбуриятлари, шу ҳуқуқ эгаларининг мажбуриятлари, биринчи бандда кўрсатиб ўтилган ҳуқуқ эгаларининг хатти-ҳаракатларига асосланган мажбуриятлари;

3) ўлкалар ва жамоалар (жамоа бирлашмалари) нинг эслатиб ўтилган ҳуқуқ эгалари томонидан 1945 йилнинг 1 августигача содир этилган ҳаракатлардан келиб чиқадиган мажбуриятлари; булар босқинчи маъмурларнинг буйруқларини бажариш чоғида, ёки империяга қарашли бўлган доираларда ҳарбий ҳаракатлар келтириб чиқарган фалокатларга барҳам бериш ёки империя томонидан юкланган маъмурий вазифаларни бажариш чоғида амалга оширилган.

(2)² Биринчи абзац тегишли равишда Германия Демократик Республикасининг ёки унинг ҳуқуқ субъектларининг мажбуриятларига, шунингдек, Федерация мажбуриятларига, Германия Демократик Республикаси мол-мулк бойликларининг Федерацияга, ўлкалар ва жамоаларга ўтиши билан боғлиқ бўлган бошқа корпорациялар ва оммавий ҳуқуқ муассасалари мажбуриятларига, Германия Демократик Республикаси ёки унинг ҳуқуқ субъектларининг тадбирларига асосланган мажбуриятларга ҳам татбиқ этилади.

¹ 1957 йил 22 октябрдаги қонун билан киритилган.

² 1990 йил 31 августдаги Бирлашиб тўғрисидаги шартнома билан киритилган.

136-модда.

(1) Бундесрат биринчи марта Бундестаг биринчи мажлис ўтказадиган кунда түпланади.

(2) Биринчи федерал Президент сайлангунга қадар унинг вазифаларини Бундесрат президенти бажариб туради. У Бундестагни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга эмас.

137-модда.

(1)¹ Амалдорлар, оммавий хизматдаги хизматчилар, касбан солдат бўлганларнинг ва муддати белгиланган қўнгилли солдатларнинг ҳамда Федерация, ўлкалар ва жамоалар судъяларининг сайланиши қонун йўли билан чекланиши мумкин.

(2) Биринчи Бундестагни, биринчи федерал мажлиси ва Федератив Республиканинг биринчи федерал Президентини сайлашда тегишли сайлов қонуни амал қиласди, бу қонунни Парламент кенгаши қабул қилиши лозим.

(3) Федерал Конституциявий суднинг 41-модда иккичи абзацида назарда тутилган ваколатлари уни таъсис этгунга қадар бирлашған иқтисодий зона учун олий герман суди томонидан амалга оширилади, бу суд ўзининг иш юритиш ҳақидаги низомига мувофиқ қарорлар чиқаради.

138-модда.

Баден, Бавария, Вюртемберг-Баден ва Вюртемберг-Гогенцоллерн ўлкаларидаги нотариатнинг мавжуд тузилишига киритиладиган ўзгаришларга мазкур ўлкалар ҳукуматларининг розилик бериши талаб қилинади.

139-модда.

«Немис халқини национал-социализм ва милитаризмдан озод қилиш тўғрисида»ги ҳуқуқий йўл-йўриқлар ушбу Асосий қонун қоидаларида тилга олиб ўтилмайди.

140-модда.

1919 йилнинг 11 августидаги Германия Конституциясининг 136, 137, 138, 139 ва 141-моддалари қоидалари ушбу Асосий қонуннинг таркибий қисмлари ҳисобланади².

¹ 1956 йил 19 марта қонун таҳририда.

² Мазкур моддалар қўйида келтирилади.

141-модда.

7-модда учинчи абзацинг биринчи жумласи 1949 йилнинг 1 январигача бошқача тартибда амал қилинган ўлкага татбиқ этилмайди.

142-модда.

31-моддада келтирилган йўл-йўриқларга қарамасдан, ўлкалар конституцияларининг қоидалари ўз кучида қолади, чунки улар ушбу Асосий қонуннинг 1—18-моддадарига мувофиқ асосий ҳуқуқларни кафолатлайди.

142-а модда (бекор қилинган)¹.

143-модда².

(1) Бирлашиш тўғрисидаги шартноманинг 3-моддасида тилга олиб ўтилган ҳудудда амал қилувчи ҳуқуқ 1992 йил 31 декабрдан кечиктирилмай ушбу Асосий қонун қоидаларидан четга чиқиши мумкин, чунки фарқ қилувчи муносабатлар туфайли Асосий қонунга мос келувчи тузумга тўлиқ мувофиқлашиш ҳали таъмин этилиши мумкин эмас.

Четга чиқишлиар 19-модданинг иккинчи абзаци қоидаларини буза олмайди ва 79-модданинг учинчи абзацида кўрсатилган тамойилларга мос келиши лозим.

(2) II, VfIII, VIII-а, IX, X ва XI бўлимларнинг қоидаларидан четга чиқишлиарга 1995 йилнинг 31 декабридан кечиктирилмай йўл қўйилади.

(3) Бирлашиш тўғрисидаги шартноманинг 41-моддаси биринчи ва иккинчи абзацларидан қатъи назар уни амалга ошириш қоидалари шу сабабли татбиқ этиладики, мазкур шартноманинг 3-моддасида тилга олинган ҳудудда мулкчиликка аралашиш энди бекор қилиниши мумкин эмаслиги назарда тутилган.

143-а модда³.

(1) Федерация федерал мулк ҳисобланган федерал

¹ Дастлабки таҳрири 1951 йил 30 августдаги қонун билан бекор қилинган. Янги таҳрири 1956 йил 19 марта даги қонун билан киритилган ва 1968 йил 24 июнданги қонун билан бекор қилинган.

² Дастлабки таҳрири 1951 йил 30 августдаги қонун билан бекор қилинган. Янги таҳрири 1954 йил 25 марта даги қонун билан киритилган ва 1968 йил 24 июнданги қонун билан бекор қилинган. Ушбу таҳрири 1990 йил 31 августдаги Бирлашиш тўғрисидаги Шартнома билан киритилган.

³ 1993 йил 20 декабря даги қонун билан киритилган.

темир йўлларни ҳўжалик корхоналарига айлантириш тўғрисида мутлақ қонун чиқарувчилик ҳуқуқига эгадир, 87-е модданинг бешинчи абзаци тегишли равища таъбиқ этилади. Федерал темир йўлларнинг хизматчилари ўз ҳуқуқий мақомларига ва эгалик масъулиятига риоя қилганлари тақдирда, Федерациянинг хусусий ҳуқуқ асосида ташкил этилган темир йўллари ихтиёрига ўтказилишлари мумкин.

(2) Биринчи абзацга мувофиқ қонунларни Федерация ижро этади.

(3) Федерацияга тегишли бўлган темир йўлларда йўловчилар ташиш соҳасидаги вазифаларни бажариш Федерация ихтиёрига берилади. Бу нарса темир йўлларни бошқариш соҳасидаги тегишли вазифаларга ҳам тааллуқлидир. Тафсилотлари Бундесрат томонидан маъқулланадиган федерал қонун билан тартибга солинади.

143-б модда¹.

(1) Германия федерал почтасининг мол-мулки федерал қонунга мувофиқ хусусий ҳуқуқ корхоналарига топширилади. Федерация барча келиб чиқадиган оқибатларга нисбатан мутлақ қонун чиқариш ваколати ҳуқуқига эгадир.

(2) Федерация ўзининг мутлақ ҳуқуqlари асосида федерал қонун чиқариш йўли билан Германия федерал почтаси (ПОСТДИНСТ) ва Германия Федерал почтаси (ТЕЛЕКОМ) асосида ташкил этилган корхоналарни улар қайта тузилишига қадар ўтиш даврига топшириши мумкин. Қонун кучга киргандан кейин кўпи билан беш йилдан кейин Федерация сармоянинг катта қисмини Германия федерал почтаси (ПОСТДИНСТ) ворислари бўлган корхоналарга топшириш ҳуқуқига эгадир. Буннинг учун Бундесратнинг розилиги билан федерал қонун қабул қилиниши талаб этилади.

(3) Германия федерал почтасининг хизматчилари ўз ҳуқуқий мақомларига ва эгалик масъулиятига риоя қилган ҳолда хусусий ҳуқуқ корхоналарида ишлашин давом этирадилар. Тадбиркорлар эгалик ҳуқуқини амалга оширадилар. Тафсилотлари федерал қонун билан тартибга солинади.

144-модда.

(1) Ушбу Асосий қонун ўзи амал қила бошлаши ло-

¹ 1994 йил 30 августдаги қонун билан киритилган.

зим бўлган герман ўлкалари учдан икки қисмининг халқ вакиллари томонидан қабул қилиниши лозим.

(2) Ушбу Асосий қонунни 23-моддада санаб ўтилган ўлкалардан бирида ёки бу ўлкаларнинг бир қисмида татбиқ этиш чеклашларга сабаб бўлса, бундай ўлка ёки унинг қисми ўз вакилларини 38-моддага мувофиқ Бундестагга ва 50-моддага мувофиқ Бундесратга юбориш ҳукуқига эгадир.

145-модда.

(1) Парламент кенгаси Катта Берлин депутатларининг оммавий мажлисда иштирок этиши билан ушбу Асосий қонуннинг қабул қилинишини тасдиқлади, уни расмийлаштиради ва эълон қиласди.

(2) Ушбу Асосий қопун ўзи эълон қилинган кун ўтиши билан кучга киради.

(3) У «Бундесгезетцблатт»да эълон қилиниши керак.

146-модда¹.

Германиянинг бирлиги ва эркинлигига эришилгандан кейин бутун немис халқи учун амал қиласидиган ушбу Асосий қонун немис халқининг эркин азму қарори билан қабул қилинган Конституция кучга кирган кунда ўзининг амал қилишини тўхтатади.

Рейндаги Боннда 1949 йил 23 майда тузилди.

Д-р Аденауэр

Парламент кенгашининг Президенти.

Шопфельдер

Биринчи Вице-президент.

Д-р Шефер

Иккинчи Вице-президент.

² 1990 йил 31 августдаги Бирлашиш тўғрисидаги шартнома таҳририда.

МУНДАРИЖА

Жаҳон конституцияларига умумий таъриф	3
Жаҳон конституциялари	45
Австрия	46
Озарбайжон	153
Жазойир	212
Арманистон	227
Беларусь	258
Болгария	306
Буюк Британия	349
Германия	371

ЖАҲОН ҚОНСТИТУЦИЯЛАРИ

I ЖИЛД

Муаллифлар ва тузувчилар: *У. Тожиконов, А. Сайдов.*

Муҳаррир: *Қодир Мирмуҳамедов.*

Рассом: *Зиёд Абдурасулов*

Техник муҳаррир: *Марҳабо Мирилёсова*

Босмахонага берилди 19.08.2000 йил. Босишига 21.11.2000 йил рухсат этилди. Қоғоз бичими $84 \times 108^{1/32}$. Босма табори 14,25. Шартли босма табори 23,9. Нашриёт ҳисоб табори 24,0. Адади 1000. 4201 буюртма. Нархи шартнома асосида.

Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. «Адолат» нашриёти, 700047, Тошкент, Сайилгоҳ кӯчаси, 5-үй.

Узбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг 1-босмахонасида босилди. 700002, Тошкент, Сағбон кӯчаси, 1-берк кўча, 2-үй.